

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
ҲУҚУҚ**

**ЭНЦИКЛОПЕДИК  
ЛУҒАТ**

Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоаси раҳбари  
**Бўритош Мустафоев**, Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазири, Биринчи даражали Давлат Адлия маслаҳатчиси,  
олий малака даражали судья

Тошкент – 2006 йил

67,400 (5У) я2

К 68

**Муаллифлар жамоаси:**

**Мустафоев Бўритош** – Биринчи даражали Давлат Адлия маслаҳатчиси, олий малака даражали судья, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

**Халилов Эркин Ҳамдамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери;

**Абдусаломов Мирзоулғбек Элчиевич** – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиянинг Раиси, юридик фанлар номзоди;

**Бозоров Узок** – юридик фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси;

**Файзиев Мириной Мирзаахмедович** – профессор;

**Одилқориев Ходжимурод Тўхтамуродович** – профессор;

**Хусанов Озод Тиллабович** – профессор;

**Тўлаганов Абдужаббор** – профессор;

**Мамадалиев Шавкат Олмасбаевич** – фалсафа фанлари доктори;


**Тулътеев Ильёс Тавасович** – доцент;

**Мухамедов Ўткирбек Ҳазратқулович** – доцент;

**Авезов Ҳабибулла Қутлимуродович**, сиёсатшунос.

Ю-35101  
3

Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик лугат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари **Б. Мустафоев** – Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. – 584 бет.



ББК 67,400(5У) я2

Ушбу нашр давлат-ҳуқуқий атамаларининг энциклопедик лугатидир. У Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан бойитилган энг замонавий Конституциявий сўз бойлигини ўз ичига олди. Лугатда, шунингдек ўтган йилларда қўлланилиб келинган конституциявий-ҳуқуқий атамалар ҳам ўз аксини топди. Юридик ҳужжатларга кирган атамалар билан бир қаторда конституциявий ҳуқуқ фани ва унга туташ фанларнинг аксари қондалари ҳамда сиёсатшунослик, жамиятшунослик ва бошқа фанларнинг ҳуқуқда қўлланиладиган атамаларига изоҳлар берилди.

Лугат турли даражадаги депутатлар, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари девоуларининг ходимлари ҳамда ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, фалсафа ва бошқа ижтимоий соҳалар бўйича ўқув юртларининг талабалари, аспирантлари ва ўқитувчилари ҳамда давлат ва ҳуқуқ муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

724-2006

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2006

## Муқаддима

Мазкур нашр – давлат-ҳуқуқий атамалар энциклопедик луғати – ахборот-маълумот хусусиятига эга. Луғат кенг китобхонлар оммасига, жумладан махсус юридик тайёргарликка эга бўлмаган шахсларга ҳам мўлжалланган.

Шунинг билан бирга, ушбу луғатни тайёрлашда бир қанча мулоҳазалар алоҳида эътиборга олинди.

Биринчидан, муаллифлар китобни қўлига олган оддий китобхонлар ҳам муайян тайёргарликка, билим доирасига эга эканлигига умид қиладилар. Шунинг учун муаллифлар материални сунъий равишда соддалаштириш йўлини тутмадилар. Шунга қарамай, ҳар бир ўқувчи ушбу луғатдан қийналмасдан фойдалана олади деб ишонамиз.

Иккинчидан, муаллифлар ушбу нашрдан наф олиши мумкин бўлган ўқувчиларнинг бошқа гуруҳини ҳам назарда тутдилар. Булар – турли даражадаги депутатлар, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари раҳбарларининг ходимлари ҳамда ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, фалсафа ва бошқа ижтимоий соҳалар бўйича ўқув муассасаларининг талабалари, аспирантлари ва ўқитувчиларидир. Китобхонларнинг ушбу гуруҳини назарда тутиб биз луғатда келтирилган тушунчаларни мумкин қадар кенгрок беришга интилдик, токи маълумотлар тўлиқрок билимга эга бўлиш имкониятини берсин.

Учинчидан, шуни таъкидлаш жоизки, мазкур нашр оддий ҳуқуқий луғат эмас, балки конституциявий-ҳуқуқий атамаларнинг илмий – изоҳли луғатидир.

Кейинги вақтда бир қанча универсал юридик луғатлар чоп этилди. Улар масалан, фуқаролик ҳуқуқига ва жиноят-ҳуқуқига оид сўз бойлиги тўғрисида яхши тушунча беради. Лекин, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва талай янги қонунлари қабул қилиниши муносабати билан конституциявий-ҳуқуқий терминология сезиларли кенгайди ва янги маъно ҳамда мазмун касб этди. Луғатда келтирилган ахборотнинг катта қисми конституциявий-ҳуқуқий атамаларга бағишланганлиги сабабли муаллифлар нашрнинг номига «Конституциявий ҳуқуқ» деган сўзларни чиқардилар.

Луғатни тайёрлашда бундай нашрларда қўлланилиши лозим бўлган барча асосий қоидалар эътиборга олинди, жумладан матннинг ахборотга бой бўлиши, изоҳлар, қисқартиришлар ва ҳ.к. Масалан, луғатда қия ҳарфлар (курсив) билан ёзилган сўзларни учратган ўқувчи ушбу сўзларга махсус маълумотлар жо этилганлигини назарда тутиши керак. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда луғатда келтирилган маълумотлар изоҳи учун масъулликни барча муаллифлар жамоаси зиммасига юклашни лозим деб топдик.

Қўшимча маълумот олиш, ўзининг тақлиф ва мулоҳазаларини ёки

эътирозларини билдириш учун ўқувчилар нашриётга мурожаат этишлари мумкин, у хатларни муаллифларга етказди. Китобхонларнинг таклиф, тавсия ва мулоҳазалари луғат-китобимизнинг кейинги нашрлари янада муфассал ва мукамал бўлишига ижобий кўмак беради, деб умид билдирамиз. Луғатдаги барча расмий ахборот ва маълумотлар 2006 йилнинг 1 майгача бўлган ҳолатга кўра келтирилган.

**АБСЕНТЕИЗМ** — сайловчиларнинг вакиллик органлари ёки мансабдор шахсларни сайлашда, йиғилишларда ва ҳ.к.да қатнашишдан бош тортиши; аҳолининг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга бефарқ қараши. **А.** сайлов тизимининг нодемократик кўринишига қарши аҳоли норозилигининг бир шакли, у эркин сайловлар ўтказилаётганда учрайди. Бунга қарши салбий (жарима санкцияларини белгилаш — айрим давлатларда қўлланилади) ва ижобий (овоз беришда иштирок этганлиги учун давлат бюджетидан пул тўланади ёки сайлов ўтказилган кун меҳнат таътилига қўшиб берилади) тусдаги усуллар қўлланилади.

Қонда тарикасида, **А.** сайловлар ҳақиқий деб топилиши учун лозим бўлган сайловчилар сонининг камайишига олиб келади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ, агар рўйхатга киритилган фуқароларнинг ярмидан ками референдумда иштирок этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдумни ўтмаган деб ҳисоблайди.

**АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) ВЕТО** — қаранг: *Вето*

**АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) КЎПЧИЛИК** — қаранг: *Кўпчилик*

**АБХАЗИЯ** — Абхазия Республикаси (абхазча номи «Апсни»-қалб диёри). 1921 йил 4 мартда Грузия Республикаси таркибида ташкил топган. Кавказортининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Жануби-ғарбий қисми қора денгизга туташади. Конституцияси 1994 йил 26 ноябрда қабул қилинган. Унга мувофиқ **А.** — суверен, демократик, ҳуқуқий давлат. **А.** — халқаро ҳуқуқнинг субъектидир, бошқа давлатлар билан шартнома муносабатларига кириша олади. Давлат тили — абхаз тили. Пойтахти — Сухуми (Ақуа) шаҳри. Конституцияга мувофиқ **А.** — Садз, Бзип, Гума, Дал-Цабал, Абжуа, Самирзакан тарихий ўлкаларидан иборат, уларда 7 та туман ва 8 та шаҳар жойлашган. **А.** худуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 35 депутатдан иборат парламент — Халқ Мажлиси амалга оширади. Парламентнинг ваколат муддати — беш йил. Парламентнинг ваколатларига: **А.** Конституцияси ва қонунларини қабул қилиш, **А.** Конституцияси ва қонунларига шарҳ бериш, маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш; Президентнинг мамлакатдаги вазият, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ва уни амалга ошириш тўғрисидаги масалалар юзасидан маърузасини эшитиш; давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат этиш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; Президент тақдимига биноан Бош прокурор, Миллий банк Раиси ва бошқа мансабдор шахсларни тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш; Вазирлар Маҳкамасининг ало-

хида аъзоларига нисбатан ишончсизлик билдириш; **А.** Президентини лавозимидан четлаштириш учун унга нисбатан айблов эълон қилиш; амнистия эълон этиш; уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини хал этиш; фавқулодда ва ҳарбий ҳолат жорий этилишининг қонунийлиги тўғрисидаги, давлат муқофотлари, фахрий ва ҳарбий унвонлар ҳақидаги қарорларни қабул қилиш; Конституция ва қонунлар билан зиммасига юклатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш қиради.

**А.да** Президент – давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир, у умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президент лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган ва 65 ёшдан ошмаган, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган **А.** фуқароси сайланиши мумкин. Аини бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмас. Президент ўз ваколатларини бажариши даврида сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига аъзолигини тўхтатиб туради. У ўз вазифасини бажариб турган даврда давлат ва жамоат органларида бошқа лавозимларни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президент билан бир вақтда, номзодини Президентликка номзод бўлган шахс таклиф этадиган, вице-президент ҳам сайланади. Вице-президент Президентнинг айрим топшириқларини бажаради, Президент йўқлигида ёки у ўз вазифасини бажариши имконияти бўлмаганда Президентнинг ваколатларини амалга оширади.

Мамлакат миқёсида ижро этувчи маъмурият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш учун Президент Вазирлар Маҳкамасини шакллантиради ва унга раҳбарлик қилади. Вазирлар Маҳкамаси Президентга бўйсунди ва унга хисобот беради. Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар ва қонун билан назарда тутилган бошқа мансабдор шахслар қиради.

Одил судловни Олий суд, шаҳарлар ва туманларнинг судлари амалга оширади. Хўжалик низоларини Арбитраж суди кўриб чиқади. Судьяларнинг барчасини мамлакат Президентининг таклифига биноан парламент сайлайди. Судьялар ўз ваколатлари даврида алмаштирадилар. Қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи маҳаллий прокурорлар амалга оширади. Бош прокурор Президент тақдимида биноан парламент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади, бошқа прокурорлар Бош прокурор томонидан тайинланади.

Туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларда фуқаролар сайлаб қўйиладиган ва бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали, хоши-иродасини тўғридан-тўғри изҳор этиш йўли билан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширадилар. Туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарларини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланганлар таркибидан **Абхазия** Президенти тайинлайди.

**АВСТРАЛИЯ (Австралия иттифоқи)** – Британия ҳамдўстлигига кирувчи федератив давлат. Пойтахти – Канберра шаҳри. Австралия 6 та штат (Виктория, Жанубий Австралия, Квинсленд, Янги Жанубий Уэльс, Тасмания, ғарбий Австралия) ва 2 та ҳудуд (Шимолӣ ҳудуд, Федерал пойтахт ҳудуди)дан иборат. Штатлар графликларга, графликлар – муниципалитетларга бўлинади. Мамлакатнинг ҳар бир штати ўз конституцияси, парламенти, ҳукумати ва суд органларига эга; штатларнинг ҳуқуқлари чекланган.

Австралиянинг амалдаги Конституцияси 1900 йилда қабул қилинган (1901 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирган). Давлат бошлиғи – Буюк Британия қироли (қироличаси), 5 йил муддатга тайинланадиган генерал-губернатор унинг вакили ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали (Вакиллар палатаси ва Сенат) федерал парламент. Вакиллар палатаси (қуйи палата) депутатлари 3 йил муддатга, Сенат (юқори палата) аъзолари ҳар бир штатдан 6 йил муддатга сайланади. Сенат таркибининг ярми ҳар 3 йилда янгиланади. Сенат таркиби 76 аъзодан иборат (ҳар бир штатдан 12 тадан ва ҳудудлардан иккитадан). Вакиллар палатаси таркиби 148 депутатдан иборат. Ҳар бир штатдан сайланадиган депутатлар сони штат аҳолисининг сонига мувофиқ равишда белгиланади, лекин ҳар бир штатдан сайланадиган депутатларнинг сони 5 нафардан кам бўлмаслиги керак. Ҳар икки палата томонидан қўллаб-қувватланган қонун ҳужжатларининг лойиҳалари тасдиқлаш учун генерал-губернаторга тақдим этилади.

Генерал-губернатор ва Бош вазир бошчилик қиладиган ҳукумат ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Генерал-губернатор парламент сессияларини чақириш ёки уни чақириш муддатини кўчириш, қуйи палатани тарқатиб юбориш, қонун лойиҳасига эътирозлари бўлса, уни такроран кўриб чиқиш ва овозга қўйиш учун парламентга қайтариш, давлат лавозимларига тайинлаш ваколатларига эга. Генерал-губернатор қошида Федерал ижроия кенгаши фаолият олиб боради. Унинг таркибига мутахассислар ва бир нечта вазир қиради. Генерал-губернатор қуролли Кучларнинг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Амалда генерал-губернатор вазибаларини ҳукумат бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси қуйи палатада кўпчилик мандатга эга бўлган партиянинг вакилларидан иборат таркибда шакллантирилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан генерал-губернатор томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари анча кенг, жумладан парламент томонидан унга бошқарув билан боғлиқ масалалар бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ваколоти берилган. Вазирлар Маҳкамаси ўзи юритаётган сиёсат бўйича парламентнинг қуйи палатаси олдида жамоавий равишда жавобгардир.

Суд тизимига федерал судлар (конституциявий одил судловни амалга оширадиган Юқори суд, Федерал суд, Оилавий суд), штатларнинг судлари, шунингдек ихтисослашган судлар (Маъмурий трибунал,

денгизда содир бўлган ходисаларни кўриб чиқадиган судлар ва х.к.) киради.

**АВСТРИЯ (Австрия Республикаси)** – Марказий Европадаги давлат. 1918 йилда ташкил топган. **А.** – федератив республика. Унинг таркибига 9 та федерал ўлка киради: Бургенланд, Вена, Юқори Австрия, Зальцбург, Каринтия, Қуйи Австрия, Тироль, Форарльберг, Штирия. Ўлкаларнинг ҳар бири ўз конституцияси, парламенти (ландтаг), ҳукумати ва судларига эга.

Амалдаги Конституция – Федерал конституциявий қонун 1920 йилда қабул қилинган (1929 йилда ўзгартишлар киритилган). Конституцияга мувофиқ **А.** – демократик парламент республикаси (1-модда). Давлат бошлиғи – Федерал Президент, уни аҳоли 6 йил муддатга сайлайди. Бир шахс Президент лавозимига сайланиш учун қаторасига фақат икки марта номзодини қўйиши мумкин. Ўз ваколатларининг катта қисмини Президент Федерал ҳукумат ёки ҳукумат ваколат берган Федерал вазирнинг таклифлари асосида амалга оширади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент: Миллий кенгаш (қуйи палата) ва Федерал кенгаш (юқори палата)дан иборат Федерал Мажлис амалга оширади. Миллий кенгашга 183 депутат 4 йил муддатга сайланади. Федерал кенгаш (Бундестрат) аъзоларини (63 депутат) ўлкалар парламентлари (ландтаглар) ўз ваколатлари муддатига (5 йилдан 6 йилгача) сайлайди. Ўлкалар вакиллари навбатма-навбат, ҳар олти ойда алмашиб, Федерал кенгашда раислик қиладилар. Мухим масалалар юзасидан қарор қабул қилиш учун (уруш эълон қилиш, Президентни қасамёд қилдириш) палаталарнинг қўшма мажлиси – Федерал Мажлис (Бундесфер-заммлунг) чакирилади.

Миллий кенгаш қонунчилик ташаббуси тартибда Миллий кенгаш депутатлари ва Федерал ҳукумат аъзоларидан келиб тушадиган қонун лойиҳаларини кўриб чиқади. Шунингдек, Миллий кенгашга юз минг сайловчи имзолаган ҳар қандай таклиф ҳам халқ ташаббуси тартибда юборилиши мумкин. Барча федерал қонунлар Федерал кенгаш томонидан қўллаб-қувватланиши ва Федерал президент томонидан имзоланиши керак.

Қонунларни имзолаш учун Федерал Президентга Федерал ҳукуматнинг бошлиғи – Федерал канцлер тақдим этади. Федерал Президентнинг фармойишига мувофиқ қонунлар референдум орқали ҳам қабул қилиниши мумкин, бундай ҳолларда овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қонун референдумда қабул қилинган деб топилади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Федерал Президент ва у тайинлайдиган Федерал канцлер бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Федерал ҳукуматнинг аъзолари Федерал канцлернинг тақдимига биноан Федерал Президент томонидан тайинланади. Федерал Президент янги Федерал ҳукумат таркибини Миллий кенгашга тақдим этиши шарт.



Конституция федерал ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда парламент ҳам иштирок этишини назарда тутди. Миллий кенгаш ҳам, Федерал кенгаш ҳам Федерал ҳукуматнинг фаолиятини текширишга, ўзларининг қарорларида ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишга доир тавсиялар беришга, ҳукумат аъзоларига уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан сўровлар билан мурожаат этишга ҳақлидирлар. Агар Миллий кенгаш Федерал ҳукуматга ёки унинг бирон бир аъзосига нисбатан ишончсизлик билдирса, Федерал ҳукумат ёки тегишли федерал вазир ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши лозим.

**Австрия** Конституциясига мувофиқ мамлакатда учта Олий суд органи фаолият олиб боради. Булар: Конституциявий суд, Маъмурий суд ва Олий суд. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ «иккинчи инстанция судлари» сифатида ўлкаларнинг тўртта Олий суди мавжуд (2-3 та ўлкага биттадан), шунингдек «биринчи инстанция судлари» сифатида – ўлка ва округларнинг 17 та суди бор. Бундан ташқари, ихтисослашган судлар ҳам мавжуд (меҳнат низолари бўйича судлар, ижтимоий суғурта масалалари бўйича судлар ва х.к.).

**АВТОНОМ АСОС** – раҳбарлик қилиш ва бошқариш билан боғлиқ вазифаларни бажараётган у ёки бу лавозимли шахсларнинг мустақиллигини ва ўзини ўзи бошқаришини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Масалан, агар ҳудуд раҳбари ҳақида у ушбу ҳудудни «автоном асосда» бошқараяпти десалар, демак шу раҳбарга кенг ҳуқуқлар берилгани ва ундан юқори турувчи органлар унинг ишига аралашавермаслиги тушунилади.

**АВТОНОМ БОШҚАРУВ** – алоҳида ваколатлар берилган ҳолда тузилган ёки тайинланган органга, мансабдор шахсга муайян ҳудудни мустақил бошқариш ҳуқуқини бериш. Шунингдек, ушбу ҳудудни бошқариш учун илгари ташкил этилган, тузилган ёки тайинланган органининг, мансабдор шахснинг имкониятларини, юқори турувчи орган ваколатларини унга олиб бериш ҳисобига, кенгайтириш.

**АВТОНОМ ВИЛОЯТ** – давлат автономиясининг турларидан бири.

**АВТОНОМ ДАВЛАТ** – катта давлат доирасидаги давлат маконига эга бўлган автоном республика ёки бошқа автоном бирлик. У ўзининг конституцияси, конун ҳужжатлари, ҳудуди, фуқаролиги, олий давлат органлари, маълум даражада бюджет ва солиқ мустақиллигига эга. Лекин, у бошқа катта давлат доирасида тузилганлиги сабабли ўз пул тизими, армиясига, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда тўлиқ мустақилликка ва х.к. эга бўлмайди.

**АВТОНОМ ОКРУГ** – давлат автономиясининг (вилоят, маъмурий, миллий, ҳудудий автономиянинг) бир тури.

Бундай автоном бирликлар масалан, Россияда дастлаб миллий округлар деб аталган, 1977 йилгача олимлар ўртасида миллий округ-

лар автономиянинг шакли ҳисобланадими ёки улар маъмурий-ҳудудий бирликларнинг турларидан бирими деган мавзуда баҳслар бўлган. **А.о.лар** РФ Шимолида ва Шимоли-шарқида тузилган. Ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг умумий сониди туб аҳоли салмоғининг нисбатан озлиги уларга хос хусусиятдир.

**А.о.** ўз қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга. У ўзининг қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи органларини мустақил равишда тузади, **А.о.** ҳудудида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини белгилайди. Бошқа субъектларда бўлгани сингари **А.о.нинг** ўз мулки бор (бу давлат мулкининг бир қисмидир), у ўз бюджетини мустақил равишда қабул қилади, федерал қонунга мувофиқ солиқлар ва йиғимларнинг муайян турларини белгилаб қўйиши мумкин.

**АВТОНОМ РЕСПУБЛИКА** — давлат автономиясининг шакли. ЎзР нинг 1978 йилги Конституциясига мувофиқ Ўзбекистонда Қорақалпоғистон **А.Р.** мавжуд бўлган. Амалдаги Конституцияга мувофиқ Қорақалпоғистон суверен республика сифатида ЎзР таркибига киради.

Собиқ совет тузуми даврида **А.р.** иттифокдош республикаларга қараганда пастрок, автоном вилоятларга нисбатан эса юқорироқ мавқега эга бўлган. Расмий жиҳатдан улар иттифок давлатининг субъектлари ҳисобланмаган, уларга давлат таркибидан чиқиб кетиш ёки бошқа республика таркибига ўтиш, ташқи алоқалар субъекти бўлиш ҳуқуқи берилмаган.

**АВТОНОМ ТУЗИЛМА** — автоном республикалар, автоном вилоятлар, автоном округлар ва бошқа автоном бирликларга нисбатан қўлланиладиган умумлаштирувчи тушунча.

**АВТОНОМИЯ** — (*Мухторият*) умуман олганда, кимнингдир ихтиёрига топширилган масалаларни унинг ўзи мустақил равишда ҳал этиш ҳуқуқи.

Конституциявий ҳуқуқда **А.** тушунчаси бир нечта маънода қўлланилади:

а) давлат ёки вилоят автономияси деб номланадиган миллий-давлатчилик тузилиши шаклини белгилаш учун. Бунда муайян миллий таркибдаги аҳоли руж жойлашган, алоҳида ҳўжалик ва турмуш хусусиятларига эга бўлган ҳудуд — автоном давлат (республика) ёки автоном миллий-давлат тузилмаси (вилояти, округи) деб эълон қилинади;

б) муайян миллатга мансуб фуқаролар гуруҳининг ўз миллий, маънавий, маданий ва бошқа манфаатларини амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат этиш имкониятларини ифодалаш учун;

в) у ёки бу конституциявий-ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчиси ўзининг ваколатларини амалга оширишда эркинликка эгаллигига алоҳида урғу бериш учун. Махсус адабиётлар ва рўзномаларда «вилоят ўз ишларида тўлиқ автоном», «мансабдор шахс ўз ваколатларини амалга оширишда катта автономия олди» каби ибораларни учра-

тиш мумкин. Бу ерда «автономия» атамаси кўпроқ конституциявий-ҳукукий мазмунда эмас, балки умумий тушунча сифатида ишлатилади ва тегишлича давлатнинг, давлат тузилмасининг, маъмурий-худудий бирликнинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг, жамоат бирлашмасининг, мансабдор шахсининг эрки ўзидалигини ифодалайди.

**АВТОРИТАР ДАВЛАТ** – ушбу давлатда ғайридемократик, авторитар режим ҳукмронлик қилади. Авторитар режимдаги давлатлар учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланган ёки бутунлай тугатилганлиги, муҳолифатдаги партия ва бошқа ташкилотларнинг таъқиқланганлиги, сайлаб қўйиладиган давлат органларининг роли чекланганлиги ва ижро этувчи ҳамда фармойиш берувчи давлат органларининг роли кучайтирилиши, давлат бошлиғи ва ҳукуматнинг қўлида ҳокимият ваколатларининг тўпланиши, парламент ва бошқа давлат ҳокимият органларининг ролини йўққа чиқарилганлиги ҳосдир.

Авторитар режимнинг энг хавfli шаклларида бири фашизмдир. Фашистик режим XX асрнинг 30–40 йилларида ғарб мамлакатларида (Германия, Италия) пайдо бўлиб, у ерда мавжуд бўлган демократик ҳуқуқ ва эркинликларни йўққа чиқарди ва муҳолиф партия ва ташкилотларни террористик усулни қўллаб янчиб ташлади. Фашизмга ижтимоий асосни ҳокимиятга интилувчи кучлар ва алданган ишчи, дехконлар қатлами яратдилар.

Фашистик режимларни пайдо бўлишига жамиятнинг ичида ижтимоий-синфий зиддиятларнинг кескинлашуви, ҳукмрон синфнинг сиёсий ҳокимиятини инкирози сабаб бўлади. Инкирозлар натижасида ҳукмрон табақа ўз ҳукмронлигини лаберал-демократик усуллар орқали таъминлай олмайди, шу сабабли ҳокимиятни қўлдан бой беришдан кўрқиб террористик усулларни қўллашга ўтади. Уларга мисол қилиб, иккинчи жаҳон уруши бошланиши олдидаги Германия ва Италиядаги фашистик режимларни кўрсатиш мумкин. Бу мамлакатларда мавжуд бўлган фашистик режимни хусусиятларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: аҳолини кам таъминланган қатламини ҳимоя қилишни рўқач қилиб бошқарувни репрессив усулларини қўллаш; оммавий ахборот воситалари орқали ғайрикоммунистик ва ғайрисемит ғояларни тарғиб қилиниши; халқ фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги ёлғон шиорларни тарқатиш; фашист раҳбарлари сиёсатида қарши бўлганларга давлат микёсида кураш олиб бориш; ҳукмрон доираларнинг армия, полиция ва бошқа репрессив кучларга таяниши; Германия ва Италия фашистлари йўлбошчиларининг дахлсизлиги, дохийликка даъвогарлиги ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, фашистик режимнинг яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улардан энг муҳими ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мутлақ устунлигидир. Ижро этувчи ҳокимиятнинг мутлақ устунлиги «туб ислохотлар»ни ўтказиш, «миллат бирлиги» учун курашиш, «ҳақиқий» демократияни

ўрнатиш, қонунийлик ва адолатни тантанаси учун курашиш каби широрларни ўртага ташлаш билан таъминланди. Бунда парламент фаолият юритишни тўхтатади ва сиёсий жиҳатдан бетарафлашади. Парламент ўзининг қонунларни яратиш ваколатидан маҳрум бўлади.

**АВТОРИТАР ТУЗУМ** — давлат (сиёсий) ҳокимияти асосий вазифаларининг бир гуруҳ шахслар ёки бир шахс қўлида тўпланиши. **А.т.да** вакиллик органлари ҳам мавжуд бўлади, референдумлар, халқ муҳокамалари ва х.к. ўтказилиши мумкин. **А.т.нинг** моҳияти қўлланиладиган услублари: жамиятга муайян мафқурани мажбуран қабул қилдиришда, демократик эркинликларни чеклашда, бир қатор конституциявий институтларнинг бекор қилиниши ёки номигагина мавжуд бўлишида, маъмурий органларнинг жамоат ташкилотлари устидан назорат қилишида, мухолифатнинг йўқлиги ёхуд, агар унга йўл қўйилса ҳам, унинг фаолият кўрсатиш имкониятлари жуда чекланганлигида, оммавий ахборот воситаларига нисбатан қаттиқ назорат ўрнатилишида, фуқаролар ҳар томонлама назоратда бўлиши сингариларда намоён бўлади.

**АГЛОМЕРАЦИЯ** — талай саноат корхоналари жойлашган бир қанча бир-бирига туташ аҳоли пунктларини қамраб олган ва шу туфайли иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа манфаатлар уйғунлашиб кетган ҳудуд. *Агломерациядаги* маъмурий-худудий бирликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолади, лекин уларнинг органлари умумий муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилишлари керак бўлади.

**А.** битта катта шаҳар ва уни ўраб олган нисбатан кичик шаҳарлар ҳамда шаҳарчалардан иборат бўлиши мумкин. Бироқ **А.** бир неча катта ва ўзаро туташ мустақил шаҳарлардан ҳам иборат бўлиши мумкин (масалан, Германиядаги Рур **Агломерацияси**).

**А.** — аввало иқтисодий (ва муайян даражада ижтимоий) категория. Лекин унга давлат-ҳуқуқий нуқтаи-назаридан ҳам қараш мумкин. Масалан, катта шаҳар органларининг **А.** бутун ҳудуди бўйича муайян мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажариши (хусусан, пойтахт шаҳарларнинг маъмурлари ҳамisha пойтахт атрофидаги шаҳарлар ривожлантирилишига таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладилар), уларнинг туташ ҳудудлар маъмурлари билан биргаликда иш олиб бориши, **А.** муаммолари бўйича умумий органнинг тузилиши ва унинг **А.да** мавжуд бўлган маъмурий-худудий бирликларнинг органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши шулар жумласидандир.

**АДВОКАТ** — асосий вазифаси юридик ёрдам кўрсатишдан, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларни химоя қилишдан иборат бўлган кўнгилли, ўзини ўзи идора қиладиган нодавлат ташкилотининг (адвокатуранинг) аъзоси. Ўзбекистонда адвокат мақомига олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эга бўлиши мум-

кин. Адвокатнинг ҳуқуқлари ва адвокатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар «Адвокатура тўғрисида»ги (1996 йил) ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги (1998 йил) қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. *Адвокатлар ҳайъатига* қабул қилиш тўғрисидаги қарор унинг ўзини ўзи бошқариш органи – раёсати томонидан коллегиял равишда чиқарилади.

Ҳайъат аъзоси сифатида **А.** ўзини ўзи бошқариш органлари ишида унга фаол иштирок этиш (уларга сайлаш ва сайланиши, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларни муҳокама қилиш ва уларга баҳо бериш, умумий фойдаланишдаги пул маблағлари қанчалик тўғри сарфланишини назорат қилиш ва ҳ.к.) имкониятини берадиган бир қанча ҳуқуқларга эга. У шунингдек ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни сўраб ўзига мурожаат этганларнинг барчасига самарали ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқлар бир қатор қонунларда, шу жумладан *Фуқаролик процессуал кодексида*, *Жиноят-процессуал кодексида*, *Хўжалик процессуал кодексида* аниқ белгиланган қўйилган.

**А.** кўрсатадиган хизматлар доираси кенг ва хилма-хил бўлиб, зарур бўлган қонун ҳужжатларини топиш ва уларнинг мазмунини, уларни қўлланиш амалиётини тушунтириб бериш, юридик аралашувни талаб қиладиган муайян ҳолатлар юзасидан маслаҳатлар бериш, турли хилдаги расмий қоғозларни (масалан, аризалар, илтимосномалар, битимларнинг лойиҳаларини) тўлдириш ва тузиш, судлар ва бошқа давлат органларида вакиллик қилиш ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

**А.** меҳнатига, қонда тариқасида, юридик ёрдам кўрсатиладиган шахслар ва ташкилотлар томонидан **А.** ёки у ишлайдиган юридик маслаҳатхона тузадиган келишувга кўра белгиланадиган миқдорда ҳақ тўланади.

Кўп йиллик амалиётда шаклланган адвокат одоби қоидалари **А.** фаолиятида катта ўрин тутати. Уларни тартиб-интизомга ўргатади ва касбий бурчлар лозим даражада бажарилишини таъминлайди. Одоб қоидаларини қўпол равишда бузиш ва қонунга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари интизомий (муайян шароитда – мулкий) жавобгарликка ва ҳатто раёсат қарори билан ҳайъатдан чиқариб юборилишига сабаб бўлиши мумкин.

**АДВОКАТЛАР КОЛЛЕГИЯСИ** (ҳайъати). Адвокат. Адвокатура мақолаларига қаранг.

**АДВОКАТУРА** – муҳим конституциявий вазифани бажариш (қаранг: ЎзР Конституциясининг 26-моддаси) – малакали юридик ёрдам кўрсатиш, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларни ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда тузиладиган кўнгилли жамоат ташкилоти.

Ташкилий жиҳатдан **А.** *адвокатлар ҳайъатлари* (бюролари, фирмалари) деб аталадиган тузилмалар мажмуидан иборат. Яқин вақтларгача улар Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир субъектида бит-

тадан тузилар эди. Кейинги йилларда мувозий адвокатлар хайъатларини таъсис этишга мойиллик пайдо бўлди. Улар анъанавийлари билан бир вақтда, аслини олганда, бир хил вазифаларни бажарган ёки муайян ҳуқуқни қўлланиш соҳасида ихтисослашган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, яққа тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан хайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир.

Адвокатлар бюрolari, хайъатлари ва фирмалари, шунингдек адвокатлар бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда рўйхатга олинади.

Адвокатлар бюрolari, хайъатлари ва фирмаларини тузиш, уларнинг тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлар бюрolari, хайъатлари ва фирмаларининг фаолиятига доир бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари) билан тартибга солиб турилади.

Адвокатлар бюрolari, хайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ҳамда кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига фаолият кўрсатади.

Умумий йиғилиш (конференция), у сайлайдиган раёсат ва унинг раиси, тафтиш комиссияси, шунингдек юридик маслаҳатхоналар хайъатнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Умумий йиғилиш (конференция) йилига камида бир марта чакирилади. Бу – хайъатнинг олий ўзини ўзи бошқариш органи. Умумий йиғилиш хайъатнинг тузилиши ва фаолиятига доир энг муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Булар жумласига, масалан, раёсатни ва тафтиш комиссиясини сайлаш, хайъат харажатлари сметасини белгилаш, раёсат ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тасдиқлаш, адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилаш, раёсат қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилиш киради.

Асосий ташкилий ишларни раёсат бажаради, унинг таркибига шу адвокатлар хайъатининг аъзолари сайланади. Унинг ваколатлари доираси кенг. У умумий йиғилишни (конференцияни) чакиради, хайъат аъзолигига ва иш ўрганувчилар таркибига қабул қилади, юридик маслаҳатхоналар ташкил этади ва уларнинг мудирларини тайинлайди. Адвокатларнинг иши сифатини назорат қилади, уларни касбий фаолият учун зарур бўлган услубий ёрдам ва ҳуқуқий материаллар билан таъ-

минлайди, адвокатлар кўрсатадиган юридик ёрдам ҳақини тўлаш тартибига риоя этилишини текширади, адвокатларнинг номуносиб хулқ-атворда бўлиши холлари юзасидан қарорлар қабул қилади ва зарур бўлган холларда интизомий таъсир кўрсатиш чораларини қўллайди, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органларида хайъат номидан вакиллик қилади ва ҳ.к.

Адвокатлар хайъати раёсатининг раиси раёсат мажлисида унинг аъзолари орасидан ёки бевосита умумий йиғилишда (конференцияда) муқобиллик асосида яширин овоз бериш орқали сайланади. Унинг вазифаси раёсатнинг кундалик ишларини ташкил этишдан, унинг муҳокамасига хайъатга янги аъзоларни қабул қилиш, хоҳловчиларнинг иш ўрганишига ижозат бериш, интизомий жазолар бериш ёки хайъатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалаларни киритишдан, раёсат мажлисларида раислик қилишдан иборат ва ҳ.к.

Тафтиш комиссияси адвокатлар орасидан умумий йиғилишда (конференцияда) сайланадиган орган бўлиб, унинг асосий вазифаси раёсат ва юридик маслаҳатхоналарда молия-хўжалик фаолияти тўғри юритилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат.

Юридик маслаҳатхоналар адвокатларга улар касбий бурчларини муваффақиятли амалга оширишларида кўмаклашиш учун туманлар, шаҳарларда тузилади.

Хайъатнинг молиявий маблағлари асосан адвокатлар юридик ёрдам кўрсатганлик учун оладиган гонорарлардан қилинадиган ажратмалар ҳисобидан вужудга келтирилади. Ажратмалар миқдорини хайъатнинг умумий йиғилиши (конференцияси) белгилайди.

Ўзбекистонда адвокатура суд-ҳуқуқий ислохотлари доирасида ривожланиб бормоқда.

**АЁЛЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ** — аёл ва эркаклар тенглигининг юридик жиҳатдан ўрнатилиши, яъни улар ҳуқуқларининг тенглиги. Аёллар тенгҳуқуқлигининг асосий тамойили РФ Конституциясининг 19- моддасининг 3-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган: «эркак ва аёллар тенг ҳуқуқ ва эркинликка эгадирлар ва улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг имкониятга эга».

**АККРЕДИТАЦИЯ** — вакил қилиш, ваколат бериш. Конституциявий, маъмурий ва халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган тушунча.

1) Дипломатия ва бошқа халқаро муносабатларга татбиқан олганда **А.** шахснинг бошқа давлатда ёки халқаро ташкилотда муайян давлатнинг вакили этиб тайинланганини билдиради. Тайинлаш жараёни (аккредитация қилиш) бир неча босқични ўз ичига олади: давлатнинг ташки сиёсий идораси томонидан дипломатик вакил номзодини танлаш; бу номзодни давлатнинг дипломатик вакилни тайинлашга ваколатли органи ёки мансабдор шахсига (ЎзРда — ЎзР Президентига) тавсия этиш (тақдим этиш); мазкур орган (мансабдор шахс) томонидан тавсия этилган номзодни парламентнинг тегишли қўмиталари,

комиссиялари билан келишиб олиш (ЎзРда Президент ЎзРнинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларини Олий Мажлис Сенатига такдим этади – ЎзР Конституциясининг 93-моддаси); қабул қилувчи давлатнинг розилигини олиш; дипломатик вакилни тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатни чиқариш; дипломатик вакил томонидан тегишли давлат бошлиғига ёки халқаро ташкилот раҳбарига ишонч ёрлигини топшириш.

Чет давлатларнинг дипломатик вакиллари ЎзР Президенти ҳузурида аккредитация қилинади, Президент уларнинг ишонч ва чақириб олиш ҳақидаги ёрлиқларини қабул қилади (ЎзР Конституциянинг 93-моддаси).

2) Журналистларни давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмаларининг органларида **А.** қилиш. Журналистларни **А.** қилган органлар, ташкилотлар, муассасалар уларни мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар ҳақида олдиндан хабардор қилишлари, стенограммалар, баённомалар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлашлари, ёзиб олишлари учун қулай шарт-шароит яратишлари шарт. **А.** қилинган журналист ўзини **А.** қилган органлар, ташкилотлар, муассасалар ўтказадиган мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирларда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга, ёпик тадбир ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно.

3) «Аккредитация» тушунчаси таълим соҳасида ҳам қўлланилади. Таълим муассасасининг давлат томонидан **А.** қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унинг давлат мақомини, амалга ошириладиган таълим дастурлари даражасини, битирувчиларни тайёрлаш мазмуни ва сифатининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини, битирувчиларга таълимнинг тегишли даражаси ҳақида давлат намунасидаги ҳужжатлар бериш ҳуқуқини тасдиқлайди.

**АКТ** – далолатнома, ҳуқуқий ҳужжат (*қонун ҳужжати, норматив юридик ҳужжат, ҳуқуқий ҳужжат*) ёки тегишли органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг ҳаракати. Шахснинг оилавий муносабатлар соҳасидаги муайян ҳолатини акс эттирувчи ҳужжат фуқаролик ҳолати далолатномаси деб аталади. Фуқаролик ҳолати далолатномалари – фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа-ҳодисаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир (ЎзР Оила кодексининг 201-моддаси).

**АКТИВ (фаол, фаоллар)** – бирор жамоа, муассаса, орган, жамоат бирлашмасининг ички ҳаётида ва ишларида иштирок этувчи энг ишчан шахслар гуруҳини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, давлат ҳокимияти органларига, депутатлар ва мансабдор шахсларга уларнинг вазифаларини амалга оширишда ихтиёрийлик асосида (шахсан ёки ҳар хил жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар, кўмиталар, ташаббускор гуруҳлар ва х.к. таркибида) кўмаклашувчи фуқаро-



ларни ифодалаш учун конституциявий-сиёсий амалиётда қўлланиладиган тушунча.

**АКТИВ САЙЛОВ ҲУҚУКИ** – фуқаронинг депутатлар ва мансабдор шахслар сайловида, референдумда овоз беришда иштирок этишга бўлган икки имкониятдан иборат ҳуқуқи. Сайлаш ҳуқуқи **актив** сайлов ҳуқуқи деб, сайланиш ҳуқуқи эса **пассив** сайлов ҳуқуқи деб аталади. *Актив сайлов ҳуқуқи* 18 ёшга тўлганда юзага келади.

Тушунчанинг маъноси шундаки, ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқини фақат ўзи фаол ҳаракатлар: бюллетень олиш, уни тўлдириш ва сайлов қутисига ташлаш орқали амалга ошириши керак.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ЎзРнинг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, ЎзР Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида катнашиши орқали амалга оширилади.

ЎзР фуқароларининг Конституция ва бошқа қонунларда мустақамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

ЎзР фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий маъқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга.

ЎзРнинг 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролари ЎзРнинг Президенти этиб сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролари ЎзР Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг сайлов кунигача 21 ёшга тўлган фуқаролари ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга ўз ижтимоий фаолликларини ЎзРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади.

Сайлов кунини ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

ЎзРнинг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқону-

ний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш ЎзРнинг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди (ЎзР Конституциясининг 117-моддаси).

**АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ** – АҚШ ташки сиёсат маҳкамаси бўлиб, бошқа давлатлардаги ташки ишлар вазирлигига айнан ўхшаш вазифаларни бажарадиган идора.

**АЛБАНИЯ (Албания Республикаси, 1991 йилга қадар – Албания Халқ Республикаси)** – Болқон яриморалининг жануби-ғарбий қисмидаги давлат. 1919 йилда мустақилликка эришган. Пойтахти – Тирана шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 35 та округ (рети)дан иборат бўлиб, улар 314 та локалитетга бўлинади. Шунингдек 43 та муниципалитет бор.

Бошқарув шаклига кўра, **Албания** – республика. 1976 йилги Конституцияни алмаштирган, 1991 йил 25 апрелда Халқ мажлисининг сессиясида тасдиқланган Конституциянинг асосий қондалари тўғрисидаги қонун амал қилмоқда. 1990 йилдан бошлаб мамлакатда сиёсий тузум чуқур ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Чунончи, 1990 йилда кўп партиялилик эълон қилинди, 1991 йилда дастлабки сайловлар ўтказилди, 1992 йилда компартиянинг фаолияти тақиқланди, 1994 йил 6 ноябрда ўтказилган референдумда янги Конституциянинг лойиҳаси рад этилди (53,9% қарши овоз берилди).

Парламент ва сайловчилар ҳайъати Президентни 5 йил муддатга яна бир муддат қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайлайди.

Республика парламенти – Халқ мажлиси 155 депутатдан иборат таркибда 4 йил муддатга аралаш мутаносиб-кўпчилик овоз билан сайлаш тизими (пропорционал-мажоритар тизим) бўйича (1997 йилги Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ, 115 нафари – мажоритар тизим бўйича, 40 нафари – мутаносиб тизим бўйича) умумий овоз бериш орқали сайланади. Президент Парламентни Бош вазирнинг тақлифига биноан ёки ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдирилган ёхуд

Бош вазир лавозимига айни ўша номзод такроран рад қилинган тақдирда тарқатиб юбориши мумкин.

Ижро этувчи ҳокимиятни Халқ мажлиси томонидан тузиладиган ва унинг олдида жавобгар бўлган Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Бош вазирни Президент тайинлайди.

**АЛОХИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАР** – табиатни муҳофаза қилишда алоҳида илмий, маданий, эстетик ва соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, қайтадан фойдаланиш ҳолатига келтириладиган табиат мажмуалари ва объектлари жойлашган ер, сув юзаси ва ҳаво макони участкаси. Бу ҳудудлар давлат ҳокимияти органларининг қарорларига биноан хўжаликда фойдаланишдан тўла-тўқис ёки қисман чиқариб қўйилган бўлади ва улар учун ЎзРнинг «Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар» тўғрисидаги 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонунига биноан алоҳида муҳофаза тартиби белгилаб қўйилган.

**АЛОҲИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА** – муайян ҳудудий бирлик ёки унинг катта қисми бўлиб, унда хўжалик юритишнинг алоҳида ва имтиёзли тартиби белгилаб қўйилади. Масалан, ЎзРнинг 1996 йил 25 апрелдаги «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида кўрсатилишича, эркин иқтисодий зоналарда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек, фуқаролар кириши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиби ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бошқача тартибот ўрнатилиши мумкин.

**АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ** – Шимолий Америкада жойлашган давлат. 1776 йилнинг 4 июлида ўз мустақиллигини эълон қилган. Пойтахти Вашингтон шаҳри.

Давлат бошқарув шакли республика, тузилиш шакли – федерация.

Маъмурий ҳудудий бўлиниши 50 та штат ва бир Колумбия федерал (пойтахт) округидан иборат. Штатлар қуйидаги номга эга: Айдао, Айова, Алабама, Аляска, Аризона, Арканзас, Вайоминг, Вашингтон, Вермонт, Виржиния, Висконсин, Гавайи, Жоржия, Делавер, Фарбий Виржиния, Иллинойс, Индиана, Калифорния, Канзас, Кентукки, Колорадо, Коннектикут, Луизиана, Массачусетс, Миннесота, Миссисипи, Миссури, Мичиган, Монтана, Мэриленд, Небраска, Невада, Нью-Гемпшир, Нью-Жерси, Нью-Йорк, Нью-Мексико, Огайо, Оклахома, Орегон, Пенсильвания, Род-Айленд, Шимолий Дакота, Шимолий Каролина, Теннеси, Техас, Флорида, Жанубий Дакота, Жанубий Каролина, Юта. Штатлар графликлардан, графликлар ўз навбатида жамоалардан иборат. Ҳар бир штат ўз конституциясига, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига, ўз қонунчилигига эга.

Шунингдек, АҚШ бошқарувидаги қарам ҳудудлар: Қариб денги-

зидаги Пуэрто-Рико ва Виргин ороли («Эркин равишда АҚШга қўшилган давлат»), Ҳинд океанидаги Шаркий Самоа, Гуам ороли, Мидуэй ва Уэйк ороллари мавжуд.

АҚШнинг хозир амалда бўлган Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган бўлиб, дунёдаги энг кўҳна конституциялардан бири ҳисобланади. Конституция қабул қилингунга қадар, 1776 йилнинг 4 июлида мустақиллик Декларациясини, 1777 ва 1781 йилларда Конфедерация моддалари ва 1787 йилда Шимолий-Ғарбий ҳудудлар тўғрисида Акт қабул қилиниб, уларнинг матнлари АҚШ қонунлари тўпламининг «АҚШ органи қонунлари» бўлимига киритилган.

1787 йилги АҚШ Конституцияси асосий матн (федерал ҳокимиятни ташкил этилишини ва ижро органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қилинадиган таъйиқлардан суд орқали ҳимояланиш механизмига бағишланган) ва 26 тузатишдан иборат бўлиб, унинг ўнтаси 1791 йилда кучга киритилган ҳамда ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль номини олган.

АҚШ Конституциясининг V моддаси Конституцияга тузатишлар киритишнинг мураккаб тартибини кўзда тутди. Унга кўра «Конгресснинг иккала палаталарининг учдан икки қисм аъзолари зарур деб ҳисобласалар, мазкур Конституцияга тузатиш киритишни таклиф қилишлари ёки штатларнинг учдан икки қисми легислатураларининг мурожаатларига биноан, конституцияга тузатишлар киритишни таклиф қилиш учун конвент чақирилиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам таклиф қилинган тузатишлар, Конгресснинг ратификацияни қандай тартибни таклиф қилишидан қатъи назар, штатларнинг тўртдан уч қисми легислатуралари ратификация қилгандан сўнг кучга кириб, Конституциянинг бир қисмига айланади».

Америка Конституциясининг тарихий аҳамияти шундаки, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий тизимида ҳокимиятларни тақсимланиши, федерализм ва конституциявий назорат тамойилларини жорий этди.

Федерализм тамойили, америкалик федералистлар томонидан шакллантирилган бўлиб (уларнинг энг кўзга кўринган вакиллари – Гамильтон, Мэдисон, Джэй), улар энг аввало, федерация ва штатлар ўртасидаги қонунчилик ваколатларини чекланишида ўзининг ҳуқуқий ифодасини Конституцияда топган. Конституциянинг I моддасининг 8 бўлимида штатларнинг федерацияга, яъни Конгрессга берган ваколатлари кўзда тутилган: Улар қуйидагилар: федерал солиқлар ва йиғимларни белгилаш; чет эл давлатлари ва алоҳида штатлар ўртасидаги савдо-сотиқни тартибга солиш; ягона натурализация қоидаларини ўрнатиш; пулни зарб қилиш; ягона почта хизматини жорий қилиш; Олий судга нисбатан қуйи турувчи судларни таъсис қилиш; урушлар эълон қилиш; армия ва флотни шакллантириш ва уни таъминлаш. Барча қолган ваколатлар штатлар қўлида бўлиб, штатларнинг қонун чиқарувчи органлари ўз қонунларини чиқариш учун етарли даражада

имкониятга эга бўлдилар. Штатлар шунингдек, ўзларининг жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик қонунчилигига эгадирлар. Штатлар Конституцияларининг мавжудлиги ва сайлов қонунчилигига эгаллиги, уларнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият органларини шакллантирилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан бирга, федерализм тамойили федерал Конституцияни, федерал Қонунчиликнинг устуворлигини таъминлайди (VI модда). Конституцияда шунингдек, федерация ва штатларнинг биргаликдаги ваколатлари кўзда тутилган.

Федерал давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосида ҳокимиятларни тақсимланиши тамойили ётиб, мазкур тамойил «ўзаро тийиб туриш ва қарши таъсир этиш» тизими билан тўлдирилган: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатлари Конституцияда бир-бирларини самарали назорат қила олишлари даражасида кўрсатиб, баён қилиб берилган. Кейинчалик федерал давлат органлари фаолияти ва ташкил этиш тартибини белгиловчи кўпдан-кўп қонунларни қабул қилиниши, АҚШ давлатини ҳозирги кўринишга олиб келди.

Ҳокимиятларни тақсимланиш тизимида АҚШ Конституцияси биринчи ўринга АҚШ Конгрессини – федерацияни олий қонун чиқарувчи органини қўяди. АҚШ Конгресси икки палатали – Сенат ва Вакиллар Палатасидан иборат. Сенат қонун чиқарувчи орган сифатида штатларнинг манфаатини ифода этади. Сенат штатлар аҳолисининг сонидан қатъи назар, ҳар бир штатдан иккитадан сенаторларни 6 йил муддатга сайлаш йўли билан ташкил этилади ва ҳар икки йилда Сенат таркиби 3 дан бир қисмга янгиланади. Мамлакат вице-президенти Сенат мажлисларида раислик қилади. Вакиллар Палатаси қонун чиқарувчи орган сифатида барча миллат манфаатларини ифода этади ва унга мажоритар сайлов тизими бўйича умумий овоз бериш йўли билан икки йил муддатга сайланадилар. Ҳозирги пайтда Вакиллар Палатасида 435 депутат бор.

Қонун чиқариш ишлари асосан иккала палатада тузиладиган кўмиталарда олиб борилади. Доимий ва махсус (вақтинчалик) кўмиталарнинг умумий сони 60 тага етади.

Қонун чиқариш жараёни қонун лойиҳаларини бир қанча босқичдан ўтишини кўзда туттади. Энг аввало, қонун иккала палатанинг ва президентнинг тасдиғидан ўтиши керак. Президент ветоси ҳар бир палата аъзоларининг учдан икки қисмини тасдиғидан ўтиш керак. Агар 10 иш кунда президент қонунни палатага қайтариб бермаса, қонун қабул қилинган бўлиб ҳисобланади.

Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи президент бўлиб ҳисобланади. Президент сайловчилар томонидан вице-президент билан бирга икки даражали сайлов асосида тўрт йил муддатга сайланади ва яна бир марта қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Конституцияга киритилган XII тузатиш

(1804 йилнинг 15 июнида ратификация қилинган) АҚШ президентини сайлаш ва сайловчилар корпусини шакллантириш тартибини белгилаб беради. Агар президент вафот этса (масалан, 1963 йили Ж. Кеннеди вафот этган), истеъфога чиқса, (масалан, 1974 йили Р. Никсон истеъфога чиққан) ёки лавозимидан туширилса, вице-президент президент лавозимини эгаллайди ва янги вице-президентни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Янги вице-президентнинг тайинланиши, АҚШ Конгрессини иккала палатаси томонидан маъқулланиши керак.

АҚШ Конституциясининг II моддасига кўра президентга кенг ваколатлар берилган. Президент АҚШ армияси ва флотининг бош қўмондони бўлиб ҳисобланади. Президент ижро этувчи ҳокимиятнинг олий мансабдор шахсларидан уларнинг мажбуриятига тегишли ҳар қандай масала юзасидан ёзма равишда ахборот олишга ҳақлидир. Президентга Сенатнинг маслаҳати ва розилигига кўра халқаро шартномалар тузиш, олий давлат лавозимларига мансабдор шахсларни тайинлаш ҳуқуқи берилган. Президентнинг муҳим ҳуқуқларидан яна бири, агар у Конгресс палаталари мажлисини чақиришни лозим деб топса, мажлисни ўтказишни ёки мажлисларини ўтказишни бошқа кунга қолдириши мумкин.

Конституциянинг II моддаси 4 бўлими президентни, вице-президентни, АҚШнинг барча мансабдор шахсларни давлатга хиёнат қилишда, порахўрликда ва бошқа жиддий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун лавозимидан импичмент бўйича бўшатишни кўзда тутди.

Ижро этувчи ҳокимият президент томонидан амалга оширилади. Президент Сенатнинг розилигига кўра вице президентни ва ҳукумат вазирларини лавозимига тайинлайди. Ташқи ишлар вазири функциясини Давлат секретари бажаради.

Кабинет таркиби қуйидагилардан иборат: Давлат секретари, молия, мудофаа, адлия, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги, савдо, меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат, транспорт, турар жой қурилиши ва шаҳар ривожланиши, энергетика, таълим, ветеранлар ишлари бўйича вазирликлар. Шунингдек кабинет аъзолари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: маъмурий бюджет бошқармаси директори, савдо музокаралари бўйича АҚШ вакили, БМТ қошидаги АҚШнинг доимий вакили. Кабинет таркибига қуйидагилар кирмайди: армия вазири, ҳарбий-денгиз кучлари вазири, ҳарбий ҳаво кучлари вазири.

Кабинетдан ташқари ижро этувчи ҳокимият таркибига қуйидагилар киради: Оқ уй аппарати маслаҳатчилари (600 га яқин), шунингдек президент ижроия аппарати (маъмурияти) (6 мингдан ортиқ амалдор).

АҚШ суд тизими америка давлатининг федератив характерини ўзида акс эттиради. Федерал судларнинг ягона тизими билан бирга штатларнинг мустақил суд тизими амал қилади. Фуқаролик ва шикоят ишларининг асосий қисми, штат судлари томонидан кўриб чиқилад.

ди ва бир оз қисми федерал судлар томонидан кўрилади (фукароларнинг федерал ҳокимиятга даъвоси, чет эл давлатлари фукаролари ўртасидаги даъво, 10 минг доллардан ошадиган даъволар).

АҚШ Олий суди тўққиз аъзодан иборат бўлиб, президент томонидан тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. АҚШ олий суди АҚШ суд тизимида алоҳида муҳим роль ўйнайди. Конституциявий назорат органи функциясини бажара бориб, Олий суд Конгресс акти штат қонуни ёки ҳар қандай суд қарорлари Конституция нормаларига зид келган тақдирда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. АҚШ Олий суди Олий мансабдор шахсларни лавозимидан туширишда муҳим бўғиндир. Олий суднинг асосий функцияси – икки ёки ундан ортиқ штатлар ўртасидаги низоларни биринчи инстанция бўйича кўриб чиқишдир.

Шунингдек, федерал суд тизими таркибига апелляция, округ ва махсус судлар қиради. Апелляция судлари 1891 йили Олий суд ва округ судлари орасидаги оралик бўғин сифатида ташкил этилган эди. Ун битта апелляция округлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида 23 судьяси бўлган апелляция судлари мажлиси ўтказди. Ундан ташқари, пойтахт Колумбия округида ҳам апелляция суди мавжуд. 1982 йили федерация миқёсида юрисдикцияга эга бўлган Апелляция суди ташкил этилиб, божхона, патент ишлари бўйича, шунингдек, даъволар бўйича шикоятларни кўриб чиқади. Ҳар бир апелляция суди ишида АҚШ Олий суд аъзоларидан бири қатнашади ва унга раҳбарлик қилади. Апелляция судлари округ судларининг ҳукми ва қарорларига билдирилган шикоятларни, шунингдек, штатларнинг маъмурий органларининг қарорларига билдирилган шикоятларни кўриб чиқади.

Округ судлари федерал судлар ваколатига тегишли асосий ишларни кўриб чиқади. Округ судлари штатлар ҳудудида ташкил этилади. Катта штатларда бир неча округ судлари ташкил этилади. АҚШда ҳаммаси бўлиб 95 та округ судлари ташкил қилинган.

Махсус судлардан даъво суди мавжуд бўлиб, у хусусий шахс ва фирмаларни федерал ҳукуматга нисбатан даъволарини кўриб чиқади. Уларнинг даъволари 10 минг доллардан ошиқ бўлса, даъво суди кўриб чиқади. Нью-Йорк шаҳрида Ташқи савдо бўйича суд ҳам амал қилади.

Штатларнинг суд тизими ўзига хос хусусиятга эга. Штатларнинг суд тизимини Штат Олий суди бошқаради. Штатларда умумий юрисдикцияга эга судлардан ташқари ихтисослаштирилган судлар мавжуд бўлиб, улар унча катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳуқуқбузарликларни яққа тартибда магистрантлар ва сулҳпарвар судьялар томонидан кўриб чиқилади.

**АМНИСТИЯ (афв умумий)** – жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан, уларга тайинланган жазони ўташдан озод

қилиш, уни юмшатиш ёхуд мазкур шахслардан судланганликни муддатидан илгари олиш ташлаш.

Жазодан амнистия акти асосида озод қилиш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади (Жиноят-ижроия кодекси).

Ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилишини ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин (ЖК 76-моддаси).

**А.** актини чиқариш унда кўрсатилган шартларга боғлиқ ҳолда, агар жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида ҳали қарор қабул қилинмаган бўлса, уни қўзғатишдан воз кечишга, қўзғатилган жиноят ишини иш юришнинг исталган босқичида тугатишга, белгиланган жазони ўташдан озод қилган ҳолда айблов ҳукмини чиқаришга, қонуний кучга кирмаган ҳукмини кассация инстанциясида тегишли равишда ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш тартибидаги жазони ўтаётган шахсларга нисбатан (одатда, ахлоқ тузатиш муассасаси маъмурияти томонидан) озод қилиш тўғрисида ёхуд озодликдан маҳрум этиш муддатини тегишлича қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Жиний жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг жиноят иши бўйича иш юришнинг суд муҳокамаси бошлангунга қадар бўлган босқичларида **А.** актига асосланиб ишни қўзғатиш рад қилинишига ёки иш тугатилишига қарши эътироз билдиришга ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини ва оқлов ҳукми чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

**АНГОЛА (Ангола Республикаси, 1992 йил августига қадар – Ангола Халқ Республикаси)** – Ғарбий Африкадаги давлат, Португалиянинг собиқ мустамакаси, 1975 йил 11 ноябрда мустақиллиги эълон қилинган. Пойтахти – Луанда шаҳри.

**Ангола** Конго дарёсининг қуйилиш жойидан шимолроқдаги Кабинда анклавини қўшган ҳолда 18 та провинцияга бўлинган.

Мамлакатда 1975 йилги Конституциявий конун амал қилади (унга 1992 йилда тузатишлар киритилган).

Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент мажоритар сайлов тизими бўйича умумий тўғридан-тўғри овоз бериш орқали 5 йилга сайланади. У уч муддат қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий тузум кўп йиллик фуқаролар уруши туфайли беқарор ҳолга келган. 1994 йил 20 ноябрда ҳукумат УНИТА ҳаракати етакчилари билан сулҳ шартномаси имзолади. Лекин у 1991 йилги битим сингари амалда бажарилаётгани йўқ.

Конун чиқарувчи вакиллик органи – Миллий мажлис 4 йил муддатга сайланадиган 220 депутатдан иборат бўлиб, бунда депутатлардан 130 нафари умуммиллий рўйхат бўйича ва 90 нафари провинциялардан (18 та провинциянинг ҳар биридан 5 тадан) сайланади.



Ижро этувчи ҳокимиятни Президент тайинлайдиган Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Маҳкаманинг таркибини Миллий мажлис тасдиқлайди.

**АНДОРРА (Андорра водийлари – Андорра князлиги)** – Шарқий Пиренейдаги, Шимолда Франция ва Жанубда Испания ҳудуди ўртасидаги давлат. 1993 йилгача расман Франция ва Испаниянинг биргаликдаги ҳомийлиги остида бўлган. Пойтахти – Андорра-ла-Вьеха шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан **Андорра** 7 та жамоага (кавмга) бўлинган. 1993 йил 14 мартда бўлиб ўтган референдумда овоз берувчиларнинг 74 фоизи Конституцияни маъқуллади. Бу Конституция мамлакатнинг Франция давлати бошлиғи ва испан епископи Урхельский томонидан биргаликдаги етти аср давом этган бошқарувини расман бекор қилди. Янги Конституция (1993 йил 4 майда кучга кирган)га кўра, **Андорра** халқ суверенитети принципи қарор топтириладиган парламент князлиги деб эълон қилинди.

Собиқ биргаликдаги идора қилувчилар – Франция Президенти билан епископ Урхельский халқаро шартномаларни тайёрлаш, ички хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш бўйича баъзи вазифаларни амалга ошириш ваколатлари бўлган «конституциявий давлат бошликлари» даражасига кўтарилдилар.

1993 йил 27 июлда **Андорра** мустақил давлат сифатида БМТга қабул қилинди.

**Андорра** парламенти – Бош Кенгаш Европадаги энг кекса парламентлардан бири бўлиб, 1419 йилда ташкил этилган. У ҳокимият органларини назорат қилиш бўйича кенг ваколатларга эга. Унга раис – Синдик бошчилик қилади.

**Андорра** князлиги ҳокимият органларининг 1993 йил 12 декабрдаги сайловида 4 йил муддатга 28 нафар депутатдан иборат таркибда Бош Кенгаш сайланган.

Парламентдаги кўпчиликнинг вакили ҳукуматнинг – Ижро этувчи кенгашнинг бошлиғи бўлади, унинг томонидан сайланади ва унга ҳисоб беради.

**АНКЕТА (сўровнома, сўров варақаси)** – жавоб берилиши лозим бўлган саволларнинг муайян тўплами ёзилган варақа. Конституциявий (давлат-бошқарув) соҳага татбиқан олганда «сўровнома» атамаси кўпинча қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ишга, хизматга киришда тўлдириладиган, кадрларни ҳисобга олиш бўйича сўровнома. **А.** чет элга сафарни расмийлаштиришда ҳам қўлланилади. **А.да** қўйилган саволлар аксари ҳолларда қуйидагиларни аниқлашга қаратилган бўлади. **А.ни** тўлдирувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, жинси, туғилган йили ва жойи, маълумоти (шахс битирган ёки ўқиётган ўқув юрти кўрсатилган ҳолда), меҳнат фаолияти, давлат мукофотлари, ҳарбий мажбуриятга муноса-

бати, чет элда бўлиши, жиноий жавобгарликка тортилиши холлари (жиноий жазони ўтаган шахс айрим лавозимларни эгаллаши эҳтимолдан узок; ана шу ҳолатни ҳисобга олиб чет элга чиқиш ҳам тақиқланиши мумкин), оилавий ҳолати, уй манзили;

б) бирор конун ёки бошқа норматив ҳужжатнинг, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатлар ва мансабдор шахслар фасолиятининг самарадорлиги, бирон-бир қарорни қабул қилиш зарурлиги ва х.к. тўғрисида жамоатчилик фикри аниқланганидан сўроқ варақасининг номи.

**АНКЕТА СЎРОВИ** – анкета саволларига жавоблар олиш орқали жамоатчилик фикрини аниқлаш.

**АНКЕТАЛАШ (сўров ўтказиш)** – анкета сўровининг айна ўзи.

**АННЕКСИЯ (босиб олиш)** – бир давлат томонидан бошқа давлатга тегишли ёки улар ўртасидаги баҳсли ҳудуднинг бир томонлама (бошқа томоннинг розилигини олмасдан) қўшиб олинishi. Давлатнинг бирор давлат тузилмасига эга бўлмаган этник жамоа яшайдиган ҳудудни ўз таркибига қўшиб олинishi тўғрисида (хусусан, бунга мазкур этник жамоанинг ёки унинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хошиши бўлмагани ҳолда) эълон қилиш ҳам **А.** ҳисобланади. **А.** одатда тегишли ҳудудга ҳарбий тузилма киритишда ифодаланади, яъни бу ҳудудни эгаллаб олиш ёки забт этишдир. Бироқ **А.** давлат тегишли ҳудудни ўзининг бир қисми деб эълон қилиши тариқасида ҳам бўлиши мумкин, бу мазкур ҳудудга яна кимдир тажовуз қилганида унга нисбатан қуроли кучларнинг қўлланишини англатади.

**АНОНИМ МУРОЖААТ (юмалок хат)** – давлат органига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига ёки бошқа идорага йўлланган, муаллифининг фамилияси, исми ва отасининг исми, уй ёки иш жойи манзили кўрсатилмаган хат, ариза ва бошқа шу сингарилар. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонуни (янги таҳрири)га кўра, фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди (6-модда). Агар мурожаатда кенг тарқалган (хошим хошимович хошимов сингари) фамилия, исм-шариф кўрсатилган, лекин муаллифнинг манзили кўрсатилмаган бўлса, бу ҳам аноним мурожаатдир. Агар хатда, аризада ва бошқа мурожаатда барча маълумотлар бўлса-ю, тегишли фуқародан у мурожаатнинг муаллифи эмаслиги аён бўлиб қолса, бу ҳам аноним мурожаат ҳисобланади.

Аноним мурожаат муаллифи ҳақидаги маълумотлар йўқлиги содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят, бошқа жиддий конун бузилишлари ҳақида мурожаатда мавжуд бўлган хабарларни эътиборсиз қолдиришга асос бўлмайди. Агар улар тасдиқланмаса ва аноним муро-

жаат бирон-бир фукарога тухмат қилишга қаратилган бўлса, бу унинг муаллифини излаб топишга ва кейин уни юридик жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин.

**АНТИГУА ВА БАРБУДА** – Кариб денгизининг Шамолга тескари ороллар гуруҳида жойлашган давлат. 1981 йил 1 ноябрда мустақиллиги эълон қилинган. Британия ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Сент-Жонс.

Маъмурий бўлиниши: 8 та туманни ўз ичига олувчи Антигуа, Барбуда ва Редонда ороллари.

Конституцияси 1981 йил 1 ноябрда кучга кирган.

Британия қироличаси тайинлайдиган генерал-губернатор унинг номигагина давлат бошлиғи ҳисобланади.

Мамлакат парламенти – Вакиллар палатаси (5 йилга сайланадиган 17 депутат) ва Сенат (5 йилга тайинланадиган 17 аъзо: бундан ўн биттасини бош вазир, тўрттасини – мухолифат етакчиси, биттасини – Барбуда Кенгаши, биттасини генерал-губернатор тайинлайди).

Ижро этувчи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни генерал-губернатор тайинлайди. Ҳукумат парламент олдида жавобгардир.

**АНТИКОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК (конституцияга зидлик)** – қонуннинг, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёхуд халқаро ёки давлат ички шартномасининг конституцияга (давлатнинг асосий қонунига) зидлиги. Айнан бир хил маънода «конституцияга хилофлик», «ноконституциявийлик», «конституцияга номувофиқлик» атамалари қўлланилади.

ЎзР Конституциясига мувофиқ (109-модда), ЎзР Конституциявий суди:

1) ЎзР қонуларининг ва ЎзР Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, ЎзР Президенти фармонларининг, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, ЎзРнинг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг ЎзР Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ЎзРнинг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонуни ва ЎзРнинг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради.

Ҳужжатлар ёки шартномаларнинг конституцияга зидлиги ёхуд мувофиқлигини аниқлаш пайтида айнан нима баҳоланади?

Конституциявий суд ҳужжатлар ва шартномаларнинг ЎзР Конституциясига мослигини қуйидаги жиҳатлар бўйича аниқлайди:

1) *нормаларнинг мазмуни бўйича*. Агар ҳужжат ёки шартноманинг нормалари Конституцияга зид бўлса, бу уларни Конституцияга номувофиқ деб топиш учун асос бўлади.

2) *норматив ҳужжат ёки шартноманинг шакли бўйича*. Агар ҳужжат учун Конституция мазмунидан келиб чиқмайдиган шаклдан

фойдаланилган бўлса, бу – ҳужжатни Конституцияга зид деб топиш учун асос бўлади.

3) *ҳужжат ёки шартноманинг имзоланиши, тузилиши, қабул қилиниши, эълон қилиниши ёки амалга киритилиши тартиби бўйича.*

4) *Конституцияда белгиланган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши нуқтаи-назаридан. Мазкур асос турлича намоён бўлиши мумкин. Хусусан, бир орган бошқасининг ишини қилиши ва унинг ўрнига тегишли норматив ҳужжатни қабул қилиши.*

5) *Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатлар бўлиниши нуқтаи-назаридан. Бу принцип олдингисини аниқлаштиради ва органларни бир-бирининг ваколатига аралашишдан тийиб туради.*

**АПАРТЕИД** (*африкаанс тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда – алоҳида-алоҳида яшаш*), (*ирқий айирмачилик*) – аҳоли бир қисмининг бошқасига нисбатан устунлиги ва имтиёзларга эгаллигини расман эълон қилиш ҳамда мустаҳкамлаб қўйишга асосланган ижтимоий-сиёсий тузум. Бундай ажратишга миллий ёки ирқий белгилар асос қилиб олинади. Бу ирқий камситишнинг энг ашаддий шаклларида биридир. БМТ деярли барча органлари ва муассасаларининг кўплаб қарорларига кўра, нисбатан яқин вақтгача Жанубий Африка Республикасида мавжуд бўлган тартибот узок давр мобайнида шундай тузум сифатида эътироф этилган ва қораланган.

**АПАТРИД** – тегишли давлат ҳудудида яшовчи ва шу давлат фуқаролигига ёки бирор чет давлат фуқаролигига мансублиги тўғрисида ҳужжатлари йўқ киши, яъни *фуқаролиги бўлмаган шахс.*

**АПЕЛЛЯЦИЯ** – ўхшаш, лекин бир хил бўлмаган тушунчаларни белгилаш учун қўлланиладиган атама: шикоят, шикоят аризаси бериш, апелляция судлов ишларини юритиш, суд хал қилув қарорларини, шу жумладан ҳукмларини текшириш усули.

Ўзбекистонда шаклланган юридик назария аънаналарига кўра, суд иши бўйича бирон-бир томоннинг йўл қўйилган суд хатосини тузатиш мақсадида мазкур ишни қайта кўриб чиқишни сўраб юқори судга ёки айни ўша судга мурожаат қилиши **А.** ҳисобланади.

**А.** институти, апелляция судлов ишларини юритиш 1917 йилгача чор Россиясида яхши маълум эди. 1922 йилда биринчи совет Жиноят-процессуал кодекси, сўнгра Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилингандан кейин ундан воз кечилган. **А.** институти бажарган вазифаларни анча янгиланган кассация институти ўз тасарруфига олган. Россияда апелляция иш юритишини тиклашга қаратилган дастлабки қадам 1995 йилда қўйилди. «Россия Федерациясида арбитраж судлари тўғрисида»ги Федерал конституциявий қонун (1995 йил 28 апрелда қабул қилинган) РФ субъектларининг арбитраж судларида шу судлар

қарорларининг қонунийлиги ва асослиги **А.** тартибида текширилишига йўл қўйилишини назарда тутди.

Чет эл амалиётида мазкур институтга ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, инглиз-саксон ҳуқуқ тизимига амал қилувчи мамлакатларда **А.** судлов (жиноят ва фуқаролик) ишларини юритиш доирасида ҳам, ундан ташқари ҳам бериладиган барча турдаги шикоятларни билдиради.

**АППАРАТ** – давлат органлари ёки муниципал органлар, муассасалар, шунингдек шу органларнинг умумий ёки бир-бирига яқин вазифаларни бажарадиган ва бирон-бир соҳага раҳбарликни, органлар, муассасалар ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини таъминлайдиган мансабдор шахслар мажмуи.

**А.** тушунчаси шунингдек *девок, идора ходимлари, маъмурият* маъноларида ҳам қўлланилади.

**АРБИТР (ҳакам)** – низои (ихтилофни) муҳокама қилишда воситачи бўладиган шахс. Ҳуқуқий муносабатларда низо (кўпинча фуқаровий-ҳуқуқий низо) иштирокчилари ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилишни ишониб топширадиган воситачилар, одатда, арбитрлар деб ҳисобланади. Кўпинча ушбу атама *холислар судикинг судьяси* атамасининг синоними тариқасида қўлланилади.

Давлат арбитражи ва идоравий арбитражлар бекор қилингунга қадар ижро этувчи ҳокимиятнинг ана шу органларида ишлайдиган ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти жараёнида юзага келадиган низолар юзасидан қарорлар қабул қиладиган мансабдор шахслар **А.лар** деб аталган.

**АРБИТРАЖ (ҳакамлик) иши** – ҳозирги пайтда кўпинча **А.** судларига ва айрим холислар судларига, масалан, *Халқаро тижорат арбитраж судига ва Денгиз арбитраж комиссиясига* тааллуқли низолар бўйича ишларни шундай ишлар деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Давлат арбитражи ва идоравий арбитражлар фаолият кўрсатган даврда шу органлар томонидан кўрилган ишлар **А.и.** деб ҳисобланган.

**АРБИТРАЖ (ҳакамлик) судлари** – фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иктисодий низолар бўйича ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга ваколатли суд ҳокимияти органлари.

**ЎзРнинг** 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида хўжалик судлари назарда тутилди. «ЎзР Конституциясини амалга киритиш» тартиби тўғрисида»ги қонунда таъкидланишича, «ЎзР Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳакамлик судлари тегишинча ЎзР Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари деб қайта ташкил этилади. Барча бўғинлардаги хўжалик судларининг раислари, раис

ўринбосарлари, судьялари вазифаларини улар белгиланган тартибда сайлангунга қадар тегишинча аввал сайланган ҳакамлик судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва ҳакамлари бажарадилар» (3-банди).

**А.с.** шунингдек 1996 йил 31 декабрда қабул қилинган «Россия Федерациясининг суд тизими тўғрисида»ги ва 1995 йил 28 апрелда қабул қилинган «Россия Федерациясида арбитраж судлари тўғрисида»ги Федерал конституциявий қонунларда назарда тутилган. Улар жумласига Россия Федерациясининг Олий Арбитраж суди, округларнинг федерал арбитраж судлари; РФ субъектларининг арбитраж судлари қиради.

Кўпинча *Халқаро тижорат арбитраж суди ва Денгиз арбитраж комиссиясини Арбитраж суди* деб атаб янглишадилар. Улар ҳокимият тармоқларидан бири бўлмиш суд ҳокимиятини амалга оширадиган давлат органлари ҳисобланмайди.

**АСОСИЙ БУРЧ** — давлат Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган фуқаронинг муайян зарур хулқ-атвори, яъни конституциявий бурчи.

**А.б.нинг** бошқа мажбуриятлардан фарқи шуки, у энг муҳим мажбуриятлар жумласига қиради. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади ва фуқароларнинг бошқа кўпгина мажбуриятларини олдиндан белгилаб беради.

ЎзР Конституциясида **А.б.га:** Конституцияга риоя этиш бурчи (47-модда), қонуний белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш бурчи (51-модда), табиат ва атроф муҳитни сақлаш, табиий бойликларни эҳтиёт қилиб асраш бурчи (50-модда), ватанни ҳимоя қилиш ва ҳарбий ёки муқобил хизматини ўташ бурчи (52-модда), тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш бурчи (49-модда) киритилган.

**АСОСИЙ ҲУҚУҚ** — давлат конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган фуқаронинг муайян хулқ-атвори, яъни фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи. **А.ҳ.нинг** бошқа ҳуқуқлардан фарқи шуки, у энг муҳим ҳуқуқлар жумласига қиради, конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади ва фуқароларнинг бошқа кўпгина ҳуқуқларини олдиндан белгилаб беради.

**АСОСИЙ ҚОНУН** — давлатнинг конституциясини тавсифлаш учун ишлаш қиладиган тушунча. **А.қ.** билан конституция — умумий қоидага кўра муштарак тушунчалардир. Бу тушунчалар аниқ ҳужжатнинг номида фойдаланилади.

Масалан, Ўзбекистоннинг аввалги конституциялари: Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) деб аталар эди. Баъзи бир мамлакатларда энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат расмий равишда асосий қонун деб аталади. Масалан, ГФРда федерал Конституция Асосий қонун деб, Федерациянинг бўлаклари — ерларнинг энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлари эса Конституция деб номланади.

**АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР** — конституция лексиконида кенг фойдаланиладиган ҳамда давлатнинг конституциясида

мустахкамлаб қўйилган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини билдиради. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар муайян давлат ва жамиятда инсоннинг мақоми учун энг муҳим туб-заминли ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари мазмунини белгилаб беради.

«Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар» тушунчасидан ЎЗР Конституциясида ҳам фойдаланилган. Чунончи, инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий кадриятдир, ЎЗР Конституциясининг 19-моддасида айтилганидек, «Фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустахкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

ЎЗР Конституциясида мустахкамлаб қўйилган **А.х.э.ни** конституциявий ҳуқуқ фанида таснифлаш яъни бир неча гуруҳга бўлиш қабул этилган. Шахс ҳақидаги қарашлар, унинг жамият ва давлатдаги ўрни, вазифаси бу таснифларга асос қилиб олинади. Шунга биноан, инсоннинг **А.х.э.ларини** қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) *Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар* (шахсий ҳаёт ва индивидуал эркинлик соҳасида) – яшаш ҳуқуқи (конституциянинг 24-моддаси), эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас (25-модда), жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди (26-модда), ҳар бир инсонга ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан шахсий ҳаётига аралашайдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга (27-модда), эркин кўчиш ҳуқуқи (28-модда), ҳар бир инсонга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш эркинлиги (29-модда), шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва яшаш фаолиятларини ҳимоя қилишда давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий қоидалар билан уларни таништириш (30-модда), ҳамма учун виждон эркинлиги мустахкамланган (31-модда).

2) *Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар* – фуқаролар жамият ва давлат ишларини бажаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (32-модда), фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар (33-модда), фуқаролар қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (34-модда), ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (35-модда).

3) *Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар* – ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга (36-модда), ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонун-

да кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга (37-модда), ёнланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар (38-модда), ҳар ким қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга (39-модда), ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга (40-модда), ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга (41-модда), ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади (42-модда), давлат фуқароларининг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-модда), вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ёки ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда), хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар (46-модда).

**АРГЕНТИНА (Аргентина Республикаси)** – Жанубий Америкадаги федератив давлат. Пойтахти – Буэнос-Айрес шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 22 та провинция, битта миллий ҳудуд (Оловли Ер) ва битта федерал (пойтахт) округга бўлинган. Провинциялар департаментларга бўлинади.

**А.** Конституцияси 1853 йилда қабул қилинган. 1949–1957 йилларда 1949 йилги Конституция амал қилган, 1957 йилда аввалги Конституция тикланган. 1994 йил 24 августдан эътиборан **А.** янги Конституцияси амал қилмоқда.

Бошқарув шаклига кўра, **А.** – республика. Президент ва вице-президент умумий тўғридан-тўғри сайловда (кўп поғонали сайловда) кетма-кет иккинчи муддатга қайта сайланиш ҳуқуқи билан 4 йил муддатга сайланади. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи, Олий Бош кўмондон ҳисобланади, кенг қонун чиқариш ваколатларига эга.

**А.** парламенти – икки палатали Миллий Конгресс. Юқори палата – Сенат билвосита овоз бериш орқали 9 йилга сайланадиган 72 сенатордан иборат. Сенатнинг учдан бир аъзоси ҳар уч йилда янгиланади. Мамлакат вице-президенти Сенат раиси ҳисобланади. Депутатлар палатаси 4 йилга сайланадиган 257 депутатдан иборат бўлади. Депутатлар корпусининг ярми ҳар 2 йилда янгиланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**АРМАНИСТОН (Арманистон Республикаси)** – 1995 йил 5 июлда ўтказилган референдумда қабул қонун қилинган. **А.** Конституциясининг 1-бандига мувофиқ суверен, демократик, ижтимоий, ҳуқуқий давлат. Давлат ҳокимияти ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида амалга оширилади. Қонуннинг устунлиги кафолатланади, кўп партия-



лилик эътироф этилади. Давлат тили – арман тили. Пойтахти – Ереван шаҳри.

**А.** фуқаролиги қонунга мувофиқ олинади ва тўхтатилади. Арманлар **А.** фуқаролигини соддалаштирилган тартибда оладилар. **А.** фуқароси бир вақтнинг ўзида бошқа давлатнинг фуқароси бўлиши мумкин эмас.

**А.да** мулк ҳуқуқи тан олинади ва муҳофаза қилинади, барча мулк шаклларининг эркин ривожланиши ва тенг равишда ҳуқуқий муҳофаза қилиниши, иқтисодий фаолият эркинлиги, эркин иқтисодий рақобат кафолатланади. **А.** Конституцияси, халқаро андозаларга мос ва, масалан, Россия Конституцияси қоидаларига ўхшаш асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни мустаҳкамлаб қўйган.

**А.да** давлат ҳокимиятини Президент, Миллий Мажлис, ҳукумат, судлар амалга оширади.

Конституция Президентга катта ваколатларни бергани ҳолда, унинг мақомига таъриф бермайди: уни на давлат бошлиғи, на ижро этувчи ҳокимият бошлиғи деб атамайди. **А.** Президенти Конституцияга риоя этилишини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг нормал ишлашини таъминлайди. У **А.** Республикаси мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигининг кафили ҳисобланади (Конституциянинг 49-моддаси). 35 ёшга тўлган, охириги 10 йил мобайнида **А.** фуқароси бўлиб турган, **А.да** доимий яшовчи ва сайлов ҳуқуқига эга ҳар қандай шахс Арманистон Президенти этиб сайланиши мумкин.

Президентнинг энг муҳим ваколатлари: у халққа ва Миллий Мажлисга мактублар билан мурожаат этади; Миллий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни имзолайди ва эълон қилади, вето ҳуқуқига эга; Миллий Мажлис раиси ва Бош вазир билан маслаҳатлашувдан сўнг Миллий Мажлисни тарқатиб юбориши, навбатдан ташқари сайловни тайинлаши мумкин; Бош вазирни тайинлайди ва озод қилади, унинг тақдимномаси бўйича ҳукумат аъзоларини тайинлайди ва озод қилади; Миллий Мажлис ҳукуматга ишончсизлик билдиргани тақдирда унинг истеъфосини қабул қилади; қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик лавозимларига тайинлайди; маслаҳатлашув органларини тузиши мумкин; халқаро муносабатларда **А.** номидан иш кўради, ташқи сиёсатга умумий раҳбарликни амалга оширади, халқаро шартномалар тузади, Миллий Мажлис томонидан ратификация қилинган шартномаларни имзолайди, халқаро шартномаларни ратификация қилади, Бош вазир тақдимномасига биноан Бош прокурорни тайинлайди ва озод қилади; Конституциявий суднинг тўрт аъзоси ва Раисини тайинлайди; **А.** қуроли кучларининг Бош қўмондони ҳисобланади, олий командирлар таркибини тайинлайди; республикага қуроли ҳужум қилингани ёки шундай хавф мавжуд бўлгани тақдирда қуроли кучлардан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади ёхуд Миллий Мажлис томонидан уруш эълон қилингани тақдирда ҳарбий ҳолат

жорий этади ва умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиши мумкин; конституциявий тузумга таҳдид солувчи бевосита хавф юзага келганда Миллий Мажлис раиси ва Бош вазир билан маслаҳатлашувдан кейин вазият такозо этган чора-тадбирларни амалга оширади ва бу ҳақда халққа мактуб билан мурожаат этади.

**А.да** қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий Мажлис амалга оширади. Миллий Мажлиснинг ваколат муддати – 4 йил.

Хукумат янги сайланган Миллий Мажлис тузилганидан ёки ўзи шакллантирганидан кейин йигирма кунлик муддатда Миллий Мажлис мажлисида ишонч билдириш тўғрисидаги масалани қўйиб, ўз фаолияти дастурини Миллий Мажлисга маъқуллаш учун тақдим этади. Хукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ишонч билдириш ҳақидаги масала қўйилгандан кейин 24 соат мобайнида депутатлар умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан тақдим этилиши мумкин. Хукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси киритилганидан кейин камида 48 соатдан сўнг ва 72 соатдан кечиктирмай овозга қўйилади. Қарор депутатлар умумий сонининг кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Хукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор лойиҳаси киритилмагани ёки бундай қарор қабул қилинмагани тақдирда, унинг фаолият дастури маъқулланган деб ҳисобланади. Ишончсизлик билдириш тўғрисидаги қарор қабул қилингани тақдирда Бош вазир ҳукумат истеъфо бериши тўғрисида Президентга ариза тақдим этади.

Миллий Мажлис ҳукумат фаолияти дастурлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳукуматга Миллий Мажлис белгилаган муддат мобайнида амал қиладиган ва қонунларга зид бўлмаган қонун кучига эга бўлган қарорлар қабул қилиш ваколатини бериши мумкин. Бу қарорларни **А. Президент** имзолайди (Конституциянинг 78-моддаси).

Миллий Мажлиснинг ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради: ҳукумат тақдим этиши асосида давлат бюджетини тасдиқлаш; бюджетнинг ижроси, шунингдек чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олинган заёмлар ва кредитлардан фойдаланилиши устидан назорат қилиш, Миллий Мажлис Назорат палатасининг ҳулосаси мавжуд бўлгани ҳолда давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; афв эълон қилиш; **А.** халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш, уруш эълон қилиш. Миллий Мажлис республика Конституциявий судининг ҳулосаси асосида Президент томонидан қуроли кучлардан фойдаланиш, ҳарбий ҳолат жорий этиш, умумий ёки қисман сафарбарлик жорий этиш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш бўйича кўрилаётган тадбирларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйиши мумкин.

**А.да** ижро этувчи ҳокимиятни Бош вазир ва вазирлардан таркиб топган ҳукумат амалга оширади. Хукуматнинг таркибий тузилиши ва фаолияти тартиби Бош вазир тақдимномаси бўйича Президент фар-

мони билан белгиланади. Ҳукумат мажлисларини Президент ёки унинг топшириғига биноан, Бош вазир чақиради ва олиб боради. Ҳукумат қарорларини Бош вазир имзолайди, Президент тасдиқлайди.

**А.да** одил судловни фақат судлар амалга оширади. Конституциявий суд мавжуд. Конституциявий суд аъзолари алмаштирилмайдилар ва 70 ёшгача ўз лавозимларини эгаллаб турадилар. Конституциявий суд 9 аъзодан иборат бўлиб, бештасини Миллий Мажлис сайлайди, тўрттасини Президент тайинлайди.

Вилоятлар ва жамоалар **А.нинг** маъмурий-худудий бирликларидир. Вилоятлар қишлоқ ва шаҳар жамоаларидан иборат. Жамоаларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалга оширилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари жамоанинг уч йиллик муддатга сайланган оксоқоллар кенгаши (5–15 аъзо) ва жамоа раҳбари – шаҳар мэри, қишлоқ оксоқолларидир.

Вилоятларда давлат бошқаруви амалга оширилади. Вилоят раҳбарини ҳукумат тайинлайди. У ҳукуматнинг минтақавий сиёсатини рўёбга чиқаради, республика ижро этувчи органлари минтақавий хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

**АРМИЯ** – давлатни ҳимоя қилиш ва унинг ташқи хавфсизлигини таъминлаш учун махсус ташкил этиладиган ҳарбийлаштирилган тузилмалар мажмуи: 1) давлат Мудофаа вазирлиги тизимининг ҳарбий қисмлари ва бўлинмалари; 2) давлатнинг барча қуролли кучлари (Мудофаа вазирлигининг қисмлари ва бўлинмалари, чегара қўшинлари, ички қўшинлар, хавфсизлик хизмати тизими ҳарбий бўлинмалари таркиби, темир йўл қўшинлари ва х.к.).

**А.** деганда одатда қуруқликдаги ҳарбий бўлинмалар ва ҳарбий денгиз флоти тушунилади. Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари орасида айрим йирик қўшин тузилмалари ҳам **А.** деб аталиши мумкин.

**АСОС** – ҳуқуқда, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда (бирлик ва кўплик сонларида) асл луғавий маънода фойдаланиладиган тушунча, яъни бирон-бир нарсанинг негизи, базиси, пойдевори. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-бўлими «Конституциявий тузум асослари» деб аталади, унда давлатимиз ва жамиятимиз ташкил этилишининг асослари мустаҳкамлаб берилган.

«Конституциявий ҳуқуқда уни ривожланишининг турли босқичларида «асос» сўзи қушиб тузилган бир қанча ўзига хос тушунчалардан фойдаланилган. Чунончи: сиёсий асос-давлатнинг асосининг, унинг аппарати (механизми) асосини ташкил этувчи давлат органлари тизими. Давлатнинг бошқа барча органлари улардан келиб чиқади ва уларга ҳисоб беради.

**АТТЕСТАЦИЯ (малака ва салоҳият синови)** – конституциявий, маъмурий ва меҳнат ҳуқуқида бир қанча маънода қўлланиладиган тушунча.

**А.** – ходимнинг касб даражасини, унинг эгаллаб турган лавози-

мига лойиқлигини, уни хизматда юкори лавозимга кўтариш (ёки сайтириш), ходимга малака даражаси бериш ёки ходимнинг юкори малакага эгаллигини кўрсатадиган унвонни бериш тўғрисидаги масалани кўйиш имкониятларини баҳолаш.

Масалан, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига баҳо бериш мақсадида судьяларнинг малака хайъатлари вақти-вақти билан судьяларнинг малака **А.ларини** ўтказиб туради.

Судьяларнинг малака **А.си** «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда судьялар сифат таркибини яхшилаш, уларнинг касб малакаси ошишига баҳо бериш ва рағбатлантириш, одил судловни амалга ошириш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

Биринчи марта судьялик лавозимига сайланган (тайинланган) шахсларнинг малака **А.си** улар иш фаолиятининг дастлабки уч ой ичида ўтказилиши керак.

Судьяларнинг навбатдаги малака **А.си** уларга берилган малака даражасида бўлиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Судьяга муддатидан олдин юкорироқ малака даражаси бериш учун унга аввал берилган малака даражасида бўлиш муддатининг ярми ўтганидан кейингина навбатдаги малака **А.си** ўтказилиши мумкин.

Малака **А.дан** ўтказилиши лозим бўлган судьяга **А.** ўтказишдан камида бир ой олдин унинг касб фаолиятига, ишчанлик ва ахлоқий жиҳатларига баҳо берилган тавсифнома ҳамда иши ҳақидаги маълумотнома тайёрланади.

Тегишли суднинг раҳбари судьяни у ҳақда тайёрланган тавсифнома ва маълумотнома билан малака **А.си** ўтказиш тўғрисидаги материалларни судьяларнинг тегишли малака хайъатига юборишдан олдин таништириши лозим.

Малака **А.си** тақдимнома тушган кундан бошлаб бир ой ичида, коида тариқасида, **А.дан** ўтувчи судьянинг иштирокида ўтказилади.

Судьяларнинг малака хайъати судьянинг касбий билим даражаси, ишчанлик жиҳатлари, иш стажи ва тажрибаси, эгаллаб турган лавозимига қараб куйидаги хулосалардан бирини беради:

судьяга тақдимномада кўрсатилган малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

судьяга юкорироқ малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

судьяни илгари берилган малака даражасида қолдириш тўғрисида.

Судьялар олий малака хайъати судьяга малака даражаси бериш тўғрисидаги масалани судьяларнинг малака хайъати чиқарган хулоса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этади.

Судьяга малака даражаси берилганлиги тўғрисида гувоҳнома бе-

рилади. Судьялар тегишли малака хайъатининг малака даражаси бериш тўғрисидаги қарори ЎзР Олий суди ёки ЎзР Олий хўжалик суди матбуот органларида эълон қилинади, шунингдек судьянинг шахсий ишига қўшиб қўйилади.

**А.** – бирор муассасанинг, масалан, таълим муассасасининг фаолиятини баҳолаш. Бунда таълим муассасаси битирувчиларини тайёрлашнинг мақсад ва мазмуни, даражаси ва сифати давлат таълим стандартларига қанчалик мувофиқлиги аниқланади.

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ** – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига **А.ф.ни** амалга ошириш тақиқланади.

Аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир.

Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти **А.ф.ни** амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Аудиторлик ташкилотлари ЎзР Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади.

Аудиторлик ташкилотлари **А.ф.ни** ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома асосида амалга оширадilar.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади.

Аудиторлик ҳисоботи – аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат. Аудиторлик

ҳисоботида аниқланган четга чиқишлар ва қоидабузарликларни барта-  
раф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек хўжалик юритувчи субъект-  
ларнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича  
тавсиялар ва таклифлар мавжуд бўлиши керак.

Аудиторлик хулосаси – молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бух-  
галтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгилан-  
ган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг  
фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молия-  
вий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

**АФВ ЭТИШ** – гуноҳни кечиш, ЎзР қилган жинояти учун ҳукм  
қилинган муайян шахсга нисбатан суд тайинлаган жазони бундан буён  
ўташдан озод қилиш тўғрисидаги, ёхуд жазо муддатини қисқартириш  
ёки бирмунча юмшоқ жазо тури билан алмаштириш тўғрисидаги қарор.  
Жазони ўтаган шахсдан афв тўғрисидаги ҳужжатга биноан судлан-  
ганлиги олиб ташланиши мумкин. Ўзбекистонда авф этиш тўғрисида-  
ги ҳужжат мамлакат Президент тақдимига биноан ЎзР Олий Мажли-  
сининг Сенати томонидан қабул қилинади.

**АФҒОНИСТОН (Афғонистон Ислом давлати)** – Марказий  
Осиёдаги давлат. 1913 йил 19 августда мустақилликка эришган. Пой-  
тахти – Қобул шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан **А.** 31 та вилоятга бўлинган.

Бошқарув шаклига кўра **А.** – ислом республикаси (1964 йилги  
Конституция бўйича – конституциявий монархия, 1973 йилда ағдариб  
ташланган). 1992 йил 28 апрелгача Афғонистон Республикасининг  
1987 йил 30 ноябрда қабул қилинган Конституцияси амалда бўлган.

**А.** конституциявий тузуми 1979–1989 йиллардаги уруш ва ўзаро  
адоватда бўлган сиёсий-этник гуруҳлар ўртасидаги жанговар харакат-  
лар жараёнида амалда тугатилган.

1987 йилги Конституция бўйича икки палатали парламент –  
Миллий кенгаш қонун чиқарувчи орган бўлиб, у 1988 йил апрель ойида  
5 йиллик муддатга сайланган ва 1992 йил май ойида тарқатиб юбо-  
рилган Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат эди. Янги маъмурлар  
томонидан 1993 йил январь ойида 205 депутатдан иборат таркибдаги  
янги парламент чақирилган.

Ижро этувчи ҳокимиятни коалиция ҳукумати амалга оширади.

Мамлакатда ҳарбий қарама-қаршилик давом этаётгани сабабли  
бутун мамлакат учун умумий бўлган қонун чиқарувчи ва ижро этув-  
чи ҳокимият органлари амалда мавжуд эмас.

**АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ** – фуқароларнинг Ўзбекистон  
Республикаси Конституцияси 29-моддасида 1, 2-қисмларида мустаҳкам-  
лаб қўйилган ҳуқуқи.

Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар ким ўзи истаган  
ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Давлат

сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати конунда белгилаб қўйилади.

Ахборот олиш ҳуқуқи — муайян даражада шахсий маълумотларни химоя қилиш ҳуқуқига ўхшаб кетади, чунки бу ҳуқуқ ҳам инсоннинг ахборот олиши билан боғлиқдир. Аммо шахсий маълумотларни химоя қилиш ҳуқуқи шахсан фуқарога тааллуқли бўлса, ахборот олиш ҳуқуқи жамият ва давлатда ахборот олиш ҳуқуқини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятини кўзда тутаети. Фуқаронинг оммавий ахборот воситалари газеталар, журналлар, теле ва радио компаниялар таъсис этиш ҳуқуқи бунга айниқса ёрдам беради. Кейинги вақтларга ча теле ва радио компаниялар давлатга қарашли бўлиб келди. Эндиликда аста-секин нодавлат теле кўрсатув ва радио эшиттириш каналлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оммавий ахборот воситалари эркинлигига қафолат берилган. Цензура, яъни газета ва журналлар, теле кўрсатув ва радио эшиттириш мазмунини назорат қилиш тақиқланган. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган, кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда бундай воситаларни ташкил этиш тартиби ва қафолатлари акс эттирилган.

**АХБОРОТ** — конституциявий ҳуқуқда бир неча ҳолларда қўлланилади. Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддасига асосан ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. 27-моддага асосан, фуқароларнинг ёзишма ва телефонда сўзлашувлари сир сақланади. 67-моддага асосан оммавий-ахборот воситалари эркиндир.

Булардан ташқари фуқаролар сайлов даврида номзодлар, депутат фаолияти ҳақида ахборотлар билан таъминланади.

**АХБОРОТНОМА** — вакиллик (конун чиқарувчи) органлари, шунингдек бошқа органларнинг расмий ва ахборот нашрларини номлаш учун қўлланиладиган, турли сўз бирикмаларида кенг тарқалган тушунча.

Чунончи, мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси» нашр этилмоқда.

**АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси ЖК 43, 46-моддаларига асосан суд томонидан қўлланиладиган жазо тури. Бу жазо шахс иш ҳақининг ўн фойизидан ўттиз фойизигача давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишни кўзда тутаети.

Жазо олти ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади.

**А.т.и.** пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, хомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 26-моддасига асосан **А.т.и.**

жазоси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ижро этилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаса, жазони ҳукм чиқарилган жойлардаги ижро инспекцияси зиммасига юкланади.

**А.т.и.** корхона, ташкилот, муассасаларда ўталади.

**А.т.и.га** ҳукм қилинган шахс судлангунга қадар ўзлари ишлаган жойларда меҳнат фаолиятини давом эттириши мумкин.

Жазони бошқа жойларда ўташ шarti билан **А.т.и.га** ҳукм қилинганлар жазони ўташ учун, жазони ижро этиш инспекцияси белгилаб берган корхона, ташкилот, муассасаларга юборилади. Вояга етмаган шахслар яшаш жойидаги корхона, ташкилот, муассасага жазо ўташ учун юборилади.

**БАГАМА ОРОЛЛАРИ (Багама ороллари Ҳамдўстлиги)** – Атлантика океанидаги Катта Антил оролларида шимолроқда оролларда жойлашган давлат. Мустақиллиги 1973 йил 10 июлда эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Нассау шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 21 та округга бўлинади.

Лондонда ўтказилган конференцияда ишлаб чиқилган 1973 йилги Конституцияси амал қилмоқда. Генерал-губернаторини Британия кироличаси тайинлайди.

Конун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент: Сенат ва қуйи палата – Мажлис Палатаси амалга оширади. Сенат 16 нафар сенатордан иборат бўлиб, уларнинг барчасини генерал-губернатор 5 йил муддатга тайинлайди, Мажлис Палатаси умумий овоз бериш орқали 5 йилга сайланадиган 49 депутатдан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Генерал-губернатор парламентда кўпчиликни ташкил этувчи партия етакчисини Бош вазир этиб тайинлайди.

**БАЙРОҚ** – давлатнинг асосий рамзларидан бири. **Б.нинг** тасвири махсус конун ёки конституция билан белгиланади. У герб ёки бошқа эмблема тасвирланган бир ёки кўп рангли алвондан иборат бўлади. Б. давлат муассасалари, элчихоналар, ваколатхоналар, божхоналар, консулликлар ва х.к. биноларида кўтарилади (яна қ.: *Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи*).

**БАЛАНС** – давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-молиявий жиҳатларига татбиқан олганда:

республика бюджети, маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг режалаштириладиган ёки якуний ўзаро нисбатини;

тегишли ҳудуддаги тармоқлар ва умуман халқ хўжалиги ишининг иқтисодий кўрсаткичлари ўзаро нисбатини;

мол-мулкнинг тегишли органлар тасарруфида (мулкида) туришини (балансда бўлиш ибораси шундан келиб чиққан) англатиши мумкин.



**БАНГЛАДЕШ (Бангладеш Халқ Республикаси)** – Осиёнинг жанубида жойлашган, сецессия натижасида 1971 йилда ташкил топган (1947 йилдан 1971 йилгача Покистоннинг шарқий қисми). Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Дакка шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 4 та вилоят, 19 та округга бўлинади.

Конституцияси 1972 йилда қабул қилинган (1988, 1991 йилларда тузатишлар киритилган).

Конституцияга (1991 йилги таҳририга) кўра, **Б.** – парламент республикаси.

Президент умумий овоз бериш орқали сайланади. Бир вақтнинг ўзида вице-президент ҳам сайланади. Уларнинг ваколат муддати – ҳар бири яна бир муддат қайта сайланиш ҳуқуқи билан 5 йил.

Парламент – Жатъя Сангсада – бир палатали бўлиб, 5 йилга сайланадиган 330 депутатдан иборат (бундан 30 ўрин аёл депутатлар учун ажратилган).

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ҳукумат билан биргаликда амалга оширади.

**БАНК** – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахс. Юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш шундай фаолият турлари жумласига қиради.

Ўзбекистон Республикасининг **Б.** тизимини республика Марказий банки бошқаради. **Б.** тизими ва банклар фаолиятининг асослари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. **Б.лар** Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл **Б.лари** эса ўз ваколатларини Марказий банкнинг рұхсати билан очишлари мумкин.

**БАРБАДОС** – Кариб денгизининг Вест-Индия қисмидаги оролда жойлашган давлат. 1966 йил 30 ноябрда унга мустақиллик берилган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Бриджтаун шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 11 та туман (париш) дан иборат.

Конституцияси 1966 йил 30 ноябрда кучга кирган.

Британия Қироличаси генерал-губернаторни тайинлайди.

Парламенти икки палатали бўлиб, Сенат (5 йилга генерал-губернатор тайинлайдиган 21 сенатор, бундан 12 нафари Бош вазирнинг, икки нафари муҳолифат етакчисининг тавсиясига биноан, етти нафари генерал-губернаторнинг ўз ихтиёрича тайинланади) ва 5 йил муддатга сайланадиган 28 депутатдан ташкил топадиган Мажлис Палатасидан иборат.

Гарчи Бош вазирни расман генерал-губернатор тайинласа-да, пар-

ламентда кўпчилиқни ташкил этувчи партия етакчиси ҳукуматни тузади.

**БАҲРАЙН (Баҳрайн давлати)** – Форс кўрфазидаги оролда жойлашган давлат. **Б.** 1971 йилда мустақилликка эришган. Пойтахти – Манама шаҳри.

Конституциявий монархия элементларига эга бўлган, мерос бўлиб ўтадиган мутлақ монархия (амирлик). Конституцияси 1973 йилда қабул қилинган (унинг амал қилиши 1975 йилда тўхтатиб қўйилган).

Давлат бошлиғи – амир. Унинг ҳузурида Шўро Маслаҳатлашув Кенгаши (30 аъзо) ишлаб туради.

Конституцияга кўра, қонун чиқариш вазифаларини 30 нафар депутат ва ҳукуматнинг барча аъзоларидан иборат таркибдаги Миллий Мажлис амалга оширади (1975 йил август ойида тарқатиб юборилган ва ўшандан буён чақирилмайди).

Ҳукумат бошлиғи – Бош вазир – амир томонидан тайинланади.

Сиёсий партиялар ва қасаба уюшмалари фаолияти тақиқланган.

**БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯ** – Халқнинг ўз ҳокимиятини бевоСИТА амалга ошириш шакллари ва воситалари (институтлари) мажмуини камраб олувчи тушунча. **Б.** асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган. Конституциянинг 7-моддасида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Референдум ва сайловдан ташқари, **Б.д.** институтларига муҳим давлат қарорлари ва қонунлар муҳокамаси, петициялар, халқ ташаббуслари, фуқароларнинг яшаш ва иш жойидаги йиғилишлари (йиғинлари) қиради.

Конституциявий ҳуқуқ фанида **Б.д.** институтларини икки гуруҳга: *қатъий* ва *тавсия* хусусиятга эга институтларга ажратиш қабул қилинган.

**Б.д.** қатъий (императив) шакллариининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқ томонидан қабул қилинган қарор узиқ-кесил, мажбурий ҳисобланади, давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқлашни тақозо этмайди (улар фақат мазкур қарорни расман қабул қилинган деб эълон қилишлари мумкин). **Б.д.нинг** қатъий шаклларига императив референдум ҳамда депутатлар ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларни халқ томонидан сайлаш қиради.

**Б.д.** тавсиявий шакллариининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ёрдамида аниқланган халқ (аҳоли)нинг хоҳиш-иродаси тегишли давлат органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг

қарорида ўз аксини топади (мазкур қарорга асос бўлиб хизмат қилади). Лекин мазкур орган ўз хужжатининг узил-кесил матнини ўзи мустақил таърифласа-да, у халқ (аҳоли)нинг хохиш-иродасини инobatга олади. **Б.д.нинг** тавсиявий шакллариға консулътатив референдумлар (сўровлар), халқ муҳокаmaları, ташаббуслари (шу жумладан, ҳуқуқ иждорлиги ташаббуслари), петициялар қиради.

Фуқароларнинг йиғилишлари (йиғинлари)нинг қарорлари айрим ҳолларда (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлашда, депутатликка номзодларни киритишда) императив хусусиятга эға бўлса, бошқа ҳолларда (масалан, кичик туманда ёки аҳоли яшайдиган манзилда янги объект қурилиши юзасидан ўз фикрини билдиришда, маҳаллий тузилма бошлигининг билдиришини муҳокама қилишда) тавсия, маслаҳат хусусиятига эға бўлади.

«Тўғридан-тўғри демократия», «бевосита халқ ҳокимиятчилиги» тушунчалари ҳам «бевосита демократия» тушунчаси билан бир хил маънода қўлланади.

**БЕЛАРУСЬ (Беларусь Республикаси)** – 1996 йил 24 ноябрдаги референдумда қабул қилинган Конституциясига мувофиқ, унитар демократик ижтимоий ҳуқуқий давлат. Беларус ва рус тиллари давлат тиллари ҳисобланади. Пойтахти – Минск шаҳри.

**Б.** Конституциясида айтиладики, **Б.да** инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда уларни рўёбга чиқариш қарорлари жамият ва давлатнинг олий қадрияти ва мақсади ҳисобланади. Халқ **Б.да** давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ва суверенитетнинг ифодачисидир. У ўз ҳокимиятини бевосита, вакиллик органлари ва бошқа органлар орқали Конституцияда белгиланган шакллар ва доирада амалга оширади. **Б.да** демократия сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида амалга оширилади. Давлат ҳокимияти унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида рўёбга чиқарилади. **Б.да** ҳуқуқнинг устунлиги принципи ўрнатилади.

**Б.да** давлат мулки ва хусусий мулк бўлиши мумкин. Ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар давлатнинг мутлақ мулки ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерлар ҳам давлат мулкидир. Қонун билан фақат давлат мулки мақомидаги бошқа объектлар ҳам белгилаб қўйилиши ёхуд улар хусусий мулкка ўтишининг алоҳида тартиби белгиланиши, шунингдек давлатнинг айрим фаолият турларини амалга оширишга бўлган мутлақ ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

**Б.** Конституциясида («Шахс, жамият, давлат» деб номланган II бўлимда) фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кенг доираси мустаҳкамлаб қўйилган.

**Б.** Конституциясининг ўзига хос хусусияти «Сайлов тизими. Референдум» деб аталган III бўлим мавжудлигидир. Фаол сайлов ҳуқуқи 18 ёшдан бошлаб берилади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойла-

рида сақланаётган шахслар сайловларда иштирок этмайдилар. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзига нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси сифатида танланган шахслар овоз беришда иштирок этмайди.

**Б.** Конституцияси қонунда белгиланган асослар бўйича депутатларни чақириб олиш имкониятини назарда тутати. Чақириб олиш юзасидан овоз бериш депутатни сайлаш учун назарда тутилган тартибда, сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва тегишли ҳудудда яшайдиган фуқароларнинг камида 20 фоизнинг ташаббуси билан ўтказилади.

Республика референдумлари **Б.** Президенти томонидан ўз ташаббуси билан, шунингдек Вакиллар палатаси ва Республика Кенгаши таклифига биноан (қарорлар уларнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида қабул қилинади) ёхуд сайлов ҳуқуқига эга бўлган камида 450 минг фуқаронинг (шу жумладан ҳар бир вилоят ва Минск шаҳридан камида 30 минг фуқаронинг) таклифига биноан тайинланади. Маҳаллий референдумлар тегишли маҳаллий вакиллик органлари томонидан ўз ташаббуси билан ёхуд сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва тегишли ҳудудда яшайдиган фуқаролар камида 10 фоизнинг ташаббуси билан тайинланади.

**Б.** Президенти давлат бошлиғи, Конституцияга риоя этилишининг, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишининг кафили ҳисобланади. Президент халқ бирлигини йодолайди, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари рўёбга чиқарилишини кафолатлайди, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда **Б.** номидан вакиллик қилади. Президент **Б.** давлати суверенитетини, унинг миллий хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш чораларини кўради, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни, давлат ҳокимияти органларининг муштараклиги ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, давлат ҳокимияти органлари ўртасида воситачиликни амалга оширади.

Тутилган жойи бўйича **Б.** фуқароси, камида 35 ёшга бўлган, сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва бевосита сайлов олдидан **Б.да** камида 10 йил доимий яшаб турган шахс Президент этиб сайланиши мумкин. Президент умумий сайлов йўли билан 5 йилга сайланади. Айти бир шахс икки муддатдан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмас (**Б.** Конституциясининг 81-моддаси). Президент лавозимига номзодлар **Б.** фуқаролари томонидан сайловчиларнинг камида 100 минг имзоси мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади.

**Б.** Президенти кенг ваколатларга эга. У: республика референдумларини тайинлайди; Вакиллар палатасига, Республика Кенгашига ва маҳаллий вакиллик органларига навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларни тайинлайди; Конституцияда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда палаталарни тарқатиб юборади; Марказий сайлов комиссиясининг олти аъзосини тайинлайди; Президент Маъмуриятини, давлат

бошқарувнинг бошқа органларини, шунингдек Президент хузуридаги маслахатлашув органлари ва бошқа органларни тузади, бекор қилади ва қайта ташкил этади; Вакиллар палатасининг розилиги билан Бош вазирни лавозимга тайинлайди; **Б.** Ҳукумати таркибий тузилишини белгилайди, Бош вазир ўринбосарларини, вазирларни ва Ҳукуматнинг бошқа аъзоларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, Ҳукуматнинг ёки унинг аъзоларининг истеъфога чиқиши тўғрисида қарор қабул қилади; Республика Кенгашининг розилиги билан **Б.** Конституциявий суди Раисини, Олий суди Раисини, Олий ҳўжалик суди Раисини шу судларнинг судьялари орасидан тайинлайди; Республика Кенгашининг розилиги билан Олий суд, Олий ҳўжалик суди судьяларини, Марказий сайлов комиссияси Раисини, Бош прокурорни, Марказий банк Бошқаруви Раисини ва аъзоларини лавозимга тайинлайди; Конституциявий суднинг олти судьясини, **Б.нинг** бошқа судьяларини тайинлайди; қонунда назарда тутилган асосларга кўра ва Республика Кенгашини хабардор қилган ҳолда Конституциявий суд Раиси ва судьяларини, Олий суд Раиси ва судьяларини, Олий ҳўжалик суди Раиси ва судьяларини, Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ва аъзоларини, Бош прокурорни, Марказий банк Бошқарувининг Раиси ва аъзоларини лавозимидан озод қилади; Давлат назорати қўмитаси Раисини лавозимга тайинлайди ва ундан озод қилади; давлатдаги аҳвол ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида **Б.** халқига мактублар билан мурожаат этади; Парламентга ҳар йилги мактублар билан мурожаат этади, бу мактублар Вакиллар палатаси ва Республика Кенгаши мажлисларида тингланади, лекин муҳокама этилмайди; Парламент ва унинг органлари ишида иштирок этиш, улар олдида исталган вақтда маъруза ёки ахборот билан сўзга чиқиш ҳуқуқига эга; **Б.** Ҳукумати мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқига эга; республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларини тайинлайди ва уларнинг мақомини белгилайди; Президентнинг Парламентдаги вакилларини ҳамда, агар Конституцияда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, лавозими қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бошқа мансабдор шахсларни тайинлайди; музокаралар олиб боради ва халқаро шартномаларни имзолайди; фавқулодда ҳолларда **Б.** ҳудудда ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилинган қарорни уч кунлик муддатда Республика Кенгаши тасдиқлаши учун киритади; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, иш ташлашни кейинга қолдиришга ёки уни кўпи билан уч ойлик муддатга тўхтатиб туришга ҳақли; қонунларни имзолайди, кечиктирувчи вето ҳуқуқига эга; Ҳукумат ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқига эга; бевосита ёки ўзи тузадиган органлар орқали маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади; маҳаллий депутатлар Кенгашлари қарорларини тўхтатиб қўйиш

хамда маҳаллий ижро этувчи ва идора қилувчи органларнинг қарорларини улар қонун ҳужжатларига номувофик бўлган тақдирда бекор қилиш ҳуқуқига эга; **Б.** Хавфсизлик Кенгашини тузади ва унга бошчилик қилади; **Б.** Қуролли Кучларининг Бош қўмондони ҳисобланади; ҳарбий таҳдид ёки ҳужум бўлган тақдирда **Б.** ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этади, тўлиқ ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ва қабул қилинган қарорни уч кунлик муддатда Республика Кенгаши тасдиқлаши учун киритади ва х.к.

**Б.** Президенти Конституция асосида ва унга мувофиқ мамлакат ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар ва фармойишлар чиқаради. Конституцияда назарда тутилган ҳолларда Президент қонун кучига эга бўлган декретлар чиқаради.

Президент давлатга хиёнат қилганлиги ёки бошқа оғир жиноят содир этганлиги учун лавозимидан туширилиши, истеъфога чиқарилиши мумкин. Айблов Вакиллар палатаси томонидан қўйилади, текшириш эса Республика Кенгаши томонидан ташкил этилади. Лавозимидан тушириш тўғрисидаги қарор ҳар бир палата тўлиқ таркибидан камида учдан икки қисмининг овозлари билан қабул қилинади.

Парламент – **Б.** Миллий мажлиси вакиллик ва қонун чиқарувчи орган ҳисобланади. Парламент икки палатадан – Вакиллар палатаси ва Республикаси Кенгашидан иборат.

Вакиллар палатаси 110 депутатдан иборат бўлиб, улар умумий сайловда сайланадилар. Республика Кенгаши ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади. Унинг таркибига ҳар бир вилоят ва Минск шаҳридан маҳаллий Кенгашлар депутатлари мажлисларида саккизтадан аъзо сайланади. Республика Кенгашининг саккиз нафар аъзосини **Б.** Президенти тайинлайди. 21 ёшга тўлган **Б.** фуқароси Вакиллар палатаси депутати бўлиши мумкин. 30 ёшга тўлган ва тегишли вилоят (Минск шаҳри) ҳудудида камида беш йил яшаган **Б.** фуқароси Республика Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин. Вакиллар палатасининг депутатлари ўз ваколатларини профессионал асосда амалга оширадилар. Шу палата депутати бир вақтнинг ўзида Ҳукумат аъзоси бўлиши мумкин, Республика Кенгаши аъзоси эса – йўқ.

Парламентнинг ваколат муддати – 4 йил. Ҳукуматга ишонч билдириш рад этилганда, ишончсизлик билдирилганда ёхуд Бош вазирни тайинлаш учун розилик бериш икки марта рад қилинганда Вакиллар палатасининг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин. Вакиллар палатаси ёки Республика Кенгашининг ваколатлари палаталар томонидан Конституция қоидалари мунтазам равишда ёки қўпол бузилган тақдирда ҳам Конституциявий суднинг ҳулосаси асосида муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин. Ушбу масалалар юзасидан қарорлар палаталарнинг раислари билан расмий маслаҳатлашувлардан кейин Президент томонидан қабул қилинади.

Вакиллар палатаси: Президентнинг таклифига биноан ёки сайлов

хукукига эга бўлган камида 150 минг **Б.** фукаросининг ташаббусига биноан Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини, Конституцияга шарҳ бериш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади; қонун лойиҳаларини, шу жумладан **Б.** ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини, ҳарбий доктринани тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг асосий мазмуни ва принциплари тўғрисидаги ва бошқа талай қонун лойиҳаларини кўриб чиқади; **Б.** Президенти сайловини тайинлайди; Бош вазирни тайинлаш учун Президентга розилик беради; Бош вазирнинг Ҳукуматнинг фаолият дастури тўғрисидаги маърузасини эшитади ва дастурни маъқуллайди ёки рад этади (такроран рад қилиш Ҳукуматга ишончсизлик билдирилганини англайди); Бош вазирнинг ташаббуси билан Ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади; Вакиллар палатаси тўлиқ таркибининг камида учдан бир қисмининг ташаббусига биноан Ҳукуматга ишончсизлик билдиради; Президентнинг истеъфосини қабул қилади; давлатга хиёнат қилганлик ёки бошқа оғир жиноят қилганлик ҳусусида Президентга қарши айблов қўяди; Президентни лавозимидан тушириш ҳақида қарор қабул қилади ва ҳ.к.

Республика Кенгаши: Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинган Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, Конституцияга шарҳ бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини, бошқа қонунларнинг лойиҳаларини маъқуллайди ёки рад этади; Президент томонидан Конституциявий суд Раисини, Олий суд Раиси ва судьяларини, Олий ҳўжалик суди Раиси ва судьяларини, Марказий сайлов комиссияси Раисини, Бош прокурорни, Миллий банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларини тайинлаш учун розилик беради; Президентни лавозимидан тушириш тўғрисида қарор қабул қилади; Конституциявий суднинг олти нафар судьясини сайлайди; Марказий сайлов комиссиясининг олти нафар аъзосини сайлайди; депутатлар маҳаллий Кенгашларининг қонун ҳужжатларига номувофик қарорларини бекор қилади; депутатлар маҳаллий Кенгаши қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам равишда ёки кўпол равишда бузган тақдирда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда уни таркатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилади; Вакиллар палатаси томонидан Президентга қарши қўйилган айбловни кўриб чиқади, уни текшириб кўриш тўғрисида қарор қабул қилади; Президентни лавозимидан тушириш тўғрисида қарор қабул қилади; Президентнинг фавқулодда ҳолат, ҳарбий ҳолат, тўла ёки қисман сафарбарлик жорий этиш тўғрисидаги фармонларини кўриб чиқади ва ҳ.к.

**Б.** Парламентда қонун чиқариш жараёнида қуйи ва юқори палаталар принципи амал қилади. Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси Республика Кенгашида кўриб чиқилади.

Республика Кенгаши маъқулламаган конун Вакиллар палатаси томонидан овозларнинг учдан икки қисми билан қабул қилиниши мумкин. Имзолаш учун Президентга келган конунни у ўз эътирозлари билан Вакиллар палатасига қайтариши мумкин. Президент ветоси ҳар бир палатада овозларнинг камида учдан икки қисми билан бартараф этилиши мумкин.

Бирок **Б.** конун чиқариш жараёнида ўзига хос хусусиятлари ҳам бор: агар конуннинг айрим қоидаларига Президентнинг эътирозлари бўлса, конун Президент томонидан имзоланади ва эътирозларга сабаб бўлган ҳамда палаталарда қайта овоз беришдан ўтказиладиган қоидаларни истисно этганда кучга киради.

Яна бир хусусияти: палаталар Президентнинг таклифига кўра конун кучига эга бўлган декретлар чиқариш учун унга қонунчилик ваколатларини бериши мумкин. Бундай конун Президентнинг декретлар чиқаришга бўлган ваколатлари муддатини ва тартибга солинадиган соҳани аниқлаб бериши керак. Бунда Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни, уни шархлашни, дастурий қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни, республика бюджетини тасдиқлаш, Парламент ва Президент сайлови тартибини ўзгартиришни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланишини назарда тутадиган декретларни чиқариш учун ваколатларни беришга йўл қўйилмайди.

Лекин Конституцияга мувофиқ, алоҳида зарурат бўлган тақдирда Президент ўз ташаббуси билан конун кучига эга бўлган муваққат декретлар чиқариши мумкин. Муваққат декретлар Вакиллар палатасида, сўнгра Республика Кенгашида кўриб чиқилиш учун уч кунлик муддатда тақдим этилмоғи лозим. Агар декретлар ҳар бир палата тўлиқ таркиби овозларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан бекор қилинмаса, ўз кучини сақлаб қолади.

Ижро этувчи ҳокимиятни **Б.**да Ҳукумат – Вазирлар Маҳкамаси – давлат бошқарувининг марказий органи амалга оширади. Ҳукумат ўз фаолиятида **Б.** Президентига ҳисоб беради ва **Б.** Президенти олдида жавобгардир.

**Б.**да суд ҳокимияти судларга тегишлидир.

Давлатда норматив ҳужжатларнинг конституцияга қанчалик мослигини назорат қилишни **Б.** Конституциявий суди амалга оширади.

Конституциянинг 116-моддасига кўра, Конституциявий суд ҳуқуқ соҳасида юқори малакали мутахассис бўлган, қоида тариқасида, илмий даражага эга 12 судьядан иборат бўлади, шу жумладан 6 нафар судьяни Президент тайинлайди, 6 нафарини Республика Кенгаши сайлайди. Президент Республика Кенгашининг розилиги билан Конституциявий суд Раисини тайинлайди. Конституциявий суд аъзоларининг ваколат муддати – 11 йил. Конституциявий суд аъзолари ёшининг жоиз чегараси – 70 ёш.



Прокуратура органларининг ягона ва марказлаштирилган тизими-га **Б.** Бош прокурори бошчилик қилади. Уни Президент Республика Кенгашининг розилиги билан тайинлайди.

Конституцияда республика бюджетининг ижроси, давлат мулкidan фойдаланилиши, Президентининг, Парламентнинг, Хукуматнинг ҳамда давлат мулки билан боғлиқ муносабатларни, хўжалик молия ва солиқ муносабатларини тартибга солувчи бошқа давлат органларининг хужжатлари ижроси устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган сифатида Давлат назорати кўмитаси таъсис этилган.

**БЕЛГИЛАШ** – конституциявий ҳуқуқда норматив қондани амалга жорий этиш маъносида қўлланиладиган тушунча.

**БЕЛИЗ (1973 йилгача Британия Гондураси)** – Марказий Америкадаги давлат. Мустақиллиги 1981 йил 21 сентябрда эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Бельмопан шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 6 та округ.

Конституцияси 1981 йил 21 сентябрда кучга кирган.

Британия Қироличаси генерал-губернаторни тайинлайди. Унинг ҳузурида Маслаҳатлашув кенгаши қақрилади.

Қонун чиқарувчи орган – Миллий Мажлис икки палатали: Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат. Сенат саккиз сенатордан иборат бўлиб, генерал-губернатор (беш нафарини – Бош вазирнинг, икки нафарини – мухолифат етакчисининг, биттасини – Маслаҳатлашув кенгашининг тавсияси билан) тайинлайди ва Вакиллар палатаси эса 30 депутатдан иборат, улар умумий овоз бериш орқали сайланадилар.

Бош вазир бошчилигидаги Ҳукумат парламент олдида жавобгардир. Генерал-губернатор парламентда кўпчиликни ташкил этувчи партиянинг етакчисини Бош вазир этиб тайинлайди.

**БЕЛЬГИЯ (Бельгия Қироллиги)** – Ғарбий Европадаги давлат. 1830 йилда ташкил топган. Умумий бозор ва Европа Ҳамжамияти (ҳозирда Европа Иттифоқи)нинг таъсис этувчи аъзоси. Пойтахти – Брюссель шаҳри.

1831 йил 7 февралда қабул қилинган **Б.** Конституциясининг янги таҳририга (1990, 1993 йиллар) кўра – федератив давлат. 1977 йилги Эгмонт битими бўйича мамлакат учта маданий-лингвистик: фламанд тилида сўзлашувчи, француз тилида сўзлашувчи ҳамда 1 фоизни ташкил этувчи немис тилида сўзлашувчи ҳамжамиятга, шунингдек 3 та минтақага: Фландрия, Валлония ва Брюсселга бўлинган. Мамлакатнинг аввалги 10 та провинциядан иборат маъмурий бўлиниши сақлаб қолинган.

**Б.** бошқарув шаклига кўра – мерос бўлиб ўтадиган конституциявий монархия. Эрақак ворис бўлмаса, қирол парламентнинг розилигисиз ўзига ворис тайинлашга ҳақли эмас. Вафот этган Бодуэн I нинг ўрнини эгаллаган Альберт II 1993 йилдан буён «Бельгияликлар қиро-

ли» (бу унинг расмий унвони)дир. 1831 йилги Конституция ҳокимиятлар бўлиниши принципини эълон қилган. Шуниси ҳам борки, қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қирол ва парламент, ижро этувчи ҳокимиятни – Қирол ва ҳукумат, суд ҳокимиятини судлар амалга оширади.

**Б.** парламенти – икки палатали. Иккала палатанинг ваколат муддати – 4 йил. Конституцияга 1994 йилда киритилган тузатишларга мувофиқ, юқори палата – Сенат 71 (аввал 184 нафар эди) сенатордан иборат. Бундан 40 нафари умумий овоз бериш орқали сайланади, бунда 10 сенатор Фламанд кенгаши ва Француз ҳамжамияти кенгашидан, биттаси Герман тилида сўзлашувчи ҳамжамият кенгашидан бўлади, 6 киши сайланган фламанд сенаторлар томонидан тўлдирилади, 4 киши – сенатор-валлонлар бўлади. Бундан ташқари, Сенат таркибига қонуний равишда қирол оиласи аъзолари кириши мумкин. Вакиллар палатаси мутаносиб тизим бўйича умумий тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайланадиган 150 депутатдан (аввал 212 нафар эди) таркиб топади. Иккала палата депутатлари ва ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳасининг, айниқса миллий ёки тил муаммоларига тааллуқли лойиҳанинг ҳар бир лингвистик гуруҳдан, француз ва фламанд гуруҳларидан ҳозир бўлган «махсус кўпчиликнинг» (камида учдан икки қисмининг) маъқуллаши зарурлиги қонун чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ҳукуматни – Вазирлар Кенгашини, шу жумладан Бош вазирни Қирол тайинлайди. Унинг ўзи айрим вазирларни ёки бутун ҳукуматни истеъфога чиқаради. Лекин Конституция ҳукумат парламентнинг ишончидан фойдаланишини талаб қилади (агар янги тузилган ҳукуматнинг дастури палаталардан лоақал биттаси томонидан маъқулланмаса, у истеъфога чиқиши керак). Бундан ташқари, ҳукуматни шакллантиришда фламанд ва валлон қисмларининг вакиллари ўртасида мутаносиблик бўлиши талаб қилинади.

Гарчи Қирол вазирларни тайинласа ҳам унинг ҳеч бир ҳужжати шу ҳужжатнинг ижроси учун жавобгар бўлган вазирнинг имзосисиз кучга эга бўлмайди. Ҳукумат тайёрлаган қарорлар Қирол фармони ёки вазирлик декрети шаклига эга бўлади; Конституция ҳукуматга қонунчилик борасида кенг ваколатлар беради. Шуниси ҳам борки, ҳукумат томонидан тақдим этиладиган қонун лойиҳалари парламентда содда-лаштирилган тартиб-таомил бўйича қабул қилинади.

25 судьядан иборат Кассация суди олий суд инстанцияси вазифасини бажаради. Бешта йриқ шаҳарда апелляция судлари ишлайди. Улар фуқаролик, жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция трибуналларининг қарорлари ва тижорат трибуналларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўради. Шунингдек меҳнат низолари бўйича биринчи инстанция трибуналларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўрадиган меҳнат низолари бўйича апелляция судлари

мавжуд. Биринчи инстанция судлари 26 та суд округининг ҳар бирида ишлаб туради.

1989 йилда Ҳакамлик суди ҳам айрим фуқароларнинг, ҳам миллий-лингвистик ҳамжамиятлар ва майда миллатларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадиган Конституциявий суд вазибаларига эга бўлди.

Барча суд лавозимларига тайинлаш Адлия вазирлиги тақдимномаси бўйича камида 30 ёшга тўлган дипломли юристлар орасидан Қирол томонидан амалга оширилади.

**БЕНИН (Бенин Республикаси, 1975 йилгача Дагомея, 1975-1990 йилларда – Бенин Халқ Республикаси)** – Ғарбий Африкадаги давлат. 1960 йил 1 августда мустақиллиги эълон қилинган. Пойтахти – Порто-Ново шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: округларга бўлинадиган 6 та департаментдан иборат.

Бошқарув шакли – республика.

1972 йилги ҳарбий фитна натижасида мамлакатда «халқ демократик тузуми» ўрнатилган, марксизм-ленинизм давлат мафқураси сифатида эълон қилинган, бу 1977 йилги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. 1989 йилда мамлакат раҳбарияти социалистик мамлакатлар ёрдамидан маҳрум бўлгач, марксизм-ленинизмдан воз кечди.

1990 йил 2 декабрда умумхалқ референдумида янги Конституция қабул қилинди, парламент тарқатиб юборилди, ўтиш даври ҳукумати тузилди.

Давлат бошлиғи – Президент умумий овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланади. У яна бир муддат қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

1995 йил 28 мартда парламент сайлови ўтказилди. Мамлакат парламенти – Миллий Мажлис 4 йилга сайланадиган 83 депутатдан иборат.

Президент айни вақтда ўзи томонидан тузиладиган ва ўзига ҳисоб берадиган ҳукуматнинг бошлиғи ҳисобланади.

Мамлакатда Конституциявий суд фаолият кўрсатади.

1990 йилдан эътиборан турли сиёсий партияларнинг фаолиятига рухсат этилган.

**БЕРМУД ОРОЛЛАРИ** – Британиянинг Вест-Индиядаги энг қадимги (1684 йилдан эътиборан) мустамлакаси. Маъмурий маркази – Гамильтон шаҳри.

380 та орол ва оролчалардан иборат.

1995 йил 15 августда мустақиллик берилиши тўғрисида референдум тайинланган бўлиб, у амалда муҳолифатнинг бойкоти туфайли барбод бўлган.

1968 йил 8 июлдан эътиборан Конституцияси (1973 ва 1979 йилларда тузатишлар киритилган) амал қилмоқда.

Британия Қироличаси давлат бошлиғи ҳисобланади. Генерал-гу-

бернатор унинг вакили бўлиб, мустақиллик эълон қилинганга қадар ташки сийosat, мудофаа, ички хавфсизлик ва полиция масалаларида мутлақ ваколатга эга.

Икки палатали парламент қонун чиқарувчи органдир. Сенатга 11 сенатор (учтаси – бевосита генерал-губернатор ташаббуси билан, бештаси – мухалифат етакчисининг тавсияси билан) тайинланади. Мажлис палатасига умумий овоз бериш орқали 40 нафар депутат сайланади.

Парламентдаги кўпчиликнинг етакчиси Бош вазир этиб тайинланадиган ҳукумат таркибига парламентнинг камида олти аъзоси киради.

**БИКАМЕРАЛИЗМ (икки палаталилик)** – давлатнинг парламентида иккита палата ташкил этилиши (қаранг. *Икки палатали тизим (тузилма)*).

**БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ** – ЎзР Конституциясининг 41-моддасида мустақкамлаб қўйилган фуқаронинг асосий ҳуқуқларидан бири.

ЎзР «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, билим олиш, шахннинг келиб чиқиши, жинси, ёши, ирки, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий аҳволи, машғулот тури, яшаш жойи, Республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганидан қатъи назар, ҳар ким учун тенгдир.

Республика таълим тизимида мулкчиликнинг барча шаклларидаги ўқув юртлири учун мажбурий бўлган таълим даражасига ва фанлар бўйича ўтиладиган дарслар ҳажмига нисбатан, асосий талабларни белгилаб берадиган жаҳон амалиёти низомларига мувофиқ келадиган давлат андозалари жорий этилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистонда таълим тизимини янада такомиллаштиради. Ўқув режалари ва дастурлари янгилади. Ўқитиш босқичлари ва шакллари ўзгарилади. Бу эса Республикада таълимни юқори даражага кўтаришни таъминлади.

ЎзРда билим олиш тизими, оила ва мактабгача тарбия муассасаларида, фуқароларнинг бошланғич, таянч, ўрта мактабларда бошқа таълим юртлири (гимназия, лицей ва бошқалар) умумий таълим олиш, шунингдек олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими шаклланган.

Республикада таълим олаётган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида улар белгиланган тартибда стипендия, ётоқхона, текин оқат ва бошқа имтиёзлар билан таъминланган.

**БИЛИНГВИЗМ (икки тиллилик)** – давлатда (парламент, ижро этувчи ҳокимият, бошқа органлар ишида) тенг ҳисобланувчи ва бир хил давлат мақомига (давлат ёки расмий тил мақомига) эга бўлган икки тилдан фойдаланиш. Яъни шахс тегишли органларда ўзига маъқул тилда сўзга чиқишга ҳақли, бунда унинг нутқи тингловчиларга тушунарсиз бўлса, таржима қилиниши таъминланади. Шунингдек ҳужжатлар, аризалар, илтимосномалар ва бошқа шу сингарилар ана

шу тиллардан исталганида берилиши мумкин. Бельгия, Швейцария каби мамлакатларда бир неча тилдан фойдаланилади. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда озчиликни ташкил этувчи миллатлар яшайдиган жойларда икки тиллилик қўлланилади. ССР Иттифокининг мустақил давлатларга айланган собиқ республикаларидан бир қанчасида дастлабки босқичда миллий тил ва рус тили давлат тиллари деб эълон қилинган эди. Бирок, кейин гарчи бир қатор республикаларда барча муассасаларда рус тилининг қўлланилиши кафолатланса-да, факат миллий тил давлат тили мақомига эга қилинди.

Ўзбекистон Республикасида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика худудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасига татбиқан олганда ўзига хос билингвизм ҳақида сўз юритиш мумкин. Зеро, тилнинг Қорақалпоғистон Республикасида амал қилишига боғлиқ масалалар шу республиканинг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**БИЛЛЬ** – Буюк Британияда, АҚШда қонуннинг (қонун лойиҳасининг) номи.

**БИНОМИНАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ** – қаранг. *Сайлов округи*.

**БИПАТРИД** – икки давлат фуқаролигига (табаалигига) эга бўлган шахс (қаранг. *Икки давлат фуқаролиги*).

**БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ** – қ.: *Сайлов округи*.

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ** – Осиёда, Арабистон ярим оролининг шарқида жойлашган давлат. Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси. 1971 йил 2 декабрда 6 амирликдан иборат федератив давлат тузилди. 1972 йил 10 февралда Раъс ул-Хайма амирлиги ҳам федерацияга қўшилди. Пойтахти – Абу-Даби шаҳри.

Давлат тузуми – етти амирлик: Абу-Даби, Ажман, Дубай, Раъс ул-Хайма, Умм ул-Қайвайн, Ал-Ғужайра, Шаржадан иборат федерация.

Амалдаги Конституция 1996 йилда қабул қилинган. Давлат ҳокимияти олий органи ҳамда қонунчилик органи – амирликларнинг шайхларидан иборат Федерация Олий кенгаши. Турли амирликларнинг вакиллари бўлган Бирлашган Араб Амирликлари президенти ва вице-президенти Олий кенгаш аъзолари томонидан 5 йил муддатга сайланади.

Парламент – Федерал миллий кенгаш – маслаҳат органи ваколатига эга. Унинг 40 аъзоси амирликларнинг вакиллари орасидан алоҳида квоталарга кўра 2 йил муддатга сайланади. Бунда Абу-Даби ва Дубай вакиллари вето ҳуқуқига эга бўлади.

Хукуматни Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти бошқаради. Хукуматдаги ўринлар амирликларнинг ҳукмрон сулоалари вакиллари ўртасида тақсимланади.

Бирлашган Араб Амирликларида сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолияти тақиқланган.

**БИРЛАШМАЛАРГА УЮШИШ ҲУҚУҚИ** — ЎзР Конституциясининг 34-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқларидан бири.

«Фуқароларнинг бирлашмаси» тушунчаси ўз аҳамиятига қўра жуда кенг бўлиб, фуқаролар тузадиган турли тузилмаларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Чувончи:

муайян ижтимоий (ижтимоий-сиёсий) манфаатлар бўйича жамоат уюшмалари;

шахсий маънавий (диний манфаатлар) бўйича — диний бирлашмалар;

умумий ҳудудий манфаатлар бўйича маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла фуқаролар йиғинлари);

умумий тижорат манфаатлари бўйича турли хўжалик ширкатлари тарзидаги бирлашмалар бўлиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси нодавлат бирлашмалари бўлиб — шу маънода жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Аммо конституциявий ҳуқуқ фанида мазкур тўрт гуруҳдан фақат биттаси ижтимоий (ижтимоий-сиёсий) манфаатларга оид бирлашмаларни бирлашмаларга уюшиш ҳуқуқи билан боғлаш одат бўлиб қолган.

Фуқароларнинг жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларда иштирок этиши мумкинлиги, уларнинг сиёсий конституциявий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари ичида муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда демократик инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнида жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, ёшлар ташкилотлари, спорт ва мудофаа ташкилотлари, маданий ва илмий жамиятларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бу эса фуқаролар сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқининг янада кенгайишига олиб келмоқда.

Жамоат бирлашмаларини тузиш тартиби ЎзРнинг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 15 феврал 1991 йилдаги Қонуни билан тартибга солинади (25 апрел 1997 й., 1 май 1998 й., 29 август 1998 й., 15 апрель 1999 й. ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 та сиёсий партия, 2 та ижтимоий ҳаракат ва 5700 дан зиёд жамоат бирлашмалари, шу жумладан Ўзбекистон қасаба уюшмалари, хотин-қизлар ташкилоти ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

**БИРМА** — қаранг. *Мьянма*.

**БЛОК (иттифоқ)** — сиёсий-давлат нуқтаи назаридан қараган-

да, муайян мақсадларга эришиш ва шу йўналишда биргаликда ҳаракат қилиш учун тузилган давлатлар, партиялар, ҳаракатлар бирлашмаси.

**БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ** – давлат органлари тизими бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган: Давлат божхона қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича Давлат божхона қўмитаси бошқармалари, махсус божхона комплекслари, божхона комплекси ва постлари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги 1997 йил 30 июлда тасдиқланган. Низомга кўра, ДБК органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва белгиланган ваколатлар доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

– республика бож сиёсати ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида қатнашиш;

– бож қонунларига риоя этилишини назорат қилиш;

– республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашиш;

– хорижий давлатларнинг божхона органлари, божхона иши масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида қатнашиш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи божхона ишига оид мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

– бож поштиналари, солиқлар ва бошқа бож тўловларини ундириш;

– республиканинг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий, валюта-молиявий муносабатларини тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиш ва самарали қўллаш;

– Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтадиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона текширувини таъминлаш;

– республиканинг божхона чегараси орқали товар обороти ўтишини жадаллаштиришга кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратиш;

– контрабандага, божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, республиканинг божхона чегараси орқали гиёҳвандлик моддалари, психотроп ва портловчи моддалар, курол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланган бадний, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, интеллектуал мулк объектлари қайриқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш ва ҳоказо.

Давлат божхона қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланадиган Раис бошчилик қилади.

**БОЛГАРИЯ (Болгария Республикаси)** – 1990 йилгача «халқ республикаси» эди. Т. Живков истеъфога чиқиб, Конституциядан

коммунистик партиянинг етакчилик роли ҳақидаги қоида чиқариб ташлангандан кейин парламент янги Конституцияни ишлаб чиқди ва у 1991 йил 12 июлда кучга кирди. У 1971 йилги Конституцияни алмаштирди. Янги Конституцияга кўра, Б. демократик республика деб эълон қилинди. Ҳозирги Конституция 1878 йилги Тирнов Конституциясининг бир қатор қоидаларини тиклади. Пойтахти – София шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 9 та вилоят (шу жумладан София)дан иборат, улар жамоаларга бўлинган.

Давлат бошлиғи – Президент халқ томонидан умумий овоз бериш орқали 4 йилга сайланади. У яна бир муддат сайланиш ҳуқуқига эга. Айти вақтда вице-президент сайланади.

Парламент – Халқ Мажлиси бир палатали, умумий тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайланадиган 240 депутатдан иборат. Янги Конституция қабул қилинадиган, мамлакат ҳудуди ёки давлат тузуми ва бошқарувини ўзгартириш тўғрисидаги масала халқ этиладиган бўлса, Халқ Мажлисининг қарори билан 400 нафар халқ вакилидан иборат бўладиган Буюк халқ мажлиси сайланади. Унинг ваколати тегишли қарор қабул қилингандан кейин тугайди.

Ҳукумат Президентнинг топшириғига биноан қонун чиқарувчи органда энг кўп ўринларга эга бўлган партия бош вазирликка тавсия этган шахс томонидан тузилади. Бундай уринишлар муваффақиятсиз чиқса, Президент бош вазир лавозимига номзодни сайлашни Халқ Мажлисининг ўзига тавсия қилади.

Янги Конституцияга биноан, барча даражалардаги судьяларни тайинлайдиган Олий суд кенгаши бор. Айти вақтда Президент Конституциявий суд судьяларининг учдан бир қисмини, Олий суд кенгашининг тақдимномаси бўйича эса – Кассация судининг раисини ва Олий маъмурий суд раисини тайинлайди.

**БОЛИВИЯ (Боливия Республикаси)** – Жанубий Америкадаги давлат. Мустақиллиги 1826 йил 6 августда эълон қилинган.

Маъмурий бўлиниши: 9 та департамент, 98 та провинция.

Бошқарув шакли 1994 йил 13 августда қабул қилинган Конституцияга кўра – республика. Узок давом этган ҳарбий фитналар ва инқилобий партизан урушидан кейин 1982 йилда ҳокимиятга Президент Х.С. Суазо (сўл кучлар номзоди) келгач, сиёсий вазият барқарорлашди.

Давлат бошлиғи – Президент Миллий конгресс томонидан 4 йил муддатга сайланади. Бир вақтда вице-президент сайланади.

Парламент – Миллий конгресс икки палатадан: Сенат (4 йилга сайланадиган 27 сенатор) ва Депутатлар палатаси (бу ҳам 4 йилга сайланадиган 130 депутат)дан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ва ҳукумат амалга оширади.

Суд тизими вертикал бўйича ташкил этилади, яъни: Олий суд, округ судлари, участка судлари.



**БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА (Босния ва Герцеговина Республикаси)** – Югославия таркибидаги собиқ республика. Мустақиллиги 1992 йил 5 апрелда эътироф этилган, шундан сўнг уруш туфайли давлатчилигига путур етган. Пойтахти – Сараево шаҳри.

1995 йил ноябрь ойида Дейтонда (АҚШ) Болкон муаммосини тинчлик йўли билан ҳал қилиш бўйича музокараларда ишлаб чиқилган Конституцияга ва 1995 йил 14 ноябрда Парижда тузилган тинчлик битимига кўра **Б. ва Г.** иккита «бирлик»дан: 1994 йил 18 мартда эълон қилинган Босния ва Герцеговина мусулмон-хорват Федерацияси ҳамда 1992 йил 7 апрелда ташкил этилган Серб Республикасидан иборат. Ҳар бир бирликнинг фуқаролиги, шунингдек **Б. ва Г.нинг** умумий фуқаролиги сақланиб қолмоқда. Марказий ҳукумат ваколатлари чекланган доирада эканлиги (халқаро муносабатлар, ташқи савдо, божхона сиёсати, пул эмиссияси, ҳокимиятнинг марказий тузилмаларини ва халқаро мажбуриятларни молиялаштириш) **Б. ва Г.ни** иттифокка яқин конфедератив давлат тузилмаси сифатида таърифлашга асос беради.

Дейтонда ишлаб чиқилган 1995 йилги Конституцияга биноан тўғридан-тўғри овоз бериш орқали ҳар бир миллий жамоадан дастлабки, ўтиш даврида икки йилга, кейинчалик 4 йилга сайланадиган уч аъзодан иборат Раёсат – Президент кенгаши ҳокимиятнинг олий маслаҳатлашув органи ҳисобланади. Амалда 1990 йил декабрь ойидан эътиборан **Б. ва Г.** Президенти Илия Изетбегович Раёсат бошлиғига айланди.

Раёсат Вазирлар Кенгашини (ташқи ишлар вазири, ташқи савдо вазири ва бошқа бир қатор вазирлардан иборат) тайинлайди. Вазирлар Кенгаши парламент олдида жавобгардир. Раёсат ва Вазирлар Кенгашининг таркиби миллий принцип бўйича монанд нисбатда бўлиши керак.

Мамлакат парламенти – Парламент мажлиси икки палатали. Халқлар палатаси иккала бирликнинг парламентлари депутатлари томонидан сайланадиган 15 «делегатдан» (учдан икки қисми Федерациядан ва учдан бир қисми Серб Республикасидан) иборат. Вакиллар палатаси 42 депутатдан иборат бўлиб, учдан икки қисми Федерация ҳудудидан, учдан бир қисми Серб Республикасидан тўғридан-тўғри умумий сайловда сайланади. Парламент мажлиси ваколатлари **Б. ва Г.** ваколатларининг тор доираси бўйича қонунлар қабул қилиш, Раёсат қарорларини тасдиқлаш, Конституцияда белгиланган доирада **Б. ва Г.** бюджети учун овоз бериш, республиканинг халқаро битимлари ва шартномаларини ратификация қилиш билан чекланади.

**Б. ва Г.** Конституциявий судига муҳим ўрин ажратилган, чунончи бирликлар, ҳокимиятнинг марказий тузилмалари ўртасидаги Конституцияни шарҳлашга доир низоларни кўриб чиқиш; икки бирликдан ҳар бирининг қўшни мамлакатлар билан «мувозий имтиёзли муноса-

батлар» ўрнатишга бўлган конституциявий ҳуқуқидан келиб чиқадиган қарорларнинг Конституцияга қанчалик мослигини баҳолаш; ҳар бир бирликнинг конституциялари ва қонунлари **Б. ва Г.** Конституциясига мувофиқлигини текшириш ва х.к. шулар жумласидандир. Дейтонда ишлаб чиқилган Конституция бўйича Конституциявий суднинг таркиби жаҳон амалиётида ўхшаши йўқдир, яъни: тўртта судья Федерация Вакиллар палатаси томонидан, икkitаси – Серб Республикаси Мажлиси томонидан, бошқа учтаси – Президент кенгаши билан келишилган ҳолда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг Раиси томонидан тайинланади. Шуниси ҳам борки, кейинги уч судья на **Б. ва Г.нинг**, на қўшни давлатларнинг фуқароси бўлмаслиги керак. Судьялар аввал 5 йилга тайинланади, бунда улар бошқа судьяларнинг умумий розилиги билан ўз ваколатлари муддати тугашидан олдин вазифаларидан овоз килинишлари мумкин. Кейинчалик бу муддат узайтирилиши мумкин.

Дейтонда тузилган битимлар сайловлар ўтказиш, фуқаролик ҳуқуқлари, кочоқлар ишлари ва бошқа шу сингарилар бўйича талай халқаро ҳамда аралаш комиссиялар (қўмиталар) тузилишини ҳам назарда тутди. Бу шубҳасиз, **Б. ва Г.** Республикаси эга бўлиши лозим бўлган суверенитетни чеклайди.

**БОТСВАНА (Ботсвана Республикаси)** – Жанубий Африкадаги давлат. 1996 йил 30 сентябрда Буюк Британиядан мустақилликни олгунга қадар Бечуаналенд деб аталган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Габороне шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 10 та провинциядан иборат.

1966 йил 30 сентябрда қабул қилинган (кейинчалик ўзгартишлар киритилган) Конституцияси амал қилмоқда.

Бошқарув шакли – президент республикаси. **Б.** анча барқарор сиёсий тузумга эга бўлган оз сонли Африка мамлакатларидан бири. Президент ва парламент сайловлари кўп партиялилиқ асосида мунтазам ўтказилади.

Давлат бошлиғи – Президент Миллий Мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади. Вице-президент Президентнинг ўзи томонидан тайинланади ва ҳукумат таркибига киради.

Парламент – Миллий Мажлис 45 депутатдан иборат. Шуниси ҳам борки, уларнинг 40 нафари тўғридан-тўғри сайловда умумий овоз бериш орқали сайланади, тўрт нафарини президент тайинлайди, Бош прокурор қонунга мувофиқ депутат ҳисобланади. Депутатларнинг ваколат муддати – 5 йил.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўзига хос хусусияти маслаҳатлашув органи – 15 кишидан иборат Қабилла бошлиқлари палатаси чакирилишидир.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент, вице-президент ва аъзоларини Президент тайинлайдиган ҳукумат амалга оширади.

**БОШ БОШҚАРМА** – ўтган асрнинг йигирманчи йиллари охир-

ларида, халқ хўжалигини бошқариш билан шуғулланадиган давлат органлари ва муассасалари тизимини жадал ривожлантириш бошланган пайтда давлат-ҳуқуқ сўз бойлигига кирган атама. Бош бошқармалар деб аталган (гарчи бошқармалар, кўмиталар, бўлимлар, трестлар ва бошқа шу сингарилар бўлса ҳам) бошқарув тузилмаларининг баъзилари СССР ёки иттифоқдош республика ҳукумати ҳузуридаги давлат бошқарув органлари тариқасида ташкил этилган бўлса, бошқалари давлатнинг мустақил органлари эмас, балки мавжуд вазирликларнинг бўлинмалари бўлган. Бошқарув тизими, гарчи турлича янгиликлар киритилган бўлса-да (масалан, СССР Ҳукумати ҳузурида мустақил бош бошқармалар сони озлиги ва иттифоқ вазирликларнинг бўлинмалари сифатида уларнинг сони анча кўплиги) деярли ҳамма вақт шундай кўринишда мавжуд бўлган.

Ҳозирги пайтда ижро этувчи ҳокимият органлари номида «бош бошқарма» сўзи кам учрайди. Вазирликларнинг бўлинмалари кўпинча бошқармалар ёки департаментлар деб аталмоқда. Тегишлича, «бош бошқарма» сўз бирикмаси анча кам қўлланилмоқда, лекин шунга қарамай, бошқарув ходимлари нутқида ишлатилиб турибди.

**БОШ ВАЗИР** – кўплаб мамлакатларда ҳукумат раиси бўлган расмий мансаб. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳукумат раиси Бош вазир ҳисобланади. Кундалик ҳаётда, оммавий ахборот воситаларида, адабиётларда уни кўпинча Бош вазир деб ҳам аташади.

**БОШҚАРИШ (бошқарув)** – ижтимоий фанларда, шу жумладан ҳуқуқшуносликда ҳар хил маъноларда кенг қўлланиладиган тушунча:

1) умумий нуқтаи назардан, **Б.** деганда муайян тизим доирасида амалга ошириладиган ва бошқарувчи орган, шахс **Б.** субъекти)нинг бошқарилувчи органлар, шахслар (**Б.** объектлари) га таъсир кўрсатишдан иборат вазифа тушунилади. **Б.да** тегишли соҳанинг хусусиятлари ва қонуниятлари, шунингдек бошқарувчилар ва бошқарилувчиларнинг маълум субординацияси (баъзан – тўғридан-тўғри бўйсунishi) ҳисобга олинади. **Б.нинг** мақсади – бутун тизим, унинг ҳар бир бўғини фаолият кўрсатишини таъминлаш; мазкур тизимдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш; тизим олдида турган вазифаларнинг ҳал қилинишига эришиш;

2) маъмурий бошқариш – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасига асосан буюриш, фармойиш бериш усуллари ёрдамида раҳбарлик қилиш. Бу нуқтаи-назардан «маъмурий бошқариш» тушунчаси салбий маънода – бошқариш усулларидаги буйрукбозлик иллатини ифодалаш учун қўлланилиши мумкин («маъмурий буйрукбозлик тизими» тушунчаси шундан келиб чиққан);

3) давлат бошқариш – сўнгги даврда «ижро этувчи ҳокимият» тушунчаси билан асоссиз равишда четга чиқариб қўйилган тушунча.

Давлат бошқаруви – давлат фаолиятининг махсус тури. У давлат ҳаётининг муайян соҳалари (тармоқлари)га раҳбарлик қилиш ва (ёки) фармойиш бериш хусусиятига эга муайян масалаларни ҳал қилиш мақсадини кўзлайди. Бу қонуности фаолиятидир, яъни у қонунларга асосан ва уларни ижро этиш юзасидан амалга оширилади ва янги ҳуқуқ нормалари яратилишига умуман сабаб бўлмайди ёки қонунларни ижро этиш, уларни амалга татбиқ этиш билан боғлиқ ҳуқуқ нормалари қабул қилинишига сабаб бўлади. Улар қонунлар ўрнини босмайди, балки уларнинг талабларини ривожлантиради. Зарур ҳолда **Д.Б.** давлатнинг кучига, давлат мажбурловига таянади. **Д.Б.ни** давлат ижро этувчи ҳокимият органлари – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар, давлат қўмиталари ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари амалга оширади;

4) давлат ишларини бошқариш – давлат органлари томонидан ҳал қилинадиган барча масалаларни қамраб олувчи ва маълум даражада декларатив хусусиятга эга бўлган умумий тушунча. У қўпинча фуқаролар, жамоат бирлашмаларининг имкониятлари ҳақида сўз юритилган ҳолларда қўлланилади. Масалан, **Ўз.Р.** Конституциясининг 32-моддасига биноан, **Ўз.Р.** фуқаролари «давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга». Бу ерда Конституция қоидаларида ҳамда турли норматив ҳужжатларда муайян тарзда ривожлантириладиган имконият белгиланган;

5) жамоатчилик бошқаруви – фуқароларнинг нодавлат аҳамиятига молик ишларни, яъни жамоат ишларини ўз мажлисларида оммавий тарзда муҳокама қилиш, баъзан – овозга қўйиш орқали ҳал қилиши ёки мазкур ишларнинг жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари ёхуд меҳнат жамоалари томонидан ҳал қилиниши. **Ж.Б.** ташкилий усуллар ёрдамида, давлат бошқариш жараёнларининг иштирокчиларини ишонтириш орқали, зарур ҳолда эса – жамоатчилик томонидан таъсир кўрсатиш усуллари ёрдамида амалга оширилади;

6) жамиятни бошқариш – жамиятда мавжуд ташкилотлар тизими: давлат ва унинг органлари, партиялар, ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали жамият ҳаётига уюшқоқлик билан таъсир кўрсатиш;

7) ижтимоий бошқарув – маълум даражада жамоатчилик Б.га ўхшаш, аммо моҳият эътибори билан ижтимоий Б. ундан анча кенг, чунки кишиларнинг биргаликдаги фаолиятининг барча шаклларини, шу жумладан ишлаб чиқариш фаолиятини қамраб олади. Ижтимоий Б.нинг ҳам, жамоатчилик Б.нинг ҳам моҳияти жамият аъзоларининг умумий хоҳиш-иродасини намоён этиш, уларни кишилар ўз ҳаёти ва фаолиятини Б. учун тузган органларга бўйсундиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий Б., жамоатчилик Б. – бу, пировард натижада, жамиятда ва Б. жараёнларининг муайян иштирокчилари ўртасида

муносабатлар тизимини, тегишли механизмларни вужудга келтириш оркали ҳокимиятни амалга ошириш демак;

10) иқтисодий бошқариш – ҳўжалик фаолияти иштирокчиларига таъсир кўрсатишда ҳўжалик усуллари ва воситалари (нарх-наво, фойда, солиқлар, имтиёзлар ва х.к.)дан фойдаланиш. Бирок, мазкур усуллар ва воситалар давлатнинг норматив ҳужжатларида акс эттирилган ва давлат органлари томонидан қўлланаётган бўлса, иқтисодий Б. давлат Б. билан бирикиб кетади ёки давлат Б. шаклида намоён бўлади.

**БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР** – Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг XV бобига кирувчи жиноятлар бўлиб, ўз ичига ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш; ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш; мансабга совуққонлик билан қараш; ҳокимият ҳаракатсизлиги; мансаб сохтакорлиги; пора олиш; пора бериш; пора олиш ва беришда воситачилик қилиш; хизматчини пора эвазига оғдириш; товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш; давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш; жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга ҳилоф равишда тузиш; гайриқонуний жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш; диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш; таъқиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш; ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш; озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар; жазони ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар; жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик; қамокдан ёки кўриқлов қостидаги сақлаш жойидан қочиш; қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш; Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш; ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш; маъмурий назорат қоидаларини бузиш; ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш; ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш; давлат проба тамгаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш; ўзбошимчалик; ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш; диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш жиноятларидан иборат.

**БОШҚАРУВ ШАКЛИ** – давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартиби. Олий ва маҳаллий давлат органларини тузиш усулини ҳамда уларнинг бир-бири ва аҳоли билан ўзаро муносабатлари тартибини ўз ичига олади. **Б.ш.лари** ҳокимият бир шахс томонидан ёки сайлаб

қўйиладиган жамоавий орган томонидан амалга оширилишига қараб жиддий фарқ қилади. Биринчи ҳолда бошқарувнинг монархик шакли, иккинчи ҳолда эса – республика шакли намоён бўлади.

Монархик **Б.ш.да** амалдаги қонунларга мувофик, монарх, республика **Б.ш.да** эса – сайлаб қўйиладиган давлат органи давлат ҳокимиятининг манбаи ҳисобланади. Монархиялар ва республикаларнинг ҳар хил турлари мавжуд. Улар давлатларнинг типларига, шунингдек уларнинг юзага келиши ва фаолият кўрсатиши шарт-шароитига кўп жihatдан боғлиқ.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичида монархиянинг икки тури: дуалистик ва парламентар монархиялар фарқланади. Дуалистик монархиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда давлат ҳокимияти монарх билан парламент ўртасида расмий-юридик тарзда тақсимланади. Ижро этувчи ҳокимият бевосита монарх қўлида, қонун чиқарувчи ҳокимият эса – парламент ихтиёрида бўлади. Аммо парламент амалда монархга бўйсунди.

Парламентар монархия шу билан фарқ қиладики, монархнинг мақоми давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг барча соҳаларида расман ва амалда чеклаб қўйилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият тўла парламентга, ижро этувчи ҳокимият эса – ҳукуматга тегишли бўлади. Ҳукумат ўз фаолияти учун парламент олдида жавобгар бўлади. Ҳукуматни шакллантиришда монархнинг иштироки рамзийдир. Англия, Голландия ва Швеция парламентар монархияга мисол бўлади.

Ҳозирда республикаларнинг икки тури: ҳукумат ва давлат бошлиғи ваколатлари президент қўлида жамланадиган президентлик республикаси ҳамда парламент республикаси фарқланади. Парламент республикасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда президент ҳокимияти нисбатан қучсиз бўлади, Бош вазир эса бир вақтнинг ўзида ҳам ҳукумат бошлиғи, ҳам ҳукмрон партия ёки партиялар иттифоқининг раҳбари вазифаларини бажаради.

Президентлик республикаларига Аргентина, Бразилия, Россия, АКШ, Ўзбекистон ва б., парламент республикаларига эса – Греция, Германия ва б. киради.

Ўзбекистонда президентлик республикаси Президент ҳокимиятининг қучлилиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофик, Президент давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради, мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради, музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди, вазирлик-

лар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Бош вазир номзодини тақдим этади ва лавозимидан озод қилади, қонунларни имзолайди ва эълон қилади, фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради ва ҳ.к.

**БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ШАКЛЛАРИ** – Ўзбекистон қонунчилигида махсус ва ёки фавқулотда ҳаётдаги вазифаларни бажариш учун махсус давлат органлари тузилиши талаб қилинадиган алоҳида вазиятларга нисбатан қўлланиладиган категория. Мас., фавқулотда ҳолат жорий этилган ҳудудда бошқарувнинг алоҳида шакллари жорий қилиниши мумкин.

**БОШҚИРДИСТОН** – Россия Федерацияси таркибидаги республика. Конституцияси 1993 йил 24 декабрда қабул қилинган. Пойтахти – Уфа шаҳри.

Конституцияга кўра, **Б.** республикасининг бутун кўп миллатли халқининг иродаси ва манфаатларини ифодаловчи суверен демократик ҳуқуқий давлат (1-модда). Шу билан бирга Конституциянинг 69-моддасида айтиладики, **Б.** бошқирд миллатининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш натижасида ташкил этилган бўлиб, республиканинг бутун кўп миллатли халқи манфаатларини ҳимоя қилади. **Б.** давлат суверенитети унинг дахлсиз сифат ҳолатидир ва бу мавжуд чегаралар доирасида унинг бутун ҳудудига нисбатан татбиқ этилади. Давлатнинг «Бошқирдистон Республикаси» ва «Бошқирдистон» деган номлари бир маънони англатади.

**Б.** Давлат Мажлиси – Қурултойи **Б.**нинг олий вакиллик ва ягона қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. Давлат Мажлиси икки палатадан: Вакиллар палатаси ва Қонун чиқарувчи палатадан иборат. Айни бир шахс иккала палатанинг депутати бўлиши мумкин эмас. Давлат Мажлисининг ваколат муддати – 4 йил.

Давлат Мажлисининг палаталари алоҳида-алоҳида ишлайди. Қонун чиқарувчи палата **Б.**нинг доимий ишловчи қонунчилик органидир (Конституциянинг 85-моддаси). Қонун чиқарувчи палата депутатлари профессионал доимий асосда ишлайдилар. Вакиллик палатаси мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида тўрт марта ўтказилади. Вакиллар палатаси депутатлари депутатлик ваколатларини амалга ошириш вақтида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод қилинадилар.

**Б.** Президенти давлат бошлиғи ҳисобланади. У инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг, **Б.** Конституцияси ва қонунларига, шунингдек халқаро шартномалари ва битимларига риоя этилишининг кафили бўлиб, **Б.**нинг давлат суверенитетини, иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ҳимоя қилади. Президент Бошқирдистон ичида ва халқаро муносабатларда унинг номидан вакиллик қилувчи олий мансабдор шахс ҳисобланади.

Президент умумий сайлов орқали 5 йил муддатга сайланади. Камида 35 ёшга тўлган ва 65 ёшдан ошмаган, сайлов ҳуқуқига эга бўлган, **Б.** ҳудудида камида 10 йил яшаган ҳамда бошқирд ва рус тилларини биладиган **Б.** фуқароси Президент этиб сайланиши мумкин.

**Б.** Президентнинг энг муҳим ҳуқуқлари куйидагилардан иборат: у қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга; **Б.** қонунларини имзолайди ва эълон қилади; вето ҳуқуқига эга; йилига камида бир марта республикадаги аҳвол ҳақида Давлат Мажлисига маъруза тақдим этади; **Б.** халқига ва Давлат Мажлисига мактублар билан мурожаат этади; Давлат Мажлисининг розилиги билан **Б.** Бош вазирини, Бош вазир тақдимномаси бўйича – Вазирлар Маҳкамасининг қолган аъзоларини тайинлайди, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбарлик қилади, Давлат Мажлисининг розилиги билан Вазирлар Маҳкамасининг истеъфосини қабул қилади; мустақил равишда ёки **Б.** Конституциявий суднинг ҳулосаси асосида РФ давлат органлари ҳужжатларининг **Б.** ҳудудида амал қилишига эътироз билдиради ва амал қилишини тўхтатиб қўяди; **Б.** судларининг раислари лавозимига номзодларни, **Б.** Прокурори лавозимига тайинлаш учун номзодни Давлат Мажлисига тақдим этади; **Б.** Миллий банки раисини тайинлайди; **Б.** Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга бошчилик қилади; туманлар ва шаҳарлар маъмурияти раҳбарларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, уларнинг қарорлари ва фармойишларини бекор қилади ва х.к.

**Б.** Вазирлар Маҳкамаси – Ҳукумати ижро этувчи ҳокимият органи бўлиб, Давлат Мажлиси ва Президентга ҳисоб беради. Янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси Президент ва Давлат Мажлиси кўриб чиқишига ўз ваколатлари муддати учун бўлгуси фаолият дастурини тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси йилига камида бир марта ўз иши тўғрисида Давлат Мажлиси олдида ҳисоб беради. Давлат Мажлиси Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор қабул қилгани тақдирда, Президент Вазирлар Маҳкамасининг истеъфоси ҳақида қарор чиқариш орқали Ҳукуматни тарқатиб юборади (**Б.** Конституциясининг 102-моддаси).

**Б.** Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга татбиқан «маҳаллий ҳокимият» тушунчаси қўлланилади. Маҳаллий давлат бошқаруви тизими туманлар ва республика бўйсунувидаги шаҳарларда маҳаллий ҳокимият вакиллик органи ва маҳаллий маъмурият тимсолида амал қилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри хоҳиш-иродасини билдириш шакллари (референдумлар, йиғилишлар, йиғинлар) орқали, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган ва бошқа органлари орқали амалга оширилади.

**Б.**да Олий суд, Олий Ҳакамлик суди ва маҳаллий судлар мавжуд. Конституцияга мувофиқ Конституциявий суд ташкил этилган. Қонун-



ларга риоя этилиши устидан назоратни **Б.** прокуратураси амалга оширади. Дастлабки терговни амалга ошириш учун Конституцияга бинобан **Б.** Тергов кўмитаси тузилади (145-модда).

**БОШПАНА** - к.: *Сиёсий бошпана.*

**БРАЗИЛИЯ (Бразилия Федератив Республикаси)** – Жанубий Америкадаги давлат. 1500 йилдан эътиборан Португалия мустамлакаси. Мустақиллиги 1822 йилда эълон қилинган. Пойтахти – Бразилиа шаҳри.

Давлат тузилиши шакли – учта собиқ федерал ҳудудни ва битта федерал пойтахт округини қўшган ҳолда 26 штатдан иборат федератив давлат. Конституцияси Иттифок ваколатига, Иттифок, штатлар ва муниципалитетларнинг биргаликдаги ваколатига кирадиган масалаларни, шунингдек штатларнинг қолган ваколатларини назарда тутди. Ҳар бир штат ўз конституциясига, қонунчилик мажлисига, губернатор бошчилигидаги ҳукуматига, суд тизимига эга. Федерал ҳудудлар маслаҳатлашув вазифаларига эга бўлган ҳудудий палатага, маъмурияти ва суд органларига эга. Уларнинг ваколатлари штатларнинг ваколатларидан камроқ ҳажмда. Муниципал кенгашлар ва префектлар томонидан бошқариладиган муниципалитетлар етарлича мустақилликка эга.

Бошқарув шакли – республика. Амалдаги Конституция Таъсис (Конституциявий) Мажлиси томонидан жамоатчилик ва чет эллик экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда ҳарбийларнинг 21 йиллик (1964–1985 йиллар) авторитар бошқарувидан кейин 1988 йилда қабул қилинган. Унга 1994 йилда тузатишлар киритилган. Конституция ҳокимиятлар бўлиниши принципини мустаҳкамлайди ва Президентнинг кенг ваколатларини назарда тутди.

Давлат бошлиғи – Президент умумий овоз бериш орқали 4 йил муддатга сайланади. Бир вақтнинг ўзида вице-президент сайланади. Агар биринчи турда ҳеч бир номзод мутлақ кўпчилик овозни ололмаган бўлса, иккинчи тур ўтказилиши мумкин. Президент иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас.

Президент қабул қилинаётган қонунларга вето қўйиш, федерал вазирларни тайинлаш ва уларни вазифасидан озод қилиш, кейинчалик Конгрессни хабардор қилган ҳолда халқаро шартномалар ва битимларни имзолаш, қамал ҳолатини ва федерал аралашувни (штатларда амалда президент бошқарувини) жорий этиш ҳуқуқига эга.

Президент ҳузурида маслаҳатлашув органлари – Республика кенгаши ва Миллий мудофаа кенгаши фаолият кўрсатади. Республика кенгаши таркибига лавозимига кўра вице-президент, иккала палата раислари, парламентдаги кўпчиликнинг ва муҳолифатнинг етакчилари, адлия вазири, шунингдек 35 ёшдан ошган олти нафар Бразилия фуқароси киради. Миллий мудофаа кенгаши таркибига вице-президентдан, Конгресс палаталарининг раисларидан ташқари адлия, режалаш-

тириш, ташки алоқалар вазирлари, ҳарбий вазирлар кирадилар. Биринчи орган демократик институтларни барқарорлаштириш масалалари бўйича, иккинчиси – миллий хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича хулосалар беради. Президент мудофаа, камал ҳолати ёки федерал аралашувни жорий этиш зарур бўлганда иккала кенгашдан хулосалар сўраб олишга ҳақлидир.

Президент Конституцияга мувофиқ ҳокимиятнинг бошқа органларига тегишли бўлган ваколатларни ўзлаштириб олган тақдирда, қонунларни бажармаганлик, фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларига тажовуз қилганлик учун импичментга дучор этилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллий конгресс икки палатадан иборат. Федерал Сенат 8 йилга сайланадиган 81 сенаторни ўз ичига олади, бунда ҳар бир штатдан ва федерал округдан учтадан сенатор сайланади. Юқори палата ҳар тўрт йилда – аввалига учдан бир қисми, сўнгра учдан икки қисми янгиланади. Депутатлар палатаси умумий овоз бериш орқали 4 йил муддатга сайланадиган 513 депутатдан иборат. Бунда депутатлар ҳар бир штатдан аҳоли сонига мутаносиб равишда, шунингдек ҳар бир федерал ҳудуддан 3 тадан сайланади. Қуйи палата депутатларини сайлаш учун мутаносиб тизим қўлланилади.

Қонун лойиҳаларини депутатлар ёки Президентнинг одатдаги қонунчилик ташаббуси тартибдагина эмас, балки энг камида бешта штат вакиллари бўлган миллий сайлов корпусининг камида юздан бир қисми томонидан Депутатлар палатасига киритиладиган халқ ташаббуси тартибда кўриб чиқиш Миллий конгрессдаги қонунчилик жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Бразилия парламентининг назорат қилишга оид вазифалари Президент томонидан тақдим этиладиган бюджетни муҳокама этиш ва қабул қилишда, ҳокимиятнинг ҳукумат органлари, шунингдек маъмурий-идора қилиш ваколатларига эга бўлган бошқа ҳокимият органларининг қонунийлиги ва самарадорлиги устидан назорат қилишда ифодаланади. Назоратга оид ваколатларни амалга ошириш учун Миллий конгресс ҳузурида Ҳисоб трибунали ташкил этилган бўлиб, у аниқланган бузилишлар ҳақида парламентга хабар қилиб туради ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эга.

Миллий конгресс Президент ва вице-президентга мамлакатни 15 кундан ортиқ муддат тарқ этишга руҳсатнома беради. У шунингдек халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилади, референдумлар ва бошқа тарздаги умумхалқ овозга қўйишларини ўтказишга руҳсат беради.

Суд федерал тизими конституциявий назорат вазифаларини ҳамда олий мансабдор шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни кўришда биринчи инстанция суди вазифасини бажарадиган Федерал Олий суддан, шунингдек Олий одил судлов трибуналадан иборат. Шунингдек, бошқа вазифалар катори апелляция вазифаларини ҳам бажаради-

ган федерал минтақавий трибуналлар ҳам фаолият кўрсатади. Фукаролик ва жиноят ишларини федерал судьялар кўриб чиқади. Меҳнат низолари ва бошқа муҳим ишлар бўйича ихтисослаштирилган трибуналлар ва судьялар, шунингдек сайлов трибуналлари бор.

**БРУНЕЙ – БРУНЕЙ-ДОРУССАЛОМ (Бруней султонлиги)** – Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. 1984 йил 1 январгача Буюк Британия протекторати. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти Бруней (Бондар Сери Бегован) шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 4 та округдан иборат.

Бошқарув шакли – конституциявийлик элементлари бўлган мутлак монархия. Конституцияси 1959 йилда қабул қилинган. Лекин 1962 йилда фавқулодда ҳолат жорий этилгандан буён деярли амал қилмайди. Давлат бошлиғи – султон. Султонликка XV асрда асос солинган.

Парламент вазирлар ва қонунларни ишлаб чиқувчиларнинг маслаҳат кенгаши (20 аъзо) тарикасида фаолият олиб боради. Қонунчилик Кенгаши 32 аъзодан иборат бўлиб, улардан 16 нафари сайланади, 16 нафарини султон тайинлайди (1962 йилда таркатиб юборилган).

Кейинги пайтда «Малайя ислом монархияси» конституциявий-мафкуравий концепцияси шакллантирилди. Унда ислом ва ислом ҳуқуқи, бошқарувнинг монархия шакли ва малайя маданияти кадриятлари давлат тузумига асос қилиб олинган.

**БУРГОМИСТР** – Германия, Австрия ва бошқа баъзи мамлакатлар шаҳарларида шаҳар ижро этувчи ҳокимияти бошлиғи. Аҳоли ёки шаҳар мажлиси томонидан сайланиши, шаҳар мажлисидан алоҳида фаолият юритиши ёки унга бошчилик қилиши мумкин. ГФРнинг айрим ўлкаларида **Б.** – кўпинча сиёсий арбобдир, шаҳарни бошқариш учун эса амалдор – шаҳар бошқарувчиси (шаҳар директори) таклиф қилинади.

**БУРКИНА-ФАСО (Буркина-Фасо Республикаси, 1984 йилгача Юқори Вольта)** – Ғарбий Африкадаги давлат. Мустақиллиги 1960 йил 5 августда эълон қилинган. Пойтахти – Уагадугу шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 30 та провинция. 1991 йил 2 июндаги референдумда маъқулланган ва демократлаштириш жараёнига асос солган Конституцияси амал қилмоқда.

Бошқарув шакли – республика.

1960–1970 ва 1974–1982 йиллардаги ҳарбий тузумлар конституциявий-парламент тузуми даврлари билан алмашинган.

1991 йилги Конституцияга кўра Республика Президенти умумий овоз бериш орқали 7 йил муддатга сайланади.

Парламент – Халқ депутатлари мажлиси умумий овоз бериш орқали 5 йилга сайланадиган 107 депутатдан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ва ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни Президент тайинлайди.

**БУРУНДИ (Бурунди Республикаси)** – Экваториал Африкадаги давлат. Мустақиллиги 1962 йил 1 июнда эълон қилинган. Пойтахти – Бужумбура шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 15 та провинциядан иборат бўлиб, провинциялар коммуналарга бўлинган.

Бошқарув шакли: 1966 йилгача – монархия, 1966 йилдан эътиборан – республика.

1992 йилги референдумда **Б.нинг** янги Конституцияси тасдиқланган.

1972 йилдан буён икки этник жамоа – тутси ва хутуларнинг вакилларидан иборат отрядлар ўртасида оммавий тўқнашувлар бўлиб турибди. Юз минглаб тинч аҳоли тўқнашувлар қурбони бўлди. Мамлакатдаги вазият беқарор.

Тўғридан-тўғри умумий сайловларда – 5 йил муддатга сайланадиган 81 депутатдан иборат Миллий мажлис амалда фаолият кўрсатаётгани йўқ.

Хукумат ҳокимият талашаётган тутси ва хуту вакилларидан иборат.

1996 йил сентябрь ойида Миллий мажлис фаолиятини тиклашга ҳаракат қилинди. Янги Конституцияни тайёрлаш тўғрисида эълон қилинди.

**БУРЯТИЯ (Бурятия Республикаси)** – 1994 йил 22 февралда **Б.** Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган **Б.** Конституциясининг I-моддасига мувофиқ, Россия Федерацияси таркибидаги суверен демократик ҳуқуқий давлат. Конституциянинг 60-моддасида айтиладики, бурят миллатининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилиши натижасида ташкил топган **Б.** республиканинг бутун кўп миллатли халқи манфаатларини ҳимоя қилади. **Б.** ва РФ давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар конституциявий-шартномавийдир (60-модда). **Б.нинг** давлат-ҳуқуқий мақоми ва ҳудуди унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Бундай ўзгартиш референдум йўли билан амалга оширилади. Бунда қарор, агар уни ёқлаб республика фуқароларининг ярмидан ортиғи, шу жумладан овоз беришда қатнашган бурят миллатидаги фуқароларнинг ярмидан ортиғи овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Бурят ва рус тиллари **Б.нинг** давлат тилларидир. Пойтахти – Улан-Удэ шаҳри.

**Б.** Президенти Бурятиянинг ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи, **Б.** ҳукумати Раиси ҳисобланади. Президент этиб **Б.** ҳудудида камида 10 йил яшаган, шу жумладан сайлов куни олдидан камида 3 йил яшаган, сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва **Б.** давлат тилларини биладиган **Б.** фуқароси умумий сайлов орқали 4 йилга ва кўпи билан кетма-кет икки муддат сайланиши мумкин. **Б.** Конституциясида Президент учун ёш чегараси белгиланмаган.

**Б.** Президенти – Конституция, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва

эркинликларининг кафилидир. У давлат ҳокимиятининг федерал органлари, РФ субъектлари билан, шунингдек чет давлатлар билан муносабатларда **Б.** номидан вакиллик қилади; **Б.** ички ва ташқи сиёсатига раҳбарлик қилади; халққа ва Халқ Хуралига – **Б.** парламентиغا мактублар билан мурожаат этади, ички ва ташқи сиёсатнинг амалга оширилиши тўғрисида Халқ Хуралига йиллик маърузалар тақдим этади; қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга, Халқ Хурали ишида иштирок этишга ҳақли, **Б.** қонунларни имзолайди ва эълон қилади, вето ҳуқуқига эга; **Б.** Ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади. Халқ Хуралининг розилиги билан Ҳукумат аъзоларини тайинлайди, Ҳукумат аъзоларининг истеъфога чиқиши тўғрисидаги масалани Халқ Хурали олдига қўяди; **Б.** вазирликлари ва давлат қўмиталарини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида Халқ Хуралига таклифлар киритади; **Б.** вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларининг қонунга хилоф ҳужжатларини бекор қилишга ҳақли; **Б.** Миллий банки, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳакамлик суди раислари лавозимига номзодларни Халқ Хуралига тақдим этади; туман, аймоқ, шаҳар халқ судларининг судьяларини тайинлайди; **Б.** ҳудудда ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат эълон қилиб, қабул қилинган қарорни Халқ Хурали тасдиқлаши учун киритади; музокаралар олиб боради, халқаро ва минтақалараро шартномалар ва битимларни имзолайди; республика референдумларини тайинлайди ва ҳ.к.

Халқ Хурали – **Б.** парламенти вакиллик ва қонун чиқарувчи органдир. Халқ Хурали **Б.** фуқаролари томонидан 4 йил муддатга сайланади ҳамда ҳудудий ва миллий вакиллик ҳисобга олинган ҳолда сайланадиган 65 депутатдан иборат бўлади (**Б.** Конституциясининг 80-моддаси).

Халқ Хурали куйидаги ваколатларга эга: **Б.** Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; республика қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; **Б.** Президенти билан биргаликда ички ва ташқи сиёсатни белгилаш; **Б.**ни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат дастурларини тасдиқлаш; республика бюджетини қўриб чиқиш, тасдиқлаш ва назорат қилиш; республика солиқлари, тўловлари ва йиғимларини белгилаш, республика фондларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш, заёмлар, кредитлар, иқтисодий ва бошқа ёрдамнинг сарфланиши устидан назорат қилиш; **Б.**нинг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ҳал қилиш; **Б.** олий судларининг судьяларини, **Б.** бир қатор олий мансабдор шахсларини тайинлаш ёхуд уларни тайинлаш учун Президентга розилик бериш; **Б.** Ҳукуматининг айрим аъзоларига ишонч билдириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш, **Б.** Президентини вазифасидан озод қилиш; республика қонунларида белгиланган доирада ва шаклларда назорат вазифаларини амалга ошириш ва ҳ.к.

**Б.** Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Янги

тузилган Ҳукумат ўз ваколатлари муддатига бўлғуси фаолиятининг дастурини Халқ Хурали муҳокамасига тақдим этади. Ҳар йили камида бир марта Ҳукумат ўз фаолияти ҳақида Халқ Хурали олдида ҳисоб беради. **Б.** Конституциясида Ҳукуматнинг ваколатлари, асосан, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга раҳбарлик қилиш учун жавоб берадиган орган сифатида белгиланган.

**Б.**да одил судлов Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳакамлик суди ва қуйи халқ судлари томонидан амалга оширилади. Конституциявий суд **Б.** конунлари, Халқ Хуралининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Президентнинг, Ҳукуматнинг, давлат ҳокимияти бошқа органларининг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари, республикалараро ва минтақалараро шартномалар, шунингдек **Б.**нинг кучга кирмаган халқаро шартномалари Конституцияга қанчалик мослиги тўғрисидаги ишларни, ваколатга оид низоларни кўради; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлар ҳамда судларнинг сўровлари асосида конунларнинг конституциявийлигини текширади; **Б.** Конституциясига шарҳ беради.

**Б.** шаҳарлари ва қишлоқларида ҳамда бошқа ҳудудларида бевосита ёки сайлаб қўйиладиган ва бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариши амалга оширилади.

**БУТАН (Бутан Қироллиги)** — Буюк Британиянинг, сўнгра Ҳиндистоннинг Ҳималайдаги собиқ протекторати. 1949 йилда Ҳиндистон билан тузилган шартномага мувофиқ у халқаро муносабатларда **Б.** номидан вакиллик қилади. 1971 йилда **Б.** БМТга қабул қилинган. Пойтахти — Тхимпху шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 18 та дзонг (провинция) дан иборат.

Бошқарув шакли — конституциявий монархия. Қирол ҳузурида Қироллик маслаҳатлашув кенгаши иш олиб боради.

Миллий мажлис — Цхогду 150 депутатдан иборат бўлиб, бундан 106 нафари умумий овоз бериш орқали сайланади, қолганлари монастырлар ёки (лавозимига кўра) қирол томонидан тайинланади. Депутатлар яқка тартибдаги сайлов округлари бўйича турли вақтда 3 йилга сайланади. Шу боисдан парламент таркиби узлуксиз равишда қисман янгиланиб туради.

Ижро этувчи ҳокимиятни қирол назорати остида Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Қирол шунингдек Режа комиссиясига бошчилик қилади.

**БУЮК БРИТАНИЯ (Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги)** — Фарбий Европада Британия оролларида жойлашган давлат. Европа Иттифоқининг аъзоси. Британия Ҳамдўстлигининг таъсис этувчиси. Пойтахти — Лондон шаҳри.

**Б.**нинг таркибий қисмлари: Англия, Уэльс, Шотландия, Шимо-

лий Ирландия (Ольстер). Ла-Манш бўғозиди Франция соҳиллари яқинидаги Мэн ороли ва Норманд ороллари мустақил маъмурий бирликларга ажратилган. Англия ва Уэльс графликлар ва шаҳар-графликларга, Шотландия – вилоятларга, Шимолий Ирландия – округларга бўлинган.

**Б.**да ёзиб қўйилган конституция йўқ. Ёзилмаган конституция, анъанага кўра, аввало парламент томонидан қабул қилинган ҳужжатлар – статутлардан иборат бўлади. Конституциявий ҳуқуқ манбалари жумласига шунингдек суд прецедентлари, конституциявий одатлар ва доктринал (илмий) манбаларни киритадилар. Статут ҳуқуқини парламентнинг 1215 йилда «Эркинликларнинг Буюк хартияси» эълон қилинганда қабул қилинган конституциявий ҳуқуқ масалаларига доир ҳужжатлари ташкил этади. Статут ҳуқуқининг энг муҳим нормалари жумласига Хабеас корпус акти (1679 йил), Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль (1689 йил), Валиахдлик тўғрисидаги қонун (1701 йил), Парламент тўғрисидаги қонунлар (1911 ва 1949 йиллар), Пэрлар тўғрисидаги акт (1963 йил), Жамоалар палатаси тўғрисидаги акт (1978 йил), Халқ вакиллиги тўғрисидаги актлар (1949, 1969, 1974, 1983 йиллар), Маҳаллий бошқарув тўғрисидаги актлар (1972 ва 1985 йиллар) ва х.к. кирази.

Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Виндзорлар сулоласидан бўлмиш Елизавета II 1952 йилдан буён Қироличадир. Давлат бошлиғи – Қирол (Қиролича) расман катта ваколатларга эга: парламентни чақириш ва тарқатиб юбориш, Бош вазирни ва ҳукумат аъзоларини, бошқа олий мансабдор шахсларни ва судьяларни, шунингдек черковнинг олий мансабдорларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш, парламент ҳужжатларига вето (такиқ) қўйиш ҳуқуқи, парламентнинг очилиши чоғидаги қироллик нутқида ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, уруш ва тинчликни эълон қилиш, халқаро шартномаларни тузиш ва х.к. шулар жумласидандир. Амалда эса Қиролнинг (Қироличанинг) ана шу ва бошқа талай ваколатларини ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат монарх чиқарадиган ҳужжатлар учун жавобгардир. Шу сабабли ана шу ҳужжатларнинг барчаси Бош вазир томонидан имзо чекиб маъқулланади.

Британия монархи Британия Ҳамдўстлигининг (49 та давлат) раҳбари бўлгани боис Ҳамдўстликдаги 18 та давлатнинг (Канада, Австралия, Янги Зеландия, Кариб хавзаси мамлакатлари, Африка ва Океаниядаги айрим давлатларнинг) бошлиғи сифатида эътироф этилади. Анъанага кўра, у англикан ва пресвитериан черковининг раҳнамоси ҳамдир.

Монархия – Британия давлатининг жуда қадимдан қолган институтидир. Фақат 1649 йилдан 1660 йилга қадар Кромвел Республикаси мавжуд бўлган.

**Б.** парламенти ҳам дунёдаги энг қадимги парламентлардан бири-

дир. Умум (жамоалар) палатаси нисбий кўпчиликка асосланган мажоритар тизим асосида умумий овоз бериш орқали беш йил муддатга 659 депутатдан иборат таркибда сайланади. Юқори палата – Лордлар палатаси сайланмайди, унга ё ворислик бўйича, ё Қиролича тайинлаши бўйича аъзо бўлинади. Хозирги вақтда унинг таркибига 1100 дан зиёд лорд, барон, пэр киради.

Парламентнинг энг муҳим вазифаси – қонунчилик асосан доимий ва муваккат кўмиталар орқали рўёбга чиқарилади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан парламент аъзолари ҳам, ҳукумат аъзолари ҳам (булар палатадан бирининг депутатлари бўлишлари шарт) фойдаланадилар. Шуниси ҳам борки, ҳукуматнинг қонун лойиҳалари устуворликка эга ва исталган вақтда киритилиши мумкин. Қонун лойиҳаси уч ўқишдан ўтади. У Умум палатаси томонидан учинчи ўқишда мақуллангач, Лордлар палатасига юборилади.

Шунингдек махсус қонунчилик тартиб-таомиллари: берилган ваколат асосида қонун чиқариш (ҳукумат томонидан чиқариладиган қонунлар), молияга оид қонун ҳужжатларини молиявий тартиб-таомил бўйича кўриб чиқиш ва петициялар (жамоатчилик мурожаати) шаклида берилган хусусий қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш назарда тутилган.

Британия парламентининг яна бир муҳим вазифаси – ҳукумат устидан назоратни амалга оширишдир. Анъанага ва конституциявий келишувларга мувофиқ ҳукумат парламент томонидан шакллантирилади ва унинг олдида жавобгардир. Одатда, муҳокама очиш ҳуқуқга эга бўлган муҳолифат томонидан киритиладиган таклифлар тариқасида ҳукуматнинг сиёсати юзасидан умумий музокаралар ўтказилади. Бунинг учун сессияда 20 кун ажратилади. Парламентнинг ҳукуматга ҳам ёзма, ҳам оғзаки саволлар бериши кенг қўлланилади («саволлар соати» телевидение орқали кўрсатилади). Тасдиқланган пул маблағларининг ҳукумат томонидан сарфланишига доир парламент текширувини Ошқора ҳисобдорлик кўмитаси (15 аъзо) ўтказилади. Унга Миллий тафтиш идораси (900 дан зиёд тафтишчи) ёрдам кўрсатади ва зарур ахборотни тақдим этади. Кўмитанинг маърузалари хар йили Жамоалар палатасида муҳокама қилинади.

Ҳукуматни парламент сайловидан кейин Жамоалар палатасида кўпчилик ўринни олган партия етакчиси тузади. Ҳукуматнинг қолган аъзоларини Бош вазир тавсияси асосида Қиролича тайинлайди. Бош вазир ва асосий вазирлар Маҳкама таркибига (ҳукуматнинг 18–25 аъзоси) кирадилар. Ҳукуматнинг жами таркиби кенгрок бўлиб, давлат вазирлари ва парламент котибларини қўшган ҳолда 100 кишигача бориши мумкин.

Асосий қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга, давлат аппарати фаолиятига, ташқи ва ички сиёсатни белгилашга Маҳкама раҳбарлик қилади. Ҳукумат ўзининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидангина эмас,



балки қонуности ҳужжатлари ва ваколат билан қонун ҳужжатлари чиқариш ҳуқуқидан ҳам кенг фойдаланади.

Суд тизими қадимги аъналарни ва Британия ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган. Лордлар палатаси Бирлашган Қиролликнинг олий суд инстанцияси ҳисобланади. Унинг номидан ишларни Лордлар палатасининг суди кўриб чиқади. Бу суд унга бошчилик қилувчи лорд-канцлердан, апелляциялар бўйича штатдаги лордлар ва илгари суд лавозимини эгаллаган пэрлардан таркиб топади. Лордлар палатаси фуқаролик ва жиноят (Шотландия учун – фақат жиноят) ишларига доир қарорлар устидан тушган апелляцияларни кўришга қабул қилади.

Англия ва Уэльс Олий суди Апелляция судини (фуқаролик ва жиноят бўлимлари билан), Юқори судни (бир неча ихтисослаштирилган бўлимлари ва бошқа таркибий қисмлари билан), Қироллик судини (энг жиддий жиноятлар учун, шунингдек қуйи судларнинг ҳукмлари устидан апелляциялар учун қасамёд қабул қилган судьялар судини) ўз ичига олади. Ишларнинг асосий қисми кўриладиган судлар жумласига графлик судлари (уларда фуқаролик ишлари кўрилади) ва магистрат судлари (уларда қасамёд қабул қилган судьяларсиз жиноят ишлари кўрилади) қиради.

Шунингдек, ихтисослаштирилган судлар (трибуналлар): sanoat трибуналлари, меҳнат низолари бўйича апелляция судлари мавжуд.

Бирлашган Қиролликка 1707 йилда қўшилган Шотландия суд тизими Англияникидан фарқ қилади. Эдинбургдаги Юстициарийлар Юқори суди жиноят ишлари бўйича олий инстанция бўлиб қолмоқда. Сессия суди фуқаролик ишлари бўйича олий суд инстанцияси ҳисобланади. Қуйи судларнинг тизимини шериф судлари ва округ судлари ташкил этади.

Шимолий Ирландия Олий суди Шимолий Ирландиянинг олий суд инстанцияси ҳисобланади. У Бирлашган Қиролликнинг олий судлари вазифаларига ўхшаш вазифаларга эга бўлган Юқори судни, Апелляция судини ва Қироллик судини ўз ичига олади.

Низоли масалалар бўйича қарорлари тавсия хусусиятига эга бўлган Махфий кенгаш Суд қўмитаси мустамлакалар, доминионлар ва Британия салтанатининг суверенитетини тан оладиган Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун олий апелляция инстанциясига айланган.

**Б.** суд тизими айрим ўзгаришларни бошдан кечирмоқда: чунончи 1967 йилда Маъмурият ишлари бўйича парламент вакилининг хизмати ташкил этилди, 1983 йилдан буён камбағалларга ҳуқуқий ёрдам хизматлари вужудга келтирилмоқда.

**БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ** (варақа, ахборотнома) – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар

ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун билан тартибга солинган жараёни («Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг 3-хатбошиси).

**БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИ** — молия ҳуқуқининг бир қисми, давлатнинг бюджети тузилишини, турли даражалардаги бюджетларни, уларнинг даромад қисмини шакллантириш ва бюджет маблағларининг сарфланиши, шунингдек умуман давлатнинг бюджет-молия сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш тартибини белгиловчи ҳуқуқий нормалар мажмуи.

**БЮДЖЕТ** — 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; Давлат бюджети баланслилиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш; Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Давлат бюджети: республика бюджетини; Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Давлат бюджети даромадлари: 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; 2) давлатнинг молиявий ва бошқа активлари жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар; 6) қонун ҳуж-

жатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида; 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида; 3) капитал харажатлар шаклида: асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга; чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга; давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга; давлат захираларини вужудга келтиришга; 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет давлатларга бериладиган бюджет ссудалари шаклида; 6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида; 8) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Давлат бюджети тақчиллиги: давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш; республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари; қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги йўллар билан қайта тақсимланади: юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш; бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш; бюджет ссудалари ажратиш.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади (тасдиқланади).

**БЮЛЛЕТЕНЬ** — конституциявий ҳуқуқда бир неча маънода қўлланиладиган тушунча.

1) депутатликка номзодларнинг фамилиялари ёки сайлов бирлашмалари (партиялар, ҳаракатлар, блоклар) номи ёхуд сайлаб қўйиладиган лавозимга сайлашда номзодларнинг фамилиялари ёзиладиган расмий ҳужжат (қаранг: *Сайлов бюллетени*). Референдумда овоз бериш бюллетени фуқаролар жавоб бериши лозим бўлган саволни («ёқлаб» ва «қарши» жавоб вариантларини) ўз ичига олади. Бундай **Б.** бирор масала ечимининг бир неча вариантларини ҳам ўз ичига олиши мумкин бўлиб, фуқаро улардан биттасига афзаллик бериши керак бўлади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида «Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг

электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги» назарда тутилган. Сенат мажлисларида ҳам шундай қоидага амал қилинади.

2) давлат органларининг расмий давлат ёки махсус нашрлари номи (қаранг: *Ахборотнома*).

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ** – айрим мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳукумат номи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига асосан – Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати бошлиғи лавозимига кўра Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

1992 йилда қабул қилинган Конституцияга асосан Вазирлар Маҳкамаси раиси Ўзбекистон Президенти. 2003 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш, Президентни Вазирлар Маҳкамаси раиси бўлиши ҳақидаги қондани чиқариб ташлади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 98-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини Бош вазир ташкил қилади ва унга раҳбарлик қилади. Демак, энди ҳукумат бошлиғи – Бош вазирдир.

Конституцияга киритилган ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантиришга ҳам янги жиҳатлар киритди. Унга асосан Бош вазир номзоди Президент тақдимиغا биноан Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Аввал Бош вазирни Президент тайинлаб тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритар эди. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари эса Бош вазир тақдимиغا биноан Президент томонидан тайинланади. Аввал Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Президент тайинлаб, тақдим учун Олий Мажлисга киритар эди. Яъни, ҳукуматни шакллантиришда ҳукумат бошлиғи иштирок этмас эди.

Вазирлар Маҳкамаси Президент ва Олий Мажлис олдида жавобгар. Янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасига нисбатан кенг ваколатлари мавжуд, масалан: Президент Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раҳбарлик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига қирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини, Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

**ВАЗИФАНИ АДО ЭТИШГА КИРИШИШ** – мансабдор шахс ўзи сайланган ёки тайинланган лавозимдаги ваколатларини бажаришни бошлаши. Айрим мансабдор шахслар учун қасамёд қилинган кун вазифани адо этишга киришилган кун деб ҳисобланади. Аҳоли томонидан сайланадиган, қасамёд қилиши назарда тутилмаган мансабдор шахслар овоз бериш натижалари сайлов комиссияси томонидан рас-

ман эълон қилинган кундан, сайланганлик тўғрисида гувоҳнома топширилган ёки сайланган шахснинг фармойиши билан **В.а.э.к.** куни деб эълон қилинган кундан эътиборан вазифани бажаришга киришишлари мумкин.

Лавозимга тайинланадиган шахслар учун уларни тайинлаш тўғрисидаги қарор, фармон ёки буйруқ имзоланган кун **В.а.э.к.** куни деб ҳисобланади.

**ВАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ** – конституциявий ҳуқуқнинг тушунчаси бўлиб, ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олади:

Биринчидан, бу сайланадиган вакиллик давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланадиган мансабдор шахслар тизимининг мавжудлиги. Яъни, бу ерда сўз аҳолининг бир қисми ёки тегишли ҳудуд бутун аҳолисининг вакиллари (депутат, президент, губернатор, муниципал тузилманинг раҳбари) иборат органлар ҳақида боради.

Кўпгина тадқиқотчилар **В.д.ни** фақат вакиллик муассасалари (парламент, депутатлар йиғилиши ва бошқалар) билан боғлиқлини таъкидлайдилар. Лекин бу унчалик тўғри эмас сабаби мамлакат аҳолиси ўзларининг манфаатини ифодаладиган яна бошқа мансабдор шахсларни ҳам сайлайдилар. Вакиллик органлари ҳам мансабдор шахслар ҳам ўзларининг махсус белгиланган функцияларини бажариш учун сайланишлари ва уларни қайтарилишларига ҳаққи йўқлиги бошқа масаладир.

Иккинчидан, **В.д.** – бу сайланган шахслар билан сайловчилар ўртасидаги алоқа ва ўзаро муносабатларни ифодаловчи демократик институтларнинг тизими. Гап депутатлар мансабдор шахсларнинг аҳоли билан доимий равишда учрашувлар ўтказиши, уларда ўзларининг фаолияти ва тегишли вакиллик органи, ижро этувчи аппарат томонидан амалга ошириладиган тадбирлар бўйича тушунтиришлар бериши ҳақида бормоқда.

Бу – депутатлар ва мансабдор шахсларнинг сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан алоқада бўлиши, жамоатчиликка таяниши ва ҳоказолардир.

**ВАКИЛЛИК МУАССАСАСИ** – вакиллик органи билан бир маънода.

**ВАКИЛЛИК НОРМАСИ** – сайлов округларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган сайловчилар ёки аҳоли сони. Ҳар бир ҳудудий сайлов округида яшайдиган сайловчилар ёки аҳоли сони тенг ёки тахминан тенг (маълум фоиз кўп ёки кам) бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмата ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Сайлов округлари, қонда тарикасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун

худудида сайловчилар сони тенг холда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади (қ: *Сайлов округи*).

**ВАКИЛЛИК ОРГАНИ** – аҳоли томонидан сайланадиган депутат (вакил)лардан иборат давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўз-ўз бошқариш хайъат органларининг умумлаштирилган ва қадимдан қабул қилинган номи. Ушбу орган аҳоли манфаатларини кўзлаб, (ифодалаб) ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этади.

**ВАКОЛАТ** – давлат органи, маҳаллий ҳокимият органи, мансабдор шахснинг, ижтимоий муносабатни бошқа қатнашчиларининг норматив юридик ҳужжатда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**ВАКОЛАТЛАРИНИ СОҚИТ ҚИЛИШ** – мансабдор шахс ёки маълум бир органнинг ўз ваколатларини тўхтатишини эълон қилиши. Бу мансабдор шахсни ёки давлат органини истеъфога чиқишини англатади.

Давлат органи ёки мансабдор шахснинг ваколатини соқит қилишини эълон қилиш билан, ўз ваколатларини бажаришни тўхтатади. Баъзи ҳолатларда, мансабдор шахс ёки давлат органи ўзидан ваколатини соқит қилгандан сўнг ҳам, давлат органининг янги таркиби шакллангунча ёки лавозимга бошқа шахс тайинлангунга қадар, ўз ваколатларини бажариб турадилар. Ўзбошимчалик билан ўзларидан ваколатларини соқит қилиш, қонунни бузилишига олиб келади.

**ВАКОЛАТЛАРНИ БЕРИШ (ДЕЛЕГИРОВАНИЕ ПОЛНОМОЧИЙ)**

Ваколатларни бериш муаммоси бир қатор хорижий мамлакатларда парламент томонидан кўпгина муҳим масалаларни ҳал этишда ҳукуматга ўз ваколатларини беришда кўзга ташланади. Ваколатлар доирасида ҳукуматлар чиқарган актлар адабиётларда берилган ваколат доирасида чиқарилган (делегированного законодательства) қонунлар номи олинган. Бундай ҳолат муҳолифот учун мақбул эмас, чунки ижроия ҳокимият, парламент ўз ваколатига доир масалаларни бошқаларга бериб давлатдаги ўз мавқеларини кучсизлантиради ва давлат маъмурияти ролини кучайтиради, бу ўз навбатида сиёсий ҳаётда демократияни ривожланишига тўсқинлик қилади.

**ВАКОЛАТЛИ ОРГАНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ** – ўзининг дастлабки сессия (мажлис)ларидан бирида депутатлар орасидан тузиладиган кўмакчи орган. Доимий комиссиянинг вазифаси ваколатли орган қарорларининг лойиҳаларини (қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва дастлабки тарзда) кўриб чиқиш; ваколатли орган мажлисларида кўриб чиқишга тақдим этиладиган масалалар ва қарор лойиҳалари юзасидан хулосалар тайёрлаш; парламент тингловларини уюштириш; ваколатли орган қабул қилган қонунлар, бошқа норматив ҳужжатлар, қарорларнинг амалга оширилишини, шунингдек, қонун

доирасидаги муайян органлар фаолиятини назорат қилиш, комиссия соҳаси бўйича бюджет лойиҳасини тайёрлашда қатнашиш.

Кейинги вақтларда қонунчилик органлари даражасидаги бундай органлар («доимий» сўзсиз) комитетлар ёки комиссиялар деб аталадиган бўлиб қолди. Ўзини «комиссия» деб атайдиган («доимий» сўзсиз) айрим органлар ҳам бор, масалан, мандат комиссияси.

**ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ** — валюта операцияларига қуйидагилар қиради: валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар; валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш; халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш; резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар.

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

**ВАЛЮТА** — давлат ҳудудида муомалада бўлиб турган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланувчи банкнотлар, ҳазина билетлари, тангалар тариқасидаги пул белгилари.

**ВАНУАТУ (Вануату Республикаси)** — Тинч океанининг Жанубий қисмидаги оролларда жойлашган давлат, Янги Гебрид ороллари, Буюк Британия ва Франциянинг биргаликдаги собиқ мустамлакаси. Мустақиллиги 1980 йил 30 июлда эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти — Вила (Порт Вила) шаҳри.

Мамлакатда 1980 йилги Конституцияси амал қилмоқда.

Давлат тузилиши шаклига кўра — маъмурий жиҳатдан округларга бўлинган унитар давлат. Лекин мамлакатнинг оролларда жойлашганлиги ҳамда Буюк Британия ва Франциянинг тарихий жиҳатдан таркиб топган таъсир доиралари мухториятчиликка мойиллик мавжуд бўлишига олиб келмоқда. 1980 йилда Эспирито Санто оролида айирмачиликка қаратилган исён кўтарилди.

Бошқарув шакли — парламент республикаси. Давлат бошлиғи — Президент. Уни парламент 5 йилга сайлайди. Парламент — Миллий мажлис 4 йилга сайланадиган 50 депутатдан иборат. Ҳукумат — катта эмас: Бош вазир ва саккиз-тўққизта вазирдан иборат бўлиб, улар парламент томонидан сайланадилар ва унга ҳисоб берадилар.

**ВАТИКАН (Ватикан шаҳар — давлат)** — Рим ҳудудида жойлашган давлат, Рим католик черкови бошлиғи — Рим Папасининг қароргоҳи. Суверенитети 1929 йил 11 февралда Италия ва Папа Тахти ўртасида тузилган Латеран шартномасига биноан эътироф этилган.

Теократик монархия бўлиб, унинг бошлиғи Рим Папаси кардиналлар хайъати томонидан яширин овоз бериш орқали умрбод тайинланади. Кардиналларни, ўз навбатида, Папа умрбод тайинлайди. Папалар тарихи Авлиё Пётрдан (эрамининг I асри, 67 йилда вафот этган)

бошланган. Ҳисоб бўйича 1978 й. 16 октябрда сайланган Папа Иоанн – Павел II икки юз олтмиш тўртинчи Папа бўлган эди. У 2005 й. апрелгача, яъни ҳаётининг охиригача раҳбарлик қилди. 2005 йил 23 апрелида Янги икки юз олтмиш бешинчи Рим Папаси Бенедикт XVI Муқаддас Тахтга ўтирди (сайланди). Тантанали интронизация маросимида унга Епископ митраси (тожи) кийдирилди. Шу вақтдан бошлаб у ўз вазифасини бажаришга киришди. Папани сайлаш 80 ёшга тўлмаган кардиналлар ҳайъатининг мажлиси – кардиналлар жумласидан бўлган конклав томонидан амалга оширилади. Сайланиш учун овозларнинг камида учдан икки қисмини олиш зарур. Қонда тарикасида, Папа сайлови бир неча турда ўтади.

Конституция ўрнига **В.** шахар давлатининг 1929 йил 7 июнда қабул қилинган Конституциявий ҳужжатлари ва 1967 йил 15 августда қабул қилинган «Апостоллик конституцияси» ўтади. «Апостоллик конституцияси» Папа ҳокимиятининг марказий органларини ислоҳ қилишни назарда тутган бўлиб, у 1968 йил 1 мартда кучга кирган.

Рим-католик черковининг Бутун Жаҳон йиғини, Кардиналлар ҳайъати ва Епископлар синоди олий маслаҳатлашув органлари ҳисобланади.

Давлат котиби Бош вазир вазифаларини бажаради. Маъмурий бошқарувни 9 та конгрегация (диний идора), 3 та трибунал, 12 та папа комиссияси ва бошқа идоралардан иборат Рим курияси амалга оширади.

**ВЕНГРИЯ (Венгрия Республикаси)** – Марказий Европадаги давлат. 1918 йилда Австрия-Венгрия парчаланиб кетиши натижасида ташкил топган. Пойтахти – Будапешт шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 19 та вилоят (медье)дан иборат, алоҳида маъмурий бирликларга ажратилган Будапешт, Дебрецен, Мишкольц, Печ, Сегед вилоятлар мақомига тенглаштирилган.

Мамлакатда 1994 йилги таҳрирдаги Конституция амал қилмоқда.

Бошқарув шакли – парламент республикаси. Президент камида эллик депутатнинг тақдимида биноан парламент томонидан сайланади. Унинг ваколат муддати 4 йил бўлиб, у яна бир муддат қайта сайланиши мумкин.

Парламент – Давлат мажлиси 386 депутатдан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланади. Анча кенг ваколатларга, шу жумладан давлатнинг олий мансабдор шахсларини сайлаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, фавқулодда ҳолат шароитида Президент чиқарган ҳар қандай декретнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ваколатига эга.

Бош вазирни парламент сайлайди. Вазирларнинг номзодларини бош вазир тавсия этади, лавозимга эса Президент тайинлайди.

**В.** Конституциявий суди суд назорати борасида мутлақ ҳуқуққа эга. Ўн нафар судьяни парламент депутатлари сайлайди. Улар ўз тар-



кибидан қайта сайланиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга раисни сайлайдилар.

**ВЕНЕСУЭЛА (Венесуэла Республикаси)** — Жанубий Америкадаги давлат. 1811 йил 5 июлдан эътиборан мустақил. Пойтахти — Каракас шаҳри.

Федератив давлат, 20 та штат, битта федерал округ, иккита федерал ҳудуд ва федерал ўлкалардан (Кариб денгизигаги ороллардан) иборат. Хар бир штатнинг губернатори ва бир палатали парламенти — Қонунчилик ассамблеяси бор.

1961 йил 23 январда қабул қилинган Конституцияси амал қилмокда. Бошқарув шакли — республика.

Давлат бошлиғи — Президент тўғридан-тўғри овоз бериш орқали нисбий кўпчилик овоз билан 5 йилга сайланади. У аввалги ваколатлари муддати тугагач, 10 йилдан кейингина иккинчи марта қайта сайланиши мумкин. Амалдаги Конституция Президентга қуйидаги кенг ваколатларни беради: парламентни чақириш, вазирларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, фавқулодда ҳолат эълон қилиш, фуқаролар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини тўхтатиб туриш («Иқтисодийэтни ростлаб олиш» ва «коррупцияга қарши курашиш учун» Президент Р. Кальдера томонидан 1994 йил 27 июндан 1995 йил 4 июлгача бўлган давр учун кўрилган чора).

Икки палатали парламент — Республика Конгресси Сенатдан (49 сенатор, улардан учтаси умрбод) ва Депутатлар палатаси (умумий овоз бериш орқали 5 йилга сайланадиган 199 депутат)дан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент амалга оширади. У ҳукуматга бошчилик қилади ва вазирларни тайинлайди.

Суд тизимини Конгресс 5 йил муддатга сайлайдиган Олий суд, апелляция ва округ судлари ташкил этади. Федерация таркибидаги штатлар ҳам олий судларга эга.

**ВЕРДИКТ** — ҳақиқатнома, тўхтам (махсус чақириладиган суд маслаҳатчиларининг иштирокида кўрилган иш юзасидан судланувчининг айбли ёки айбсизлигини аниқлайдиган ҳолат ҳақидаги хулоса).

**В.** профессионал судья ҳукм чиқариши учун асос бўлади.

**ВЕТО** (тақиқ) — юқори палата ёки давлат бошлиғининг тегишлича қуйи палата ёки парламент томонидан қабул қилинган қонунни (қонун лойиҳасини) маъқуллашни рад этиши. Аслини олганда, бу парламент юқори палатасининг қуйи палатага ёки давлат бошлиғи (монарх, президент)нинг парламентга қонун чиқариш жараёнида қўлланадиган таъсир кўрсатиш воситасидир.

Давлат бошлиғига татбиқан олганда, конституциявий ҳуқуқ фанида мутлақ **В.** — бу давлат бошлиғининг қонунни (қонун лойиҳасини) маъқуллашни парламент томонидан бартараф этиб бўлмайдиган тарзда, яъни узил-кесил рад этишидир. Тадқиқотчиларнинг кайд этишича, президентнинг мутлақ **В.си** гарчи, мисол учун, Буюк Брита-

ния, Бельгия монархлари расман шундай ҳуқуққа эга бўлсалар ҳам, бугунги кунда амалда қўлланилаётгани йўқ. Нисбий (ёки кечиктирувчи) **В.** — бу давлат бошлиғининг унга имзолаш ва эълон қилиш учун парламент томонидан топширилган қонунни қайтариш ҳуқуқидир. Одатда, давлат бошлиғининг фикрича қонуннинг конституцияга зидлиги, унинг ҳуқуқий ҳужжат сифатида такомилга етказилмагани, бошқа қонунларга уйғунлаштирилмагани, тегишли муносабатларни қонун билан тартибга солишнинг асоссизлиги, қонуннинг бажарилиши моддий ва ташкилий жиҳатдан таъминланмаганлиги, қонунни қўриб чиқиш ва қабул қилишнинг белгиланган тартиб-таомилга парламент томонидан риоя этилмаганлиги **В.** сабаблари бўлади. Кўпгина парламентарийлар ва тадқиқотчиларнинг фикрича, қонуннинг давлат бошлиғи томонидан рад этилишига фақат унинг конституцияга зидлиги ёки қонунни қабул қилиш тартиби бузилганлиги асос бўлиши мумкин.

Парламент қабул қилган қонунни имзолаш ва эълон қилишнинг давлат бошлиғи томонидан рад қилиниши қонуннинг парламентда, унинг палаталарида қайта муҳокама қилиниши яқунлари бўйича ўтказиладиган овоз бериш орқали бартараф этилиши мумкин. Бунда баъзи мамлакатларда парламент (унинг палаталари) аъзолари умумий сонининг оддий (масалан, Италия, Венгрия), бошқаларида асосий (масалан, АҚШ, РФ) кўпчилигининг овозлари талаб қилиниши мумкин.

АҚШда тадқиқотчилар Президентнинг «чўнтакдаги ветоси» деб атаган имконият бор: агар Конгресс сессиясининг танаффусигача қонун лойиҳасини имзолаш учун Президентга ажратиладиган 10 кундан кам вақт қолган, Президент уни имзоламай қолдирган бўлса, Конгресс бу қонун лойиҳасини кейинги сессияда қабул қилади.

Баъзи мамлакатларда (масалан, Франция, Қозоғистон) Президентга танлама **В.** деб аталувчи ҳуқуқ бор. Бунда у қонун лойиҳасининг айрим моддалари ва қоидаларига **В.** қўяди.

Юқори палатанинг қуйи палатада қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқуллашни рад этиши ҳам нисбий **В.**нинг бир тури ҳисобланади: қонун (қонун лойиҳаси) қуйи палатада қайта қўриб чиқиши ва овозларнинг асосий кўпчилиги билан қабул қилиниши мумкин — шу аснода юқори палатанинг қарори бартараф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида **В.** атамаси бевоқифа қўлланилмаган бўлса-да қонуннинг юридик куч эга бўлиши билан боғлиқ жараён унинг 84-моддасида батафсил баён қилинган. Чунинчи, Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эъти-

боран ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгилаб қўйилган эркинликлардан иборат бўлиб, унга кўра «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Кўпинча **В.э. ва д.э.э.** тушунчаси ўхшаш тушунчалар сифатида қўлланилади. Маазкур тушунчалар бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, улар мустақил тушунчалардир.

Виждон эркинлиги – бу инсоннинг ахлоқий-этик дунё қараши-

дир (масалан, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка бўлган муносабати). Диний эътиқод эркинлиги – бу илоҳий кучнинг мавжуд эканлиги ёки мавжуд эмаслигига ишонишдир. Бу ҳар кимнинг шахсий ишидир.

Виждон ва диний эътиқод эркинлигининг моҳияти «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси» ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро пакти» нормаларида ҳам ўз ифодасини топган. Шу сабабли виждон ва диний эътиқод эркинлиги дунёдаги кўпчилик демократик давлатларнинг конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасини амалга ошириш механизми Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис томонидан 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида»ги Қонунда очиб берилган. Мазкур қонундаги нормаларнинг биринчи гуруҳи виждон эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи гуруҳи мавжуд ва юзага келаётган диний бирлашмалар фаолиятига тегишлидир.

«Виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида»ги қонун нормалари инсон ҳуқуқлари тўғрисида қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг асосий қоида ва талабларини ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлиб, **В.э. ва д.э.э.ни** амалга оширишнинг принциплари ва тартибини белгилайди.

Мамлакатимизда прозелитизмга, яъни диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди, шунингдек, виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳам тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Виждон эркинлигини бузиш ҳақида»ги 145-моддасига мувофиқ, диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаш билан жазоланади.

**ВИЗА (рухсатнома, розилик, имзо)** – 1) Давлатлараро муносабатларда ва дипломатияда – давлатдан чиқиб кетиш, давлат ҳудудига кириб келиш ёки давлат ҳудуди орқали транзит ўтиб кетиш учун шахсга рухсат этилиши тўғрисида паспортга ёки унинг ўрнига ўтадиган ҳужжатга қўйилган белги. **В.** муайян муддатга берилади. Давлатлар визасиз кириб келиш ва чиқиб кетиш ҳақида бир-бирлари билан келишиб олишлари мумкин. Чиқиб кетиш учун **В.** одатда давлатнинг ташқи ишлар вазирлиги томонидан, кириб келиш ёки транзит ўтиб кетиш учун тегишли давлатнинг бошқа давлатдаги консуллик муассасаси ёки дипломатик ваколатхонаси томонидан берилади. Шунингдек, дипломатик **В.** ҳам мавжуд бўлиб, бу паспортга қўйиладиган, шахннинг дипломатик мақоми эътироф этилишини билдирадиган белгидир.

2) Давлат ва муниципал органлар амалиётида – маъмурият бўлин-

маси рахбарининг, депутатлар комиссияси раисининг, бошка масъул шахснинг хужжат лойиҳасига қўйиладиган, ушбу матн қўллаб-қувватланишини, унга розиликни аниқлашчи имзоси. Хужжатнинг бундай шахс томонидан имзоланишини одатда розилик билдирилиши деб атайдилар.

**ВИЛОЯТ АВТОНОМИЯСИ** – к.: *Автономия. Маъмурий ва сиёсий автономия. Давлат автономияси. Миллий-худудий автономия.*

**ВИЛОЯТ АВТОНОМИЯСИ - Ҳ.** *Давлат автономияси.*

**ВИЛОЯТ МАРКАЗИ** – Ўзбекистон Республикаси вилоятининг маъмурий маркази.

**ВИЛОЯТ СУДИ** – к.: *Умумий юрисдикция судларининг ўрта бўғини.*

**ВИЛОЯТ** – конституциявий ҳуқуқда бир нечта маънода қўлланиладиган тушунча:

1) Ўзбекистон Республикаси таркибидаги худудий тузилма (худудий-давлат тузилмаси). Ҳозир Ўзбекистон Республикасида 12 та **в.** бор;

2) маъмурий-худудий бирлик. Ўрта асрлардан маълум. Шарқнинг айрим мамлакатлари (Афғонистон, Туркия ва б.), шунингдек Ўрта Осиё хонликлари **в.ларга** бўлинган. 1924 й. шўролар ўтказган миллий-давлат чегараланиши арафасида Туркистон АССР 6 та **в.** – Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий (Туркманистон), Еттисув, Амударё **в.ларидан** ташкил топган эди. 1925 й. 13 январдан уезд деб юритила бошланди. Кейинчалик русча «область» номи билан қайта ташкил этилди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан тарихий маъмурий-худудий бирлик номи сифатида «**в**» сўзи қайта тикланди;

3) автономия тури. Айни ҳолда вилоят номига «автоном» сўзи қўйилади. Масалан, Россия Федерациясида Яхудийлар автоном вилояти мавжуд.

Адабиётларда қўлланиладиган «тарихий вилоят» атамаси мамлакат ҳаётида бир вақтлар муҳим ўрин тутган ёки давлатда алоҳида давлатга эга бўлган (балки ҳозир ҳам эгаллаб турган) мамлакатнинг тарихан шаклланган муайян жуғрофий минтақасини аниқлади. Конституциявий-ҳуқуқий маънода автономия, алоҳида маъмурий-худудий бирликлар, ўзини ўзи бошқариш тушунчаларида акс этиши мумкин.

**ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг номи. Конституциянинг 99-моддасига мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг конунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати – 5 йил.

**ВОТУМ – (лотинчадан – ирода, хоҳиш) – 1)** Вакиллик органи томонидан ҳукуматга, унинг алоҳида аъзосига, бошқа ижро этувчи органга, ижро этувчи ҳокимиятнинг мансабдор шахсига ишонч ёки ишончсизлик билдириш. Бундай ишонч ёки ишончсизлик билдириш ҳукумат, ҳукумат аъзоси, бошқа орган учун ҳам, вакиллик органининг ўзи учун ҳам муайян оқибатларни келтириб чиқаради.

Баъзи мамлакатларда ҳукумат томонидан тақдим этилган унинг фаолияти дастурини қўллаб-қувватлаб парламент овоз бериши ишонч билдиришга тенглаштирилади. Бу дастурни қўллаб-қувватлашни рад этиш парламентнинг ишончсизлик билдириши тариқасида ҳукуматнинг истеъфога чиқишини назарда тутати. Ёки иккала масала бир вақтда қўйилади. Масалан, Арманистон Конституциясининг 74-моддасига мувофиқ, Ҳукумат янги сайланган Миллий Мажлис ёки ўзи шакллантирилгандан кейин йигирма кунлик муддатда Миллий Мажлис йиғилишида ишонч билдириш тўғрисидаги масалани қўйиб, ўз фаолияти дастурини маъқуллаш учун Миллий Мажлисга тақдим этади. Ўз навбатида, депутатлар умумий сонининг камида учдан бир қисми Ҳукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор лойиҳасини киритиши мумкин. Агар бундай қарор лойиҳаси киритилмаган ёки у қабул қилинмаган бўлса, Ҳукуматнинг дастури маъқулланган ҳисобланади. Агарда ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Бош вазир Ҳукуматнинг истеъфоси тўғрисида Республика Президентига ариза тақдим этади.

Айрим чет мамлакатларда, шунингдек РФ таркибидаги республикаларда умуман ҳукуматгагина эмас, балки ҳукуматнинг алоҳида аъзосига ишонч (ишончсизлик) билдириш имконияти назарда тутилган. Масалан, Доғистон Халқ Мажлиси Республика Ҳукумати ва (ёки) Ҳукумат аъзосига ишончсизлик билдириши мумкин. Бироқ РФ Конституцияси бўйича Давлат Думасида бундай имконият йўқ.

Парламент ёки парламент палатаси томонидан ҳукуматга ишончсизлик билдириш хамиша ҳам ҳукуматнинг истеъфога чиқишига, парламентнинг, палатанинг тарқатиб юборилишига олиб келавермайди. Бир қатор конституцияларда масала парламент фойдасига ҳал қилинади: ҳукуматга ишончсизлик билдирилган тақдирда парламентни тарқатиб юбориш масаласи мавжуд бўлмайди, ҳукумат истеъфога чиқиши керак бўлади ёхуд президент уни истеъфога чиқариши лозим. Масалан,

Удмуртия Давлат Кенгаши томонидан республика Ҳукуматига ишончсизлик билдирилиши унинг тўлиқ таркиби истеъфога чиқишига сабаб бўлади. Татаристон Давлат Кенгаши Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдириши ҳам шундай оқибатларга олиб келади.

Баъзи мамлакатларда ҳукумат раҳбарига ишончсизлик билдириш ҳукуматнинг янги бошлиғини сайлаш ва аввалгисини ишдан озод қилиш тўғрисида мамлакат президентига мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Бу мамлакат муайян вақт ҳукуматсиз бўлиб қоладиган ҳукумат танглигининг олдини олиш имконини беради. Бундай тартиб, масалан, Германияда қўлланилади ва конструктив (амалий) ишончсизлик билдириш деб аталади.

2) Конституциявий-ҳуқуқий адабиётларда «вотум» тушунчаси овоз бериш натижасини ҳам англатиши мумкин. Бунда овоз бериш натижасида бирор орган сайланган ёхуд сайланувчилар ёки органнинг кўпчилиги томонидан қарор қабул қилинган бўлади. Масалан, «конституция референдумда сайловчилар вотумини олди» деган жумлани умумхалқ овоз беришида (референдумда) иштирок этган сайловчилар овозларининг кўпчилиги мазкур конституцияни ёқлаб берилган деб тушунмоқ керак.

**ВЬЕТНАМ (Вьетнам Социалистик Республикаси)** – Жануби-шарқий Осиёда Ҳиндихитой яриморлида жойлашган давлат. 1945 йилгача – Франция протекторати. 1945 йил 2 сентябрда Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинган, ҳукуматга Хо Ши Мин бошчилик қилган. Франция ўз гумаштаси, «император» Бао Дай ҳокимиятини тиклашга интилиб фуқаролар уруши бошланишига туртки беради. 1954 йилда 17-параллел бўйича мамлакат бўлиб юборилиши (Женева битими) эвазига мамлакатда тинчлик ўрнатилади. 1956 йил июнь ойига мўлжалланган умумий сайлов 1955 йилда жанубда тўнтариш амалга оширилиши ва пойтахти Сайгон шахри бўлган Вьетнам Республикаси эълон қилиниши туфайли барбод бўлади. Бунга жавобан шимолда пойтахти Ханой шахрида бўлган Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинади. 1960 йилда Жанубий Вьетнамни озод қилиш fronti тузилади, кўп йиллик уруш бошланади, унга Америка қўшинлари аралашуви натижасида халқаро можаро тусини олади. 1973 йилги Париж битимларига мувофиқ Америка қўшинларини олиб чиқиш бошланди. 1975 йил 30 апрелда Сайгон таслим бўлди, бутун жанубий ҳудуд Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат инқилобий ҳукумати назорати остига ўтди. 1976 йил 25 апрелда Вьетнамнинг иккала қисмида ягона Вьетнам Миллий мажлисига сайлов бўлиб ўтди. 1976 йил 2 июлда Миллий мажлис ягона давлат – Вьетнам Социалистик Республикаси (ВСР) тузилганлигини эълон қилди. Пойтахти – Ханой шахри.

Маъмурий бўлиниши: 52 та провинция (тинь) ва алоҳида маъмурий бирликка ажратилган 3 та шаҳар (Ханой, Хошимин – собиқ Сай-

гон ва Хайфон). Провинциялар уездларга (хюенларга), уездлар эса волостларга (саларга) бўлинади.

1992 йилда қабул қилинган ВСР Конституцияси амал қилмоқда. Конституцияга кўра, ВСР Миллий мажлиси давлат ҳокимиятининг олий органи ва аини чоғда олий конун чиқарувчи орган ҳисобланади. У 5 йил муддатга давлат бошлиғини – Президентни ва вице-президентни сайлайди. У шунингдек давлат ҳокимиятининг барча органлари устидан назоратни амалга оширишга ҳақлидир. Миллий мажлис умумий овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланадиган 450 нафар депутатдан иборат бўлади.

Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни Миллий мажлис сайлайди ва Президент тасдиқлайди. Ҳукумат Миллий мажлис олдида жавобгардир.

**ГАБОН (Габон Республикаси)** – Марказий Африкадаги давлат. 1960 йил 17 августда мустақиллиги эълон қилинган. Пойтахти – Либревиль шаҳри.

Маъмурий бўлиниши округларга бўлинган 9 та провинциядан иборат.

Бошқарув шаклига кўра – республика. 1990 йилги Конституция (кейинги йилларда талай ўзгартишлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритилган) бўйича давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент умумий овоз бериш орқали 7 йил муддатга сайланади. У қайта сайланиши мумкин. Президент кенг ваколатларга эга.

1997 йил апрель ойида Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ парламент икки палатадан: Миллий мажлис ва Сенатдан иборат. Миллий мажлис умумий тўғридан-тўғри овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат бўлади. Сенат (91 нафар сенатор) муниципал ва минтақавий маслаҳатчилардан таркиб топган сайлашга вакил қилинганлар ҳайъати томонидан сайланади.

Президент томонидан шакллантириладиган ҳукумат парламент олдида жавобгар эмас. Ҳукумат ва парламент ҳузурида француз намунаси бўйича Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш таъсис этилган бўлиб, у ҳукуматнинг режалари ва лойиҳалари ҳусусида, конун лойиҳалари ва ижтимоий масалалар бўйича хулосалар беради.

Олий суд, апелляция суди ва биринчи инстанция судлари Г. суд тизимини ташкил этади. Олий суд конституциявий назоратни ва сайловлар ўтказилиши устидан назоратни ҳам амалга оширади.

**ГАИТИ (Гаити Республикаси)** – Марказий Америкада, Кариб денгизидagi шу номдаги оролларнинг жанубий қисмида жойлашган давлат. 1804 йил 1 январдан эътиборан мустақил. Пойтахти – Порто-Пренс шаҳри.

Маъмурий бўлиниши округларга бўлинадиган 9 та департаментдан иборат.

Аввалги Конституцияси 1964 йилда қабул қилинган. Лекин Конс-



титущия қабул қилинганга қадар ва ундан кейин узок йиллар мобайнида мамлакат диктаторлик (1957–1971 йилларда – Франсуа Дювалье, 1971–1986 йилларда – унинг ўғли Жан-Клод Дювалье) тузумининг рамзи бўлган эди.

1987 йил 29 мартдаги референдумда маъқулланган Конституцияга кўра, Г. – республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент 5 йил муддатга сайланади.

Миллий мажлис – икки палатали парламент. 27 нафар сенатордан иборат Сенат 6 йил муддатга сайланади, унинг таркибининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланади. Депутатлар палатаси умумий овоз бериш орқали 4 йил муддатга 83 депутатдан иборат таркибда сайланади.

Суд тизими амалда ишламайди. Жамоат тартибини кўпинча суд вазифаларини ҳам бажараверадиган полиция сақлаб туради.

**ГАЙАНА (Гайана Кооператив Республикаси)** – Жанубий Америкадаги давлат. Мустақиллиги 1966 йил 26 майда эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси, лекин Британия Қироличаси эмас, балки Президент давлат бошлиғи ҳисобланади. Пойтахти – Жоржтаун шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 10 та округдан иборат.

1978 йил июль ойида референдумда қабул қилиниб, 1980 йил 6 октябрда кучга кирган Конституцияга кўра, Г. – «кооператив республика». Президент умумий овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланади.

Бир палатали парламент – Миллий мажлис умумий овоз бериш орқали сайланадиган 65 нафар депутатдан иборат бўлиб, ваколат муддати – 5 йил.

Ҳукумат Президент томонидан шакллантирилади ва парламент олдида жавобгардир.

**ГАМБИЯ (Гамбия Республикаси)** – Ғарбий Африкадаги давлат. Мустақиллиги 1965 йил 18 февралда эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Банжул (собик Батерст) шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 6 та вилоятдан иборат.

Амалдаги Конституцияси 1996 йил 8 августда ўтказилган референдумда қабул қилинган. Конституцияга кўра Г. – республика.

Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент 5 йил муддатга сайланади. Президент кенг ваколатларга (ҳукуматни шакллантириш, парламентни чақириш ва тарқатиб юбориш, олий мансабдор шахсларни тайинлаш ва х.к.) эга.

1994 йил июль ойидаги ҳарбий тўнтариш натижасида аввалги, 1970 йилги Конституциянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган эди. Мамлакатни бошқаришни Муваққат бошқарув кенгаши амалга ошир-

ган бўлиб, унинг раиси, капитан Я. Жамме янги сайлов ўтказилгунга қадар мамлакат Президенти этиб тайинланган эди.

1996 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган сайловда Я. Жамме Г. Президенти этиб сайланди ва 1996 йил 28 сентябрда у Муваққат бошқарув кенгашини тарқатиб юборди.

1997 йил 2 январда парламентга – Миллий мажлисга (депутатларнинг 45 нафари умумий овоз бериш орқали сайланади, 4 нафарини Президент тайинлайди) сайлов ўтказилди. Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ва у тузадиган ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат таркибига вице-президент ва Президент ҳузуридаги давлат котиблари (вазир даражасида) қирадилар.

**ГАНА (Гана Республикаси)** – ғарбий Африкадаги давлат. Мустақиллиги 1957 йил 6 мартда эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Аккра шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 10 та вилоятдан иборат.

Бошқарув шакли – Республика (1960 йил 1 июлда эълон қилинган). Республиканинг биринчи Президенти Кваме Нкрума 1966 йил февралда ҳарбийлар томонидан ағдариб ташланган. Узок давом этган ҳарбий тузумлар ва фитналардан кейин 1992 йил 28 апрелда ҳарбий маъмурлар томонидан референдум уюштирилиб янги Конституция қабул қилинди (аҳолининг 90 фоизи ёқлаб овоз берди). Ўша йили Ж. Ролингс Президент этиб сайланди (У 1979 йилда ҳарбий тўнтаришга бошчилик қилган ва 1981 йилда ҳокимият тепасига келган эди). 1993 йилда янги республиканинг эълон қилиниши ҳарбий диктатуралар даврига чек қўйди.

1992 йилги Конституцияга кўра (1993 йил 7 январда кучга кирган). Г. – президентлик республикаси. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи сифатида кенг ваколатларга эга. Президент умумий овоз бериш орқали 4 йил муддатга сайланади. У яна бир муддат қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек вице-президент сайланади.

Парламент умумий овоз бериш орқали 4 йил муддатга сайландиган 200 нафар депутатдан иборат.

Ҳукуматни Президент тузади ва у Президент олдида ҳисоб беради.

**ГВАТЕМАЛА (Гватемала Республикаси)** – Марказий Америкадаги давлат. 1821 йил 16 сентябрдан бошлаб мустақил. Пойтахти – Гватемала шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 22 та департамент, 315 та муниципалитетдан иборат.

Амалдаги Конституцияси 1986 йил 14 январда кучга кирган. Лекин ҳарбий тўнтаришлар ва қўзғолончилар ҳаракати туфайли мамлакатдаги конституциявий тузум барқарор эмас. 1995 йил 31 мартда ҳукумат ва қўзғолончилар ўртасида «Туб жойли аҳолининг ўзига ҳослиги ва ҳуқуқлар тўғрисидаги битим» (мамлакат аҳолисининг 60 фои-

зи индеецлар) имзоланиб, бу кўзголончилар ҳаракатига чек қўйиш мақсадини кўзлайди.

Бошқарув шакли – президентлик республикаси. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент. У бутун халқ томонидан 5 йил муддатга сайланади. Бир вақтнинг ўзида ана шу муддатга вице-президент ҳам сайланади. Конституцияга киритилган тузатишга кўра, собиқ диктаторлар президентликка номзод бўла олмайдилар.

Бир палатали парламент – Халқ Конгресси 5 йил муддатга сайланадиган 80 нафар депутатдан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**ГВИНЕЯ (Гвинея Республикаси, 1978 йил ноябрдан 1984 йил апрелга қадар – Гвинея Халқ Республикаси)** – ғарбий Африкадаги давлат. 1958 йил 28 сентябрдаги референдум натижаларига мувофиқ 1958 йил 22 октябрда мустақиллиги эълон қилинган (сайловчиларнинг 95,4 фоизи Франциянинг Бешинчи республика Конституциясининг мамлакатда амал қилишига қарши овоз берган). Пойтахти – Конакри шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 8 та провинциядан иборат, улар 35 та префектурага бўлинади.

1958 йилги Конституция асосида Г. 7 йил муддатга сайланадиган Президент бошчилигидаги республика деб эълон қилинган (шахсий диктатура тузумини ўрнатган А.Секу Туре 1984 йилгача муттасил Президент бўлган). Сўнгра 1982 йилги Конституция қабул қилинган (1984 йилги тўнтариш туфайли тўхтатиб қўйилган). 1991 йил 23 декабрдан амалда бўлган, лекин 1995 йил охирида тўла ҳажмда кучга кирган янги Конституцияга биноан мамлакатда президентлик тузуми жорий этилган.

Президент умумий овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланади. У ҳукумат бошлиғи ва мудофаа вазири ҳисобланади.

Парламент – Миллий мажлис умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган 114 нафар депутатдан иборат.

Олий суд инстанцияси – Олий суд конституциявий суд вазифасини ҳам бажаради. Суд тизими қайта ташкил этилиш босқичидадир.

**ГВИНЕЯ-БИСАУ (Гвинея-Бисау Республикаси)** – Ғарбий Африкадаги давлат. 1973 йил 23 сентябрдан бошлаб мустақил (мустақиллик учун қуроли ҳаракатлар 1959 йилда бошланган). Пойтахти – Бисау шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 8 та округ, Бисау мухтор ҳудуди, 37 та тумандан иборат.

1991 йилги амалдаги Конституцияга кўра, республика шаклидаги давлат.

Президент 5 йил муддатга сайланади.

Бир палатали парламент – Миллий халқ мажлиси умумий овоз

бериш оркали сайланадиган 100 нафар депутатдан иборат. Уларнинг ваколат муддати – 4 йил. Парламентнинг сессиялари оралигидаги даврда унинг ваколатларини 15 аъзодан иборат Давлат кенгаши амалга оширади. Давлат бошлиғи лавозимига кўра Кенгашнинг раиси ҳисобланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

1991 йилдан эътиборан мамлакатда демократик ислохотлар ўтказилмоқда, хусусан кўп партиялиликни кафолатловчи қонун қабул қилинди.

**ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР** – 1) чор Россиясида – *генерал-губернаторлик* бошлиғи; асосан айна *губернатор* сингари ҳуқуқларга эга бўлган. Қўшимча равишда **Г.г.** генерал-губернаторликни бошқаришга дахлдор ишлар билан подшоҳни бевосита таништириш ва подшоҳдан бевосита амр-фармонлар олиш ҳуқуқига эга эди. Губерния бошлиқларининг энг муҳим масалалар бўйича тақдимномалари ва вазирларнинг фармойишлари фақат **Г.г.** оркали юборилган; мазкур генерал-губернаторликка тааллуқли янги фармойишлар ёки қонунлар хусусида албатта **Г.г.нинг** ҳулосаси талаб қилинган; муқофотлаш тўғрисидаги тақдимномаларга, **Г.г.нинг** фикри илова қилинган; 2) **Г.г.** – мустамлака маъмуриятининг мансабдор шахси, яъни мустамлака ҳисобланувчи ҳудуднинг ҳокими.

Ҳозирги пайтда **Г.г.** Британия Ҳамдўстлигининг илгарилари мустамлака бўлган, кейин доминионларга айланган (яъни, камрок даражадаги тобелikka эришган), 1931 йилдан суверен давлатлар бўлган баъзи мамлакатларда мавжуд. Ҳамдўстликка 49 та мустақил давлат қиради. Уларнинг аксарияти Британия Қироличасини фақат Ҳамдўстликнинг раҳбари тариқасида тан олади. Бирок 17 та мамлакат уни ўз давлатининг бошлиғи деб ҳисоблайди. Бу мамлакатларда **Г.г.** бор бўлиб, улар мазкур давлатлар ҳукуматларининг тавсияси бўйича Британия Қироличаси томонидан тайинланадилар ва Қироличанинг вакили ҳисобланадилар.

**ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИК** – чор Россиясида энг йирик маъмурий-худудий бирлик. XX аср бошларида Россияда собиқ Польша подшолигининг 10 та губерниясидан ташкил топган Варшава **Г.г.**, шунингдек Виленск (3 та губерния) Киев (4 та губерния), Иркутск (2 та губерния ва битта вилоят), Амурбўйи (3 та вилоят ва Сахалин вилояти), Дашт (3 та вилоят) **Г.г.** мавжуд эди. Москва губерниясини махсус генерал-губернатор бошқарар эди. **Г.г.** билан бир қаторда губерниялар ва вилоятларга бўлинган бошқа маъмурий-худудий бирликлар: Финляндия Буюк Князлиги (8 та губерния) Кавказ ўлкаси (7 та губерния, 4 та вилоят ва битта округ), Туркистон ўлкаси (4 та вилоят) бор эди.

**ГЕРБ** – тегишли давлатнинг хусусияти, баъзан эса шу давлат

амал қиладиган ғоявий қоидалар жамланган ва рамзий (мажозий) кўринишида акс эттириладиган тасвир (шакл). Давлатнинг хос белгиларидан (рамзларидан) бири. Давлатнинг бошқа белгилари (рамзлари) давлат **байроғи** ва **мадҳиядир**. Қоида тариқасида, давлат белгилари (рамзлари) ё конституцияда, ё махсус қонунда, ё умумдавлат ахамиятига молик бошқа ҳужжатда белгилаб қўйилади. Шу ҳужжатда тегишлича герб, байроқ, мадҳиядан фойдаланиш тартиби баён қилинади (шунингдек қаранг: **Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби**).

Бундан ташқари, герб муайян ҳудуднинг, бирор аҳоли пунктининг рамзи бўлиши мумкин. Масалан, Ўрта асрларда Европадаги кўпчилик шаҳарларнинг алоҳида герби бўлган.

**GERMANYA ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ** – 1990 й. 3 октябрда Германия Федератив Республикаси, Германия Демократик Республикаси ҳамда махсус халқаро мақомга эга мустақил сиёсий бирлик ҳисобланган Ғарбий Берлиннинг қўшилиши натижасида ташкил топган Ғарбий Европадаги давлат.

Пойтахти – Берлин ш. Ҳукумат қароргоҳи Бонн ш.да жойлашган.

ГФР – федератив давлат. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (вилоят)га бўлинади: Бавария, Баден-Вюртемберг, Берлин, Бранденбург, Бремен, Гамбург, Гессен, Мекленбург-Олд Померания, Куйи Саксония, Рейнланд-Пфальц, Саар, Саксония, Саксония-Анхальт, Шимолий Рейн-Вестфалия, Тюрингия, Шлезвиг-Гольштейн. Ҳар бир ер (ланд) ўз конституциясига, сайлаб қўйиладиган қонунчилик органи – ландтагга (15 ерда – бир палатали, Баварияда – икки палатали парламент) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга эга.

Амалдаги конституцияси – ГФР Асосий қонуни 1949 й. 23 майда Парламент кенгаши томонидан қабул қилинган, унга 1954, 1956, 1990, 1994 й.ларда қўшимчалар киритилган.

Бошқарув шакли – парламентар республика (1919 й. 31 июлда қабул қилинган Веймар Конституциясида республика деб эълон қилинган).

Давлат бошлиғи – Федерал президент. У махсус чақириладиган Федерал мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади ва яна фақат бир марта сайланиши мумкин.

Қонун чиқариш ҳокимиятини ГФРда Бундестаг ва Бундесрат каби палаталардан иборат парламент амалга оширади. Бундестаг аралаш мажоритар-пропорционал сайлов тизимига асосланган умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш орқали 672 депутатдан (Германия бирлашгунга қадар – 496 депутат) иборат таркибда 4 йил муддатга сайланади. Бундесрат эса ер ҳукуматлари аҳоли сонига тенг квоталар бўйича ўз орасидан 4 йил муддатга тайинлайдиган вакиллардан иборат (ҳар

ердан 3–6 вакил тайинланади). Бундесрат жами 68 нафар аъзога эга. Бундесрат раиси хар йили сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни ГФРда Федерал канцлер бошчилигидаги федерал ҳукумат амалга оширади. Федерал канцлер Федерал президентнинг таклифига биноан Бундестаг томонидан сайланади. Вазирларни канцлернинг таклифига биноан Федерал президент тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.

Конституциянинг 63-моддасига мувофиқ, Бундестаг аъзоларининг ярмидан ортигининг овозини олган шахс канцлер этиб сайланади. Башарти, таклиф этилган шахс сайланмаса, Бундестаг сайловлардан ўн тўрт кун ўтгач, ўз аъзоларининг мутлақ кўпчилик овози билан федерал канцлерни сайлаши мумкин. Агар бу муддат ичида канцлер сайланмаса, янги тур овоз бериш ўтказилиб, унда энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Бу ҳолда Федерал президент уни сайловдан кейин 7 кун мобайнида ё канцлерни тайинлаши ёки Бундестагни тарқатиб юбориши шарт. Вазирларнинг номзодини Канцлер тавсия этади, президент тайинлайди.

Конституцияга кўра, ҳукумат катта ваколатларга эга, хусусан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширади. Айниқса Федерал канцлернинг ваколатлари анча кенг. Жумладан: Канцлер мамлакат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва уни амалга ошиши учун жавобгар бўлади. Ушбу асосий йўналишлар доирасида хар бир вазир ўз масъуллиги асосида соҳани бошқаради. Федерал канцлер ўзгарса, ҳукумат истеъфога кетади. Канцлернинг мамлакатни бошқаришдаги фаол ролидан келиб чиқиб, баъзи тадқиқотчилар **Г.нинг** бошқарув шаклини «канцлер республикаси» деб атайдилар.

ГФРда суд ҳокимиятини Федерал конституциявий суд, федерал судлар ва ерларнинг судлари амалга оширади. Федерал конституциявий суд икки палата (сенатлар)дан иборат. Судьяларнинг ярми (8 аъзоси)ни Бундестаг, иккинчи ярмини эса – Бундесрат сайлайди. Судьяларнинг ваколат муддати – 12 йил.

Федерал Конституциявий суд кенг ваколатларга эга. У: Асосий қонунга шарҳ беради; федерация ҳуқуқи ва ерликларнинг ҳуқуқи ўртасидаги номуаносибликларни ҳал этади; уларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди; федерация ва ерликларнинг ваколатлари юзасидан изоҳ беради; фуқароларнинг давлат ҳокимияти ғайриконституциявий фаолияти ва чиқарган ҳужжати муайян ҳуқуқларни бузди деб ҳисоблаб йўллаган шикоятларини кўриб чиқади.

Умумий, маъмурий, молия, меҳнат ва ижтимоий юрисдикция соҳаларида одил судловни амалга ошириш учун бешта суд тизими жорий этилган бўлиб, уларнинг хар бири олий суд органига эга.

Умумий судлар тизимини Карлсруэ ш.да жойлашган Олий федерал суд бошқаради. У суд раиси, сенатларнинг раислари ва суд аъзоларидан иборат. Олий федерал суд таркибида фуқаролик ишлари бўйи-

ча 11 сенат, жиноят ишлари бўйича 5 сенат ва махсус масалаларни кўриб чиқишга мўлжалланган 7 сенат фаолият кўрсатади.

Маъмурий адлия тизимида Берлин ш.да жойлашган Федерал маъмурий суд раҳбарлик қилади. У 12 сенатдан (ҳар бирида – 5 тадан судья) иборат. Ерларда Олий маъмурий судлар фаолият кўрсатади.

Молия судлари тизими солиқлар ва бож йиғимларини тўлашга доир низоларни ҳал қилиш учун тузилган. Мазкур тизим Мюнхендаги Федерал молия судини ҳамда ерларнинг 15 молия судларини ўз ичига олади.

Меҳнат ишлари бўйича судлар иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида чиққан меҳнатга ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш масалаларига доир ва бошқа ш.к. низоларни, шунингдек касаба уюшмалари ва тадбиркорларнинг бирлашмалари ўртасида чиққан иш ташлашлар, корхоналар ёпилишининг қонунийлиги масалаларига доир низоларни кўриб чиқади. Кассель ш.да жойлашган Меҳнат ишлари бўйича Федерал суд 5 сенатдан иборат.

Ижтимоий суғурта, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш учун Кассель ш.да Меҳнат ишлари бўйича Федерал суд раҳбарлигида ижтимоий масалалар бўйича судлар тизими ташкил этилган. У 12 сенатдан иборат.

Одил судловнинг ягоналигини таъминлаш ва олий федерал судлар ўртасида ҳуқуқ масалалари юзасидан чиқадиган ихтилофларни ҳал қилиш учун ГФР Конституциясининг 95-моддасига мувофиқ Олий федерал судлар умумий сенати тузилган бўлиб, у барча тизимлардаги судлар учун мажбурий бўлган қарорлар чиқаради.

Мюнхен ш.даги Федерал интизомий суд ҳамда Федерал патент суди мустақил суд идоралари ҳисобланади.

**ГОНДУРАС (Гондурас Республикаси)** – Марказий Америкадаги давлат. 1821 йил 15 сентябрдан эътиборан мустақил. Пойтахти Тегусигальпа шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 18 та департаментдан иборат. Департаментлар округларга, округлар муниципалитетларга бўлинади.

Давлат 1965 йилги (1981 ва 1982 йилларда тузатишлар киритилган) Конституцияга кўра – республика шаклига эга. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент умумий сайлов йўли билан 4 йилга сайланади. Бир вақтнинг ўзида учта вице-президент сайланади. Президент иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас.

Парламент – Миллий мажлис мутаносиб тизим бўйича 4 йилга сайланадиган 128 нафар депутатдан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент амалга оширади, у ҳукуматни тайинлайди ва унга бошчилик қилади.

Бир неча ўн йиллар мобайнидаги давлат тўнтаришлари ва Салвадор билан ҳарбий ҳаракатлардан сўнг кейинги йилларда мамлакатда сиёсий тузум барқарорлашди.

**ГОСПЛАН (Давлат режа қўмитаси)** – собиқ совет ҳокимияти даврида мамлакатда ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга оид давлат режаларини тайёрлаш ва бажариш учун масъул бўлган (давлат бошқарув органлари тизимидаги) давлат органларининг қисқартирилган номи. Собиқ СССРда, иттифоқдош республика ва автоном республика даражасида давлат режа қўмитаси мавжуд бўлган (унинг раиси, қоида тариқасида, тегишли Министрлар Совети раисининг ўринбосари бўлган), қолган даражаларда эса режа комиссияси ишлаган (халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг ижроия қўмитаси аъзоси ёки, қўпинча, раисининг ўринбосари комиссиянинг раиси бўлган).

**ГРАФЛИК** – бир қатор чет эл мамлакатларидаги маъмурий-худудий бўлиниш бирлиги. Масалан, АҚШда Коннектикут ва Рой-Айленд штатларидан ташқари барча штатларда Графлик асосий маъмурий бирлик бўлиб ҳисобланади. Графликдан кейин турадиган маъмурий-худудий бирлик бир хил штатларда тауншиқлар, бошқа бирларида таунлар деб номланади. Улар қишлоқ ва шаҳар жамоаларига бўлинади. Графликлар асосан қишлоқлар худудини қамраб олади. Йирик шаҳарлар муниципал корпорациялар мақомига (сити, бороу, виллижис) эга бўлиб, уларда мамлакат аҳолисининг 2/3 қисми яшайди.

Буюк Британияда Англия ва Уэльсининг худудлари ҳам графликлардан иборат, улар ўз навбатида округларга бўлинади. Шимолий Ирландияда ҳам худудлар Графликларга бўлинган. Шотландия маъмурий худудий бирлик бўйича регионларга бўлинади. Улар округлардан ташкил топган.

**ГРЕНАДА** – Кичик Антиль оролларида жойлашган орол давлат. 1974 йилнинг 7 феввалида мустақиллигини эълон қилган. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти Сент-Жоржес шаҳри.

Маъмурий худудий тузилиши 7 та райондан иборат.

1973 йилнинг майида Лондонда бўлиб ўтган анжуманда Конституцияси ишлаб чиқилган. Номинал давлат бошлиғи бўлиб Британия қироличаси Елизавета II ҳисобланади. У давлатни бошқариш учун генерал-губернаторни тайинлайди.

Генерал-губернатор Бош Вазирни тайинлайди, уни сўнгра парламент тасдиқлайди (у асосан парламент сайловларида ғалаба қозонган партия раҳбаридан тайинланади).

Парламент икки палатадан иборат. Сенат аъзолари 13 сенатордан иборат бўлиб, уларни генерал-губернатор тайинлайди. Вакиллар Палатаси 15 депутатдан иборат бўлиб, улар беш йил муддатга умумий сайловлар асосида сайланади.

Парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партия раҳбари ҳукуматда Бош Вазир лавозимини эгаллайди.

**ГРЕНЛАНДИЯ** – Шимолий Американинг Атлантика ва Шимолий Муз океанлари туташган жойида жойлашган орол. У XIII–XVIII асрларда Норвегияга тегишли бўлган. 1814 йилдан (1380 йилги Нор-



вег-Дания унияси бекор қилинганидан сўнг) 1953 йилгача Гренландия Дания мустамлакаси бўлган. 1953 йили Дания қироллигини бир қисми деб эълон қилинган. 1979 йилнинг 17 январида орол аҳолисининг кўпчилиги Греландиянинг ички автономиясини кенгайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқулладилар.

Маъмурий маркази Готхоб шахридир.

Маъмурий ҳудудий бирлик 3 инспекторат ва 18 коммунадан иборат.

Оролда 1953 йилнинг 5 июнида қабул қилинган Дания Конституцияси амал қилади. Мудофаа, ташқи сиёсатни олиб бориш, валюта операциясини амалга ошириш масалалари Дания ваколатига киради. Оролда Дания ва Эскимос (греуланд) тили расмий тил бўлиб ҳисобланади.

Оролга Дания томонидан тайинланган губернатор бошчилик қилади.

1978 йилнинг 17 ноябридаги ички автономия тўғрисидаги Қонунга асосан қонун чиқарувчи орган Ландсстинг бўлиб, унинг 31 аъзоси бор. Коммуналарда ўзини-ўзи бошқариш органлари – муниципалитетлар 4 йил муддатга сайланиб, кенг ваколатларга эгадир.

Ижроия ҳокимият органи (Ландсстюре) оролнинг ички ҳаётига оид масалаларни ҳал этади.

**ГРЕЦИЯ (ГРЕЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Жанубий Шарқий Европада жойлашган Болқон ярим ороли ва унинг атрофидаги ороллардан ташкил топган давлат. Пойтахти Афина шаҳри.

Маъмурий ҳудудий бирлик 10 та областдан ташкил топган (областлар 51 номдан иборат). Муқаддас Афон тоғ райони муҳим маъмурий бирлик бўлиб ҳисобланади.

1975 йилнинг 7 июнида Конституция қабул қилиниб, у 11 июндан кучга киритилган.

XX асрда бўлиб ўтган ҳарбий тўнтаришлар натижасида давлат бошқарув шакли бир неча бор ўзгарган. 1952 ва 1968 йилларда қабул қилинган Конституцияларга кўра Грецияда давлат бошқарув шакли конституциявий монархия бўлган.

1967 йилнинг 21 апрелидаги давлат тўнтарилишидан сўнг Грецияда ҳарбий диктатура режими ўрнатилди. Ҳарбий диктатура 1973 йилни 1 июнида монархияни бекор қилиб, мамлакатда президент бошқарувидаги парламентар республика таъсис этилганини эълон қилди. Ички сиёсий курашлар, ташқаридан эса НАТОга аъзо мамлакатларининг таъсири натижасида 1974 йили ҳарбий диктатура ўз ўрнини фуқаролардан иборат ҳукуматга бўшатиб берди. 1974 йилнинг 8 декабрида ўтказилган референдумда кўпчилик аҳоли республика бошқарув шаклини ёқлаб овоз берди.

1975 йилда қабул қилинган Конституция ва 1986 йили унга киритилган ўзгартиришларга кўра давлат бошлиғи Президент бўлиб

хисобланади. У парламент томонидан, очик овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президент яна бир муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга. 1975 йилги Конституцияга кўра Президентнинг ваколатлари кенг бўлган. У Бош вазирни лавозимга тайинлаши, лавозимидан озод қилиш, парламентни тарқатиб юбориш, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга вето қўйиш, фавқулодда ҳолатларни эълон қилиш ҳуқуқига эга эди. 1986 йилги Конституцияга киритилган ўзгартиришларга кўра президентнинг ваколатлари чекланиб, бош вазирни лавозимидан озод қилиш ва қабул қилинадиган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи эса агар ҳукумат қаторасига икки маротаба истеъфoga чиқса ва бу мамлакатда сиёсий барқарорликдан дарак берса президент ушбу ҳуқуқини татбиқ қилиш имконига эга бўлар эди. Президентнинг референдум эълон қилиш ҳуқуқи ҳам чекланди. Фавқулодда ҳолатларни эълон қилиш ҳуқуқи парламентга берилди.

Қонунчилик ҳокимияти умумий бевосита сайловлар орқали 4 йил муддатга сайланадиган депутатлар палатаси томонидан амалга оширилади. Депутатлар сони 200 дан 300 тагача боради. Парламент сессиялари беш ойгача чўзилиши мумкин. Қонунларнинг бир қисми депутатлар томонидан ялпи йиғилишларда, қолган қисми секция йиғилишларида қабул қилинади.

Ижроия ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади, у парламентда кўпчилик овоз олган партия томонидан шакллантирилади. Бош вазир лавозимига сайловда кўп овоз олган партия раҳбари тайинланади. Ҳукумат давлатга содиқлиги ҳақида қасамёд қабул қилгандан сўнг ва ўз сиёсий дастурини эълон қилгандан кейин 15 кун ичида парламент олдига ишонч масаласини кўйиши шарт (унинг оқибатида парламент ҳукуматнинг обрўсига путур етганлиги ёки алоҳида вазирларга ишончсизлик билдириш ҳақида қарор қабул қилиши керак). Вазирлар – Вазирлар Кенгашини ташкил қилади. Ундан ташқари ҳукумат таркибида давлат котиблари лавозими мавжуд.

Олий суд (Ареопаг) 55 судьядан ташкил топиб, 6 палатадан иборат бўлади (4 палата фуқаролик ишлари бўйича 2 палата жиноий ишлар бўйича). Олий суд Прокурори назорат функциясини бажаради. Прокурор шунингдек судларда апелляцияон суд ва округ прокурорлари орқали айблов ишларини олиб боради. Олий суд асосан апелляцияон инстанция бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик ва жиноий ишларни биринчи инстанцияда 60 та округ судлари кўриб чиқади. 300 дан ортиқ маҳаллий ҳакам судлари асосий фуқаролик ишларини, қисман жиноий ишларни (унча хавфли бўлмаган жиноий ишларни) кўриб чиқади. Грецияда вояга етмаганларни ишини кўриб чиқувчи судлар ва черков судлари ҳам мавжуд.

Маъмурий юстиция тизимига Давлат кенгаши бошчилик қилади. У қонун бузилишига йўл қўйган маъмурий актларни бекор қилиш

хуқуқига эга. Шунингдек маъмурий ва солиқ судлари ҳам мавжуд бўлиб, улар чиқарган қарорлар бўйича давлат тегишлича шикоятлар бериши мумкин бўлади.

Молиявий суд ўз ваколатли доираси бўйича ишларни кўриб чиқиш билан бирга, давлат маблағларини харажат қилинишини назорат қилиш функциясини ҳам бажаради.

Конституциявий одил судлов функциясини, Конституция ва қонунларни шарҳлаш бўйича вужудга келадиган низоларни кўриб чиқадиган Олий суд бажаради. Уни таркиби Олий суд, Давлат кенгаши ва Молиявий суд судьялари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислардан иборат бўлади.

Яна Суд кенгаши мавжуд бўлиб, у мувофиқлаштирувчи (координацион) функцияни бажаради. Суд кенгашини тавсиясига биноан Президент черков судьяларидан ташқари барча судьяларни умрбод судьяликка тайинлайди. Черков судьяларини тайинлаш грек православ черкови юрисдикциясига киради.

**ГРУЗИЯ** – 1995 йил 24 августда қабул қилинган Конституцияга биноан мустақил, ягона бўлинмас давлат бўлиб, сиёсий тузилиш шаклига кўра демократик республика бўлиб ҳисобланади. Пойтахти Тбилиси шаҳри.

Грузия Конституциясига биноан бу давлат фуқароси бўлиш икки усул билан, яъни туғилишига кўра ва натурализация орқали амалга ошади. Икки фуқаролик таъқиқланади. Грузия фуқаросини фуқароликдан маҳрум қилинишига ва Грузиядан бадарға қилинишига йўл қўйилмайди.

Конституцияда ўзига хос шаклдаги ва мазмундаги инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги одатий нормалар мавжуд. Грузияда Халқ Ҳимоячиси институти ташкил этилган бўлиб, у Грузия парламенти томонидан беш йил муддатга сайланади ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини назорат қилиш билан шуғулланади.

Грузияда давлат ҳокимияти ҳокимиятларни тақсимланиши принципи асосида амалга оширилади (Грузия Конституциясини 5 моддаси).

Мамлакатнинг олий вакиллик органи бўлиб, Грузия парламенти ҳисобланади. У қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини асосий йўналишларини белгилаб беради, Конституцияда ўрнатилган доирада ҳукумат фаолиятини назорат қилади ва бошқа шу каби ваколатларни бажаради. Парламент умумий сайловлар асосида 4 йил муддатга сайланади ва 235 депутатдан иборат (150 депутат пропорционал ва 85 депутат мажоритар тизим асосида сайланади).

Грузия Конституциясининг 4-моддасида ёзилишича, Грузиянинг барча ҳудудларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши учун тўла шарт-шароит яратилгандан сўнг парламент икки палатадан Республика Кенгаши ва Сенатдан иборат бўлади. Респуб-

лика Кенгаши пропорционал тизимда сайланган депутатлардан иборат бўлади. Сенат аъзолари эса Абхазия, Аджария ва Грузиянинг бошқа шу каби ҳудудий бирликларидан сайланган, шунингдек Грузия Президенти томонидан тайинланган бешта сенатордан иборат бўлади (маълумки, Грузиянинг ички давлат тузилиши масаласи мураккаблигича қолмоқда).

Грузия Президенти грузия давлатининг бошлиғи ва ижроия ҳокимиятини раҳбари бўлиб ҳисобланади (Грузия Конституциянинг 69-моддаси). У Конституцияга асосан давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, мамлакатнинг ягоналигини таъминлайди, давлат органлари фаолиятини йўналтириб туради. Президент чет мамлакатлар билан ташқи сиёсат олиб боришда давлатнинг вакили бўлиб ҳисобланади; халқаро шартнома ва келишувларни тузади, чет эл давлатлари билан алоқаларни йўлга қўяди; Парламент розилигига кўра ҳукумат аъзолари-вазирларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; давлат бюджети лойиҳасини Парламентга тақдим қилади; Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ва ҳолатларда лавозимга тайинлайди ва озод қилади; Грузияга ҳужум уюштирилган тақдирда ҳарбий ҳолатни эълон қилади, шарт-шароитлар мавжуд бўлганда тинчлик сулҳини тузади ва 48 соат муддатдан кам бўлмаган муддатда ўз қарорини Парламентга тасдиқлаш учун тақдим этади; фавқулодда ҳолатларни эълон қилади; Парламент розилиги билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки маъмурий ҳудуд бирликларини, агарда уларнинг ҳаракати давлат суверенитетига, ҳудудий бирликка, давлат органларига ўз конституциявий ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилса, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тарқатиб юбориш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек у қонунларни имзолайди ва эълон қилади, Конституция ва қонунлар асосида фармонлар ва фармойишлар чиқаради, Парламентга сайловларни тайинлайди ва ҳоказо. Парламентни ёки 200 минг сайловчиларнинг талабига ёки ўз ташаббусига кўра Конституцияда белгиланган масалалар бўйича референдумлар ўтказишни тайинлайди.

Грузия Президенти умумий сайловлар асосида беш йилга, икки муддатдан ортиқ сайланмайди. Президент бўлиб 35 ёшга етган, Грузияда 15 йилдан кам яшамаган Грузия фуқароси сайланиши мумкин.

Президент давлатга хиёнат қилганда ёки бошқа жиноятларни содир этиб Конституция нормаларига хилоф иш тутса, Парламент томонидан ўз лавозимидан туширилиши мумкин. Конституция нормаларини бузилганлиги Конституциявий суд қарорида ўз аксини топган бўлиши, жиноят белгилари Олий суд ҳулосасида кўрсатилган бўлиши керак.

Президент қасамёд қабул қилгандан сўнг ҳукумат истеъфога чиқади. У икки ҳафта ичида ҳукуматни янги тартибни тузиб, Парламентга тақдим қилиши керак. Парламент уни ўз кўмиталарида муҳо-

кама қилгандан сўнг рўйхат таркиби бўйича тасдиқлайди. Президентнинг таклифига биноан Парламент ижроия ҳокимиятини тузилишини ва фаолият тартибини тасдиқлайди.

Грузияда суд ҳокимияти конституциявий назорат, одил судлов ва қонунларда кўрсатилган бошқа шакллар воситасида амалга оширилади. Грузияда Конституциявий Суд, Олий Суд, Прокуратура фаолият олиб боради.

Конституциявий Суд конституцион суд ишларини юритиш тартибида ўз фаолиятини олиб боради. Конституциявий Суднинг 9 аъзоси бор. Конституциявий суднинг 3 аъзосини Президент, 3 аъзосини Парламент ва 3 аъзосини Олий Суд тайинлайди. Судларнинг ваколат муддати 10 йил. Уларнинг иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас.

Конституциявий суд қонунларни, Президент томонидан чиқариладиган норматив актларни, Абхазия, Аджария олий ҳокимият органлари томонидан чиқарилган актларни Конституцияга мос келиши ёки келмаслигини кўриб чиқади, давлат органлари ўртасида вужудга келган низоларни ҳал этади; фуқароларнинг сиёсий бирлашмаларини фаолияти конституцияга зид келмаслигини назорат қилади; референдум ва сайловларни, халқаро шартнома ва келишувларни, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини конституциявий эканлиги масалаларини кўриб чиқади.

**ГУБЕРНАТОР** – давлат микиёсидаги олий ҳудудий бирлик бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахс.

1) Чор Россия даврида Губернатор подшо фармони билан тайинланадиган давлат маъмуриятининг мансабдор шахси, губерния бошлиғи, ҳукуматнинг, шунингдек Ички ишлар вазириликнинг вакили.

Губернатор марказий ҳокимиятнинг вакили сифатида қонунларни халққа ўқиб эшиттирган; губернияни бошқариш бўйича назоратни олиб борган; умумий тартиб, хавфсизлик ва фаровонлик манфаатларини кўзлаган ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни чиқарган. Ички ишлар вазириликнинг вакили сифатида барча маҳаллий полициянинг бошлиғи бўлган, жорий бошқарувга тегишли барча масалаларни ҳал этган, кўпгина йиғилишларда ва комитетларда раислик қилган (губернияда, ҳарбий қисмда ва ҳ.к.), шунингдек оталикка олинган кўмита ва йиғилишларда (черков руҳонийларини ҳуқуқини таъминлаш), дворянларни ҳуқуқларини таъминлаган ва дворянлар мажлисларини назорат қилган, кишлок ва волость бошқарувини, хорижликларни, жамоат жойлардаги тартибни, қонунга зид ҳаракатлар содир этилмаслигини назорат қилган ва ҳоказолар.

2) Ҳозирги Россияда Россия федерацияси субъектлари бўлган Санкт-Петербург шаҳрининг, автоном округлар, автоном областлар, областлар ва бир қатор ўлкаларининг ижроия ҳокимияти бошлиғи. Қоидага кўра, улар аҳоли томонидан 4 йил муддатга қаторасига икки муддатдан ортиқ сайланмайди. Лавозимига кўра Россия Федерацияси

Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг аъзоси бўлиб ҳисобланади; Россия Федерациясининг бошқа субъектлари ва чет эл давлат органлари билан ўзаро муносабатларида федерал даражадаги Россия Федерацияси субъектлари бўлиб ҳисобланади; Россия Федерацияси субъектларининг социал-маданий ва иктисодий хўжалик ривожланишида асосий раҳбарлик ваколатига эга бўладилар; субъектнинг ижроия ҳокимияти органи сифатида маъмурият ишларига раҳбарлик қилади. Губернатор Россия Федерацияси субъекти ҳудудини комплекс ривожланишини таъминлайди, шаҳар ва районларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади. Субъектнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органларида маслаҳат функцияси билан иштирок этади; субъектнинг қонун лойиҳаларини ушбу органда кўриб чиқиш учун киритади, субъектнинг қонунларини имзолайди ва эълон қилади, вето ҳуқуқига эга бўлади. Субъект ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий куч ва ҳаракатларни бирдамлигини сақлаш чораларини кўради, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлайди, жамоат тартибини кўриқлайди.

**ГУБЕРНИЯ** – чор Россиясидаги, шунингдек совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги маъмурий-ҳудудий бирлик.

XX аср бошларида Россияда 77 губерния мавжуд бўлиб, улардан 49 таси бевосита марказ томонидан бошқарилган, қолганлари генерал-губернаторлик ва ўлкалар таркибига киритилган.

Ҳозирги пайтда Россия федерациясидаги бир қатор ўлка ва областларнинг бошлиқлари губернаторлар деб номлансада, Россияда губерниялар мавжуд эмас.

**ГУВОҲ ИММУНИТЕТИ** – ҳар хил шарҳланадиган тушунча. **Г. и.** айрим шахсларни гувоҳ сифатида кўрсатма бериш мажбуриятидан, кўرғазма беришдан бош тортганлик учун жавобгарликдан озод қилишни назарда тутаяди.

**Г.и.** амал қилганда ҳеч бир шахс ўзига, умр йўлдошига, яқин қариндошларига қарши гувоҳлик кўрсатмаси беришга мажбур бўлмайди. **Г.и.га** асосан қуйидагилар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

– айбланувчини ҳимоячиси (ҳимоячи вазифасини бажариш жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар бўйича);

– ўзини жисмоний ёки руҳий ҳолати туфайли мавжуд ҳолатни тўғри англаш қобилиятига эга бўлмаган шахслар;

– ўзларини вакиллик мажбуриятини бажариш жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлари юзасидан адвокатлар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари. Дипломатик иммунитетга эга шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишнинг алоҳида қоидалари бўлиши мумкин.

Рухонийлар шахс ўз қилмишини баён қилганда маълум бўлган маълумотлар ҳақида, депутатлар депутатлик фаолиятини бажариш

мобайнида билган маълумотлари ҳақида, журналистлар олган маълумотлари ва уларнинг манбалари ҳақида, нотариуслар хизмат вазифасини бажариш жараёнида олган маълумотлари ҳақида, врачлар шахсининг соғлиғига оид маълумотлар ҳақида кўрсатма беришга мажбур эмас. Чунки, улар бу нарсаларни қонунга асосан сир сақлаши керак.

Нотўғри кўргазма берган гувоҳ суд ҳукм чиқаргунга қадар, берган кўргазмаси нотўғри эканлиги ҳақида ихтиёрий маълумот берса, жавобгарликдан озод этилади. **Г.и.** инсонпарварлик руҳига мос тушади.

**ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ** — халқаро ҳуқуқ учун характерли бўлган тушунча бўлиб (аниқроғи — «халқаро гуманитар ҳуқуқ») кўпгина давлатларнинг конституциявий ҳуқуқида ўз аксини топган.

Халқаро ҳуқуқда «халқаро гуманитар ҳуқуқ» тушунчаси пактларни, конвенцияларни, давлатларни кўп томонлама ва икки томонлама ҳужжатларини ўз ичига олади. Улар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини ва шу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни ўзига камраб олади.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳужжатлари қуйидагилардан ташкил топади: инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар (фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида, болалар ҳуқуқи тўғрисида, қочоқлар мақоми тўғрисида, геноцид, апартеид ва қийноқлар тўғрисидаги ҳуқуқ); қуролли можаролар даврида қўлланиладиган халқаро гуманитар ҳуқуқ (ҳарбий асирлар билан муомалада бўлиш, ярадорларни ҳимоялаш, у ёки бу қурол турларини қўллаш, маданий қадриятлар тақдири ва бошқалар); тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар учун жавобгарлик.

**ДАВЛАТ АВТОНОМИЯСИ** — тегишли давлатнинг давлат тузилиши элементлари бўлган автоном давлатлар ёки миллий-давлат тузилмалари кўринишидаги автоном тузилмаларнинг вужудга келтирилиши.

**ДАВЛАТ АППАРАТИ** — турлари ва даражаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда давлатнинг барча органлари мажмуи. **Д.а.** — бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тизимга бирлашган ва жамият олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этилган давлат органлар мажмуидан иборат. **Д.а.** қуйидаги белгилар билан тавсифланади: а) у бошқарув билан шуғулланувчи алоҳида одамлар гуруҳидир; б) давлат ҳокимиятини ташкил этишга ваколатли бўлган ва ўзаро бўйсунмиш (иерархия) асосида боғланган давлат органлари ва муассасалари тизимидир; в) ўз иродаси ва ваколатларини амалга ошириш учун унда зарур воситалар (маблағ) ва мажбурлаш қурол (механизм)лари мавжуд.

**Д.а.** давлат олдида турган вазифаларни (функцияларни) бажариш учун ташкил этилади. Ана шу вазифа ва функциялар давлат органларининг турлари ва табиатини белгилаб беради. Давлат аппарати маълакали, оқилона, камхарж ва самарали ишловчи бўлиб, жамият маънафатларига хизмат қилиши керак.

**Д.а (маъмурияти)** – барча давлат органлари, яъни конун чиқарувчи (вакиллик), ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мажмуи. **Д.а.ни** кенг изоҳлаш ҳам мумкин. Бунда ана шу тушунчага фақат давлат органларининг ўзи эмас, балки давлат муассасаларининг маъмурияти ҳам қамраб олинади.

**ДАВЛАТ БАНКИ** – қаранг. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.*

**ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ** – давлатнинг табиати (моҳияти) ва у асос қилиб олган кадриятлар ҳақида тасаввур берадиган узвий хусусиятлар. Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) ўзига хос оммавий ҳокимият – давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлов аппаратининг борлиги;

2) аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдиради;

3) суверенитет, яъни ички ва ташқи сиёсатни ўтказишда мустақил бўлиш;

4) ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар роя этидиган конунларни чиқаришга қодирлик;

5) аҳолидан давлат аппаратини саклаш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам беришга сарфланадиган солиқларни тўплаш;

6) умумий функцияларни (вазифаларни) бажариш, яъни ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш.

Давлат байроғи, герб ва гимн давлат рамзларидир.

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ** – бу ижтимоий бошқарувнинг бир тури бўлиб, жамиятни бошқаришдир. **Д.б.** жамият аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларини бир-бирига мослигини ва интизомини ҳам таъминлайди. Давлат бошқарувини давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти сифатида тавсифлаш мумкин. Шунингдек, **д.б.** ижроия ҳокимият идоралари томонидан давлат ҳаётининг муайян соҳаларига ва объектларига раҳбарликни амалга ошириш фаолиятидир.

**Д.б.** бу ташкил этувчи фаолиятдир. Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида ҳўжалик юритиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий сиёсий қурилиш соҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Бу мақсадда давлат бошқарув органлари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадилар, бошқариладиган тизимларнинг фаолият кўрсатиш билан боғлиқ умумий масалаларни ҳал қилдилар, бошқариш муносабатлари қатнашчиларининг фаолиятларини бирлаштирадилар ва мувофиқлаштирадилар.

**Д.б.** жамият турмушининг қандайдир алоҳида элементини эмас,



балки унинг барча соҳасини камраб олади. **Д.б.** марказлашган ёки *оператив* шаклда амалга оширилади.

Марказлашган раҳбарлик қилиш фаолиятни мувофиқлаштириш, унинг умумий йўналишини аниқлаш, умумий қоидаларини белгилашдир.

Оператив бошқарув органи ва объект ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа билан ифодаланади.

**Д.б.** принциплари – бу шундай бошқарувни амалга оширувчи энг мухим раҳбарий ғоядир.

**Д.б.** принциплари: демократизм, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устуңлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устувор таъминланиши, ижтимоий адолат ва қонунийлик, ошқоралик, коллегиялик ва яқкабошчиликнинг уйғунлиги ва б.

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИ** – илгари амал қилган концепцияга мувофиқ, вазифаси умумий бошқарувдан (масалан, ҳукумат, маҳаллий ҳокимлик) ёки иқтисодийётнинг муайян соҳалари, тармоқларини бошқаришдан (вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, бўлимлар, бошқармалар ва б.) иборат бўлган *давлат органлари* турларидан бири. Мазкур бошқарув амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш ҳамда тегишли соҳалар, тармоқлардаги ишларни бошқариш принципларида амалга оширилар эди. Шунинг учун **Д.б.о.** ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар деб ҳам аталарди.

Ҳозирги вақтда амалда бўлган концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг тури – ижро этувчи ҳокимият ҳисобланади. Бинобарин, **Д.б.о.** *ижро этувчи ҳокимият органи* демакдир.

**ДАВЛАТ БОШЛИГИ** – давлатнинг ўз ваколатларини ворислик (монарх – қирол, подшоҳ, император, шоҳ ва бошқалар) ёки сайлов (президент, республика бошлиғи, республика раиси) тартибида оладиган олий мансабдор шахси. Кўпинча ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Бир қанча мамлакатларда **Д.б.** – бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари устидан турувчи, уларнинг фаолиятини уюштирувчи ва мувофиқлаштирувчи шахс. Шунга қарамай, бундай **Д.б.** ҳар ҳолда кўпроқ ижро этувчи ҳокимият билан боғлиқ, у ҳукуматни тузади, бутун давлат аппарати (маъмурияти) фаолиятини йўналтириб боради. **Д.б.** мамлакат ичида ва ташқи алоқаларда давлат номидан иш қўради.

**Д.б.нинг** аъъанавий ваколатлари: ҳукумат раисини, ҳукуматнинг бошқа аъъозларини тайинлаш; ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш; бошқа бир қатор олий мансабдор шахсларни ва судьяларни тайинлаш ёки тайинлаш учун тақдим этиш; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш (ёки белгилаш); қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонунларни имзолаш, вето ҳуқуқи, қонунларни эълон қилиш; парламент ёки унинг палатаси

сайловини тайинлаш, муайян ҳолатларда уларни тарқатиб юбориш; референдум тайинлаш; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафили вазифаларини бажариш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, мукофотлаш, афв этиш ва ҳ.к; мамлакат Куролли Кучларининг Олий бош қўмондони вазифаларини амалга ошириш, куролли кучларнинг олий қўмондонларини тайинлаш ва алмаштириш; давлат хавфсизлиги масалаларини ҳал этиш ёки ҳал қилишда иштирок этиш, шу жумладан фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат эълон қилиш ва бошқалар.

Президентлик республикаларида бу ваколатлар **Д.б.га** жуда катта масъулият юклайди. Парламент республикаларида ҳамда конституциявий монархияларда – кўпинча вазият бошқача бўлиб, **Д.б.** тайёрланган қарорларни расмий жиҳатдан тасдиқлашига тўғри келади. Шунга қарамай, зарур ҳолларда, у ҳал қилинаётган масаланинг моҳиятига таъсир кўрсатади.

Қонда тарикасида, **Д.б.** – яқка шахс. Шундай бўлса ҳам жаҳон амалиётида давлат тепасида бир неча шахсдан таркиб топган орган (директория, триумвират ва бошқалар) турган ҳолларга мисоллар бор. Социалистик давлатларда, шу жумладан собиқ СССР ва ЎзССРда матбуотда «давлатнинг коллектив раҳбари» сўз бирикмаси учраб турган. Бунда СССР, ЎзССР Олий Кенгаши Раёсати, бир қатор мамлакатларда эса Давлат кенгаши, Республика раёсати назарда тутилган ва ҳ.к. Сўзни бундай ишлатишдан кўзланган мақсад бошқа мамлакатларда яқка бир шахс – **Д.б.** томонидан амалга оширилган ваколатлар бу ерда коллектив органга тегишлилигини кўрсатишдан иборат бўлган. Шунга айтиш керакки, на СССР Конституциясида, на, тегишлича, ЎзССР Конституциясида Олий Кенгаш Раёсатига нисбатан уни **Д.б.** сифатида таърифлаш қўлланилмаган.

ЎзРнинг амалдаги Конституциясига мувофиқ, *Ўзбекистон Республикаси Президент*и Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

**ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ** – хўжалик алоқаларини давлат томонидан бевосита бошқариш шакли. **Д.б.ни** бажариш учун шартномалар давлат контракт тизими органлари, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тузиладиган шартномаларга нисбатан асосий ўрин тутадиган шартномалар сифатида тайёрловчи корхоналар томонидан тузилади. Асосий шартномаларда товар етказиб боришнинг йириклаштирилган номенклатураси ва ҳажми, уларни олувчилар, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва мажбуриятларни бажармаганлик учун жазо чоралари, шунингдек, шартномавий нархлар ва уларни шартномани бажариш давомида тўғрилаш шартлари белгиланади. **Д.б.нинг** ишлаб чиқарувчи учун фойдалилиги қуйидагилар билан таъминланади: 1) шартномавий нарх; 2) давлат буюртмалари бош шартномада белгиланган миқдорда жойлаштириладиган маҳсулот номенклатураси

доирасидаги моддий ресурслар; 3) фойдадан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ** – давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятларини, шунингдек давлат ва ҳуқуқнинг алоҳида ижтимоий-иқтисодий тузумлар ва цивилизациялар доирасида фаолият кўрсатувчи ҳар хил типлари юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи ижтимоий-сиёсий фан ва таълим соҳаси.

**Д. ва ҳ.н.нинг** предметини ташкил этувчи муайян масалалар доираси мунтазам ўзгариб келган. Чунончи, илгари **Д. ва ҳ.н.** курси доирасида «пролетариат диктатураси давлати», «умумхалқ» давлати ва ҳуқуқи, «давлат – тунги қўриқчи» ва бошқа шунга ўхшаш «долзарб» ходисалар ва тушунчаларга алоҳида эътибор берилган. Эндиликда мазкур назариялар ва ғоялар ўрнига «ҳуқуқий давлат», «ижтимоий давлат» концепциялари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг табиий-ҳуқуқий назариялари илгари сурилмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ ходисаларига расмий қарашларни акс эттирувчи Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бориши, унинг сиёсати фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга йўналтирилганлигига урғу берилиши бежиз эмас.

**Д. ва ҳ.н.** предметининг асослари – давлат ва ҳуқуқнинг юзага келиши, ривожланиши ва фаолиятининг умумий қонуниятлари фан ва таълим соҳасининг ўзаги сифатида ўзгармасдан сақланиб келмоқда.

Бошқа фанлар қатори, **Д. ва ҳ.н.** ҳам унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатувчи маълум функцияларни: билиш, янги билимларни кашф этиш ва ходисаларни таърифлаш, тафаккур жараёнларини ўрганиш ва прогноз қилиш функцияларини бажаради.

**ДАВЛАТ ВАЗИРИ** – баъзи давлатларда ҳукумат аъзоси лавозимининг расмий номи.

Айрим ҳолларда, бирон-бир бошқарув соҳасига бошчилик қилмайдиган, балки муайян масала ёки муаммо билан шуғулланадиган шахс **Д.в.** деб аталади. Одатда бундай шахсни *лавозимсиз вазир* деб атайдилар.

**ДАВЛАТ ДУМАСИ** – Россия Федерацияси қонун чиқарувчи идорасининг қуйи палатаси. 1994 йилги Давлат Думасининг Регламентида мувофиқ қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш усулларида бири. Бу Регламентга кўра асосий қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи қуйидаги шаклда амалга оширилади: қонун лойиҳалари ва қонун лойиҳаларига ўзгартириш киритиш; янги Конституциявий федерал ва федерал қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун қонун чиқариш таклифини бериш; амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш ёки бу қонунлар ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги қонун лойиҳалари; РФ Конституцияси қонунларига ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики қонун чиқариш таклифи тайёр қонун лойиҳаси текстини тақдим қилиш билан боғлиқ эмас экан. Бу кенг оммага тушунарли қилиб айтганда – келажакда қабул қилинадиган қонуннинг модели, ғояси, концепциясидир.

1998 йилги Давлат Думаси Регламентида қонун чиқариш таклифи кўзда тутилмаган. Қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи Давлат Думасига қонун лойиҳалари ва қонун лойиҳаларига ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат Думасида қонун чиқариш жараёнининг қуйидаги босқичлари амалга оширилади.

1) Давлат Думасига киритилган қонун лойиҳаси Давлат Думасининг Кенгашига тушади. Келиб тушган қонун лойиҳалари Давлат Думасида қайдан ўтказилади. Думада кўриб чиқиладиган қонун лойиҳаси Давлат Думаси Кенгаши томонидан палаталар комитетининг бирига юборилади ва бу палата қонун лойиҳаси бўйича маъсул бўлиб тайинланади. Давлат Думаси Кенгаши қонун лойиҳасини Давлат Думасининг навбатдаги сессияси қонун лойиҳаси ишлари тахминий дастурга киритиш ҳақида қарор қабул қилади ёки Давлат Думасининг кейинги ойида бўладиган сессиядаги масалалар қаторига қўшиб қўяди. Бир вақтнинг ўзида қонун лойиҳаси Давлат Думасининг комитетларига, комиссиялари ва депутатлар бирлашмаларига, РФ Президентига, Федерация Кенгашига, РФ ҳукуматига, РФ Конституциявий судига, РФ Олий судига, РФ Олий Арбитраж судига, агар уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўлса, ўз фикр ва таклифларини, танбеҳларини тайёрлаб тақдим қилишлари учун юборилади. РФ ва РФ субъектлари масалаларига бағишланган қонун лойиҳалари РФ субъектларининг қонун чиқарувчи (вакиллик) ҳокимият органларига ўз таклифларини, фикрларини билдириш учун юборилади.

Давлат Думаси Кенгаши қонун лойиҳасини тайёрлаш учун муддат белгилаб қўйиши мумкин. Агар битта масала юзасидан бир неча қонун лойиҳаси мавжуд бўлса, улар комитет томонидан бир вақтнинг ўзида кўриб чиқилади. Аммо Давлат Думаси Кенгаши келиб тушган қонун лойиҳаларини Давлат Думаси кун тартибига қўйиб бўлгандан сўнг янги қонун лойиҳалари яна ўша масала бўйича келиб тушса, бу қонун лойиҳалари қараб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Маъсул комитетнинг қарорига кўра қонун лойиҳаси илмий экспертизадан ўтказилиши учун вазирларга, идораларга ёки бошқа давлат органларига, шунингдек жамоат органларига юборилади. Давлат Думаси Аппаратининг ҳуқуқий бошқармаси Давлат Думаси кенгашининг топшириғига кўра ёки Давлат Думаси маъсул комитетига кўрсатмасига асосан, қонун лойиҳасини ҳуқуқий ва лингвистик экспертиза-

сини амалга оширади, шунингдек бу қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан қонун чиқариш ташаббусига эга ҳуқуқ субъектларини бекор қилиш, ўзгартириш киритиш ёки қўшимчалар киритиш зарур бўладиган федерал қонунчилик актлари рўйхатини текшириб чиқади.

Давлат Думасида кўриб чиқиш учун тайёрланган қонун лойиҳаси ва унга доир материаллар масъул комитет томонидан Давлат Думаси кўриб чиқишга киритилиши учун Давлат Думаси Кенгашига юборилади.

2) Давлат Думаси Кенгаш тақдим этган қонун лойиҳасини Давлат Думасида кўриб чиқиши керак бўлади. Давлат Думаси Регламентида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун махсус қарор қабул қилиниши керак деган сўз йўқ. Бу нарса қонун лойиҳасини қонун тартибига киритиб тасдиқлаш керак, деган пунктда кўрсатиб ўтилган.

Думада қонун лойиҳасини кўриб чиқиш агар амалдаги қонунчилик ёки регламентда бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса уч ўқишда амалга оширилади «Ўқиш» – махсус термин бўлиб, парламентда қонун лойиҳасини кўриб чиқиш босқичини белгилаб, бу босқичдаги қонунчилик тартибида қатнашувчиларнинг ҳаракати йиғиндисини ташкил этади.

Қонун лойиҳасини биринчи ўқиб чиқиш пайтида, унинг концепцияси муҳокама қилинади, лойиҳа РФ Конституциясининг асосий қонунларига мослигига баҳо берилади, унинг дозарблиги ва амалий аҳамияти муҳокама қилинади. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш қонун ташаббускорининг доклади ва Давлат Думаси масъул комитетининг қўшимча доклади билан бошланади.

РФ Президенти, РФ ҳукумати, РФ субъектлари, Олий федерал судлар томонидан тақдим этилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш қонун лойиҳасини тақдим этган орган вакилларининг бундай қонуннинг зарурлигини асослаб беришидан бошланиб, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш даврида айtilган таклиф ва фикр мулоҳазалар тахлилига ҳулоса қилиш билан якунланади.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқишда фракцияларнинг, депутат гуруҳларининг, Давлат Думаси депутатларининг, палатадаги РФ президентининг, РФ ҳукуматининг вакилларининг, РФ субъектлари ва муҳокамада қатнашиш учун таклиф этилган бошқа иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари эшитилади. Федерал бюджет томонидан қопланадиган харажатларни кўзда тутувчи қонун лойиҳаларини кўриб чиқишда РФ ҳукуматининг ҳулосаси албатта эшитиб чиқилиши керак бўлади.

Давлат Думаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиб, натижада қуйидаги қарорга келиши мумкин: қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш ва айтиб ўтилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар

бўйича ишлашни довом этириш; конун лойиҳасини рад қилиш; федерал конун қабул қилиш (Ф.К.).

Давлат Думаси конун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилган ҳолларда, конун лойиҳасига тузатишлар киритиш бўйича муддатни белгилаб, уни иккинчи ўқишга тақдим қилиши керак бўлади. Давлат Думаси биринчи ўқишда қабул қилинган конун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси ўтказиш учун қарор қабул қилиниши мумкин. Биринчи ўқишда қабул қилинган конун лойиҳаси беш кун мобайнида конунчилик ташаббуси ҳукуки субъектига жўнатилади.

Бир масала юзасидан биттадан қўп конун лойиҳаси қабул қилинган бўлса Давлат Думаси уларни биринчи ўқишда бир вақтнинг ўзида кўриб чиқади ва улардан қайси бири асос қилиб олинishi ҳақида қарор қабул қилади (рейтинг бўйича овоз бериш йўли билан), бошқа конун лойиҳалари рад этилади. Рад этилган конун лойиҳалари, биринчи ўқишда қабул қилинган конун лойиҳалари бўйича ҳал этувчи қарор чиқарилмагунча Давлат Думасига қайта тақдим этилиши мумкин эмас.

Тамойилга кўра, федерал конунлар Дума томонидан биринчи ўқишда қабул қилингандан сўнг (бошқача айтганда, маъқулангандан сўнг) Давлат Думасининг маълум бир комитети томонидан тузатишлар конун лойиҳаси моддасига муайян ўзгартириш, қўшимчалар кўринишида ёки конун лойиҳасидаги муайян моддани, қисмини ва бандини олиб ташлаш таклифи тарзида бўлади. Масъул комитет тузатишларни ўрганиб чиқади ва конунлаштиради. Моддалар бўйича гуруҳлантирилган конун лойиҳасидаги тузатишлар комитет мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлади, комитет бу тузатишларни конун лойиҳасига киритишга рози бўлиши ёки Давлат Думасига бу тузатишларни рад этиш ҳақида тавсияларни тақдим этиши мумкин. Комитет томонидан қайта ишланган конун лойиҳаси кўриб чиқилгандан сўнг, уни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Думанинг масалалар кўриб чиқадиган календарига кириши бўйича Давлат Думаси кенгашига тақдим этилади.

Комитет топшириғи бўйича ва конун лойиҳаси текстига мос равишда Давлат Думаси Аппаратининг ҳукукий бошқармаси конун лойиҳаси бўйича ҳукукий ва лингвистик экспертиза ўтказилади.

Давлат Думаси Кенгаши конун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Давлат Думаси масалалар календарига киритиш тўғрисида, материалларни депутатларга юбориш тўғрисидаги қарорни қабул қилади ва масъул комитетдан бир вакилни конун лойиҳаси бўйича докладчи қилиб белгилайди. Иккинчи ўқиш учун тайёр бўлган конун лойиҳаси қўшимча материаллар билан бирга РФ Президентига, РФ ҳукуматига, Федерация кенгашига, конун лойиҳаси ташаббусчиларига юборилади.

Конун лойиҳасининг иккинчи бор ўқилиши Давлат Думаси масъул комитети вакилининг докладидан бошланади. Ундан сўнг Президент вакили, конун лойиҳаси ташаббускорининг вакили, РФ Ҳукума-

тининг вакили доклад қилади. Раислик қилувчи мажлисга таклиф қилинган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларининг вакилларидан, фракциялар, депутатлар гуруҳлари, депутатлардан масъул комитет томонидан тавсия этилган қонун лойиҳасига киритилган тузатишлар бўйича қаршилар бор-йўқлигини аниқлайди. Агар бундай қаршилар бор бўлса, қаршилик билдирувчиларга ўз сўзларини асослаш учун уч минутгача сўзга чиқишга рухсат берилади. Доклад қилувчи уларнинг эътирозларига ўз жавобини беради, Шундан сўнг Давлат Думасида бу тузатишларни маъқуллаш ёки рад этиш бўйича овоз бериш ўтказилади.

Шундан сўнг, худди шундай тартибда Давлат Думаси масъул комитет томонидан рад этилган тузатишларни, шунингдек комитет томонидан ҳеч қандай қарор қабул қилинмаган тузатишларни кўриб чиқади. Тузатишлар бўйича овоз бериш тамом бўлгандан сўнг, раислик қилувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиш тўғрисидаги таклифни овозга қўяди. Овоз бериш бўйича берилган таклиф зарур овозни тўплай олмаса (депутатлар палатаси умумий сонидан кўпчилиги бўлиши керак, яъни 226 овозни олиш керак) қонун лойиҳаси қайтадан кўриб чиқилиши учун масъул комитетга қайтарилади.

Қайта ишланган қонун лойиҳаси иккинчи марта иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Раислик қилувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиш тўғрисидаги таклифни овозга қўяди. Агар таклиф зарур бўлган овозни йиғиб ололмаса, қонун лойиҳаси рад этилган бўлади ва муҳокама қилинишдан олиб ташланади.

Иккинчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаси масъул комитетга мавжуд ички зиддиятларни тугатиш учун иккинчи ўқишда қонун лойиҳаси текстига киритилган ўзгартириш ва моддалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш учун юборилади. Бу ишлар амалга оширилиб бўлгандан сўнг қонун лойиҳаси масъул комитет томонидан Давлат Думаси Кенгаши лойиҳани Давлат Думасини иш тартибига киритиш учун тақдим этади.

Давлат Думаси Кенгаши қонун лойиҳасини қонун сифатида қабул қилиш учун учинчи ўқишни тайинлайди. Давлат Думаси регламентининг 125-моддасига асосан учинчи ўқишда қонун лойиҳасига тузатишлар киритиш ва уни алоҳида модда, боб, бўлимлар бўйича муҳокама учун қайтаришга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолатларда Давлат Думаси депутатларнинг кўпчилигини ташкил этувчи депутатлар бирлашмасининг талабига мувофиқ, раислик қилувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда мавжуд бўладиган тартибга қайтаришни овозга қўйиши мумкин.

РФ Конституциясига мувофиқ федерал қонунлар Давлат Думаси томонидан депутатлар палатасининг умумий сонидан келиб чиқиб (450 тадан) қабул қилинади. Яъни депутатлар кўпчилигининг овозини олган федерал қонун қабул қилинган ҳисобланади. Федерал конс-

титущиявий конун Давлат Думаси депутатларининг учдан икки кисми маъқулласагина, қабул қилинган ҳисобланади.

3) Давлат Думаси томонидан қабул қилинган федерал конун беш кун ичида Федерация кенгашига юборилади. РФ Конституцияси 105-моддасининг 4-қисмида қуйидагича ёзиб қўйилган «Агар ФК депутатларнинг ярмидан кўпи Федерал конун учун овоз берсалар ёки ФК томонидан 14 кун мобайнида кўриб чиқилмаса бу конун маъқулланган ҳисобланади. Агар федерал конун рад этилса ФК палатаси мавжуд зиддиятларни бартараф этиш учун келиштирув комиссиясини тузади, шундан сўнг федерал конун Давлат Думасида қайтадан кўриб чиқилади. 105-модданинг 5-қисмига кўра Давлат Думаси Федерал кенгаш қароридан норози бўлган тақдирда, у овозга қўйилади ва Давлат Думаси депутатларининг учдан икки кисми ёқлаб овоз берсалар, конун қабул қилинган ҳисобланади. Россия Федерацияси Конституциясининг 106-моддасига асосан қуйидаги масалалар бўйича Давлат Думасида қабул қилинадиган Федерал конунлар ФКда албатта кўриб чиқилиши керак: а) федерал бюджет тўғрисидаги; б) федерал солиқ ва тушумлар; в) молия, валюта, кредит, божхона орқали тартибга солинадиган пул эмиссиялари; г) РФ халқаро шартномаларини ратификация ва денонация қилиш; д) РФ давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва миллий хавфсизлик масалалари; е) уруш ва тинчлик масалалари.

1996 йилги Федерация Кенгаши Регламентига асосан Давлат Думаси ФКга келиб тушгач федерал конун рўйхатидан ўтказилади ва 48 соат ичида иловалар билан ФК аъзоларига тарқатилади. Конституцияда ўрнатилган 14 кунлик муддат ФК Регламенти бўйича қайд қилинган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади. Бу қоида бўйича ФК РФ Конституциявий судига (РФКС) мурожаат қилиб РФ Конституциянинг 106-моддаси ва 105-моддаси 4-қисмига кўра шархлаш тўғрисида сўровнома юборади.

1995 йилнинг 23 мартадаги РФКнинг қарори бўйича ФК томонидан федерал конунларни кўриб чиқиш Давлат Думасида ФКга келиб тушгандан сўнг 14 кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Агар ФК 14 кун ичида федерал конунларни кўриб чиқолмаса, у маъқулланмаган бўлиб ҳисобланади ва уни кўриб чиқиш, уни рад этиш ёки маъқуллаш ҳақидаги қарор чиқилгунча ФК мажлисларида кўриб чиқиш давом этаверади.

Давлат Думаси томонидан қабул қилинган федерал конун ФКга келиб тушиб қайд қилингандан сўнг ФК раиси конун бўйича хулоса тайёрлашга масъул бўлган палата комитетини аниқлайди ва конун ана шу комитетга юборади. ФК раиси Федерал конунга хулосалар тайёрлашни бир неча комитетга топшириб, улардан бирини бош комитет қилиб тайинлаши ҳам мумкин.

Хулоса тайёрлаш топширилган комитет федерал конунни кўриб чиқади ва хулосани тайёрлайди. Комитет ўз хулосасида биринчи гал-



да мазкур федерал қонун РФ Конституциясининг 106-моддасига мувофиқ ва ФК Регламентига кўра ФКда кўрилиши шартми ёки йўқми, шуни аниқлайди. Агар комитет федерал қонун ФКда кўриб чиқилиши шарт эмас деб ҳисобласа, қонун бўйича ўз баҳосини беради ҳамда қуйидаги қарорни чиқаради: а) федерал қонунни маъқуллаш ва уни палата кўриб чиқиш учун киритмаслик б) федерал қонунни ўз мажлисида кўриб чиқиш учун ФКга тавсия бериш. Бунда биринчи тавсия федерал қонунни ҳеч қандай ўзгартиришсиз ва қўшимчаларсиз маъқуллаш мумкин бўлган ҳолатда амалга оширилади. Иккинчи тавсия эса федерал қонунни рад этиш ёки унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурияти бўлганда амалга оширилади. Бундай қарорга келиш асосланган бўлиши керак.

ФК албатта кўриб чиқилиши шарт бўлган федерал қонунлар бўйича комитет қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли: а) ФКга федерал қонунларни маъқуллаш учун тавсия бериш; б) ФКга федерал қонунларни рад этиш учун тавсия бериш, бунда рад этилишини асослаб хулоса бериш керак.

Комитет федерал қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур деб ҳисоблаган ҳар бир ҳолатда, уларнинг лойиҳасини тақдим этиш керак.

Комитетларнинг хулосалари ФК Раиси томонидан кўриб чиқилади. ФКда кўриб чиқилиши шарт бўлмаган қонунларга нисбатан комитет федерал қонунларни маъқуллаш ва палатада кўриб чиқишга киритмаган бўлса, ФК Раиси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: а) комитет қарорига қўшилиш ва қонунни кўриб чиқиш учун киритмаслик; б) комитет хулосасини рад этиш ва қонунни ФК мажлиси кун тартибига киритиш.

ФК Раиси ФК мажлиси кун тартибига Федерал конституциявий қонунларни киритмаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳақли эмас. Бундан ташқари ФК Раиси қуйидаги ҳолатларда ҳам бундай қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас: а) агар федерал қонунлар РФ Конституциясининг 106-моддасига мувофиқ ФКда кўриб чиқилиши шарт бўлса; б) агар РФ Президенти, РФ Ҳукумати ёки РФ субъектларидан бири бўлган ФКнинг икки аъзоси федерал қонунларни палатада кўриб чиқишни талаб қилса ва федерал қонунни кўриб чиқиш 14 кунлик муддати ўтмаган бўлса; в) агар комитетнинг (комитетларнинг) хулосасида федерал қонунларни кўриб чиқиш тавсия қилинган бўлса ва 14 кунлик муддат ўтиб кетган бўлса.

Федерал қонунларнинг муҳокамаси натижаси бўйича ФК қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: а) Давлат Думаси томонидан қабул қилинган федерал қонунни маъқуллаш; б) қабул қилинган қонунни рад этиш:

ФК аъзоларидан (178 аъзонинг ярмидан кўпи) кўпчилиги федерал қонунни маъқуллаб овоз бермасалар, бу қонун рад этилган ҳисоб-

ланади. Қонунни рад этиш қўйидаги қарорлардан бири асосида расмийлаштирилиши керак: қонунни бутунлигича рад этиш; қонунни баъзи бир бандлар, моддалари, боблари, алоҳида қоидалари тўғри келмаганлиги учун рад этиш. Палата қарорида бу қоидалар алоҳида кўриб чиқилган бўлиши керак. Федерал қонун рад этиш тўғрисидаги қарорда ФКнинг асосланган хулосаси бўлиши, шунингдек келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклиф бўлиши керак.

Федерал қонунни кўриб чиқиш натижаси бўйича ФКнинг маъқуллаш ёки рад этиш қарори тексти беш кун муддат ичида Давлат Думасига юборилади. Агар федерал қонун ФК томонидан маъқулланган бўлса, қонун тексти, ФК қарори қабул қилингандан беш кун ичида ФК Раиси томонидан РФ Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади. Агар федерал қонун ФКда кўриб чиқилиши шарт бўлмаса ва 14 кун ичида палата томонидан кўриб чиқилмаган бўлса, ФК Раисига келиб тушгандан сўнг 15-кун ФК Раиси томонидан РФ Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

4) Федерация кенгаши томонидан федерал қонун рад этилган тақдирда Думада бир қанча имкониятлар мавжуд бўлади:

– қонунни ҳеч бир ўзгаришсиз эски тахрирда қабул қилиш, бунинг учун депутатларнинг 3/2 қисмининг овози зарур бўлади (РФ Конституциясининг 105-моддаси 5-қисми);

– қонун ФК томонидан кўриб чиқилган вариантдан фарқ қилган тақдирда қабул қилиш, бундай ҳолатда федерал қонун ФК томонидан қайтадан қабул қилинган бўлиб ҳисобланади, яъни бундай қонун Давлат Думаси томонидан умумий депутатлар сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинган бўлади ва ФК юқорида кўрсатилган тартибда янгитдан муҳокама қилади;

– қонунни ФК таклиф қилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан қабул қилиш. Агар бу қўшимча ва ўзгартиришлар Дума томонидан (ҳар бир вергулигача) ҳисобга олинган бўлса, кўпчилик овоз билан қабул қилинади, шундан сўнг ФК қонунни маъқуллаш учун овозга қўяди ва ФК раиси томонидан РФ Президентига юборилади.

Федерал қонун ФК томонидан рад этилган ҳолатда Давлат Думаси Кенгаши томонидан масъул комитетга қайтарилади, улар ФКнинг этирозларини кўриб чиқади ва ўз хулосасини беради, келиб чиққан низолар бўйича ўз таклифларини палатага кўриб чиқишга беради.

Низоларнинг олдини олиш учун ҳар икки палата ташаббусига кўра келишув комиссиялари (КК) тузилиши мумкин. Ҳар бир палата келишув комиссиясини (КК) тузиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади, унинг таркибига депутатларни, шунингдек комиссия раисини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Келишув комиссияси (КК) ФКнинг ҳар бир этирозларини алоҳида кўриб чиқади, шу орқали федерал қонун текстига ягона бўлган қоидаларни ишлаб чиқади.

Келишув комиссияси (КК) қарори ҳар бир палата комиссияси

аъзолари томонидан алоҳида чиқарилади. Ҳар бир палатадан келишув комиссияси аъзоларининг кўпчилиги қарор учун ўз овозларини берса, қарор қабул қилинган бўлиб ҳисобланади.

Давлат Думаси келишув комиссиясининг ҳар бир таклифи бўйича палатадаги депутатларнинг кўпчилиги овози билан ўз қарорини қабул қилади. Келишув комиссиясининг таклифи ҳисобга олинган таҳрирдаги Давлат Думаси томонидан маъқулланган федерал қонун ФКга жўнатилади.

Агар ФК томонидан рад этилган қайта кўриб чиқилган федерал қонунга, Давлат Думаси ўз розилигини бермаса, у эски таҳрирда овозга қўйилади. Бундай ҳолларда Давлат Думаси депутатлар сонининг 3/2 қисми овози керак бўлади.

5) Федерал қонуннинг РФ Президенти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши. РФ Конституциясига асосан (107-модда) қабул қилинган федерал қонун РФ Перзиденти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши учун унга юборилади. Перзидент 14 кун ичида уни имзолаши ва эълон қилиши керак. Агар Президент федерал қонунни келиб тушгандан сўнг 14 кун ичида уни рад этса, Давлат Думаси ва Федерал Кенгаш ўрнатилган тартибда бу қонунни яна қайтадан кўриб чиқади. Агар қайта кўриб чиқиш пайтида федерал қонун эски таҳрирда Давлат думаси ва Федерал Кенгашнинг учдан бир қисми депутатлари уни маъқулласалар, бу қонун Президент томонидан етти кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Бундай ҳолларда қуйидаги вариантлардан бири бўлиши мумкин:

– ҳар бир палата илгари қабул қилинган текстга ҳеч бир ўзгариш киритмасликни талаб қилади. Бундай ҳолатда депутатларнинг 3/2 қисми овози талаб этилади, аммо палаталардан бирида бундай натижага эришилмаса, қонун қабул қилинмаган ҳисобланади;

– палаталар қонун текстини ўзгартириш бўйича Президент таклифини қабул қилади. Бунда ҳар бир палатада депутатлар овозининг кўпчилиги етарли бўлади;

– агар Давлат Думаси Президентнинг ветосини депутатларнинг 3/2 қисм овози билан рад қилса, Федерал Кенгаш РФ Президентининг қонунга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифини депутатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилган тақдирда ҳам, қонун қабул қилинмаган ҳисобланади ёки Давлат Думаси Президент таклифини қабул қилиб, Федерал Кенгаш ветони учдан икки қисм депутатлари билан рад этса ҳам қонун қабул қилинмайди;

– агар Президент қонунни қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламаса ва палатадан бири у билан рози бўлса, қонун қабул қилинмаган деб ҳисобланади;

– палаталардан бири қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, қонун чиқариш жараёни Давлат Думасидан бошланади.

Президент томонидан федерал қонун имзолангандан сўнг, уни эълон қилиш керак бўлади. «Федерал мажлис палаталарининг актлари, федерал конституциявий қонунлар, федерал қонунларни эълон қилиш ва уларни қучга киритиш тартиби тўғрисида»ги федерал қонунга асосан, бу қонун 1994 йилнинг 25 майдан қучга кирган бўлиб, унга кўра федерал конституциявий қонунлар, федерал қонунлар, Президент томонидан ишлангандан сўнг 7 кун ичида расмий равишда эълон қилинади. Қонунни расмий эълон қилиш, унинг тўлиқ тексти «Россия газетаси» ёки «Россия Федерацияси қонунчилик мажлиси»да эълон қилингандан сўнг ҳисобланади.

Бундан ташқари, федерал конституциявий қонун, федерал қонунлар бошқа матбуотларда, телевидение, радио орқали эълон қилиниши, керакли давлат органлари, мансабдор шахслар, корхона, ташкилот, муассасаларга тарқалиши алоқа воситалари орқали юборилиши, машинкада териб юборилиши мумкин. Қонунлар алоҳида нашр бўлиб ҳам чиқарилиши мумкин. РФ субъектлари ўз қонунлари учун худди шундай қоидаларни кўзда тутиши мумкин.

Федерал Конституциявий қонунлар федерал қонунлар РФ худудида, бир вақтнинг ўзида расмий эълон қилинган қонундан бошлаб ўн кун ичида қучга кириши мумкин. Агар қонунларда бошқача тартиб кўзда тутилган бўлса, бу қонунда ўз аксини топади.

Қонунчилик – ҳуқуқий тушунча бўлиб, тор ва кенг маънода ишлатилади. Қонунчилик тор маънода – бу давлат қонунларининг йиғиндиси. Кенг маънода қонунчилик – бу нафақат қонунлар йиғиндиси бўлиб, унга парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар, уларнинг вакиллари томонидан қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий актлар ҳам қиради; федератив давлатларда, федерация ва унинг субъектларини давлат ҳокимият органлари ва уларнинг ваколатларини тартибга солиб турувчи, масалалари бўйича тузилган шартномалари ҳам қиради.

РФда қонунчиликка кенг маънода ёндашилганда давлатнинг барча федерал норматив ҳуқуқий базаси, жумладан РФ Конституциявий судининг раҳбарий кўрсатмалари қиради.

Қонунга итоаткорлик – юридик шахс ва фуқароларнинг ўз ҳаёти ва фаолияти давомида норматив-ҳуқуқий актларнинг талабларини бажариб юришидир.

Қонун лойиҳаси – қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қонунни парламентда кўриб чиқиб қабул қилиш учун ёзилган ёзма тексти. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган субъект давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар томонидан тақдим этилган қонун лойиҳалари, қонун чиқариш ҳуқуқига эга субъектларга берилиб, улар томонидан парламент қонун тартибига киритилиши мумкин (қаранг: қонун чиқариш жараёни).

Қонун лойиҳаси ишлари – давлатнинг парламент томонидан қабул

килиниши лозим бўлган, қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича олиб бориладиган фаолият. Қонун лойиҳаси ишлари парламентнинг қўмита ва комиссиялари, давлат бошлиғи аппарати (маъмурияти), ҳукумат, вазирликлар ва идоралар томонидан олиб борилади. Қонун лойиҳаси ишларининг координатори бўлиб, одатда парламент ҳисобланади.

«Қонун лойиҳаси ишлари» кенг миқёсда фойдаланилганда – нафақат қонунлар тайёрлаш жараёни, балки барча соҳалар бўйича чиқариладиган актлар жумладан давлат бошлиғи, ҳукумат, вазирлик ва идораларнинг актларини тайёрлаш жараёни ҳам кириди. Бундай ҳолатда координаторлик функцияси давлат бошлиғи қўлида бўлади.

**ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ** – бир давлатни бошқа давлатни судга жавобгар сифатида (давлатни ўзи бунга розилик берган ҳолдан ташқари) тортиш мумкин эмаслиги. **Д.и.** давлатга ва унинг мулкига тадбик этилади. Давлат мулки мажбурий олиш (эгаллаш), арест ва бошқа чора кўриш объекти бўлиши мумкин эмас. Бундай чоралар фақат тегишли давлатнинг розилиги билан қўлланилиши мумкин. Давлат, қарори мулкӣ масалалар тааллуқли бўладиган халқаро суд тузилишига розилик бериши мумкин. Лекин бундай суд қарорларини бажариши давлатларнинг ўзи таъминлайди.

Давлат уруш чиқарган бўлса, унинг фикри хал қилувчи роль ўйнамаслиги мумкин. Айрим ҳолларда эътиборга ҳам олинishi мумкин. Урушда ғалаба қилган давлат ХХ асрнинг бошларигача контрибуция (ғолиб ҳақи), кейинчалик репарация (унга етказилган моддий зарарни қоплаш) олиши мумкин бўлган. Бу масалалар ғолиб давлатлар билан келишув ёки мағлуб давлатнинг ўзи билан келишув асосида хал қилинган.

Мағлуб давлатдан моддий қийматларни дастлаб олиб чиқиб кетиш, ғолиб давлатнинг мажбурий чораси ҳисобланса, кейинчалик қилинган ихтиёрий тўловлар, ғолиб давлатнинг эркига мағлуб давлатнинг мажбурий рози бўлиши ҳисобланади.

**ДАВЛАТ ИНТИЗОМИ** – давлатнинг қонунлари ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига, шунингдек тегишли ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг кўрсатмаларига риоя этиш ва уларни бажариш зарурлиги.

**ДАВЛАТ КЕНГАШИ** – давлат органларининг турли мамлакатларда, шу жумладан Россияда қўлланиладиган номи. Органларнинг асосан қуйидаги турлари **Д.к.** номи билан аталади:

а) парламент (масалан, **Д.к.** – РФ таркибидаги бир қатор республикалар – Адигея, Коми, Татаристон, Удмуртия, Чувашияда олий вакиллик органи);

б) парламентнинг палаталаридан бири (юқори палата) вазифасини бажарадиган давлат органи (масалан, 1905 йилда Россияда Давлат думаси таъсис этилгач, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси кўп йиллардан буён мавжуд бўлган **Д.к.** зиммасига ҳам юклатилган).

в) давлатнинг коллегиял раҳбари вазифасини бажарувчи, парламентдан кейинги – иккинчи – органи (масалан, Болгария, ГДР, Польша ва бошқа собиқ социалистик мамлакатларда «Гос. совет» шундай орган эди).

г) давлатнинг коллектив раҳбари вазифасини бажарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимига бошчилик қилувчи давлат органи (масалан, Доғистон Республикасининг **Д.к.** Гарчи Конституцияга кўра **Д.к.** Раиси давлат бошлиғи ҳисоблансада, давлат бошлиғига хос бир қатор ваколатларни коллегиял равишда **Д.к.** амалга оширади).

д) давлат бошлиғи (олий мансабдор шахси) (масалан, 1810–1905 йилларда Россия империясининг **Д.к.**, 1991 йилда РСФСР Президенти ҳузуридаги РСФСР **Д.к.**).

**ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ** – давлат фаолияти соҳасининг умумлаштирилган номи бўлиб, давлат тузилиши, марказ ва жойларнинг муносабатлари, давлат органлари тизимини шакллантириш, уларнинг ишини ташкил этиш, фуқароларнинг сиёсий ва талай шахсий ҳуқуқларини таъминлаш масалалари шулар жумласидандир. **Д.к.** билан бир қаторда давлат фаолиятининг соҳаси сифатида хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш ҳам фарқланади.

**ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ** – ижро этувчи ҳокимият органларининг бир тури. Давлат ҳаётининг исталган соҳасига татбиқан бирор вазифани амалга ошириш учун ёки иқтисодиётнинг муайян соҳаси учун жавоб беради. Мазкур органнинг раҳбари **Д.к.** раиси деб аталади. Органнинг номида «қўмита» сўзининг ишлатилиши у ўз вазифаларини ҳайъат асосида, жамоа бўлиб бажаришини назарда тутди. Бу қўмита раиси яққабощчилик асосида раҳбарлик қилишини истисно этмайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат қўмиталарининг раислари Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида Давлат мулки қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси мавжуд.

**ДАВЛАТ КОТИБИ** – Европа ва Америкадаги бир қатор мамлакатларда давлатнинг олий мартабали амалдори. Масалан, АҚШда **Д.к.** – Давлат департаментининг, яъни АҚШ ташқи сиёсий идорасининг раҳбари; Буюк Британияда ички ишлар, мудофаа, Шотландия ишлари бўйича ва баъзи бир бошқа идораларнинг бошлиқлари **Д.к.** деб аталади. Бельгияда **Д.к.лари** амалда вазирларнинг муовинларидир. Мексикада ва Лотин Америкасининг баъзи бир бошқа мамлакатларида вазирлар **Д.к.** деб аталадилар.

**ДАВЛАТ ЛАВОЗИМИ** – давлат ҳокимияти органларидаги, шунингдек давлатнинг бошқа муассасаларидаги мазкур давлат идорасининг ваколатларини бажариш ҳамда таъминлаш бўйича вазифалари доираси, пул таъминоти (маоши) ва шу вазифаларни бажариш юзасидан жавобгарлиги белгиланган лавозим.

Давлат лавозимлари уч тоифага бўлинади: 1) давлат органлари ваколатларини бевосита бажариш учун мамлакат конституциясида, қонунларида белгилаб қўйиладиган лавозимлар (мамлакат президенти, Бош вазири, парламент палаталарининг раислари, вазирлар ва бошқалар); 2) биринчи тоифадаги лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг ваколатлари бажарилишини бевосита таъминлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсис этиладиган лавозимлар; 3) давлат органлари томонидан уларнинг ваколатларини бажариш ва таъминлаш учун таъсис этиладиган лавозимлар.

Давлат хизматининг муайян лавозимларига қўйиладиган талаблар қонунларда, шунингдек давлат органларининг норматив ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

**ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ** (юнонча *hymnos* – тантанали кўшиқ) – ватанни, давлатни, тарихий воқеаларни, уларнинг қаҳрамонларини улуғловчи шеърӣ-муסיқий асар, давлатнинг рамзларидан бири. ЎзРнинг 1992 йилги Конституциясига биноан (5-модда), ЎзР нинг **Д.м.**, унинг тасвирланиши ва расмӣ қўлланиш тартиби қонун билан белгиланади. «ЎзРнинг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

**ДАВЛАТ МАЖЛИСИ** – баъзи чет мамлакатларда (масалан, Венгрияда) парламент номи.

**ДАВЛАТ МОЛ-МУЛКИ** – давлат мулкида турган моддий объектлар. Ўзбекистон Республикасида улар республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципиал мулкдан) иборат бўлган давлат мулкидир. Тегишлича давлат мол-мулки республика мол-мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мол-мулкига (муниципиал мулкка) бўлинади (қаранг: Давлат мулки).

**ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИ** – маълум товарлар ишлаб чиқариш, муайян фаолиятни амалга ошириш бўйича давлатнинг ягона эгалик қилиш ҳуқуқи. **Д.м.** кўпинча спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва олиб кириш (импорт қилиш)га ҳамда умуман ташқи савдога (ҳар қандай махсулотни импорт ва экспорт қилишга) жорий этилади.

**Д.м.** унинг конституцияси билан белгиланиши мумкин. Масалан, 1936 йилги СССР Конституциясига мувофиқ, «давлат монополиясига асосланган ташқи савдо» (14-модда) ССР Иттифоқи ваколатларига кирган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида «давлат монополияси» тушунчаси қўлланмаган. Аммо маълум фаолият

турларини давлат мутлақ ваколатларига киритиш орқали унинг тегишли соҳалардаги (масалан, энергетика тизимлари, ядро энергетикаси, парчаланувчи материаллар, космослаги фаолият, захарли моддалар ва гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқариш ва б.) монополияси белгилаб қўйилади.

Давлат ўз монополияси бўлган фаолият турларини яширин амалга оширишга йўл қўймаслик чораларини қўради. Ўзбекистон Республикасида давлат мулки ҳисобланадиган ва унинг тасарруфида бўлган, хусусийлаштирилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган бойликлар, корхоналар, мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан (1995 йил 31 август) белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь Қонуни монополистлар томонидан ҳуқуқсизлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадларини кўзлайди.

**ДАВЛАТ МУАССАСАСИ** – бирор соҳа ёки объектни бошқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, давлат органлари фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг аризалари, шикоятлари ва бошқа мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкил этилган давлат ташкилоти. **Д.м.** давлат хизматчилари ҳисобланувчи ходимлар мавжудлиги, ички таркибий тузилишга ва бўйсунувда даражама-даражаликка риоя этилиши, тегишли бюджетга киритиладиган харажатлар сметасига, ички интизом ва тартиб қоидаларига, юридик шахс ҳуқуқларига эгалик, юқори бўғинга бўйсундирилган ҳолда тегишли тармоқ тизимига кириши билан фаркланади.

Бажарадиган вазифаларининг хилма-хиллигига қўра **Д.м.** турлича бўлиши мумкин. Биринчидан, у ёки бу кундалик маданий, ижтимоий ва бошқа вазифаларни бевосита бажарадиган **Д.м.** масалан, давлат поликлиникалари, қасалхоналар, мактаблар, университетлар, кутубхоналар, маданият уйлари, театрлар, меҳрибонлик уйлари бўлиши мумкин. Иккинчидан, кенг маънода олганда, тегишлича ўз тасарруфи соҳасидаги ишларни, шу жумладан фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ишларни бошқариш ва ҳал қилиш билан шуғулланадиган ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари – турли вазирликлар, қўмиталар, департаментлар, судлар, прокуратуралар ва ҳ.к. **Д.м.** ҳисобланади. Учинчидан, қонун чиқарувчи (вакиллик) ҳокимият органларига хизмат кўрсатувчи ҳамда уларнинг ишлашини, ҳужжатлар айланишини, фуқаролар ва ташкилотларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминловчи штатли ходимларга эга бўлган девонларни **Д.м.** жумласига киритиш мумкин.

**ДАВЛАТ МУКОФОТИ** – фуқароларни иқтисодиёт, фан, маданият, санъат, Ватанни ҳимоя қилиш, давлат қурилиши, маориф, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хайрия фаолиятида-



ги улкан хизматлари ва давлат олдидаги бошқа хизматлари учун тақдирлашнинг олий шакли.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиги давлат мукофотлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари қуйидагилардан иборат: «Мустақиллик» ордени; Амир Темури ордени; Жалолиддин Мангуберди ордени; «Буюк хизматлари учун» ордени; «Эл-юрт ҳурмати» ордени; «Фидокорона хизматлари учун» ордени; I даражали ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени; «Меҳнат шухрати» ордени; I даражали ва II даражали «Шон-шараф» ордени; «Дўстлик» ордени.

Ўзбекистон Республикасининг медаллари қуйидагилардан иборат: «Олтин Юлдуз» медаллари; «Жасорат» медаллари; «Шухрат» медаллари.

Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

Бир шахсга айна бир орден, медаль ёки Фахрий ёрлик, коида тарикасида, бир марта берилади.

Фахрий унвонлар ҳам такроран берилмайди (Қаранг: Фахрий унвон).

**ДАВЛАТ МУЛКИ** – Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари билан бири.

ЎЗР Конституциясида «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши» кўрсатиб ўтилган (53-модда).

Фуқаролик кодексининг 17-бобида давлат мулки (яъни, оммавий мулк) республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципиал мулк) иборат эканлиги баён қилинган.

Чунончи, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, ва бошқа шу каби мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин.

Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф қиладилар.

Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин. 1992 йилда **ЎЗР** давлат мулк қўмитаси ташкил этилган эди. 2005 й. ноябрда қабул қилинган фармонга кўра у Давлат мулкни бошқариш қўмитасига айлантирилди.

Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Республика мулки объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши (сотилиши) мумкин.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкнинг комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Муниципал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар-йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

**ДАВЛАТ НАЗОРАТИ** – давлатнинг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилишини ташкил этиш, давлат интизомига риоя этиш, молиявий маблағлар ва давлат ёки муниципал мулкка мансуб мол-мулкдан тегишлича фойдаланиш, фуқароларнинг тақлифлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашни ташкил этиш мақсадида амалга ошириладиган вазифаларидан бири.

Барча давлат органлари у ёки бу даражада **Д.н.ни** амалга оширади. Махсус давлат ёки аралаш давлат-жамоатчилик назорат органлари бўлинмалари тузилиши мумкин. Масалан, совет ҳокимияти даврида турли босқичларда ишчи-деҳқон инспекциялари, **Д.н.** вазирликла-

ри, партия-давлат назорати кўмиталари мавжуд бўлган. Буларнинг ўрнига кейинчалик халқ назорати кўмиталари келган. Улар давлат органлари деб ҳисобланган, лекин жамоатчилик жалб этилган ҳолда иш олиб борган. Бу органлар 1991 йилда тугатилди.

Ҳозир бир қанча органларда назорат бўлинмалари ёки вазифалари бор. Чунончи, *Ҳисоб палатаси* бюджет-молия соҳасида назорат вазифаларини бажаради. Шунингдек, солиқ ва божхона хизмати органлари ҳам назоратга оид муайян вазифаларга эга.

**ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАСИ** – ЎзР Адлия вазирлиги томонидан ташкил этиладиган ва тугатиладиган муассаса.

Ўзбекистон Республикасида давлат нотариал идоралари тармоғи, уларнинг штатлари давлат нотариал идоралари учун белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида мансаб окладлари чизмасига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Икки нафар ва ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларида нотариуслардан бири катта давлат нотариуси этиб тайинланади ва унинг зиммасига ушбу нотариал идоранинг маъмурий-ташқилый ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилади.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар куйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) Битимларни тасдиқлайди;
- 2) Васиятномаларни тасдиқлайди;
- 3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;
- 5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- 6) мерос мол-мулкнинг кўриқлинишига доир чора-тадбирларни кўради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

19) ижро хатларини ёзади;

20) вексалларнинг протестларини амалга оширади;

21) денгиз протестларини амалга оширади;

22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Д.н.и.** фаолияти устидан назоратни ЎзР Адлия вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари амалга оширади.

**ДАВЛАТ НОТАРИУСИ** – *нотариал ҳаракатларни* бажаришга ваколатли мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Нотариус қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (1996 йил 26 декабрда қабул қилинган) назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш (нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно); битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш; жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашдан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишдан катъи назар, улар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга. Икки нафар ва ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларида нотариуслардан бири катта давлат нотариуси этиб тайинланади ва унинг зиммасига ушбу нотариал идоранинг маъмурий-ташқилий ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилади. Шунга қўра, давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариусларга қонун ҳужжатларига биноан махсус унвонлар – мансаб даражалари берилади.

**ДАВЛАТ ОРГАНИ** – давлат ўз вазифаларини амалга ошириш ваколатини берган фукаро ёки фукарлар жамоаси. **Д.о.га** давлат-хокимият ваколатлари берилади, у белгиланган тартибда тузилади ва фаолият кўрсатади, давлат органларининг ягона тизимида ўз ўрнини эгаллайди.

Илгари **Д.о.** тўрт гуруҳга ажратилган: давлат хокимияти органлари (улар **Д.о.** тизимида етакчи ўринни эгаллайди), давлат бошқаруви органлари, суд органлари ҳамда прокурор назорати органлари. Бугунги кунда Конституциясига мувофиқ ягона давлат хокимияти фаолият кўрсатади. У қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятига бўлинади. Шунинг учун ҳам **Д.о.** бугунги кунда, умуман олганда, *давлат хокимияти органи* билан бир хил маънони англатади.

**ДАВЛАТ ОРГАНИ МУРОЖААТИ** – давлат органларининг халққа, бошқа органларга, чет давлатлар ва уларнинг органларига, жамоат бирлашмаларига йўлланувчи нонорматив ҳужжатларининг турларидан бири. **Д.о.м.да:** ташқи сиёсат ва ички ҳаётга доир муайян масала юзасидан қарашлар; тегишли органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари ва қарорларидан ташвишга тушганлик; муаллифнинг қарашларини тушунтириш, унинг мурожаат йўлланаётган шахсга (айниқса, агар бу давлат халқига мурожаат бўлса) тегишли орган амалга ошираётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш (ёки норозилик) ҳақидаги фикр ифодаланиши мумкин.

**Д.о.м.** маълум воқеа-ҳодисалар, юбилейлар ва бошқа диққатга сазовор саналар муносабати билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

**ДАВЛАТ ПРЕЗИДЕНТИ** – яққа тартибдаги (яъни, бир шахс) давлат хокимиятининг органи. Шу билан бирга – давлатнинг олий мансабдор шахси кўп ҳолларда, айти вақтда давлат қуролли қучларининг олий бош қўмондони ҳисобланади.

Кўп ҳолларда президентлар шу давлат аҳолиси томонидан бевосита, тўғридан-тўғри сайланадилар. Масалан: ЎзР Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ЎзР Президенти бўлиши мумкин эмас. ЎзР Президенти республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби ЎзР қонуни билан белгиланади. Лекин айрим давлатларда масалан: АҚШда Президент билвосита сайлаш йўли билан яъни, аҳоли сайлаган сайловчилар ҳайъати томонидан сайланади. Исроил, Греция давлатларида Президент давлатнинг парламенти томонидан сайланади. Президентлар учун нисбатан, юқори ёш цензи белгиланган. Масалан: АҚШ, Россияда 35 ёшга, Германияда – 40 ёшга, Италияда – 50 ёшга тўлгандагина Президент этиб сайланиш мумкин.

Президентларнинг ваколат муддатлари ҳам турли давлатларда турлича белгиланган. Одатда кўпроқ 4, 5, 6 ёки 7 йиллик муддатларга эътибор берилади.

Ўз.Р Конституциясининг 89–97 моддаларида ЎзР Президентининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари белгиланган. ЎзР Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

ЎзР Президенти ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йирилишида қасмёд қабул қилган пайтдан бошлаб лавозимга киришган ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда республика номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва республикамизнинг шартнома ва битимларини имзолайди ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч чақирув ёрликларини қабул қилади;

6) ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) ЎзР Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик ЎзР Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) ЎзР Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун ЎзР Бош вазири номзодини тақдим этади ва лавозимдан озод қилади;

11) ЎзР Бош вазирининг тақдимига биноан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимидан озод қилади;

12) ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати тасдиғига киритади;

13) ЎзР Олий Мажлиснинг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий Суд раиси ва судьялари, Олий ҳўжалик суди раиси ва судьялари, республика Марказий банки бошқарувининг раиси, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

17) ЎзРнинг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

18) ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, республикамизнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) ЎзР Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

21) ЎзРнинг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Республиканинг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) ЎзРнинг фуқаролиғига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида ЎзР

Олий Мажлиснинг Сенатига такдимнома киритади ва ЎзР судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади;

24) ЎзР Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати тасдиғига киритади;

25) Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

ЎзР Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб, уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта ЎзР Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида ЎзР Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ЎзР Президентининг ЎзР Конституциявий суди билан бамаънаҳат қабул қилган қарори асосида ЎзР Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

ЎзР Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов 3 ой мобайнида ўтказилади.

ЎзРнинг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлиснинг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда 10 кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга ЎзР Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида ЎзР Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

Ваколати тугаши билан муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

**ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ** — давлатнинг табиати (моҳияти) ва унинг қандай кадриятларга таяниши ҳақида тасаввурларни ҳосил қилади. Давлат рамзларига давлатнинг байроғи, тамғаси ва мадҳияси киради. Давлатнинг мазкур рамзлари Конституцияда белгиланиб қўйилган бўлади, уларнинг батавфсил тасвири ва улардан фойдаланиш тартиби давлат томонидан чиқариладиган қонунларда ва бошқа умумдавлат аҳамиятига эга қонунчилик актларида белгиланиб қўйилади. Давлат рамзларини ўрнатиш ҳуқуқи фақатгина давлатга тегишли. Давлатдан бошқа субъектларнинг давлат рамзларини ўрнатиши тақиқланади. Давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини бузиш, унга нисбатан хурматсизлик билан қараш, шунингдек ҳақоратлаш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келади.



ЎзР конун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга (Конституциянинг 5-моддаси). 1991 йил 18 ноябрида Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган, Ўзбекистоннинг давлат байроғи, мамлакатимиз худудида илгари мавжуд бўлган ғоят кудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда, Республиканинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

ЎзРнинг Давлат герби, Республика Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида 1992 йилнинг 2 июлида тасдиқланган. Унинг марказида қанотларини кенг ёйиб турган Хумо куши тасвирланган. У бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси, 1992 йилнинг 10 декабрида Республика Олий Кенгашида тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг шеърини машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов ёзган, муסיқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурхонов басталаган.

**ДАВЛАТ РАҲБАРЛИГИ** – давлат томонидан ўз тасарруфидаги соҳалар ва объектлар билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган вазифаларнинг умумлаштирилган номи. **Д.р.ни** умумий жиҳатдан олганда қонун чиқарувчи (вакиллик) ҳокимият органлари, аниқроқ айтганда, ижро этувчи ҳокимият органлари амалга оширишлари мумкин. Мазкур ҳолда бу *давлат бошқаруви* деб ҳам аталади.

**ДАВЛАТ РЕЖИМИ** – бу ҳокимият тепасида турган гуруҳ, синф ва қатламнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда фойдаланадиган усул ва методлар йиғиндисидир. Давлат режими давлат шаклининг таркибий қисми бўлиб, давлатдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ўзгаришларни, жумладан социал-синфий кучлар нисбатини белгилаб беради.

Давлат режими давлат шаклини индивидуаллаштиришда ўз хисасини қўшади. Давлат режими сиёсий режимини муҳим таркибий қисми сифатида ўз ичига нафақат давлатни, балки жамият сиёсий тизимининг бошқа элементларини ҳам қамраб олади.

У ёки бу мамлакатдаги режимнинг характери тўғрисида қуйидаги турли хил омиллар бизга гувоҳлик беради: давлат ҳокимияти, бошқарув ва одил судлов органларининг шакллантириш тартиби ва усуллари; турли хил органлар ўртасидаги ваколатларни тақсимланиш тартиби ва уларнинг ўзаро муносабати характери; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати ва уларнинг ҳақиқийлик даражаси; жамият ҳаётида ва давлат ишларини ҳал этишда ҳуқуқнинг роли; давлат механизмида армия, полиция, контрразведка, разведка ва шунга ўхшаш тузилмаларнинг туган ўрни ва роли; фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда, давлат бошқарувида, ҳақиқий иштирокининг даражаси; жамиятда мавжуд ижтимоий ва сиёсий зиддиятларни ҳал этилишининг асосий усуллари ва ҳақозо.

Сиёсий амалиёт шуни кўрсатадики, барча мамлакатларнинг хокимияти тепасида турган синф ёки катлам ўз ҳукмронлигини ушлаб туриш учун икки методдан фойдаланади. Биринчи метод бу зўронлик методи, иккинчи метод бу «либерализм» — яъни фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш методи, ён босиш методидир. У ёки бу мамлакатда қайси бир методнинг устун бўлишига қараб давлат режими икки асосий турга бўлинади: авторитар (ғайридемократик) ва демократик (либерал) режимлар.

**ДАВЛАТ СИРИ** — давлат томонидан кўриқладиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар.

Маълумотлар турлари хусусида масалан, ЎзР нинг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида батафсил баён қилинади. Мазкур тушунча ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқ билан боғлиқдир. ЎзР Конституциясининг 29-моддасига мувофиқ, «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир». Сўнгра моддада шундай дейилади: «Фикр юришти ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».

Қонунга кўра, давлат томонидан кўриқладиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар ЎзРнинг давлат сирлари ҳисобланади.

Давлат сирлари ЎзРнинг мулкидир.

ЎзРнинг давлат сирлари — давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини камраб олади.

Ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар давлат сирини ташкил этади.

Ошкор этилиши ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлар ҳарбий сирини ташкил этади.

Ошкор этилиши ЎзР манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади.

Ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқариш юқорида қайд этилган қонунга ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлай-

диган маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ва ЎзРда махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар Рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

ЎзРнинг Президенти белгилаб қўядиган давлат сирларини сақлашни таъминловчи давлат органлари ЎзР юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳисобланган ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқаришга ҳақлидир.

Давлат сирларига тааллуқли маълумотларга эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, айрим фуқаролар бундай маълумотлар махфийлаштирилиши зарурлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши учун давлат сирлари сақланишини таъминловчи органларга мурожаат этишлари лозим.

Ахборотлар махфийлаштирилишининг қанчалик асосли эканлиги ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади.

Давлат сирларини сақлаш – бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг бурчи. Давлат сирларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бундай сирларни сақлаш чоралари кўрилганидан кейингина амалга оширилади.

Давлат сирларини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ** – 1) юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи; 3) қўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; 6) экология солиғи; 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ўз ичига олган солиқлар.

**ДАВЛАТ СУДИ** – 1) Эстония Олий судининг расмий номи. 2) Финляндияда олий мансабдор шахсларнинг жинойтлари ва онунбузарликлари муҳокама этиладиган суд идорасининг расмий номи.

**ДАВЛАТ ТАРКИБИДАН ЧИКИШ** – баъзи федератив давлатларда назарда тутилadиган федерация субъектининг мазкур давлат таркибидан чиқиб кетиш, яъни ундан ажралиб чиқиш ҳуқуқи (сесессия ҳуқуқи). Масалан, ССР Иттифоқида иттифоқдош республикаларнинг ажралиб чиқиш ҳуқуқи назарда тутилган. Аммо бу реал бўлмаган, амалга ошириш қийин бўлган фикция эди.

Мазкур ҳуқуққа бўлган муносабат бир хил эмас. Унга тарафдорлар ҳам, қаршилар ҳам бор. Бироқ жаҳондаги федератив давлатларнинг аксариятида федерал конституциялар субъектларнинг федерация таркибидан чиқиш ҳуқуқини қайд этмайди.

**ДАВЛАТ ТИЛИ** – давлат ҳокимияти органлари, муассасалар,

корхоналар ва ташкилотлар тили, муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятларида иш юритиш, мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлирида таълим бериш учун расмий белгиланган тил.

ЎзР Конституциясининг 4-моддасига мувофиқ, ЎзРнинг давлат тили ўзбек тилидир. Қорақалпоғистонда бундай мақом қорақалпоқ тилига ҳам берилган. 1989 й. 21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган (1995 й. 22 декабрдаги таҳрирда амал қилади). Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Мамлакатда юз бераётган жараёнлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишни босқичма-босқич амалга ошириб бориш вазифаси тил ислоҳоти билан боғлиқ масалаларга зарур тузатишлар киритиш эҳтиёжини туғдирди, республика ҳали собиқ Иттифок таркибида бўлган даврда қабул қилинган **Д.т.** ҳақидаги қонуннинг аксарият моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Натижада 1995 й. 22 декабрда Ўзбекистон Республикасининг **Д.т.** тўғрисидаги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади. Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади.

Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади. Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманларда давлат тили, шунингдек катнашчиларнинг ўзлари танлаган тиллар анжуманнинг иш тили ҳисобланади.

Судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда давлат тили қўлланилади. Хўжалик низолари тарафларнинг розилиги билан бошқа тилда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади, заруриятга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Фуқароларнинг талабига кўра расмийлаштирилган ҳужжат матни давлат нотариуси ёки нотариал ҳаракатни бажараётган шахс томонидан рус тилида ёки имконият бўлган тақдирда – бошқа мақбул тилда берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади.

Телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда олиб борилади. Ноширлик фаолияти давлат тилида, эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда эса, бошқа тилларда ҳам амалга оширилади.

Почта-телеграф жўнатмалари давлат тилида ёки фуқароларнинг хоҳишига кўра – бошқа тилда амалга оширилади.

Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамгалари, иш қоғозларининг матнлари давлат тилида бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар ва муассасалар, қўшма корхоналарнинг, шунингдек миллий маданият жамиятлари ва марказларининг муҳрлари, тамгалари, иш қоғозлари матнларининг таржимаси давлат тилида такрорланади.

Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси матнлари, агар шартноманинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилида ва аҳдлашувчи томоннинг (томонларнинг) тилида ёзилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга

оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ** – давлатнинг ички ҳудудий (ёки миллий-ҳудудий) ташкилий шакли, яъни унинг вилоятлар, ўлкалар, губерниялар ва бошқа бирликларга бўлиниши. **Д.т.** федератив давлатда унинг федерация субъектларига бўлинишидир. Бундай ҳолларда, «федератив тузилиш» тушунчаси «давлат тузилиши» тушунчаси билан тенг маънога эга бўлади.

**ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛИ** – давлатнинг ички тузилиши, унинг таркибий қисмларга – маъмурий-ҳудудий бирликларга, мухтор сиёсий тузилмалар ёки суверен давлатларга бўлиниши. У, шунингдек, умуман давлатнинг ҳамда унинг алоҳида қисмларининг ўзаро нисбати хусусиятини ҳам акс эттиради.

**Д.т.ш.нинг** икки асосий тури мавжуд. Уларнинг энг оддийси – *унитар давлат*. Бу – фақат маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлинадиган ягона давлат тузилмаси. Унитар давлатда бутун мамлакат учун умумий бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, ягона суд тизими фаолият кўрсатади, ягона конституция амал қилади. Англия, Франция, Италия, Венгрия, Чехия ва б. унитар давлатлардир.

*Федерация* давлат тузилишининг анча мураккаб шакли ҳисобланади. Федератив давлат бир қанча бошқа давлатлардан ёки федерация аъзоси (субъектлари) бўлган давлат тузилмалари (штатлар, кантонлар, иттифокдош ёки автоном республикалар ва б.)дан таркиб топади. Уларнинг ҳар бири ўз маъмурий-ҳудудий бўлинишига эга. Бутун федерация учун умумий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, ҳар бир федерация субъектининг ҳудудидида ўз давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий ва маҳаллий органлари фаолият кўрсатади. Федерация аъзолари (субъектлари) ўз суд ва бошқа органларига ҳам эга бўлади, ўз конституцияси ва қонунларини қабул қилади.

*Конфедерация* нисбатан кам тарқалган **Д.т.ш.дир.** Конфедерация давлатлар бирлашмаси ёки иттифоқи бўлиб, уни ташкил этувчи давлатлар ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолади, ўз ҳокимият, бошқарув ва адлия органларига эга бўлади. Ўз фаолиятини мувофиқлаштириш учун конфедерацияга аъзо давлатлар қўшма органлар тузади. Мазкур органлар қатъий белгиланган соҳаларда фаолият кўрсатади ва қатъий белгиланган (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва б.) мақсадларни кўзлайди.

Конфедерацияга баъзан давлатларнинг федерацияга бирлашиш сари тутган йўлидаги оралик бўғин деб ҳам қаралади. Ҳозирги вақтда расмий-юридик жиҳатдан Швейцария конфедерация ҳисобланади. Аммо амалда у федерациядир. Конфедерация аломатлари *Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги* (МДХ)да ҳам мавжуд.

**ДАВЛАТ ТУЗИЛМАСИ** – одатдаги маъмурий-ҳудудий бирлик-

ка нисбатан баъзи ўзига хос хусусиятларга ва анча юқори мақомга эга бўлган муайян ҳудуд. «Давлат тузилмаси» тушунчаси кўпинча миллий-давлат тузилмалари деб аталувчи автоном вилоятлар ва автоном округларга нисбатан қўлланилади. Бунда аввало шу бирликни тузишда инobatга олинган миллий бирлик, миллий-худудий хусусиятларни инobatга олиш имкониятини берадиган муайян ҳуқуқлар, мазкур бирликка татбиқан умумдавлат даражасида махсус норматив-ҳуқуқий тартибга солишга йўл қўйилиши, бундай бирликларни ўзининг хоши-иродасисиз қайта тузишнинг мумкин эмаслиги, наинки, давлатнинг ички ишларида, балки муайян даражада – халқаро алоқаларда иштирок этиш ҳуқуқи, ўзининг асосий ҳужжати (уставига) ва бошқа қонун ҳужжатларига эга бўлиши ҳуқуқи, ўз мулки мавжудлиги ва ўз ҳудудида ўз мулкини тасарруф этиш масалаларини хал қилишда иштирок этиш ва бошқалар эътиборга олинади.

**ДАВЛАТ ТУЗУМИ** – Конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нормалари билан белгиладиган ва мустаҳкамладиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими. «Д.т» «конституциявий тузум»га қараганда кенгрок тушунча (Қаранг: Конституциявий тузум).

**ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ** – давлат фаолиятининг асосий йўналишлари. Унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, мазмуни, асосий мақсадлари ва вазифалари, жамиятдаги ўрни ва аҳамияти билан белгиладиган.

Давлат фаолиятининг йўналишларига қараб давлатнинг ички ва ташқи функциялари фарқланади. Давлатнинг ички функцияларига одатда қуйидагилар қиради: жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш функцияси; иқтисодий функция; ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва аҳолининг фаровонлигини таъминлаш функцияси; маданий-тарбиявий функция ва б. Давлатнинг ташқи функциялари қуйидагилардир: мудофаа функцияси, халқаро ҳамкорликни таъминлаш функцияси, шунингдек тинчлик ва осойишталикни сақлаш функцияси.

Фаолият соҳаларига қараб давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ва б. функциялари фарқланади. Давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти **Д.ф.ни** амалга оширишнинг асосий шакллари дир.

**ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ** – шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатини ифодаловчи тушунча. Бундай манфаатлар, табиийки, ўзаро узвий боғлиқ. Улар жумласига шундай эҳтиёжлар мажмуи қирадики, уларнинг кондирилиши шахс, жамият ва давлатнинг фаолиятини ҳамда тобора тараққий этиши имкониятларини ишончли равишда таъминлайди. Бошқача айтганда, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамиятнинг моддий ҳамда маънавий қадриятларини, шунингдек давлат-

нинг конституциявий тузуми, суверенитети ва худудий яхлитлигини таъминлайди.

Давлат хавфсизликни таъминловчи асосий субъект бўлиб, у бу соҳадаги вазифаларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари орқали амалга оширади.

**ДАВЛАТ ҲАЁТИ** – мамлакат ҳаётининг давлат ва унинг органлари тасарруфида турган соҳаларининг умумий номи.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТИ** – давлат органларининг ваколатлари бажарилишини таъминлаш бўйича касбий фаолият.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ** – давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган маош олиб давлат лавозими (давлат хизмати) вазифаларини бажарадиган фуқаро.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ** – давлатлар худудини бир-биридан ажратиб турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиқлар. **Д.ч.** муайян давлатнинг худудлари нисбатини аниқ белгилаб беради. **Д.ч.** дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Давлат чегарасида қонун орқали давлат томонидан ўрнатилувчи ёки чегарадош давлат билан келишган ҳолда ўрнатилувчи махсус чегара тартиби мавжуд. Қўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади. Давлат чегараларини зўрлик билан ўзлаштириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган.

Ўтиш жойига кўра чегаралар уруғлик, сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, уруғлик ва сув ости чегараларига бўлинади. ЎЗР Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан қуруқликда, Афғонистон билан сувда (Амударё орқали) чегарадош.

**Д.ч.** давлатнинг уруғликдаги ва сув худудидидаги, ҳаво кенгликларидидаги ва ер остидаги *суверенитетининг* чегарасини белгилайди.

**Д.ч.** қуруқликдаги, дарё ва кўллардаги ҳамда денгиздаги чегараларга бўлинади. **Қуруқликдаги** чегаралар деганда, жой рельефидаги ўзига хос нукталар (масалан, тоғ чўққилари) ёки жўғрофий координаталарнинг муайян нукталари орқали, шунингдек, параллеллар ва меридианлар орқали ўтадиган чизиқлар тушунилади. Дарёдаги **Д.ч.** дарёлар бўйича ўтади, бунда агар халқаро шартномаларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиغان дарёлардан – асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан (энг чуқур жойлари чизигидан), кемалар қатнамайдиган дарёлар (сойлар)да эса – уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизиқ чегара ҳисобланади. **Кўлларда** ва бошқа сув хавзаларда **Д.ч.** чегараларнинг кўл ёки бошқа сув хавзаси қирроқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизиқ орқали ўтади. Баъзан, агарда кўл чўзиқ шаклга эга бўлиб, қарама-қарши қирроқлари қўшни давлатларга тегишли бўлса, бу чегара медиана бўйича ўтказилиши мумкин. Агар чегара-



дош давлатлар бошқача шартлашмаган бўлсалар, дарё (сой) қўл ёки бошқа сув хавзаси бўйича ўтадиган **Д.ч.** уларнинг қирғоқлари ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё (сой) ўзани у ёки бу томонга кўчганда ҳам ўзгармайди. Агар давлатнинг ҳудудий сув хавзаси бошқа давлатларнинг худди шундай сув хавзалари билан туташмаган бўлса, ушбу давлатнинг денгиз чегараларини ҳар бир давлат ўз ҳудудий сув хавзаларининг ташқи чегараси бўйича мустақил равишда ўрнатади. Агар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудий сув хавзалари туташ бўлса, улар ўртасидаги чегара чизиги битим асосида белгиланади.

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНИ** — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколати берилган давлат органи.

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТУЗИЛИШИНING ЯГОНАЛИГИ** — Россия Федерацияси амал қиладиган тамойиллардан бири бўлиб, бу тамойил РФ Конституциясининг 5-моддаси 3-бандида белгилаб қўйилган. Унга кўра РФ Конституциясининг 72-моддаси «4» банди РФ ва унинг субъектлари биргаликда «давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этишнинг умумий тамойилларини ўрнатади». Субъектлар давлат ҳокимияти органларининг тизими улар томонидан мустақил равишда «РФ Конституциявий тузуми ва федерал қонунлар асосида ўрнатилган давлатнинг ижроия ва вакиллик органларининг умумий тамойиллари асосида ташкил қилинади». (РФ Конституциясининг 77-моддаси, 1-қисми).

Давлат ҳокимияти тизимларининг ягоналиги тамойиллари бир қатор кўринишларга эга.

1) РФ субъектлари ва федерал даражадаги давлат ҳокимияти органларининг ягоналигининг моҳияти. РФ Конституциясининг 11-моддаси 2-қисмига кўра «Россия федерациясининг субъектларида давлат ҳокимияти улар томонидан ташкил этилган давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади». Шу билан биргаликда бу давлат органлари ўз ҳокимиятларини амалга оширишда Конституциянинг 10-моддасининг қоидаларини ҳисобга олиш керак: унга кўра РФда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида амалга оширилади. Шунга кўра, нафақат федерал даражадаги, балки субъектларда ҳам ташкил этиладиган давлат ҳокимияти органлари ўз табиатига ҳамда функциясига кўра ташкил этилган органлар юқорида санаб ўтилган гуруҳларнинг барига мос келиши керак.

2) РФ ва унинг субъектларидаги давлат ҳокимияти органлари федерация Конституциясида белгилаб қўйилган орган турларига мос келиши керак, яъни қонунчилик фаолиятини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тузилади; ижроия ҳокимияти эса шу ҳокимиятга мос давлат органининг тармоғи асосида амалга

оширилади (суд тизими федерал конституциявий қонунлар асосида ўрнатилади). Қонунчилик ва ижроия ҳокимияти бир тармоқда бўлган давлат органларини тузиш тақиқланади, чунки бу РФ Конституцияга зиддир (суд ҳокимияти ҳақида гапирилса ҳам бўлади).

3) Федерал қонунлар асосида давлат органларини ягона тартибда тузиш (масалан, аҳоли томонидан Президент ёки ижроия ҳокимият раҳбарларининг ёхуд қонунчилик мажлисига депутатларнинг сайланиши).

4) Давлат ҳокимият органларининг асосан ягона ваколатларга эга эканлиги. Вакиллик ҳокимият органлари қонунлар қабул қилади ижроия ҳокимияти эса ўз ҳудудига хўжалик ва ижтимоий – маданий соҳага оид, вазифаларни амалга оширади ва ҳақоза.

5) РФ субъектлар ва федерал даражадаги давлат ҳокимияти тармоқлари ўзаро муносабатларини ҳаракатлари. Давлат ҳокимият органларининг тармоқлари ҳокимият ваколатларининг бўлиниши тамойилига асосан бир-бирининг ишига халал бермай ўз вазифаларини бажаради. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари бир-бирига ўзаро таъсир қилишда ҳокимият тизгинланиши ва ўзаро тенг ҳуқуқда амал қилишини тامينлаб турадилар. Қабул қилинган актларни ўзаро келишилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқи уларда бўлмайди. Аксинча барча мунозарали баҳслар суд томонидан ёки бошқача тартибда ҳал қилинади.

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ** – давлат ва унинг органлари (Д.х. органлари) томонидан жамият ишларига ташкилий раҳбарлик қилиш. **Д.х.** моҳиятан давлат аҳамиятига молик, бажарилиши шарт бўлган, ташкилий чора-тадбирлар билан, зарур ҳолларда эса давлат мажбурлови билан таъминланган ҳужжатлар қабул қилинишида (ҳаракатлар содир этилишида) ифодаланади. **Д.х.** барча фуқароларга нисбатан татбиқ этилади.

**Д.х.** ё халқ томонидан бевосита, ё **Д.х.** органлари томонидан амалга оширилади. Чунончи **референдум**, қонун чиқарувчи ҳокимият органлари сайлови, шунингдек президент сайлови **Д.х.** халқнинг ўзи томонидан бевосита (тўғридан-тўғри) амалга оширилишининг ёрқин ифодасидир (қаранг: **бевосита демократия**).

Зеро, ЎзРнинг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганки, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхта-тиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркиблари-

ни тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳока-масига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Ре-ферендум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлаш-маси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номи-дан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокими-ятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакил-лик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қо-нунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) ибор-рат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳоки-миятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-маси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосари, вазир-лар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР** – Ўзе-бекистон Республикасига қарши жиноятларнинг бир тури бўлиб, бу жиноятларнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида ваколатли идоралар томонидан амалга ошириладиган, давлат ҳокимияти ҳавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муноса-батлардир. Давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар ўз ичига суд ҳоки-миятига қарши жиноятлар, яъни одил судловга қарши жиноятларни ҳам қамраб олади.

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИ** – дав-латимиз тараққиётининг совет даври конституцияларида, яъни СССР, ЎзССР, СССР таркибидаги бошқа иттифоқдош республикалар ва ав-тоном республикаларнинг конституцияларида қўлланилган тушунча. Ўша пайтда умумий қоидага кўра, *давлат ҳокимияти органлари* жумласига давлатнинг барча органларини эмас, балки фақат вакил-лик органларини, яъни аҳоли томонидан сайланадиган органларни киритганлар. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти органларини икки гу-руҳга – **Д.х.о.о.** ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига аж-ратганлар. Конституциялар **Д.х.о.о.** жумласига СССР Олий Кенгаши-ни, иттифоқдош республика Олий Кенгашини (ЎзССРда – ЎзССР Олий

Кенгашини) киритган. Бошқа Кенгашлар (халқ депутатлари ўлка, вилоят Кенгашлари, халқ депутатлари автоном вилоятлар ва автоном округлар Кенгашлари, халқ депутатлари туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман, посёлка ва қишлоқ Кенгашлари) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жумласига киритилган.

**Д.х.о.о.** категориясининг маъноси шундан иборат эдики, бу органлар давлатда устунлик мавқеида туриши лозим бўлган ва улар энг муҳим ваколатларга эга эди. Бундан ташқари, улар тегишли давлатнинг тасарруфига киритилган ҳар қандай масалани ўзи кўриб чиқишга, яъни уни доимий амалга ошириш учун ваколат берилган орган тасарруфидан олиб қўйишга ҳақли эди.

ЎЗРнинг амалдаги Конституцияси **Д.х.о.о.** категориясини қўлламайди, негаки ҳокимиятлар бўлиниши концепцияси асосида тузилган бўлиб, давлатда қайсидир органларнинг устунлик мавқеини назарда тутмайди.

**ДАВЛАТ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ** — *чет эл кишиси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга* нисбатан қўлланиладиган ҳамда уларни мазкур давлатнинг давлат чегарасидан ташқарига чиқариб юборишда ифодаланадиган маъмурий жазо (мажбурлов) чораси.

Чет эл фуқароси, агар унинг ҳаракатлари давлат хавфсизлигини таъминлаш ёки жамоат тартибини муҳофаза қилиш манфаатларига зид бўлса; агар аҳолининг соғлиги ва маънавиятини муҳофаза қилиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти талаб қилса; агар у чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, божхона, валютага оид ва бошқа қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузган бўлса давлат ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилиши мумкин.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасига мувофиқ, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги... Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборишга сабаб бўлади.

Чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинади. Чиқариб юборилаётган шахс уларнинг қарорларида кўрсатилган муддатда мамлакатни тарк этиши шарт. Чиқиб кетишдан бўйин товланган шахслар прокурор санкцияси билан ушлаб турилиши ва мажбурий тартибда чиқариб юборилиши керак. Бунда

чиқариб юбориш учун зарур бўлган муддат давомида ушлаб туришга йўл қўйилади.

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ** – қаранг: *Конституциявий ҳуқуқ*.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҚҶРИҚЛАШ ОРГАНЛАРИ** – давлат чегара қўшинлари, Қуролли кучлар, Мудофаа вазирлиги ва ИИВнинг бирлашмалари, қўшинлари, қисмлари, МХХ ва Мудофаа вазирлигининг разведка органлари ва бошқалардан ташкил топган. Давлат чегарасини қўриқлаш деганда, ундан ноқонуний ўтишга йўл қўймаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари режимига амал қилишлари бўйича тадбирлар йиғиндисига айтилади.

1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, мамлакатимиз Давлат чегарасини ўрнатиш ва ўзгартиришда, миллий хавфсизликни таъминлаш заруриятидан келиб чиқади.

**ДАВЛАТ ШАҚЛИ** – давлат моҳияти ва мазмунининг бевосита ифодаси. Давлатнинг моҳияти ва мазмуни (вазифалари) қандай бўлса, унинг шакли ҳам, пировард натижада, шундай бўлади. Давлатнинг моҳияти у қайси табақалар, гуруҳлар, синфларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ҳимоя қилишида намоён бўлади. Давлатни мазмун нуктаи назаридан кўриб чиқиш у қайси йўналишларда ва қандай фаолият кўрсатишини аниқлашни англатади. Давлатни шакл нуктаи назаридан ўрганиш, авваламбор, унинг тузилишини, асосий таркибий қисмларини, ички тузилмасини, давлат ҳокимиятини ўрнатиш ва уни амалга оширишнинг асосий усулларини ўрганиш демакдир.

**Д.ш.**, унинг моҳияти ва мазмуни сингари, ҳеч қачон турғун бўлиб қолмаган, балки кўплаб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва бошқа омиллар таъсирида ҳамиша ўзгариб, ривожланиб борган. Улар ҳақидаги тасаввур ҳам муттасил ўзгариб турган. Буни **Д.ш.нинг** ривожланиши тарихи мобайнида мазкур масала юзасидан билдирилган ўнлаб, юзлаб турли-туман фикрлар, қарашлар (мас. Платон, Аристотель қарашлари) ҳам тасдиқлайди.

Давлат тузилиши ва бошқарувининг шаклларига доир таълимотлар ва айрим ғоялар кишилиқ тараққиётининг барча босқичларида ривожлантириб келинган. **Д.ш.** масаласига доир ҳозирги қарашларга кўра, **Д.ш. бошқарув шаклидан, давлат тузилиши шаклидан ва давлат режимидан** ташкил топади. Мазкур қараш нафақат Ўзбекистон олимларининг асарларида, балки чет эл адабиётларида ҳам етакчилик қилади.

**ДАВЛАТ** – замонавий жамиятни сиёсий тизимининг асосий институти ва энг муҳим қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлатни ташкил этишдан асосий мақсад сиёсий ҳокимиятни шакллантириб, жамиятни бошқаришдир. Ҳар қандай давлат икки турдаги манфаатни ифода этади ва ҳимоя қилади, яъни бутун жамият ва ҳокимият эгала-

рининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Кундалик ҳаётда ва давлатнинг амалий фаолиятида кўпинча ҳокимият эгаларининг манфаатлари жамият манфаатларидан устун туради.

Давлатни жамиятнинг бошқа ташкилотларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари ва белгилари мавжуд.

Давлатнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларидан бири, унинг ҳокимият ва бошқарув аппаратига эга эканлигидир. Бу аппарат маълум бир кишилар қатлаmidан иборат бўлиб, улар бошқарув ва ҳокимлик функцияларини бажариш билан шуғулланадилар. Улар ҳеч қандай моддий ва маънавий неъматларни бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланмай фақат бошқарувни амалга оширадилар. Бу тоифадаги кишилар ўз мансабларини сайловлар, тайинланиш ёки мерос тариқасида эгаллайдилар. Бу аппаратнинг асосий таркибий қисмлари давлат ҳокимияти, бошқарув, суд, прокуратура органлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу аппаратнинг бошланғич бўғини давлат органи бўлиб ҳисобланади.

Давлатнинг ўзига хос муҳим хусусияти, унинг мажбурлов аппаратига эга эканлигидир. Давлатнинг мажбурлов аппарати армия, полиция, разведка, контрразведка ва шу каби мажбурлов ташкилотлар (қамокхона, жиноий жазони ижро этиш органлари)дан ташкил топган курулли кишилар отрядидан иборат бўлади. Курулли кишилар отрядидан ташкил топган бошқарув аппарати оммавий ҳокимият деб аталади, аммо унинг ягона тушунчаси илмий адабиётда ўз ўрнини топган эмас. Адабиётларда «оммавий ҳокимият» («ижтимоий-сиёсий») тушунчаси давлатнинг муҳим белгиси сифатида тан олинади, баъзан у давлатга синоним тушунча сифатида ишлатилади.

Давлатнинг муҳим белгиларидан ва ўзига хос хусусиятларидан яна бири аҳолининг ҳудудий бирлик бўйича тақсимланишидир. Уруғчилик тузумидаги ижтимоий ҳокимиятдан фарқли равишда давлат ҳудудидаги барча шахслар учун давлат ҳокимияти бирдай амал қилади. Қонқариндошлик алоқаларидан қатъи назар, давлат ҳудудида кишилар фуқаро (республика бошқарув шаклидаги давлатларда), тобъе, табаа (монархия шаклидаги давлатларда) ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ёхуд чет эл фуқаролари сифатида юридик мақомга эга бўладилар ва мазкур давлат қонунларига амал қилишга мажбурдирлар.

Аҳолини ҳудудий тақсимланиши ва давлат ҳокимиятини маълум ҳудуддаги аҳолига нисбатан амал қилиши давлатни маъмурий-ҳудудий бўлинишига олиб келади. Бундай маъмурий-ҳудудий бирликлар турли мамлакатларда турлича номланади: ўлка, вилоят, графлик, штат, туман ва хоказо. Аммо уларнинг мақсади ва функцияси бир хилдир, яъни маълум бир ҳудудда давлат ҳокимияти ва бошқарувни ташкил этишдир. Давлатнинг ҳудудий жиҳатдан ташкил этилиши, давлат тузилиш шакли деб ҳам юритилади.

Давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири унинг суверенитетга эга

эканлигидир. Суверенитет, биринчидан, давлат ҳокимиятини мамлакат ички ҳаётида устуворлигини билдирса, иккинчидан, унинг халқаро майдонда мустақил ташқи сиёсатни олиб боришини кўзда тутди. Яъни давлат сиёсий ва юридик жиҳатдан ўз ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда олиб боради.

Давлатнинг муҳим характерли белгиларидан яна бири, унинг мустақил равишда солиқ сиёсатини олиб бориши, солиқлар жорий қилиши. Солиқлар давлат аппаратини шакллантириш ва уни керакли маблағлар билан таъминлаш учун зарур бўлади. Солиқлар давлатни таълим, медицина, маданий ва тарбиявий соҳадаги дастурларини амалга ошириш учун ҳам керак бўлади.

Давлат юқорида санаб ўтилган белгиларидан ташқари, ўз рамзлари (атрибут)га ҳам эгадир. Яъни, давлатлар ўз мадҳияси, байроғи, герби ва бошқа шу каби рамзларига ҳам эгадир.

**ДАВЛАТ – ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАСИ** – бу давлат ички шартномасидир. Бундай шартномалар федератив давлат учун характерлидир. Бундай шартномаларга федерациянинг субъектлари билан тузилган шартномалар, субъектлар ўртасида тузилган шартномаларни киритиш мумкин.

**ДАВЛАТЛАР БЛОКИ (иттифоки)** – давлатларнинг, одатда, ҳарбий-сиёсий мақсадда тузилган халқаро-ҳуқуқий бирлашмаси. Давлатлар ўз бирлашмаларини ташкил этар эканлар, уларни «шартномалар», «иттифоклар» ва хоказо деб аташни афзал кўрадилар. Давлатлар бирлашмасини «блок» деб аташ, одатда, махсус адабиётлар ва вақтли матбуотда учрайди. Масалан, НАТО – Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотини оммавий ахборот воситалари Шимолий Атлантика блоки деб атайди.

**ДАВЛАТНИНГ БИРЛИГИ** – давлат ташкилий тузилишининг принципларидан бири бўлиб, давлатнинг барча қисмлари билан биргаликда бир бутунлиги (яхлитлиги) эътироф этилишини ифодалайди. **Д.б.** ҳар қандай айирмачилик кўринишларидан, яъни давлатнинг айрим қисмларида бутун давлат манфаатлари инobatга олинмайдиган ва маҳаллий манфаатлари унга қарши қўйиладиган сиёсатдан воз кечилишини назарда тутди (шунингдек қаранг: *Давлат ҳокимиятининг бирлиги*).

**ДАВЛАТНИНГ ЯХЛИТЛИГИ** – давлат сифатида Ўзбекистон Республикасига асос қилиб олинган принциплардан бири.

Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган қуйидаги қоидалардан келиб чиқади: «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Унинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир».

**ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ** – ЎзР Конституциясининг 38-моддаси-да мустахкамлаб қўйилган фуқаро ҳуқуқларидан бири.

Конституцияга кўра ҳар бир фуқаро дам олиш ҳуқуқига эгадир. Меҳнат шартномасига биноан ишловчиларга қандай белгиланган иш вақти муддати, дам олиш ва байрам кунлари ҳақ тўланадиган меҳнат таътили кафолатланади. Меҳнат кодексига биноан, меҳнат шартномасига биноан иш бажарувчи ходимлар учун иш вақтининг меъёрий муддати ҳафтасига 40 соатдан ошиши мумкин эмас. Барча ходимларга ҳар йили камида 24 иш кунидан иборат таътил берилади, шу вақт мобайнида унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш хақи сақланиб қолади. Шанба ва яқшанба, умумий қабул этилган дам олиш кунлари ҳисобланса-да, ишлаб чиқариш шароитини ҳисобга олиб аниқ корхона ва муассасаларнинг ходимлари учун бошқа кунларда дам олиниши белгиланиши мумкин. Қонунга кўра умумдавлат байрамлари деб белгиланган байрам кунлари ҳам барча учун дам олиш кунларидир. Ишдаги танаффуслар ҳамда кундалик ва ҳафталик дам олишнинг бошқа турлари меҳнат қонунчилигида белгилаб берилади. Меҳнат тўғрисидаги кодексга мувофиқ ходимларнинг айрим тоифаларига қисқартирилган иш куни, баъзиларига узайтирилган таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Ундан ташқари, ЎзР Меҳнат кодексига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига маблағлари ҳисобидан, қонунда кўзда тутилганига қўшимча тариқасида меҳнат ва ижтимоий имтиёзлар, шу жумладан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил беришлари мумкин.

**ДАНИЯ (ДАНИЯ ҚИРОЛЛИГИ)** – Европанинг шимолий-ғарбидаги давлат. Пойтахти Копенгаген шаҳри.

Маъмурий тақсимланиши 14 округдан (амтлар) иборат. Улар ўз навбатида жамоалардан (сочне) иборат. Ҳар бир амт (округ) бошида губернатор – амтманн туради. У қирол томонидан лавозимига тайинланади. Амтлар одатда мамлакатнинг Жўрғофий вилоятлари гуруҳини ташкил этади. (Борнхольм, Лоланн-Фальстер, Фюн, Зеландия, Ютландия). Давлатнинг таркибига шунингдек Фарер ороллари ва Гренландия қиради. Улар ўзига хос мақомга эга.

1953 йилги Конституцияга кўра Даниянинг давлат бошқарув шакли монархиядир. Давлат бошлиғи қирол (киролича) ҳукуматнинг аъзоларини ва давлатнинг бошқа олий мансабдор шахсларини тайинлайди, парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга ва қонунларни тасдиқлайди. Шунинг билан бирга қирол чиқарган барча актлар бош вазир ёки шу соҳа вазири томонидан имзо қўйиб тасдиқланиши керак.

Дания парламенти – Фолькетинг 179 депутатдан иборат бўлиб (Гренландия ва Фарер оролларида иккитадан депутат иштирок этади), пропорционал вакиллик тизими асосида 4 йилга сайланади. Фолькетинг томонидан қабул қилинган қонунлар қирол томонидан ёки 1/



3 депутатларнинг талаби билан референдумда маъқулланади ҳамда тасдиқланади. Конституцияга киритиладиган ўзгартиришлар ва муҳим халқаро шартномалар (масалан, 1993 йилги Маастрихт шартномаси) фақат референдум орқали тасдиқланади.

Ҳукумат – Вазирлар Кенгаши Қирол томонидан тасдиқланади (Бош вазир одатда парламентда кўпчилик овоз олган партия раҳбари бўлиб ҳисобланади ва қирол томонидан тасдиқланади). Бош вазир парламентнинг фавқулодда сессияларини чақириш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида, парламент ҳукуматга ишончсизлик билдириши ва ҳукуматни тўлиқ равишда истеъфога кетишга мажбурлаши мумкин. Бундай қоида алоҳида вазирларга бўлган муносабатда ҳам амал қилади.

Олий суд органи – Олий суд 1661 йилдан амал қилади. У 15 судьядан иборат. Икки апелляцияон суд мавжуд бўлиб, у 20 коллегиядан иборат бўлиб, улар энг муҳим жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича апелляцияон инстанция ёки биринчи инстанция суди бўлиб ҳисобланади. Мамлакатда 84 та округ судлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида «қуйи судлар» амал қилади. Ундан ташқари денгиз ва савдо ишлари бўйича ҳам судлар мавжуд. Шунингдек омбудсман хизмати ҳам мавжуд бўлиб, фуқароларнинг давлат хизматчилари ҳаракати устидан шикоятларини кўриб чиқади.

**ДАРАЖА ЧИНЛАРИ (классный чин)** – Адлия, прокуратура, солиқ органлари ва суд аппарати ходимларига бериладиган маҳсус даража. Даража ходимларнинг эгаллаб турган лавозими, шу орган (лавозимда) иш муддати, тажрибаси, касбий маҳоратига қараб берилади.

Даража чинлари маошга қўшимча ҳақ тўлашга асос бўлади.

Даража чинлари ва уларни бериш тартиби ҳукумат томонидан тасдиқланган Низомда белгиланади.

Адлия органлари ва давлат нотариати ходимларнинг даража чинлари ҳақидаги Низомга асосан, қўйидаги даража чинлари белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси:

1-даражали давлат маслаҳатчиси;

2-даражали давлат маслаҳатчиси;

3-даражали давлат маслаҳатчиси;

1-даражали адлия маслаҳатчиси;

2-даражали адлия маслаҳатчиси;

3-даражали адлия маслаҳатчиси;

1-даражали юрист;

2-даражали юрист;

3-даражали юрист;

Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси ва 1,2,3-даражали давлат маслаҳатчилари чини Ўзбекистон Республикаси Президенти томони-

дан, қолган чинлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан берилади.

Қайси лавозимларга қандай чин берилиши Низомда белгилаб қўйилган.

Худди шунингдек прокуратура, солиқ идоралари ходимларига ҳам турли даражадаги чинлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 27 август 2003 йилги қарори билан тасдиқланган Низомда вазирлик тизимидаги илмий муассасалар ва ўқув муассаса ходимларига ҳам махсус даражалар унвонлар ҳамда мартабали даражалар берилиши кўрсатилган.

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ** – Прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчиларининг жиноятни тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсларни фош этиш ва айбланувчи тарихида ишга жалб қилиш, жиноятни бартараф этиш чораларини кўриш, жиноят сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек, жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мақсадларида дастлабки тергов органларининг иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолияти.

Қонун дастлабки тергов ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона амалга оширилишини, уни олиб бориш жараёнида қонунда назарда тутилган барча чораларни, яъни айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш кераклигини талаб қилади. Жиноят ишини тергов қилаётган шахсларга гумонланувчи ёки айбланувчига қонун билан рухсат этилган восита ва усуллар ёрдамида ҳимояланиш имкониятини бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мажбурияти юклатилган. Юридик назария ва расмий амалиёт дастлабки тергов олиб бориш жараёнида фуқарони оқлаш ёки айблашда хатоликка йўл қўйилишига бир хилда салбий муносабатда бўлади.

Дастлабки терговнинг бошланиш вақти жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш қарор қабул қилиш ҳисобланса, тугалланиш вақти эса сўроқ ҳулосасини тузиш ҳамда иш материалларини судга юбориш учун прокурорга бериш билан яқунланади.

Дастлабки тергов қонунда назарда тутилган ҳолларда (масалан, айбланувчининг касаллиги, терговдан қочиб юрганлиги ва ҳ.к.) вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Дастлабки тергов қуйидиги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:  
– жиноят ишини юритишга тўсиқ бўлувчи ҳолатлар (амнистия акти, жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаганлиги).

– жиноятни содир этишда айбланувчининг иштирок этганлиги исботланмаганлиги.

– ўзининг хулк-атворини тўғри баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини бермайдиган рухий бузилиш.

Дастлабки тергов жараёнида фақат ЖПК да назарда тутилган тергов ҳаракатларини содир этишга рухсат берилади.

**ДАСТЛАБКИ ҲИБСГА ОЛИШ – қаранг: Камок эҳтиёт чоралари.**

**ДАЪВО** – ҳуқуқни тиклаш ёки бекор қилиш ҳақида суд тартибида кўриладиган талаб. Даъво судга киритилгач, жараён иштирокчилари вужудга келади. Бу талаб қилувчи – даъвогар, даъвони бажарувчи (агар даъво қонуний бўлса) – жавобгар.

Даъво мазмуни қарзни қайтариш, меросга даъвогарлик, ишни бажарганлик учун ҳақ талаб қилиш, жарима ундириш, ишга тиклаш ва бошқалар хусусида бўлиши мумкин.

Тажрибада даъво кўпинча мулкӣ масалалар хусусида бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1-қисмининг 5-кичи бўлими даъво муддатларига бағишланган.

Даъво билан судга ҳар қандай шахс, унинг вакили мурожаат қилиши мумкин. Шахснинг даъво ҳақидаги аризаси судда даъво бўйича иш бошлаш ва юргизишга асос бўлади.

Даъво – даъво аризаси орқали кўзғатилади.

**ДЕКЛАРАЦИЯ** – ҳуқуқӣ, жумладан конституциявий лексиконда турли маъноларда қўлланиладиган ибора.

Декларация янги давлат тузумини яратишда, айниқса миллий сиёсат ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли бўлган ҳужжат сифатида қабул қилинади. Масалан, 1776 йилнинг 20 июлида АКШ нинг Филадельфия шаҳрида 13 колония вакиллари ййғилишиб «Кўшма Штатларнинг мустақиллик Декларацияси»ни тузиб эълон қилган. Унинг муаллифи ййрик давлат арбоби Томас Джефферсон эди. Декларация Европада катта таассурот қолдирди. Декларацияда эзилган халқ кўзғолон кўтаришга ҳақли эканлиги кўрсатилган эди. 1789 йилнинг августда Францияда Таъсис мажлиси ўзининг машхур «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари Декларация»сини қабул қилди. Декларация 17-моддада инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини баён қилиб берди. 1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам тарихий ҳужжат – «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларация»си қабул қилинган. 1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Республикаси ССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессияси «Мустақиллик тўғрисида Декларация» қабул қилди. Мазкур ҳужжатда Республика мустақиллигининг асосий принциплари – республика ҳудуди ва чегараларида республика қонунларининг устунлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқнинг

асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, ўз тараққиёт йўли, ўз номи, давлат рамзаларини белгилаш ва бошқалар мустаҳкамланди.

**ДЕКРЕТ** – лотинча сўздан олинган бўлиб қарор, қонунчилик актларини билдиради. Қадимги Римда император, консул ва сенатнинг чиқарган қарорлари декрет деб номланган. Францияда XVIII асрда бўлиб ўтган инқилобларда революцион ҳукумат чиқарган қонун актлари декрет деб номланган. Россияда 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин ҳукуматнинг барча қабул қилган қарорлари декрет деб аталган (чунки у даврда «Қонун» иборасидан фойдаланилмаган).

**ДЕЛЕГАТ** – лотинча сўздан олинган бўлиб, давлатнинг, ташкилотнинг, коллективнинг сайланган ёки тайинланган вакили бўлиб ҳисобланади.

**ДЕЛЕГАЦИЯ** – сайланган ёки тайинланган шахслар гуруҳи бўлиб, давлатнинг, ташкилотларнинг, коллективнинг конференцияларда, съездда, музокараларда иштирок этиши учун юборилади. Конституциявий ҳуқуқда делегация бошқа маънода ишлатилади: бир органнинг иккинчи органга бирор масалани кўриб чиқиши учун ўз ваколатини бериш (доимий муддатга, маълум муддатга ёки бир муддатга).

**ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКА** – давлатда республика бошқарув шаклининг мавжудлигини билдиради ва бунда ҳокимият органлари халқнинг ёки унинг вакиллари ёрдамида шакллантирилади. Давлат бошлиғи бевосита халқ томонидан ёки парламент томонидан ёхуд махсус сайловчилар томонидан сайланади. Вақти-вақти билан янги сайловлар тайин қилинади, бу ўз навбатида фуқароларга ҳукумат тuzилмаларини ўзгартириб туришга, бошқа партия ва ҳаракатларнинг ёрдамига таянишга имкон беради. Зарур бўлган ҳолларда референдумлар ўтказилади.

**ДЕМОКРАТИК ТУЗУМ** – мамлакатда давлат ҳаётини демократик асосларда ташкил қилиш; фуқароларнинг кенг ҳуқуқ ва эркинликлари мавжуд бўлиши; сиёсий плюрализм ва ижтимоий ташкилотларнинг хилма-хиллиги; аҳолида давлат органларини ва мансабдор шахсларни сайлаш учун ҳуқуқи борлиги; муқобиллик ва рақобатга асосланган сайлов тизимининг мавжудлиги; давлат органлари фаолиятининг ошқоралиги; қонунийлик режимининг мавжудлиги ва ҳоказолар.

**ДЕМОКРАТИК ЦЕНТРАЛИЗМ** – совет ҳокимияти даврида давлат ишларига раҳбарлик қилишнинг принципларидан бири бўлган. Бу принцип собиқ СССР Конституциясининг 3-моддасида мустаҳкамланган эди. Унда қуйидагича ёзиб қўйилган эди: «Совет давлатининг идораларини ташкил этиш ва фаолият юритиши демократик централизм принципларига таянади: давлат ҳокимияти органларининг қуйидан юқорига қараб сайланиши, уларнинг халқ олдида ҳисобот бериши, юқори турувчи органлар чиқарган қарорларининг қуйи органлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги. Демократик централизм ягона раҳбарликни жойлардаги ташаббус ва фаоллик билан уйғунлашган

холда олиб бориб, топширилган ҳар бир ишга мансабдор шахсларни ва давлат органларини масъулиятини белгилаб беради». **Д.ц.** сиёсий плюрализмни ва инсон ҳуқуқларини инкор қилар эди.

**ДЕМОКРАТИЯ** – ижтимоий фанларда кенг тарқалган тушунча. Демократия конституциявий-ҳуқуқий тушунча сифатида қуйидаги элементларни ўз ичига камраб олади:

1) давлат ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда халқнинг ўзи бошқарувни ташкил этадиган ҳаёт ва турмуш тарзи бўлиб, уларнинг устидан ҳеч ким раҳбарлик қилмайди. Ижро ҳокимияти тизимидаги раҳбар шахслар ва қонун чиқарувчи ҳокимият органлари халқ томонидан сайланади ва улар олдида масъулдирлар. Шундай қилиб, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан демократия – бу халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлат бўлиб, ўзининг қуйидаги институтларига эга: ошқора амалда бўлган давлат ҳокимият органларига; давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги масъулиятни ҳокимиятларни тақсимланиши тамойилига кўра амалга оширилиши, бошқарувда умумдавлат, ҳудудий, шунингдек миллий манфаатларни ҳисобга олиниши; сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини эркин ифодаловчи, муқобилликка асосланган сайлов тизимига; такомиллашган ҳуқуқий тизимга эга эканлиги, жумладан ривожланган қонунчилик ва ихчам қонун чиқариш жараёнига эгаллиги; қонунийликни ҳимоя қилувчи органлар тизимининг мавжудлиги ва шу кабилар;

2) шахс эркинлиги, яъни ҳар бир инсоннинг Конституцияда ва бошқа ҳуқуқий актларда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий, умумий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги ва ҳимоя қилиш воситаларининг мавжудлиги;

3) Конституцияда белгилаб қўйилган сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги, яъни сиёсий институтларнинг шаклланишида ва давлат фаолиятида фуқароларнинг турли ижтимоий бирлашмаларининг иштирок этиш имконияти мавжудлиги. Жамиятда ошқораликнинг мавжудлиги, фуқароларнинг муҳим масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи, ўз фикрларини билдириши ва қонуний йўл билан фикрларини қонун актларида ҳисобга олинишига эришилишини таъминланганлиги;

4) жамиятга фойдаси тегишини ҳар бир фуқаро англаб етиши, қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумда, сайловда ва шу кабиларда иштирок этиши зарурлигини англаб етишлари;

5) Конституциявий тузумнинг асоси сифатида демократия – бу интизом, шахснинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятидир. Демократия анархия билан, қонунларга риоя қилинмаслик билан сиғиша олмайди.

**ДЕНАТУРАЛИЗАЦИЯ** – чет элликни, фуқаролиги йўқ шахсни давлат фуқаролигига қабул қилишни бекор қилиш. Бундай қарорни қабул қилинишига шахснинг ўзи тўғрисида маълумотни сохталашти-

риши сабаб бўлади. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунида ўз аксини топган.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъий назар ЎзР фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

ЎзР нинг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги беш йил давомида ЎзР ҳудудида доимий яшаганлик;

Ушбу қоида ЎзРнинг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буvasи ёки бувиси ЎзР ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) ЎзРнинг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина ЎзР Президентининг Қарорига биноан ЎзР олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасидаги катта ютуқлари бўлган, шунингдек ЎзРни қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ЎзР фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, ҳавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларга ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар ЎзР фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

ЎзР Президентининг Фармони чиққан кундан бошлаб ЎзРнинг фуқаролиги йўқотилади.

**ДЕНГИЗ АРБИТРАЖ КОМИССИЯСИ** – доимий ишлайдиган ҳакамлар судларидан бири. Бундай комиссиялар, одатда, денгизга чиқиш имконияти бўлган мамлакатларнинг деярли барчасида тузилади (фаолият юритади). Масалан, РФ Савдо-саноат палатаси (РФ ССП) қошида тузилган. «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Россия Федерациясининг 1993 йил 7 июль Қонуни билан тасдиқланган РФ ССП қошидаги Денгиз арбитраж комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

Унинг ваколатларига денгиз савдоси билан боғлиқ шартномалардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни (масалан, кемаларни ёллаш, денгизда юк ташиш, денгиз суғуртаси, ҳалокатга учраган кемаларни қутқариш,

чўкиб кетган кемаларни чиқариб олиш, кемалар тўқнашуви, балиқчилик меҳнат қуролларига шикаст етказиш ва ҳ.к.) тартибга солиш киради.

**ДАК** арбитрлари рўйхати РФ ССП президиуми томонидан ҳар тўрт йилда бир марта тузилади. ДАК кўриб чиқиш учун қабул қиладиган низоларни ҳал қилиш соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахс арбитр бўлиши мумкин. Арбитрлар рўйхатига киритилган шахслар ўз раисини ва унинг ўринбосарини сайлайди. РФ ССП президиуми ДАК ишини тартибга солувчи ҳужжатлар – Арбитраж йиғимлари ва харажатлари ҳамда томонларнинг харажатлари тўғрисидаги Низом, Денгиз арбитраж комиссиясида иш юритуви Қоидаларини тасдиқлайди.

**ДЕНОНСАЦИЯ** – бир давлат томонидан иккинчи бир давлат билан илгариги тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириши. Денонсация тузилган шартномада кўрсатилган бўлади. Денонсация ҳуқуқи ва қоидалари давлат томонидан чиқарилган қонунларда ўз аксини топган бўлади.

**ДЕПАРТАМЕНТ** – 1) маълум бир мамлакатлардаги маъмурий-худудий бирлик (масалан, Францияда); 2) давлат органи (масалан, АКШ давлат департаменти, Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ёки Адлия вазирлиги ҳузуридаги департамент).

**ДЕПОРТАЦИЯ** – давлат органларининг қарорига кўра бир шахснинг ёки фуқаролар гуруҳининг ўзларининг доимий турар жойидан мажбурий равишда кўчириб юбориши ёки мамлакатдан ташқарига чиқариб ташлаш. Депортация қонунларни бузишдан, қонунсизликка йўл қўйилишидан келиб чиқади. Масалан, собиқ совет иттифоқида бир қатор халқлар (қрим татарлар, чеченлар, ингушлар, қалмиқлар ва бошқа шу қабилар) немис-фашист қўшинларига ёрдам берганликда айбланиб, ўз турар жойларидан ҳайдаб чиқарилган эди.

Депортация урушда ғолиб бўлган давлатлар томонидан мамлакатдаги вазиятни изга тушириш мақсадида амалга оширилиши ҳам мумкин (масалан, Шаркий, Пруссия, Польша, Чехославакия мамлакатларидан немисларини депортация қилиниши).

Депортация ҳозирги даврда бир қатор мамлакатлар томонидан уларнинг давлатига ноқонуний кириб келиб яшаётган шахсларга ҳам қўлланилмоқда.

**ДЕПУТАТ ИММУНИТЕТИ** – Депутатлик дахлсизлигига қаранг.

**ДЕПУТАТ ИММУНИТЕТИ** – қаранг: депутатлик дахлсизлиги.

Депутат индемнитети – депутатнинг ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида, ўз хатти-ҳаракатлари ва чиқишлари учун жавобгарликка тортилмаслигини англатади. Яъни, депутат овоз бериш жараёнида ўз фикрини ёқлаб сўзга чиқса, ўз ҳаракатлари билан маълум бир ҳаракат ёки сиёсий партияларни ёқлаб чиқса, у депутатлик фаолияти, ваколати тамом бўлганда ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Аммо бу қоида, қонунда жавобгарлик белгилаб қўйилган ҳақоратлар-

ни, бўхтонларни амалга оширса, депутатга нисбатан жавобгарлик қўлланилмайди деган, маънони билдирмайди. Депутатни жавобгарликка тортиш эса, уни депутатлик дахлсизлигидан маҳрум қилингандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

**ДЕПУТАТ КЛУБЛАРИ** – айрим мамлакатларда тузиладиган норасмий парламент фракциялари ва депутат гуруҳларининг бирлашмалари.

**ДЕПУТАТ КОРПУСИ** – сиёсий адабиётлар ва конституциявий ҳуқуқ фанида фойдаланиладиган ибора бўлиб, алоҳида олинган ёки барча вакиллик органларининг биргаликда олинган ёхуд барча депутатлар йиғиндисини билдиради. Кўпинча, депутатлар корпуси деганда мамлакатда фаолият юритаётган парламент назарда тутилади.

**ДЕПУТАТ МУРОЖААТИ** – бу депутатнинг оғзаки ёки ёзма шаклда депутатлик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, маълумотларни сўраб, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига йўлланадиган мурожаатидир. Депутат барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилишга ва ўртага қўйилган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар **Д.м.га** дарҳол, қўшимча равишда ўрганиш ёки текшириш зарур бўлган тақдирда эса, кечи билан бир ой муддат ичида жавоб қайтаришлари шарт.

«ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг (2004 йил 2 декабрь) 10-моддасида депутатнинг ва сенаторнинг парламент сўрови масаласи мустаҳкамланган. Унга кўра, депутат, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларга уларнинг ваколатларига қиладиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтан назарини билдириш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақлидир. Сўровга жавоб тегишли палатанинг мажлисида берилади. Парламент сўрови бўйича ахборот тегишли палата мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

Аmmo депутатлар ўз мурожаатлари билан суд, тергов ва суриштирув органлари фаолиятига аралashiшга ва таъсир ўтказишга ҳақли эмаслар.

**ДЕПУТАТ ТЕКШИРУВИ** – вакиллик органининг қарори ёки топшириғига асосан вакиллик органининг доимий қўмитаси ёки комиссияси томонидан тузилган махсус депутатлар гуруҳини маълум бир ходиса ёки ҳолатни ўрганиб чиқиши. **Д.т.** мазкур вакиллик органининг ваколатига қирувчи масалалар юзасидангина амалга оширилиши мумкин. Масалан, депутатнинг дахлсизлигини бузилишига олиб келувчи қонун нормаларини нотўғри қўлланиши ва шу қабилир.

**Д.т.** олиб борувчи шахс гувоҳлар, экспертлар билан суҳбат олиб



бориши, улардан тушинтириш хатлари олиши, зарур материал ва ҳужжатларни йиғиши, мажлислар ўтказиши, ходиса жойига бориб видеотасвирларни олиши мумкин.

Йиғилган материаллар асосида депутат текширувини амалга оширувчи гуруҳ ўз хулосасини чиқаради ва вакиллик органига тақдим этади. Вакиллик органи ўз йиғилишида масалани муҳокама қилиб ўз қарорини чиқаради.

**Д.т.** — бу жиноят иши кўзғатиш бўлиб ҳисобланмай, вакиллик органи ўз ваколати доирасида вазиятга баҳо беради. Агар вакиллик органи йиғилган материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатиш учун асосли деб топса, барча ҳужжатларни қайтадан синчиклаб текшириб, қонун асосида ўз қарорини қабул қилиши керак.

Кўпчилик ҳолларда депутат текшируви парламент текшируви деб ҳам номланади.

**ДЕПУТАТ** — аҳоли томонидан давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва бошқа вакиллик органлари ёхуд маҳаллий вакиллик органлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланган шахс бўлиб, у ўз сайловчиларини, бутун халқнинг манфаатини ифода этади.

Депутатлар ҳудудий сайлов округи ёки сайлов бирлашмалари рўйхати бўйича сайланиши мумкин. Маҳаллий вакиллик органларига депутат бўлиб 18 ёшга етган фуқаролар сайланиши мумкин. ЎзР Конституциясида таъкидланишича 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга.

Депутатлар ўзлари сайланган органлар орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадилар. ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг депутатлари қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширишда, яъни қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни қўмита ва комиссиялар ҳамда сессия мажлисларида муҳокама қилишда, қонунларни қабул қилишда қатнашадилар.

Ҳар бир депутат ўз депутатлик фаолияти даврида ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб турадилар, тегишли ҳокимият вакиллик органида уларнинг манфаатларини ифода этадилар, сайловчилар олдида масъулдилар.

Депутатлар тегишли ҳокимият вакиллик органини, бу орган тузадиган қўмиталар ва комиссияларнинг ишида фаол иштирок этишни таъминлайдиган барча ҳуқуқларга эга. Ҳокимият вакиллик органи депутатнинг ўз иши тўғрисидаги, қабул қилинган қарорлар ва ўзига берилган топшириқларни қандай бажараётганлиги ҳақидаги ахборотларни тинглашга ҳақли.

«ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, депутатлар:

– Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг сайлаш ва сайланишга;

– палата мажлисида қараб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

– мажлисда муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

– қарор лойиҳалари ва уларга тузатиш киритиш учун таклиф билдиришга;

– палата сайлаб қўядиган, тайинланадиган ёки тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг номзодлари хусусида ўз фикрини билдиришга;

– музокараларда қатнашишга, парламент сўрови билан мурожаат қилишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

– ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари хусусида изоҳ беришга;

– Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, тегишли вакиллик органи қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқиш учун масалалар таклиф этишга ҳақлидирлар.

ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақомида депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти ва ҳуқуқлари батафсил кўрсатилган. Унга кўра, депутатлар сайлов округида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан матбуот органларида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш борасида имтиёзли ҳуқуққа эга.

Бундан ташқари, депутат ўз сайлов округида аҳолини тегишли ҳокимият вакиллик органининг иши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туриши; қонунларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг қарорларини бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда иштирок этиши; жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимият органларига хабар бериши, тегишли қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш чоғида ўз таклифларини киритиши лозим.

Депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чоралари-

ни кўриши, фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиб туриши, сайловчилар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши қонунда кўрсатилган.

Давлатлардаги мавжуд тузумдан келиб чиққан ҳолда депутатлар императив (мажбурий) ва умумий (эркин) мандатга эгадирлар. Императив мандатга кўра сайловчилар ўз депутатларига бажарилиши шарт бўлган топшириқлар бера оладилар. Улар ишонччи оқламаган депутатларни муддатидан олдин вазифасидан чақириб олишлари мумкин.

Умумий (эркин) мандатга кўра, депутат ўз номидан чиқиш қилар экан, ўзини сайлаган сайловчиларнигина манфаатини ҳимоя қилмасдан, мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифода этади. Эркин мандатга эга депутатлар ўз сайловчиларининг топшириғига боғланиб қолмайдилар, улар олдида ҳисоб бермайдилар, сайловчилар депутатни муддатидан олдин вазифасидан чақириб олиш имкониятига эга бўлмайдилар. Чунки депутат сайловчиларнинг алоҳида гуруҳининг эмас, балки бутун халқнинг, бутун миллатнинг вакили ҳисобланади. Масалан, Италияда «парламентнинг ҳар бир аъзоси бутун миллатнинг вакили ҳисобланади ва ўз вазифаларини мажбурий мандатсиз бажаради» (Конституциянинг 67-моддаси).

Ривожланган демократик мамлакатларнинг Конституциялари эркин мандатни мустаҳкамлаб қўяди, депутатнинг эркинлигини чеклаган ва унинг сайловчилар томонидан чақириб олинишини ҳимоя қилади.

Депутат гувоҳнома ва махсус кўкрак нишонига эга бўлиб, уларнинг намуналари давлатнинг махсус органлари томонидан тасдиқланган бўлади.

**ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ** – бу вакиллик органидаги депутатларнинг маълум бир партия, сиёсий ҳаракат, оқимлар асосида ташкил топган бирлашмаларидир. Депутатлар гуруҳи депутатларнинг ўзаро бир-бирига ёрдам бериши, вакиллик органи фаолиятига кучлироқ таъсир этиши учун депутатларнинг бирдамликка эришиши учун тузилади.

Ўзбекистон парламентида депутатлар партиявий фракциялар ва гуруҳларга бирлашадилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты фақат битта депутатлар бирлашмаси (фракция)да бўлишга ҳақли.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларининг фаолияти тўғрисидаги масала мантиқан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис палаталари ва парламентга сайлов тўғрисидаги қонунларидан келиб чиқади.

Мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда кучли омил бўлди. Сайловларда қатнашган барча сиёсий партияларнинг қонунга мувофиқ равишда парламентнинг Қо-

нунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлди. 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайловларда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган 54 та номзоддан 12 нафари депутат этиб сайланди. Сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз уларнинг сиёсий ва фуқаролик савияси етуқлигини, ўз ҳаёти, ўз келажагини умумэтироф этилган демократик кадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

Аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирининг ошиши мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланмоқдалар.

**ДЕПУТАТЛИК ТЕКШИРУВИ** – қаранг: Депутатлик текшируви.

**ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ** – депутатлар ўз вазифаларини, депутатлик ваколатларини амалга оширишлари учун қонун билан белгилаб қўйиладиган шарт-шароитлар. Энг муҳим кафолатлар давлатларнинг конституцияларида белгилаб қўйилиши мумкин (масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 88-моддаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг шахсий дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлаб қўйган). **Д.ф.к.** депутатлар мақоми тўғрисидаги қонунларда анча баътафсил мустаҳкамлаб қўйилади.

**Д.ф.к.** кенгроқ талқин қилинганда, у депутатнинг ҳуқуқларини (ваколатларини) ҳамда уларни амалга ошириш шарт-шароитларини ўз ичига олади, торроқ талқин қилинганда эса ҳуқуқларнинг (ваколатларнинг) ўзи назарда тутилади.

**Д.ф.к.** ташкилий, моддий кафолатларга, меҳнат ҳуқуқлари, шахсий дахлсизлик кафолатларига бўлиниши мумкин.

**Ташкилий кафолатлар** шундан иборатки, бунда давлат ва унинг органлари, маҳаллий ўзини ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар депутатлар ўз вазифалари ва ваколатларини муваффақиятли бажаришлари учун барча шарт-шароитни яратишлари шарт. Масалан, Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес девони, ҳокимликлар депутатларни тегишли ҳокимият вакилик органлари қабул қилган ҳужжатлар билан таъминлайдилар, ахборот ва ёрдамчи материаллар билан таъминлашга қўмақлашадилар,

депутатлик фаолияти билан боғлиқ масаллар юзасидан мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштирадilar.

Депутатлик фаолияти масалалари юзасидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати депутатлик гувоҳномасини кўрсатиб, республика ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ва давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Жўқорғи Кенгес депутати мазкур ҳуқуқдан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида, вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати эса тегишли Кенгашга қарашли ҳудудда фойдаланади.

Депутат барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилишга ва ўртага қўйилган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир.

**Моддий кафолатлар** вакиллик органининг даражасига боғлиқ бўлади. Масалан, Қонунчилик палатасининг депутатига ўз вазифасини профессионал доимий асосда бажарадиган шахс сифатида ойлик ҳақ тўланади. Бундан ташқари, унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Шунингдек Қонунчилик палатасига доимий ишга ўтказилган бошқа шаҳарлик депутатларга оила аъзолари билан биргаликда яшашлари учун тегишли даврга хизмат турар жойи бериб қўйилади.

Депутатларга йўловчилар транспортда юриш билан боғлиқ муайян кафолатлар ҳам берилади ва х.к.

**Меҳнат ҳуқуқлари** шундан иборатки, Қонунчилик палатасида доимий асосда ишловчи депутатларнинг ваколатлари муддати тугагач, уларга аввалги ишлари (лавозимлари) берилади ёки бундай иш (лавозим) бўлмаса, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг депутати ўз депутатлик вазифаларини бажарадиган вақтда унинг иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда депутатни ишдан озод қилишлари шарт. Депутатлик вазифаларини бажараётган вақтда депутатнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

**Шахсий дахлсизлик кафолатлари** ҳам депутатнинг қайси даражадаги вакиллик органининг депутати эканлигига боғлиқ бўлади. Чунончи, Қонунчилик палатасининг депутати шу палатанинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши-

нинг депутати эса тегишли халк депутатлари Кенгашининг розилигисиз тегишли ҳудудда жинойий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, камокқа олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

Депутатни, сенаторни мажбурий келтиришга, шунингдек унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечирिशга йўл қўйилмайди.

Депутат, сенатор тегишли палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи-назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугагандан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан депутат, сенатор ҳақорат қилишга, тухмат қилишга ёки қонун ҳужжатларига жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала ЎзР Бош прокурорининг тақдимномасига биноан ЎзР Олий Мажлисининг тегишли палатаси томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

ЎзР Бош прокурорининг депутатни жинойий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, камокқа олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масалага доир қарори кейинчалик Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ёки палаталар Кенгашларининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол ЎзР Бош прокурорига юборилади.

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган ЎзР Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Қонунчилик палатасига ёки Сенатга ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

ЎзР Олий Мажлиси тегишли палатасининг депутатни, сенатор-

ни даҳлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

**ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД** – маълум ёшга етган, сайлов ҳуқуқига эга, олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайланиш учун қонунда белгиланган тартибда кўрсатилган ва рўйхатга олинган давлат фуқароси. **Д.н.** тегишли кафолатларга ва ҳуқуқларга эга бўлади. Булар:

– Белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

– сайловчилар билан учрашувларда иштирок этиш;

– ишончли вакилларига эга (Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилига эга бўлади) бўлиш;

– **Д.н.** сайлов олди тадбирларида иштирок этиш учун, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилинади.

– Тегишли сайлов округи доирасида йўловчи транспортдан (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларнинг буюртма йўналишларидан ташқари) текин юриш ҳуқуқига эга.

Қуйидагилар депутатликни номзод этиб рўйхатга олинмайди:

– Содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

– Сайлов қунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, МХХ, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

– Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

– Депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эга.

**ДЕПУТАТЛИККА, САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ЛАВОЗИМГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ** – сайлов жараёнининг бир қисми бўлиб, унинг давомида турли жамоат бирлашмалари, фуқаролар гуруҳлари ва айрим фуқаролар номзодлар кўрсатадилар, уларни қўллаб-қувватловчи имзолар тўплашни ташкил этадилар ва сўнгра номзодларни ёки уларнинг рўйхатларини рўйхатга олиш учун тегишли сайлов комиссиясига тақдим этадилар.

ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари сай-

лови ва ЎзР Президенти сайлови мисолида номзод кўрсатишнинг ўзи га хос хусусиятларини баён қиламиз.

1. 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, 2003 йил 29 августда тасдиқланган янги таҳририга мувофиқ, депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўли билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

ЎзР Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

имзо варақалари.

Ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз йигирма нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депу-



татликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари хал этадилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат;

сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белги-

лайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли конунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Конунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Сиёсий партиёнинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Хужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси хужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган хужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига белгиланган тартибда маълум қилади.

2. 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган 1997 йил 26 декабрда ва 1999 йил 19 августда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган «ЎзР Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ЎзР Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина у ЎзР Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

ЎзР Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин йигирма кун ичида Марказий сайлов комиссиясига қуйдагиларни тақдим этиши лозим: сайловда қатнашиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; ЎзР Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Хужжатлар тақдим этилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партия вакилига санаси қайд этилган маълумотнома ва белгиланган намунадаги имзо варақалари бланкаларини беради.

ЎзР Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганда тўхтатилади.

ЎзР Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига битта номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия ЎзР Президентлигига фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир, ҳокимият вакиллик органи эса ЎзР Президентлигига номзодни, унинг у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, кўрсатишга ҳақлидир. ЎзР Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баён тузилади.

Сиёсий партиянинг, ҳокимият вакиллик органининг раҳбари ЎзР Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади.:

Сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ЎзР Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

Сиёсий партия юқори органи мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясининг ЎзР Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда ЎзР Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

ЎзР Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси.

Сиёсий партия раҳбари ЎзР Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини ҳам тақдим этади. Имзо варақалари ЎзР жами сайловчиларининг камида бир фоизи имзосини камраб олган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидир. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўлаган шахс ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплайётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш

ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан у кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси ЎЗР Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганда тўхтатади.

**ДЕПУТАТНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ** – бу депутатни сайлаган вакиллик органининг розилигисиз жинойӣ жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмаслигини билдирувчи депутатлик мақомининг энг муҳим кафолатининг ҳуқуқий ифодасидир. Шундай қилиб, депутатнинг дахлсизлиги, кўпгина оммавий ахборот воситаларида ёзилганидек депутатнинг жавобгарликка тортилмаслик учун берилган имтиёз бўлмай, депутатнинг ноқонуний таъқибдан ҳимоя қилувчи бир қатор масъулият чораларининг қўлланилишидир.

ЎЗРнинг Конституцияси депутатнинг дахлсизлигини назарда тутовчи қондани белгилаб қўйган. Конституциянинг 88-моддасига кўра депутат парламентнинг розилигисиз жинойӣ жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган жазога тортилиши мумкин эмас. Ушбу конституциявий қоида Қонунчилик палатаси депутатининг шаъни ва кадр-қимматини шахснинг муҳофаза этиш мақсадида, унинг муайян юридик жавобгарликка тортилмаслигини билдиради.

Депутатлик мақомининг бундай кафолати депутат бўлган шахснинг жинойӣ ёки маъмурий тарзда асоссиз жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган. Аммо унинг асло депутатни муайян жазодан қутқариш воситаси деб тушунмаслик керак.

Депутатлик дахлсизлиги ҳуқуқи, унинг мажбуран ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга келтиришга, ушлаб туриш ҳамда депутатнинг шахсий буюмларини, юки, транспорти, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўймасликда ифодаланади.

Депутатни бирон-бир шаклдаги юридик жавобгарликка тортилишидан олдин, унинг хатти-ҳаракати тегишли идоралар томонидан синчиклаб текшириб чиқилиши лозим.

Парламент депутатиға нисбатан жиноий иш фақат ЎЗР Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин. Депутатни жавобгарликка тортиш учун розилик олиш тартиби 2004 йилнинг 2 декабрида қабул қилинган «ЎЗР Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг макоми тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида ба-тафсил маълумот берилган.

Депутатлик дахлсизлиги депутатларнинг бутун ваколат муддати мобайнида амалда бўлиб, бу муддат тугагандан сўнг, унинг амал қилиши тўхтатилади.

**ДЕ—ФАКТО** — норматив актда кўзда тутилганидан фарк қиладиган ёки ҳуқуқ билан тартибга солинмаган маълум бир соҳадаги, маълум бир масала бўйича мавжуд бўлган ишнинг ҳақиқий аҳволи.

**ДЕ—ЮРЕ** — норматив ҳуқуқий актда кўзда тутилган ижтимоий муносабатларни ривожланиш тартиби.

**ДИАРХИЯ** — конституциявий ҳуқуқда камдан-кам фойдаланиладиган термин бўлиб, давлатдаги икки олий мансабдор шахснинг мақомини тенглигини билдиради. Масалан, президент ва ҳукумат раислари мақомининг тенглиги.

**ДИАСПОРА** — маълум бир давлат ҳудудида яшовчи, аммо бошқа бир давлатда ўз давлат тузилмасига эга, маълум бир халқ миллат вакилларининг йиғиндиси (масалан Ўзбекистонда яшовчи рус, украин миллатининг диаспораси). Конституциявий ҳуқуқда «диаспора» тушунчасидан ўз ватандошларига нисбатан давлат сиёсатини юритишда фойдаланилади.

**ДИНДОРЛАР** — бирон-бир динга эътиқод қилувчи барча шахсларнинг ҳуқуқда, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда қўлланиладиган умумлаштирилган номи.

**ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ** — қаранг: Виждон ва диний эътиқод эркинлиги.

**ДИНИЙ ЭЪТИҚОД** — инсоннинг динга бўлган муносабатини белгилашда қўлланиладиган тушунча. Диний эътиқод эркинлиги ЎЗР Конституциясининг 31-моддасида мустаҳкамланган. Унда қуйидаги қоида баён этилган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдириш йўл қўйилмайди». Шунингдек, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган, 1998 йил 1 майда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, янги

тахрири тасдиқланган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда ушбу конституциявий қонда ривожлантирилган. Чунончи, Қонуннинг 5-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди». Шунингдек Қонуннинг 3-моддасида «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар» дейилган.

**ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНА** — бу маълум бир давлатнинг бошқа бир давлат ҳудудида ёки халқаро ташкилотларда мавжуд бўлган ташқи алоқа органлари — элчихона, миссия ва ваколатхоналаридир.

**ДИПЛОМАТИК ИММУНИТЕТ** — дипломатнинг шахсий дахлсизлиги, уни турар ва ишлайдиган жойини дахлсизлиги ҳамда дипломатни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги. Бундан ташқари дипломатлар фаолият кўрсатаётган давлатда маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка (айрим ҳоллардан ташқари) тортилиши мумкин эмас ва уларнинг шахсий юклари текширувдан ўтказилмайди. **Д.и.** масаласи халқаро конвенциялар, икки томонлама шартнома-лар, шунингдек ҳар бир давлат томонидан қабул қилинадиган ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**Д.и.ни** ўрнатилиши ва амал қилиши дипломатларга ўз вазифасини эркин, хавотирсиз бажариш имконини беради.

**ДИПЛОМАТИК ИМТИЁЗ ВА ИММУНИТЕТЛАР** — бу халқаро ҳуқуқ асосида давлатларнинг ахдлашувига кўра дипломатик ваколатхона ёки махсус миссиянинг раҳбарларига, ходимларига ўз функцияларини самарали ва ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга ошириши учун яратиб берилган шарт-шароитлардир.

1961 ва 1969 йиллардаги Вена Конвенцияларига мувофиқ бундай имтиёзлар қаторига хорижий давлат вакиллик органининг, у эгаллаб турган биноларга нисбатан, алоҳида кўрсатилган хизматларга тўловлардан ташқари барча давлат тўлов ва маҳаллий солиқ йиғим ва божлардан озод этилиши, вакиллик томонидан фойдаланиш учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, солиқлар ва йиғимлари тўланмасдан олиб кириш ҳуқуқи, ваколатхона ва унинг бошлиғи томонидан юборилувчи давлат байроғи ва гербини ваколатхоналарига, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳига ва у фойдаланадиган транспорт воситаларига осиб қўйиш ҳуқуқи киради.

Дипломатик ваколатхона ходимлари қуйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар: миссия жойлашган давлат ҳудудида эркин ҳаракат қилиши, барча давлат ва маҳаллий солиқ, йиғим ва божлардан озод этилиш, барча меҳнат ва давлат мажбуриятларидан озод этилиши, ўзи ва

оила аъзоларини шахсий фойдаланиши учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, солиқ ва йиғимлар тўламасдан олиб кириш.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссиялар иммунитетига каторига, улар жойлашган биноларнинг (хоналарнинг) дахлсизлиги, ушбу бино ва уларда жойлашган буюмлар дахлсизлиги, архив ва ҳужжатларни ҳар қандай вақтда ва уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар тинтув қилинмаслиги иммунитетига киради.

Дипломатик ваколатхона ходимлари имунитети қаторига улар шахсининг дахлсизлиги (яъни улар хибсга олинишлари ёки бошқа бирор шаклда ушланишлари мумкин эмас), уларнинг шахсий хоналари, қоғозлари, хатлари (дипломатик ёзишмалари) ва мулки дахлсизлиги, ваколатхона жойлашган давлат жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияси жорий этилмаслиги иммунитетига киради.

Мазкур шахслар иммунитетидан уларни юборувчи давлат воз кечиши мумкин. Чунки иммунитет алоҳида шахслар фойдаси учун эмас, балки ушбу давлат номидан вакиллик қилаётган давлат органлари функциясини самарали амалга оширилишини таъминлаш учун берилади.

**ДИПЛОМАТИК КЛАСС (тоифа) ВА РАНГ (мартаба)** – давлатнинг дипломатик вакилларининг даражаси ва унвони бўлиб, ушбу ном ва унвонлар дипломатларга берилади.

1961 йилда қабул қилинган Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясига кўра дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари уч тоифа (класс)га бўлинади: элчилар ва нунцийлар; мухтор вакиллар тоифаси (интернунцийлар); муваққат ишлар бўйича вакиллар.

Дипломатик мартабалар (ранг) дипломатик ходимларга берилади. Дипломатик мартабалар давлат томонидан ўрнатилади. Давлатларда куйидаги дипломатик мартаба (ранг)лар мавжуд: атташе, учинчи, иккинчи, биринчи котиблар, мухтор вакил, миссионер, элчи. Давлатлар томонидан янада кичик мартабалар жорий қилиниши мумкин.

**ДОГИСТОН (Догистон Республикаси)** – 1994 йилнинг 26 июлида Конституциявий Мажлис томонидан қабул қилинган **Д.** Конституциясига кўра – **Д.** барча кўп миллатли халқини манфаатларини ва хоши-истакларини ифодаловчи, Россия федерацияси таркибидаги суверен, ягона, демократик давлат. Конституцияга кўра **Д.** ва **Д.** Республикаси деб номланиши бир хил маънога эга. Конституцияда ёзилишича **Д.** Республикаси халқнинг тенг ҳуқуқли бирлигига асосланади. **Д.** ягона ва бўлинмас бўлиб, барча **Д.ликларнинг** Ватани бўлиб ҳисобланади. **Д.** халқларини биргаликдаги тинч ҳаётини бузишга қаратилган ҳаракатлар конституцияга зид бўлиб ҳисобланади. **Д.** давлат тили рус тили ҳамда **Д.** халқларининг тили бўлиб ҳисобланади (**Д.** Конституциянинг 10-моддаси). Пойтахти – Махачкала шаҳри.

**Д.даги** конституциявий тузум асослари РФ Конституцияси қондаларидан келиб чиқади. Аммо **Д.** Конституциясининг баъзи бир жой-



ларида РФ Конституциясидан фарк қиладиган жойлари бор. Масалан, **Д.** Конституцияси (11-модда) **Д.** худудидан четда яшаётган ўз ватандошларига **Д.** фуқаролигини бериш ҳуқуқини киритган. **Д.лик** ватандошларнинг **Д.** фуқаролигини қабул қилиши РФ фуқаролигини қабул қилинишига олиб келмайди, чунки у РФ қонунчилигида кўзда тутилмаган. Демак **Д.** ўз фуқаролигига чет элликларни қабул қилган бўлиб қолади. Чет элликларни РФ фуқаролигига қабул қилиш РФ ваколатига қиради. **Д.** Республикасини бунга ҳуқуқи йўқ.

**Д.** Конституциясининг 14-моддасига кўра ер, тупроқ, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, каспий денгизининг континенталь шельфи ресурслари, денгиз иқтисодий зоналари **Д.** халқининг мулкидир. РФ конституциясига кўра эса юқоридагиларнинг барчасига эғалик қилиш РФ ваколатига қиради. Шундай қилиб, **Д.** Конституцияси РФнинг ваколатларига қарши чиққан.

**Д.** Конституциясининг 65-моддасида **Д.нинг** суверен ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган федерал қонун ва ҳуқуқий актларнинг амал қилиниши **Д.** худудида тўхтатиб қўйилади, – деб ёзилган. Бу актларга ўрнатилган қонуний тартибда норозилик билдириш мумкин. Аммо **Д.** Республикасининг РФ актларига қарши чиқиш ҳуқуқи йўқ.

**Д.да** Конституциявий Мажлис (КМ) Дористоннинг янги Конституциясини қабул қилиш учун Давлат Кенгашини (ДК) шакллантириш ва уни таркибига ўзгартириш киритиш учун чиқарилади. Конституциявий Мажлис шунингдек Давлат Кенгаши Раисини лавозимдан тушириши (агар у ўз қасамёдини бузса, **Д.** Конституцияси ва қонунларига хилоф иш юритса), Халқ Мажлисини (ХМ) тарқатиб юбориши ва янги сайловлар ўтказишни тайинлаш ҳуқуқига эга. Конституциявий Мажлиснинг таркиби **Д.** парламентининг депутатлари ва маъмурий-худудий тузилмалар вакилларида иборат. Улар ҳар бир худуддан парламент депутатлари сонига пропорционал равишда маҳаллий ўз ўзини бошқариш органларини вакилларида иборатдир. Конституциявий Мажлисни фақат Парламент чақиради.

**Д.нинг** вакиллик ва қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи Халқ Мажлиси, яъни **Д.** парламентида. Халқ Мажлиси тўғридан-тўғри умумий сайлов асосида 4 йил муддатга сайланади ва 121 депутатдан иборат. Халқ Мажлиси қўйдаги ваколатларга эга: **Д.** Конституциясининг 1,2,10 бобларидан ташқари бошқа барча бобларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши; **Д.** Қонунларини қабул қилиш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; Давлат Кенгаши билан ҳамкорликда **Д.нинг** ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олиш; **Д.** чегараларини тасдиқлаш, унинг маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш; **Д.** ҳуқуқати Раиси лавозимига тайинлаш учун розилик бериш; Конституциявий Суд, Олий суд, Олий ҳакам (Арбитраж) суди шаҳар ва район судларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; **Д.** Прокурорини лавозимига тайин-

лаш ва лавозимидан озод қилиш; Ҳисоб палатаси раисини, унинг ёрдамчисини ва аудиторларни, Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; Давлат Кенгаши Раиси ва аъзоларини лавозимидан тушириш учун уларга қарши айбловларни илгари суриш; **Д.** Ҳукуматига ишончсизлик билдириш масаласини ҳал этиш; **Д.** давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг бажарилиши бўйича ҳисобот бериш, **Д.** республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини қабул қилиш; **Д.** халқларини миллий ривожлантириш, миллатлараро муносабатлар масалаларини кўриб чиқиш; Конституциявий судни чақириш ва ҳоказо.

Давлат Кенгаши ижроия ҳокимиятга бошчилик қилади ва **Д.** давлат ҳокимияти органларини ўзаро бирдамлигини таъминлайди. Давлат Кенгаши 14 кишидан иборат бўлиб, улар Конституциявий Мажлисни шакллантиради. Давлат Кенгаши таркибига, давлат Кенгаши Раиси; Доғистон Ҳукуматининг Раиси эса Давлат Кенгаши Раиси ўринбосари ва республика аҳолисини кўп миллатли эканлиги ҳисобга олиниб, Конституциявий Мажлис таркибидаги бошқа шахслар киради. Давлат Кенгаши таркибига бир миллат вакилидан фақат битта аъзо сайланиши мумкин. Давлат Кенгаши таркибига кирган шахслар, халқ Мажлиси депутатлари, **Д.** Ҳукумати аъзоси, **Д.** Олий судининг судьялари бўла олмайдилар. Улар ўз ваколатларини бажариш чоғида, бирон бир партия ёки ташкилот аъзоси бўлишдан сакланиб турадилар.

Давлат Кенгаши 4 йил муддатга сайланади. Бу муддат тугашига 30 кун қолганда, Конституциявий Мажлис чақирилади. Агар бу даврда Халқ Мажлиси ваколати тугашига уч ой муддатдан кам қолган бўлса, янги Халқ Мажлисини шакллантиришга 30 кун қолганда сайловлар бўлиб ўтади. Бу даврда Давлат Кенгаши ваколатлари сакланиб қолади.

Давлат Кенгаши Конституцияга риоя қилинишининг, республика ҳудудининг ягоналигини, қонунийлик ва тартиботнинг, халқларнинг тенглигининг, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг, **Д.** номидан тузилган шартнома ва келишувларга риоя қилинишининг кафолати бўлиб ҳисобланади. Давлат Кенгаши Халқ Мажлиси билан ҳамкорликда **Д.**нинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради, Халқ Мажлиси билан келишган ҳолда **Д.** Ҳукуматининг Раисини тайинлайди; Ҳукумат Раисининг тақлифига кўра Доғистон Ҳукуматини шакллантиради, уларнинг таркибига ўзгартиришлар киритади; Халқ Мажлисига республика судларига судьяларни тайинлаш бўйича ўз номзодларини тақдим этади, **Д.** Прокурори лавозимига номзодни тақлиф қилади; **Д.** Ҳукуматини ва ҳукумат аъзоларини истеъфосини қабул қилади; Ҳукумат Раисини тақлифига кўра республика ижроия ҳокимият органларини тизими ва тузилишини тасдиқлайди; **Д.** ҳудудининг барчасида ёки унинг маълум бир қисмида фавқулодда ҳолат эълон қилиши ва фармоннинг Халқ Мажлисига тақдим

килиши, у эса бу фармонни тасдиклаши лозим; референдумларни тайинлайди; миллий, худудий, давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни таъминлайди ва ҳоказо.

Давлат Кенгаши Раиси республика бошлиғи бўлиб ҳисобланади. Давлат Кенгашининг Раиси бўлиб, 35 ёшдан кам бўлмаган ва Доғистонда 10 йилдан кам яшамаган **Д.** фуқароси сайланиши мумкин.

Давлат Кенгаши Раиси Давлат Кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади, Доғистонни мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда тақдим қилади, шартномаларни имзолайди, **Д.нинг** қонунларини имзолайди ва эълон қилади, Давлат Кенгашини қарорлари ва фармонларини имзолайди, фармойишлар чиқаради, Халқ Мажлисига ҳар йил республикадаги аҳвол тўғрисида маълумот беради, халқаро ва ташқи, ички сиёсатнинг энг муҳимлари ҳақида парламентга ахборот беради ва бошқа шу каби ваколатларни амалга оширади.

**Д.** ҳукумати давлат ҳокимиятини ижро ва фармойиш берувчи органи бўлиб ҳисобланади. **Д.** ҳукумати Халқ Мажлиси ва Давлат Кенгаши олдида масъулдирлар. Янги тузилган Ҳукумат Давлат Кенгашида кўриб чиқилиши учун ўз ваколати тугашигача бўлган муддатгача фаолият олиб бориш дастурини тақдим этади.

**Д.** Конституциясининг 112-моддасига кўра **Д.да** суд тизимини Конституциявий Суд, Олий Суд, Олий Ҳакам (Арбитраж) Суди, район, шаҳар судлари ташкил этади.

Конституциявий Суд конституциявий тузумни химоя қилиш бўйича Олий суд органи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг аъзоси 5 кишидан иборат. Уларнинг ваколатига куйидагилар қиради: республика қонунларининг, Давлат Кенгаши, Халқ Мажлиси ва **Д.** Ҳукумати чиқарган норматив-ҳуқуқий актларнинг, **Д.нинг** кучга киритилмаган шартномаларини, маъмурий-худудий бирлашмаларни низомларини, шаҳар ва район маъмурияти ва вакиллик ҳокимият органларини норматив актларини қонуний эканлигини кўриб чиқиш; **Д.** давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимланиши бўйича келиб чиққан низоларни кўриб чиқиш; **Д.** қонунларини қонунийлигини текшириш; **Д.** Конституциясини шарҳлаш; **Д.** Конституцияси ва қонунларини РФ Конституцияси ва қонунларига мос келиши тўғрисида хулосалар бериш; **Д.** Давлат Кенгаши Раисининг лавозимига лойиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ва ҳоказо.

**Д.да** маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллий маъмуриятларга маҳаллий микёсда референдумлар ўтказиш ва шу каби бевосита демократия шаклларида фойдаланиш ваколати берилади.

**ДОМИНИКАН** (Доминикан Ҳамдўстлиги) – бу кичик Антиль ороллари гуруҳига кирувчи орол-давлат. 1978 йилнинг 3 ноябрида мустақилликка эришган. Биритания ҳамдўстлик аъзоси. Пойтахти Роза шаҳри. Маъмурий-худудий бирлиги 10 та қавмдан иборат.

1978 йилнинг июлида Лондонда бўлиб ўтган конференцияда Кон-

ституция ишлаб чиқилган. Бошқарув шакли – республикадир. Давлат бошлиғи президент бўлиб, беш йил муддатга парламент томонидан сайланади. Парламент мажлиси Палатаси ҳисобланиб 31 депутатдан иборат, унинг 21 таси умумий сайлов асосида сайланади, 9 таси давлат бошлиғи – президенти томонидан тайинланади. Парламент спикери алоҳида равишда давлат бошлиғи томонидан тайинланади. Спикернинг ваколат муддати – беш йил. Премьер-министр парламентда кўпчилик овоз олган партиянинг раҳбари ичидан танлаб олиниб президент томонидан тайинланади.

**Д.** Республикаси – Шарқий Ҳиндистондаги давлати бўлиб, Гаити оролининг шарқий қисмида жойлашган. Пойтахти – Санто-Доминго шаҳри. Маъмурий-ҳудудий бирлиги 29 та провинция ва миллий округдан иборат.

Мамлакатда 30 йил Трухильо (1930-1961 йиллар) диктатурага амал қилинди. 1965 йили мамлакатни америкаликлар босиб олгандан сўнг ҳокимият Президент Болагер (1966–1978 йиллар, 1986, 1990, 1994 йилларда қайта сайланган) қўлига ўтди. 1996 йилнинг 30 июлида президентликка Л. Фермандел Рейн сайланди.

1966 йилги Конституция бўйича давлат бошқарув шакли президент республикаси бўлиб ҳисобланади. Президент ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи бўлиб кенг ваколатларга эга. Президент аҳоли томонидан тўрт йил муддатга сайланади ва чекланмаган равишда қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Президент билан бирга вице-президент ҳам сайланади.

Парламент Миллий Конгресс деб номланиб, тўрт йил муддатга сайланадиган 30 сенатордан иборат, сенат ва тўрт йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборат депутатлар палатасига бўлинади. Ҳукумат президент томонидан шакллантирилади ва парламент олдида ҳисоб беради.

**Дума** – 1) Ўрта асрларда Рус давлатида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга масалаларни кўриб чиқиш учун подшо томонидан чақириладиган табақа-вакиллик органи; 2) XX аср бошидаги давлат Думаси – биринчи Россия умумдавлат парламенти. Дума – маҳаллий сайлов (вакиллик) ташкилоти ва унинг номланиши; 3) Ҳозирги пайтда РФ Федерал Мажлисининг Давлат думаси – Россия парламентининг қуйи палатаси бўлиб давлат ҳокимият органи сифатида фаолият юритади. Давлат Думаси 450 депутатдан иборат. Унинг 225 таси бир мандатли ҳудудий сайлов округи бўйича сайланади, қолган 225 таси сайлов бирикмалари, яъни сиёсий партиялар, ҳаракатларнинг федераль рўйхати бўйича сайланади (қаранг: РФ Федераль Мажлисининг давлат Думаси); 4) Дума ҳозирда РФ субъектларининг бир қатор вакиллик (қонун чиқарувчи) ҳокимият органлари, шунингдек кўпгина шаҳар ва районларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вакиллик органларининг номи.

**ЎЗИШМАЛАР, ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШУВЛАР, ПОЧТА, ТЕЛЕГРАФ ВА БОШҚА ХАБАРЛАР СИРИ** – к.: Ўзишмалар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа хабарларни сир сақлаш ҳуқуқи.

**ЎРДАМЧИ АППАРАТ (девон)** – давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг кундалик жорий фаолиятини, уларнинг вазифалари ва (ёки) уларнинг раҳбарлари вазифалари бажарилишини таъминлайдиган бўлинмаларининг умумлаштирилган номи. Одатда **Ё.а.** жумласига девонхона, қабулхона, умумий ва ташкилий бўлимлар, ишлар бошқармаси, маъмурий-хўжалик бўлими, котибиятлар, раҳбарнинг ёрдамчилари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича бўлимлар, таҳлилий ва матбуот марказлари ва бошқа шу сингарилар киради.

**ЎШ ЧЕГАРАСИ (ёш цензи)** – фуқарога сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи бериладиган ёшнинг белгилаб қўйилиши (қаранг. *Актив сайлов ҳуқуқи, Пассив сайлов ҳуқуқи. Сайловда чеклаш шартлари (сайлов цензи)*).

**ЖАЗО** – сўзнинг кенг маъносида номақбул қилмиш содир этган шахс учун келиб чиқадиган салбий оқибатлар; ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида – жиноят содир этишда айбланган шахсларга нисбатан давлат томонидан қўлланадиган мажбурлов чораси. Унинг моҳияти – тегишли шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки уни ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш. **Ж.нинг** мақсади эса – адолатни тиклаш, шунингдек маҳкумни тарбиялаш ва янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш (яна к.: *Жазо чораси. Қажоққа олиш*).

**ЖАЗОИР (Жазоир Халқ демократик Республикаси)** – Шимоли-ғарбий Африкадаги давлат. Франциянинг собиқ мустамлақаси. 1962 йил 5 июлда мустақиллиги эълон қилинган, 1962 йил 25 сентябрдан Жазоир Халқ Демократик Республикаси деб аталади. Пойтахти – Жазоир шаҳри.

Мустақил **Ж.нинг** биринчи Конституцияси 1963 йил 8 сентябрдаги референдумда маъқулланган. Янги Конституция 1989 йил 23 февралда қабул қилинган. 1996 йил 28 ноябрдаги референдум Конституцияга муҳим ўзгартишлар киритди.

1988 йилги конституциявий ислохот, 1989 йилги Конституция ва 1996 йилда унга киритилган тузатишлар асосан бошқарувнинг парламент (аниқроғи, қисман парламент) шаклини белгилади; Президент қўлида анча катта ваколатлар сақланиб қолди.

**Ж.** конституциявий тузуми кейинги йилларда беқарорлиги билан ажралиб туради. 1992 йил 11 январда мамлакатнинг истеъфога чиқётган Президенти Ж. Бенжадид Миллий халқ мажлисини ҳали шаклланиб бўлмасиданок тарқатиб юбориш тўғрисидаги декретни имзолади. Ўшанда 1991 йил 26 декабрда бўлиб ўтган сайловда биринчи тур-

даёқ Ислом нажот фронти 430 ўриндан 188 тасини олган ва иккинчи турда катта ғалабага эришиши мумкин эди. Лекин Олий хавфсизлик кенгаши 1992 йил 12 январда сайловнинг иккинчи тури ўтказилишини бекор қилди. 1992 йил 14 январда мамлакатни бошқаришнинг коллектив органи сифатида Олий давлат кенгаши ташкил этилди, 1992 йил 22 апрелда эса муваққат парламент – Миллий маслаҳатлашув кенгаши тузилди.

**Ж.**да 1994 йил 25-26 январда бўлиб ўтган Миллий конференция Сиёсий ҳаракатлар дастури лойиҳасини маъқуллади. Унга кўра, Олий хавфсизлик кенгаши уч йиллик ўтиш даври учун Президентни ва Президентлик кенгашини тайинлайди (1994 йил 30 январда **Ж.** Президенти этиб Ламин Зеруал тайинланди). 1994 йилда Олий давлат кенгашининг ваколатлари тугагач, уч йиллик ваколат муддати билан 178 аъзодан иборат таркибда ўтиш даври миллий кенгаши тузилди. Бунда белгилаб қўйилдики, бўлғуси олий қонун чиқарувчи орган – Миллий халқ мажлиси, аввалгидек, умумий, тўғридан-тўғри овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланадиган депутатлардан таркиб топади.

1997 йил 5 июнда Миллий халқ мажлисига сайлов бўлиб ўтди (Ислом нажот фронти унда қатнашмади). 1996 йил 28 ноябрдаги конституциявий ислохот парламентнинг иккинчи – юқори палатасини – Миллат кенгашини тузишни назарда тутди.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Президент бош вазирни ҳамда ҳукумат аъзоларини тайинлайди ва вазифасидан бўшатади.

**ЖАМҒАРМА (фонд)** – 1) маълум давлат вазифаларини амалга ошириш, тегишли соҳани бошқариш, молия ресурсларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этиш учун тузиладиган давлат ёки давлат-жамоатчилик органи (масалан, Пенсия фонди); 2) фойдаланишни ташкил этиш тегишли ижроия органларининг ваколатларига киритилган мақсадли йўналишдаги молия маблағлари мажмуи (масалан, Аҳолини иш билан таъминлаш фонди, йўл фондлари ва б.); 3) мақсади ихтиёрий бадаллар, қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлар негизида мол-мулкни таркиб топтириш ва ундан ижтимоий фойдали мақсадларда фойдаланишдан иборат бўлган фуқаролар жамоат бирлашмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири.

### **ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТИ –**

1) давлат ва нодавлат ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, жамиятни, унда содир бўладиган барча жараёнларни бошқариш мазкур ташкилотлар орқали амалга оширилади;

2) мазкур давлат ва нодавлат ташкилотлари йиғиндиси нуқтаи назаридан жамиятнинг ички тузулмаси.

**ЖАМОА** – битта, баъзан бир нечта аҳоли яшайдиган пунктдан иборат муниципал тузилма. **Ж.** аҳолиси ягона ҳудудий жамоа ҳисоб-

ланади. У муниципал мулкка эга бўлади, **Ж.** ҳаётининг алоҳида масалаларини йиғилишларда ёки маҳаллий референдумлар ўтказиш йўли билан мустақил ҳал қилади, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлайди. Аҳоли яшайдиган пунктнинг катта-кичиклиги жиддий роль ўйнамайди: кичик қишлоқ ҳам, шаҳар ҳам **Ж.** бўлиши мумкин.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль Қонунига мувофиқ, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари.

**Ж.б.** – халқ ташаббускорлиги, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишининг намоён бўлиши, демократия ва ҳуқуқий давлатнинг таркибий қисми, фуқаролик жамиятига ҳос турмуш шакли. **Ж.б.** куйидаги мақсадларда тузилади: кишиларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги иштирокини кучайтириш, касб ва ҳаваскорликка оид кизиқишларини қондириш, илмий-техник ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, хайрия ишларида қатнашиш, касб, маданият, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш соҳасида тадбирлар ўтказиш, фуқароларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа соҳаларда фаолият кўрсатиш.

**Ж.б.** ҳақидаги қонун-қондалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII бобида ва «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилган. Уларда таъкидланишича, давлат **Ж.б.нинг** ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг **Ж.б.** фаолиятига аралашишига, шунингдек **Ж.б.нинг** давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. **Ж.б.ни** тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ОРГАНИ** – *жамоат бирлашмасининг* ҳаёти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, унинг ишларини бошқариш учун чақириладиган ёки тузиладиган раҳбар орган. Одатда олий **Ж.б.о.** – съезд, конференция; доимий ишлайдиган **Ж.б.о.** – съезд, конференция томонидан сайланадиган марказий қўмита, кенгаш, бошқарув ва б.

**ЖАМОАТ ИШЛАРИ** – фуқароларнинг меҳнат қилиш ва иш-

сизликдан химояланиш конституциявий ҳуқуқи билан боғлиқ тушунча. **Ж.и.** – Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулкидаги ташкилот ва муассасаларда, шартнома асосида эса – бошқа ташкилотларда ташкил этувчи ҳақ тўланадиган ишлар. **Ж.и.** аҳолини иш билан таъминлаш органларининг тақлифига биноан фуқароларни вақтинчалик иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

**Ж.и.да** иштирок этишни истаган шахслар билан 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилади. Мазкур шартномани тузиш имтиёзли ҳуқуқидан ишсизлик нафақасини олмайдиган ишсиз фуқаролар ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш хизматининг рўйхатида 6 ойдан ортиқ турган ишсиз фуқаролар фойдаланади. Ишсизларга, меҳнат ҳақидан ташқари, тегишли миқдорда ишсизлик нафақаси ҳам тўланади.

**ЖАМОАТ МУАССАСАСИ** – қ.: *Жамоат бирлашмалари.*

**ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ** – жамиятда иктисодий, сиёсий, ижтимоий, юридик, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келган тартибни ҳар қандай тажовузлардан, унга зарар етказиш йўлидаги уринишлардан химоя қилиш чоралари. Бундай чоралар жуда хилма хил, туб иктисодий ислохотлар ўтказиш ва ҳуқуқий муҳофаза этувчи органлар фаолиятини амалга оширишдан тортиб то ахлоқий-тарбиявий ишларни кучайтиришгача бўлган чораларни ўз ичига олади. Жамоат тартибини сақлаш – ҳам ҳуқуқий нормалар, ҳам ахлоқ нормалари таъсирида шаклланган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишни назарда тутати.

Бу атаманинг бошқача («идоравий») талқини ҳам мавжуд, у ҳам бўлса, жамоат жойларида белгиланган тартибни қўпол равишда бузишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик чораларининг йиғиндидан иборат.

**ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ** – қ.: *Жамоат бирлашмалари.*

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ** – қ.: *Назорат.*

**ЖАМОАТЧИЛИК ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВИ** – нодавлат ташкилотлари – жамоат бирлашмалари, диний уюшмалар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги ички бошқарув.

**ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ** – Африканинг жанубида жойлашган давлат; 1961 й.гача – Буюк Британиянинг Жанубий Африка Иттифоқи доминиони. 1961 й. 31 майда тўла мустақил деб эълон қилинган. Шу билан бир вақтда Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибидан чиққан. Пойтахти – Претория ш.

Маъмурий жиҳатдан 9 провинцияга бўлинади.

1913 й.дан мамлакатда бир қанча қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган апартеид (ирқчилик) сиёсати ҳукм суради. 1948 й.дан ирқчилик «оқ танлилар» давлатининг расмий мафқурасига айланди. 1970 й. мамлакатнинг қора танли аҳолиси **Ж.А.Р.** фуқаролигидан



махрум қилинди. Мамлакат ҳудудида 10 бантустан тузиш, уларга туб аҳолини қайси қабилага мансублигига қараб жойлаштириш режалаштирилди. 1984 й. Конституциясида оқ танли аҳолининг устунлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур сиёсат туб аҳолининг қуроли қаршилигига тўқнаш келди. Иркчилар тузумига қарши курашга 1912 й. тузилган Африка миллий конгресси (АМК) раҳбарлик қилди.

1990 й дан **Ж.А.Р.** Президенти **Ф. де Клерк** ирклар уруши ҳолатидан чиқиш, тузумни аста-секин эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида иркый табақаланишга барҳам бериш йўлларини излай бошлади. 1993 й. 22 декабрда парламент муваққат (5 йилга мўлжалланган) Конституцияни маъқуллади. У 1994 й. 27 апрелда кучга кирди. Шу куни барча ирк вакиллари иштирокида биринчи парламент сайлови ўтказилди. Сайловда АМК галаба қозонди. 1994 й. 9 майда Миллий ассамблея АМК раҳбари Нельсон Манделани **Ж.А.Р.** Президенти этиб сайлади.

1997 й. 4 февралда **Ж.А.Р.нинг** янги Конституциясига амалга киритилди.

Конституцияга мувофиқ, давлат бошлиғи – президент Миллий ассамблея депутатлари томонидан унинг биринчи мажлисида сайланади. Бундан ташқари, Миллий ассамблея президент ўринбосарини ҳам тайинлайди.

Конун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали парламент. Провинциялар миллий кенгаши (1997 й. 6 февралда қасамёд қилган) 90 вакилдан: 9 провинциянинг ҳар биридан 6 тадан доимий ва 4 тадан муқобил вакиллардан таркиб топади. 400 депутатдан иборат Миллий ассамблея умумий сайловда тенг вакиллик асосида тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни **Ж.А.Р.нинг** Президенти бошчилигидаги Миллий бирдамлик ҳукумати амалга оширади.

**ЖАРИМА ХИБСХОНАСИ** – маҳкумларни ўрнатилган режимни бузган вақтларида киритиб қўйиладиган бўлинмалар. ЎЗР ЖИКнинг 105-моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганлар, жазони ўташ жойида ўрнатилган қондани бузганда қўлланиладиган жазоларнинг бир тури – интизомий бўлинмаларга киритиб қўйишдир.

Жазони ижро этиш муассасаларининг интизомий бўлинмаларига: манзил-колониялар ва тарбия колонияларининг хибсхоналари; умумий, қаттиқ, махсус колонияларнинг хибсхоналари ва қарцерлари; тергов хибсхоналари ва турмаларнинг қарцерлари қиради.

Маҳкумлар хибсхона ва қарцерга 15 суткагача, тарбия колонияларнинг хибсхоналарига 10 суткагача бўлган муддатга киритилади.

Жазо ўташ тартибини ашаддий бузувчилар умумий ва махсус колонияларнинг қарцерларига 6 ойгача, аёллар уч ойгача бўлган муддатга киритилади. **Ж.х.га** киритиш жазоси, маҳкумни ёзишма, учра-

шув, сайр қилиш ҳуқуқларини янада чеклайди. Чекиш, стол ўйинларини ўйнаш, тўшакдан фойдаланиш тақиқланади (ЎЗР ЖИКнинг 109-моддаси).

**ЖИБУТИ (Жибути Республикаси)** – афарлар ва иссалар яшовчи собиқ Франция мустамлакаси. 1977 йилнинг 27 июнида мустақиллик берилган. Чунки 1977 йилнинг 8 майида бўлиб ўтган референдумда аҳолининг кўпчилиги қисми Франциядан ажралиб мустақил бўлиш учун овоз беришган. Мамлакат пойтахти – **Ж.** шаҳри.

Маъмурий ҳудудий таркиби 4 та округ ва **Ж.** районидан иборат.

1992 йил қабул қилинган Конституция бўйича давлат бошқарув шакли республика. Ушбу Конституция 1992 йилнинг 4 сентябрида бўлиб ўтган референдумда 69% сайловчилар томонидан маъқулланган. Конституцияга кўра, Президент қайта яна бир муддатга сайланиш ҳуқуқи билан 6 йил муддатга сайланади.

Миллий мажлис 65 депутатдан иборат.

Ижроия ҳокимияти Президент ва вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади.

1991 йилдан мамлакатда мавжуд режимни афдаришга қаратилган исёнчилик ҳаракатлари бўлиб турибди.

**ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК** – 1) жиноят содир этган шахснинг мазкур қилмиш учун жавобгар бўлиш мажбурияти; 2) қонунга биноан келиб чиқадиган номақбул оқибатлар, шу жумладан – суд томонидан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш.

Ҳуқуқий давлатда жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс иши судда қонуний тартибда, ошқора равишда кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида қонунда белгиланган ёшга етган ва ақли расо шахсларгина **Ж.ж.ка** тортилади. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш; оғир жиноят содир этилаётганлиги ҳақида аниқ била туриб, тегишли органларга хабар бермаслик ёки жиноят воситаси ёки жиноят натижасида қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки сотиш; шунингдек, жиноят содир этишга қизиқтирганлик (далолатчи), ташкил қилганлик (ташқилотчи) ва ёрдам берганлик (ёрдамчи) ҳам жиноят ҳисобланади ва **Ж.ж.ка** сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этганлик **Ж.ж.** учун асос бўлади.

**ЖИНОЯТ ҚИДИРУВИ** – ички ишлар органларининг бир тизими; тезкор-қидирувни ва ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа ишлар – шахсга, фуқароларнинг шахсий мулкига, жамоат тартибига ва

хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш, пайини қирқиш ҳамда уларни очиш ва ҳ.к. чора-тадбирларни амалга оширади. Жиноят аломатлари, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, кидириш ва топиш ишлари Ўзбекистон Республикасида ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Барча маҳаллий милиция органларида **Ж.к.** бўлимлари фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ **Ж.к.** Бош бошқармаси бош орган ҳисобланади.

**ЖИНОЯТ КОДЕКСИ** – жинойий жавобгарлик асослари ва принципларини белгилайдиган, шахс, жамият ёки давлат учун қайси хавфли қилмишлар жинойий эканлигини аниқлаб берадиган, жиноят содир этганлик учун жазо турларини ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайдиган қонун. 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган, 1995 й. 1 апрелдан амалга киритилган.

**Ж.к.** икки қисмдан – умумий қисм ва махсус қисмдан иборат. Умумий қисмда жиноят қонунининг умумий қоидалари, жавобгарлик асослари, қилмишнинг жинойийлигини истисно этадиган ҳолатлар, жазо ва уни тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари белгилаб берилган. Махсус қисмда жиноятларнинг турлари: шахсга қарши жиноятлар; тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар; иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар; экология соҳасидаги жиноятлар; ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар; ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ва улар учун тегишли жазо тайинлайдиган нормалар баён этилган.

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ** – 1) жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўриш вақтида суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суд бажарадиган ҳаракатлар жараёни. **Ж.п.** қоида тариқасида, иш кўзгатиладигандан то ҳукм чиқарилгунча давом этади, баъзан эса ҳукми қайта кўриш ва унинг ижроси масалаларини ҳал қилишни ҳам ўз ичига олади; 2) юридик фанининг **Ж.п.ни** ўрганувчи тармоғи. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, жиноятчиликка қарши кураш жараёнида жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлаш тўғрисидаги фан. У миллий, хорижий ва тарихий тажрибани ўрганиб чиқиб, тегишли қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади; 3) жиноят процессуал ҳуқуқи ва унга доир фан ютуқлари ҳақида тўла маълумот берувчи таълим соҳаси.

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ИММУНИТЕТ** – айрим тоифадаги шахслар учун жинойий жавобгарликка тортишнинг алоҳида қондасини

ўрнатилиши. Бу асосан депутатларга, судьяларга нисбатан ўрнатилди.

Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатларига нисбатан жиноят иши кўзгастириш учун тегишлича парламент ёки маҳаллий Кенгашларнинг розилигини олиш талаб этилади. Маҳаллий Кенгаш депутатларига нисбатан жиноий иш кўзгастириш учун депутат бўлган Кенгашнинг, сессиялар ўртасида эса ҳокимнинг розилиги бўлиши керак.

Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгаришлар асосида Ўзбекистон парламенти икки палатали қилиб белгиланади. Қонунчилик Палатасини депутатларини жиноий жавобгарликка тортишга Қонунчилик Палатаси, Сенат аъзоларини жиноий жавобгарликка тортишга Сенат рухсат беради.

**Ж.п.и.** судьяларга нисбатан ҳам қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг судьясига, Конституциявий суд розилиги билан жиноий иш кўзгастириш мумкин.

Турли давлатлар қонунларида **Ж.п.и.дан** фойдаланадиган шахслар доираси ҳар хил белгиланиши мумкин.

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ** – жиноят ишлари бўйича иш юритувини тартибга солишчи (қ.: *Жиноят процесси*) қонун. Ўзбекистон Республикаси **Ж.п.к.** 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган. Унда суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор ва суднинг жиноят ишини кўзгастиришдан бошлаб, судда кўрилиб хал қилингунгача бўлган фаолияти, тергов, суд ҳаракатларини ўтказиш, далил йиғиш, процессуал муҳлатлар, жиноят ишини кўзгастириш, рад этиш, уни тугатиш ва тўхтатиш, айбдорни судга бериш, шунингдек ишни апелляция, кассация, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш ҳамда ҳукм ижросига оид масалалар тартибга солинган. **Ж.п.к.да** жиноят ишини текширишда фуқароларнинг, жамоатчилик, корхона, муассаса ва ташкилот вакилларининг катнашуви ва процессуал ҳуқуқлари ҳам баён қилинган. Кодекснинг охириги боблари алоҳида тартибда юргизиладиган, жумладан вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларга бағишланган.

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ** – давлат томонидан белгиланган ва жиноят ишлари бўйича иш юритувини тартибга солишга мўлжалланган (қ.: *Жиноят процесси*) нормалар ҳамда ҳулқ-атвор қоидалари мажмуи. ЎзР Конституцияси ва ЎзР Жиноят-процессуал кодекси, бошқа бир қатор қонунлар, шунингдек ЎзР халқаро шартномаларининг қоидалари бундай нормаларнинг бош манбаларидир.

**ЖИНОЯТ ТАРКИБИ** – содир этилган ҳаракатларни жиноят сифатида характерлайдиган жиноят қонунчилигида кўзда тутилган белгилар йиғиндиси. Бундай белгилар тўртта бўлиб, уларга қуйидагилар киради: Жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони.

Содир этилган ҳаракат **Ж.т.ни** барча белгиларини қамраб олса, ЎзРнинг Жиноят кодексига асосан жиний жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ** – 1) қилмишларнинг жиноят эканлиги ва жазога лойиқлигини белгилайдиган юридик нормалар йиғиндиси. *ЎзР Конституцияси* ва *ЎзР Жиноят кодекси* бундай нормаларнинг бош манбалари ҳисобланади; 2) юридик фанининг жиноят-ҳуқуқий нормалари мазмунини, уларни қўллаш амалиётини, мазкур соҳадаги тарихий тажриба ва чет эл тажрибасини ўрганувчи, шунингдек қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўллари ва воситалари ишлаб чиқувчи тармоғи; 3) жиноятчиликка қарши курашишга оид қонун ҳужжатларининг мазмунидан, уларни қўллаш амалиётидан, тегишли тарихий тажриба ва чет эл тажрибасидан, мазкур соҳадаги фан ютуқларидан сабоқ берувчи таълим соҳаси.

**ЖИНОЯТ** – Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 14-моддасига мувофиқ, ЖК билан таъқиқланган ва айбли, ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб ҳисобланади. **Ж.** бошқа ҳуқуқбузарликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. **Ж.лар** ўз хусусияти ва ижтимоий даражасига кўра тўртга бўлинади:

1) ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятлар – қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган **Ж.лар**, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган **Ж.лар**;

2) унча оғир бўлмаган **Ж.лар** – қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган **Ж.лар**, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган **Ж.лар**;

3) оғир жиноятлар – қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган **Ж.лар**;

4) ўта оғир **Ж.лар** – қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган **Ж.лар** (2008 йил 1.1. дан ўлим жазосининг Ўзбекистон Республикасида бекор қилинишига оид фармоннинг 4-чи банди).

**ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ** – бошқа қонун ҳужжатлари билан муштаракликда: жиний жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплар, тартиби ва шартларини; маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини; маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини; маҳкумларни жазони ўташ

дан озод қилиш тартибини; жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини; маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилаб берувчи қонун.

1997 й. 25 апрелда қабул қилинган, 1997 й. 1 октябрдан амалга киритилган.

Тузилиши: бир бўлим (асосий қондалар)дан иборат Умумий қисм ҳамда қуйидаги тўққиз бўлимдан иборат Махсус қисм: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазоларни ижро этиш; қамоқ тарихидаги жазони ижро этиш; озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазони ижро этиш; ўлим жазосини ижро этиш; ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш тарихидаги жазоларни ижро этиш; кўшимча жазоларни ижро этиш; жазони ўташдан озод қилиш; бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш.

**ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ТИЗИМИ** – жазони ижро этиш органлари ва муассасалари тизими.

**Ж.и.т.нинг** вазифалари қуйидагилардан иборат: озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жиноий жазоларни, шунингдек ўлим жазосини ижро этиш; озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жиноий жазоларни ижро этувчи муассасаларда ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни, уларда сақланувчи маҳкумларнинг, шунингдек мазкур муассасалар ходимлари, мансабдор шахсларнинг ва улар ҳудудида бўлиб турган фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш; маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш, шунингдек уларга умумий ва касб-ҳунар таълими беришни ҳамда уларга касб ўргатишни таъминлаш; маҳкумларнинг соғлигини сақлашни таъминлаш; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашиш.

**ЖИНОЯТЧИЛИК** – жиноят сифатида тавсифланадиган муайян миқдорда ҳуқуққа қарши ҳаракатларни мавжудлигини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса.

Жиноятчилик инсонларнинг феъл – атвори ва ҳаракатига у ёки бу тарзда таъсир қиладиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, физиологик ва бошқа омиллар таъсирининг натижасидир.

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТ** – жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг давлат томонидан белгиланадиган асосий йўналишлари. **Ж.қ.к.с.с.** ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги фаолият (шу жумладан – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил этиш ва унинг асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар ва моддий-техника таъминотини яхшилаш ва х.к.)ни ўз ичига олади. Унинг йўналишлари турли давлат-ҳуқуқий ҳужжатларида (қонунлар, фармонлар, қарорлар-

да, улар билан тасдикланадиган дастурлар, концепцияларда, тадбирлар режаларида ва бошқа ҳужжатларда) таърифланади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётимизда адолатни таъминлашда иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг VI сессиясида (2001 йил 29 август) Исом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган жиной жазо сиёсатини либераллаштириш ниҳоятда муҳим кадам бўлди. Мазкур кадам жамиятни маънавий соғломлаштиришда, ҳокимият билан фуқаролик ўртасидаги муносабатларнинг гуманистик заминга эга бўлишида беназир аҳамият касб этади.

Адлия, суд, жиной жазо тайинлаш тизимини эркинлаштириш, унинг демократик, инсоний қиёфага эга бўлишига эришиш нафақат халқаро ҳуқуқ стандартларига, балки халқимизнинг руҳияти ва маънавий қадриятларига, меҳр-мурувватли, саховатли табиати ва миллий менталитетига тамомила мосдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «... ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият-эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгартиришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди».

Мамлакатимизнинг бутун ҳуқуқий тизимида рўй бераётган *либераллаштиришнинг* асосий мазмуни – барча ҳуқуқий тақиқ ва чекловларни адолат нуқтаи-назардан қайта кўриб чиқиш, уларни оқилона мўътадиллаштириш, инсон шахсини таҳқирламайдиган мезонларни жорий этишдан иборат.

2001 йил 29 августда ЎзР Олий Мажлиси жиной жазони либераллаштириш муносабати билан «ЎзРнинг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисида» Қонун қабул қилди.

Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши ҳуқуқий тизимимиз бугунги ривожининг муҳим хусусиятидир. Қонунчиликнинг мазкур соҳасида давлат сиёсатининг демократлашуви рамзий маънога эгадир. Бу – давлатнинг тобора халқчил ва адолатпарвар бўлиб бораётганлигидан далолат. Жиноят қонунчилиги ва жазо тизимида адолат ўрнатилиши орқали давлат билан фуқаро ўртасидаги ўта «нозик» жабҳани имкон қадар эркинлаштиришга эришилди.

Жиноят кодексига назарда тутилган иқтисодиётга оид жиноятларнинг 46 та таркиби бўйича санкцияларда (озодликдан маҳрум этиш ўрнига) оширилган миқдорда жарима жазоси белгиланди. Амалга оширилган жами ўзгаришларга кўра, судлар жиноятларнинг 187 та таркиби бўйича озодликдан маҳрум қилиш чораси ўрнига жарима тарзида санкцияларни қўллаш имкониятига эга бўлдилар.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштириш ишларни судда кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш ва судда кўриб чиқиш муддатларини қискартириш масаласини ҳам камраб олди. Жиноят қонунчилигига **томонларнинг ярашуви** институтининг кири-

тилиши ҳам муҳим янгиликдир. У асрлар мобайнида ўзбеклар менталитетига хос бўлиб келган бағрикенглик, кечиримлик, сабр-тоқатлик, муросаи-мадора каби фазилатларнинг ифодасидир.

**ЖИСМОНИЙ ЗАРАР** – шахснинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар (мазкур атама жиноят ишлари бўйича суд иш юритувида қўлланилади).

**ЗАИР** – қаранг: **КОНГО**.

**ЗАМБИЯ (Замбия Республикаси, 1064 йилгача – Шимолӣ Родезия)** – марказий Африкадаги давлат. 1964 йилнинг 24 октябрида Мустақиллигини эълон қилган. Британия ҳамдўстлик аъзоси. Пойтахти – Лусака шаҳри.

Маъмурий бўлиниш – 9 та провинциядан иборат

Амалдаги Конституция 1996 йилнинг 28 майида қабул қилинган.

1996 йилги Конституцияси бўйича Замбия республикадир. Давлат бошлиғи президент – беш йил муддатга бевосита умумий сайлов йўли билан сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Вице-президент институти ҳам мавжуд.

Қонун чиқарувчи ҳокимияти Президент ва бир палатали парламент – беш йил муддатга сайланадиган ҳамда 156 та депутатдан иборат Миллий ассамблея томонидан амалга оширилади. 156 депутатдан 150 таси бевосита умумий сайловлар асосида сайланади, қолган беш депутат ва битта спикер Президент томонидан тайинланади. Шунингдек Конституцияда Президент ҳузуридаги консультатив орган – вакиллик палатаси ( провинциялар йўлбошчилари) тузиш ҳам кўзда тутилган.

Ижроия ҳокимияти Президентга тегишли бўлиб ҳисобланади ва у Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади ва вазирларни тайинлайди.

Депутат ўринбосари – депутатга ўз вазифасини бажаришда кўмаклашувчи депутат билан бирга сайланувчи шахс. Аммо, қондага кўра, депутат ўринбосари парламент ва унинг органларида депутатнинг функциясини бажармайди. Депутатнинг ўрни бўшаб қолган ҳолатда, депутатнинг ўринбосари, унинг мандатига эга бўлади, яъни у депутат бўлиб ҳисобланади.

Депутат ўринбосари мақоми бир қатор мамлакатларда амал қилади. Масалан, Бразилияда сенатор билан биргаликда (федерал сенат – юқори палата аъзоси) унинг иккита ўринбосари сайланади. Федерал кенгаш аъзоси – Австрия Федерал Мажлисининг юқори палатаси – битта ўринбосарга эга.

Россия Федерациясида депутат ўринбосари институти мавжуд эмас. Аммо ҳудудий сайлов округлари бўйича депутатлар билан унинг ўринбосарини сайлаш ҳақида ҳам таклифлар мавжуд. Чунки депутатлар ўрни бўшаб қолганда янги депутатлар сайловини ўтказиш кўп маблағ талаб этадиган компаниядир.



Ғарбий Саҳрои Кабир (Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси, собиқ Испан Саҳрои Кабири) – Саҳрои кабир чўлининг ғарбий қисми, Атлантик океани қирғоқларида жойлашган давлат тузилмаси. Ғарбий Саҳрои Кабир худудини ўзларига тегишли деб Марокко ва Мавритания давлатлари музокара олиб боришган. 1967 йили испанлар Ғарбий Саҳрои Кабирни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи Бош Ассамблея (жамоа)ни тузишади. Ғарбий Саҳрои Кабир халқининг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи БМТ Бош Ассамблеяси ва Гаага халқаро судининг (1975) резолюциялари билан тасдиқланди. Маъмурий маркази – Эль-Аюн шаҳри.

Ғарбий Саҳрои Кабирни озод қилиш учун қуролли курашни 1973 йилнинг майидан Полисарно Фронти олиб бормоқда. 1979 йилнинг 5 августида Мавритания Ғарбий Саҳрои Кабир билан битим имзолаб, унинг худудига даъво қилишдан воз кечди. Ғарбий Саҳрои Кабир худудининг бир қисми Марокко томонидан босиб олинган.

1975 йилнинг ноябрида Алжирда бўлиб ўтган жамоа депутатлари, шайх ва қабила оқсоқолларидан иборат муваккат Саҳрои Кабир Миллий кенгашининг съездида Саҳрои Кабир халқининг ягона қонуний ҳокимияти деб Полисарно Фронти тан олинди.

1976 йилнинг 27 февралда Саҳои Кабир Араб Демократик Республикаси эълон қилинади (САДР).

**ЗАХИРАДАГИ ДЕПУТАТЛАР** – вакиллик органи таркибига сайланган шахс бўлиб, вакиллик органида, вакиллик органининг қўмита ва комиссиялари ишида қатнашиб фуқароларнинг бирлашмалари ва сайловчилар билан алоқани таъминлайдилар, аммо вакиллик органларининг қарорлар қабул қилишида ҳал қилувчи овозига эга бўлмайдилар.

Захирадаги депутатларни сайлаш тизими қуйидагича кўринишда бўлади. Вакиллик органи амалда бўлган ҳудуд бир қатор кўп мандатли сайлов округларига бўлинади. Бунда ҳар бир округдан бештадан номзод сайланиши керак, аммо номзодлар саккизта. Уларнинг барчаси битта сайлов бюллетенига киритилган. Сайловчилар қимларни сайламоқчи бўлса, бюллетенда ўша номзодни фамилиясини кўрсатади. Сайловчиларнинг маълум кўпчилик овозини олган номзодлар сайланган ҳисобланади. Агар саккизта номзоднинг барчаси сайланиш учун етарли овоз тўплаган бўлсалар, энг кўп овоз олган бешта номзод асосий депутат бўлиб, қолган учтаси захирадаги депутатлар бўлиб ҳисобланадилар. Агар асосий депутатлардан бирортаси маълум сабабга кўра депутатликдан кетса, унинг ўрнига захирадаги бошқа депутатлардан кўп овоз олган депутат ўтади. Ўзбекистонда захирадаги депутат институтидан фойдаланилмайди.

**ИДОРА (муассаса)** – давлат бошқарувининг махсус масалаларини кўриб чиқадиган ва ҳал қиладиган ижро этувчи ҳокимият органларининг умумлаштирилган номи.

**ИДОРА ХОДИМЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ** – давлат органлари ёки муниципал органлар девони хизматчиларига нисбатан қўлланадиган, уларнинг муайян (салбий) иш услубини тавсифловчи ибора.

Идоранинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилиши, эътиборнинг инсондан кўра қоғозбозликка кўпроқ қаратилиши, бошқарув жараёнларининг расмийчилик томонига оғиб кетиши, бўйсунувчи ходимларнинг ижодкорлик ва ташаббускорликдан маҳрум ижрочиларга айланиб қолиши бу иш услубига хос хусусиятлардир.

**ИДОРАВИЙ ЁНДАШУВ** - қаранг. *Идоравийлик*.

**ИДОРАВИЙ НАЗОРАТ** - қаранг. *Назорат*.

**ИДОРАВИЙ ҲАКАМЛИК** – 1991 йилгача вазирликлар, идоралар, йирик хўжалик бирлашмаларида мавжуд бўлган таркибий бўлинмалар ёки уларнинг қисмлари. Уларнинг зиммасига тегишли вазирлик, идора, бирлашмага бўйсунадиган ёки унинг таркибига қирадиган корхоналар ва бошқа ташкилотлар ўртасида юзага келадиган хўжалик низоларини кўриб чиқиш юклатилган. Кўпинча бундай вазифа юридик бўлимларга ёки бошқа шунга ўхшаш бўлинмаларга юклатилган.

**ИДОРАВИЙЛИК** – ҳуқуқий, шу жумладан конституциявий-ҳуқуқий адабиётларда учраб турадиган ва, одатда, у ёки бу органлар ва мансабдор шахсларга баҳо беришда бир қадар салбий оҳангга эга бўлган атама. Бунда орган (шахс) тегишли идоранинг фақат тор манфаатларидан келиб чиқиб масалани ҳал қилиши, масалага атрофлича ёндашмаслиги, бошқа муҳим омилларни инобатга олмаслиги назарда тутилади.

**ИЖРО ХАТИ** – муайян шахснинг бажарилмаган мажбуриятларини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси бўйича тегишли пул миқдори ёки кўчар мулкни ундириш тўғрисида нотариус томонидан белгиланган шаклда тузилган ёзма талабнома. **И.х.** бевосита *суд пристави* томонидан, кредиторнинг даъвоси асосланганлигини суд тартибида текширмасдан амалга оширилади. Квартира ҳақи бўйича қарзларни ундиришда ҳам кўпинча **И.х.дан** фойдаланилади.

**ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ** – давлатнинг коллегиял ёки яккабошчилик асосидаги органи. Давлат фаолиятининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш, давлат ва хўжалик-маданий қурилиши соҳалари ва тармоқларини бошқаришни ташкил этиш, бу мақсадда фармойиш бериш билан боғлиқ турини амалга оширади. **И.э.х.о.** умумий ваколатли органларга ҳамда махсус ваколатли органларга бўлинади. Умумий ваколатли органлар ижро этиш фаолиятининг барча ёки аксарият масалаларини ҳал қилади (масалан, ҳукумат, вилоят маъмурияти ва б.). Махсус ваколатли органлар алоҳида соҳалар ва тармоқларни бошқаради (масалан, вазирлик, департамент ва б.). Уларнинг тармоқ (бошқарувнинг муайян тармоқларига раҳбарлик қиладиган) ҳамда тармоқлараро (тармоқлараро бошқарув,

мувофиклаштириш, назорат қилиш, тартибга солиш вазифаларини амалга оширадиган) турлари фарқланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳукумат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ҳокимиятининг олий ижрочи ва бошқарувчи органи ҳисобланади. У иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг бажарилишига раҳбарлик қилади. Вилоят, туман ва шаҳарларда **И.э.х.о.ни** ҳоким бошчилигидаги вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бошқаради.

**ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ** – Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органларининг умумлаштирилган номи. Мазкур органлар тизимига вазирликлар, давлат қўмиталари, хизматлар, агентликлар қиради.

Ўзбекистон Республикаси вазирлиги – белгиланган фаолият соҳасида давлат сиёсатини ва бошқарувни амалга оширувчи, шунингдек мазкур соҳадаги бошқа **И.э.х.о.нинг** фаолиятини мувофиклаштирувчи **И.э.х.о.** вазирликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси вазири бошқаради.

Давлат қўмитаси – ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан коллегиял асосда тармоқлараро мувофиклаштиришни амалга оширувчи, шунингдек маълум фаолият соҳасида қўйилган вазифаларни тартибга солувчи **И.э.х.о.** Давлат қўмитасини раис бошқаради.

Хизмат, агентлик – белгиланган соҳаларда махсус (ижро этиш, назорат, руҳсат бериш, тартибга солиш ва б.) вазифаларни амалга оширувчи **И.э.х.о.**

**И.э.х.о.ни** тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Вазир, давлат қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

**ИЖРОИЯ ҚЎМИТА (ижроқўм)** – собиқ тузим даврида турли давлат органларига нисбатан қўлланиладиган атама. Шу даврда Ўзбекистонда вилоят, туман, шаҳар, кишлоқ ва посёлкаларда (шаҳарча) ижро органи – ижроия қўмиталар деб номланган.

Ижроия қўмиталар тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан, уларнинг сессияларида сайланган. У раис, раис ўринбосарлари аъзолардан иборат бўлган. Уни таркибига расмийлик учун ишчилар, деҳқонлар вакиллари ҳам сайланган.

Бу орган коллегиял асосда ташкил қилинганлиги учун, маъсулиятни сезмаган ва ижро этиш фаолияти жуда суст бўлган.

Улар тўла Кенгашларга бўйсунган ва расмий асосда ҳам Кенгаш

органи деб юритилган. Шу билан бирга улар икки томонлама бўйсунган: ўзларини сайлаган Кенгашга ва юқори турган ижроия қўмига (қишлоқники туманга, туманники вилоятга, вилоятники республикага). Бундан ташқари ижроия қўмига раиси, аъзолари коммунист бўлгани учун, партия органларининг тўла таъсирида бўлган. Ҳар қандай партия кўрсатмаси улар томонидан бажарилган.

**ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТ** – Давлат ҳокимиятининг бир тармоғи. Ҳокимият бўлиниши принципи асосида вужудга келади. ЎзР Конституциясининг 11-моддасига биноан: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципити асосланади». **И.х.** қонунчилик ва суд ҳокимиятидан мустақил фаолият кўрсатади. Конституциянинг 89-моддасига биноан, ЎзРнинг Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади.

**И.х.** давлат ижро органлари томонидан амалга оширилади. **И.х.** давлат органларининг тизими Марказий ва маҳаллий органлардан иборат. Республика миқёсида ижро этувчи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси амалга оширилади. Вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа марказий муассасалар ижро органларидир.

Жойларда (вилоят, туман ва шаҳарларда) **И.х.** ҳоким томонидан амалга оширилади.

**И.х.** органларининг вазифаси: қонунларни ижросини таъминлаш, уларнинг талабларини бажариш (амалга ошириш)дир. Бу органлар бошқарув билан шуғулланиш билан бирга давлат механизмини қўндалик фаолиятини таъминлайди, иқтисод ва бозорни ривожланиши, аҳолини талаб-эҳтиёжларини қондириш чораларини кўради. Ўз вазифаларини бажариш учун, улар қонун ва парламент тасдиқлаган давлат бюджетига асосан молиявий ва моддий ресурсларга эғалик қилади ва улардан мақсадли фойдаланади. Ижроия ҳокимият органлари ўз вазифасини бажариш юзасидан қонун ости норматив характердаги ҳужжатлар қабул қилади.

**ИЖРОЧИЛИК-ФАРМОЙИШЧИЛИК ФАОЛИЯТИ** – Давлат ҳокимияти ижро органларининг фаолият тури. Бу фаолият қонунларни ижросини таъминлашни назарда тутаяди. Қонунларни ижросини таъминлаш учун ижро органлари, қонун ва ўзларини ваколат доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Бундай ҳужжатлар вазир буйруғи, ҳоким қарори ёки фармойиши кўринишида бўлиши мумкин. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида соҳа, тармоқ, фаолиятни алоҳида йўналиши, алоҳида мансабдор шахслар, фуқароларга тааллуқли бўлиши мумкин.

**ИЖТИМОЙ АСОС** – давлат ва жамиятнинг муайян ижтимоий катламларга хизмат қилиши ёки уларнинг ижтимоий муносабатларнинг пойдевори тарзидаги иттифоқи.

ЎзРнинг 1992 йилги Конституцияси жамиятимиз ва давлатимиз

хаётини бошқаришда синфий асосда амалга оширилишини кўрсатмай республикамиз ҳудудида яшайдиган ҳамма қатламларини мақсадлари-га хизмат қилишини мустаҳкамланди.

**ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМА** — қ.: *Жамоат бирлашмалари.*

**ИЖТИМОЙ ҚОНУНЧИЛИК** — давлат томонидан инсонларнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқишини қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг чиқариши ва мазкур актларнинг умумий йиғиндиси.

**ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ** — давлатнинг, фуқароларнинг ижтимоий кам таъминланган қатламларни уларнинг асосий моддий эҳтиётларини қондириш, уларга нафақа ва бошқа кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш учун олиб борадиган махсус фаолиятидир.

Бошқача айтганда, ижтимоий таъминот-ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга мухтож фуқароларнинг моддий жиҳатдан таъминлашнинг давлат тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар хил сабабларга кўра, ўз турмушини таъминлай олмайдиган фуқаролар (қариялар, ногиронлар, ишсизлар ва ҳоказо) учун ижтимоий таъминотни кафолатлайди.

**ИЖТИМОЙ ТАЪСИР** — қ.: *Ижтимоий таъсир чоралари.*

**ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК** — *ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, инсоннинг инсон билан тенг ҳуқуқлилиги.* Конституциявий ҳуқуқ тенг ҳуқуқлилиқ (юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиқ), бошқача қилиб айтганда, қонун олдида тенглик нуқтаи назаридан **И.т.ни** таъминлайди. (Яна қ.: *Тенг ҳуқуқлилиқ.*)

**ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШ** — ҳокимият ва давлатнинг моҳияти, унинг сиёсий ва иқтисодий негизлари, хўжалиқ ҳаётининг хусусияти ҳамда шахснинг давлатдаги мавқеи асослари. Жумладан, 1936 й. СССР Конституциясининг «Ижтимоий тузилиш» деб номланган I-бобида СССР ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати эканлиги, бу ерда бутун ҳокимият шаҳар ва қишлоқ меҳнатқашларининг Кенгашларига тегишлилиги, Кенгашлар СССР нинг сиёсий негизини ташкил этиши, СССРнинг иқтисодий негизлари, мулкчилик шакллари ва турлари, халқ хўжалигининг режали хусусияти, меҳнат ҳар кимнинг муқаддас бурчи эканлиги мустаҳкамланган эди.

**ИЖТИМОЙ ТУЗУМ** — жамиятнинг муайян тараққиёт босқичига хос бўлган ижтимоий муносабатлар тизими. **И.т.** жамиятда қандай ижтимоий муносабатлар амал қилишини ақс эттиради. ЎзРнинг амалдаги Конституциясида «конституциявий тузум» тушунчаси қўлланилади.

**ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТ** — қ.: *Жамоат бирлашмалари.*

**ИЖТИМОЙ ҲОЛАТ** — фуқаронинг ўз келиб чиқиши, жинси, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеига кўра муайян ижтимоий табақага мансублиги. Конституциявий ҳуқуқ мазкур тушунчани эътиборга олади ва ундан ё тўғридан-тўғри шаклда, ё тафсилотлари мажмуида фой-

даланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимига мувофиқ, Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хотин-қизлар ва эр-каклар тенг ҳуқуқлидирлар.

**ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР** – к.: *Асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар.*

**ИЗРОИЛ (Изроил давлати)** – БМТ Бош Ассамблеясининг 29 ноябр 1947 йилги Фаластинни еврей ва араб давлатларига бўлиш тўғрисидаги қарорига асосан, Фаластин ҳудудида 14 май 1948 йилда ташкил топган давлат бўлиб, яқин шарқда, Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1948-1948 йилги ҳарбий ҳаракатлар натижасида **И.** 6, 7 минг кв.км. араб давлатларининг ҳудудини, 1967 йилги ҳарбий ҳаракат натижасида Миср, Иордания ва Суриянинг ҳудудларини маълум қисмини эгаллаб олган. 1987 йилдан кейин эгаллаб олган ҳудудларнинг маълум қисми қайтарилган. Ҳозирги кунда ҳам Изроил ва Фаластин муносабатлари кескинлигича қолмоқда ва қочоқлар масаласи, Фаластин автономияси ўз ечимини топмаган.

Изроил пойтахти – Тел-Авив шаҳри, лекин 1980 йилда Иерсалим, Изроилнинг «доимий ва бўлинмас» пойтахти деб эълон қилинган.

Мамалакат 6 та округга бўлинган.

Ҳозиргача ягона Конституция мавжуд эмас. **И.нинг** конституциявий асослари 1949 йилги қонунчилик ва ижроия ҳокимиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Вақтинча қонун, 1952 йилги Фуқаролик тўғрисидаги қонун, 1958 йилги Кнессет тўғрисидаги асосий Қонун ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Бошқарув шакли республика. Давлат бошлиғи Президент бўлиб, у Кнессет томонидан 5 йил муддатга сайланади.

Қонунчилик органи – Кнессет, у 120 депутатдан иборат. Депутатлар умумий овоз бериш билан партия рўйхатлари асосида, пропорционал системада сайланади.

Сайловчиларнинг 1,5% овозини тўплай олган партиялар депутатлар ўрнига эга бўлади.

Ижроия ҳокимият ҳуқумат томонидан амалга оширилади. Ҳуқумат Кнессет (парламент олдида жавобгар). Ҳуқумат коалицион асосда парламент томонидан тасдиқланади. Яъни унга парламентдаги барча партия вакиллари кириши мумкин. 1996 йилдан бошлаб Бош вазир, Кнессетга сайлов билан бир вақтда умумий овоз бериш йўли билан сайланади.

**ИККИ МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ** – қаранг: Сайлов округи.

**ИККИ ПАЛАТАЛИ ТИЗИМ (СИСТЕМА)** – конституциявий ҳуқуқдаги тушунча бўлиб парламентнинг ички ташкилий тузилишига нисбатан қўлланилади. Парламент, одатда, бир палатали ёки икки палатали бўлиши мумкин (камдан-кам ҳолатларда парламент уч ёки ундан ошиқ палатали бўлиши мумкин). Икки палатали парламент тизимида (структурасида) қуйидаги икки принцип, яъни палаталарнинг тенглиги принципи, шунингдек юқори ва қуйи палата принципи қўлланилади.

Икки палатали парламентни тузишнинг жуда кўп усул ва йўллари мавжуд. Бирок, энг аввало, аҳолининг умумий сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсат билан профессионал даражада шуғулланувчи шахслар қатламини вужудга келтириш, парламент қурилиши тажрибасини орттириш ва қўпайтириш зарур. Жаҳон тажрибасида икки палатали парламент тизимининг икки асосий кўриниши – кучсиз юқори палата ёки кучли юқори палата тизимлари фарқланади. Кучсиз юқори палата ўзи норози бўлган парламент қарорларининг қабул қилинишини орқага суриши мумкин, холос; аммо унга тўсқинлик қила олмайди. Кўпинча бу қонунчилик жараёнига тегишлидир. Масалан, Буюк Британия парламентининг Лордлар палатаси қуйи палата қабул қилган билл (қонун лойиҳаси)ни бир йилгача, агар билл молиявий масалада бўлса, бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин. (1911 йил қабул қилинган Парламент тўғрисидаги Акт 1-моддасининг 1-қисми ҳамда 1911 йилги Парламент тўғрисидаги актга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги 1949 йилги Актнинг 1-моддаси). Польша Сейми қабул қилинган Қонунга Сенат билдирган эътирозни мутлақ кўпчилик овоз билан рад қилиши мумкин (Кичик Конституциянинг 17-моддаси, 4-қисми).

Кучли юқори палатанинг ўзига хослиги шундаки, унинг розилигисиз парламент қарори қабул қилинмайди. Масалан, АҚШ Конституцияси 7-бўлими 1-моддасининг 2-қисмидан шу қоида келиб чиқадики, агар қонун Конгресснинг ҳар бир палатасида қабул қилинмаса, юридик кучга эга бўлмайди. Бу қоида Италия Конституциясининг 70-моддасида ҳам ўз аксини топган. Унга қўра, қонунчилик функцияси ҳар икки палатанинг ҳамкорлигида амалга оширилади.

Палата парламентнинг ўз номига, ваколатлари ва вазифаларига эга бўлган, нисбатан мустақил таркибий қисмидир. Икки палатали парламент модели шунга олиб келадики, ХХI ас арафасида Европа ва Америка минтақаларидаги аксарият давлатлар икки палатали парламентга эга бўлдилар. Айни пайтда, икки палатали тизим нафақат федератив давлатлар, балки унитар давлатларга ҳам хосдир.

Бикамерализмнинг (яъни парламентнинг икки палатали моделининг) аҳамияти унинг қуйидаги функцияларида акс этади:

1) аҳоли ва ҳудуд вакиллигининг қанча тўлик таъминланиши. Агар бир палата муайян сайловчилар депутатларининг вакиллиги асосида ташкил топса, бошқаси давлат таркибий қисмлари (штат, ўлка, вилоят кабилар)нинг вакиллиги асосида ташкил топади. Ҳар икки палата биргаликда бутун мамлакат аҳолиси ҳамда унинг таркибий қисмларининг манфаатларини эътиборга олиш ва ифодалаш имконини беради;

2) меҳнатнинг самарали ташкил этилиши, бу ўринда мураккаб ва сермашаққат фаолиятнинг оқилона тақсимланишини таъминлайди. Ҳар бир палата қонунчилик жараёнида ўз функциясини бажаради. Бу эса уларнинг биргаликда шошма-шошарлик билан хато қарорлар қабул қилинишини истисно этувчи пухта ўйланган қарор қабул қилишлари-га кўмаклашади;

3) парламентнинг икки палатали тузилиши муроса, келишув, зиддиятларни бартараф этиш, зарур қонунларни ишлаб чиқиш воситаларини ўзида мужассамлаштирган қонунчилик ҳокимиятининг тарихий шаклланган механизmidир. Икки палатали тизимга ўтган мамлакатлар унинг ижобий томони сифатида юқори палатанинг парламентни кўпинча ўйламасдан, хис-ҳаяжонга берилиб, баъзан эса тўғридан-тўғри шуҳрат қозониш мақсадида қарорлар қабул қилишдан тўхтатиб туришини эътироф этадилар. Палаталар шаклланиш тартиби, ички тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, юқори палатада одатда партия фракциялари ва блоклар тузилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2000 йил 25-26 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлисни доимий асосда ишлайдиган икки палатали тизимга ўтказиш тўғрисидаги қарорни илгари сурди.

Икки палатали парламентга ўтилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг чинакам демократик тақсимланишга олиб келди.

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг қарор топиши жўшқин сиёсий ислохотларнинг марказий воқеаси бўлди ва у давлатчилигимиз таракқиётида янги босқични бошлаб берди десак, асло муболаға бўлмайди.

2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган сайловлар (2005 йил 9 январидан амалга оширилган такрорий овоз бериш) натижасида Ўзбекистон Республикасида илк бор икки палатали парламентнинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси шакллантирилди. Сўнгра, Конституцияга мувофиқ, 2005 йилнинг 17–20 январь кунлари республика-миз маҳаллий ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенатга сайлов ўтказилди. Сенат аъзоли-гига номзодларни оқсоқоллар кенгашлари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, катта



амалий тажрибага эга бўлган энг обрўли депутатлари орасидан кўрсатдилар. Шунингдек, Сенатнинг 16 нафар аъзоси ЎЗР Президентининг фармониغا мувофиқ тайинланди.

2005 йилнинг 28 январь куни эса ЎЗР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Қўшма мажлисда ЎЗР Президенти И. А. Каримов давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш, парламент олдида турган асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Маърузада «давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат» – деб таъкидланди.

Дунё сиёсий-юридик харитасига эътибор берадиган бўлсак, АКШ, Россия, Франция, Италия, Испания, Япония, Буюк Британия каби давлатлар икки палатали парламент воситасида ўз ривожланишини жадал давом эттирмоқдалар. XX асрнинг 60–70 йилларида дунёда икки палатали парламентлар 45 тадан ортиқ давлатда фаолият кўрсатган бўлса, XXI аср бошига келиб, бундан парламентларнинг сони 70 га тага етди.

Россияда икки палатали тизимга ўтиш 1989 йилнинг 27 октябрида конституциявий ислохотлар натижасида амалга ошди ва 1990 йилнинг майидан у ўз фаолиятини бошлади. Унга кўра парламент Республика Кенгаши ва Миллатлар Кенгаши палатасидан иборат эди.

Россия Федерациясининг ҳозирги парламенти – Федерал Мажлис (ФМ) – юқори (Федерация Кенгаши) ва қуйи (Давлат Думаси) палатадан иборат.

Парламент палаталарининг тенглик принципи қуйидаги ҳолатда кўзга ташланади:

- палаталардаги депутатлар сони деярли тенг бўлади;
- палаталар деярли бир вақтда ўз фаолиятини бошлайди;
- бир палатада кўриб чиқиладиган масала иккинчи бир палатанинг кун тартибига ҳам кўриб чиқилади, яъни парламент кун тартиби ягона бўлади (қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва шу кабилар);
- палаталарда қўшма мажлислар тез-тез ўтказилиб туради;
- иккала палата манфаатлари бир тилда ҳимоя қилинади ва уларга тенг имкониятлар берилади (масалан, парламентни раиси бўлмаса, қўшма мажлисларни палаталарнинг раиси навбатма-навбат олиб боради);
- палаталар доимий ёки вақтинча иш олиб борувчи ишчи органларини яратишда ҳар иккала палатадан тенг миқдорда вакиллар бўлади;
- палаталар ўртасида ихтилофлар бўлишига йўл қўйилмайди, улар бир вақтда ўз фаолиятини якунлайдилар.

Шундай қилиб, палаталарнинг тенглиги принципида парламент яхлит ҳолда иш олиб боради.

Қуйи ва юқори палаталар принципи амалга ошганда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

- палаталар биргаликда иш олиб бормайдилар;
- ҳар бир палатанинг ўз ваколатлари мавжуд бўлади;
- ҳар бир палата муаммоли масалаларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этади;
- палаталар бир вақтнинг ўзида ёки турли даврда иш олиб бориши мумкин;
- палаталар биргаликда умумий иш юритувчи органлар тузмайдилар;
- палаталардаги депутатлар сони турлича бўлади.

Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис – ЎзРнинг доимий амал қилувчи вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлиб, Қонунчилик палатаси номли қуйи палата ва Сенат номли юқори палатадан иборат. Парламентимизнинг ушбу тарзда фаолият юритишига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь) ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 24 апрель) асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қонунларда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва фаолиятининг кафолатлари белгилаб қўйилган. Уларда депутатнинг унинг номзодини илгари сурган сайловчилар ва сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликлари, депутатлик ахлоқи масалалари акс эттирилган.

Конституциявий қонун-қоидаларининг амалга оширилиши қонун чиқарувчи органдан давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шунингдек уларга эришиш йўллари ва воситаларини аниқ тушунишга қаратилган юксак касб маҳоратини талаб этади. Бу иш жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда манфаатли иштирокини назарда тутаяди.

**ИККИ ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМ** – бир сиёсий партиянинг ҳокимият тепасида бўлиб, иккинчи сиёсий партиянинг биринчисига нисбатан муҳолифотда бўлган жамият сиёсий ташкилотига берилган характеристика. Улар ўртасидаги кучлар нисбати парламент депутатларини ва президентни сайлашда ўз аксини топади. Ғалаба қозонган партия вакиллари парламентдаги кўпчилик ўринни эгаллайди, ҳукумат тар-

кибини ва президентликка номзодни белгилаб беради. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, бир партиянинг вакиллари парламент сайловларида ютиб чиқсада, президент сайловларида ютказиб қўяди ва аксинча, яъни президент сайловларида ютган партия, парламент сайловларида ютказиб қўяди. Икки партиявий тизим энг кўп тарқалган мамлакатлар АКШ, Буюк Британия ва бошқа шу каби мамлакатлардир.

«Икки партиявий тизим» тушунчаси, маълум бир маънода шартли тушунчадир. У бундай тизим мавжуд мамлакатларда бошқа партиялар йўқ деган маънони билдирмайди. Бундай мамлакатларда бошқа сиёсий партиялар ҳам мавжуд бўлиб, аммо улар бу икки партияга ўхшаб обрўга эга эмас, улар парламентда кўп овозга эга бўла олмайди, президентликка ўз номзодларини илгари сура олмайди. Парламент сайловларида ва президентликка номзодини қўйган партиялар учун илгари қабул қилинган қонунлар ўз кучида қолади. Уларни бекор қилиш, ўзгартириш конституция ва қонунларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

**ИККИ ФУҚАРОЛИК** – бир вақтнинг ўзида икки давлатнинг фуқароси (тоъбе) бўлиш имконияти. Икки фуқаролик ҳолати қуйидаги вазиятларда вужудга келиши мумкин:

Биринчи ҳолатга кўра, агар ҳар бир давлат ўз қонунларини устун деб билсалар, бу икки давлат қонунчилигида коллизия нормалар вужудга келади. Масалан, боланинг ота-онаси, турли давлатнинг фуқароси бўлса, бола иккала давлатнинг фуқаролигини олиши мумкин бўлади. Лекин бола туғилган давлат икки фуқароликни тан олмаса, у отаси ёки онаси эга бўлган фуқароликни олиши мумкин бўлади. Бунда икки фуқароликка йўл қўйилмайди.

Иккинчи ҳолатга кўра, фуқаро ўзи яшаб турган давлат фуқароси бўлиш билан яна бошқа бир давлат фуқаролигига эга бўлишни хоҳласа. Агар ўша давлат қонунчилигида икки давлат фуқаролигига эга бўлиш кўзда тутилган бўлса, фуқаро икки фуқароликка эга бўлади.

Учинчи ҳолатга кўра, фуқаро ўзи яшаб турган давлат фуқаролигидан маҳрум қилиниб, бошқа давлат фуқаролигига эга бўлган бўлса ва яна ўз давлат фуқаролигини қайта тиклаган бўлса. Агар давлат уни чет эл фуқаролигини тан олса икки фуқаролик келиб чиқади.

Тўртинчи ҳолатга кўра, агар давлат ўз фуқаросига бошқа давлат фуқаролигига эга бўлишга расман рухсат берса ва у ўз давлат фуқаролигини ҳам сақлаб қолса икки фуқаролик вужудга келади.

Аммо Ўзбекистонда тўрттала ҳолат бўйича ҳам икки фуқароликка эга бўлиш мумкин эмас. Чунки давлатимиз Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқароликни ўрнатади (21-модда). Президент И.А. Каримов ягона фуқаролик ҳақида тўхталиб, «икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир», – деб айтиб ўтган эди (И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., 1996. 96-бет.).

Россия Федерациясининг фуқаролик тўғрисидаги Қонунига кўра икки фуқароликка руҳсат берилади. Қонуннинг 3-моддаси, иккинчи қисмига кўра, Россия фуқароси ўзи хоҳласа Россия Федерацияси билан икки фуқаролик тўғрисида шартнома имзолаган давлатларнинг фуқаролигига эга бўлади. Яъни Россия фуқаролари икки фуқаролик мақомига эга бўла оладилар. Ҳозирги пайтда Россия Федерацияси Собик совет иттифоқи мамлакатларидан Туркменистон ҳамда Тожикистон давлатлари билан икки фуқароликни тан олиш бўйича шартномага эга.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, собик СССРда икки фуқароликка эга бўлиш расман тан олинмаган.

**ИККИНЧИ ЎҚИШ** – қаранг. *Ўқиш*.

**ИЛМИЙ, ТЕХНИКАВИЙ, АДАБИЙ, БАДИЙ ВА ИЖОДНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИНИНГ ЭРКИНЛИГИ** – асосий конституциявий эркинликлардан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», – деб ёзиб қўйилган.

Илмий, техник, адабий ва бадий ижод эркинлиги ҳар бир фуқаронинг илмий ва техник муаммолар, фан ва техника соҳасидаги тадқиқотлар, кашфиётчилик ва рационализаторлик фаолияти билан, адабиёт, бадий асарлар яратиш билан шуғулланиш имкониятидир. Шу мақсадда фуқаролар турли илмий-техник ва адабий, бадий ижодий уюшмаларга бирлашадилар, давлат турли хил илмий-тадқиқот муассасаларини тузади. Давлат қонунлар билан илмий ва ижодий фаолият маҳсули – ақлий мулкни ҳимоя қилади.

**ИЛМИЙ-МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ** – ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Олий суди, ЎзР Олий арбитраж суди ЎзР қошида тузилган маслаҳат органлари. Улар асосан юридик фани вакиллари ва юқори малакали амалиётчилардан таркиб топади. Уларнинг асосий вазифаси – тегишли органлар фаолиятида юзага келувчи мураккаб масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

**ИЛТИМОСНОМА** – фуқароларнинг давлат органларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатларининг умумлаштирилган номларидан бири.

Айрим ҳолларда фуқаронинг тегишли органга ёки мансабдор шахс номига мурожаатининг муайян тури **И.** деб аталади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида илтимоснома тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Президентининг номига Ўзбе-

кистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида илтимоснома тақдим этади.

Муайян шахс ёки ташкилотнинг тегишли орган ёки мансабдор шахсга муайян фуқаро ёки фуқаролар гуруҳининг аризасини қўллаб-қувватловчи мурожаати ҳам **И.** деб аталади (масалан, бундай **И.** билан кўпинча депутатлар сайловчиларнинг аризалари ва шикоятлари юзасидан мурожаат этадилар).

**ИММИГРАНТ** — маълум давлатга вақтинча ёки доимий яшаш учун келган бошқа давлат фуқаролари ёки фуқаросиз шахсларга нисбатан ишлатиладиган умумлашган ном (халқаро атама). Бир давлатдан иккинчи давлатга келиш сабаблари турлича бўлиши мумкин: масалан, иш кидириб келиш, қариндош-уруғларига қўшилиш, никоҳга кириш, сиёсий сабаблар ва бошқалар.

Иммигрантлар кўплиги туфайли, баъзи мамлакатларда, масалани тартибга солиш учун махсус қонунлар қабул қилинган. Айрим мамлакатларда эса махсус фармон ёки ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади.

**ИММИГРАЦИОН КОНТРОЛЬ** — миграцион хизмат ёки махсус давлат органи томонидан, миграцион фаолиятни тартибга солиш, ёки мамлакат ҳудудига назоратсиз иммиграцияни олдини олиш учун олиб бориладиган фаолият.

**ИМПЕРАТИВ МАНДАТ** — қаранг: депутат.

**ИМПЕЧМЕНТ** — айрим мансабдор шахсларнинг мансабдан четлатиш ва жавобгарликка тортиш жараёни (тартиби). **И.** атамаси конституциявий ҳуқуққа АҚШ қонунчилиги ва амалиётидан кириб келган. **И.** ҳар қандай мансабдор шахсни ўз бурчига жиддий ёндошишига, ҳар қандай вақтда лавозимдан четлатишга ва жавобгарликка тортишга олиб келиши мумкин. **И.** ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларнинг конституцияларида ҳар қандай мансабдорларга нисбатан қўлланиладиган жараён сифатида ўрнатилган. **И.** га асос бўлиб, хоинлик, порахўрлик, конституцияга амал қилмаслик ва бошқа оғир жиноий ҳаракатларни содир этиш ҳисобланиши мумкин. АҚШ Конституциясига асосан Президент, вице-Президент ва бошқа мансабдорлар мансабидан четланрилиши ва жавобгарликка тортилиши мумкин. **И.** амалга ошириш Парламент ихтиёрида **И.** масаласини АҚШда Конгресснинг вакиллар палатаси кўзғатади ва Сенат қарори билан ҳал қилади. АҚШ Президентига нисбатан **И.** кўзғатилганда Сенат мажлисида Олий Суд раиси раислик қилади. АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси 64 марта **И.** ташаббуси билан чиқишган. Шундан 12 иш Сенатда кўрилиб 4 федерал судьяга нисбатан **И.** қўлланилган. **И.** натижасида ҳозиргача бирорта АҚШ Президенти мансабидан четлаштирилмаган. Лекин, 1974 йилдаги АҚШ Президенти Р. Никсон **И.** ҳавфи остида ўз ихтиёри билан истеъфога чиққан. 1999 йилда АҚШ Президенти Б. Клинтонга нисбатан **И.** илгари сурилиб, иш Сенатгача борган. Аммо Се-

натда айблов етарлича овоз ололмаган. **И.** учун мутлақ кўпчилик, яъни учдан икки қисм овоз бўлиши талаб этилади.

Россияда Б. Ельцин Президентлиги даврида ОАВ «Импечмент» деган сўз кўп ишлатилди. Россия Конституциясида ҳам «Мансабдан четлатиш» кўрсатилган бўлиб у ҳам **И.** ўзгинасидир. Масалани Давлат думаси кўзгатади ва Федерация Кенгаши узил-кесил қарор қабул қилади. Бу конституцион жавобгарлик фақат Президентга нисбатан қўлланилади. Давлат думаси бир неча марта Б. Ельцинни «мансабдан четлатиш» (импечмент) масаласини кўтариб чиққан лекин масала охиригача олиб берилмаган.

Ўзбекистон Конституцияси **И.** масаласини, яъни мансабдор шахсларни мансабидан четлатиш, жавобгарликка тортиш масаласини кўзда тутмаган.

**ИНАУГУРАЦИЯ** – давлат бошлиғи лавозимига киришишини тантанали маросими. Бу маросимларда хорижий давлат бошлиқлари, дипломатлар иштирок этади. 2004 йилда Азарбайжон Республикаси, Грузия, Россия Федерациясида **И.** бўлиб ўтди.

Россия ОАВ Россия Федерацияси субъектлари бошлиқлари (губернатор-мэр) лавозимига киришишни ҳам **И.** деб аташ тажрибага кириб қолган.

**ИНДЕМНИТЕТ** – қаранг: депутат индемнитети.

**ИНДОНЕЗИЯ (ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Осиёнинг жанубий-шарқидаги Малай оролларида жойлашган давлат. Пойтахти – Жакарта. Индонезиянинг мустақиллиги 17 август 1945 йилда эълон қилинган. Маъмурий бўлиниши: 27 та вилоят (провинция) ва бир алоҳида ҳудуддан иборат. Вилоятлар 281 та областга бўлинади, уларни ичига областга тенглаштирилган шаҳарлар ҳам киради. Областлар районларга бўлинган.

Мамлакатда 18 август 1945 йилда қабул қилинган Конституция амал қилади. Унга асосан Олий давлат ҳокимияти органи, халқ суверенитетини ифодаловчи Олий Маслаҳат Конгресси ҳисобланади. У 1000 та аъзодан иборат. Унинг 500 та аъзоси парламентнинг (Халқ вакиллари кенгаши) депутатларидан, қолган 500 таси, Голкар сиёсий иттифок раҳбарлари аъзолари, рухсат берилган партия вакиллари ва президент томонидан тайинланадиган аъзоларидан иборат. Олий Маслаҳат Конгрессининг асосий функцияси, Конституция қабул қилиш ва ўзгартириш киритиш, давлат сиёсатининг асосий йўналишини белгилаш, мамлакат президенти ва вице-президентини сайлаш ҳисобланади. Бу орган 5 йил муддатга сайланади. Сессиясини 5 йилда бир марта ўтказиш, лекин зарур бўлса ҳар қандай пайтда сессияга тўпланиши мумкин.

Давлат бошлиғи президент бўлиб, у Олий Маслаҳат Конгресси томонидан 5 йилга сайланади ва уни олдида жавобгар.

Президент кенг ҳуқуқларга эга: парламент билан келишиб қонун

чиқаради, қонун лойиҳаларини тасдиқлайди, мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилади, парламент розилиги билан уруш эълон қилади, бошқа давлатлар билан шартномалар тузади, Олий Бош қўмондон ҳисобланади.

Мамлакатда қонунчилик ҳокимиятини ўзига ажратилган ваколатлар доирасида бир палатали парламент – Халқ Вакиллари Кенгаши амалга оширади. У 500 депутатдан иборат бўлиб 400 депутат умумий, тўғри сайлов асосида сайланади 100 депутат, сайловларда қатнашмай-диган ҳарбийлар орасидан Президент томонидан тайинланади. Парламентнинг асосий функцияси қонун қабул қилиш ва бюджетни тасдиқлаш. Шундай қилиб Индонезияда бошқа давлатлардан фарқ қилиб Олий вакиллик органи 2 та: Халқ Консултьатив Конгресси ва Халқ Вакиллари Кенгаши.

Ҳукумат Президент томонидан бошқарилади. У мувофиқлаштирувчи вазирлар, вазирлар ва давлат вазирларидан иборат бўлади. Президент ҳузурида Олий маслаҳат Кенгаши фаолият кўрсатиб, унинг аъзолари (жами 30 та) Президент томонидан тайинланади. У маслаҳат берувчи орган ҳисобланади.

Суд тизими, Олий суд, йирик шаҳарларнинг юқори судлари, район судларидан иборат.

**ИНКОРПОРАЦИЯ** (лот. *Incorporatio*) – тизимлаштиришнинг бир тури бўлиб, бунда Кодификациядан фарқли ўлароқ, амалдаги қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг мазмунига бирон-бир ўзгариш киритилмасдан, улар хронологик, алифбо, мавзу бўйича ёки ўзгача тартибда (масалан, ҳуқуқ соҳалари бўйича) тизимга солиб нашр қилинади. Қонунларни инкорпорация қилиш орқали тизимлаштириш деярли барча давлатларда амалга оширилади. Улар кўп жилдли қилиб нашр этилиб, қонунларнинг чиқарилган вақтига қараб (хронологик), алфавит тартибда ва бошқа сифат ҳамда белгиларига қараб жойлаштирилади. Ўзбекистонда Муस्ताқилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб чиқарилган қонунлар «Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари» деган кўп жилдли хронологик тўплам сифатида нашр этиб келинмоқда. **И.нинг** уч тури мавжуд: расмий, норасмий ва официоз инкорпорация. *Расмий инкорпорация* деганда қонунчилик актларини уларни чиқарган органлар томонидан тўплам ва мажмуа шаклида тизимлаштириш тушунилади. *Норасмий инкорпорацияда* тизимлаштирилган тўпламлар тузиш бунинг учун махсус ваколати бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади (масалан, юридик нашриётлар томонидан ёки илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тизимлаштириш). *Официоз инкорпорация* деганда эса қонунчилик актларининг уларни тизимлаштириш ваколатига эга бўлган идоралар томонидан умумлаштирилиши ва тўплам ёки мажмуа қилиб чиқарилиши (одатда, бундай тизимлаштириш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади) тушунилади.

**И.нинг энг юқори кўриниши** – қонунлар мажмуини тузиш, қонунлар ва бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаб, қатъий тартиб асосида мавзули (предметли) тизимлашдир. Бунда амалдаги барча қонун ҳужжатлари ёки қонун ҳужжатларининг маълум бир соҳаси, институтига тегишли норматив ҳужжатлар қайта ишланади ва муайян тартибда жойлаштириб чиқилади. Норматив-ҳуқуқий актларни жамлаш (консолидация қилиш) усули қонунчиликни тизимлаштиришга яқин туради. Қонунчиликни жамлаш норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштиришдан олдинги дастлабки босқич сифатида майдонга чиқади. Бунда норматив ҳужжатлар чуқурроқ қайта ишланади, яъни айнан бир хил масалага оид бўлган тарқоқ ҳолдаги норматив ҳужжатлар тегишли қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинадиган ягона акт ҳолида бирлаштирилади. Консолидация жараёнида норматив ҳужжатлар уларнинг мазмунига бирон-бир ўзгартириш киритилмаган ҳолда, фақатгина таҳрир қилиш йўли билан қайта ишлаш орқали муайян мантикий кетма-кетликда жойлаштириб чиқилади. Норматив ҳужжатларни консолидация ҳолида нашр қилиш Буюк Британия ва Францияда кенг тарқалган. Халқаро шартномалар таҳрирларида «И» ибораси қилишув асосида бир давлатнинг иккинчи давлат таркибига киришини кўрсатиш учун қўлланилади.

**ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ** – кейинги йилларда Ўзбекистон конституциявий лексиконига кирган ибора (қаранг: Фуқаро. Асосий ҳуқуқлари ва эркинлари. Асосий ҳуқуқ. Асосий бурч ёки мажбурият).

**ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ** – асосий ҳуқуқлар ва эркинликларнинг рўёбга чиқарилишини, инсон ва фуқаро бурчларининг бажарилишини ҳақиқатга айлантирадиган ҳамда уларнинг ноқонуний чеклашлар ва тажовузлардан муҳофаза қилинишини таъминлайдиган моддий, ташкилий, маънавий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар.

Бундан кафолатларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин.

**1. Моддий кафолатлар.** Ҳуқуқлар ва эркинликларнинг аксариятини рўёбга чиқариш, шунингдек бурчларни бажариш учун иқтисодий замин яратилиши керак: давлатда ҳар бир фуқаро учун ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларни иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг ўртача меъёри, мезони бўлиши зарур.

**2. Ташкилий кафолатлар** фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, улар ўз бурчларини бажаришларини таъминлаш ҳамда муҳофаза қилиш мақсадини кўзловчи давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда мансабдор шахслар тизими мавжудлигида ифодаланади. Ташкилий кафолатлар билан боғлиқ вазифаларни барча анъанавий мавжуд органлар: вакиллик, ижро этувчи ва суд органлари бажаради.

Анъанавий тузилмалар билан бир қаторда Ўзбекистонда янгилан



ри ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, мана бир неча йилдирки, ЎзРнинг **Конституциявий суди** фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси мазмунидан келиб чиқадики, фуқаролар ўз ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонуни, Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжат, Президент фармони, ҳуқуқат ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органининг қарори билан ёхуд ЎзРнинг ўз Конституциясига номувофик халқаро шартномаси ёки бошқа мажбурияти билан ўз ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобласалар Конституциявий судга мурожаат этишлари мумкин. Бундай мурожаатлар судьялар томонидан ўрганиб чиқилади.

Яна бир янги тузилма – Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти бўлиб, унга Ўз.Рда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

**3. Маънавий ёки гоёвий кафолатлар** жамиятда ҳар қандай ҳуқуқни, эркинликни, бурчни тўғри тушуниш ва муносабатда бўлиш билан боғлиқдир. Қарашлар (концепциялар) ўзгаради, мавжуд сўзларга янгича мазмун бахш этилади. Буни фуқароларга тушунтириш керак бўлади.

**4. Юридик кафолатларни** икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчидан, тегишли ҳуқуқлар, эркинликларни рўёбга чиқариш, бурчларни бажариш механизмларини (тартиб-таомилларини) аниқ-равшан таърифлаш ва белгилаб қўйиш керак бўлади. Иккинчидан, фуқаролар, уларнинг бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлар тўғри рўёбга чиқарилиши, уларни суиистеъмол қилганлик, бузганлик, инсон ва фуқарога нисбатан ўзбошимчалик қилганлик учун жавобгарлиги аниқланиши лозим.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛ (Омбудсман)** – Ўз.Рнинг 1992 й. Конституциясига мувофиқ таъсис этилган лавозим. «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1997 й. 24 апрель Қонунига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Бу хилдаги мансабдор шахслар турли мамлакатларда ҳар хил ном билан аталади: Скандинавия мамлакатларида – омбудсман; Испания ва Колумбияда – халқ ҳимоячиси; Францияда – воситачи; Руминияда – халқ адвокати ва ҳ.к. Аммо уларнинг барчаси бир хил вазифани бажаради – инсон ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилади.

ЎзРда омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари «Олий Маж-

лиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган. Мазкур Қонунга биноан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мансабдор шахс бўлиб, унга ЎзРда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. ЎзРнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради. Вакил ЎзРнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятида ЎзРнинг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, ЎзРнинг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва ЎзР Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлиснинг ваколатлари муддатига сайланади. Олий Мажлиснинг ваколатлари муддати тугагач, Вакил янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифаларини бажариб туради. Вакилнинг Олий Мажлис томонидан сайланадиган ўринбосари бўлади. Вакил ўринбосарига Вакил учул белгиланган ҳуқуқлар ва қарорлар татбиқ этилади.

Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошқоралик, ҳар бир киши учун очқикдир. Вакил ЎзР Олий Мажлиснинг депутати бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Қонунга мувофиқ, Вакил ЎзР фуқаролари ҳамда ЎзР ҳудудида яшаб турган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга. Вакил учинчи шахслар, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг аниқ бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун қабул қилади, бунинг учун уларнинг розилиги бўлиши шарт. Вакил суднинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чикмайди.

Вакил аризаچининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан бошлаб ёки агар

аризачи ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қоникмаган бўлса, ўз шикоятни бўйича қабул қилинган охириги қарордан хабар топган пайтдан бошлаб, бир йил давомида берган шикоятларини кўриб чиқади.

Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга: шикоятни кўриб чиқиш; аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш; шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш; аризачини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш; шикоятни кўриб чиқишни сабабини албатта кўрсатган ҳолда рад этиш; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

Шикоятни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларни ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга: аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширув ўтказишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилот ёки мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас; ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига бемалол кириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; ташкилотлар ва мутахассисларга аниқланиши зарур бўлган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлашни топшириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ўтказилаётган текширувларда иштирок этиш; ушланган ёхуд қамоқда сақланаётган шахс билан учрашиш ва суҳбатлар ўтказиш; ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳоллари аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида хат билан тегишли органларга мурожаат этиш.

Мансабдор шахслар Вакил сўраган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт. Вакил ўз фаолияти масалалари бўйича давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан кечиктирмасдан қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади. Вакилнинг вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Вакил шикоятни текшириш натижаларига биноан: аризачига кўриб

чиқиш натижаларини маълум қилиши; ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар баён этилган ўз хулосасини юбориши шарт. Бунда Вакилнинг хулосасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай асосли жавоб юбориши шарт.

Вакилнинг хулосасида қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин: иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги; ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги; ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги; ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги. Вакилнинг хулосасида бошқа тавсиялар ҳам ифодаланиши мумкин.

Вакил Олий Мажлиснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса, Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Олий Мажлис Вакилига нисбатан жиноят иши фақат ЎзРнинг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Вакилни мажбурий тарзда олиб келиш, ушлаб туриш, шунингдек унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бу ҳаракатлари учун таъқиб остига олиниши ёки бошқа тарзда ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас.

Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига қўмаклашиш учун Олий Мажлиснинг Вакили раислигида Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади. Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Регламентга асосланади. Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, ушбу Котибият тўғрисидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади. Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**ИНСТИТУТ** – давлат-ҳуқуқий ёки ижтимоий-сиёсий ҳодиса (борлик) ва уларга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ва ҳуқуқий нормалар билан боғлиқ ижтимоий нормалар.

Институт бир неча сўзларга қўшиб ишлатилиши мумкин.

Давлат институти – давлат қурилиши (тузилиши) билан боғлиқ муносабатлар яъни давлат ҳокимияти, федератив, унитар тузилиши, суд тизими ва бошқалар.

Конституциявий-ҳуқуқий институт Конституция ёки бошқа конс-

титущиявий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган муносабатлар ёки органлар тизими (парламент, президентлик, сайлов тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари).

Ижтимоий-сиёсий институт – ижтимоий ва давлат ҳодисаларига яқин бўлган улар билан қўшилиб кетувчи ижтимоий муносабатлар гуруҳлари. Масалан: сиёсий плюрализм, турли фикрлилик, кўппартиявийлик, чунки булар ҳуқуқий асосга эга.

Ҳуқуқий институт – алоҳида ижтимоий муносабатларга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Давлат ёки ижтимоий-сиёсий институт конституцияларда мустаҳкамланади. Шунинг учун уларни юқоридагидек шартли бўлишига қарамасдан бир сўз билан, яъни конституциявий институт деб аташ мумкин.

«Институт» атамаси олий ўқув юртларига, илмий текшириш муассасаларни ҳам тадбиқ қилинади.

**ИНТЕРПЕЛЛЯЦИЯ** – қаранг: депутат сўрови.

**ИНТИЗОМИЙ НОЖЎЯ ИШ** – бу жисмоний шахснинг корхона, бирлашма ва муассасаларнинг ички тартиб-қоидалари, шунингдек меҳнат, хизмат, ўқув, ҳарбий ҳамда бошқа шу каби интизомни бузишга қаратилган ҳуқуққа қарши ҳаракатидир.

**И.н.и.ни** содир этганлик учун жавобгарлик жорий қонунчилик актларида, уставда, низомда ва йўриқномаларда кўзда тутилган бўлади. Масалан, ЎзР меҳнат қонунчилигида меҳнат интизомини бузганлик учун ҳайфсан, жарима ва меҳнат шартномасини бекор қилиш каби интизомий чоралар кўзда тутилган.

**ИНТИЗОМИЙ ҲИБСХОНА** – Вояга етмаганлар учун тарбия колонияларда жазо ўтовчилар, жазо ўташ режимини бузган вақтда киритиб қўйиладиган махсус жихозланган ҳибсхона. ЎзР ЖИКнинг 127-моддасига асосан ҳибсхонага киритиб қўйиш интизомий чоралардан бири бўлиб, бу жазо ўн уч ёшдан – ўн олти ёшгача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга 10 суткагача қўлланилади.

**ИОРДАНИЯ (ИОРДАН ҲОШИМИТ ҚИРОЛЛИГИ)** – Осиёнинг ғарб қисми, Яқин Шарқда жойлашган давлат. 25 май 1946 йилда мустақиллик эълон қилинган. Пойтахти – Омман. 1967 йилда ҳудудининг бир қисми Изроил томонидан босиб олинган.

Маъмурий бўлиниши: 10 вилоят (мухофаза)дан иборат. Иордан дарёсининг қирғоғида жойлашган губерния Изроил томонидан босиб олинган ва шу ҳудудда 15 ноябр 1988 йилги мустақил Фаластин давлати эълон қилинган. 31 июн 1988 йилда Иордания Фаластин фойдасига шу ҳудудга нисбатан ўз суверенитетидан воз кечган.

Иордания монархия давлати. Давлат бошлиғи – қирол. Тахт вәрислик орқали ўтади. Фақат эркакларга. Агар янги қирол вояга етмаган бўлса, ҳокимият Регент Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Мамлакатда 8 январ 1952 йилда қабул қилинган Конституция амал қилади.

Парламент – Миллий Мажлис бўлиб, у икки палата, Сенат ва Депутатлар Палатасидан иборат. Сенат 40 та сенаторлардан иборат. Уларни қирол 4 йилга тайинлайди ва ҳар икки йилда таркибнинг ярми янгиланади. Сенат раиси қирол томонида бир йилга тайинланади. Депутатлар палатаси 80 та депутатдан иборат бўлиб улар умумий сайлов асосида 4 йилга сайланади. 9 ноябр 1974 йилги Конституцияга киритилган ўзгаришга асосан, қирол ҳар икки палаталарни тарқатиб юбориб, мамлакатни бир йил давомида парламентсиз бошқариши мумкин.

Ижроия ҳокимият Қирол томонидан, у тузган Вазирлар Кенгаши орқали амалга оширилади. Вазирлар Кенгаши вазирлар ва давлат вазирларидан иборат.

Мамлакатда Олий суд органи – кассацион суд.

**ИРЛАНДИЯ (Ирландия Республикаси)** – Ғарбий Европадаги давлат. Пойтахти – Дублин.

1175 йилда Ирландия ўз ҳудудида Буюк-Британиянинг суверенитетини эътироф этиб, унинг ихтиёрига ўтган. 1919 йилда бир томонлама ўз мустақиллигини эълон қилган. Буюк Британия билан тинчлик шартномаси 1921 йилда тузилган. Шартномага асосан 6 та энг ривожланган графликлар Буюк-Британия ихтиёрида қолган ва улар Шимолий **И.** деб аталади.

1949 йилда **И.** мустақил республика деб эълон қилинган. У Европа иттифоқи аъзосидир.

Маъмурий бўлиниши, 26 графликдан иборат, улар асосида 4та тарихий вилоят ташкил этилган (Коннахт, Ленестр, Манестр, Ольстер).

29 декабр 1937 йилда қабул қилинган Конституция 1971 йилги ўзгартиришлар билан амал қилади. Конституцияга биноан Ирландия – Республика. Давлат бошлиғи умумий, тўғри сайлов асосида, 7 йил муддатга сайланадиган Президент. Бир шахс яна бир марта 7 йил муддатга сайланиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик органи икки палата: Сенат (юқори палата) ва вакиллар палатаси (қуйи палата)дан иборат Миллий Парламент. Сенат 60 та сенаторлардан иборат. Уларнинг 11 таси президент томонидан тайинланади, 43 таси профессионал гуруҳлар томонидан, 6 таси университетлар томонидан пропорционал тизимда почта орқали яширин сайланади. Ваколат муддати 5 йил. Вакиллар палатаси депутатлари пропорционал вакиллик тизимида, умумий, тенг, тўғри сайлов асосида 7 йил муддатга сайланади. Депутатлар сони даврий қонун билан, аҳоли сонини ўсишига қараб белгилаб борилади. 1992 йилдан уларнинг сони 166та бўлган. Қонун билан 7 йиллик муддат қисқартирилиши мумкин.

Ижроия ҳокимият ҳуқумат томонидан амалга оширилади. У ва-

киллар палатаси олдида жавобгар. Ҳукумат бошлиғи – Бош вазир, вакиллар палатаси тавсиясига кўра президент томонидан тайинланади. Вазирлар Бош Вазир томонидан тайинланади.

Олий суд, Раис ва 5 судьядан иборат бўлиб, бошқа судларга нисбатан олий инстанция ҳисобланади. Олий суд Конституциявий контрол вазифасини ҳам бажаради. У қонун лойиҳалари, амалдаги қонунлар, маъмурий қарорлар юзасидан ҳулоса беради.

Юқори суд (раис ва 14та судьядан иборат) ҳар қандай жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўради. Шунингдек округ судлари қарорлари устидан шикоятларни кўради.

Олий суд ва Марказий жиноят ишлари судлари орасида боғловчи звено бўлиб жиноят апелляция суди туради. Уни таркибига битта Олий суд судьяси, иккита юқори суд аъзоси киради. Шунингдек, олти округ судлари мавжуд бўлиб, уларнинг раислари лавозими бўйича юқори суд аъзоси ҳисобланади.

**ИРОҚ (Ироқ Республикаси)** – Осиёдаги давлат. 1583 йилдан Усмон империяси тартибидан, 1920 йилдан Буюк Британия бошқарувида, 1932 йилдан мустақил қироллик бўлган. 14 июл 1958 йилда монархия ағдарилиб, республика эълон қилинган. Пойтахти – Боғдод.

Маъмурий бўлиниши 18 та вилоят (мухофаз)дан иборат.

17 июл 1968 йилда ҳокимиятга Баас партияси келган. Шундан кейин вақтли Конституция лойиҳаси тайёрланиб 16 июл 1970 йилда эълон қилинган. Шу Конституция баъзи ўзгаришлар билан амал қилиб келмоқда.

Унга асосан Олий ҳокимият органи – 8 аъзодан иборат Революцион Кўмондонлик Кенгашидир. Кенгаш ўз раисини сайлайди ва у автоматик равишда Президент бўлади. Бу лавозимни 16 июл 1979 йилдан 2004 йилгача Садам Ҳусайн эгаллаб келган.

1995 йил сентябрда Конституцияга киритилган ўзгаришга асосан Президент референдумда сайланади. 15 октябр 1995 йилги референдумда 7 йил муддатга Саддам Ҳусайн сайланган.

Парламент – Миллий Мажлис ҳисобланади, у 250 депутатдан иборат, депутатлар 4 йилга умумий ва тўғри сайлов асосида сайланади.

Конституцияга асосан ижро ҳокимият ҳам Президентга тегишли, Президент Вазирлар Маҳкамасини тузиб, шахсан ўзи ҳукуматни бошқаради.

Олий суд органи – кассацион суд.

Ҳозирги кунда АҚШ бошлиқ бир неча давлатлардан иборат иттифок Саддам режимини ағдарди. Конституция амал қилмаяпти. Коалицион кучлар кейинги пайтларда каттиқ қаршилик учрамоқда. Ироқ ҳозирги кунда уруш ҳолатида.

**ИСЛАНДИЯ (Исландия Республикаси)** – Атлантик океани-

нинг шимолий қисмида жойлашган давлат. Пойтахти Рейкьявик шаҳри. 17 июн 1944 йилда мустақиллиги эълон қилинган.

Маъмурий бўлиниши: 23 округга (сисла) бўлинган, округлар обиналарга бўлинади.

17 июн 1944 йилдан Конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – президент, у умумий тўғри сайлов асосида 4 йилга сайланади. Сайловни муҳим хусусияти шундаки, президентликка амалдаги президентдан бошқа номзод бўлмаса сайлов ўтказилмайди. 1992 йилда бошқа номзод бўлмаганлиги учун сайлов ўтказилмаган. Бундай ҳолда амалдаги президент ваколат муддати яна 4 йилга узайтирилади.

Кунунчилик органи дунёдаги энг кўхна органлардан бўлиб у – Альтинг деб аталади. Альтинг юқори ва қуйи палатадан иборат. Юқори палата 21, қуйи палата 42 депутатдан иборат. Ҳар икки палата депутатлари пропорционал тизимда, умумий ва тўғри сайлов асосида 4 йилга сайланади. Палаталарнинг қўшма мажлиси Бирлашган Альтингни ташкил этади.

Ижро ҳокимияти президент ва у томонидан тайинланадиган ҳукумат томонидан амалга оширилади, ҳукумат Маҳкама деб аталиб парламент олдида жавобгар.

8 судьядан иборат ва президент томонидан тайинланадиган Олий суд – мамлакатда Олий суд инстанцияси ҳисобланади. Мамлакат ҳудуди 34 суд округига бўлинган бўлиб, судьялар жиноят ва фуқаролик ишларини яқка бошчилик асосида ҳал қилади. Савдо ва денгиз ишлари, меҳнат низолари бўйича ҳам махсус судлар мавжуд. Олий суд судьяларидан ташқари барча судлар Адлия вазири томонидан тайинланади.

**ИСПАНИЯ (Испания қироллиги)** – Жанубий-ғарбий Европада жойлашган, таркибига Ўрта ер денгизидеги Балеар, Атлантик океанидаги Канар ороллари қирувчи давлат. Пойтахти – Мадрид шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 50 та вилоятлар ва уларни бирлаштирган 17 та автономиядан иборат.

Бошқарув шакли Конституциявий монархия.

6-испан революцияси ва фуқаролар уруши деб номланган йилларда (1981–1939 йиллар) Испания республика шаклида бўлган. 1939 йилдан 1975 йил ўлимигача умрбод давлат бошлиғи бўлиб дохий генералиссимус Франко ҳукмронлик қилган. 1969 йил унинг таклифи билан давлат бошлиғининг вориси этиб, шахзода Хуан Карлос Бурбон тасдиқланган ва 27 ноябр 1975 йилда тахтга ўтирган.

Амалдаги Конституция референдум орқали 6 декабр 1978 йилда маъқулланган ва 29 декабр 1978 йилдан кучга киритилган, унга 1992 йилда ўзгартиришлар киритилган.

Давлат бошлиғи қирол. Лекин, унинг ваколатлари анча чекланган. Кўпгина масалаларни ҳал қилишда қирол ё парламент билан ё



хукумат раиси билан келишиши шарт. Қонунларни имзолаш, парламентни чиқариш ёки тарқатиб юбориш, умумий сайловлар эълон қилиш, вазирларни тасдиқлашни ҳукумат раиси билан келишиб, ҳукумат бошлиғини тайинлаш, референдум тайинлашни парламент билан келишиб амалга оширади. Қирол Олий Бош кўмондон ҳисобланади, авф этиш ҳуқуқига эга ва давлат номидан халқаро муносабатларда иштирок этади.

Қирол нафақат испан давлатининг бошлиғи ва давлат бирлиги ҳамда доимийлиги тимсолидир, унга Конституция билан давлат институтларини тўғри фаолият кўрсатишини таъминлаш (кафолат бўлиши) функцияси ҳам берилган.

Қонунчилик ҳокимияти парламент — Бош Кортес орқали амалга оширилади. Кортес икка палатадан иборат. Улар депутатлар Конгресси ва Сенатдир. Депутатлар Конгресси пропорционал тизимда, умумий ва тўғри сайлов асосида, 4 йил муддатга 300 дан кам бўлмаган ва 400 дан кўп бўлмаган таркибда сайланади. Сенат 256 сенаторлардан иборат бўлиб, улар можаритар тизимда, 4 йил муддатга умумий ва тўғри сайлов асосида сайланади. Сенат ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади.

Испан қонунчилиги жараёнида ўзига хос хусусият мавжуд бўлиб бу палаталар қонун қабул қилиш ҳуқуқини ўзларининг доимий комиссияларига ўтказиши (топшириши) мумкин. Лекин палаталар ҳар қандай қонун лойихаси бўйича палаталарнинг ҳамма депутатларини овоз беришини талаб қилиши мумкин. Комиссиялар конституцион ислох, давлат бюджети бўйича қонун қабул қила олмайди.

Палаталар мажлисларини алоҳида-алоҳида ўтказиши. Қирол қасам ёд қабул қилганда, тожни вориси масаласи аниқланганда, ворислик бекор қилиниши масаласида, қиролга уруш эълон қилиш ёки тинчлик ҳусусида шартнома тузиш ваколатини бериш масалаларида парламент қўшма мажлис ўтказиши. Агар тузиладиган халқаро шартномалар ҳарбий ва сиёсий характерда бўлса, мамлакат ҳудудий яхлитлигига боғлиқ бўлса ёки шартномалар давлат молиявий мажбуриятига таллуқли бўлса, бундай шартномаларни тузиш ва ратификация қилишга рухсат бериш учун ҳам қўшма парламент йиғилиши ўтказилади.

Сессиялар ўртасидаги даврга ҳар бир палата ўз аъзоларидан 21 кишидан кам бўлмаган таркибда депутат гуруҳи (депутациялар) тузади. Улар сессиялар оралиғида ёки янги Бош Кортес тузилиб иш бошлангунча палаталарга тегишли барча ваколатларга эга бўлади. Ундан ташқари гуруҳ навбатдан ташқари (фавқулодда) палата сессияларини чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Депутатлар ўз фаолияти бўйича палаталар олдида ҳисоб беради.

Ижроия ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат раиси кенг ҳуқуқларга эга (айрим давлатлар президентлари ҳуқуқлари сингари). У қирол томонидан тайинланади. Қирол ҳукумат раи-

сини тайинлашда сиёсий партиялар, палата раислари билан маслахатлашади. Бунда номзод депутатлар конгресси аъзоларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Янада аниқроқ қилиб айтилса парламентда кўпчилик ўринга эга партия вакили (раҳбари) ҳукумат раиси бўлади. 2004 йилдаги сайловларда аввалги ҳукмрон партия мағлубиятга учраб, бошқа партия ғолиб бўлди. Ўз-ўзидан бу ҳукумат раисини ўзгаришига олиб келди. Ҳукумат аъзолари, ҳукумат раисининг тақдимига биноан қирол томонидан тайинланади. Улар ҳукумат аъзолигини депутатлик фаолияти билан қўшиб олиб бориши мумкин. Ҳукуматга парламент ишончсизлик билдирса (вотум недоверия), ҳукумат раиси истеъфо берса ёки вафот эса, ҳукумат тўлиқ таркибда истеъфого чиқади.

Суд тизимида конституциявий суд муҳим роль ўйнайди. Конституциявий суд 12 аъзодан иборат бўлиб, улар: ҳар икки палата (4 тадан) ҳукумат (2 та), суд ҳокимияти Бош Кенгаши (2 та) тақдимига кўра қирол томонидан тайинланади.

Умумий судлар тизимини Олий суд – олти палатадан иборат Адлия Олий Трибунали бошқаради. Олий ҳудудий ва Олий вилоят судлари мавжуд. 1988 йилда олти йилгача озошлиқдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноят ишларини яқка тартибда кўриш ҳуқуқига эга бўлган жиноят ишлари судьялари – янги суд инстанцияси жорий қилинди. Фуқаролик ишларининг асосий қисми келиштирув (мировой) судлари томонидан кўрилади.

Ҳўжалик-маъмурий трибуналлар тизимини, Марказий ҳўжалик-маъмурий трибунал бошқаради.

Суд ҳокимиятининг Бош Кенгаши, судлар фаолияти устидан назоратни олиб боради, ҳамма поғона судьяларини тайинлаш учун қиролга тасвиялар беради. Кенгашни Олий Суд раиси бошқаради. Олий суд таркибига 20 та судья ҳамма тоифали судьялардан, 8 киши таниқли адвокат ва юристлардан кортеслар томонидан сайланади. (О.Ҳ.)

**ИСТЕЪФО** – айрим мансабдор шахснинг ўз лавозимини ихтиёрий ёки ноихтиёрий тарқ этиш ёхуд колегиал органдаги ваколатларини тўла таркибда тўхтатиш

**ИТАЛИЯ (Италия Республикаси)** – Европанинг жанубида жойлашган давлат. Пойтахти – Рим шаҳри. Италия ягона давлат сифатида 1870 йилдан бошлаб мавжуд бўлиб келмоқда.

Маъмурий бўлиниши – умумий мақомга эга 15 та вилоят ва махсус мақомга эга 5 та вилоятдан иборат. Вилоятлар провинцияларга бўлинади. **И.** унитар давлат бўлиб, ҳозирги кунда федерацияга ўтиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Италияда 2 июн 1946 йилда монархия бошқаруви бекор қилиниб, республика эълон қилинган. Амалдаги Конституция 22 феврал 1947 йилда қабул қилинган ва 1 январ 1948 йилдан кучга кирган.

Давлат бошлиғи – Президент. У парламентнинг ҳар икки пала-

таси қўшма мажлисида вилоятлар вакиллари иштирокида 7 йилга сайланади. Янги Конституция лойиҳасида президентни умумий сайлов асосида сайлаш кўзда тутилган.

Конунчилик органи – Парламент, Республика Сенати ва Депутатлар палатасидан иборат. Ҳар икки палата аралаш сайлов тизими асосида ташкил қилинади. 75% жой мажоритар тизим орқали, бир мандатли округлар бўйича сайлаш учун ажратилади. 25% депутат ўрини пропорционал тизимда, яъни партия рўйхатлари асосида сайлов учун ажратилади. Сайловчиларнинг 4% дан ортиқ овозини тўплай олган партиялар ва блоклар депутатлик ўрнига эга бўлади. Сенатга 315 сенатор сайланади, бундан ташқари 11 сенатор Президент томонидан умрбод муддатга тайинланади. Қуйи депутатлар палатасига 630 та депутат сайланади, уларнинг 475 таси мажоритар, 155 таси пропорционал тизим асосида сайланади. 15 йилдан ортиқ парламентда иштирок этган шахс, сенатга номзод бўла олмайди.

Ижроия ҳокимият ҳукумат – Вазирлар Кенгашига тегишли. Бош Вазир Президент томонидан тайинланади, вазирлар унинг тақдимига биноан тайинланади. Фаолият юритиш учун ҳукумат ҳар икки палатанинг ишончига сазовор бўлиши керак. Италияда энг кўп ҳукумат инқирози бўлиб туради ва улар тез-тез янгиланади.

Суд ҳокимияти. Суд тизимида алоҳида ўринни конституциявий суд эгаллайди. У 15 та судьядан иборат бўлиб, уларнинг 5 таси президент томонидан, 5 таси парламент палаталари томонидан (қўшма мажлисда), 5 таси Олий умумий ва маъмурий судлар томонидан тайинланади. Конституциявий суднинг ваколат доираси анча кенг улар конунларни конституциявийлиги ҳақидаги масаладан ташқари, умумий судларда иш кўриш жараёнидаги бахсларни, барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ваколатлари хусусидаги бахсларни ҳам кўриб чиқади.

Олий кассация суди фуқаролик ишлари бўйича уч палатанинг, жиноят ишлари бўйича уч палатанинг қарорлари устидан кассация шикоятларини куриб чиқади.

Мамлакатдаги 23 та апелляцияон судлар суд округидаги асосий шаҳарларда мажлис ўтказиб, биринчи инстанция трибуналларининг ҳукм ва қарорлари устидан апелляция шикоятларини кўради. 160 та трибуналлар жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўради. Жиддий ишлар қасамёд қилган судьялар судлари томонидан кўрилади. Унча оғир бўлмаган ишларни судья якка тартибда кўриб чиқади. Мамлакатда унча катта бўлмаган мулкый даъволардан иборат фуқаролик ишларини якка тартибда кўриб чиқувчи 10 мингдан ортиқ сулқпарвар (келиштирув) судьялар мавжуд. Бу судлардан ташқари барча судлар профессионал асосда ҳаракат қилади.

Давлат кенгаши раҳбарлигида мустақил тизим ҳисобланувчи маъмурий юстиция судлари ташкил қилинади.

**ИТТИФОҚ ХУДУДИ** – федератив давлат ҳудудининг федерацияга тобе (унинг бошқарувида) бўлган, унинг субъектлари таркибига кирмайдиган қисми. Масалан, Ҳиндистонда еттига **И.х.** мавжуд. Уларнинг органлари тизимини давлат президенти томонидан тайинланадиган бошқарувчилар бошқаради. Умуман олганда, марказий парламент қарорига биноан **И.х.да** ўз вакиллик ва ижро этувчи органлари, олий судлар тузилиши мумкин. Федерация субъектлари бўлган штатларнинг ҳуқуқларига таққослаганда, **И.х.** ҳуқуқлари анча чекланган мухторият ҳисобланади.

**ИЧКИ ИШЛАР** – мамлакат ички ҳаётига доир давлат томонидан ҳал этиладиган барча масалаларнинг, шунингдек жамоат тартибини муҳофаза этиш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлаш, милициянинг иши ва бошқа шу сингарилар билан боғлиқ масалаларнинг умумлаштирилган номи.

**ИЧКИ ҚЎШИНЛАР** – ички ишлар вазирлиги тизимига кирадиган ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини жиноий ҳамда бошқа ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган ҳарбий тузилмалар.

**ИЧКИ СИЁСАТ** – давлатнинг барча ички ишлари, уларнинг олиб борилиши. Бу конституциявий ҳуқуқда кенг қўлланиладиган тушунчадир.

ЎЗРнинг Конституциясига мувофиқ, ЎЗР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш ЎЗР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жумласига киради.

**ИШ ЮРИТИШ** – турли идоралар, муассасаларда ҳужжатлар айланишини таъминлаш (мажлисларнинг стенограммалари ва баённомаларининг, қабул қилинган қарорлар ва буйруқларнинг нусхаларини кўпайтириш ва сақлаш; хат-хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, хат-хабарларни жўнатиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ фаолият тури.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДЕМОКРАТИЯСИ** – ишлаб чиқариш корхоналарини ( завод, фабрика, цех ва бошқ.) бошқаришда, хусусан, меҳнат жамоаси кенгашини, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш қўмитасини ва бошқ. тузиш ҳамда танлаб олишда уларнинг иштирокини таъминлайдиган шакл ва воситалар тизими.

**И.ч.д.нинг** ривожланган тизимида корхона маъмурияти томонидан ўз-ўзини бошқариш органларининг муҳокамасига бир қанча саволлар (масалан, ишлаб чиқариш йўналишини, меҳнат тартибини (режими) ўзгартириш, маҳсулотнинг янги моделига (намунасига) ўтиш) ҳавола этилади. Бирок, уларнинг фикри тавсиявий ҳисобланса ҳам, максимал равишда инobatга олинади.

**ИШЛАРНИ МАЪЛУМ ТАШКИЛОТГА ТЕГИШЛИЛИГИ** – Давлат органларини ўз вазифасини бажаришда иқтисослашуви, яъни

уларни конституцияларини бажаришда маълум сохани бошқаришга иктисослашуви. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида такидланишича, суд тизимини ислох қилиш ва унинг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, судда ишларни адолатли ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш, шунингдек, судларни ихтисослаштириш мақсадида 2001 йил 1 январдан эътиборан умумий юрисдикция судлари заминидан Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судларини тузишга, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасини жиноий ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судларини тузишга қарор қилинди. Маъмур суд тизими янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонунда ўз тастигини топди.

**ИШОНЧЛИ ШАХС** – 1) бу депутатликка номзоднинг сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишларида, сайлов компаниясини муваффақиятли ўтказишга кўмаклашувчи, сайлов бирлашмалари томонидан рўйхатга олинган вакилидир.

**И.ш.** номзод ва сайлов бирлашмалари томонидан сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар орасидан мустақил равишда танлаб олинади. **И.ш.** депутатликка номзоднинг аризасига кўра маълум бир сайлов комиссиясидан рўйхатга олинади ва унга тегишли гувоҳнома берилади. **И.ш.-нинг** миқдори сайлов даражасига боғлиқ бўлади. Уларнинг миқдори сайлов қонунчилигида белгилаб қўйилади. **И.ш.нинг** илтимосига кўра иш берувчи унга ҳақ тўланмайдиган меҳнат таътили беришга мажбурдир. Сайлов компанияси даврида уларга иш ҳақи сайлов бирлашмаларининг жамғармаларидан ажратиб берилади.

**И.ш.ни** тайинлаган номзод ва сайлов бирлашмалари уларни ўз ваколатидан озод қилиши мумкин. Улар ўз қарорларини сайлов комиссиясига маълум қилади ва сайлов комиссияси **И.ш.га** берилган гувоҳномани бекор қилади.

2) Россиядаги 1917 йил октябрь тўнтаришигача ишлатилган сўз бўлиб, 1922–1924 йиллардаги суд ислохотидан сўнг то бугунги кунгача «адвокатлар» деб аталади (қаранг: Адвокат, адвокатура).

Ишончли шахс институти Россияда 1864 йил 20 ноябрдан кучга кирган «Судлар ўрнатувчининг тасдиғи» деб номланган император фармони билан киритилган эди.

**ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ** – ЎзР Конституциясининг 37-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқни қуйидагича тушунмоқ керак: биринчидан, ходим асоссиз ишдан бўшатилиши мумкин эмас, иккинчидан, давлат инсон учун яратиб қўйган муҳофаза чоралари

тизими мавжуд, яъни ҳар бир инсон ишга жойлашиш, янги касбни бепул ўқиб ўрганиш, малака ошириш, ишсизлик нафақасини олиш ва шу каби ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эгадир.

Бундан ташқари фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий кафолатлари бевосита қонунлар билан мустақкамланган. Қаерда ишлаши ва қандай ишни бажаришидан қатъи назар барча ҳодимлар учун бу кафолатлар таъминланади. Фуқароларни ишдан бўшатиш фақат қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Меҳнат кодекси бўйича ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш, ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан суд орқали ҳимояланиш имкони берилади. Ҳодимни ишга тиклаш бўйича суднинг қарори маъмурият учун мажбурий бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт. Бунда ҳодимнинг бузулган ҳуқуқи тикланибгина қолмай мажбуран ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ ҳам ундирилади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун бўйича интизомий, моддий, маъмурий жавобгарликка, муайян ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ЎЗР Қонунида (1992 йил 13 январ) фуқароларни ишсизликдан ҳимоялашни конституциявий ҳуқуқ сифатида эътироф этилган. Ушбу қонун бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш шароитида инсонни иш билан таъминлашга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини белгилаб беради. Қонун ЎЗР Конституциясининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. ЎЗР Конституция ҳар кимнинг меҳнат қилишга бурчли эканлигини кўзда тутмайди.

ЎЗР Конституцияси ва Халқаро меҳнат ташкилотининг 1957 йил 25 июнда қабул қилинган «Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида»ги конвенциясида ҳам меҳнат интизомини сақлаш воситаси сифатида мажбурий меҳнатни қўллашга йўл қўйиш мумкин эмаслиги кўзда тутилган.

**ИҚТИСОДИЙ АСОС** — муайян давлат ва жамиятда ҳукмрон деб тан олинган иқтисодий тизим асоси, хўжалик ва мулкчилик тизими тури. Масалан, 1992 йилги ЎЗР Конституциясининг 53-моддасига биноан, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади».

ЎЗР мустақилликка эришгандан сўнг унинг иқтисодий негизиде аста-секин ишлаб чиқариш қуролирига ҳар хил мулкчилик шакллари бошлади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини бар-

ча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жихатдан бабаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. (ЎзР Конституцияси 53-модда).

**ЙЕМЕН (ЙЕМЕН РЕСПУБЛИКАСИ)** – Осиёдаги давлат. Пойтахти – Сана шаҳри. 22 май 1990 йилда Йемен Араб Республикаси ва Йемен Халқ Демократик Республикасининг қонунчилик органилари ҳайъати мажлисида ташкил қилинган. Анъанавий Севара-ва «Марксистик» жануб раҳбарияти ўртасидаги келишмовчилик 1994 йил май ойида икки ойлик фуқаролик уруши келиб чиқишига сабаб бўлган. Жанубликларни мустақил давлатни қайта ташкил қилиш (Йемен Демократик Республикаси) борасидаги урушни муваффақиятсиз чиққандан сўнг уларнинг раҳбарлари мамлакатдан қочишга мажбур бўлди ва 1994 йил июнда ягона давлат қайта ташкил қилинди.

Маъмурий бўлиниши: 17 вилоятдан иборат.

Амалдаги Конституция 28 сентябр 1994 йилда қабул қилинган. Унга асосан республика бошқарув шакли мустаҳкамланган.

Давлат бошлиғи – Президент. Ҳозирги Президент 1 октябр 1994 йилда парламент томонидан сайланган. Унинг ваколати тугагач янги президент умумий сайлов асосида 5 йилга сайланиши белгиланган. Бир шахс яна бир марта белгиланган муддатга президент бўлиб сайланиши мумкин. Вице-президент лавозими мавжуд.

Мамлакат парламенти – Депутатлар Кенгаши. У 301 депутатдан иборат, умумий сайлов асосида 4 йилга сайланади.

Ҳукумат коалиция (хамкорлик) асосида ташкил қилинади ва парламент олдида ҳисоб беради.

**КАБО-ВЕРДЕ (КАБО-ВЕРДЕ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Атлантика океанида, Ғарбий Африка қирғоқларига яқин оролларда жойлашган давлат. Пойтахти – Прая шаҳри. XV асрдан Португалия колонияси бўлган бу давлат 5 июнь 1975 йилда мустақиллигини эълон қилган. Маъмурий бўлиниши: 14 та райондан (Кенгашдан) иборат.

Конституциясини 1980 йилда қабул қилган. Амалдаги Конституция 1990 йилда қабул қилинган, унга асосан Кабо-Верде бошқарув шакли республика ҳисобланади.

Давлат бошлиғи – Президент, Миллий Халқ Ассамблеяси томонидан, депутатлар орасидан 5 йил муддатга сайланади.

Қонунчилик органи, бир палатали Миллий Халқ Ассамблеяси. У 79 депутатдан иборат бўлиб, умумий овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланади.

Ижроия ҳокимият Президент ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилади. Бош вазирни, Президент таклифига асосан Миллий Халқ Ассамблеяси ўз таркибидан тайинлайди. Ҳукумат аъзолари, Бош вазир таклифига асосан Президент томонидан тайинланади.

**КАМ СОНЛИ ТУБ ХАЛҚЛАР** – Мазкур тушунча жаҳон

хукукшунослик фанида кенг тарқалган тушунча бўлиб, халқаро ҳуқук ва қўпгина халқаро шартномалар билан ҳимояга олинган.

Халқаро ҳужжатларда «туб аҳоли», «туб (асосий) миллат» тушунчалари кенг қўлланилади. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилотининг № 107-сонли «Мустақил давлатларда қабила ёки ярим қабила бўлиб ҳаёт кечираётган туб ва бошқа аҳолининг ҳимояси ва интеграцияси тўғрисида»ги конвенциясида, № 169-сонли «Мустақил давлатларда қабила бўлиб ҳаёт кечираётган туб халқлар тўғрисида»ги Конвенцияларни олиш мумкин. Ушбу ҳужжатлар асосан ўз туғилиб ўсган жойларидан кўчирилган ёки улардан фойдалана ололмайдиган ёхуд ўз ҳудудларида миллий – ҳудудий ва бошқа бир бирлашмаларни тузишга имконияти бўлмаган халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

**КАМЕРУН (КАМЕРУН РЕСПУБЛИКАСИ)** – Марказий Африкадаги давлат. Пойтахти – Яунда. Франция ва Буюк Британиянинг бошқарувида бўлган Шарқий ҳамда Ғарбий Камерунни 1960, 1961 йилда мустақиллик олиб бирлашиши натижасида 1 октябр 1961 йилда ташкил топган. 20 май 1972 йилдан Бирлашган Камерун. 25 январь 1984 йилдан Камерун Республикаси деб номланади.

Давлат бошлиғи – Президент, у умумий, тенг сайлов асосида 5 йилга сайланади. Қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Конунчилик ҳокимияти – бир палатали Миллий мажлис. У 180 депутатдан иборат бўлиб, 5 йил муддатга умумий, тўғри сайлов орқали сайланади.

Ижро ҳокимиятини амалга оширувчи, Бош вазир ва вазирлар, Президент томонидан тайинланади ва парламент олдида ҳисоб беради.

**КАНАДА** – Шимолий Америкадаги давлат. Пойтахти – Оттава шаҳри. 1 июн 1867 йилгача Буюк Британия колонияси эди. Кейинчалик доминион сифатида Британия ҳамкорлик аъзоси ҳисобланади. **К.** федератив давлат.

Маъмурий бўлиниши: 10 та вилоят ва икки ҳудуддан иборат. Ҳар бир вилоят (провинция) ўз Конституциясига, конунчилик органига, ҳукуматига эга. Марказий ҳукумат вакили лейтенант-губернатор ҳисобланади. Вилоятларнинг ҳокимият органлари ваколат доираси аниқ белгилаб қўйилган.

Федерацияда Онтарио вилояти ва француззабон Квебек алоҳида ҳолатга эга.

Квебек ҳар доим алоҳида мақомга эга бўлиш, ҳатто босқинча-босқинча Канададан ажралиб чиқиш учун ҳаракат қилади. 12 сентябр 1994 йил вилоят парламентида сайловда Квебек партияси кўпчилик овоз олиб ҳокимиятга келгач бу ҳаракат кучайди. Ажралиб чиқиш масаласи 1995 йил ноябрдаги референдумга ҳам қўйилган эди. Овоз беришда иштирок этганларнинг 50,6% ягона Канада учун (бу кўпчи-



лик), 49,4 % Квебек суверенитети (бу камчилик) учун овоз бериб, Квебекни ажралиб чиқишига тўсқинлик қилди.

**К.да** ягона конституция йўқ. Конституциявий масалалар турли хужжатлар ва конституциявий қонунлар билан тартибга солинади.

**К.** конституцион монархия. Англия қироличаси, мамлакат Бош вазири билан келишиб, 5 йил муддатга тайинланган генерал-губернатор қироличанинг Канададаги вакили ҳисобланади. У қонун лойиҳаларини тасдиқлайди, парламентни тарқатиб юбориш, Бош вазирни тайинлаш ваколатларига эга.

**К.** парламентни икки палатадан ташкил топган. Юқори палата – Сенат 104 сенатордан иборат. Сенаторлар вилоят ва ҳудудларнинг аҳолисини сонига пропорционал тартибда, умрбод муддатга генерал-губернатор томонидан тайинланади. Сенатор бўлиш ҳуқуқига 30 ёшга етган, 4 минг доллардан кам бўлмаган мулкка эга шахслар эга. Сенат спикери – Бош вазир томонидан тайинланади. Қуйи палата – Жамоалар палатаси 301 депутатдан иборат бўлиб, умумий сайлов асосда 5 йилга сайланади.

Қонунчилик жараёнида Британия қироличаси билан генерал-губернаторнинг рамзӣй роли, парламентнинг биринчи қўшма мажлисида генерал-губернаторнинг Қиролича номидан тантанали нутқида кўрилади. Генерал-губернатор қонунларни тасдиқлайди ва **К.нинг** халқаро шартномаларини ратификация қилади. Ҳар икки палата бир хил ҳуқуқка эга.

Ижро ҳокимияти расман Қиролича тимсолида генерал-губернаторга тегишли бўлсада, амалда **К.** ҳукумати томонидан амалга оширилади. Бош вазир лавозимига генерал-губернатор парламентдаги кўпчиликнинг бошчисини тайинлайди. Вазирлар Бош вазир томонидан тайинланади. Ҳукумат парламент олдида ҳисобот беради.

**К.** Олий суд инстанцияси – Олий суд бўлиб, унинг 9 судьяси генерал-губернатор томонидан умрбод тайинланади. **К.** Олий федерал суди, федерал ҳокимиятга нисбатан фуқаролик даъволарини кўради. Вилоятларнинг Олий суди муҳим жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи инстанция тарзида кўради. Шунингдек графлик судлари ҳам фаолият кўрсатади.

**КАПИТАЛИСТИК ДАВЛАТЛАР** – тарих майдонида буржуазия инқилоблари натижасида феодал тузуми ўрнида пайдо бўлди. Буржуа инқилобларининг объектив ва субъектив шарт-шароитлари феодал жамият негизи асосида яратилди. Капитализм XVI асрда феодал тузумнинг емирилиши натижасида вужудга келди. Капиталистик тузум табиати ва унинг ривожланиши капитал билан боғлиқдир. Капиталистик тузумнинг иқтисодий асоси ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат қуролларига хусусий мулк сифатида эга бўлиш ва шу асосида хусусий тадбиркорлик тизимини шакллантириш ҳисобланади. Капиталистик давлатларда хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз деб эълон

килинади. Капиталистик давлатларда хусусий мулкни химоя қилиш ва уни кўриклаш учун барча конституциявий ва жорий қонунлар хизмат қилади. Биз буни ҳозирги ғарб мамлакатларида мавжуд барча қонунларда кўришимиз мумкин. Масалан, ГФР нинг 1949 йил 23 майида қабул қилинган Конституциясида хусусий мулк ва мерос ҳуқуқи кафолатланади деб ёзиб қўйилган. Капитал мулкнинг иқтисодий асосини ташкил этувчи «моддий» белгиларга ғарб олимлари қуйидагиларни киритадилар: ракобатнинг мавжудлиги; техник ва технологик тараққиётга кўмаклашув; молиявий соҳадаги иқтисосликларнинг ривожланиши; кудратли миллий ва трансмиллий корпорацияларнинг ўсиб чиқиши; вақти-вақти билан депрессиялар (иқтисодий таназзул) пайдо бўлиши; хусусий сектор устидан ҳукуматнинг фақат қисман назорати; кучли ишчилар ташкилотларининг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши ва ҳоказо.

Капитализмда хусусий мулк иқтисодий эркинликнинг асоси бўлиб, у ўз навбатида, инсоннинг сиёсий, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг пойдевори бўлиб хизмат қилади. У ёки бу шахс, гуруҳлар қўлида қанчалик кўп мулк тўпланса, уларнинг конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун катта имкониятлари мавжуд бўлади ва аксинча.

**К.д.лар** жамият сиёсий тизимининг муҳим институтларидан бири бўлиб, унинг оммавий ҳокимиятга эгаллик қилиши учун жуда яхши қуролланган армияси, полицияси, қамоқхона, разведка, контразведка каби ташкилотлари мавжуд бўлади. Уларсиз капиталистик давлатнинг ҳукмрон доиралари ҳеч қандай вазифани удалай олмайдилар. **К.д.** ана шу куч орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатларга иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий таъсир ўтказиб, буржуа жамиятининг сиёсий тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан ишлаб чиқариш, моддий ва маънавий фаровонлик таъминланишида капиталистик давлат кучли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқади.

**К.д.нинг** ўзига хос хусусиятларидан бири, ҳукмрон синф ва уларнинг ташкилотларида турли хил қарашлар ва манфаатларни илгари сураётган турли-туман фракцияларни бирлаштира олади.

**К.д.лар** характериға кўра турли-туман, аммо ижтимоий моҳияти ва мазмунига кўра қуйидаги вазифаларни бажаришни кўзда тутати: а) ҳукмрон синф бўлган буржуазиянинг турли қатламларида мавжуд бўлган ички қарама-қаршиликларни бартараф этиш; б) буржуазия синфининг турли қатламларини маълум бир манфаатларини бир оқимга бирлаштириш; в) буржуазия ва бутун жамиятнинг умумий стратегик мақсад ва манфаатларини белгилаб олиш; г) давлатнинг қўли остида бўлган барча воситалардан фойдаланган ҳолда капиталистик иқтисодиётни узлуксиз ривожланишини таъминлаган ҳолда жамиятни сиёсий тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда шу

оркали расмий мафкурани сингдириш. Давлат ушбу вазифаларни ҳал этиш оркали турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий функцияларни бажаради.

**К.д.лар** пайдо бўлиши ва ривожланишининг муайян тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқиб, турли хил бошқарув, давлат тузилиши ва сиёсий режим шаклларига эга бўлади (қаранг: Давлат шакли).

**К.д.лар** учун икки асосий бошқарув шакли мавжуд. Улар конституциявий монархия ва буржуа республика шакллари. Конституциявий монархия ўз навбатида икки турга парламентар ва дуалистик монархия шаклларига бўлинади. Буржуа республикалари ҳам парламентар ва президентлик бошқаруви шаклларига бўлинади.

Давлат тузилиш шаклларига кўра **к.д.лар** унитар, федератив ва конфедератив шаклларига бўлинади.

**КАРЦЕР** — бошқалардан жуда катъий ажратишни талаб қиладиган, қамок ва бошқа озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги режимни бузганлар киритиб қўйиладиган жой.

ЎзР ЖИКнинг 44-моддасига асосан қамок жазосини ўтаётганлар интизомий чора сифатида ўн суткагача бўлган муддатга, аёллар ва вояга етмаганлар эса етти суткагача муддатга карцерга киритилади.

Жазони бошқа турларини ўтаётганлар учун ҳам карцерга киритиш ҳоли қўлланилади (Бу ҳақда «Жарима хибсхонасига» қаранг).

**КАССАЦИЯ (КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ)** — суд ҳукми ва бошқа қарорларининг тўғрилигини текшириш мақсадидаги жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлов ишларини кўришнинг юқори бўғин институти.

Кассация ишлари шикоят ва протестлар асосида юритилади. Кассациявий шикоят, протест беришнинг муддатлари қонунда белгилаб қўйилган.

Кассациявий тартибда иш кўрилганда, чиқарилган суд ҳукми ва қарорларини қонунийлиги текширилади.

Кассация инстанциясида иш кўрилганда унинг натижаси бўйича, ажрим чиқарилади. Ажрим судьяларни қўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда камчиликни ташкил этган судья, ажримни имзолаб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма баён қилиши мумкин.

**КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ** — қаранг: Кассация

**КАССАЦИЯВИЙ ҲАЙЪАТ** — суднинг таркибий тузилмаси. Олий суд, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди таркибида тузилади. Ўзбекистонда суд ва тегишли судлар судлов хайъати деб аталади. Олий суддаги хайъат ишларни биринчи инстанцияда, кассация ва назорат

таркибида кўrsa, вилоят, Тошкент шаҳар судлари хайъатлари ишлари биринчи инстанция ва кассация тартибида кўради.

Хайъат ишига хайъат раиси бошчилик қилади.

**КАССАЦИЯВИЙ ШИКОЯТ** – процессуал конунларда белгиланган суд ҳукми ёки қарори устидан юқори инстанция судларига шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширилиши.

**КАТАР (КАТАР ДАВЛАТИ)** – Осиёдаги давлат. Пойтахти – Доха шаҳри. 1971 йилгача Буюк-Британия протектарати бўлган. 1968 йилда Катар, Баҳрайн ва Оманнинг етти амирлиги, Араб амирликлари Федерациясини тузишган. 3 сентябр 1971 йилда Катар амирлиги Федерациядан чиқиб ўзини мустақил давлат деб эълон қилган.

1972 йил 19 апрелда қабул қилинган муваққат Конституцияси ҳозиргача амал қилмоқда. Бошқарув шакли – мутлақ монархия.

Давлат бошлиғи – Катар давлати Амири. 1992 йил декабрда Амир ҳузурида ички ва ташқи масалалар бўйича маслаҳат органи Шўролар Кенгаши ташкил этилган.

Ҳукумат Амир томонидан шакллантирилади ва бошқарилади. 1977 йилдан Мудофаа вазири лавозимини тахт вориси шахзода эгаллаган.

**КВОРУМ** – вакиллик органларида, мажлиснинг қонуний бўлиши, қабул қилган ҳужжатларни қонуний бўлиши учун ўрнатилган депутатлар миқдори. Ўзбекистон Конституциясининг 81-моддасига асосан Олий Мажлис палаталарининг мажлислари улар ишида барча сенаторлар ва депутатларнинг камида ярмидан кўпроғи иштирок этса ваколатли ҳисобланади.

Қонун ва қарорлар Сенат ва Қонунчилик палатасида депутатлар ва Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Айрим масалаларни ҳал қилиш, Конституция, конституциявий қонун қабул қилиши учун бошқача миқдор (кворум) белгиланиши мумкин. Конституцияга асосан Қонунчилик палатаси Спикери палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан лавозимидан муддатдан аввал чақириб олиниши мумкин.

**КВОТА** – сайлов квотасига қаранг.

**КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ** – юзага келадиган келишмовчиликларни бартараф этиш учун, икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида, давлат органлари ўртасида, маъмурий-ҳудудий бирликлар ва шу қабилар ўртасида тузиладиган комиссия.

Конституциявий ҳуқуқда келишув комиссияларини тузиш давлат ҳокимиятининг икки палатали вакиллик органларида (парламент палаталарида) кўзда тутилади. Масалан, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасида «Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонун-

чилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида **к.к. ни** тузиш мумкин», – дейилган. **К.к.ни** тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади.

**КЕНИЯ (КЕНИЯ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Шарқий Африкадаги давлат. Пойтахти-Найроби шаҳри. 1963 йил 12 декабрда мустақиллиги эълон қилинган. Британия ҳамкорлиги аъзоси.

Маъмурий бўлиниши 7 та вилоят ва пойтахт округидан иборат.

1969 йилги Конституция амал қилади.

**К.** 1964 йилдан Республика шаклидаги давлат.

Давлат бошлиғи – Президент. Умумий сайлов асосида 5 йилга сайланади. Янги муддатга сайланиши мумкин.

Парламенти – Миллий Мажлис бўлиб, 202 депутатдан иборат. 188 аъзо умумий, тўғри овоз бериш йўли билан сайланади, 12 аъзони Президент тайинлайди, Спикер ҳамда Бош прокурор ўз лавозимига кўра парламент аъзолари ҳисобланади.

Ижроия ҳокимият Президент, вице президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади. Вице-президент ва ҳукумат аъзоларини Президент Миллий Мажлис депутатлари орасидан тайинлайди.

**КЕЧИКТИРИШ ВЕТОСИ** – қаранг: Вето.

**КИПР (Кипр Республикаси)** – Ўрта ер денгизидagi **К.** оролларида жойлашган давлат. Пойтахти – Никосия шаҳри. 1960 йил 16 августда Буюк-Британиядан мустақиллик олган, Британия ҳамкорлиги аъзоси. Грек ва турк жамоалари ўртасида тўқнашувни кескинлашуви туфайли декабр 1967 йилда «муваққат турк маъмурияти» тузилган. 1975 йил 13 февралда оролнинг шимолий қисмида, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган Туркия федератив давлати эълон қилинган, у 1983 йил 15 ноябрда Шимолий **К.** Турк Республикаси деб аталган.

Маъмурий бўлиниши: 6 округдан иборат. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан 1960 йил 16 августда қабул қилинган Конституция амал қилади.

Давлат бошлиғи – Президент. У аҳолини 80% ни ташкил этувчи грек жамоаси томонидан сайланади. Вице-президент турк жамоаси томонидан сайланади. Уларнинг ваколат муддати 5 йил.

Парламенти – Вакиллар палатаси, 80 та депутатдан иборат. Уларнинг 56 таси грек жамоаси, 24 таси турк жамоаси томонидан сайланади. 1963 йил декабрдан бошлаб турк жамоаси сайловда иштирок этмаяпти.

Ижро ҳокимияти Президент ва вице-президент томонидан амалга оширилади. Улар ҳукумат – Министрлар Кенгашини тайинлайди ва уни бошқаради. Турк жамоаси ҳукуматда иштирок этмайди.

**КИРИБАТИ (Кирибати Республикаси)** – Тинг океаннинг Ғарбий қисмида жойлашган Орол давлати. Пойтахти – Тарава шаҳри.

Буюк Британиянинг собик колонияси. 1973 йил 12 июлда муस्ताкиллиги эълон қилинган, Британия ҳамкорлиги аъзоси.

Маъмурий бўлиниш: 6 округдан иборат. 1979 йил 12 июлда қабул қилинган Конституция амал қилади. Бошқарув шакли – Республика.

Давлат бошлиғи – Президент. У умумий сайлов асосида 4 йил муддатга сайланади. Бир шахс уч муддатдан ортиқ Президент этиб сайланиши мумкин эмас.

Конунчилик органи (парламенти) – Палата Мажлиси, умумий сайлов асосида сайланадиган 40 та депутатдан иборат. Бундан ташқари бир депутат Банаба ороли Кенгаши томонидан тайинланади.

**КОДЕКС** – (лот. «Codex» – қонунлар тўплами) – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи, устувор ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган ва тизимлаштирилган ҳуқуқий акт – қонун бўлиб, унда ҳуқуқ тармоғининг барча нормалари мантиқан мутаносиблаштирилади (масалан, фуқаролик кодекси, оила кодекси, жиноят кодекси ва б.) У катта миқдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бир бутун актдир. **К.нинг** таркибий қисмлари (боблар, бўлимлар, нормалар, институтлар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Анъанага қўра, қонунчилик соҳаларида уйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини тегишли кодекслар ўйнайди. **К.** оддий қонундан ўзининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида кодекс ва бир неча қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса, улар ичида кодекс юридик кучи ҳамда тартибга солиш имконияти жиҳатидан устунлик қилади. **К.лар** ички мантиғининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Кодекслаштирилган актлар ўзининг ҳуқуқий тартибга солувчи таъсир кучини ва аҳамиятини узок муддат давомида сақлаб қолади. **К.даги** ҳуқуқий нормаларнинг жойлашиши тегишли ҳуқуқ тармоғи тизимининг акс эттирилиши тартибида ишлаб чиқилади. **К.лар** ижтимоий муносабатларнинг жамиятдаги барча ривожланиш босқичларида муҳим аҳамият касб этади. Ўз.Рда ҳозирги кунда фуқаролик, фуқаролик процессуал, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик, меҳнат, хўжалик процессуал, оила, ер, уй-жой, солиқ, божхона ва шу каби қатор кодекслар амалда.

**КОДИФИКАЦИЯ (кодекслаштириш)** – қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шакли бўлиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий актларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш ҳамда лозим бўлса, уларга жиддий ўзгариш ва қўшимчалар киритиш йўли билан янги, мажмуий, тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий акт яратишдир. **К.** туфайли қонунчилик тармоғидан муҳим ҳуқуқий нормаларни мантиқий бирлаштирувчи мажмуий ҳужжат (кодекс) вужудга келтирилади. **К.** ҳар доим расмий тусга эга бўлади. **К.да** норматив-

хукукий актлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди, балки хукукий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал ички мутаносиб бир бутун ва илмий тизимлаштирилган ягона акт кўринишида баён этилади. **К.** хукукий актларнинг бошланғич тахририга барча кейинги расмий ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш, бекор қилинган нормаларни чиқариб ташлаш, номувофиқлик ҳамда қарама-қаршиликни аниқлаш имконини беради. **К.** жараёнида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосида хукукий нормаларнинг эскирган қисми олиб ташланади, норматив-хукукий актларнинг қисмлари бобларга бўлинади ва мувофиқлаштирилади, кодификация қилинган актларнинг ихтисослашган мазмунли структураси шакллантирилади. **К.** йўли билан барқарор ижтимоий муносабатларнинг муайян муҳим аҳамиятли соҳаларини тартибга солувчи, узок муддатга мўлжалланган янги норматив ҳужжат ишлаб чиқилади.

**КОЛУМБИЯ (Колумбия Республикаси)** – Жанубий Американинг Шимолий-Ғарбий қисмида жойлашган давлат. Пойтахти – Богота (Санта-Фе-де Богота) шаҳри. 1810 йил 20 июлдан эътиборан мустақил давлат.

Маъмурий бўлиниши: муниципалитет ва муниципал округларга бўлинган 29 вилоятдан иборат.

1991 йил 4 июлдаги Конституция амал қилади. Унга асосан **К.** унитар республика ҳисобланади.

Давлат бошлиғи: умумий сайлов асосида 4 йилга сайланадиган – Президент. Бир шахс иккинчи муддатга сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Вице-президент Президент билан бир вақтда сайланади.

Мамлакат парламенти Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат – Конгресс. Ҳар икки палата умумий сайлов асосида пропорционал тизим бўйича 4 йилга сайланади. Сенат 102 сенатордан иборат бўлиб, умумий миллий округлардан, Вакиллар палатаси 165 депутатдан иборат бўлиб, ҳудудий ва махсус сайлов округларидан сайланади.

Ижроия ҳокимият Президент томонидан амалга оширилади. Ҳукумат ҳам Президент томонидан бошқарилади. Вазирлар Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Ҳар йили 7 августда ҳукумат таркибига Президент ўзгартириш киритиши учун Вазирлар Маҳкамаси истеъфо эълон қилади.

**КОМБОДЖА (24 сентябр 1993 йилдан комбоджа қироллиги)** – Осиёнинг Жанубий-Шарқий қисмида жойлашган давлат. Пойтахти – Пномпень шаҳри. 1953 йил 9 сентябрда мустақиллиги эълон қилинган.

Маъмурий бўлиниши: 19 вилоят (Кхет) ва марказга бўйсинувчи Пномпень ҳамда Кампонгсаом шаҳарларидан иборат.

Амалдаги Конституцияси 24 сентябр 1993 йилдан кучда. Унга

асосан аввалги конституциявий монархия бошқарув шакли тикланган. 1970 йилда маршал Лон Нол томонидан шахзода Нородома Сианука режими ағдарилган. 1976 йилда мамлакатда «кизил кхмерлар», «революцион» террор ва геноцид режимини ўрнатишган. 1978 йилда Вьетнам қўшинлари мамлакатни катта қисмини «кизил кхмерлар»дан озод қилган. 1978 йил декабрда ташкил этилган Кампучи Миллий кутқариш Ягона fronti Пол Пот режимини ағдариб, 11 январ 1979 йилда Капучи халқ республикасининг эълон қилган (30 апрел 1989 йилдан, 24 сентябр 1993 йилгача Комбоджа деб юритилган). 1989, 1991 йилларда **К.** хусусидаги халқаро Париж конференцияси, Париж келишувини имзолаш билан яқунланиб, у ихтилофларни сиёсий йўл билан хал қилишни назарда тутган. 1993 йилда қабул қилинган Конституция эса узок йиллар давом этган қарама-қарши курашларга яқун ясади.

Давлат бошлиғи – «миллий яқдиллик рамзи» қирол ҳисобланади. Қиролни лавозимга таркибига олий диний арбоблар, парламент раиси, ҳукумат раиси қирувчи, Сарой кенгаши қўяди. 1993 йил 24 сентябрда Нородом Сианук қироликка кўтарилган. У қуролли кучлар бош қўмондони ҳисобланади.

Парламенти – Миллий мажлис 120 депутатдан иборат, умумий сайлов асосида сайланади. 23–28 майдаги умумий сайловда сайланган таъсис мажлиси Конституциясини қабул қилган. 1994 йил 24 сентябрда Конституцияни кучга кириши билан, доимий ишловчи қонунчилик органи – Миллий мажлисга айлантирилган.

Ҳукумати коалицион асосда ташкил қилинади.

**КОММУНАЛ МУЛК** – муниципал (маҳаллий) мулкка қаранг.

**КОММУНАЛ ҲУҚУҚ** – айрим мамлакатларда ҳуқуқ тармоғи номи – баъзи мамлакатларда у – муниципал ҳуқуқ ҳам деб юритилади.

**КОМОР ОРОЛЛАРИ** – (Комор ороллари федератив ислом Республикаси, 1978 йилгача Комор ороллари Республикаси) – Шарқий Африкага яқин Ҳинд океанидаги давлат. Пойтахти – Морони шаҳри.

Маъмурий бўлиниши, федерацияни ташкил қилувчи 4 та округдан иборат. 1976 йилдаги референдумда Майотта ороли аҳолиси оролга нисбатан Франциянинг мақомини ёқлаб овоз бергани учун, Франция Комор оролларини Майоттага нисбатан суверенитетни тан олмайди. Аммо БМТ Бош Ассамблеяси Комор оролларини оролга нисбатан суверенитетини тасдиқлаган. Ҳар бир орол 5 йилга сайланадиган губернатор ва 4 йилга сайланадиган Орол Кенгаши томонидан бошқарилади.

Ижро ҳокимияти Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат аъзолари Бош вазир томонидан тайинланади. Бош вазир Президент томонидан тайинланади.



**КОМПЕТЕНТЛИК** – давлат органларидаги давлат хизматчилари, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини амалга оширишдаги қобилияти ва тайёргарлигининг ўлчови (микдори).

Маълум шахсларга малакавий талабларда ваколатлилиқ шартлари акс эттирилиб, улар конституциявий, маъмурий, меҳнат қонунчилигида белгиланади.

Масалан: Президент бўлиш учун 35 ёшга тўлган, давлат тилида сўзлай билиш кераклиги; конституциявий судга сайланиш учун сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида мутахассис бўлиш лозим;

Судья, прокурор бўлиши учун олий юридик маълумотга эга бўлиш ва ҳақозо.

Баъзида шартлар бевосита эмас, билвосита белгиланади. Президент бўлиб сайланиш учун 35 ёшни белгиланиши, ўз-ўзидан шахсни қандайдир меҳнат, ҳаёт тажрибасига эга бўлишини ҳам назарда тутди.

**КОМПЕТЕНЦИЯ** – Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган ҳуқуқ ва бурчларнинг йиғиндиси.

**КОНГО (КОНГО ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ)** – 1964–71 йилларда Конго Демократик Республикаси, 1971–97 йилларда Заир Республикаси) – Марказий Африкадаги давлат. Пойтахти – Киншаса шаҳри. 1960 йил 30 июнда мустақиллиги эълон қилинган.

Маъмурий бўлиниши 9 та провинция ва алоҳида област мақомига эга пойтахт шаҳар Киншасадан иборат. Бўлажак Конституция лойиҳасига асосан федерация бўлиши мумкин.

Мустақилликка эга бўлгандан сўнг узоқ вақт давомида мамлакатда беқарорлик, конституциявий мавҳумлик ҳукм суради. 1967 йилги Конституция деярли тўла амал қилмайди.

1994 йил 8 апрелдаги ўтиш даврининг институтлари тўғрисидаги Битим баённомасига асосан вақтли парламент, мамлакатни демократияга ўтишини таъминловчи «конституциявий акт» лойиҳасини маъқуллади.

1965 йилдан ҳокимият тепасида маршал Мобуту турган. 1984 йилдан янгитдан президент этиб сайланган. 1991 йилда ваколат муддати тугашига қарамай, ўз лавозимида «янги президент сайловигача» қолган. 17 май 1997 йил давлат тўнтариши натижасида у ҳокимиятдан ағдарилган ва чет элга қочиб кетиб, вафот этган.

1994 йил январда Мобуту қонунчилик органи – Миллий Мажлисни тарқатиб юбориб, қонунчиликда ягона ваколатли орган деб янги Республика Олий Кенгашини эълон қилган. Унинг умумий депутатлари сони 738 киши бўлиб, улар: Миллий Мажлис депутатларидан, республика Олий Кенгаши аъзоларидан, асосий сиёсий гуруҳлардан музокараларда иштирок этганлардан иборат бўлган. Вақтли парламент 15 ойни ўтиш даври деб эълон қилиб, унда янги Конституция ва уни

қабул қилиш учун референдум ўтказиш, президент ва парламент сайловларини ўтказишни белгилаган.

1997 йилда давлат бошлиғи қилиб демократик кучлар иттифоқи етакчиси Лоран – Дезире Кабила эълон қилинган. Муваққат Конституция амал қилиши тўхтатилган.

**КОНГО (Конго Республикаси. 1969–1991 йилларда конго халқ республикаси деб аталган)** – Марказий Африкадаги давлат. Пойтахти – Браззавил шаҳри. 1960 йил 15 августда мустақиллиги эълон қилинган.

Маъмурий бўлиниши 10 та областдан иборат.

Амалдаги конституцияси 1992 йил 15 мартдаги референдумда мақулланган.

Давлат бошлиғи – президент, тўғри сайлов асосида 5 йилга сайланади. Яна бир муддатга сайланиши мумкин.

Қонунчилик ҳокимияти – Сенат ва Миллий мажлисдан иборат парламент. Сенатга 60 сенатор сайланади. Сенаторлар Област Кенгашлари томонидан сайланади. Сенатни ваколат муддати 6 йил, ҳар 3 йилда сенаторларнинг ярми янгиланади. Миллий Мажлис 125 депутатдан иборат бўлиб, мажоритар тизимда умумий ва тўғри сайлов асосида 5 йил муддатга сайланади.

Ижроия ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Бошлиғини қўйи палатада кўпчилик овозга эга бўлганлар орасидан президент тайинлайди.

1997 йилда амалдаги президент тарафдорлари билан собиқ президент тарафдорлари ўртасидаги тўқнашув, июл ойида белгиланган президент сайловларини барбод қилди.

1997 йил августда сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар мамлакатни биргаликда бошқариш ҳақида шартнома имзолашди. У Миллий келишув ҳукуматини тузишни ҳам назарда тутар эди. Лекин президент Д. Сассу Нгессо бу қарорни конституцияга хилоф деб ҳисоблаб, пойтахтни эгаллади ва ўзини 1997 йил 25 октябрда мамлакат президенти деб эълон қилди.

**КОНГРЕСС** – турли орган ва тузилмаларнинг, анжуманларнинг номи. Баъзи мамлакатларда Конгресс парламентнинг номи. АҚШ, Колумбия, Филипинда икки палатали парламент номи бўлса, Испанияда Конгресс парламентнинг қўйи палатасини номи.

Францияда Конгресс Президент томонидан чақирилладиган орган. У фақат бир вазифани бажаради. Франция Конституциясига биноан Конституцияни ўзгартириш ташаббуси Президентга, унинг топшириғи билан Бош вазирга, парламент аъзоларига тегишли ваколатдир. Конституцияни қайта кўриш ҳақидаги лойиҳа ёки таклиф парламентнинг ҳар икки палатаси томонидан кўриб чиқилиб, бир хил таҳрирда қабул қилиниши керак (ҳар икки палата томонидан) Кўриб чиқиш референдумда маъқуллангандан сўнггина хал қилинган ҳисобланади. Агар

Президент лойихани кўриб чиқишни Конгресс сифатида чиқарилган Парламентга топширса, референдум ўтказилмайди. Бундай ҳолда лойиҳа берилган овозларнинг бешдан уч қисми овози билан тасдиқланса маъқулланган ҳисобланади.

Конгресс атамаси халқаро, илмий анжуманларга нисбатан ҳам қўлланилади. У халқаро атама.

**КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ** – мураккаб ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий категория бўлиб, унинг асосини конституциявий демократия идеаллари (яъни, демократиянинг давлат ва жамиятнинг асосий ҳужжати сифатидаги конституцияга таяниши), маълум ҳокимият институтларининг мавжудлиги, Конституцияга мос тушувчи сиёсий режим ва демократиянинг ҳимоя тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, умуман конституциявий тузум ташкил этади.

**К.** ижтимоий тараққиёт йўлидан бораётган жамият интиладиган намуна (идеал)дир. Унинг асосий жиҳатлари қўйидагилардир:

– конституциявий ғоялар, хусусан давлат ва жамият фаолиятининг ҳуқуқ, қонун билан ҳамоханлиги; шахснинг олий кадриятлиги, унинг кадр-қиммати, шаънини ҳимоя қилиниши; ҳокимият функцияларини амалга оширишда халқнинг иштироки, давлат органларини ташкил қилишнинг демократик тартиблари мавжудлиги, у органларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга қаратилиши; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, давлат ва жамоат органлари фаолиятида уларнинг иштирок этишининг механизми мавжудлиги;

– норматив-ҳуқуқий база мавжудлиги, у энг аввало демократик Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан яратилади. Конституцияда туркум конституциявий-ҳуқуқий институтлар мустаҳкамланади ва улар биргалликда демократик **К.** яратади. **К.** ташкил этувчи институтларда демократик жамият ва давлат, шахс эркинлиги, ҳокимият воситалари, умумий, муқобил, эркин овоз беришга асосланган сайлов тизими, кўппартиявийлик ва плюрализм ўз ўрнини топади;

– Конституцияга мос сиёсий режимнинг мавжудлиги. Тажрибада реакцион конституция ва унга мос режимлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда **К.** тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Демократик конституциявий ва унга асосланган режим бўлиши **К.** мавжуд дейишга асос бўлади. Айрим ҳолларда демократик конституция бўлиши, лекин у амал қилмаслиги, турли йўллар билан уни бузиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунда ҳам **К.** ҳақида гапириш қийин. Шундай қилиб, **К.нинг** ажралмас қисми бўлиб, конституциянинг ҳақиқий мавжуд ижтимоий муносабатларга мослиги ҳисобланади;

– Конституция ва конституциявий тузумнинг ҳимоя қилиш тизимининг мавжудлиги. **К.** конституциянинг олийлигини, устунлигини талаб этади. Унинг бирор бир қондасини қонун, Президент фармони, ҳукумат қарорлари билан алмаштириш мумкин эмас. Конституция

нормаларини тўғридан-тўғри амал қилинишига эришиш, **К.га** хос хусу-сиятдир.

**КОНСТИТУЦИЯ** – бу бутун халқ ёки жамият барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ва иродасини ўзида ифодаловчи давлатнинг асосий қонунидир. У муайян мамлакатдаги давлат ва жамият қурилишини ўзида мустаҳкамловчи олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир.

Шакл жиҳатидан **К.** давлатдаги олий ҳужжат, ҳуқуқий акт – асосий қонундир. **К.**, одатда, парламент, махсус конституциявий ассамблея ёки бевосита умумхалқ овози билан қабул қилиниши мумкин. Давлатнинг асосий қонуни – **К.** олий юридик кучга ва мажбурий характерга эга бўлиб, у мамлакат қонунчилигининг бошланғич ҳамда таъсис этувчи манбаидир, барча қонулар **К.дан** келиб чиқади ва унга зид бўлиши мумкин эмас. **К.** ҳар қандай мамлакат миллий ҳуқуқ тизимининг асосий манбаидир. Ўз моҳияти ва мазмунига кўра **К.** ҳам давлат, ҳам жамиятнинг олий ҳужжати, бошқача қилиб айтганда, **К.** бу олий сиёсий ҳужжат. **К.да** жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари – ҳокимият, мулкчилик шакллари, шахс мақоми ва давлат қурилиши акс этади. Конституциявий нормалар давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, тегишли давлат фуқаролари ҳамда мазкур мамлакат ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари учун мажбурий бўлиб, уларнинг фаолиятларини тартибга солишда асосий манба ҳисобланади.

**К.ни** қабул қилиниши ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий характердаги омилларга боғлиқ бўлади. **К.лар** биринчи навбатда тегишли жамиятда қандай мулк ва иқтисодий фаолият шакллари мавжудлигини ҳамда уларга фуқароларнинг муносабатини ўзида акс эттиради, шунингдек **К.** инсонларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги иштирокининг асосий қондаларини, уларнинг энг муҳим ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини мустаҳкамлайди. Мазкур давлатнинг асосий қонуни, тегишли мамлакатдаги давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш тизимини, ваколатлар доирасини, давлатнинг ички тузилишини, давлат органлари тизимини ҳамда фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқарув асосларини белгилайди.

Ҳар бир **К.** давлатнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар, қуйидаги функцияларни бажаради: таъсис этувчи (асос солувчи), ташкилий, сиёсий, мафкуравий ва юридик функциялар.

**К.нинг** асос солувчи функцияси муайян ижтимоий жараёнлар натижасида пайдо бўлиб, жамиятнинг кейинги тараққиёт босқичида унинг ривожланишини сиёсий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади. «Таъсис этувчи» тушунчаси бу ҳолатда икки хил маънони: мавжуд инсоният ютуқларини мустаҳкамлайди ёки жамиятда етилиб турган, лекин муайян зарурий ҳуқуқий базасиз оммавийлашмаган янги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши учун асос бўлиб

хизмат қилади. Шундай қилиб, **К.нинг** бошланғич асосий хусусияти давлатнинг бутун ижтимоий-сиёсий тизимига ёки унинг алоҳида институтларига нисбатан ҳам намоён бўлиши мумкин.

**К.нинг** ташкилий функцияси нафақат мавжуд ютуқларни акс эттиришда, балки давлат ва жамият олдига янги вазифалар қўйишда ҳам ифодаланиши мумкин. **К.** сиёсий фаолликни оширади, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларни янги мақсадлар сари ундайди ҳамда халқни эришилган ютуқлардан руҳлантиради. **К.** нафақат муайян мақсадларни, балки унга эришишнинг ҳуқуқий механизмини ҳам ўзида мужассам этади.

**К.нинг** сиёсий функцияси шундаки, у нафақат давлат ички ҳаётидаги муносабатларни, балки бир вақтнинг ўзида давлат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий пойдевори ҳамдир. Унда жамият сиёсий тизимининг конунчилик асослари акс этади. **К.нинг** ғоялари, қоидалари ва тамойиллари асосида давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий сиёсати шакллантирилади.

**К.нинг** мафкуравий функцияси ундаги муайян сиёсий таълимнинг яғоналигини мустаҳкамловчи нормаларда намоён бўлади. Бундай мафкуравий яқка ҳокимлик анъанаси 1992 йилда қабул қилинган ЎзР **К.нинг** 12-моддасига кўра истисно этилган. Унга кўра, ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бошқа томондан эса, **К.** ҳеч қачон мафкурадан холи бўлмайди (дунёқараш нуқтаи назаридан) ҳужжатдир. Ваҳоланки **К.да** мустаҳкамланган ҳар бир сўз мамлакат сиёсий тузумининг мақсадини ифодалайди. Ҳар бир **К.да** муайян кадриятлар кўрсатилган бўлиб, жамият аъзоларининг барчаси айнан улар таъсирида тарбияланишини назарда тутди.

**К.нинг** юридик функцияси – биринчидан, у янги ёки мавжуд тузум таракқиётининг кейинги босқичидаги ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий тартибнинг асоси сифатида майдонга чиқади; иккинчидан, муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солади; учинчидан, конунчиликда янги ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ўзгартирилиши учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир **К.нинг** асосий конун сифатидаги ўзига хос юридик хусусиятлари мавжуд:

1. Барча **К.лар** давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари сирасига кириб, Асосий конун ҳисобланади ва конун эга бўлган барча сифатлар унда ҳам мужассам.

Мамлакатимизда **К.** асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституциявий ҳуқуқ фанида яғона ҳуқуқий акт сифатидаги асосий конунни «ёзилган конституция» деб аталади. Баъзан, мамлакатда бундай акт мавжуд бўлмай, балки конституциявий мақом берилган бир неча ҳужжатларнинг йиғиндисини «ёзилмаган конституциялар» деб аталади (масалан, Буюк Британия).

Баъзан **К.** атамаси «асосий қонун» атамаси шаклида ҳам қўлланилади ва таъкидлаш жоизки, мазкур ҳолат ҳеч қандай сиёсий аҳамият касб этмайди.

Хорижий тажрибага, айрим мамлакатларда **К.ларга** яна бир неча ҳуқуқий актлар ҳам илова сифатида бириктирилиши мумкин. Улар, одатда, конституциявий қонунлар деб аталади. Агар шундай актларнинг мақомини конституцияга бевосита бириктирилганлиги расмий равишда эътироф этилган бўлса, уларнинг йиғиндиси ягона «ёзилган конституция» дейилади.

2. **К.нинг** ўзига хос юридик хусусияти – унинг олий даражадаги устунлигидадир. Бу унинг бошқа норматив актларга нисбатан олий юридик кучга эгаллигида ифодаланади. Мамлакатдаги барча қонунлар ва норматив-ҳуқуқий актлар **К.дан** келиб чиқиши ва унга зид бўлмаслиги лозим. Бундай устунлик, одатда, **К.** нормаларида ифодаланган бўлади (ЎЗРнинг **К.ни** 16-моддаси).

3. **К.** амалдаги қонунчиликнинг асоси бўлиб, унинг йўналишлари ва характерини белгилайди. Қонунчилик конституцияда белгиланган асосларда ривожланади ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солинишига йўналтирилади. Кўпинча, конституциявий нормалар ўзида мазкур қонундан кенгайтирилишини белгиловчи қонунлар қабул қилинишини мустаҳкамлайди (ЎЗРнинг **К.ни** 90-моддаси).

4. **К.** ўзига хос қабул қилиниш ва ўзгартирилиш тартибига эга. **К.нинг** қабул қилиниш жараёни очиқ бўлиб, жамият аъзоларининг катта қизиқиши остида ўтади. Зеро, **К.нинг** қабул қилиниши тарихий ҳодисадир. Демократик мамлакатларда **К.** қабул қилинишидан олдин унинг лойиҳаси мунтазам равишда матбуотда эълон қилиниб, халқ муҳокамасига тақдим этилади.

**К.** махсус орган (Конституциявий ассамблея ёки коллегия), парламент ёхуд референдум орқали қабул қилиниши мумкин. Махсус орган – бу бир неча вакиллик органларидан ташкил топган коллегия бўлиши мумкин.

**К.ни** парламент томонидан қабул қилинишида ҳам махсус тартиблар қўлланилади, яъни муҳокамада депутатларнинг муайян миқдорини иштирок этиши, қўйилган конституциявий масала маъқулланиши учун 2/3 қисм овоз берилиши, лойиҳа қайтарилганда мазкур масалани қайта кўришга тақдим қилиш учун муайян муддат белгиланганлиги ва ҳоказолар. Референдум орқали қабул қилинадиган **К.нинг** тасдиқланиши учун «ха» ёки «қарши» бандлари бўлган бюллетенлар қўлланилади. Бунда овоз берувчи лойиҳага нисбатан юқоридаги бандлардан бирини танлаган ҳолда ўз муносабатини билдиради.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕНГАШ** – айрим мамлакатларда, конституцияга ўзгартириш киритиш масаласини ҳал қилиш учун ташкил қилинадиган орган. Масалан: Россия Федерациясида. Чунки РФ. Конс-

титущиясида, конституциядаги айрим масалаларни ўзгартитиришни РФ парламенти кўра олмаслиги Конституцияда белгиланган. Шунга зарурат бўлса **К.К.** чакирилиши кўзда тутилган. Лекин **К.К.** ҳақида қонун қабул қилинмаган ва унинг таркиби қандай бўлиши ҳақида баҳс-мунозаралар мавжуд.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОНТРОЛ** — мамлакатда Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган давлат органлари томонидан амалга оширилаётган фаолият. Конституциявий контрол махсус органлар томонидан — Конституциявий судлар ёки Конституциявий контроль қўмиталари, шунингдек бошқа давлат органлари томонидан уларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади. Баъзида Конституциявий контрол Конституциявий назоратни олиб борувчи битта давлат органи фаолиятида бирлаштирилиши мумкин. Конституциявий контрол мазкур органга Конституцияга зид деб топилган ҳар қандай актни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳуқуқини беради. Конституциявий назорат эса бундай ҳуқуқни бермайди, балки Конституцияга зид бўлган актни қабул қилган ёки ундан юқори турувчи органга актни бекор қилишни таклиф қилиш шаклида ифодаланади.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН** — 1. қатор мамлакатларда конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаларидан бири. Романо-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатларда **К.к.** — бу конституцияга ўзгартишлар киритувчи қонун, РФ, Ўзбекистон, Қозоғистон каби давлатларда эса **К.к.** конституцияда белгиланган масалалар бўйича қабул қилинади. Биринчи ҳолатда **К.к.ни** қабул қилиш тартиби Конституцияга ўзгартиш киритиш тартибига мос келади, иккинчи ҳолатда **К.к.** конституцияни ўзгартириш тартибидан фарқ қилиб, махсус мураккаблаштирилган тартибда, қонун чиқарувчи идора аъзоларининг малакали кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Алоҳида олинган давлатларда **К.к.** деб, мазкур давлат конституциясини ташкил этувчи қонунлар мажмуасига айтилади (м-н, Швецияда). Баъзи олимлар қабул қилиниши Конституцияда назарда тутилган қонунларни ҳам **К.к.** деб ҳисоблайдилар.

**Ўзбекистон Республикасида қуйидаги К.қ.лар қабул қилинган:** «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги (1991 й. 30 сент.), «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги (1994 й. 22 сент.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (2002 й. 12 дек.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ги (2002 й. 12 дек.). **К.к.** лар ўз юридик кучи жиҳатидан оддий қонунлардан устун туради.

2. ЎзР Конституциясида назарда тутилган қонун турларидан бири. Барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади. **К.к.** олий

юримдик мақомга эга бўлади. Қабул қилинган **К.к.** ЎзР Президенти томонидан ўттиз кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

**3.** ЎзР қонунчилигида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий актларнинг бир туридир. Конституциявий қонун бу конституциявий ҳуқуқнинг баҳсли тушунчаларидан биридир.

Тартибга солиш предметиға кўра қуйидаги илмий ва амалий ёндашувларни белгилаш мумкин:

Биринчидан, бир ёки бир неча актларнинг биргаликда давлатнинг конституциясини ташкил қилувчи ҳужжати **К.к.** ҳисобланади. Масалан, Австриянинг Конституцияси расман Федерал **К.к.** деб номланади.

Иккинчидан, Конституцияға ўзгартиш ва қўшимчалар ёки унинг бирор қисмини бекор қиладиган қонун конституциявий деб номланади. Бундай конституциявий қонун Конституция билан биргаликда амал қилиб, унинг бир қисмига айланади. Масалан, 1968 йилгача Чехословакия унитар давлат эди. 1968 йилда у федератив давлат тузилиш шаклиға ўтди, чунки ушбу давлат Конституциясининг тегишли қисмини алмаштирган Чехословакия Федерацияси тўғрисидаги **К.к.** қабул қилинди. Табиийки, ушбу акт ЧССР Конституциясининг таркибий қисмига айланди.

Баъзи бир олимлар ва муайян давлатлар амалиётига кўра, Конституцияға ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар **К.к.лар** деб аталади.

Бошқа гуруҳ муаллифлар эса **К.к.лар** туркумиға Конституция қабул қилиш тўғрисида декларация, Конституция эълон қилиниши тўғрисида, Конституцияни қабул қилиш ва эълон қилиш тўғрисида, Конституцияни амалға киритиш тартиби тўғрисидаги қонунларни ҳам киритиш керак деб ҳисоблайдилар.

**К.к.**, баъзи олимларнинг фикриға кўра, қабул қилиниши Конституцияда тўғридан-тўғри кўрсатилган ёки ундан келиб чиқадиган барча қонунлардир.

Ҳуқуқий белгиларига кўра, Конституциявий қонуннинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: уларни қабул қилинишида парламент аъзоларининг 2/3 қисми томонидан қабул қилиниши; кучға киритилишининг ўзига хос томонлари (масалан, Россияда Президентнинг бундай қонунларға нисбатан вето ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги); бошқа қонунларға нисбатан юқориқ юрмдик кучға эга эканлиги.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИЙЛИК** – Конституциявий ҳуқуқда мазкур тушунча икки хил маънода қўлланилади.

1) тўғридан-тўғри кўрсатилган ёки Конституциядан келиб чиқадиган нормаларға риоя этиш.

2) давлатдаги барча қонунлар ва норматив-ҳуқуқий актларға риоя этилиши.

«Конституциявий» термини бу ҳолатда қонунийлик талаби доимо



ўз мохиятига кўра конституциявий бўлишлигига урғу беради. Вахоланки, қонунийлик тўғрисидаги умумэтироф этилган тамойиллар нафақат қонунларда, балки Конституциянинг ўзида мустақкамлангандир.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ҚЎМИТАСИ** – Собик Иттифокнинг охириги даврларида Иттифокда ва иттифокчи республикаларда шу жумладан Ўзбекистонда Конституцияни химоя қилувчи орган сифатида ташкил этилган. Иттифок конституциявий назорат қўмитаси таркиби раис, раис ўринбосари ва 27 аъзодан иборат бўлган. Таркибига ҳар бир иттифокчи республика вакили киритилган. КНҚ аъзолари СССР халқ депутатлари съезди томонидан сайланган. Ўзбекистон мустақилликка эришиб Конституция қабул қилгач, конституциявий суд ташкил қилиш кўзда тутилди. Шундай қилиб КНҚ жуда қисқа фаолият кўрсатган орган бўлиб тарихга кирди. 1990 йил 24 мартда Ўз.ССР **Ж.н.қ.** сайланган эди.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ** – мамлакатда Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган давлат органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият. Конституциявий назоратнинг мохияти шундан иборатки, Конституциявий назоратни олиб борувчи орган ўз ташаббуси ёки муайян хабарлар асосида Конституцияга зид бўлган ҳуқуқий актларни аниқлайди ҳамда уларни бекор қилиниши ҳақида таклиф киритади. Мазкур орган ноконституциявий бўлган актни бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ у бир вақтнинг ўзида ҳам Конституциявий контрол органи бўлса, у ҳолда Конституциявий назоратни олиб борувчи орган ноконституциявий бўлган актни бекор қилиши ёки ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин (қаранг, Конституциявий контрол).

Конституциявий назоратни турли хил давлат органлари ўз фаолиятларининг бир қисми сифатида амалга оширишлари мумкин (масалан, Президент, прокуратура). Бироқ, қонда тарикасида Конституциявий назоратни амалга ошириш учун махсус орган ташкил этилади. Масалан, ЎЗР ССР да 1990 йилда Конституциявий Назорат Қўмитаси ташкил қилинган.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДАТ** – конституциявий нормалар билан бир қаторда конституциявий муносабатларда қўлланиладиган қоидалар. Конституциявий одатларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ҳали конституциявий нормалар қаторига кирмаган, бироқ келажакда махсус норма сифатида конституциявий нормалар қаторига киритилиши мумкин бўлган қоидалар.

2. Конституциявий нормалар қаторига ўз характерига кўра киритилиши мумкин бўлмаган қоидалар, чунки улар диспозитив характерга қараганда императив кўринишга эга бўлиб қолган. Масалан, 1977 йилги Собик Иттифок Конституциясига кўра Иттифок Олий Совети Президенти

диумига Иттифок Олий Совети депутатлари орасидан 15 та ўринбосарлар – ҳар бир иттифокдош Республикадан биттадан номзод сайланиши лозим бўлган. Мавжуд ҳолатдаги конституциявий одатга кўра Президиум Раисига ўринбосар сифатида иттифокдош Республикалар Олий Советлари Президиумлари раислари сайланганлар. Бироқ шунинг эътиборига олиш лозимки, Иттифок Олий Совети Президиуми ўринбосарлигига иттифокдош Республика Президиуми раиси Иттифок Олий Совети депутати бўлмаган ҳолатларда сайланиши мумкин бўлмаган.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД** – конституциявий назоратнинг судлов органи бўлиб, судловни амалга ошириш орқали суд ҳокимиятини намоён этади. ЎзР Конституциявий суди мамлакатимизда 1995 йилнинг 21 декабрдан бошлаб фаолият юргизиб, мустакил ва эркин равишда судлов ҳокимиятини амалга оширишга йўналтирилган. Унинг асосий вазифаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият актларининг Республика Конституциясига мос келишини назорат этиб туришдан иборат.

Конституциявий суд етук мутахассислар ичидан шакллантирилади. Маъмур суд Раиси, унинг ўринбосари ва суд аъзолари бошқа ҳақ тўланадиган ишларда ишлаши мумкин эмас.

Конституциявий суд аъзолари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар фақат ЎзР Конституцияси ва Конституциявий суд тўғрисидаги қонун (1995 йил 30 август) нормалари талабларига бўйсундилар.

Бундан ташқари Конституциявий суд Конституция ва қонунларга шарҳ бериши мумкин.

Ушбу орган Президентнинг тақдимига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланади. Хусусан ҳар бир судья яқка тартибда сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беш йил муддатга сайланиб, доимо ишлайдиган орган ҳисобланади. Унинг юрисдикцияси мамлакатимизда амал қилувчи барча норматив ҳужжатларни қамраб олади.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ** – Конституцияда ўз аксини топган ҳамда жамият ва давлат ҳаётида амалда мавжуд бўлган ҳаёт тарзи.

Ўзбекистон Республикасида амалда мавжуд бўлган конституциявий тузум бир қанча хусусиятлар билан изоҳланади. Булар халқ ҳокимиятчилиги (халқ суверенитети); халқ иродасини ифода этувчи Ўзбекистон давлатининг мавжудлиги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тан олинishi ва қадрланиши; демократия ЎзР турмуш тарзи ва сиёсий режимнинг асоси сифатида эътироф этилади; мафқуравий хилма-хиллик ва сиёсий плюрализм; иқтисодий фаолият эркинлиги ва мулкчиликни турли шаклларининг амалда мавжудлиги.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ** – 1) ҳуқуқ тармоғи, шунингдек

хукукий фанлардан бири. Конституциявий хукукнинг предмети нисбатан кенг ва фундаментал ижтимоий муносабатлар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлатнинг конституциявий (ижтимоий) тузуми, давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари ва шакллари;

Шахс ҳукуқий мақомининг асослари;

Давлатнинг тузилиши, яъни давлатнинг ҳудудий (маъмурий-худудий) ташкилий тузилиши;

Давлат ҳокимиятининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг тизими, уларни шакллантириш тамойиллари, тартиби (сайлов ҳуқуқини эътироф этган ҳолда) ва мазкур органлар фаолиятининг асослари.

**К.х.** юқорида қайд этилган ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва уларни ривожланиши учун кўмаклашади. **К.х.** предметини ташкил этган ижтимоий муносабатларни, одатда «конституциявий» ёки «конституциявий ҳуқуқий» муносабатлар деб аталади. Мазкур ижтимоий муносабатлар давлат ва жамият учун муҳим асосий муносабатлар ҳисобланади, унда жамиятдаги инсонлар ва давлат ҳаётининг бошланғич асоси акс этган бўлади. **К.х.нинг** икки хил вазифаси мавжуд: биринчидан, давлат ва жамият қурилишининг асосларини, мамлакатдаги ҳокимиятнинг характерини ҳамда шахс мақомини мустаҳкамлаш (мазкур асослар турли ҳуқуқ тармоқлари нормаларида ривожлантирилади ва кенгайтириб тавсифланади); иккинчидан, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув ҳокимиятининг амалга оширилиш механизмини батафсил тартибга солади.

Шундай қилиб, **к.х.** предметини ташкил этувчи кўпчилик муносабатлар давлат қурилиши, шахс мақоми ва давлат ҳокимияти билан боғлиқ. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқ тармоғининг барча нормалари давлатдан келиб чиқади. Илмий доираларда кенг тарқалган фаннинг «Давлат ҳуқуқи» номи ҳам бевосита шунга боғлиқ. Махсус адабиётларда мазкур атамалар талқини юзасидан бир қанча мунозаралар келтириб ўтилган. Бундай олиб қараганда иккала тушунча ҳам («Давлат ҳуқуқи» ва «Конституциявий ҳуқуқ») қўлланилиши хато бўлмайди ва мутахассис бўлмаган шахслар учун бир хил маънони англатувчи атамалар сифатида ишлатилиши мумкин.

**К.х.нинг** бош манбаи – бу давлатнинг Конституциясидир. ЎЗРда Конституция 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари бўлиб, айтиб ўтилганидек, Конституция, конституциявий қонунлар, органик қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар ҳисобланиши мумкин.

2) фуқароларнинг Конституция билан мустаҳкамланган асосий ҳуқуқлари.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ** – бир неча тушунчага нисбатан қўлланиладиган атама. Биринчидан, у Конституцияда мустаҳкамлан-

ган фукароларнинг асосий ҳуқуқлари, улар: шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги асосий ҳуқуқларга бўлинади. Иккинчидан, конституциявий ҳуқуқ – ҳуқуқ тармоғи (шу билан бирга ҳуқуқий тизимда етакчи ҳуқуқ). Учинчидан, конституциявий ҳуқуқ – ҳуқуқ фанларидан бири.

**К.х.нинг** ҳуқуқ соҳаси сифатидаги предмети асосий ва ҳал қилувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу ижтимоий муносабатлар ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келиб қуйидагиларни ўз ичига олади: давлатнинг конституциявий (ижтимоий) тузуми; давлат ҳокимиятини амалга ошириш шакли ва усуллари; шахснинг ҳуқуқий ҳолати асослари; давлат тузилиши (маъмурий-худудий тузилиши); давлат органлари тизими, уларнинг ташкил этиш тартиби ва фаолиятининг асосий принциплари; сайлов тизими.

**К.х.** ижтимоий муносабатларни тартибга солиши ва ривожланишига таъсир қилади. **К.х.** предметини ташкил қилувчи муносабатларни «Конституциявий» ёки «конституциявий-сиёсий» муносабатлар деб юритилади. Бу муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар учун асос (база) бўлиб ҳисобланади. Бошқа ижтимоий муносабатлар булардан келиб чиқади. Шунинг учун **К.х.** бошқа ҳуқуқлар соҳалари учун асос бўлади. **К.х.** мулкӣ муносабатлар асосларини тартибга солиш билан фукаролик ҳуқуқига, меҳнат муносабатлари асосларини белгилаш билан меҳнат ҳуқуқига пойдевор бўлади ва ҳоказо. Умумлаштирилиб айтилса **К.х.нинг** (ҳуқуқ сифатида) предмети **К.х.** нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир.

**К.х.** асосий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тегишли ҳуқуқ нормаларини бирикмасидан ташкил топган. Шунинг учун ҳар қандай бошқа ҳуқуқ тармоқлари сингари ўз манбаларига эга.

**К.х.нинг** асосий манбаи – бу Конституциядир. Ўзбекистон Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилиниб, унга 2003 йил 24 апрелда ўзгартиришлар киритилган. Конституциявий қонунлар ҳам **К.х.** манбаидир. Бундан ташқари: қонунлар, Президент фармонлари, ҳуқуқат қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқ нормалари конституциявий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш қаратилган бўлса улар ҳам **К.х.** манбаи бўлиши мумкин. Масалан: ЎзР Президенти давлат органларини тузиш ёки унинг раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги фармонлари **К.х.** манбаи бўлади. Орден, медаллар, унвонлар билан тақдирлаш ҳақидаги фармони эса **К.х.** манбаи бўлмайди.

**К.х.** ҳуқуқ сифатидаги предмети билан, **К.х.нинг** фан сифатидаги предмети бир-биридан фарқ қилади. **К.х.** ҳуқуқ сифатидаги предмети, шу ҳуқуқ тартибга солинадиган муносабатлар бўлса, **К.х.** фанининг предмети шу фан ўрганадиган нарсалардир, яъни фан давлат-ҳуқуқий ижтимоий муносабатларни, шу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини ўрганади. Уларни ривожлантириш таклиф-

ларини беради. Ижтомий муносабатлар ва ҳуқуқ нормаларини мутоносиблигини таҳлил қилади.

**КОНТРАССИГНАТУРА** – ҳал қилиниши лозим бўлган масала юзасидан давлат бошлиғи (монарх, президент) қарорининг ҳукумат, ҳукумат раҳбари ёки алоҳида вазир томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши. Контрассигнатура коллегиял органнинг тегишли ҳужжат юзасидан қарор қабул қилиши ёки мансабдор шахснинг ҳужжат лойиҳасига ўз виза (имзо)сини қўйиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, Украина Конституциясига мувофиқ (106-модда) Украина президентининг ўз ваколат доирасида, Конституциянинг айрим нормаларида кўрсатилган масалалар юзасидан қабул қилган актлари Украина Бош вазири ва акт ижроси юзасидан масъул бўлган вазир имзолари билан мустаҳкамланади.

**КОНФЕДЕРАЦИЯ** – давлатларнинг иттифоқи бўлиб, халқаро – ҳуқуқий характерга эга. **К.** янги давлатнинг вужудга келишига олиб келмайди. Жаҳон тарихида конфедерациялар вужудга келиб, улардан федератив давлатлар ажралиб чиққанлиги билан боғлиқ воқеалар учраб туради. Айрим давлатлар амалда федератив давлатлар бўлсада (Швейцария, Канада), ўз номларида конфедерация қўшимчасини саклаб қолганлар. Яқин ўтмишга қарайдиган бўлсак, айрим конфедерациялар ташкил этилиб, узоққа чўзилмаганлигига гувоҳ бўламиз (масалан, Сенегамбия – Сенегал ва Гамбиянинг 1981–1988 йилдаги иттифоқи).

Федерация ва конфедерациянинг асосий фарқи куйидагилардан иборат:

Федерациянинг ҳуқуқий асоси дастлаб шартнома, кейинчалик эса конституция бўлади; **К.**нинг ҳуқуқий асоси бўлиб фақат шартнома майдонга чиқади;

Федерация – давлат-ҳуқуқий мақомдаги ташкилот, бунинг натижасида эса янги давлат вужудга келади; **К.** эса халқаро-ҳуқуқий иттифок бўлиб, давлат сифатида қабул қилинишига хали эрта;

Федерация ҳудуди ягона мақомга эга; **К.** эса ягона ҳудудга эга бўлмайди, унинг ҳудуди мазкур иттифок таркибига кирувчи давлатларнинг ҳудудидан ташкил топади;

Федерация ягона фуқаролик ўрнатилган, **К.**да эса ягона фуқаролик мавжуд эмас, тўғри конфедерация ҳудудида шахс мақомининг бири-бирига яқинлигини таъминлаб берувчи нормалар ўрнатилиши мумкин;

Федерацияда давлат ҳокимияти (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти)нинг ягона органлари мавжуд; **К.** бундай органларга эга эмас, у ерда фақат ягона мақсадларни амалга оширишга кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи органлар шакллантирилиши мумкин;

Федерацияда умумий ҳуқуқий актларнинг федерация субъектлари актларидан устунлиги принципи амал қилади; Федерацияда федерал органлар томонидан федерация субъектининг актини директив йўл ёки низони кўриб чиқувчи конституциявий назорат органлари томо-

нидан бекор қилиниши мумкин бўлган тартиб мавжуд; **К. да** эса **К.нинг** мувофиқлаштирувчи органи чиқарган қарор конфедерация аъзоларининг органлари қарорлари орқали қабул қилинади. Бу қарорлар ё ратификация қилинади ёки бошқа йўл билан тан олинади.

Бунда конфедерация аъзолари умумий қарорларни ўзлари учун мажбурий деб тан олмасликлари мумкин.

Федерацияларда ягона қуроли кучлар мавжуд. Фақат айрим ҳолатлардагина федерация аъзоларига айрим қуроли кучларга эга бўлишга рухсат берилар эди. Лекин улар барибир ягона қуроли кучлар таркибига кирар эди (масалан, собиқ Совет Иттифоқининг сиёсий тарихидаги айрим даврларни олсак, иттифокдош республикаларга ҳарбий қўшинга эга бўлишга рухсат берилар эди). **К.да** эса унга кирувчи давлатларнинг мустақил армиялари мавжуд, улар умумий қўмондонлик асосида бирлаштирилиши мумкин. Давлатларнинг келишувига биноан турли давлатларнинг ҳарбий контингентларидан ташкил топган ягона армия тузилиши мумкин, лекин давлатлар ўзларининг қуроли кучларини ҳам сақлаб қолиш ҳуқуқига эга;

Федерацияда – ягона солиқлар мавжуд бўлиб уларни федерация тўлиқ равишда ўрнатиши мумкин, бундан ташқари федерация солиқ ва молия сиёсати борасида устувор ва андозавий нормаларни ўрнатиши мумкин. **К.га** кирувчи ҳар бир давлат ўз солиқлари ва молия тизимига эга бўлиб, **К.** маблағларининг манбаси сифатида унга кирувчи аъзоларнинг бадаллари ҳисобга олинади;

Федерацияда – ягона пул тизими мавжуд бўлиб, барча ҳудудда амал қилади. **К.га** кирувчи ҳар бир давлатда ўз валютаси мавжуд, тўғри пул тизимлари бу ҳолатда бир-бирига яқинлаштирилиши мумкин.

Федерация ягона иқтисодий сиёсат ёки уни ягона марказдан бошқариш қоидаларига эга. **К.да** эса мувофиқлаштириш мавжуд бўлиши мумкин, лекин яна **К.** аъзоларининг ихтиёрий тан олиши орқали.

**КОРЕЯ (Корея Республикаси, Жанубий Корея)** – Осиёда, аниқроғи Корея ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган давлат. 1948 йилнинг 18 августида вужудга келган. Пойтахти – Сеул шаҳри.

Маъмурий бўлиниши 9 та провинция ва провинция мақомига эга 2 та шаҳар (Сеул ва Пусан)дан иборат.

Мамлакатда 1988 йил 25 февралда кучга кирган ҳамда 1980 йил 27 октябрдаги Конституцияни бекор қилган янги Конституция амал қилади. Асосий қонун мамлакатни парламент республикаси деб эълон қилган. 1988 йилгача мамлакатда авторитар режим мавжуд бўлиб, Президент чекланмаган ваколатларга эга эди.

Давлат бошлиғи – Президент, умумий ва тўғридан-тўғри шаклда 5 йил муддатга сайланади.

Парламент – Миллий йиғин – 299 та аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 237 таси тўғридан-тўғри шаклда 4 йилга сайланади, қолган

62 таси тўғридан-тўғри сайловларда олинган ўринларга қараб, пропорционал тарзда сиёсий партиялардан тайинланади.

Ижро ҳокимиятининг олий органи – Президент бошчилигидаги Давлат кенгашидир. Вазирлар Кенгаши аъзолари Президент томонидан Миллий йиғиннинг албатта маъқуллаши олингач тайинланади.

**КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ** – Осиёда, яъни Корея ярим оролининг шимолида жойлашган давлат. 1948 йил 9 сентябрда ташкил топган бўлиб, пойтахти Пхеньян шаҳри.

Мамлакатнинг маъмурий бўлиниши: 9 та провинция ва 2 та шаҳар (Пхеньян ва Кэсон) провинция мақомига эга. 1971 йил 27 декабрда қабул қилинган (тузатиш ва кўшимчалар) Конституция амал қилади. Асосий Қонунга биноан давлат ҳокимиятининг асосий органи бу Олий халқ йиғинидир. Ушбу йиғин умумий ва тўғридан-тўғри шаклдаги сайловлар ёрдамида 4 йилга сайланади. Сессиялар орасида Олий халқ йиғини функцияларини унинг доимий кенгаши амалга оширади.

Корея халқ демократик республикаси давлат бошлиғи – Президент бўлиб, 4 йилга Олий халқ йиғини томонидан сайланади. Президентнинг таклифига биноан 4 та вице-президент сайланади. Шу билан бирга президент таклифига кўра Олий халқ йиғини томонидан шакллантирилладиган давлат ҳокимиятининг олий раҳбарий органи бўлган Марказий Халқ қўмитаси сайланади. Ушбу орган Президент раҳбарлиги асосида иш олиб боради.

Қонун чиқарувчи ҳокимият 687 та депутатдан иборат бўлган Олий халқ йиғини томонидан амалга оширилади. Ушбу йиғинда Олий халқ йиғини доимий кенгаши ва унинг раиси сайланади.

Корея халқ демократик республикаси ҳукумати – Маъмурий кенгаш – Бош вазир томонидан бошқарилиб, Олий халқ йиғини томонидан Президентнинг такдимига кўра сайланади ёки қақриб олинади. Маъмурий кенгаш Президент ва Марказий Халқ қўмитаси раҳбарлигида иш олиб боради ҳамда Олий халқ йиғини олдида жавобгардир.

**КОСТА-РИКА (Коста – Рика Республикаси)** – Марказий Америкада жойлашган давлатдир. Мамлакат 1821 йилнинг 15 сентябрдан мустақилликка эга. Пойтахти – Сан-Хосе шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – кантонларга бўлинган 1 та провинциядан иборат. Кантонлар округларга бўлинган. Провинцияларга Президент томонидан тайинланадиган губернаторлар бошчилик қилади.

1949 йил 7 ноябрда қабул қилинган Конституция амал қилади. Асосий қонунга кўра Коста-Рика – республика. Мавжуд сиёсий режими ўзининг барқарорлиги ва демократик анъаналарнинг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

Давлат бошлиғи – Президент умумий сайлов асосида 4 йил муддатга сайланади. У сурункасига 2 та муддатга сайланиши мумкин эмас. 2 та вице-Президент мавжуд бўлиб, улар Президент билан бир-

галикда сайланади ҳамда давлат бошлиғи йўқлиги ёки у бетоб бўлганида президентлик ваколатларини вақтинча бажаради.

Бир палатали парламент – Қонунчилик йиғини – 57 та депутатдан иборат бўлиб, умумий ва тўғридан-тўғри сайловлар асосида 4 йилга сайланади. Ҳар бир сайловда депутатлар сони аҳоли сонига пропорционал равишда ўрнатилади. Депутатлар ҳам сурункасига 2 та муддатга сайланиши мумкин эмас. Президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Ижро ҳокимияти Президент томонидан амалга оширилиб, давлат бошлиғи ҳукуматни шакллантиради. Ушбу ҳукумат таркибига «Президент ҳузурдаги вазир» сифатида биринчи вице-президент ҳам киради. Вазирлар ўз лавозимларини депутатлик билан бирга олиб боришларига йўл қўйилмайди.

**КОТ-ДИВУАР (Кот-Дивуар Республикаси)** – Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Бу давлатнинг мустақиллиги 1960 йилнинг 7 августидан эълон қилинган. Пойтахт – Ямасукро шаҳри (лекин, 1983 йилдан бошлаб барча давлат муассасалари ва кўпгина дипломатик ваколатхоналар эски пойтахт Абиджанда қолмоқда).

Маъмурий бўлиниши – 50 та департаментдан иборат.

1960 йилги Конституцияга биноан бошқарув шакли – Республика.

Мамлакат президенти умумий, тўғридан-тўғри сайлов натижасида 5 йил муддатга сайланади, ундан ташқари у кейинчалик ҳам қайта сайланиши мумкин. Президент муомала лаёқатини йўқотганда ёки вафот этганида Олий суд парламент мандати тугашигача Миллий йиғин раисини Президент деб эълон қилиши мумкин.

Бир палатали парламент тўғридан-тўғри ва умумий асосда 5 йил муддатга сайланадиган 175 та депутатдан иборат.

Ижро ҳокимияти Президент томонидан амалга оширилади. Давлат бошлиғи ҳукуматни шакллантиради ва бошқаради.

**КУБА (Куба Республикаси)** – Марказий Америкада жойлашган давлат. 1901 йилдан мустақил давлатдир. Пойтахти – Гавана шаҳри.

Маъмурий бўлиниш: 14 провинция. Буларни ичига провинция мақомига эга пойтахт ҳам киради. Пинос ороли марказий ҳокимиятга бўйсунди. Асосий қонунга биноан мамлакат республика шаклида бошқарилади.

Парламент – Миллий ассамблея. У бир палатали бўлиб, умумий ва тўғридан-тўғри сайловлар асосида шакллантирилади.

Ижро этувчи ҳокимият давлат раҳбари томонидан шакллантириладиган ҳукумат томонидан амалга оширилади.

**КУЧГА КИРИШ** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг бошланиши. **К.к.** куни ё умумий қоида билан, ё муайян ҳужжатнинг кучга кириши муносабати билан кўрсатиб ўтилган бўлиши мумкин.



Кейинги ҳолда мазкур ҳужжатда кўрсатилган бўлиши керак. Яъни, ҳужжат имзоланган кунидан ёхуд бирор муайян санадан эътиборан кучга кириши кўрсатилган модда ёки банд билан тугалланади.

ЎзР қонувлари ва ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга қиради.

ЎзР Президентининг фармонлари ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча ЎзР Президенти ёки ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган тартибда кучга қиради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, ЎзР Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга қиради.

**КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТ** — мамлакатимизда мустақиллик йилларидан илгари мавжуд бўлган фуқароларнинг кўпгина ижтимоий бирлашмаларининг номи (спорт, маданий — оқартирув жамиятлари). Ҳозирги пайтда «жамият» тушунчасининг ўзигина қўлланилади.

**КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАСИ** — умумий фаолият кўрсатувчи орган тури, яъни жамоат тартибини кўриқлашда ҳеч бир тўловларсиз иштирок этишни хоҳловчи фуқароларнинг ижтимоий бирлашмаларидир.

**КЎПЧИЛИК** — турли овоз беришлар ўтказилиши муносабати билан конституциявий ҳуқуқда қўлланиладиган тушунча. Мутлақ, оддий, нисбий ва асосий **К.** тоифалари фарқланади.

Сайлов ҳуқуқида:

*мутлақ К.* — бу депутат ёки мансабдор шахснинг сайлов рўйхатларига киритилган сайловчилар умумий сонидан аксарият кўпчилигининг овозини олгани тақдирда сайланиши;

*оддий К.* — номзод овоз беришда иштирок этган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олиши. Кўпинча сайловнинг ўзи, агар сайлов участкаларига сайлов рўйхатларига киритилган сайловчиларнинг камида ярми келган бўлса, бўлиб ўтган деб ҳисобланади («камида ярми» деганда сайловчиларнинг 50 фоизи ва ундан ортиги тушунилади). Шу тарика, оддий **К.** мазкур ҳолда ғолиб чиққан номзод сайловчилар умумий сонидан 25 фоизини ва плюс бир овозни олганлигини англатади.

*нисбий К.* — ғолиб чиққан номзод ўз рақибига нисбатан кўп овоз олиши (мазкур турдаги **К.** номи рақобат қилувчиларга «нисбатан» деган тушунчадан келиб чиққан).

*асосий К.* депутат ёки мансабдор шахснинг рўйхатларга киритилган сайловчилар умумий сонидан ёки овоз беришда иштирок этган

сайловчилар сонидан сайловчилар овозларининг энг юкори сони (масалан, 2/3, 3/4 ва х.к.) билан сайланиши.

Парламентда қонунлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишда айна шу атамалар қуйидаги маънога эга бўлади:

**мутлақ К.** – парламент ёки унинг палатаси томонидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилиниши.

**оддий К.** – парламент ёки палата томонидан мажлисда ҳозир бўлган депутатлар сонининг (табиийки, мажлисни ўтказиш учун кворум бўлгани тақдирда) кўпчилик овози билан ёки ҳатто ушбу овоз беришда иштирок этган депутатлар сонининг кўпчилик овози билан қарорнинг қабул қилиниши; бундай **К.** кўпинча тартиб-таомил масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда талаб қилинади;

**нисбий К.** – юзага келган масалани ҳал қилишнинг у ёки бу вариантга афзаллик берилишини овоз бериш орқали аниқлаш.

**асосий К.** – парламент ёки палата томонидан қарорнинг уни ёқлаб берилган овозларнинг кўп сони (масалан, камида 2/3, 3/4 қисми) билан қабул қилиниши.

**КЎЧА НАМОЙИШИ** - қ.: *Йиғилишлар ва намоийшлар ўтказиш ҳуқуқи.*

**ЛАОС (Лаос Халқ-Демократик Республикаси)** Осиёда жойлашган давлат. Мустақиллик биринчи марта 1945 йилнинг 72 октябрида эълон қилинган. Тўлиқ суверенитет фақат 1953 йилда эълон қилинди.

1975 йилнинг 1-2 декабрларида халқ вакилларининг Миллий конгресси монархияни бекор қилиб, Лаос Халқ Демократик Республикасини эълон қилди. Пойтахти – Вьентьян шаҳри.

Маъмурий бўлиниш: 17 та Провинция (КХУЭНГЛАР) ва 1 та алоҳида тумандан иборат.

Амалдаги Конституция 1991 йилнинг 14 августида қабул қилинган.

Давлат бошлиғи – Президент 5 йил муддатга сайланади.

Парламент – Миллий йиғин 85 депутатдан иборат бўлиб, умумий сайловлар асосида 5 йилга сайланади.

Лаос Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати давлат бошлиғи томонидан шакллантирилади.

**ЛАТВИЯ (Латвия Республикаси)** Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Бой давлатчилик тарихига эга мамлакат. 1991 йил 3 майда ўтказилган Латвия халқининг умумий референдуми натижаларини ҳисобга олиб, СССР Олий Совети 1991 йилнинг 6 сентябрида Латвия Республикасининг давлат мустақиллигини тан олди. 1991 йилнинг 17 сентябридан БМТ аъзоси. Пойтахти – Рига шаҳри.

Маъмурий бўлиниш: 26 та туман, ўз навбатида туманлар волостларга бўлинади.

1922 йил 15 февралда қабул қилинган «Сатверме» конституция-

си амал қилади. У 1993 йилнинг 6 июлидан тўлиқ қайта тикланди. Бошқарув шакли – республика.

Давлат бошлиғи Президент бўлиб, парламент томонидан 5 йил муддатга сайланади. У икки марта сурункасига сайланиши мумкин.

Бир палатали парламент – Сейм – 100 та депутатдан иборат бўлиб, Пропорционал асосда 3 йилга сайланади. Пассив ва актив сайлов ҳуқуқи 21 ёшдан бошланади.

Ҳукумат – Бош вазир томонидан бошқарилиб, 13 та аъзодан иборат. Бундан ташқари ҳукумат таркибига кирмайдиган давлат вазирларидан иборат. Бош вазирнинг 3 та ўринбосари мавжуд.

Мамлакатнинг туб аҳолиси латишлар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Мамлакатда фукаролик ва бошқа миллат вакилларининг ҳуқуқлари билан борлиқ муаммолар мавжуд.

**ЛЕГИСЛАТУРА** – 1) Конституция ёки бошқа бир ҳуқуқий акт билан белгиланган парламентнинг ёки бошқа бир вакиллик органининг ваколат даври. Мамлакатимизда мазкур атама ўрнига «чакириқ» сўзи қўлланилади. 2) кўпинча Конституциявий ҳуқуқ фанига оид адабиётларда легислатура атамаси остида муайян давлатнинг қонунчилик (вакиллик) органи тушунилади.

**ЛЕСОТО (Лесото Қироллиги)** – Жанубий Африкада жойлашган давлат. Мустақиллиги 1966 йил 4 октябрда эълон қилинган. Британия ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахт – Масеру шаҳри.

Маъмурий бўлиниш – 10 та округдан иборат. Конституция Қирол томонидан ёқланиб, парламент томонидан 1993 йил 2 апрелда тасдиқланган. Асосий қонунга биноан давлатда конституциявий монархия бошқарув шакли ўрнатилган.

Парламент – Миллий йиғин тўғридан-тўғри ва умумий сайловлар асосида 5 йил муддатга сайланадиган 65 та депутатдан иборат. 33 та аъзодан иборат сенат мавжуд бўлиб, улардан 22 таси анъанавий қабила бошлиқлари, 11 таси Қирол томонидан тайинланади.

Мамлакатда 1986 йилдан ҳукмронлик қилган Ҳарбий кенгаш 1993 йилнинг 2 апрелидан ҳокимиятни қироллик Бош вазири бошчилигидаги фукаровий ҳукуматга топширди.

**ЛИБЕРИЯ (Либерия Республикаси)** – Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Мустақиллик 1847 йил 26 июлда эълон қилинган. Пойтахти – Монровия шаҳри.

Маъмурий бўлиниш – 9 та графлик ва 6 та ҳудуддан иборат.

Ҳозирда мамлакатдаги сиёсий аҳвол бошбошдоқлик хусусиятига эга. 1995 йилдан бошлаб мамлакатда сиёсий жабҳада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. 1994 йилда муваққат қонунчилик йиғини иш бошлади. Ушбу йиғин 35 та депутатдан иборат.

1997 йил 19 июлда мамлакатда президентлик ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Икки палатали парламент Сенатдан (26 та сена-

тор) ва вакиллар палатасидан (64 та депутат) иборат. Ҳукумат Президент томонидан бошқарилади.

**ЛИВАН (Ливан Республикаси)** Фарбий Осиёда жойлашган давлат. Мустақиллик 1943 йилнинг 22 ноябрида эълон қилинган. Пойтахти – Бейрут шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 6 та губернаторлик (музофотлар)дан иборат.

1926 йил 23 майда қабул қилинган Конституция амал қилади.

Давлат бошлиғи – Президент, парламент томонидан 6 йил муддатга сайланади. Бир палатали парламент – Депутатлар палатаси 128 та депутатлардан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри сайловлар асосида 4 йил муддатга сайланади ҳамда бунда диний жамоалар вакиллиги принципи ҳисобга олинади.

Ижро этувчи ҳокимият Президент ва у томонидан тайинланадиган Вазирлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Давлат бошлиғи Президент насроний – маронит, Бош вазир – мусулмон – сунний, парламент раиси – мусулмон – шиа бўлиши мумкин. Бундай тартиб 1943 йилги Миллий келишув асосида ишлаб чиқилган.

**ЛИВИЯ (Ливия Араб Социалистик Халқ Жумҳурияти)** – Шимолий Африкада жойлашган давлат. Мустақиллик 1951 йилнинг 24 декабрида эълон қилинган. Пойтахти – Триполи шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 13та муниципалитетдан иборат.

1969 йил 1 сентябрдан Республика деб эълон қилинган.

1977 йилнинг 3 мартада мамлакат парламенти давлатда халқ ҳокимиятчилиги режимини ўрнатди.

1977 йилги декретга асосан, давлат бошлиғи ҳамда инқилоб раҳбари этиб, Муаммар Каддафи тан олинди.

Конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи – умумий халқ конгресси бўлиб, 3 йилга сайланадиган 750 та вакилдан иборат. Конгресс ўз аъзолари ичидан УХК котибиятини белгилаб, мазкур котибият ижро этувчи орган ҳисобланади. Ҳукумат – Олий халқ кўмитаси – Котиб (вазир)лардан иборат.

Суд ҳокимияти халқ судловига асосланган бўлиб, шариат қонунлари ва халқ анъаналари асосида амалга оширилади. Пойтахтда Халқ суди – мамлакатнинг олий судлов маҳкамаси жойлашган.

**ЛИТВА (Литва Республикаси)** – Болтик бўйида жойлашган давлат.

1990 йилнинг 11 мартада Литва Олий Кенгаши мустақилликни ҳамда СССР таркибидан чиқилганини эълон қилди. 1991 йил 6 сентябрда СССР халқ депутатлари съезди Литванинг давлат мустақиллиги тан олди.

Пойтахти – Вильнюс шаҳри. Маъмурий бўлиниши – 10 та уезд ва марказий бошқарувдаги 11 та шаҳардан иборат.

Амалдаги Конституция 1992 йил 25 октябрдаги референдумда тасдиқланган.

Давлат бошлиғи – Президент умумий сайловлар асосида 5 йил муддатга сайланади. У яна бир муддатга сайланиш ҳуқуқига эга.

Парламент – Сейм, 141 та депутатдан иборат бўлиб, (71 таси бир мандатли округдан, 70 таси партия рўйхатига асосан) 4 йил муддатга сайланади. Депутатликка 27 ёшга тўлган Литва фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

Ижро этувчи ҳокимият Президент ҳамда ҳукуматга тегишли. Бош вазирни парламент розилигини олиб Президент тайинлайди.

**ЛИХТЕНШТЕЙН (Лихтенштейн князлиги)** Марказий Европада жойлашган давлат. Мустақил давлат сифатида 1719 йилдан бошлаб мавжуд. Ташқи алоқалар, божхона назорати, пул эмиссияси, почта-телеграф алоқасини Швейцария амалга оширади.

Пойтахти – Вадуц шаҳри.

Маъмурий бўлиниш: 2 та тарихий вилоят – Оберланд ва Учунтерланддан иборат бўлиб, 11 та жамоага бўлинади:

1921 йил 5 октябрда қабул қилинган Конституция амал қилади. Бошқариш шакли – конституциявий монархия.

Давлат бошлиғи – княз. 1990 йил 15 августдан княз Ханг Адам II фон Лихтенштейн тахтда ўтиради.

Қонунчилик ҳокимияти княз ва парламент – Ландтагга тегишли. Парламент 25 депутатдан иборат. Улар пропорционал асосда 4 йилга сайланади. Аёллар фақат 1984 йилдан бошлаб сиёсий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат Ландтаг томонидан тасдиқланиб, княз томонидан назорат этилади. Ҳукумат одатга кўра Ландтагда фаолият кўрсатадиган сиёсий партияларнинг коалицияси асосида шакллантирилади.

**ЛОКАЛ ДАРАЖАДА ИХТИЛОФЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ** – ижтимоий муносабатларни маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш даражасида ёки хўжалик фаолияти субъекти даражасида тартибга солиш (масалан, жамоа шартномасини меҳнат жамоаси ва иш берувчи ўртасида тузиш орқали).

**ЛЮКСЕМБУРГ (Люксембург Буюк Герцоглиги)** – Ғарбий Европада жойлашган давлат. Пойтахти Люксембург шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 3 та округ, улар ўз навбатида кантонлар ва коммуналарга бўлинади.

Амалдаги Конституция 1868 йил 17 октябрда қабул қилинган. Бошқарув шакли – конституциявий наслдан – наслга ўтувчи монархия.

Давлат бошлиғи – Буюк Герцог. 1964 йил 12 ноябрдан эътиборан тахтда Буюк Герцог Жан ўтирибди.

Депутатлар палатаси 60 та аъзодан иборат бўлиб, умумий сай-

ловлар асосида ҳамда пропорционал тартибга кўра 5 йил муддатга сайланади. Қабул қилинган қонунлар давлат бошлиғи томонидан албатта тасдиқланиши лозим.

Ижро этувчи ҳокимият конституцияга мувофиқ Буюк Герцогга тегишли бўлиб, парламент олдидан жавобгар бўлган ва давлат бошлиғи томонидан тайинланадиган ҳукумат томонидан амалга оширилади.

Люксембург сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусияти шуки, мамлакатда қонун лойиҳаларини дастлабки муҳокамасини амалга оширадиган ва олий маъмурий юрисдикцияга эга бўлган Давлат кенгаши мавжуд. Ушбу кенгаш Буюк Герцог томонидан 21 та аъзодан иборат тарзда тузилади.

Умумий судлар тизимига Олий ҳакамлик суди раҳбарлик қилади. Ушбу орган универсал судлов инстанцияси бўлиб, Апелляция суди ваколатларига ҳам эга. Бундан ташқари у кассациявий аризаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Энг оғир жиноятларни тергов қилиш мақсадида Олий Суд раиси ассизлар судини шакллантиради. Мазкур суд 6 та аъзодан иборат. Бундан ташқари биринчи инстанция даражасидаги 2 та округ суди ҳамда сулхпарвар судлар мавжуд, уларда судьялар унча жиддий бўлмаган қилмишлар бўйича яқка тартибдаги ажримларни чиқаради.

**ЛЮСТРАЦИЯ** – фуқароларни сиёсий жихатдан ватанпарварлик, мустақиллик принципларига содиқлик, эски тузум махсус хизматлари билан алоқада бўлмаганлигини текшириш. Люстрация яқка тартибда ёки умумий тарзда ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари ушбу тадбир давлат мансабини эгаллаш учун даъвогар бўлган шахсга нисбатан ҳам ўтказилади. Умуман олганда люстрация мамлакатда амал қилувчи қонунчилик асосида амалга оширилади.

**ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ** (ҳуқуқ тизими) – ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши (таркиби) бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ҳамда қисмлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва нисбатни кўрсатади. Ҳ.т. жамиятда мавжуд бўлган ва доимо ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, у ҳуқуқнинг ички тузилишини, унда ҳуқуқ нормаларининг ҳам умумий жихатларини ҳам фарқланиш хусусиятларини кўрсатади. Ҳ.т. бир неча даражани ўз ичига олади. Улардан биринчиси *ҳуқуқ нормаси* бўлиб, у давлат томонидан ўрнатиладиган ва маъқулланадиган, ҳокимият характерида эга бўлган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш-туриш қондасидир. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тузилмаси ичида биринчи бўлиб, яхлит ҳуқуқда бўладиган ўзгаришларни ўзидан ўтказди. Шунинг учун унинг бошқа ҳуқуқ тизими тузилмаларига нисбатан таъсири катта бўлиб, уни ҳуқуқнинг «ўлчов бирлиги» дейиш мумкин. Ҳ.т.нинг иккинчи таркибий қисми *ҳуқуқ институти* бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади ва ҳуқуқий

нормаларнинг алоҳида гуруҳи ҳисобланади. Одатда, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳидир. Ҳуқуқ институтларига мисол қилиб, маъмурий ҳуқуқда мансабдор шахс институти, фуқаролик ҳуқуқида даъво муддати, шартномалар, олди-сотди институти, жиноят ҳуқуқида зарурий мудофаа институти ва шу каби-ларни келтириш мумкин. *Ҳуқуқ тармоғи* – бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар ва ҳуқуқ инсти-тутларининг алоҳида мажмуи бўлиб, х.т.нинг анча юқори – учинчи таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқ тармоғи маълум яхлитлик ва мустақиллик билан тавсифланади. Анъанавий тарзда илмий-ўқув ада-биётларида ҳуқуқ тармоқларига қуйидагилар киритилади: конституция-вий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, фуқа-ролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, кишлок ҳўжалиги ҳуқуқи, экология ҳуқуқи ва бошқалар.

**МАВРИКИЙ (Маврикий Республикаси)** – Хинд Океанининг ғарбий қисмида жойлашган орол-давлат. Мустақиллик 1968 йилнинг 12 мартада эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти Порт-Луи шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 9 та округ ва махсус мақомга эга 5 та шаҳардан иборат.

Амалдаги Конституция 1968 йилда қабул қилинган.

Маврикий – республика (1992 йил 12 мартда эълон қилинган). Давлат бошлиғи – Президент бўлиб, Миллий ассамблея депутатлари томонидан 5 йил муддатга сайланади. Айна пайтда вице-президент ҳам сайланади.

Бир палатали парламент – Миллий ассамблея – 70 та депутат-дан иборат, уларнинг 62 таси 5 йил муддатга умумий сайловлар асо-сида сайланади. 8 та ўрин мағлуб бўлган номзодлар ичида энг кўп овоз олганларидан айримларига ажратилади. Бош прокурор ҳам лаво-зими бўйича Парламент аъзоси ҳисобланади.

Ижро этувчи ҳокимият Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади. Бош вазир ва вазирлар Президент томонидан тайинлана-ди.

**МАВРИТАНИЯ (Мавритания Ислом Республикаси)** – Африканинг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Мустақиллик 1960 йил-нинг 28 ноябрида эълон қилинган. Пойтахти – Нуакшот шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 12 та вилоятдан иборат. Пойтахт алоҳида мухтор округга ажратилган.

1991 йилги Конституцияга биноан Мавритания республика ҳисоб-ланади. Давлат бошлиғи президент бўлиб, умумий сайловлар асосида 6 йилга сайланади.

Парламент – икки палатали. Сенат 56 та сенатордан иборат ва билвосита асосда 6 йилга сайланади. Миллий ассамблея 59 та депу-

татдан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри ва умумий асосда 5 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимият Президент ва у томонидан тайинланадиган ҳукумат томонидан амалга оширилади.

**МАДАГАСКАР (Мадагаскар Республикаси)** – Хинд океанининг жануби-шарқида жойлашган орол – давлат. Мустақиллик 1960 йилнинг 26 июнида эълон қилинган. Пойтахти – Антананариву шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 6 та провинция (фаританлар) дан иборат.

Конституция умумхалқ референдуми асосида 1992 йил 19 августда қабул қилинган. Бошқарув шакли – республика ҳисобланади.

Давлат бошлиғи – Президент бўлиб, тўғридан-тўғри сайловлар асосида 5 йил муддатга сайланади. У яна бир муддатга сайланиши мумкин.

Парламент – икки палатали. Сенатнинг бир қисми Президент томонидан, бир қисми ҳудудий ҳокимият органлари томонидан сайланади. Миллий йиғин 138 та депутатни ўз ичига олади ҳамда 4 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимият Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади. Бош вазир Президент томонидан тайинланади. Ҳукумат парламент олдида жавобгардир.

**МАДҲИЯ (гимн)** – тегишли давлатнинг хусусияти ва кадриятларини акс эттирувчи тантанавор куй ва шеър. Давлатнинг хос рамзларидан бири. Давлатнинг бошқа рамзлари давлат *байроғи* ва *гербдир*. Қоида тариқасида, давлат рамзлари ё Конституцияда, ё махсус қонунда, ё умумдавлат аҳамиятига молик бошқа ҳужжатда белгилаб қўйилади. Шу ҳужжатда тегишлича герб, байроқ, мадҳиядан фойдаланиш тартиби баён қилинади (шунингдек қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси*).

**МАЖБУРИЙ КЕЛТИРИШ** – суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокуратура ва судга ушбу органлар ёки мансабдор шахслар томонидан чақирилган, бироқ сабабсиз келмаган гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ёхуд таржимонни мажбурий суратда ушлаб келтириш. Шахсни олиб келиш учун қарор юритишда иш бўлган ваколатли мансабдор шахс томонидан чиқарилади ва ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади.

**МАЖБУРИЯТ** – мажбурият ибораси кундалик ҳаётимизда кўп бўлмаса-да, тез-тез учраб туради. Лекин ушбу ибора юридик ва юридик бўлмаган маънога эга. Юридик мазмунга эга бўлмаган мажбурият шахслар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар келтириб чиқармайди, юридик маънодаги мажбуриятга асосан маълум шахслар иштирокида муайян ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Иккала ҳолатда ҳам мажбурият маълум шахслардан унда назарда тутилган ҳаракатни бажаришни ёки бажаришдан ўзини сақлашни талаб қилади, лекин фарқи шундаки, агар юридик маъно, яъни аҳамиятга эга бўлмаган мажбурият ба-



жарилмаса, ҳеч қандай юридик оқибат, яъни жавобгарлик келиб чиқмайди, бундай оқибат фақат юридик аҳамиятга эга бўлган мажбурият бажарилмаган тақдирда юз бериши мумкин.

Юридик аҳамиятга эга бўлмаган мажбуриятлар аксарият ҳолларда қариндош-уруф, бир-бирига яқин шахслар ўртасидаги муносабатларда учраб туради. Масалан, фарзанднинг ота-онаси олдида институтни қизил диплом билан тугатиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, каби мажбуриятлар олиши. Бундай мажбуриятлар кўпроқ ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб, оғзаки шаклда бурч ва вазифаларни ўз зиммасига олиб, бир томонлама ваъда беришдан иборат.

Мажбуриятдан жисмоний ва юридик шахсларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлашда мулккий ҳуқуқий муносабатларнинг шакли сифатида ижтимоий ҳаётнинг кўп тармоқларида фойдаланилади. Мажбурият воситасида тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади, товар сотилади ва сотиб олинади, мол-мулк ижарага топширилади, ишлаб чиқариш объектлари ва уй-жой бинолари қурилади, турли транспортларда йўловчи ва юклар ташилади, хизматлар кўрсатилади, кредитлар берилади, ҳисоб-китоблар амалга оширилади, шахснинг ўзи ва унинг мол-мулклари суғурта қилинади, биргаликда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади, интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланилади, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки муҳофаза қилинади ва х.к.

Шундай қилиб, мажбурият – фуқаролик-ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва хоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини тийишга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ЎЗР ФКнинг 234-моддаси).

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФКда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мажбуриятнинг тарафлари – кредитор ёки қарздор сифатида бир ёхуд бир пайтнинг ўзида бир неча шахс иштирок этиши мумкин.

**МАЖБУРЛОВ ИШЛАРИ** – 1997 йил 1 январдан жорий этилган жазо чораси. Маҳкум асосий иш ёки ўқишдан бўш вақтларида ижтимоий фойдали ишларни бепул бажаришини назарда тутди. Мазкур ишларнинг тури маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади. **М.и.** муддати – олти соатдан то икки юз қирқ соатгача. Кундузги норма – кўпи билан тўрт соат. Маҳкум **М.и.** муддатини ўташдан ашаддий тарзда бўйин товлаган тақдирда, мазкур жазо чораси *озодликни чеклаш* ёки *қamoқ* жазоси билан алмаштирилади.

Ушбу жазо турининг ижро этилиши *жиноят-ижроия инспекциялари* томонидан таъминланиши лозим. Мазкур инспекцияларга тегишли маҳкумларнинг рўйхатини юритиш, уларга жазони ўташ тартиби ва

шартларини тушунтириш, маҳкумлар **М.и.** муддатини ўтайдиган объектлар рўйхатини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиш, маҳкумлар хулқ-атвори устидан назорат қилиш, маҳкумлар бажарган **М.и.** вақтини ҳисоблаб бориш мажбурияти юклатилади.

**М.и.** биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, саккиз ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларга, 55 ёшга тўлган аёлларга, 60 ёшга тўлган эркакларга, шунингдек чақирик бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга тайинланмайди.

**МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ** – шахснинг эркинлигини чеклашда унга қарши қўлланилади. Қонунда улар кўпинча жамият учун хавфли қилмишни содир этадиган ёки содир этган шахсларга нисбатан ёхуд жиноятни аниқлаш ва суриштиришни таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Жиноят иши бўйича иш юритишда процессуал-мажбурлов чоралари деб номланган кенг қўламли **м.ч.дан** фойдаланилади (мажбурий келтириш, ушлаб туриш, лавозимдан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш).

Мазкур процессуал-**м.ч.ни** қўллаш катъий тартибда ЎзР ЖПК доирасида амалга оширилади.

Суд-тиббийёт ёхуд суд-психиатрия экспертизасидан ўтказишда стационар кузатув зарурати туғилса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд айбланувчини ёки судланувчини, башарти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлсалар, тегишли тиббий муассасага жойлаштиришга ҳақлидир.

Рухий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган шахс ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

**МАЖЛИС** – конституциявий ҳуқуқда оммавий равишда қўлланиладиган ибора. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Сенатининг мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари ва ҳоказо.

**МАЙДА МИЛЛАТ** – конституциявий ҳуқуқда, шунингдек халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган тушунча. Масалан, РФ Конституцияси 71-моддасининг «в» бандига мувофиқ, «майда миллатларнинг ҳуқуқларини тартибга солиш ва ҳимоя қилиш» РФ ваколатига киради. Конституция 72-моддасининг «б» бандига мувофиқ эса, «майда миллатларнинг

хуқуқларини химоя қилиш» РФ ва унинг субъектларининг биргаликдаги ваколатларига киради.

ЎзРнинг Конституциясига «майда миллат» тушунчаси киритилмаган. Конституциянинг 8-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади».

Европа Иттифоқи Хавфсизлик кенгаши экспертларининг Женева йиғилиши (1991 й.) докладига кўра, мустақил давлат таркибида ғуж бўлиб яшайдиган, ўз миллий-давлат ёки бошқа тузилмасига эга бўлган этник бирлик ёки туб миллатга мансуб бўлмаган, алоҳида-алоҳида яшайдиган шахслар **М.м.** бўлиши мумкин.

Аммо **М.м.** учун унинг уюштирилиши даражасидан ҳам кўра, уни камситишдан ҳамда унинг фуқаролик, сиёсий ва бошқа ҳуқуқлари бузилишидан химоя қилиш муҳимдир.

ЎЗРда барча фуқаролар, миллатидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги Конституцияда мустаҳкамланган.

**МАКЕДОНИЯ (Македония Республикаси)** – Болкон ярим оролида жойлашган давлат. 1991 йил 8 сентябрда ўтказилган референдумда халқ Македониянинг мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлади. 17 сентябрда суверенитет эълон қилинди. Пойтахти – Скопье шаҳри.

Амалдаги Конституция 1991 йил 17 ноябрдан кучга кирди.

Давлат бошлиғи – Президент бўлиб, у парламент томонидан 5 йил муддатга сайланади. Парламент – Республика йиғини 120 та депутатдан иборат бўлиб, 4 йил муддатга умумий сайловлар асосида шакллантирилади. Республика ҳукумати парламент олдида жавобгардир.

**МАКОМ** – ҳуқуқда, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда кенг қўлланиладиган тушунча. Орган, ташкилот, бирлашма, мансабдор шахс (фуқаро)нинг норматив ҳужжат билан расмийлаштирилган ҳолатини билдиради («ҳуқуқий ҳолат» атамаси шундан келиб чиққан). **М.** юқорида зикр этилган ташкилотлар ва шахсларнинг табиатини, ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқ субъектлари тизимидаги ўрнини, муҳим ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларни амалга ошириш шакллари (тартиби)ни ва бунда қабул қилинадиган ҳужжатлар ёки амалга ошириладиган ҳаракатларни тавсифлайди.

**МАЛАВИ (Малави Республикаси)** – Шарқий Африкада жойлашган давлат. Мустақиллик 1964 йилнинг 6 июлида эълон қилинган. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Лилонгве шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 3 та провинциядан иборат. Муваққат Конституция 1994 йил 17 майда қабул қилинган. Унинг асосида 1995 йилнинг 17 майида амалдаги Конституция қабул қилинган. Республика сифатида 1968 йилнинг 6 июлида эълон қилинган.

Давлат бошлиғи – Президент бўлиб, 5 йил муддатга умумий сайловлар асосида сайланади. 2 та вице-президент лавозимлари мавжуд.

Парламент – Миллий йиғин – 177 та депутатдан иборат бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.

Ижро ҳокимияти Ҳукумат томонидан амалга оширилади. Унга Президент бошчилик қилади.

**МАЛАЙЗИЯ** – Жанубий-шарқий Осиёда жойлашган давлат. Мустақиллик 1957 йилнинг 31 августида эълон қилинди. Британия ҳамдўстлиги аъзоси бўлиб, пойтахти – Куала-Лумпур.

Давлат тузилиш шакли – федерация: мамлакат 11 та штат Фарбий Малайзияда, 2 та штат Шарқий Малайзияда ва 2 та федерацияга бўйсунувчи худуддан иборат.

Амалдаги Федератив Конституция 1963 йил 16 сентябрда қабул қилинган. Унга биноан Федерация олий органга – ҳукмдорлар кенгашига эга ва 9 та монарх, штат ҳукмдорлари ва губернаторлардан иборат. Улар ўз ичларидан 5 йил муддатга федерация олий бошлиғини сайлашади. У бир муддатга сайланиб, айни вақтда унинг ўринбосари ҳам сайланади.

Парламент икки палата, яъни Сенат ва вакиллар палатасидан иборат. Сенат 70 та сенатордан иборат бўлиб, 6 йил муддатга сайланади. Вакиллар палатаси 192 та депутатдан иборат бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари депутатлар орасидан сайланади. Ҳукумат коалиция асосида шакллантирилади.

Давлат дини – Ислом, бундан ташқари буддизм, конфуциячилик, индуизм, насроний дини вакиллари истикомат қилади.

**МАЛАКАЛИ КЎПЧИЛИК** – кўпчиликка қаранг.

**МАЛИ (Мали Республикаси)** – Фарбий Африкада жойлашган давлат. Мустақиллик 1960 йил 22 сентябрда эълон қилинган. Пойтахти – Бамако шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 8 та вилоят ва пойтахт туманидан иборат.

1992 йил 12 январда ўтказилган референдумда амалдаги Конституция қабул қилинди. Унга биноан давлат бошлиғи – Президент умумий ва тўғридан-тўғри сайловлар натижасига кўра сурункасига иккита 5 йиллик муддатга сайланиши мумкин.

Парламент – Миллий йиғин 147 та депутатдан иборат. Парламентнинг ваколат муддати – 5 йил.

Ижро ҳокимияти Бош вазир раҳбарлигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилади. Президент ўз қўлида деярли мутлақ ҳокимиятни мужассамлаштирган.

**МАЛЬДИВ ОРОЛЛАРИ (Мальдив Республикаси)** – Осиёдаги орол – давлат. Мустақиллик 1965 йил 26 июнда эълон қилинган. Британия ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Мале шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 19 та орол ғуруҳи ва атолллардан иборат.

Амалдаги Конституция 1968 йил 11 ноябрда кучга кирган. Унга кўра бошқарув шакли – республика.

Давлат бошлиғи – Президент бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.

Парламент – Мажлис – 5 йил муддатга сайланади. У 48 та депутатдан иборат бўлиб, 8 та депутат Президент томонидан тайинланади.

Ижро ҳокимияти Президент томонидан амалга оширилади.

**МАЛЪТА (Мальта Республикаси)** – Ўрта Ер денгизининг марказий ҳудудда жойлашган. Мустақиллик 1964 йил 21 сентябрда эълон қилинган. Британия ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Валлетта шаҳри (Ла-Валлетта).

Амалдаги Конституция 1964 йилда қабул қилинган. 1974 йилдан давлат бошлиғи Президент бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.

Парламент – Вакиллар палатаси – 65 та депутатдан иборат бўлиб, пропорционал асосда 5 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. У парламент олдида жавобгардир.

Мамлакатда Конституциявий суд амал қилади.

**МАНДАТ** – 1) муайян шахсга ваколат берувчи ҳужжат. 2) коида тариқасида, сайловлар орқали эгалланадиган бўш ўрин (лавозим). Одатда, мазкур атама яққа ёки бирикма сифатида сайлов ҳуқуқида ишлатилади. Масалан, бир мандатга бешта номзод даъвогар дейилса, бу – сайлов округидан фақат бир депутат сайланади ва бу ўринга бешта номзод даъвогарлигини англатади. Сайлов қонунчилигида мандат атамаси билан бир қаторда бир қанча бирикмаларни кўриш мумкин – «бир мандатли» (униноминал), «икки мандатли» (биноминал) ва «кўп мандатли» (полиноминал) сайлов округлари – бу мазкур сайлов округидан мувофиқ равишда бир, икки ва ундан ортиқ депутат сайланишини англатади. **М.** атамаси кўпинча депутатлик ўрни сифатида тушунилади. 3) бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда (эркин мандат, императив мандат) муайян вакиллик органи депутати маконининг характерини билдиради.

**МАНСАБДОР ШАХС** – ҳудудда (жумладан жиноят ҳудудда) – бу доимо, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича ҳокимиятнинг вакиллик функциясини амалга оширувчи ёхуд давлат органларида, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, давлат ва маҳаллий ҳокимият муассасаларида, шунингдек мамлакат Қуролли кучларида, кўшинлари ва ҳарбий тузилмаларида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик функциясини бошқарувчи шахс. ЎзР ЖКда берилган таърифга кўра, **М.ш.** ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

Шундай қилиб «мансабдор шахс» тушунчаси, «ҳокимият вакили» тушунчасига нисбатан кенг тушунча бўлиб, мансабдор шахслар ҳокимият вакилларига нисбатан кўпроқ ваколатга эга бўлиб, бир қатор

мансабларни ўз ичига қамраб олади ва улар махсус функцияларни ҳам бажарадилар. Маъмурий ва жиноий ҳуқуқ соҳасида ташкилий-бошқарув функциясига меҳнат коллективларига раҳбарлик қилиш, маълум участкага раҳбарлик қилиш каби алоҳида ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига бошчилик қилишни ўз ичига олади. Маъмурий-хўжалик функциясига давлат ёхуд муниципал мулкни бошқариш ёки улар бўйича фармойиш бериш, бу мулкни сақлаш, уни қайта ишлаш ва шу каби хўжаликни бошқариш қиради.

**МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ** – давлатнинг ҳокимият фаолияти амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатувчи ва масабдор шахслар ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар бўлиб, ЎЗР ЖКнинг ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар қаторига киритилган. Мазкур жиноятлар қаторига: ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш каби жиноятлар қиради.

**МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ** – Марказий Африкадаги давлат. Убанги-Шари номи билан Франция Экваториал Африкаси таркибига кирган. 1960 й. 13 августда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Банги шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 16 префектурага бўлинади.

Конституцияси 1994 й. 28 декабрдаги умумхалқ референдумида маъқулланган.

Мамлакат 1966 й. тўнтариш натижасида ҳокимиятга келган ва 1972 й. ўзини умрбод президент деб, 1976 й. эса – император деб эълон қилган полковник Жан-Бедель Бокассанинг мустабид тузумини бошдан кечирди. 1979 й. Бокасса тузуми ағдарилди ва давлат бошлиғи лавозимини аввалги Президент Д. Дако эгаллади (1981 й. қайта сайланди). Аммо кўп ўтмай у ҳокимиятни генерал Колингбага топширишга мажбур бўлди. Генерал Колингба мамлакатда қарийб 10 йил муддатга фавқулодда ҳолат жорий этди.

1991 й. бошланган конституциявий ислохот ва эркинлаштириш жараёнлари 1992 й. президент ва парламент сайловини ўтказиш имконини берди. Уларнинг натижалари мамлакат Олий суди томонидан бекор қилинди. 1993 й. август-сентябрдаги қайта сайловда президент ва парламент сайланди.

1994 й. Конституциясига кўра, давлат бошлиғи – президент – умумхалқ сайловида 6 йил муддатга сайланади. Парламент – Миллий мажлис – 5 йил муддатга сайланадиган 85 депутатдан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат аъзолари – вазирларни президент тайинлайди.

**МАРКАЗИЙ БАНК** – ЎзРнинг Марказий банки. Унинг ҳукукий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари ЎзРнинг Конституцияси, «ЎзРнинг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун (1995 йил 21 декабрда қабул қилинган) ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

**М.б.нинг** бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари: монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш; Ўзбекистоннинг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш; давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборат.

**М.б.** ЎзР ҳукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва фискаль агенти (ҳазина вакили) сифатида иш кўради; ҳукуматга ўз вазифаларига ҳамда ваколатларига дахлдор барча масалалар бўйича маслаҳат беради; ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича, давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

**М.б.** ЎзРдаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатларининг аҳволига асосланиб, муомаладаги пул массасининг битта ёки бир қанча кўрсаткичлари ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин. **М.б.** ЎзР ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. **М.б.** валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир. **М.б.** банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради.

**М.б.** ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир. **М.б.** ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар ижро этиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқаради.

**М.б.** ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига ҳисоб беради. ЎзР Президентининг тақдимиغا биноан ЎзР Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш Сенатнинг мутлақ ваколатлари жумласига киради.

**М.б.нинг** олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув **М.б.** сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Унинг таркибига Марказий банк раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек

банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киради. **М.б.** раиси Бошқаруving раиси ҳисобланади.

Бошқарув куйидаги ваколатларга эга: монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумладан **М.б.нинг** очиқ бозордаги операциялари кўлами, **М.б.нинг** ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг **М.б.даги** мажбурий резервлари нормасини белгилайди; **М.б.нинг** халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал қилади; банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналарини, шунингдек пул белгиларини муомаладан чиқариш шартларини белгилайди; ЎзР Ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди; банклар учун иқтисодий нормативларни тасдиқлайди ва уларга риоя этилишини кузатиб боради; банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади; **М.б.нинг** ташкилий тузилмасини белгилайди; **М.б.** муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади; **М.б.** харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди; **М.б.нинг** йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади; **М.б.нинг** таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди; **М.б.** таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди; **М.б.** ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди; **М.б.** ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

**М.б.** раиси: **М.б.** ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг фондларини тасарруф этади ва **М.б.** зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгар бўлади; **М.б.** фаолияти масалаларини ҳал қилади, Қонунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно; Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради; **М.б.** фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади; Олий Мажлисда, ҳукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, халқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича **М.б.** номидан иш кўради; айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарларига, ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади.

**М.б.** Раисининг ваколат муддати – беш йил.

**М.б.** Раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

**М.б.** Раиси куйидаги асослар бўйича: ваколат муддати тугаганида; истеъфога чиқишни сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра; жиноят содир қилишда қонунда белгиланган



тартибда айбдор деб топилганда; ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хулосаси асосида; эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилганида, шу жумладан қонунни қўпол равишда бузганида ва **М.б.** манфаатларига катта зарар етказганида эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

**М.б.** Раиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

**МАРОККАШ (МАРОККАШ ҚИРОЛЛИГИ)** – Шимолий-ғарбий Африкада жойлашган давлат бўлиб, 1956 йил 2 мартда мустақилликка эришган. Пойтахти – Рабат шаҳри.

Маъмурий бўлиниши: 37 та провинциядан иборат. Амалдаги Конституция 1972 йилда қабул қилинган ва унга кўра мамлакат конституциявий монархия ҳисобланади. Давлат бошлиғи – қирол. У Бош вазирни тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Бундан ташқари у парламентни чақиради ва тарқатиб юбориши мумкин.

Парламент – Вакиллар палатаси 325 та депутатдан иборат ва 270 депутат 6 йил муддатга сайланади, қолганлари ҳудудий асосга кўра сайланади.

Ижро ҳокимияти қирол томонидан шакллантириладиган Вазирлар Кенгашига тегишли.

**МАСЛАҲАТ ОВОЗИ** – маълум бир масалани муҳокама этишда, тақлифлар киритишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда иштирок этиш.

**МАСЛАҲАТ ХОНАСИ** – судьяларнинг, суд маслаҳатчиларининг фуқаролик, жиноят ишлари бўйича ажрим, қарор, ҳукм чиқариш учун тўпланадиган алоҳида хона. Судья ва суд маслаҳатчиларидан бошқа ҳеч ким **М.х.га** киришга ҳаққи йўқ.

Судланувчининг охириги сўзи эшитиб бўлинганидан сўнг, суд ҳукм чиқариш ёки ажрим чиқариш учун **М.х.га** қиради. Бу ҳақда раислик қилувчи, суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади. **М.х.даги** муҳокама этилаётган масалалар ошкор этилмайди. Мазкур талабга риоа этмаслик, ҳукмни ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган қарорни бекор қилишга олиб келади.

**МАСЛАҲАТЧИЛАР СУДИ** – жиноят ишларини, айрим мамлакатларда эса – фуқаролик ишларини суд маслаҳатчилари иштирокида кўриб чиқувчи ва ҳал қилувчи суд (к.: *Суд маслаҳатчиси. Суд таркиби. Ҳукм*).

**М.с.да** ишни кўриб чиқишда суд икки гуруҳга ажратилади. Профессional судьялар бир гуруҳни, непрофессional судьялар (маслаҳатчилар) эса – иккинчи гуруҳни ташкил этади. Жиноят ишларини кўриб чиқишда биринчи гуруҳ судьяларига (юридик билимларни тақозо этувчи) ҳуқуқ масалаларини, шу жумладан судланувчининг қилмишини юридик таснифлаш ва жазо чораси тўғрисидаги масалаларни

ҳал қилиш ҳуқуқи, иккинчи гуруҳга эса – факт масалаларини (жиноят содир этишда судланувчининг айбдорлиги аниқланганлиги ёки аниқланмаганлигини) ҳал қилиш ҳуқуқи берилади. Мазкур масалалар юзасидан қарорлар гуруҳлар томонидан алоҳида қабул қилинади. Фуқаролик ишларини кўриб чиқишда ҳам вазифалар тахминан шундай тақсимланади.

Илк ўрта асрлар (IX-XI асрлар) давридаги Англия **М.с.нинг** ватани ҳисобланади. Мазкур суд XIX асрда айниқса кенг эътироф этилган – у Европа қитъасининг деярли барча мамлакатларида жорий этилган. Аммо XX асрда унга бўлган қизиқиш йўқолди ва **М.с.дан** деярли ҳамма жойда воз кечилди.

**МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ** – конституциявий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган анъанавий сиёсий (оммавий-сиёсий) эркинликлардан бири. ЎзР Конституциясининг 29-моддасида мазкур ҳуқуқ бошқача шаклда, яъни «ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқига эга», – деб мустаҳкамланган.

**МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР** – ЎзР Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган тушунча. Чунончи, Конституциянинг 101-моддасида айтиладики, маҳаллий ҳокимият органлари ЎзР нинг қонунларини, ЎзР Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадиган, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

**МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ** – халқ томонидан сайланадиган, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вазифаларини амалга ошириш топшириладиган органлар. Бундан ташқари, **М.ў.ў.б.о.** халқ сайлаган **М.ў.ў.б.о.** томонидан тузилиши ҳам мумкин. **М.ў.ў.б.о.ларга** қуйидагилар қиради:

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари – халқ томонидан сайланадиган депутатлар (вакиллар)дан таркиб топувчи йиғилиш, кенгаш. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим масалаларини ҳал қилади, шу жумладан маҳаллий тузилма ваколатига кирувчи масалалар юзасидан барча учун мажбурий қондаларни белгилайди ва б. (маҳаллий тузилма уставида сайлаб қўйиладиган бошқа коллегиял **М.ў.ў.б.о.** назарда тутилиши ҳам мумкин);

маҳаллий тузилма бошлиғи – халқ ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари томонидан сайланувчи, маҳаллий тузилма ҳудудида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш фаолиятига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахс (шаҳар, туман ҳокими, мэр ва ҳ.к.) (маҳаллий тузилма уставида **М.ў.ў.б.о.нинг** сайлаб қўйиладиган бошқа мансабдор шахслар лавозимлари назарда тутилиши ҳам мумкин).

**МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ** – ЎзРда маъмурий ҳудудий бирлик даражасида амал қилувчи давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари.

Маҳаллий ҳокимият тушунчаси маҳаллий ўзини ўзи бошқаришдаги ҳокимият деб изоҳланади. Бу тўғри эмас, маҳаллий ҳокимият бу давлат ҳокимиятининг қуйи бўғини ҳисобланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқароларнинг алоҳида нодавлат органи, халқнинг Конституцияда белгиланган давлатни бошқаришдаги бевосита иштирокининг шаклидир. Ваҳоланки, мамлакатимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи экан, (Конституциянинг 7-моддаси), ҳар қандай халқнинг маҳаллий ҳокимияти деган тушунча тўғри ҳисобланмайди, чунки халқ ўз бирлигининг ифодаси сифатида давлат тузилмасини ташкил этади.

**МИНИСТР (ВАЗИР)** – давлат ҳокимиятидаги мансабдор шахс, Ҳукумат аъзоси. Министр қоида тарикасида, муайян соҳани бошқарувчи раҳбар ҳисобланади. Алоҳида ҳолларда министр муайян министрлик раҳбари эмас, балки ҳукумат таркибида у ёки бу масала юзасидан масъул шахс ҳисобланиши ҳам мумкин (қаранг, портфельсиз министрлар).

**МАҲАЛЛИЙЧИЛИК** – айрим ҳудудларнинг манфаатини юқори қўйиб давлат манфаатларини инкор этиш ёки умуман тан олмаслик.

**МАЪЛУМОТ ЦЕНЗИ** – 1) айти давлатнинг маълум маълумотга ёки давлат конституциясини тушуниш ва талқин қилиш қобилияти орқали текшириладиган маълумот даражасига эга фуқароларига сайлов ҳуқуқини бериш; 2) шахсни давлат фуқаролигига қабул қилиш. Бунда у махсус (қоида тарикасида, ёзма) имтиҳон топшириш орқали мазкур мамлакатнинг миллий тилини ҳамда конституциявий тузуми асосларини билишини тасдиқлайди.

**МАЪМУРИЙ АДЛИЯ** – айрим мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасидаги ишлар ва низоларни кўрадиган *маъмурий судлар* ва бошқа махсус органлар тизими.

**МАЪМУРИЙ АППАРАТ** – қонунийликни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартибот, одил судлов, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик соҳасида фаолият кўрсатувчи органлар ва муассасалар мажмуи – прокуратура, судлар ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқалар (иккинчи номи – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар).

**МАЪМУРИЙ ВА СИЁСИЙ АВТОНОМИЯ** – давлат ёки вилоят автономиясига нисбатан қўлланиладиган тушунчалар. Агар автоном бирлик автоном республика, яъни давлат шаклида ташкил этилган бўлса, бу автономия шаклини сиёсий деб номлаш одат бўлган. Бу билан унинг давлатга хос бўлган мавқеи ва ҳуқуқлари юқорилиги таъкидланади. Агар автоном бирлик автоном вилоят (округ) шаклида ташкил этилган бўлса, бу давлат эмас, бу сиёсий тузилма (давлатнинг бир қисми)дир. Унинг мақоми автоном республиканикига қараганда пастроқ бўлиб, маъмурий-ҳудудий бирлик мақомига яқинроқдир. Шунинг учун ушбу автономия маъмурий-ҳудудий бирликка киёслаганда

катор алохида жихатлари билан ажралиб туришига карамасдан (давлатнинг марказий органларида унинг вакиллари борлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг махсус шакллари, хусусан бюджетни тасдиқлашда ва ўзининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишнинг ўзига хос шакллари мавжудлиги) адабиётларда кўпчилик ҳолларда маъмурий автономия деб номланади.

**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКС** – қаранг. *Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси*.

**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК** – *юридик жавобгарликнинг бир тури. Айбдор фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши тарзида намоён бўлади. Мазкур жазо чоралари давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари томонидан ўзларига бевосита бўйсунмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланилади. М.ж. чораларини қўлланиш фуқаронинг судланишига, унинг асосий иш жойидан бўшатилишига сабаб бўлмайди. М.ж. чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш деб аталадиган алохида тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади. 1994 йилда қабул қилинган ЎЗРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бу соҳадаги асосий ҳужжат бўлиб, кейинчалик унга талай ўзгартишлар ва кўшимчалар киритилган. М.ж. маҳаллий вакиллик органларининг айрим ҳужжатлари билан ҳам қўлланилиши мумкин (қаранг. *Маъмурий жазо*).*

**МАЪМУРИЙ ЖАЗО** – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси, қоида тариқасида, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларига биноан белгиланадиган жавобгарлик.

**М.ж.** турлари МЖКнинг 23-моддасида белгилаб қўйилган. Улар жумласига: жарима; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; маъмурий қамоққа олиш қиради.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Энг кўп тарқалган **М.ж.** жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбу-

зарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Алоҳида ҳолларда, халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш ҳамда маъмурий жавобгарликни кучайтириш ўта зарурлиги муносабати билан қонунларга мувофиқ катта миқдордаги жарима белгилаб қўйилиши мумкин.

**М.ж.ни қўлланиш** ҳуқуқи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нисбатан кенг доирасига берилган. Булар орасида ЎзР Ички ишлар вазирлиги тизимининг органлари ва мансабдор шахслари алоҳида ўрин тутати. Улар маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг катта қисми учун **М.Ж.** қўлланиш ҳуқуқига эга.

**М.ж.ни қўлланишда** маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг талай турлари тўғрисидаги ишларни (материалларни) муҳокама қилиш (текшириш) тасарруфига киритилган судлар ҳам иштирок этади. Булар, қонда тарикасида, энг қаттиқ **М.ж.** чоралари – мусодара қилиш, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва маъмурий қамокқа олишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликлардир.

**МАЪМУРИЙ ҚАМОҚҚА ОЛИШ** – истисно тарикасида қўлланиладиган маъмурий жазо чораси. Унинг моҳияти озодликдан маҳрум қилишнинг қисқа муддатлилиги (уч суткадан ўттиз суткага қадарлиги)дан иборат.

Маъмурий қамокқа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига таъжовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамокқа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамокқа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас (ЎзР МЖКнинг 29-моддаси).

**МАЪМУРИЙ КЕНГАШ** – КХДРда ҳукуматнинг номи.

**МАЪМУРИЙ МАРКАЗ** – маъмурий-худудий бирликнинг маркази ҳисобланувчи аҳоли пункти. Умуман давлатга ёки унинг республика (яъни давлат) ҳисобланувчи субъектига нисбатан олганда **М.м.** пойтахт деб аталади.

**МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ** – давлат бошқарувининг турли соҳаларида қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг кўрсатмалари ижроси устидан кузатув олиб боришдан иборат давлат фаолиятининг бир тури. Қонда тарикасида, **М.н.** тегишли нормаларга риоя этиш ишлаб чиқариш хавфсизлигини тахминлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соҳаларда амалга оширилади. Булар

— кончилик ва саноатдаги назорат, ёнги хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари, санитария-эпидемиология хотиржамлиги, савдо, архитектура ва қурилиш ҳамда бошқа шу сингарилардир. **М.н.**ни назорат органлари, давлат инспекциялари, махсус ваколатли хизматлар амалга оширади.

**М.н.** органлари ўз тасарруфидаги масалалар юзасидан назорат остидаги объектларни текширишга, уларга монеликсиз киришга, у ёки бу ишлар ўтказилишини келишиб олишга, объектларни қабул қилиб олишда, аварияларни текширишда иштирок этишга, бажарилиши мажбурий кўрсатмалар беришга ҳақлидир ва х.к. **М.н.** тизими марказий органларнинг аксарияти ўз соҳаси бўйича техник-юридик нормалар ва қоидаларни ўз ичига оладиган, авариялар, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш имкониятини берадиган норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Назорат остидаги соҳаларда бир маромдаги фаолиятни ташкил этиш, ҳуқуқий нормалар бузилишининг олдини олиш **М.н.** органларининг бош вазифаси ҳисобланади. Лекин улар айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

**МАЪМУРИЙ СУДЛАР** — бир қатор хорижий мамлакатларда (Австрия, ГФР, Италия, Франция, Испания, Швеция, Польша ва бошқа мамлакатларда) бошқарув органларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низоларни, шу жумладан, фуқароларнинг уларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоятларини кўриб чиқадиган судлар.

**МАЪМУРИЙ ҲОКИМИЯТ** шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ташкил этилади (қаранг. конституциявий ва маъмурий ҳуқуқда турли маъноларда кўп ишлатиладиган тушунча).

1) Энг кенг маъносида **М.х.** — давлат ҳокимиятининг бир тури, ижро этувчи ҳокимият органларининг ижро ва идора қилиш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти.

2) Бироз торроқ маънода **М.х.** ижро этувчи ҳокимият органларининг фақат давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифалари билан боғлиқ қисмининг фаолияти сифатида қаралади, масалан, ички ишлар, солиқ, божхона органлари ва х.к. Бошқача айтганда, бу ҳолда тегишли органларнинг ўз тасарруфидаги соҳада идора қилиш, шу жумладан фуқаролар ва ташкилотларга суддан ташқари мажбурловни қўлланиш ҳуқуқи ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

**МАЪМУРИЙ ҲУДУД ПРЕФЕКТИ** — Москва шаҳри маъмурияти тизимидаги мансабдор шахс. У Москва мэри томонидан лавозимга тайинланади ва пойтахт ҳукумати таркибига киради.

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ** — ҳуқуқ соҳаси. Давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, бошқача айтганда, давлатда ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқнинг мазкур

соҳаси номида «маъмурий» атамаси қўлланилишини куйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳуқуқ соҳаси давлат маъмурияти, яъни давлат номидан барча ишларнинг жорий бошқарувини амалга оширувчи органлар фаолияти натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Тегишли органларнинг фаолиятида уларнинг олдига қўйилган вазифаларни умумий тарзда ва тезкор бошқариш ҳамда бунга эришиш, яъни ифодали қилиб айтганда, «маъмуриятчилик» мақсадидаги идора қилиш элементлари яққол аён бўлиб туради.

**МАЪМУРИЙ БУЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИ** – 90-йилларда совик совет жамиятини демократлаштириш жараёнлари тўлкинида пайдо бўлган тушунча. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, жамият ва давлат ишларини бошқариш, инсоннинг шахсий эркинликлари меъёрлари қатъий чегараланган ва юқорининг амрига бўйсундирилган сиёсий-давлат тузилмасини англатиш учун қўлланилган ва қўлланилмоқда. Бунда қонунлардан кўра буйруқбозликка хос қоидалар ва одатлар тизими устунликка эга бўлиб, уларга оғишмай ва ҳатто ўйлаб-нетиб ўтирмай амал қилиш шарт бўлган.

**М.б.т.** мамлакатни бошқариш ҳаддан ташқари марказлаштирилганлигини, қуйи бўғинлар юқоридагиларига бўйсундирилган ва юқоридагилари тегишли кўрсатмаларни берибгина қолмай, балки қуйи органларнинг ҳар қандай «номатлуб» ҳаракатини тийиб қўйиши, шу асосда уларни ҳар қандай мустақилликдан маҳрум қилиши мумкин бўлган поғонама-поғоналик вужудга келтирилганлигини билдиради. **М.б.т.** марксча-ленинча мафқуранинг устунлигини, битта сиёсий партиянинг ҳукмронлигини таъминлаган, сиёсий плюрализмни, фикрлар эркинлигини истисно этган. Пировард натижада **М.б.т.** жамият ва ҳокимият танглигига, турғунликка олиб келган бўлиб, мамлакатдаги демократлаштириш жараёнлари ва конституциявий-сиёсий ислохотлар уларни бартараф этишга қаратилган.

**МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИК** – давлат ҳудудининг давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тузиладиган ва фаолият кўрсатадиган қисми. ЎзРда **М.х.б.** республика, вилоят, Тошкент шаҳри ҳудудининг бир қисми. **М.х.б.** алоҳида аҳоли пункти (шаҳар, шаҳарча)дан, аҳоли пунктнинг бир қисми (шаҳардаги туман)дан, бир неча аҳоли пункти ва улар атрофидаги жойлар (туман, қишлоқ, овул)дан иборат бўлиши мумкин.

ЎзР **М.х.б.нинг** қуйидаги турлари мавжуд: 1) республика, вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар – бевосита республика, вилоят таркибига қирувчи шаҳарлар; 2) туман аҳамиятидаги шаҳарлар – қишлоқ туманлари таркибига қирувчи шаҳарлар; 3) қишлоқ жойлардаги туманлар; 4) шаҳарлардаги туманлар (шаҳар туманлари); 5) қишлоқ фуқаролар йиғинлари – қишлоқ жойлардаги 5–6 та ва ундан ортиқ қишлоқни уларга туташ ҳудуд (далалар, яйловлар, ўрмонлар ва х.к.) билан бир-

галикда ўз ичига олувчи **М.х.б.**; 6) ҳам туманлар, ҳам шаҳарлар таркибига кириши мумкин бўлган шаҳарчалар (посёлкалар).

**МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ** – давлат ҳудудининг қисмларга – маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлиниши. Унинг доирасида давлат ишларини бошқариш ва (ёки) аҳолининг ўзини ўзи бошқариши (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) амалга оширилади, давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тузилади. Тенг маъноли атама сифатида кўпинча «маъмурий-ҳудудий бўлиниш» тушунчаси қўлланилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш тушунчаси: маъмурий-ҳудудий бирликлар тизими, уларни тузиш ва тугатиш; аҳоли пунктларини маъмурий-ҳудудий бирликларнинг у ёки бу тоифасига киритиш; маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш; бир неча аҳоли пунктини ўз ичига оладиган маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш; маъмурий-ҳудудий бирликлар, алоҳида аҳоли пунктлари, уларнинг кўчалари, майдонлари ва бошқа қисмларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш; аҳоли пунктларини рўйхатга олиш ва бошқа шу сингари масалаларни камраб олади.

ЎзР маъмурий-ҳудудий тузилишига кўра вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонуни вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини шаҳар, шаҳарчалар туркумига ўтказиш, маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

Чунончи вилоятларни тузиш ва тугатиш ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан ЎзР Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Кишлоқлар, овулларни тузиш ва тугатиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши



лари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг чегараси фақат унинг розилиги билан Жўқорғи Кенгес қарорига асосан Олий Мажлис томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар ва овуллар чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчаларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**МАЪМУРИЯТ** – умумлаштирилган тушунча бўлиб, бирор хўжалик бирлигининг ( завод, фабрика ва бошқа шу сингариларнинг), муайян ҳудуднинг (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқнинг), ҳарбий округ, чегара округи кабиларнинг) бошқарув органларини, шунингдек давлат органи ёки муайян мансабдор шахс девонини англатади.

**МАЪМУРИЯТЧИЛИК** – ишда, асосан йўл-йўриқ, кўрсатма тариқасидаги ҳужжатлар, буйруқлар, фармойишлар чиқариш хусусияти билан ажралиб турадиган бирор орган, мансабдор шахс фаолияти услубининг одат бўлиб қолган ва салбий оҳанг, аломат касб этган номи.

**МАЪНАВИЙ ЗАРАР (ЗИЁН)** – жисмоний ёки руҳий қийноқ ва изтироблар (Ўзбекистон Республикаси ФК 1021-моддаси). Фуқаронинг шаъни, кадр-қимматига доғ туширилиши ёки ишбилармонлик обрўсига путур етказилиши. **М.з.** деганда фуқарога туғилишидан ёки

қонунга мувофиқ тегишли бўлган моддий бойликлар (шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, ишбилармонлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирлари)га дахл этувчи ёки унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқини, муаллифлик ҳуқуқини ҳамда аклий фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, қонунларга мувофиқ бошқа номулкий ҳуқуқларни) бузувчи ёхуд фуқаронинг мулккий ҳуқуқларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) орқасида етказилган маънавий ёки жисмоний оғриқ ва изтироблар тушунилади.

**М.з.**, жумладан, қариндошларини йўқотиш, фаол ижтимоий ҳаётни давом эттира олмаслик, ишсизлик, оила ёки шифокор сирининг ошқор этилиши, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ёки ишбилармонлик обрўсини туширадиган ёлғон маълумотлар тарқатилиши, шахснинг муайян ҳуқуқлари вақтинча чекланиши ёки у муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши, етказилган жароҳат ёки соғлиққа етказилган ўзга шикаст ёхуд маънавий изтироблар натижасида орттирилган касаллик билан боғлиқ жисмоний оғриқлар оқибатида маънавий азоб-укубат чекишдан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Ноқонуний сулданиш, қонунга зид равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси тариқасида қамок ёки тилхат олишнинг ноқонуний қўлланиши, қамок ёки ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги маъмурий жазо чорасининг ноқонуний белгиланиши натижасида **М.з.** кўрган шахслар қонунга мувофиқ устун мавқега эга бўлади. Уларга **М.з.** уни етказган шахснинг айбидан қатъи назар қопланиши лозим.

**М.з.ни** қоплашнинг ҳар хил шакллари (зарар етказувчига уэр сўраш мажбуриятини юклаш, иш жойига тиклаш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ҳ.к.), шу жумладан пулли шакли ҳам мавжуд (қ.: *Реабилитация*). **М.з.** учун тўланадиган компенсациянинг миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий изтироблар хусусиятига қараб суд томонидан белгиланади. Бунда изтироблар хусусиятига **М.з.** етказилган ҳолатлардан ва жабрланувчининг шахсий жиҳатларидан келиб чиқиб баҳо берилади. Айб етказилган зарарни қоплашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айбдорлиги даражаси ҳам эътиборга олинади. Компенсация миқдорини аниқлашда оқилоналик ва одиллик талабларини ҳам инобатга олиш лозим.

**М.з.** жиноят орқасида етказилган ҳолларда жабрланувчи мазкур жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича иш юритуви жараёнида моддий компенсация тўлаш ҳақида даъво аризаси тақдим этиши мумкин.

**МДХ ИҚТИСОДИЙ СУДИ** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлат бошлиқлари Кенгашининг ўнта давлат вакиллари томонидан 1992 й. 6 июлда имзоланган Битимига асосан тузилган суд.

Унинг ваколатларига Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари Кенгаши, ҳукумат бошлиқлари Кенгашининг битимлари, қарорларида назарда тутилган иқтисодий мажбуриятларни бажариш чоғида юзага келади-

ган, шунингдек Ҳамдўстликнинг иқтисодий масалалар юзасидан қабул қилинган битимлари ва бошқа ҳужжатларига Ҳамдўстликка аъзо давлатлар норматив ва бошқа ҳужжатларининг мувофиқлигини аниқлаш билан боғлиқ давлатлараро иқтисодий низоларни ҳал қилиш киради.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасида тузилган битимларга мувофиқ **МДХ И.с.** ваколатига Ҳамдўстлик битимларини ҳамда улар асосида қабул қилинган бошқа ҳужжатларни ижро этиш билан боғлиқ бошқа баҳсли масалаларни ҳал қилиш ҳам киритилиши мумкин.

Низолар манфаатдор давлатлар ўз ваколатли органлари, Ҳамдўстлик институтлари орқали берилган аризаларга биноан кўриб чиқилади.

Низоларни кўриб чиқиш натижаларига кўра Ҳамдўстликка аъзо давлатнинг Ҳамдўстлик битимини, Ҳамдўстлик ва унинг институтларининг бошқа ҳужжатлари қоидаларини бузганлиги (ёки бузмаганлиги) ҳолати аниқланганлиги ҳамда тегишли давлатга қоидабузарликни ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун кўриш тавсия этилувчи чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши лозим.

**МДХ И.с.** ваколатига шунингдек Ҳамдўстлик ва унинг институтлари битимлари, бошқа ҳужжатлари қоидаларининг қўлланишини талқин қилиш киради. Талқин қилиш муайян ишлар юзасидан қарорлар қабул қилишда, шунингдек давлатларнинг ҳокимият ва бошқарув олий органлари, Ҳамдўстлик институтлари, олий хўжалик, арбитраж судлари ҳамда давлатларда иқтисодий низоларни ҳал қилувчи бошқа олий органларнинг сўровларига биноан амалга оширилади.

**МДХ И.с.** Ҳамдўстликка аъзо ҳар бир давлатдан тенг судьялар сонидан тузилади. Улар Ҳамдўстликка аъзо давлатларда олий хўжалик, арбитраж судларининг судьяларини сайлаш (тайинлаш) учун белгиланган тартибда, қатъий профессионал асосда, хўжалик, арбитраж судларининг судьялари ҳамда иқтисодий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида юқори малакали мутахассислар ҳисобланган, олий юридик маълумотга эга бўлган бошқа шахслар орасидан 10 йил муддатга сайланади. **МДХ И.с.** раиси ва унинг ўринбосарлари суд судьяларининг кўпчилик овози билан сайланади ҳамда Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари Кенгаши томонидан 5 йил муддатга тасдиқланади (яна қ.: *Суд пленуми*).

**МЕКСИКА (МЕКСИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ)** – Шимолий Америкада жойлашган давлат. 1810 йил 16 сентябрдан мустақил. Пойтахти – Мехико шаҳри.

Давлат тузилиш шакли – федерация. 31 та штат ва битта федерал пойтахт.

1917 йил 5 февралдан бошлаб Сиёсий Конституция амал қилмоқда. Унга кўра Мексика федератив республика ҳисобланади.

Давлат бошлиғи Президент 6 йил муддатга бир марта сайланади.

Парламент – Миллий Конгресс икки палатадан иборат. Сенат 128 та аъзодан иборат ва 6 йил муддатга сайланади, ҳар 3 йилда сенатнинг ярмиси янгиланиб туради. Депутатлар палатаси пропорционал асосда 3 йилга сайланади. Иккала палата аъзолари иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас.

Ижро ҳокимияти Президент ва у томонидан шакллантириладиган ҳамда давлат бошлиғи олдида жавобгар бўлган ҳукумат томонидан амалга оширилади.

**МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ** – ЎЗР Конституциясининг 37-моддасида мустаҳкамлаб берилган фуқаро ҳуқуқларидан бири.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларининг асосийсидир.

Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақиллик шарофати туфайли янги имтиёз ва қоидалар билан бойитилган. Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятини ишга солиш ҳуқуқига, ишни эркин танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми олиш ва ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнат учун ҳеч бир камситишсиз тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

ЎЗР Конституциясининг 37-моддаси: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади», деб Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ўзида ифода этади.

Меҳнат кодекси бўйича ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш имкони берилади. Ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги суднинг қонуний қучга кирган қарори маъмурият учун мажбурий бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт. Бунда ходимнинг бузилган ҳуқуқи тикланибгина қолмай, мажбуран ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ ҳам тўланади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун бўйича интизомий, моддий, маъмурий жавобгарликка, муайян ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ЎЗР Қонунда (1992 йил 13 январ) фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш ҳуқуқи кафолатлари белгилаб берилган. Ушбу қонун бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш шароитида инсоннинг иш билан таъминланишига оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларни белгилаб беради.

**МИГРАЦИЯ** – Аҳолини бир жойдан иккинчи жойга яшаш мақсадида кўчиб ўтиши.

Миграция ички (бир давлат миқёсида) ва ташқи (бир канча давлатлар миқёсида ёки ўз давлатига қайтиб келиш ёхуд бошқа давлатга меҳнат қилиш учун бориш) бўлиши мумкин.

Миграция масалалари билан давлатнинг тегишли органлари шуғулланади.

**МИЛИЦИЯ** – давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўлиб, у фуқароларни, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жамият ва давлатни жиноий ва бошқа ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилади. У жамоат тартибини, мулкчиликнинг барча турларини муҳофаза қилади. Шундан келиб чиқиб, милициянинг муҳим вазифалари қуйидагилардир: фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, жамоат тартибини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш; жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; жиноятларни тўла ва ўз вақтида фош қилиш; барча мулк шаклларини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш, аҳолига ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда қатнашиш; жиноий жазо ва маъмурий жавобгарликларни ижро этиш, мамлакатда барқарорлик ва тинч-тотувликни доимо мустаҳкамлаб бориш.

Милицияга қонунда белгиланмаган вазифаларни юклашга йўл қўйилмайди. Қонунда белгиланган органлар ва мансабдор шахслардан бошқа ҳеч ким милиция фаолиятига аралашшиш ҳуқуқига эга эмас.

Милициянинг фаолияти қонунларга қатъий амал қилишга асосланган бўлиши керак. Бу унинг муҳим принциpidир. Бундан ташқари, милиция фаолиятининг принципларига қуйидагилар киради: шахсга ҳурмат; ижтимоий адолат; демократизм; байналмилаллик; инсонпарварлик; жамоалар ва аҳоли билан ҳамкорлик; жамоатчилик фикрини ҳар доим ҳисобга олиш. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятли якунига етказилиши биринчи навбатда ички ишлар органлари ходимларининг ўз вазифаларини ситқидилдан бажаришларига ҳам боғлиқ.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2001 йилнинг 26 апрелида Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислох қилиш билан боғлиқ бўлган махсус фармонни қабул қилди. Бунга асосан Вазирлар Маҳкамасининг милиция фаолияти билан боғлиқ бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди.

**МИЛЛАТЛАРАРО МУОМАЛА ТИЛИ** – муайян давлатда ёки маълум жойда яшайдиган турли миллатга мансуб фуқаролар сўзлашадиган тилга нисбатан қўлланиладиган тушунча. Кўпинча *давлат тили* ёки *расмий тил* **М.м.т.** ҳисобланади. Аммо давлат тили (расмий тил)дан бошқа тил **М.м.т.** бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига мувофиқ, қирғиз тили

давлат тили ҳисобланади. Аммо республика аҳолиси кўп миллатли бўлганлиги учун рус тили **М.м.т.** бўлиб қолади.

**МИЛЛИЙ АВТОНОМИЯ** — аҳолининг алоҳида миллий гуруҳлари манфаатларини ҳисобга олишнинг, уларнинг ўзини ўзи бошқаришига асосланган, ташкилий-ҳуқуқий шакллари тизими. Миллий автономияни жорий этишнинг энг кўп тарқалган йўллари: а) давлат (вилоят) автономияси — тегишли миллатларнинг давлатларини ва миллий-давлат тузилмаларини тузиш; б) миллий гуруҳлар яшайдиган жойларда маъмурий-худудий бирликларни — миллий туман, қишлоқ ва х.к. ларни тузиш; в) миллий-маданий автономияларни таъсис этиш.

**МИЛЛИЙ ОКРУГ** — қ.: *Автоном округ.*

**МИЛЛИЙ РЕЖИМ** — давлатда чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ўрнатиладиган режим турларидан бири (бошқа турлари: дипломатик режим, мумкин қадар қулайлик бериш режими). **М.р.** моҳияти шундан иборатки, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — маълум чеклашлардан ташқари — ўз фуқаролари билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар берилади ҳамда бир хил мажбуриятлар юкланади.

«Миллий режим» тушунчаси давлатларнинг қонун ҳужжатларида доим ҳам қўлланавермайди, лекин тегишли қоидалар уларда белгилаб қўйилади. ЎзР Конституциясида мазкур тушунча мавжуд эмас, аммо мамлакатда уни қўллаш учун асос белгиланган. ЎзР Конституциясининг 23-моддасига мувофиқ, ЎзР ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар ЎзРнинг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар. Жумладан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар, мамлакат сиёсий ҳаётида ҳамда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаолиятида иштирок этмайдилар, давлат лавозимини эгаллай олмайдилар, мажбурий ҳарбий хизматни ўтамайдилар.

**МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ** — қ.: *Суверенитет.*

**МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ** — 1977 йилги СССР Конституциясида ва 1978 йилги РСФСР Конституциясида қўлланган тушунча. Умуман олганда, *давлат тузилиши* тушунчаси билан бир маънони англатади. Аммо мазкур тушунчага «миллий» сўзини киритиш мазкур давлат кўп миллатли давлат эканлиги, унинг тузилишида миллий хусусиятлар инobatга олиниши ва давлат ўз миллий сиёсатига катта эътибор беришига урғу беради.

**МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ АВТОНОМИЯ** — бир миллатга мансуб бўлган фуқароларнинг ўзларини миллий маънавий, маданий, маърифий ва бошқа манфаатларини ифодалаш учун бирлашиш шакли.

**МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ АВТОНОМИЯ** — аҳолининг алоҳида миллий гуруҳлари манфаатларини ҳисобга олиш ва улар ўзини ўзи

бошқаришини таъминлаш учун тузиладиган миллий давлатлар (автоном республика), миллий-давлат тузилмалари (автоном вилоят, автоном округ), маъмурий-худудий бирлик (миллий туман, кишлок ва б.)лар тизими.

**МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ** – 1989 йилги СССР Халқ депутатлари сайловида ва 1990 йилги РСФСР Халқ депутатлари сайловида тузилган сайлов бирлиги (к.: *СССР Халқ депутатлари съезди. РСФСР Халқ депутатлари съезди. Сайлов округи*).

**МИНТАҚА, МИНТАҚАВИЙ** — қонунчилик ва конституциявий ҳуқуқ фанида тез-тез фойдаланиладиган тушунча. «Минтақа» тушунчаси қўлланилганда, одатда, давлатнинг маълум бир ҳудуди тушунилади. Масалан, Ўзбекистонда сайловлар ҳудудий сайлов округлари бўйича ўтказилади. Конституциянинг 77-моддасида белгиланганидек «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

ЎЗР Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат».

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга кўра жамоат бирлашмалари ўз ҳаракат доираларига кўра, республика жамоат бирлашмалари, маҳаллий жамоат бирлашмалари ва халқаро жамоат бирлашмаларига бўлинади.

Республика жамоат бирлашмаларига ўз низомида белгиланган фаолиятни бутун ЎЗР ҳудудида амалга оширадиган, камида уч минг аъзоси бўлган жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ёки касаба уюшмалари қиради.

Қонунга асосан, зарур ҳолларда вилоятлараро ва туманлараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

**МИСР** (Миср Араб Республикаси) — Шимолий Африкадаги давлатдир. Пойтахти — Қоҳира шаҳри.

Маъмурий бўлиниши — 27 губернаторликлар округларига (марказлар), округлар — районларга (ноҳия) бўлинади.

Бошқарув шакли — республика (1952 йили Мисрда монархия бошқарув шакли мавжуд бўлиб, 1953 йилнинг 18 июнида Миср республикаси деб эълон қилинди). Мисрнинг ҳозирги Конституцияси 1971 йилнинг 11 сентябридаги референдумда маъқулланган (кейинчалик бир қатор ўзгартиришлар киритилган).

Давлат бошлиғи — президентдир. Бу постга номзод парламент томонидан илгари сурилади ва умумий референдум тасдиқланади. Президентликка номзод овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг мутлоқ кўпчилик овозини олса сайланган ҳисобланади. Президентнинг ваколат муддати беш йил бўлиб, чекланмаган тарзда қайта сайланиш

ҳуқуқига эга (Мухаммад Ҳусни Муборак – 1981 йилдан буён президентдир).

Бир палатали парламент – Халқ мажлиси 454 депутатдан иборатдир. Улардан 444 таси тўғридан- тўғри умумий сайловлар асосида 5 йил муддатга сайланади, 10 таси президент томонидан тайинланади. 1990 йилги сайлов тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилган бўлиб, унга кўра парламент яқка тартибдаги рўйхат асосида сайланади.

Миср Конституциясига кўра ижория ҳокимияти президент томонидан амалга оширилади ва у Бош вазир ва вазирларни мансабига тайинлайди ҳамда озод қилади.

**МИТИНГ** – конституциявий ҳуқуқ нуқтаи-назаридан митинг фуқароларнинг йиғилишлар ва намоёишлар ўтказиш ҳуқуқининг амалга ошириш шакли ҳисобланади. Турли давлатлар қонунчилиги, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам фуқароларнинг тинч, қуролларсиз йиғилишлар, митинглар, намоёишлар ва пикетлар ўтказишлари мумкинлигини мустаҳкамлайди. «Митинг» тушунчаси, одатда, манфаатлари ва қарашлари бир хил бўлган фуқароларнинг, шунингдек мазкур йиғилишда қатнашишдан манфаатдор бўлган шахсларнинг йиғиндисини ифодалайди. Митинглар кўпинча очиқ ҳавода ўтказилиб, резолюция қабул қилиниши билан яқунланади. Қоида тариқасида, митинг ўтказилиши ҳақида олдиндан ижро этувчи ҳокимият органлари хабардор қилинади. Ижроия органнинг бундай хабарни қабул қилишдан бош тортиши митинг ўтказилиши мумкин эмаслигини (яъни, амалда таъқиқ этилишини) билдиради.

**МОДДАМА-МОДДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ** – ҳуқуқ ижод қилувчи орган томонидан ялпи мажлисда норматив ҳужжат лойиҳасини 1-моддадан охиригача (шу жумладан ҳужжатнинг тузилиши, бўлимлар, бобларнинг сарлавҳалари ва шу қабиларни ҳам) изчил муҳокамадан ўтказиш. Ҳужжатлар 3 марта ўқишда қабул қилиниши тартибига эга бўлган қонун чиқарувчи органда қоида тариқасида моддама-модда муҳокама иккинчи ўқиш босқичида ўтказилади ва ҳар бир модда бўйича унга таклиф этиладиган таҳрирлар, тузатишлар бўйича муҳокама қилинади. Бундан ташқари моддама-модда овоз бериш учинчи ўқиш босқичида қонунни узил-кесил қабул этиш пайтида ҳам ўтказилиши мумкин (мазкур босқичда моддама-модда муҳокама ўтказилмайди, агар шунга зарурат туғилса, қонун лойиҳаси иккинчи ўқиш босқичига қайтарилади).

**МОЖАРИТАР САЙЛОВ ТИЗИМИ** – (французча «majorite» сўзидан олинган бўлиб, кўпчилик деган маънони англатади) – тарихан биринчи сайлов тизими ҳисобланади. Унда кўра, тегишли сайлов округи бўйича сайловчиларнинг энг кўп овозини тўплаган номзод сайланган ҳисобланади. Даражасига қараб нисбий, мутлақ ва бел-



гилаб қўйилган кўпчилик (малакали кўпчилик) овозига асосланувчи мажоритар тизимлар фарқланади.

Нисбий кўпчилик овозга асосланадиган мажоритар сайлов тизимида тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан сайловда иштирок этган сайловларнинг энг кўп овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади (масалан, АҚШ, Буюк Британия). Сайловчилар мутлак кўпчилигининг овозига асосланадиган мажоритар тизимда берилган овозлар умумий сонининг 50 фоизидан битта орти (50% + 1) овоз олган номзод сайланган деб эътироф этилади (масалан, Франция, Россия, Қозғоғистон). Баъзи ҳолларда белгиланган катта кўпчилик (малакали кўпчилик) овозига асосланадиган мажоритар тизим амал қилади. Бунда умумий овозларнинг учдан икки ёки тўртдан уч қисмини олган номзодлар сайловда ғолиб чиққан деб ҳисобланади (Масалан, Чили, Озарбайжонда).

Мажоритар тизимда сайловлар ўтган деб ҳисоблаш учун сайловчиларнинг мазкур жараёнда иштирок этишининг энг кам миқдори белгиланиши мумкин. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига кўра, сайловлар ҳаққоний бўлиши учун сайловчиларнинг 33 фоизи иштирок этиши талаб этилади.

Ўзбекистонда сайловларнинг мажоритар мутлак кўпчилик тизими амал қилади, яъни сайловда иштирок этаётган сайловчиларнинг ярмидан кўпрогининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Агар ҳеч бир номзод мутлак кўпчилик овозини олмаса, унда энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида такрорий сайловлар ўтказилади.

**МОЛДОВА (Молдова Республикаси)** – Шарқий Европада жойлашган давлат. Пойтахти – Кишинёв шаҳри. Конституция 1994 йил 29 июнда парламент томонидан қабул қилинган.

Молдова бетараф деб эълон қилинган. Парламент олий вакиллик органи ҳисобланиб, 101 та депутатдан иборат.

Президент – давлат бошлиғи бўлиб, умумий сайловлар асосида сайланади. Бошқарув шаклига кўра парламентар республика.

Ижро этувчи ҳокимият ҳукуматга тегишли ҳамда у парламент олдида жавобгардир.

**МОНАРХ** – бошқарув шакли монархия бўлган мамлакатларда давлат бошлиғи. Монарх турли номлар билан аталиши мумкин – қирол, император, султон, шох, шайх, амир ва ҳоказо. **М.** давлатда яқка ҳокимлик тамойили асосида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ҳокимият тегасига у қоидага кўра ворислик асосида келади. Биринчи монарх – сулоланинг биринчи асосчиси, у қариндошлар орасидан сайланиши ҳам мумкин (масалан, 1613 йилда Романовлар сулоласининг асосчиси Михаил Романов Земский соборда олий ижтимоий катламлар вакиллари томонидан сайланган). Ёки ҳозирда Малайзия Федерациясининг

бош монархи Федерация субъектлари монархлари орасидан беш йил муддатга сайланади. Бундан ташқари Кувайт, Катар, Саудия Арабистонидан ҳокимият тепасида турган сулоланинг «улуғвор оиласи» томонидан қариндошлар орасидан монархни сайлайдилар. Бунда монарх амалдаги давлат бошлиғининг ўғли бўлиши шарт эмас. Тарихда ҳокимият тепасида турган шахснинг ўзини монарх деб эълон қилган ҳолатлари ҳам бўлган. Масалан, 1799 йилдан Франциянинг биринчи консули лавозимидаги Наполеон Бонапарт 1804 йилда ўзини император деб эълон қилган.

**МОНАРХИЯ ТУЗУМИ** – давлат бошлиғи монарх бўлган давлат бошқаруви шакли. Катъий шаклда монархия тузуми тушунчасини мамлакатда ҳокимият тепасида монарх турадиган ҳар қандай давлатга татбиқ қилиш мумкин. Лекин қоида тариқасида «монархия тузуми» ифодасини кўпинча монарх давлат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган мамлакатларга қўллаш мумкин. Ваҳоланки аксарият монархия бошқарув шаклида бўлган мамлакатлардаги ҳокимиятни консервативлигини қайд этиш жоиз.

**МОНАРХИЯ** – давлат бошқаруви шакли. Бунда давлат бошлиғи монарх ҳисобланади. **М.нинг** икки тури мавжуд: мутлақ (абсолют) **М.**, бунда монарх чекланмаган ҳокимиятга эга бўлади; конституциявий **М.**, бунда монарх ҳокимияти конституция билан чекланган бўлади. Конституциявий монархиянинг икки шакли: дуалистик монархия ва парламент монархияси мавжуд.

**М у т л а қ М.** – монархия бошқарув шаклининг алоҳида тури. Бунда монарх чекланмаган ҳокимиятга эга бўлади. Авваламбор, у қонунлар ва барча учун мажбурий бўлган бошқа қондалар (фармонлар, декретлар, фармойишлар шаклида) чиқаради. Давлатни бевосита бошқаради, муҳим давлат ишларини ҳал қилади. Мазкур мақсадларда ҳукумат тузиши мумкин. Монарх ҳукумат таркибини шакллантиради, ҳукуматга ваколатлар беради ва унинг ҳужжатларини бекор қилади. Олий судья ҳисобланади, олий адлия, амнистия ва авф этиш билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Мутлақ **М.да** монарх ҳокимияти юридик жиҳатдан чекланмаган бўлади. Монарх ўз ваколатларини амалга оширишига мавжуд муҳит, унинг оиласи, давлат органлари, черков, маҳаллий тузилмалар ва жамоаларнинг раҳбарияти таъсир кўрсатади. Ҳокимиятни амалга оширишда монархлар урф-одатлар, диний қоидаларга ҳам риоя этадилар. Фуқаролар юридик жиҳатдан монархга тўла тобедирлар.

Тадқиқотчилар Оманни мутлақ **М.** соф кўринишда сақланиб қолган давлат сифатида тилга оладилар. Бу ерда конституция мавжуд эмас, асосий қонун вазифасини Қуръон бажаради, парламент йўқ, мамлакатнинг олий судьяси ва олий диний раҳбари қирол ҳисобланади. Бундай **М.ни** мутлақ-теократик монархия деб номлаш мумкин.

Айрим бошқа мамлакатлар (Баҳрайн, Кувайт, Бруней, Катар,

Саудия Арабистони) мутлак **М.га** яқин, чунки бу ерда унинг асосий жиҳатлари сақланган. Мазкур мамлакатларда конституция қабул қилинган, уларнинг айримларида парламент ҳам бор. Шунга қарамай, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бу ерда монарх қўлида. Олий диний ҳокимиятни ҳам монарх бошқаради.

**К о н с т и т у ц и я в и й**, ёки чекланган **М.** — монархия бошқарув шаклининг алоҳида тури. Бунда монарх мутлак ҳокимиятга эга бўлмайди; унинг ҳокимияти Конституциянинг мавжудлиги билан чекланади. Конституциявий **М.нинг** икки шакли: дуалистик монархия ва парламент монархияси фарқланади.

**Д у а л и с т и к** (дуализм — икки ёқламалик) **М.да** давлат ҳокимиятини монарх ҳамда бутун аҳоли ёки унинг маълум қисми томонидан сайланувчи парламент бошқаради. Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни, монарх эса — ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Лекин сўнги зикр этилган ҳокимиятни амалга оширишда монарх парламентдан мустақил бўлади. У фақат ўзи олдида жавобгар бўлган ҳукуматни тайинлайди. Парламент ҳукуматни тузиш, унинг таркиби ва фаолиятига таъсир кўрсата олмайди. Парламентнинг қонунчилик ваколатлари чекланган, монарх мутлак вето ҳуқуқига эга бўлади (яъни у тасдиқламаган қонун кучга кирмайди). Монарх қонун кучига, баъзан ундан ҳам катта кучга эга бўлган ўз ҳужжатлари (фармонлари)ни чиқариши мумкин. У парламентнинг юқори палатаси аъзоларини тайинлаши, парламентни тарқатиб юбориши (кўпинча номуайян муддатга) мумкин. Бунда монарх янги сайлов муддатини белгилайди ва тегишли даврда тўла ҳокимиятга эга бўлади. Дуалистик **М.** мамлакатларига Йордания, Марокаш қиради.

**П а р л а м е н т М.да** давлатни бошқаришда парламент етакчи ўринни эгаллайди. У ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан устунликка эга бўлади. Ҳукумат расман ва амалда парламентга бўйсунди. У монарх олдида эмас, балки парламент олдида жавобгар бўлади. Парламент ҳукуматни назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; агар парламент ҳукуматга ишончсизлик билдирган бўлса, ҳукумат истеъфо бериши лозим.

Мазкур бошқарув шаклининг тадқиқотчилари монархга нисбатан «тахтда ўтиради, аммо бошқармайди» деган иборани қўллайдилар. Монарх қайси партия (ёки уларнинг иттифоқи) парламентда кўпчиликни ташкил этишига қараб ҳукуматни ёки ҳукумат бошлиғини тайинлайди. Монарх ё вето ҳуқуқига эга бўлмайди, ё уни ҳукумат кўрсатмасига («маслаҳатига») биноан амалга оширади. У қонун кучига эга ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Монарх номидан чиқариладиган ҳужжатлар одатда ҳукумат томонидан тайёрланади; мазкур ҳужжатлар ҳукумат бошлиғи ёки тегишли вазирнинг имзоси билан мустаҳкамланган (контрассигнация қилинган) бўлиши лозим, ақс холда улар юридик кучга эга бўлмайди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарув-

чи ва ижро этувчи бўғинлари ўртасида ихтилоф юз берган тақдирда фақат ҳукумат истеъфо бермайди. Ҳукуматнинг тақлифига кўра монарх парламентда янада барқарор кўпчилик юзага келиши учун парламентни (қуйи палатани) тарқатиб юбориши ва янги сайлов тайинлаши мумкин. Сайлов натижаларига қараб ҳукумат ё ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади, ё алмаштирилади.

Парламент **М.да** монархга декоратив шахс ёки феодализм сарқити деб қараш ярамайди. **М.нинг** мавжудлиги тегишли мамлакатларда давлат тизимини барқарорлаштириш омилларида бири ҳисобланади. Монарх партиялар рақобатидан устун туради ва сиёсий бетарафликни намойиш этади. Ўзининг парламентга мурожаатларида монарх конун йўли билан хал қилиш ва жамиятни жипслаштиришни тақозо этувчи давлат учун муҳим муаммоларга эътиборни қаратиши мумкин. Парламент **М.лари** – Буюк Британия, Бельгия, Япония, Дания, Испания, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Тайланд, Непал ва б.

Айрим мамлакатларда монарх олий диний раҳбар ёки черков бошлиғи ҳисобланади. Аксарият араб **М.ларида** давлат бошлиғи айни вақтда олий диний раҳбар ҳам эканлиги юқорида қайд этиб ўтилди. Масалан, Буюк Британияда монарх англикан ва пресвитериан черковининг бошлиғи ҳамдир. Бундай ҳолларда «теократик монархия» тусунчаси қўлланилади.

**МОНГОЛИЯ (1992 йилгача – Монголия Халқ Республикаси, 1992 йилдан – Монгол Улс)** – Марказий Осиёда жойлашган давлат. 1921 йилги халқ инқилоби натижасида мустақилликка эришган. Пойтахти – Улан-Батор шаҳри.

Маъмурий бўлиниши – 18 вилоят (аймок) ҳамда марказга бўйсунадиган 3 шаҳар (Улан-Батор, Дархан, Эрдэнэт) дан иборат.

Амалдаги Конституцияси 1992 йил 13 январда қабул қилинган ва 1992 йил 12 февралда кучга кирган.

Давлат бошлиғи – президент, у умумий сайловда 4 йил муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин.

Давлат ҳокимияти олий органи ва конун чиқарувчи органи – Буюк давлат хурали (БДХ). У умумий овоз бериш йўли билан 76 аъзодан иборат таркибда 4 йил муддатга сайланади. Президент йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда БДХ раиси унинг вазифасини бажариб туради.

Ҳукумат бош вазирнинг тақлифига биноан, президент билан келишилган ҳолда БДХ томонидан тузилади. Бош вазирнинг номзодини президент БДХ муҳокамасига тақдим этади.

**МОРДОВИЯ (Мордовия Республикаси)** – М. Конституциявий Йиғилиши томонидан 1995 йил 21 сентябрда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, РФ таркибидаги демократик ҳуқуқий давлат. Давлатнинг **М.** Республикаси ва **М.** деган номлари бир маънони анг-

латади (1-модда). Давлат тили – рус ва мордва (мокша, эрзя) тиллари (мокша ва эрзя – мордов миллатининг икки бўғини). Пойтахти – Саранск ш.

**М.** давлат ҳокимияти органлари тизимига қуйидагилар киради: **М.** бошлиғи – **М.** давлат бошлиғи ва олий мансабдор шахси; **М.** Давлат Йиғилиши – ҳокимиятнинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи; **М.** ҳукумати – ижро этувчи ҳокимият олий органи; **М.** судлари.

**М.** бошлиғи лавозимига ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, сайлов ҳуқуқига эга **М.** фуқароси сайланиши мумкин. **М.** бошлиғи 5 йил муддатга сайланади. Айни бир шахс **М.** бошлиғи лавозимини сурункасига икки муддатдан ортиқ эгаллаб туриши мумкин эмас.

**М.** бошлиғи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, **М.** Конституциясига риоя этилишининг кафили бўлади, мамлакат ичкарисиди ва халқаро муносабатларда **М.** номидан иш кўради, **М.** давлат органлари фаолиятини, уларнинг РФ ва унинг субъектлари давлат органлари билан муносабатларини мувофиқлаштириш чораларини кўради.

**М.** бошлиғига президент ваколатлари хосдир. Жумладан, у **М.** Хавфсизлик кенгашини тузади ва уни бошқаради, **М.** ҳукуматини тузади, ҳукумат мажлисларида раислик қилишга ҳақли, ҳукуматнинг ихтиёрий истеъфосини қабул қилади ёки унга истеъфо беради, ҳукумат қарорлари ва фармойишларини бекор қилади, **М.** қонунларини имзолайди ва эълон қилади, **М.** Олий суди раиси ва унинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) халқ судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни Давлат Йиғилишига тақдим этади, **М.** Давлат Йиғилишига ҳар йили **М.дағи** ҳолат тўғрисида мактуб билан мурожаат этади. Лекин **М.** бошлиғи бир қатор ваколатларни **М.** Давлат Йиғилишининг розилиғи билангина амалга ошириши мумкин: ҳукумат тузилмасини тасдиқлаш; **М.** вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларини тузиш ва тугатиш; ҳукумат Раисини тайинлаш; ҳукумат Раисининг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари ва идораларнинг раҳбарларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш.

**М.** Давлат Йиғилиши **М.** Конституциясининг 79-моддасига мувофиқ 75 депутатдан таркиб топади. Депутатлар, қонда тариқасида, доимий асосда иш олиб боради. Давлат Йиғилиши 4 йил муддатга сайланади. Давлат Йиғилишининг ваколатларига, жумладан, қуйидагилар киради: **М.** Конституциясига ўзгартишлар киритиш; **М.** Конституция ва қонунларининг РФ Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини таъминлаш; РФ ва **М.** қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат қилиш; **М.** ваколатларига киритилган масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш; **М.** Конституцияси ва қонунларини талқин қилиш; **М.** бюджетини, унга киритилган ўзгартишларни, бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш; республика солиқлари, йиғимлари,

божлари, тарифлари, ставкалари ва тўловларини белгилаш; **М.** ижтимоий-иқтисодий дастурларини тасдиқлаш; **М.** референдумларини тайинлаш; **М.** ҳукумати ёки унинг аъзолари истеъфоси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш; **М.** бошлиғининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, уни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш; РФ Бош прокурори томонидан **М.** прокурори лавозимига тайинлаш учун тақдим этилган номзодга розилик бериш; **М.** Олий суди ва туман (шаҳар) халқ судларининг раислари ва уларнинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш; Олий суд, шаҳар (туман) халқ судларининг судьяларини, шунингдек **М.** Олий суди халқ масалаҳатчиларини сайлаш; федерал судларнинг судьялари лавозимига тайинлаш учун тақдим этилган номзодларга розилик бериш; **М.** нинг маъмурий-ҳудудий тузилишини тартибга солиш ва б.

Давлат Ўйғилиши қонунлар ва қарорлар, шунингдек конституциявий қонунлар қабул қилади.

**М.** Давлат Ўйғилишининг ишини Давлат Ўйғилиши Кенгаши ташкил этади. Давлат Ўйғилишининг сессиялари оралиғидаги даврда Кенгаш, зарур ҳолда, Давлат Ўйғилишининг ваколатига кўра унинг айрим вазифаларини амалга ошириши мумкин.

**М.** Ҳукумати Давлат Ўйғилишига ва **М.** бошлиғига ҳисобдордир. Конституцияга мувофиқ, Ҳукумат **М.нинг** иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига раҳбарлик қилувчи орган вазифасини бажаради.

**М.** таркибига 22 шаҳар ва республика аҳамиятига молик 3 шаҳар қиради. Туманларда ва республика аҳамиятига молик шаҳарларда **М.** давлат ҳокимияти органлари тузилиши мумкин.

Қишлоқ ва шаҳар аҳоли яшайдиган пунктлари доирасида, шунингдек бошқа ҳудудларда фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни амалга ошириши ҳуқуқи Мордовияда Конституция билан кафолатланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вазифаларини амалга ошириш учун маҳаллий жамоа маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган ва бошқа органларини тузади, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахсларини сайлайди ва тайинлайди ҳамда уларга тегишли ваколатлар беради. Туман (шаҳар) бошлиғини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи **М.** бошлиғининг таклифига биноан ўз орасидан сайлайди.

**МУАССАСА** – давлат органи, муниципал орган ёки органнинг маълум вазифаларни бажарувчи бўлими.

**МУДОФАА** – конституциявий ҳуқуқда қўлланадиган атама. **М.** деганда ЎзРнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилади. ЎзРнинг Конституциясига мувофиқ, ЎзР Қуролли Кучлари ЎзРнинг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун

тузилади (125-модда). **М.га** умумий раҳбарликни ЎЗР Президенти – *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондон*и амалга оширади. ЎЗР Ҳукумати таркибига **М.** вазири қиради. ЎЗРда «Мудофаа тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль Қонуни (янги таҳрири) амал қилади.

Қуролли кураш воситалари ёрдамида **М.** мақсадида *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари* тузилади. Қуролли Кучлар урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ҳамда олдини олиш, ЎЗРнинг миллий манфаатларини, суверенитети, худудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини химоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

**МУЛК** – конституциявий, фуқаролик ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида фойдаланиладиган асосий тушунчалардан бири. **М.нинг** объекти бўлиб қимматбаҳо қоғозлар, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фонслар, ер ва бошқа табиий ресурслар, корхона ва ташкилотлар, банклар, турар жойлар ва бошқа кўчмас мулклар ҳисобланади.

ЎЗР Конституциясини 53-моддасида ёзилишича бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги **м.** ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча **м.** шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

**М.ка** эгаллик қилиш мулкчилик муносабатининг бошланғич шакли сифатида, юридик томондан мулкнинг ҳужжатлар билан субъектга бириктирилганлигини ифодалайди. Хусусий мулк, фуқароларга ёки юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Шунингдек, мулкни давлат ва жамоа мулки каби турлари мавжуд. 1990 йилнинг 31 октябрида қабул қилиниб, кейинчалик унга бир қатор ўзгартиришлар киритилган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида, мулк бирон-бир шахсга, жамоага, давлатга тегишли бўлиши, қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари, ташкилотлар, давлатлар, хусусан хорижий юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин дейилган.

**МУЛКҲИЙ ЗАРАР** – жисмоний ёки юридик шахсга етказилган моддий зарар. Жисмоний ёки юридик шахснинг мол-мулкига зиён ёки шикаст етказилиши ёхуд у билан тузилган шартноманинг бажарилмаслиги оқибатида келиб чиқади.

**МУНИЦИПАЛ МУЛК** – Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари **М.м.ни** бошқаради. **М.м.** таркибига кирувчи мулкка нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини муниципал тузилма номидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, Қонунлар ва муниципал тузилмаларнинг низом-

ларида назарда тутилган ҳолларда эса – бевосита фуқаролар амалга оширади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қонунга мувофиқ **М.м.** объектларини жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ёки доимий фойдаланишга бериш, ижарага бериш, белгиланган тартибда ўзга шахсларга ўтказиш, шунингдек **М.м.** таркибидаги мулк билан бошқа битимларни амалга ошириш, шартномалар ва битимларда хусусийлаштирилаётган ёки фойдаланишга берилаётган объектлардан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳуқуқига эга.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қонунга мувофиқ аҳолининг манфаатларидан келиб чиқиб, муниципал тузилма ҳудудидаги ерлардан фойдаланиш шартларини белгилаши мумкин.

ЎзР ФК нинг 215-моддасига биноан, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк ҳисобланади.

**М.м.** бўлган мол-мулкни, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

**М.м.** бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юретиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

**М.м.** маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

**М.м.** объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

**М.м.** Республика мол-мулки каби икки асосий гуруҳларга бўлиниши мумкин. Улар:

а) муниципал корхоналарга ва муассасаларга бириктириб қўйилган мол-мулк;

б) маҳаллий бюджетни ташкил қилувчи маблағлар, муниципал корхоналарга ва муассасаларга бириктирилмаган тегишли вилоят, шаҳар ва бошқа муниципал ташкилий тузилмаларнинг муниципал хазиналарини ташкил қилувчи мол-мулкдан иборат.

Республика мол-мулкни муниципал мол-мулкка ўтказиш ёки муниципал мулкни Республика давлат мулкка ўтказиш ҳоллари ва тартиби қонун билан тартибга солинади.

**МУНИЦИПАЛ САЙЛОВ** – аксарият мамлакатларда умумлаштириб муниципалитетлар, муниципал органлар деб аталадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли томонидан сайланиши.

**МУНИЦИПАЛ ТУЗИЛМА** – Қонунга мувофиқ, **М.т.** – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалга ошириладиган умумий ҳудудга, му-



ниципал мулкка, маҳаллий бюджетга ва сайлаб қўйиладиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига эга бўлган шаҳар, кишлоқ, бир нечта кишлоқ, шаҳар ёки кишлоқнинг бир қисми, қонунда назарда тутилган аҳоли яшайдиган бошқа ҳудуд.

**М.т.** — шаҳарлар, кишлоқлар, овуллар, туманлар, кишлоқ кенгашлари ва бошқа **М.т.** ҳудуди тарихий ва бошқа анъаналарни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

**М.т.** ҳудуди шаҳар, кишлоқларнинг ерларидан, уларга туташувчи умумий фойдаланиладиган ер майдонларидан, рекреацион зоналардан, шаҳарлар ва кишлоқларни ривожлантириш учун зарур ер майдонларидан ҳамда **М.т.** чегарасидаги бошқа ерлардан, уларнинг мулкчилик шакли ва қайси мақсадларда фойдаланишига мўлжалланганлигидан қатъи назар, ташкил топади. Бошқача қилиб айтганда, айти **М.т.** ҳудудида жойлашган ерлар муниципал мулк, давлат мулки, шахсий мулк ёки бошқа мулкка мансублиги муҳим эмас: уларнинг барчаси биргаликда **М.т.нинг** ягона ҳудудини ташкил этади.

**МУНИЦИПАЛ ҲУҚУҚ** — муниципал муносабатларни, яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси. Тегишинча «муниципал ҳуқуқ» фани мавжуд, ўқув юртларида эса «муниципал ҳуқуқ» фани ўқитилади. Ўзбекистонда **М.х.** — нисбатан янги тушунча. Муниципал муносабатларни тушунишда яқдиллик мавжуд эмас. **М.х.** масалаларининг қуйидаги гуруҳларини ажратиш мумкин: 1) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг табиати, халқ ҳокимиятчилиги тизимида унинг тутган ўрни; 2) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари; 3) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаси (tizими): маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган бошқа коллегиял органлари; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимидаги бевосита демократия институтлари (маҳаллий референдумлар, муниципал сайловлар, фуқароларнинг йиғинлари, халқ ташаббуслари); маҳаллий жамоатчилик ўзини ўзи бошқаруви; 4) муниципал мулк, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг иқтисодий ва молиявий асослари; 5) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудуд хўжалик, ижтимоий-маданий ҳаётини бошқариш, қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари; 6) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг қафолатлари ва жавобгарлиги (масъулияти).

**МУОМАЛА ЛАЁКАТИ** — ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг норматив актларда ўрнатилган бевосита ўз ҳаракатлари билан субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятга эга бўлиш ва уни амалга ошириш имкониятларидир. Ҳуқуқий лаёқат каби муомала лаёқатининг характери ва ҳажми давлат томонидан белгиланади ва турли хил норматив-ҳуқуқий актларда мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Улар ичида

энг асосийси Конституциядир. Шу боис муомала лаёқати ҳуқуқий лаёқат каби юридик хусусиятга эга бўлади.

Ҳуқуқий лаёқат каби муомала лаёқати ҳам тарихий характерга эга. У давлат ва ҳуқуқий тузумнинг, тарихий, миллий ва диний урф-одатларнинг, иқтисодийнинг ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси хусусиятлари билан боғлиқ бўлади.

Муомала лаёқати ҳуқуқий лаёқат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ўзаро биргаликда турли хил ҳуқуқий муносабатларда, ушбу муносабат иштирокчиларининг потенциал имкониятларини очиб беради. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг вужудга келиши учун албатта субъект муомала лаёқатига эга бўлиши талаб этилади.

Давлат ва жамоат органлари, ташкилотлари каби ҳуқуқ субъектларида ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатларини вужудга келишида ҳеч қандай фарқ йўқ. Улар бир вақтнинг ўзида вужудга келади, амал қилади ва бир вақтда амал қилишни тўхтатади.

Улардан фаркли равишда фуқароларда ҳуқуқий лаёқат турғилишидан мавжуд бўлса, муомала лаёқати, яъни тўлиқ муомалага киришиш лаёқати кўпчилик мамлакат қонунчилигида 18 ёшдан, яъни вояга етгандан сўнг вужудга келади.

**МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК** — жисмоний шахснинг ёши ёки рухий ҳолатига кўра ўз ҳаракатлари билан юридик ҳуқуқларни эгаллаш, ўз зиммасига мажбуриятлар олиш қобилиятига эга эмаслиги.

Сайлов ҳуқуқида — суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг сайловда иштирок эта олмаслиги (ёки сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмаслиги).

**МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ** — ЎзР Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқларидан бири. Унда айтилишича, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг мурожаатлари турли хусусиятларга эга бўлиб таклифлар, аризалар, шикоятлар ва илтимосномалар кўринишида бўлиши мумкин. Ҳар қайси мурожаат тури муайян хусусиятга, алоҳида кўриб чиқиш тартибига ва турли ҳуқуқий оқибатга эга бўлади.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби ЎзР «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 1994 йил 6 май Қонуни билан белгиланган. Жумладан, Қонунда таъкидланишича, мурожаатлар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб қилинган бўлиши мумкин ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза, ёхуд шикоят кўринишида киритилади.

Қонунчиликда фуқароларнинг мурожаатлари жавоб бериши керак бўлган бир қатор талаблар назарда тутилади. Фуқароларнинг ёзма мурожаатларида муайян реквизитлар, яъни мурожаатнома жўнатила-

диган орган ёки мансабдор шахснинг номи ва манзили; иш мохиятининг баёни, мурожаат қилувчининг фамилияси, исми-шарифи, мурожаат қилувчи яшайдиган, ишлайдиган, ўқийдиган жой ҳақидаги маълумотлар, сана ва имзоси бўлиши керак.

Таклиф ва аризани фуқаро бевосита ушбу масала билан шуғулланадиган давлат органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахсга юборади.

Шикоят юқори турувчи давлат органи ёки мансабдор шахсга ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахслар хусусида берилади. Қонунга биноан, муаллифи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Ариза ва шикоятлар давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, қорхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ҳал қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида»ги 1995 йил 30 август Қонунда судга мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Таклиф, ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқишнинг белгиланган тартибини бузиш, уларга нисбатан ноқонуний муносабатда, мас., сансалорликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**МУТЛАҚ ВАКОЛАТ** — фақат алоҳида давлатга, давлат субъектларига, ҳудудларига, давлат органларига, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларига тааллуқли ваколатлар йиғиндиси.

Мутлақ ваколатлар фақат шу ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилади. Бошқа ҳеч ким, унинг ваколатини бажармайди. Конституцияларда Парламент, Президент, парламент палаталарининг мутлақ ваколатлари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Конституциясининг 79-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг мутлоқ ваколатлари, 80-моддада Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари белгиланган.

Конституциянинг 93-моддасида Ўзбекистон Президентининг ваколатлари белгиланган бўлиб, шу модданинг охириги бандида «Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас» деган қоида белгиланганлиги Президентнинг мутлақ ваколатлари эканлигини кўрсатади.

**МУҲОКАМА** — бевосита демократиянинг конституциявий-ҳуқуқий институтларидан бири. Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг лойиҳаларини, шунингдек давлат ёки тегишли ҳудуд ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ томонидан кўриб чиқишни ифода этади.

**М.** институтининг асослари давлат конституциясида белгиланиши мумкин. Масалан, ЎзР Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ,

жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. **М.** институтининг негизини ташкил этувчи махсус ҳужжатлар қабул қилиниши ҳам мумкин. 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги ЎзР Қонуни шулар жумласидандир.

Худудий кўлами нуктаи-назаридан, умумхалқ **М.си** ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг **М.си** фарқланади. Умуман олганда, маҳаллий тузилма миқёсида Ўзбекистон Республикасининг бутун худуди учун муҳим аҳамиятга эга муаммо муҳокама қилиниши ҳам мумкин.

Қамров нуктаи-назаридан, бутун мамлакат халқи иштирок этувчи кенг кўламли **М.**, асосан жамоат бирлашмалари ва айрим оммавий ахборот воситалари (ОАВ) иштирок этувчи жамоатчилик **М.си.**, илмий ва амалий муассасаларда ташкил этилувчи мутахассислар **М.си** фарқланади.

**М.да** фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрийдир. **М.** иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари яқка тартибда ёки жамоа тарзида, оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. **М.га** қўйилган масалалар давлат органларининг мажлисларида, фуқаролар йиғинларида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларида, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида, ОАВ орқали муҳокама қилиниши мумкин. Бу ҳолда улар баҳамжиҳат ишлаб чиққан таклиф ва мулоҳазалар қарорлар ва резолюциялар шаклида ваколатли органларга ёки ОАВга тақдим этилади.

Халқ ҳокимиятчилиги нуктаи-назаридан, **М. бевосита демократиянинг** консультатив шаклларига киради, чунки **М.** жараёнида билдириладиган таклиф-мулоҳазалар қарор ёки қонунни қабул қилиши лозим бўлган органлар учун расман мажбурий аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин, мазкур таклифлар ва мулоҳазаларни **М.** иштирокчиларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлаган бўлса, улар инobatга олиниши лозим. **М.нинг** самарадорлиги ҳам, табиийки, шунга боғлиқ. Агар фуқаролар ўзлари киритган таклифлар ва мулоҳазалар маълум аҳамиятга эга эканлигига ишончлари комил бўлмаса, **М.нинг** аҳамияти ҳам камаяди; бунинг устига, **М.** ташкилотчилари муҳокама жараёнида ўз фикрини билдирган ҳар бир фуқарога жавоб беришга мажбур эмас.

**МЬЯНМА (Мьянма Иттифоқи, 1989 йилгача – Бирма ёки Бирма Иттифоқи)** – Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган давлат. 1948 йил 4 январда мустақиллиги эълон қилинган. Пойтахти – Рангун шаҳри (1989 йилдан Янгон деб аталади).

**М.** (1947 йил Конституциясига кўра) – 7 вилоят, 4 автоном давлат ва алоҳида миллий округни ўз ичига олган федератив республика эди. 1974 йилги Конституция давлат тузилишининг унитар шаклини

белгилади. Шунга қарамай, мамлакат маъмурий жиҳатдан 7 вилоят ва 7 маъмурий вилоятга бўлинади.

1962 йилги давлат тўнтаришидан кейин Конституциянинг амал қилиши тўхтатилди, парламент тарқатиб юборилди.

Бир партияли тузум ва «Бирма социализми» қуришни эълон қилган генерал Не Виннинг ҳукмронлиги даври (1962–1983 йиллар)да ҳокимият тўла Инқилобий кенгаш томонидан амалга оширилиб келинди. Мазкур кенгаш раис ва 12 аъзодан таркиб топган бўлиб, ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи орган ваколатларини амалга оширар эди.

1988 йил 18 сентябрда содир бўлган ҳарбий тўнтариш натижасида **М.да** ҳокимият Қонунийлик ва тартибни тиклаш Давлат кенгаши қўлига ўтди. Амалда ҳарбий диктатура бошқарув шаклига айланди. Ҳарбий ҳокимият органлари сўнгги йилларда миллий конституциявий конференцияни чақириб, сиёсий ташкилотлар ва миллий тузилмаларнинг вакиллари билан янги Конституцияни ишлаб чиқиш юзасидан музокаралар олиб бормоқда.

**НАЗОРАТ ИШ ЮРИТУВИ** – қонуний кучга кирган ҳукмлар ва бошқа суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текширишнинг процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи усулларида бири.

Мазкур иш юритувини бошлашга манфаатдор шахслар (маҳкум, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаролик иши бўйича даъвогар ёки жавобгар, унинг вакили)нинг шикоятларигина эмас, балки йўл қўйилган суд хатоси тўғрисидаги бошқа ҳар қандай ахборот (маҳкумларнинг қариндошлари, қўшнилари ва ҳамкасблари берган аризалар, оммавий ахборот воситаларида берилган хабарлар) асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айблов ҳукмини бекор қилиш ёки маҳкумга енгиллик берувчи қонунни қўллаш мақсадида **Н.и.ю.** бошлаш муддати чекланмаган. Маҳкумнинг ҳолатини янада оғирлаштирадиган асосларга кўра айблов ҳукмини, суд ажрими ёки қарорини, шунингдек оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими ёки қарорини қайта кўришга улар қонуний кучга кирганидан сўнг йил давомида руҳсат этилади.

**Н.и.ю.** ишни назорат идорасида (умумий юрисдикция судларида – ўрта бўғин судларнинг президиумларида, ЎзР Олий судининг судлов коллегияларида, хўжалик судларида эса – фақат ЎзР Олий хўжалик судининг Президиумида) кўриб чиқиш билан яқунланади.

Ишларни кўриб чиқиш алоҳида ваколатли мансабдор шахслар (ўрта бўғин умумий юрисдикция судларининг раислари ва шу даражадаги прокурорлар, ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг раислари, ЎзР Бош прокурори ҳамда уларнинг ўринбосарлари)нинг **п р о т е с т л а р и г а** кўра амалга оширилади.

Масалан, жиноят иши бўйича келтирилган протестни кўриб чиқиш яқунлари юзасидан назорат идораси куйидаги қарорлар (ажрим-

лар)дан бирини чиқаришга ҳақли: 1) протестни рад этиш; 2) ҳукми ва ундан кейин чиқарилган барча суд ажримлари ва қарорларини бекор қилиш ҳамда иш юритувини тугатиш ёхуд уни қайта тергов қилишга ёки судда қайта кўришга топшириш; 3) кассация ажримини, шунингдек ундан кейин чиқарилган барча суд ажримлари ва қарорларини бекор қилиш (агар улар чиқарилган бўлса) ҳамда ишни кассация тартибида қайта кўриб чиқишга топшириш; 4) назорат тартибида чиқарилган ажримлар ва қарорларни бекор қилиш ҳамда суд ҳукми ва кассация ажримини ўзгартишлар билан ёки ўзгартишсиз кучда қолдириш; 5) суд ҳукми, ажрими ёки қарорига ўзгартишлар киритиш. Умумий юрисдикция судларида ҳамда хўжалик судларида кўрилган фуқаролик ишларини кўриб чиқувчи назорат идораларига ҳам юқоридагига ўхшаш ваколатлар берилган.

**НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ** – қаранг: Назорат. Иш юритиш.

**НАМИБИЯ (Намибия Республикаси, 1968 йилгача – Жануби-Ғарбий Африка)** – Африканинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Мустақиллиги 1990 йил 21 мартда эълон қилинган. Пойтахти – Виндхук шаҳри.

Маъмурий жихатдан 13 туманга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1990 йил 9 февралда қабул қилинган.

Давлат бошлиғи – президент. У умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин.

Қонун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали парламент. Миллий кенгаш – юқори палата – 6 йил муддатга сайланадиган 26 депутатдан (ҳар бир тумандан иккитадан) таркиб топади. 72 депутатдан иборат Миллий ассамблея умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент ва у тайинлайдиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**НАМОЙИШ** – (Демонстрация) конституциявий ҳуқуқ нуктаи назаридан аҳолининг ўз ижтимоий-сиёсий кайфиятини ошқора билдириши, у ёки бу масала юзасидан ўз муносабатини ифода этиш учун оммавий кўча юришидир. Фуқароларнинг бу ҳуқуқи ЎзР Конституциясининг 33-моддасида белгилаб кўйилган. Ушбу моддага кўра фуқаролар ўз ижтимоий-сиёсий фаолликларини республика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи-назаридангина бундай тadbирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эга.

Давлат фуқароларнинг намойиш ўтказиш ҳуқуқини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиб бериши керак. Хусусан, давлат идоралари, ҳокимликлар намойиш ўтказиш учун майдон ва кўчаларда қулай жойлар ажратиши ҳамда у ерда жамоат тартибини сақлаш,

хавфсизликни таъминлаш чораларини кўради. Намойиш ўтказувчиларнинг ташаббускор гуруҳи ўн кун илгари маҳаллий ҳокимлик идорасига ариза билан мурожаат этади ва уни ўтказиш учун расмий рухсат олади.

**НАНАЙ АВТОНОМ ОКРУГИ** – РФ субъекти, Архангельск вилояти таркибига киради. **Н.а.о.** мақоми РФ Конституцияси ва **Н.а.о.** Устави билан белгиланади. Мазкур Устав **Н.а.о.** Депутатлар йиғилиши томонидан 1995 йил 11 сентябрда қабул қилинган. Маъмурий-худудий тузилиш жиҳатидан **Н.а.о.** таркибига округга бўйсунадиган Нарьян-Мар шаҳри – **Н.а.о.** маъмурий маркази, ишчи посёлкалар ва қишлоқ кенгашлари киради.

Уставга мувофиқ, Депутатлар йиғилиши **Н.а.о.** конун чиқарувчи ҳокимиятнинг вакиллик органи ҳисобланади. Мазкур орган округ аҳолиси томонидан камида 15 депутатдан иборат таркибда 4 йил муддатга сайланади. Депутатлар, шу жумладан доимий асосда ишлайдиган депутатларнинг муайян сони **Н.а.о.** сайлов тўғрисидаги Конуни билан белгиланади. Доимий асосда ишлайдиган депутатлар Қонунчилик таклифлари палатасини ташкил этади. Мазкур палата тўғрисидаги Низом Депутатлар йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Депутатлар йиғилиши округ конунига мувофиқ **Н.а.о.** Устави ва қонунларини қабул қилади, унинг бюджетини тасдиқлайди, солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни, бюджетдан ташқари ва валюта фондларини тузиш ҳамда уларнинг фаолияти тартибини белгилайди, ўз ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилади, шунингдек округ маъмурияти бошлигининг тақдимига биноан округни бошқариш тарҳини ва маъмурият тузилмасини тасдиқлайди, маъмурият бошлигининг ўз фаолияти ҳамда округ давлат ҳокимияти ижро этувчи органи фаолияти тўғрисидаги йиллик билдиришларини тинглайди, маъмурият бошлигининг ўринбосарлари, округ ижтимоий ҳимоя, молия ва мулкни бошқариш органларининг раҳбарлари ҳамда округ маъмуриятининг бошқа органлари раҳбарлари лавозимларига номзодларга розилик беради.

Депутатлар йиғилиши аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинган ўзини ўзи тарқатиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, шунингдек округ референдуми натижаларига кўра Депутатлар йиғилишининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Округ маъмурияти округда ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади. Маъмурият фаолиятига аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайланадиган маъмурият бошлиғи раҳбарлик қилади. У мазкур лавозимга кетма-кет икки мартадан ортик сайланиши мумкин эмас. Бошлик округни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан маъмурият фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Маъмурият бошлиғи Депутатлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этади. Бошлиқ ҳар йили Депутатлар йиғилишига ўз фаолияти ҳамда округ давлат ҳокимияти ижро этувчи органи фаолияти тўғрисида билдириш тақдим этади. Бошлиқ округ қонунларини имзолайди ва эълон қилади. У нисбий вето ҳуқуқига эга. Лекин такоран қабул қилинган қонун маъмурият бошлиғи томонидан имзоланиши шарт, чунки қонун белгиланган муддатда эълон қилинмаган ва рад этилмаган тақдирда, у Депутатлар йиғилиши томонидан эълон қилинади ва қонуний кучга киради. РФ Конституцияси, федерал қонунлар, округ Устави ва қонунларини бузган тақдирда суднинг кучга қирган қарорига биноан маъмурият бошлиғининг ваколатлари Депутатлар йиғилиши аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорига мувофиқ муддатидан илгари тугатилади.

**Н.а.о.да** аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариши таъминланади.

**Н.а.о.** Уставида нанай халқининг ижтимоий ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари тўғрисида махсус боб мавжуд. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари нанай халқининг ўз турмуш тарзи, тили, яшаш муҳити, анъанавий хўжалик юритиш тармоқларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳуқуқларини эътироф этиши ва кафолатлаши, бунинг учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиши, ҳомийлик сиёсатини амалга ошириши назарда тутилган. Нанай халқининг ва бошқа кам сонли Шимол халқларининг манфаатларида табиатдан устувор тарзда фойдаланиш ҳудудлари ташкил этилади. Мазкур халқлар ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда иштирок этадилар. Нанай халқини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари нанай халқининг «Ясавэй» уюшмаси иштирокида ҳал қилади.

**НАТУРАЛИЗАЦИЯ** – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат бошлиғи номига ёки давлат ҳокимиятининг бошқа олий органига илтимоснома бериш орқали мазкур давлатнинг фуқаролигини қабул қилиши. Тугилишига кўра давлат фуқаролигини олувчи шахслардан фаркли ўларок, ўз илтимосномасига кўра фуқароликни қабул қилувчи шахслар адабиётларда баъзан натурализациялашган фуқаролар деб аталади. Ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари нуқтаи назаридан, юқорида зикр этилган фуқаролар ўртасида фарк, қонда тариқасида, мавжуд эмас. Аммо айрим истиснолар бўлиши мумкин: масалан, айрим мамлакатларда давлат хизматида маълум лавозимни эгаллаш, сайлаб қўйиладиган лавозимга ёки депутатликка сайланиш ҳуқуқи натурализациялашган шахсларга фуқароликни қабул қилганидан сўнг маълум муддат ўтгач берилади. ЎзРда мазкур қонда бевосита белгилаб қўйилмаган, аммо билвосита шаклда мавжуд. Ма-



салан, ЎзР Президенти лавозимиغا ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Бинобарин, ЎзР фуқаролигини эндигина қабул қилган шахс Ўзбекистон Президенти лавозимиغا ўз номзодини қўймоқчи бўлса, юқорида зикр этилган муддат ўтишини кутишига тўғри келади.

«Натурализация» конституциявий ва халқаро ҳуқуқ фанлари тушунчаси ҳисобланади, аммо у қонунларда ҳам қўлланиши мумкин. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль Қонунда мазкур тушунча қўлланмаган. ЎзР фуқаролигини қабул қилишнинг мазкур усули Қонунда фуқароликка қабул қилиш деб номланган (қ.: *Фуқаролик. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш*).

**НАУРУ (Науру Республикаси)** – Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмидаги Науру оролида жойлашган давлат. Миллатлар Лигаси ва БМТ васийлигида БМТ бошқарувида бўлган ҳудуд. 1968 йил 31 январда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси.

Расмий пойтахти йўқ. Ҳуқумат қароргоҳи Мененг округида, ҳуқумат биноси ва парламент – Ярен округида.

Маъмурий жиҳатдан 8 округга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1968 йилда қабул қилинган. Бошқарув шакли – республика. Давлат бошлиғи – президент, парламент томонидан уч йил муддатга сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият умумий сайловда 3 йил муддатга сайланадиган 18 депутатдан иборат Қонунчилик кенгаши томонидан амалга оширилади. Ҳуқумат – Давлат кенгашини президент бошқаради. Ҳ депутатлар орасидан вазирларни (жами – 5 вазир) тайинлайди.

Науру маҳаллий ҳуқумат кенгаши фаолият кўрсатади. Унинг ваколатларига, жумладан, бокситларни сотишдан келган даромадни тақсимлаш, денгиз порти ва балиқчилик корпорациясини бошқариш киради.

**НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** – шахсга тегишли моддий объектларни хусусий ва (ёки) бошқа нодавлат мулкчилик шаклларида пулга ёки пул тўламасдан, мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказиш. **Н.** давлат органининг ҳужжатини қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур ҳужжат алоҳида тармоқларга ҳам, муайян корхоналарга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Туркистонда **Н.** оммавий равишда 1917 йилги Октябрь тўнтаридан кейин, айниқса, 1918–1922 йилларда амалга оширилган. Бу хусусий мулкни инкор қилиб, ижтимоий мулк (халқ мулки)ни ўз иқтисодий негизи деб эътироф этган тузум мафқурасига мос эди. Мазкур мафқурага асосан мулкни халқ номидан давлат бошқарар, бинобарин, у мулкчилик субъектига айланарди.

Умуман олганда, **Н.**, гарчи оммавий тарзда бўлмаса-да, хусусий мулк устун деб эътироф этилган давлатларда ҳам амалга оширилиши мумкин. У шахсга тегишли тармоқ ёки корхона касодга учраган, ёпилган холларда амалга оширилади. Корхонада кўп ишчи кучи банд бўлгани (масалан, кўмир саноати) ёки тармоқ мамлакат иқтисодиёти учун муҳимлиги (масалан, транспортнинг айрим турлари) сабабли давлат корхона, тармокни национализация қилади ва ўз инвестициялари билан унинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

**НЕПАЛ (Непал Қироллиги)** – Марказий Осиёда жойлашган давлат. Пойтахти – Катманду шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 14 зонага, зоналар туманларга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси қирол томонидан 1990 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи – қирол (2001 й.дан Гьянендра Бир Бақрам Шоҳ Дев).

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни қирол амалга оширади, ammo у ўз ваколатларидан фақат Вазирлар Кенгаши билан бамаслаҳат фойдаланишга ҳақли.

Икки палатали парламент Миллий кенгаш ва Вакиллар палатасидан таркиб топади. Миллий кенгаш 60 аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 10 нафарини қирол тайинлайди, 35 нафарини Вакиллар палатаси, 15 нафарини эса – иқтисодий ҳудудларнинг сайлов коллегиялари сайлайди. Уларнинг ваколат муддати – 6 йил. Ҳар икки йилда миллий кенгаш таркибининг учдан бир қисми янгиланади. У доимий ишлайдиган орган бўлиб, тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Вакиллар палатаси умумий сайловда 5 йил муддатга сайланадиган 205 депутатдан таркиб топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни қирол ва Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Қирол парламент кўпчилиги раҳбарини ёки парламентда энг кўп ўрин олган партиянинг раҳбарини бош вазир этиб тайинлайди. Қолган вазирлар Бош вазирнинг тавсиясига кўра депутатлар орасидан тайинланади. Парламент ҳукуматга ишонч билдириши лозим. Парламент ҳукуматга ишончсизлик билдирган тақдирда у истеъфо беради ёки қирол парламентни тарқатиб юборади. (1995 йил август-сентябрда коммунистик ҳукумат шу сабабга кўра тарқатиб юборилди.)

**НИГЕР (Нигер Республикаси)** – Ғарбий Африкада жойлашган давлат. 1960 йил 3 августда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Ниамей шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 7 департаментга, улар округлар ва коммуналарга бўлинади.

1996 йил 27 январда содир бўлган ҳарбий тўнтариш натижасида 1992 йил Конституциясининг амал қилиши тўхтатиб қўйилди, сайланган президент лавозимидан четлатилди, парламент тарқатиб юборил-

ди, сиёсий партияларнинг фаолияти тақиклаб қўйилди. Миллий қутқариш кенгаши ички ҳаётни барқарорлаштириш йўлини танлади.

Амалдаги Конституция 1996 йил 12 майда умумхалқ референдумида қабул қилинди ва 1996 йил 22 майда кучга кирди.

Давлат бошлиғи — президент, умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга бир марта сайланади.

Парламент — Миллий йиғилиш 5 йил муддатга сайланган 83 депутатдан таркиб топади. Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқиغا фақат президент эга.

Ижро этувчи ҳокимият парламент олдида жавобгар бўлган ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат бошлиғини президент тайинлайди.

**НИГЕРИЯ (Нигерия Федератив Республикаси)** — Ғарбий Африкада жойлашган, аҳолисининг сонига кўра Африка қитъасидаги энг йирик (2002 й. да — 129,93 млн. киши) давлат. 1960 йил 1 октябрда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти — Абужа шаҳри (1992 й. гача — Лагос ш.).

Маъмурий жиҳатдан 36 штат ва пойтахт округига бўлинади.

Мамлакат бир неча сиёсий инқирозларни бошдан кечирди. 1963 йилда республика эълон қилинди; шу йили минтақалар ўртасида ихтилофлар бошланди. Натижада мамлакатнинг шарқий қисми ўз мустақиллигини эълон қилди ва Биафра деб номлана бошланди. Федерал қўшинлар билан Биафра ўртасида уруш бир неча йил давом этди. Минтақалараро можароларнинг асосий сабаби — нефть казиб олишдан олинадиган даромадларнинг тақсимланишидан норозилик. 1979 йили Конституция қабул қилинди. 1985 йили давлат тўнтариши содир бўлди ва ҳукумат ағдарилди. Мамлакатда ҳокимият қўшин ва полиция вакилларида тузилган Куролли кучларнинг бошқарув кенгаши қўлига ўтди. Президент деб эълон қилинган генерал-майор Н. Бабангида ноҳарбий бошқарув шаклига ўтиш йўлини танлади.

1989 йил 3 майда янги Конституция қабул қилинди. Аммо социал-демократлар партияси раҳбари М. Абиола ғалаба қозонган 1993 йил 12 июндаги президент сайлови натижалари ҳарбийлар томонидан сайлов яқунлари сохталаштирилган деган баҳонада бекор қилинди ва мамлакатнинг ноҳарбий бошқарув шаклига ўтиши тўхтатиб қўйилди. Аммо, шундан кейин ҳам кетма-кет ҳарбий тўнтаришлар содир бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди.

1993 йилнинг ноябрида ҳокимиятни қўлга олган Муваққат бошқарув кенгаши 1989 йил Конституциясини бекор қилди ва 1979 йил Конституциясини (кўплаб қисқартишлар билан) тиклади. Янги конституцияни ишлаб чиқиш юзасидан конституциявий конференцияни чақириш тўғрисида эълон қилинди.

1992 йил 4 июлда сайланган парламент 1993 йил 18 ноябрда

тарқатиб юборилгунга қадар Сенат (91 сенатор) ва Вакиллар палатаси (593 депутат)дан иборат эди.

1995 йил мартда ҳарбийлар томонидан тузилган ҳукумат – Федерал ижроия кенгаши ҳокимиятни босқичма-босқич ноҳарбий ҳукуматга бериш ва янги конституцияни ишлаб чиқиш йўлидан боришини эълон қилди. Ниҳоят, 1999 йил 20 февраль куни парламент сайлови ва ўша йил 27 февралда президент сайлови бўлди. Ҳарбийлар ҳокимиятни янги сайланган президент Олусегун Обасанжога топширдилар.

**НИДЕРЛАНДИЯ (Нидерландия Кироллиги)** – Ғарбий Европада жойлашган давлат. Умумий бозор ва Европа ҳамжамияти (Европа Иттифоқи)нинг муассиси ва аъзоси. Пойтахти – Амстердам шаҳри. Парламент ва ҳукумат қароргоҳи – Гаага шаҳрида.

Маъмурий жиҳатдан 12 провинцияга, улар эса – жамоалар ва кантонларга бўлинади.

1887 йил Конституцияси ўрнига қабул қилинган 1983 йил Конституцияси амал қилади. **Н.** – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи – кирол (киролича) (1980 йдан Беатрикс Вильгельмина Армгард хоним). Унинг ҳузурида маслаҳат органи – Давлат кенгаши чақирилади. Мазкур кенгаш аъзолари кирол томонидан собиқ депутатлар, вазирлар, судьялар, бизнесменлар орасидан умрбод тайинланади. Давлат кенгашининг ваколатига қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва маъмурий низоларни ҳал қилиш қиради.

Биринчи (юқори) ва Иккинчи (қуйи) палаталардан таркиб топган қонун чиқарувчи ҳокимиятни кирол, парламент ва Бош штатлар биргаликда амалга оширади. Биринчи палата 75 депутатдан иборат таркибда провинцияларнинг кенгашлари томонидан 6 йил муддатга сайланади. Палата депутатларининг ярми ҳар уч йилда янгиланиб турилади. 150 депутатдан иборат Иккинчи палата умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан пропорционал вакиллик асосида 4 йил муддатга сайланади. Қонунчилик ташаббуси ва ҳукуматни тасдиқлаш ҳуқуқига Иккинчи палата эга. Қонунларни иккала палата қабул қилади ва кироличага тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ижро этувчи ҳокимиятни монарх билан ҳукумат амалга оширади. Бош вазир ва ҳукумат аъзолари киролича томонидан парламентда энг кўп ўринни эгаллаган партияларнинг вакиллари орасидан тайинланади. Ҳукумат Бош штатлар олдида жавобгар; ҳукумат аъзолари парламент мажлисларида ҳозир бўлиш ва музокараларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Умумий судлар тизими Олий суд, бешта Апелляция суди, 19 округ ва 70 га яқин кантон судларидан таркиб топган.

Маъмурий адлия органлари тизими махсус судлар – Кенгашлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг қарорлари устидан Утрехт ш.даги Марказий апелляция кенгашига ёки Давлат кенгашининг Юридик бўлимига шикоят бериш мумкин.

## **НИЗОМ** –

1) давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўп фойдаланиладиган шакли;

2) турли органларнинг мақоми, тегишли органлар тизимидаги ўрни ва фаолият характери таърифловчи тушунча. Ҳуқуқда мустақил тарзда ҳам, шунингдек «Ҳуқуқий низом», «Конституциявий ҳуқуқий низом» сўз бирикмалари тарзида ҳам ишлатилади.

**НИКАРАГУА (Никарагуа Республикаси)** – Марказий Америкада жойлашган давлат. 1821 йил 15 сентябрда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Манагуа шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 9 минтақага, улар 17 департаментга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1987 йил 9 январда қабул қилинган, унга 1995 ва 2000 йилларда тузатишлар киритилган. Конституцияга мувофиқ **Н.** – республика шаклидаги давлатдир.

1912–1926 йилларда мамлакатни АҚШ кўшинлари оккупация қилиб олди. 1936 йилда ҳокимиятни Анастасио Сомоса эгаллади. У 1956 йилда ўлдирилгунга қадар мамлакатда яқка ҳукмронлик қилди. Шундан кейин ҳам то 1978 йилгача – сандиночилар инқилоби бошлангунга қадар мамлакатда Сомоса хонадонининг ҳарбий-сиёсий истибдоди ҳукмронлик қилди. 1984 йили сандиночилар эркин сайлов ўтказиб, ўз ҳокимиятини қонунийлаштирдилар. Д. Ортега президент этиб сайланди. 1990 йили «контрас» қаршилик ҳаракати тазйиқи остида сандиночилар президент сайловида мағлубиятга учрадилар (Виолетта Чаморро президент этиб сайланди). 2001 й. 4 ноябрдаги сайловда галаба қозонган президент Э.Б. Гейер Либерал конституциячилар партиясининг раҳбаридир.

Давлат бошлиғи – президент, шунингдек вице-президент умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади. Конституцияда президент ҳокимиятига маълум чеклашлар белгиланган: президент кетма-кет икки муддатга сайланиши мумкин эмас; айти бир шахс икки мартадан ортиқ президент этиб сайланиши мумкин эмас; амалдаги президентнинг қариндошлари ўз номзодини киритиши тақиқланади. Президент мамлакатда барқарорлик ва тартибни таъминлаш нуктаи-назаридан кенг ваколатларга, шу жумладан фавқулодда ҳолат жорий этиш ваколатига эга.

Қонун чиқарувчи органи – Миллий йиғилиш умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланадиган 93 депутатдан таркиб топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент бошқаради. У ҳукуматни тузади ва унга раҳбарлик қилади.

**НИСБИЙ ВЕТО** – қаранг: Вето.

**НИСБИЙ КўПЧИЛИК** – қаранг: Кўпчилик.

**НОММА-НОМ ОВОЗ БЕРИШ** – қаранг: Парламентда овоз бериш.

**НОРВЕГИЯ (Норвегия Қироллиги)** – Шимолий Европада жойлашган давлат. Тўла мустақилликка 1905 йилда эришган (1814 йилгача – Дания вилояти, 1814-1905 йилларда – Швеция мулки). Пойтахти – Осло шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 19 вилоят (фюльке)га, шу жумладан фюлькега тенглаштирилган Осло ш.га бўлинади. Фюльке қишлоқ ва шаҳар коммуналарига бўлинади.

1814 й. 17 майда қабул қилинган Эйдсволл Конституцияси амал қилади (мустақиллик сари ташланган биринчи қадам сифатида Таъсис мажлиси томонидан Эйдсволл шаҳарчасида қабул қилинган), унга кейинчалик тузатишлар киритилган.

Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи (1990 й.дан)-қирол (қиролича). 1991 й. 21 январда тахтга Норвегия Қироли Харальд V (Шлезвиг-Гольштейн-Зондербург-Глюксбург сулоласидан) ўтирган.

Конун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент – Стортинг амалга оширади. Юқори палатаси – Лагтинг, қуйи палатаси – Одельстинг. Пропорционал вакилликка асосланган сайлов тизимига кўра, умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан парламентнинг 165 депутати 4 йил муддатга сайланади. Сўнг уларнинг тўртдан бир қисми парламент томонидан юқори палатага сайланади, қолган депутатлардан қуйи палата таркиб топади. Парламент инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – омбудсменни 4 йил муддатга сайлайди.

Қирол парламент кўпчилигидан ҳукумат – Давлат кенгашини тузади. Ҳукумат парламент ваколати даврида тарқатиб юборилиши мумкин эмас, аммо Бош вазир ҳукуматни қисман қайта тузиш жараёнида айрим вазирларни лавозимидан озод этиши мумкин. Аксарият конун лойиҳаларини ҳукумат киритади. У парламент олдида жавобгардир.

Ҳукумат қошида маслаҳат органи – Қутб кенгаши фаолият кўрсатади. Кенгашнинг 15 аъзоси 4 йил муддатга сайланади. Унинг вазифаси – мамлакат Узоқ Шимоли муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш.

Умумий судлар тизими таркибида Махсус назорат апелляция қўмитаси фаолият кўрсатувчи Олий суддан, беш йирик шаҳардаги провинцияларнинг судларидан, округ ва шаҳар судларидан (юзга яқин) таркиб топади. Суд тартиб-қоидалари аксарият фуқаролик ишлари бўйича томонларни ҳар бир муниципалитетда тузиладиган Келишув кенгашларида муросага келтиришни назарда тутаяди.

**Н.да** мулкни халқ томонидан бошқариш масалалари бўйича, баликчилик бўйича, васийлик ишлари бўйича, турар жой низолари бўйича ва бошқа махсус судлар ҳам фаолият кўрсатади.

Олий мансабдор шахслар, депутатлар ва судьялар томонидан ўз мансаб ваколатларини суистеъмом қилиш ҳолатларига чек қўйиш учун Импичмент суди тузилган бўлиб, унга қуйи палатанинг ўн аъзоси ва Олий суднинг беш аъзоси киради.

**НОРМАТИВ ЮРИДИК ХУЖЖАТ** – давлат референдуми ёки маҳаллий референдумда халқ томонидан, ваколатли давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан қабул қилинадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва *ҳуқуқ нормалари* ифодаланган ҳужжат. **Н.ю.х.га** конституциялар, қонунлар киради; парламентлар ва уларнинг палаталари қарорлари, президентларнинг фармонлари ва фармойишлари, ҳукуматларнинг қарорлари, вазирликларнинг буйруқлари ва йўриқномалари, вилоят ва туман ҳокимиятларининг ҳужжатлари ҳам **Н.ю.х.** ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларни дастлабки тарзда тартибга солиши, ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги ҳужжатни **Н.ю.х.** деб тавсифловчи белгилардир. Юридик ҳужжат ҳуқуқни қўллаш ҳужжати бўлиши ҳам мумкин, яъни у ижтимоий муносабатларни тартибга солмайди, унда ҳуқуқ нормалари ифода этилмайди, у **Н.ю.х.да** белгиланган нормаларни амалда қўллашни назарда тутди. Агар ҳужжатда ҳуқуқ нормалари ҳам, фармойиш хусусиятига эга ноноратив қоидалар (масалан, ҳужжатни амалга ошириш учун жавобгарликни муайян шахс зиммасига юклаш; комиссия тартибини тасдиқлаш ва ш.к.) ҳам бўлса, ҳужжатнинг тегишли қисмигина **Н.ю.х.** ҳисобланади.

**НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ АКТ** – ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилинган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик ҳужжати. **Н.х.а.** умуммажбурий ҳулк-атвор қоидаларини ўз ичига олади ҳамда ўзининг қуйидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: а) улар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; б) уларда ҳуқуқий қоидаларнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилади; в) **н.х.а.ларда** мустаҳкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

**Н.х.а.лар**, уларни чиқарадиган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг мавқеига, актларнинг юридик кучига кўра қуйидаги туркумларга бўлинади: 1) Қонунлар (Конституция, конституциявий қонунлар ва жорий қонунлар); 2) Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари; 3) Ҳукумат қарори ва фармойишлари; 4) Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари; 5) Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фар-

мойишлари (Қаранг: ЎзРнинг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддаси).

**НОСИММЕТРИК ФЕДЕРАЦИЯ** – конституциявий ҳуқуқ фақида федератив давлатларни таърифлашда қўлланиладиган тушунча. Субъектлари (аъзолари) ҳар хил юридик мақомга эга бўлган, яъни баъзи субъектларининг (аъзоларининг) ҳуқуқлари бошқаларига қараганда кўпроқ бўлган федерацияни **Н.ф.** деб аталади.

1992 йил 31 мартда имзоланган Федератив шартнома ҳамда 1992 йил 21 апрелдаги конституциявий ислохот билан РФ таркибидаги республикалар, ўлкалар, вилоятлар, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, автоном вилоятлар ва автоном округлар унинг субъектлари деб расман эълон қилингандан кейин Россия Федерацияси **Н.ф.га** яққол мисол эди. Ўшанда бу субъектларнинг мақоми республикалар мақомидан жиддий фарк қилар эди. Кўпгина фактлар бунга яққол мисол бўла олади, хусусан:

республика мустақил равишда ўз Конституциясини қабул қилган, қолган субъектларнинг уставлари эса РФ Олий Советининг Раёсатида рўйхатдан ўтказилиши керак эди, устав РФ қонунларига номувофиқ бўлгани тақдирда уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин эди;

республика ўз қонунларига эга бўлиш ҳуқуқга эга эди, бошқа субъектлар эса йўқ (гарчи улар бу масалани Федератив шартномани тузиш чоғида қўйган бўлсалар ҳам бундай ҳуқуқни олмаганлар);

федератив шартнома субъектларга ўз ҳуқуқий меъёрларини яратиш имкониятини берган, бироқ унинг масалалари доираси республикалар учун кенгрок эди;

республикаларнинг қонунларини марказ на бекор қила олмас, на тўхтатиб қўя олмас эди, фақат улар хусусида Конституциявий судда баҳслашилиши мумкин эди; бошқа субъектлар халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини РФ Олий Кенгаши бекор қилиши мумкин эди;

ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини республика мустақил равишда белгилаган, бошқа субъектлар учун тизим РФ Конституцияси билан тартибга солинган ва ундан чекиниш мумкин эмас эди;

республикаларнинг раҳбарлари дарҳол аҳоли томонидан сайлана бошлади; бошқа субъектлар ижро этувчи ҳокимиятининг раҳбарларини охириги вақтларгача РФ Президенти тайинлар эди (фақат айрим субъектларда сайловга рухсат берилган) ва фақат 1996 йилдан бошлаб бу субъектлар маъмуриятлари раҳбарларининг (губернаторларининг) сайлови оммавий равишда бўлиб ўтди;

РФ Президенти республикалар президентларига нисбатан ҳеч қанақа интизомий ҳуқуқларга эга эмасди, бошқа субъектларнинг ижро этувчи ҳокимияти раҳбарларига нисбатан эса танбех бериш, хизматга унчалик лойиқ эмаслиги ҳақида огоҳлантириш, лавозимидан озод қилиш шаклидаги ҳуқуқларга эга эди;



республиканинг маъмурий-худудий бўлиниши масалалари фақат унинг ички масаласи эди, бошқа субъектлар учун эса – бу РФ билан биргаликдаги тасарруфда эди;

фавкулудда ҳолатни республика худудида фақат унинг розилиги билан, ўлка, вилоят худудида – уларнинг ҳокимият органлари билан келишувга биноан, автоном вилоят, автоном округ худудида – уларнинг ҳокимият органларини хабардор қилиб жорий этиш мумкин эди ва х.к.

1993 йилги Конституция РФ субъектлари тенг ҳуқуқли эканлигини эълон қилди. Кўрсатиб ўтилган носимметриклик кўринишларининг аксарияти бартараф этилди. Лекин айримлари ҳамон мавжуд. Масалан, федерал Конституция фақат республикалар ўз конституциясига, қолган субъектлар эса – уставларига эга бўлишини назарда тутди. Давлат сифатида республикалар ўз фуқаролигига эга, аммо бу миллий-давлат ёки худудий-давлат тузилмалари ҳисобланувчи бошқа субъектларга хос эмас. Айрим республикаларнинг конституцияларида носимметрикликнинг бундай белгиларини янада кўпроқ пайкаш мумкин. Бу республикалар ўзларини суверен давлатлар деб эълон қилган ҳолда, ер ва бошқа табиий ресурслар фақат республика халқининг бойлиги эканлигини назарда тутди, республикаларнинг давлат ҳокимияти органларига федерал ҳужжатларнинг амал қилишини ўз худудида тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини беради ва х.к. РФ субъектлари ва Россия Федерацияси ўртасидаги биргаликдаги тасарруфга қирадиган масалалар ва ваколатларнинг чегераланиши тўғрисидаги бир қанча икки томонлама шартномаларда ҳам муайян носимметриклик кўзга ташланади. Бу ҳужжатларга биноан, федерал Конституцияга мувофиқ РФ ваколатига қирадиган баъзи ваколатлар субъектлар ихтиёрига ҳам борилади ва, аксинча, бошқа субъектлар бундай ваколатларга эга эмас.

Бир қанча ҳолларда, субъектлар сиртдан қараганда ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлгани ҳолда, айримлари амалда афзалликларга эга. Масалан, ўз худудларида йиғиладиган солиқларни федерал бюджетга ўтказиш мажбуриятида ва кейин ундан қилинадиган ажратмалардан ўз улушини олишда барча субъектлар тенгдир. Бироқ, субъектларнинг баъзилари ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаради ва федерал бюджетнинг донори ҳисобланади (яъни оладиганидан кўпроқ беради), бошқалари эса федерал бюджетдан бериладиган дотация ҳисобига яшайди. Баъзи субъектлар марказ билан шундай келишиб оладиларки, бунда улар йиғиладиган солиқларнинг анча қисмини федерал бюджетга ўтказмай, ўз ихтиёрларида қолдирадилар. Бу қолган субъектларда норозиликни ва шундай имтиёзни олиш истагини тўғдиради.

Носимметрикликни бартараф этиш ёки сақлаб қолиш масаласи олимлар, амалиётчиларнинг қизгин баҳсларига сабаб бўлмоқда. Баъзилар носимметриклик федератив давлатнинг табиатига зиддир ва у тугатилиши керак деб ҳисоблайдилар. Бошқаларнинг фикрича, носим-

метриклик айрим субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олиш имкониятини беради ва, шу сабабли, федерацияга зиён етказмайди, аксинча, федератив тузилишнинг ижобий диалектик воситаларидан бири ҳисобланади.

**НОТАРИАЛ ПАЛАТА** – мамлакат ҳудудида хусусий нотариал амалиёт билан шуғулланувчи шахсларнинг касбий бирлашмаси. **Н.п.** нотариусларнинг манфаатларини ифода этади ва уларни ҳимоя қилади, нотариус касбини эгаллашни истаган шахсларнинг стажировкасини ва ишлаётган хусусий нотариусларнинг малакасини оширишни ташкил этади, шунингдек айрим бошқа вазифаларни амалга оширади.

**Н.п.** – ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, нотариус ёрдамчилари ва стажёрлари йиғилиши **Н.п.** олий органи ҳисобланади. Йиғилиш **Н.п.** уставларини тасдиқлайди, мазкур уставларга мувофиқ фаолият кўрсатувчи бошқарувлар ва уларнинг раисларини сайлайди (яна қ.: *Федерал нотариал палатаси*).

**НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР** – давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлашга қўмаклашиш мақсадида нотариуслар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар.

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар рўйхати «Нотариат тўғрисида»ги ЎЗР Қонунининг 23-моддасида белгилаб қўйилган. Битимлар ва васиятномаларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш, фуқаронинг тирик эканлиги ёки муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш, ижро хатларини ёзиш (қ.: *Ижро хати*) шулар жумласидан. Барча нотариал ҳаракатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини амалга ошириш билан муайян тарзда боғлиқ бўлиб, мазкур вазифаларни амалга оширувчи органларга, шунингдек фуқаролар ва бошқа шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашади ёки қўмаклашиши мумкин.

**НОТАРИАТ** – *нотариал ҳаракатларни* амалга ошириш ваколатига эга бўлган махсус таъсис этилган давлат органлари, айрим давлат хизматчилари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи фуқаролар.

Давлат нотариал идоралари ЎЗР да Адлия вазирлиги томонидан очилади ва тугатилади. Мазкур идораларда ишлайдиган нотариуслар давлат хизматчилари ҳисобланади, уларнинг меҳнатига ҳақ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариусларга махсус унвонлар – мансаб даражалари берилди.

Айрим энгил нотариал ҳаракатлар бошқа давлат муассасалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг хизматчилари (даволаш муассасаларининг бош врачлари, ҳарбий қисмларнинг командирлари, жиноят-ижроия тизимидаги муассасаларнинг бошлиқлари, бошқа давлатлар ҳудудидаги консуллик муассасаларининг ходимлари, кишлоқ оқсоқоллари ва ҳ.к.) томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонун кучга кирган сана (1996 й. 26 декабр)дан эътиборан ЎзР ҳудудида хусусий нотариал амалиётга йўл қўйилади ва у рағбатлантирилади. ЎзРда нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ЎзР фуқароси тайинланади. Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати олти ойгача камайтирилиши мумкин. Стажировкадан ўтган ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш тўғрисида ариза берган шахслар адлия бошқармалари қошида ташкил этиладиган малака комиссиясига имтиҳон топширадилар. Мазкур комиссиянинг қарори устидан шикоят ЎзР Адлия вазирлиги қошидаги Апелляция комиссиясига берилади. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия малака имтиҳони топширилганидан кейин бир ой ичида малака комиссиясининг қарори асосида берилади.

**НУЛИФИКАЦИЯ** — юқори органларнинг ҳужжатларини тан олмаслик ҳуқуқи. Масалан, давлатлар конфедерациясида — аъзолар конфедерация органларининг қарорлари ўз ҳудудларида амал қилиши тўғрисида қарорлар қабул қиладилар, аммо уларнинг ҳужжатларини ўзлари учун мажбурий деб эътироф этмасликлари ҳам мумкин.

**ОДДИЙ КЎПЧИЛИК** — қаранг: кўпчилик.

**ОДИЛ СУДЛОВ** — ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналиши. Уни фақат суд алоҳида процессуал тартибда, ҳуқуқбузарларга нисбатан давлат мажбурловини, жумладан, жиноий жазони қўллаш орқали амалга оширади.

**О.с.** фақатгина муҳим масалалар бўйича умуммажбурий қарорларни қабул қилиш билан тугалланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолият (функцияси) нинг масъул йўналиши бўлибгина қолмай, балки унга бир қатор ўзига хос белгилар ҳам тааллуқлидир. Ушбу жараён у ёки бу идоралар ёхуд мансабдор шахснинг хоҳишига кўра иш кўриш эмас, балки аниқ усуллар билан амалга ошириладиган фаолиятдир. ЎзРнинг 2000 йил 14 декабрда қабул қилган «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 65-моддасига мувофиқ судьялар:

— мансабдор шахслар ва фуқаролардан **О.с.ни** амалга ошириш

билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

– мансабдор ва бошқа шахслардан **О.с.ни** амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни олиш;

– уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

**О.с.нинг** ўзига хос белгиси бўлиб, давлат фаолиятининг мазкур тури Қонунда назарда тутилган ўта муҳим тартибга риоя қилиш билан амалга оширилади. Юқорида таъкидланишича, қонун жинойи ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни фақат суд мажлисларида амалга оширилишини белгилаб қўйган. Ишларни кўриб чиқиш, улар бўйича қарор қабул қилиш ёхуд ҳукм чиқариш жинойят – процессуал, фуқаровий процессуал, хўжалик процессуал қонунларидаги талабларга сўзсиз риоя қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу талаблар суд мажлисига тайёргарлик кўришда ёки уни олиб боришда вужудга келиши мумкин бўлган барча амалий муҳим саволларни (муносабатларни) тартибга солади. Ушбу процессуал талаблар (кўрсатмалар) мазкур суд ишлари билан боғлиқ вужудга келган муҳим масалалар бўйича қонуний ва адолатли қарор қабул қилишга қаратилган.

**О.с.нинг** муҳим жиҳатларидан яна бири унинг фақатгина суд (судьялар) органлари томонидан амалга оширилишидир (қонуннинг 3-моддаси).

Бошқа ҳеч қайси орган ёки мансабдор шахс ушбу фаолиятни бажариш ҳуқуқига эга эмас. Шунининг илоҳиди олиш керакки, «суд» сўзи билан номланадиган ҳар қандай муассаса **О.с.ни** амалга ошира олмайди. Чунинчи, учлик судлари, шаърият судлари, халқаро тижорат арбитраж суди, ахборот низолари бўйича суд палатаси ва бошқалар **О.с.** органи ҳисобланмайди.

**ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР** - қаранг: ЎЗР ЖКнинг XVI бобига кирувчи ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятларнинг бир тури.

**ОЗАРБАЙЖОН (Озарбайжон Республикаси)** – 1995 йил 12 ноябрда референдум йўли билан қабул қилинган Конституциясига мувофиқ демократик, ҳуқуқий, дунёвий, унитар республика. Озарбайжон тили давлат тилидир. **О.** Аҳоли сўзлайдиган бошқа тиллар эркин қўлланилиши ва ривожлантирилишини таъминлайди. Пойтахти – Боку шаҳри.

**О.да** унинг халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. **О.** Халқи унинг ҳудудида ҳамда ундан ташқарида Озарбайжон давлати ва унинг қонунлари измида деб ҳисобланувчи жойларда яшовчи **О.** фуқароларидан иборат, бу халқаро ҳуқуқда белгиланган нормаларнинг амал қилишини истисно этмайди (Конституциянинг 1-моддаси). Халқ референдум йўли билан ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ҳар қан-

дай масалани ҳал қилиши мумкин. **О.** Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар киритиш, давлат чегараларини ўзгартириш ва бошқа шу сингари масалалар фақат референдум йўли билан ҳал қилинади.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги Конституцияда кўрсатиб ўтилган. **О.да** мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Давлат мулки, хусусий мулк ва муниципал мулки бўлиши мумкин.

**О.** Конституцияси инсон ва фуқаронинг замонавий давлатлар учун анча анъанавий бўлган, лекин бир қадар ўзига хос таърифланган асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаб қўйган. Булар: тенглик ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқи, хавф-хатарсиз истикомат қилиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, уй-жойнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, никоҳдан ўтиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш, иш ташлаш, дам олиш, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, соғлом атроф муҳитда яшаш ҳуқуқи, маданият, билим олиш, уй-жойли бўлиш, миллий мансублик ҳуқуқи, она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи, шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, фикр ва сўз, виждон, йиғилишлар, ахборот, ижод эркинлиги, фуқаролик ҳуқуқи, жамият ва давлатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш, давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи, мурожаат этиш, бирлашиш ҳуқуқи, тадбиркорлик эркинлиги, ҳуқуқий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг суд қафолатлари ва бошқалар.

**О.** Конституцияси ва қонунларига риоя этиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш мажбурияти, солиқларни ва давлатнинг бошқа йиғимларини тўлаш мажбурияти, Ватанга содиқлик, давлат рамзларини ҳурмат қилиш, Ватанни ҳимоя қилиш, тарих ва маданият ёдгорликларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш мажбурияти асосий мажбуриятлар жумласига киритилган.

**О.да** давлат ҳокимияти ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида ташкил этилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий Мажлис амалга оширади. У мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари асосида сайланадиган 125 нафар депутатдан иборат бўлади. Миллий Мажлиснинг ваколат муддати – 5 йил. Депутатлар ёши – камида 25 ёш. Икки ёклама фуқароликка, бошқа давлатлар олдида мажбуриятларга эга бўлган, ижро этувчи ёки суд ҳокимияти тизимида ишлайдиган шахслар, шунингдек илмий, педагогик ва ўзга ижодий фаолиятни истисно этганда, бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланувчи шахслар, диний арбоблар, муомалага лаёқатсизлиги суд томонидан тасдиқланган шахслар, оғир жиноят учун ҳукм қилинган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўтаётганлар Миллий Мажлис депутати этиб сайланишлари мумкин эмас.

Миллий Мажлис конституциявий қонунлар, оддий қонунлар ва

ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

**О.** Конституцияси Миллий Мажлис умумий қоидаларини белгилайдиган, яъни қонун ижодкорлигини амалга оширадиган масалалар рўйхатини махсус моддада белгилаб қуйган. Шу билан бирга Конституция Миллий Мажлис ҳал қиладиган яна баъзи бир масалаларни кўрсатиб ўтади. Хусусан, булар жумласига қуйидагилар киради: **О.** Президентининг тақдимномасига биноан **О.нинг** дипломатик ваколатхоналарини таъсис этиш; маъмурий-худудий бўлиниш; давлатлараро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш; **О.** харбий доктринасини тасдиқлаш; афв этиш; Конституцияда назарда тутилган ҳолларда Президент фармонларини тасдиқлаш; Президентнинг тақдимномаси асосида **О.** Бош вазирини, **О.** Конституциявий суди, Олий суди ва Иқтисодий суди судьяларини лавозимига тайинлаш учун, **О.** Бош прокурорини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш учун розилик бериш; **О.** Конституциявий судининг тақдимномаси асосида (Конституциянинг 95-моддаси) импичмент тартибида **О.** Президентини лавозимидан четлаштириш; Президентнинг тақдимномаси асосида судьяларни лавозимидан четлаштириш; **О.** Вазирлар Маҳкамасига ишонч билдириш ҳақидаги масалани ҳал қилиш; Президентнинг тақдимномаси асосида **О.** Куролли Кучларини уларнинг белгиланган мақсади билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш учун розилик бериш; Президентнинг мурожаати асосида уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш учун розилик бериш; референдум тайинлаш ва ҳ.к.

Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ, **О да** ижро этувчи ҳокимият **О.** Президентига тегишлидир. Конституциянинг 8-моддасида Президент давлат бошлиғи эканлиги айтилади. У мамлакат ичида ва ташқи алоқаларда давлат манфаатларини ифодалайди. Президент халқнинг бирлиги тимсолидир ва у Озарбайжон давлатчилигининг вориийлигини таъминлайди. **О.** мустақиллиги ва ҳуқуқий яхлитлигининг, **О.** тараф бўлиб қатнашган халқаро шартномаларга риоя этилишининг ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигининг қафили ҳисобланади.

**О.** Президенти (иккита тур ўтказилиши эҳтимоли билан) аҳоли томонидан, овоз беришда иштирок этганларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг овози билан 5 йиллик муддатга сайланади. Ҳеч ким кетма-кет икки мартадан ортиқ **О.** Президенти этиб сайланиши мумкин эмас. Президент 35 ёшдан кичик бўлмаслиги, республикада 10 йилдан ортиқ яшаган ва сайлов ҳуқуқига эга бўлиши керак. Оғир жиноят учун судланган, бошқа давлатлар олдида мажбуриятга, икки ёқлама фуқароликка эга бўлган киши Президент бўлиши мумкин эмас.

Умуман олганда, **О.** Президентининг ваколатлари бу шахснинг президентлик республикасида мавжуд бўладиган имкониятларига ай-

нан ўхшашдир. У, хусусан, Миллий Мажлисга сайловни тайинлайди; **О.** давлат бюджетини Миллий Мажлис тасдиқлаши учун тақдим этади; давлат иктисодий ва ижтимоий дастурларини тасдиқлайди; Миллий Мажлиснинг розилиги билан **О.** Бош вазирини тайинлайди; Бош вазирни лавозимидан озод қилади; Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилади; Вазирлар Маҳкамасининг истеъфо бериши тўғрисида қарор қабул қилади; марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини тузади; Нахичеван Автоном Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳужжатларини бекор қилади; **О.** Олий судларининг судьяларини тайинлаш тўғрисида Миллий Мажлисга тақдимнома киритади; қолган судларнинг судьяларини лавозимга тайинлайди; Миллий Мажлиснинг розилиги билан **О.** Бош прокурорини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; **О.** ҳарбий доктринасини Миллий Мажлис тасдиқлаши учун киритади; **О.** нинг давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномаларини тузади; референдум тайинлайди; **О.** қонунларини имзолайди ва эълон қилади, кечиктирувчи вето ҳуқуқига эга; фуқаролик, сиёсий бошпана бериш масалаларини хал қилади; афв эълон қилади; **О.** Хавфсизлик кенгашини тузади; фавқулодда ва ҳарбий ҳолат эълон қилади; Миллий Мажлиснинг розилиги билан уруш эълон қилади ҳамда сулҳ тузади ва ҳ.к.

**О.** Президенти истеъфoga чиқиши мумкин бўлиб, бунинг учун у **О.** Конституциявий судга ариза беради ва Конституциявий суд истеъфони қабул қилиш ҳақида қарор чиқаради.

**О.** Президенти соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли ўз ваколатларини бажариш қобилиятини тўла йўқотганлиги ҳақида маълумот тақдим этилгани тақдирда (ким тақдим этиши Конституцияда аниқ кўрсатилмаган) Миллий Мажлис бу ҳолатни аниқлаштириш учун Конституциявий судга мурожаат этади. Конституциявий суд ушбу масала юзасидан кўпчилик (олтита) овоз билан қарор қабул қилади. Агар Конституциявий суд ҳолатни тасдиқламаса масала тугаган деб ҳисобланади.

Ниҳоят, оғир жиноят содир этгани тақдирда Президентни лавозимидан четлаштириш масаласи **О.** Олий судининг 30 кун ичида тақдим этилган ҳулосаси асосида Конституциявий суд ташаббуси билан Миллий Мажлиснинг олдига қўйилиши мумкин. Президент Миллий Мажлиснинг кўпчилик (95 та) овоз билан қабул қилинган қарори асосида лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Бу қарорни **О.** Конституциявий судининг раиси имзолайди. Агар бир ҳафта ичида Конституциявий суд ушбу қарорни имзолашни ёқлаб чиқмаса, у кучга кирмайди.

Вазирлар Маҳкамаси **О.** Президенти томонидан ижроия ваколатларининг амалга оширилишини ташкил этиш мақсадида тузилади ва

республикада ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори органи ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси **О.** Президентига бўйсунди ва унга ҳисоб беради. Бош вазир Миллий Мажлиснинг розилиги билан Президент томонидан тайинланади. Агар Миллий Мажлис уч марта розилик бермаса, Президент Бош вазирни ўзи тайинлаши мумкин. 30 ёшдан кичик бўлмаган, олий маълумотли, сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва бошқа давлат олдиди мажбуриятларга эга бўлмаган **О.** фукаросигина Бош вазир лавозимига тайинланиши мумкин.

**О.да** суд ҳокимиятини Конституциявий суд, Олий суд, Иқтисодий суд, умумий ва махсус судлар амалга оширади. Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослик бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга 30 ёшдан кичик бўлмаган шахслар судья бўлишлари мумкин. Судьялар мустақилдирлар, алмаштирилмайдилар ва дахлсиздирлар.

**О.** Конституциявий суди **О.** қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Миллий Мажлис қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда марказий ижро этувчи ҳокимият органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг **О.** Конституциясига мувофиқлиги; Президент, Вазирлар Маҳкамаси, марказий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳужжатларининг қонунларга мувофиқлиги; Вазирлар Маҳкамаси ва марказий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳужжатларининг фармонларга мувофиқлиги; Олий суднинг қарорлари **О.** Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги; муниципалитетларнинг ҳужжатлари **О.** Конституциясига, қонунларига, Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқлиги; **О.нинг** қучга қирмаган давлатлараро шартномаларининг **О.** Конституциясига мувофиқлиги, **О.** ҳукуматлараро шартномаларининг **О.** Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги; сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларини тақиклаш тўғрисидаги; Наҳичеван Автоном Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг **О.** Конституцияси, қонунлари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқлиги, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар чегараланиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади. Конституциявий суд **О.** Конституциясига шарҳ беради.

Наҳичеван Автоном Республикаси **О.** Таркибига қиради ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг мақоми **О.** Конституцияси билан белгиланади. У ўз Конституцияси ва қонунларига эга бўлиб, улар тегишлича **О.** Конституцияси ва қонунларига зид бўлмадлиги лозим. Наҳичеван Автоном Республикасининг қонун чиқарувчи органи – ваколат муддати 5 йил бўлган 45 аъзодан иборат Олий Мажлисдир. Автоном республиканинг Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият органидир. Олий Мажлис раиси Наҳичеван Автоном Республикасининг олий мансабдор шахси ҳисобланади.



**О.да** маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муниципалитетлар томонидан амалга оширилади. Улар сайлов асосида шакллантирилади.

**О.** Конституциясига ўзгартишлар фақат референдум йўли билан киритилади. Шу билан бир қаторда, Конституцияга Миллий Мажлис кўпчилиги (95 та) овоз билан қабул қиладиган, унинг асосий матнига зид бўлмаган конституциявий қонунлар воситасида қўшимчалар киритилиши мумкин. **О.** Конституциясининг 156-моддасига мувофиқ бундай қонунлар учун 6 ой оралатиб икки марта овоз берилади. Улар қабул қилинган, ҳар гал имзолаш учун **О.** Президентига тақдим этилади. Иккинчи овоз беришдан кейин Президент томонидан имзоланган конституциявий қонунлар кучга киради, улар орқали қабул қилинган қўшимчалар **О.** Конституциясининг ажралмас қисмига айланади.

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЧОРАСИ** – суд томонидан чиқарилган ҳукмга асосан қўлланиладиган жиноий жазонинг бир тури бўлиб, ахлоқ тузатиш мақсадида амалга оширилади.

**ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ** – Суд ҳукми чиқарилган санагача ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни жамиятдан ажратмай, махсус муассасада назорат остида сақлашни назарда тутати. Мазкур жазо чораси ўталадиган муассасалар *ахлоқ тузатиш муассасалари* деб номланади.

**О.ч.:** қасддан жиноят содир этгани учун ҳукм қилинган ва илгари судланмаган шахсларга – бир йилдан уч йилгача муддатга; эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этгани учун ҳукм қилинган шахсларга – бир йилдан беш йилгача муддатга тайинланади. Мажбурлов ёки ахлоқ тузатиш ишлари алмаштирилганида **О.ч.** бир йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

**О.ч.га** ҳукм қилинган шахс жазони ўташдан ашаддий тарзда бўйин товлаган тақдирда, мазкур жазо чораси *озодликдан маҳрум қилиш* жазоси билан алмаштирилади. Бунда ўталган **О.ч.** даврининг бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни ҳисобига ўтади.

Мазкур жазо чораси биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, саккиз ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларга, эллик ёшга тўлган аёлларга, олтмиш ёшга тўлган эркакларга, шунингдек чақирик бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга тайинланмайди.

**ОКРУГ** – конституциявий ҳуқуқда ҳар хил маънода қўлланидиган тушунча:

1) автоном округ – Россия Федерациясидаги миллий-давлат тузилмаси (миллий-худудий тузилма), РФ субъекти. 1977 й.гача – миллий **О.**;

2) бир қанча давлатлар (масалан, Исландия, Португалия, Россия)да маъмурий-худудий бирлик;

3) ҳарбий-маъмурий худудий бирлик – ҳарбий **О.**;

4) айрим соҳаларда бошқарув ёки назорат ҳудуди: мактаб (ўқув) **О.**, тор **О.** ва б.;

5) одил судловни амалга ошириш ҳудуди – суд **О.**;

6) сайлов бирлиги. Масалан, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун мамлакатда бир юз йигирмата ҳудудий сайлов **О.** тузилади.

**ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ** – ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан 15 кишидан иборат сайланган гуруҳ бўлиб, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайлангач тугайди.

Оқсоқоллар кенгаши томонидан Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш Қонунчилик палатаси Спикерини сайлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони Оқсоқоллар кенгашининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИ** – ҳар икки палата ўз аъзоларидан иборат таркибда қўмита ва комиссиялар ташкил қилади.

ЎзР Конституциясининг 87-моддасига асосан, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунлар ва палата қабул қилган қарорлар ижросини назорат қилиши учун ўз ваколат муддатига палата депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди.

Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонун ҳамда Сенат қарорларини ижросини назорат қилиш учун сенаторлар орасидан қўмиталар сайлайди.

Палаталар қўмиталарини сайлаш тартиби, ваколатлари, қўмиталар ишини ташкил этиш тартиби, мажлисларини ўтказиш тартиби, қўмита қарорлари, комиссиялар тузиш тартиби, тегишлича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрдаги қонунлар билан белгиланади. Бундан ташқари қўмита ва комиссиялар фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси Регаменти тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида»ги 2003 йил 29 августдаги қонунлар билан тартибга солинади.

Қонунчилик палатасида регламент; бюджет; банк ва молия масалалари; иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; меҳнат ва ижтимоий масалалар; мудофаа ва ҳафвсизлик

масалалари; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатаси бошқа кўмиталар ҳам тузиши мумкин. Кўмиталарнинг умумий сони қоида тариқасида ўнтадан ошмаслиги керак. Палата маълум вазифани бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Сенатда регламент; ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари; ташкилий, маъмурий масалалар; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; мудофаа ва хавфсизлик масалалари; ташқи сиёсат масалалари кўмиталари тузилиши шарт. Сенатда бошқа кўмиталар ҳам тузилиши мумкин. Кўмиталарнинг умумий сони қоида тариқасида саккизтадан ошмаслиги керак.

**ОЛИЙ СОВЕТ (Кенгаш)** — 1936 йилдан кейин СССР, иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органининг номи. 1991 йилгача расмий ҳужжатларда Олий Совет деб юритилган.

**ОЛИЙ СУД** — бир қатор мамлакатларда ёки федератив давлатларни ташкил этувчи тузилмаларда олий судлов инстанциясининг энг кўп қўлланиладиган номи (қаранг. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди.*)

Лекин бундай ном яқка-ягона эмас. Масалан, Францияда Кассация суди шундай инстанция ҳисобланади, АКШнинг айрим штатларида шу хилдаги судлар Юқори суд деб аталади ва х.к.

**ОМБУДСМАН** — бир қанча давлатларда парламент томонидан тайинланадиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажарадиган махсус ваколатли мансабдор шахс (адабиётларда атаманинг «омбудсмен» шакли ҳам қўлланади). ЎЗРда — *Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили.*

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ** — ЎЗРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган) 1997 й. 26 декабрь Қонунига мувофиқ, газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир. Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ** — фуқароларнинг исталган ахборотни излаш, олиш ва уни эркин тарқатишдан иборат конституциявий ҳуқуқи бўлиб, ЎЗР Конституциясининг 29-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қоида ЎЗРнинг кўпгина қонунларида ўз аксини топган. Чунончи, газета, журналлар, теле-радио кўрсатувлар, ҳужжатли кино ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа даврий нашрлари орқали ахборот олиш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларнинг бир қисми ЎЗРнинг 1997 йил 26 декабрида қабул қилинган

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Оммавий ахборот эркинлиги ЎзРнинг Фуқаролик кодекси билан ҳам тартибга солинади. Хусусан, фуқаролик кодексининг 97-моддасида мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин дейилади. ФКнинг 98-моддасига биноан, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг мафийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя қилинади.

Ахборот эркинлиги, агарда ахборотларни олиш ва тарқатиш мавжуд конституциявий тузумга қарши йўналтирилган бўлса ва улардан жамият манфаатларига қарши фойдаланилса таъқиқланади.

**ОММАВИЙ ҲОКИМИЯТ** — қаранг: Халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий ҳокимият.

**ОНА ТИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ** — ЎзР Конституциясининг 4-моддасида мустаҳкамлаб берилган фуқаро ҳуқуқларидан бири.

Давлат аҳолиси кўпчилиги ёки асосий қисмининг ушбу давлатда конституция асосида давлат тили сифатида белгиланган тили — давлат тили.

ЎзР Конституцияси 4-моддасига мувофиқ ЎзРнинг бутун ҳудудида ўзбек тили давлат тилидир. Давлат тили ЎзРнинг давлат ҳокимияти органларида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларида, давлат муассасаларида асосий тил сифатида ишлатилади. Давлат тили расмий тил ҳисобланади. Давлат тилидан фойдаланиш ва уни қўллаш тартиби ЎзРнинг «Давлат тили тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1995 йил 21 декабр Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонунга мувофиқ 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган қонуннинг янги таҳрири тасдиқланган.

ЎзР ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларни ривожланиши учун шароит яратади.

**ОНАЛИК, БОЛАЛИК ВА ОИЛАНING ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ҲУҚУҚИ** — ЎзР Конституцияси 63,64,65-моддаларига биноан оналик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни тарбиялаш, ота-оналарнинг ҳуқуқи ва мажбуриятидир. 18 ёшга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар, меҳнатга лаёқатсиз ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

ЎзР Конституциясининг 46-моддаси хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини мустаҳкамлаб қўйган. Аммо ўз

табиатига кўра ва анъанавий ижтимоий одатга биноан хотин-қизлар ва эркаларнинг оиладаги вазифаларида муайян фарқ бор. Қонунчиликда оналикни қафолатлаш, кўп болали ва ночор оилаларнинг давлат томонидан кўллаб-қувватланиши қафолатланган. Болалар ва оналарнинг манфаатларини ҳисобга олиш, эр-хотинларнинг никоҳдаги тенг ҳуқуқлилиги, шу жумладан фарзандлар тарбиясидаги ҳуқуқ ва бурчлари давлат сиёсати ва қонунчиликка асос қилиб олинган.

**ОПАЦИЯ** – конституциявий ва халқаро ҳуқуқда ҳудудий ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда фуқароликни олиш ёки тугатиш усуллари билан бири.

**О.** – давлатга мансублигини ўзгартирган ҳудудда яшайдиган шахслар учун фуқароликни танлаш ҳуқуқи. Агар ҳудуд бирор мамлакат таркибига киритилса, унда яшайдиган шахслар умумий қоидага биноан давлат ваколатли органларига илтимоснома билан мурожаат этмасдан фуқароликни оладилар. Давлат фуқаролигини олиш фуқаролик паспортини бериш орқали расмийлаштирилади. Юқорида зикр этилган илтимоснома билан фақат тегишли давлат фуқаролигини олмасликка қарор қилган шахслар белгиланган муддатда мурожаат этадилар.

Масалан, агар ҳудуд федерация таркибидан чиқарилса, унда яшайдиган шахслар федерация фуқаролигидан чиқарилади. Мазкур масала юзасидан ҳам давлат органларига мурожаат этиш талаб қилинмайди. Аммо федератив давлат фуқаролигида қолишни истаган шахслар бу ҳақда белгиланган муддатда ариза беришлари лозим.

Ҳудудий ўзгаришлар чоғида фуқароликни танлашнинг муайян тартиби ва муддати давлатнинг халқаро шартномаси билан белгиланади. Шартномада белгиланган муддат ўтганидан кейин **О.** орқали фуқароликни ўзгартириш имконияти йўқолади.

**ОРГАНИК ҚОНУНЛАР** – конституциявий ҳуқуқ фанига, айрим мамлакатларда эса – қонунчиликка оид тушунча. **О.қ.** деганда кўпинча давлат органлари мақоми, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш асосларини белгилайдиган ёки муҳим давлат тадбирлари – масалан, референдумларни тартибга соладиган қонунлар тушунилади. Айрим муаллифлар қабул қилиш давлат конституциясида бевосита ёки билвосита назарда тутилган ҳужжатларни **О.қ.** деб ҳисоблайдилар.

**ОЧИҚ ОВОЗ БЕРИШ** – депутатларни ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларни аҳоли томонидан сайлашда ва коллгегиал органлар, шу жумладан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш усули. Очиқ овоз беришнинг яширин овоз беришдан фарқи шуки, овоз берувчининг хоҳиши бошқа шахслар кўз ўнгида ифода этилади ва уларга кўриниб туради. Очиқ овоз бериш турли усулларда, масалан, кўл кўтариш, ўриндан туриш, мажлис залидан турли эшикларга («тарafdорлар» бир эшикдан ва «қаршилар» бошқа эшикдан) чиқиши, маж-

лис залига турли эшиклардан кириш орқали ва бошқа усулларда ўтказилади. Очик овоз бериш парламентларда кўпинча электрон овоз бериш тизими ёрдамида ўтказилади. Бунда, биринчидан, ёнидагилар мазкур депутатнинг қайси тугмачани босганлигини кўриб туради, иккинчидан, машина умумий маълумотларнигина эмас, шу билан бирга ҳар бир овоз берувчига доир маълумотни ҳам кайд этади.

Ҳозирги вақтда депутатлар, президентлар ва бошқа мансабдор шахслар сайлови аҳоли томонидан яширин овоз бериш асосида ўтказилади. Ваколатли органларнинг мажлисларида мансабдор шахсларни сайлаш турлича (ҳам очик, ҳам яширин овоз бериш йўли билан) ўтказилади. Бу масала ёки ваколатли органнинг иш тартибиди, ёки муайян мансабдор шахсни сайлаш пайтида ҳал қилинади. Қонунлар очик овоз бериш орқали қабул қилинади. Одатда, парламентлар ва уларнинг палаталари бошқа қарорларни қабул қилишда ҳам очик овоз беришдан фойдаланади. Айрим пайтларда яширин овоз бериш ҳам ўтказилади.

**ОШКОРАЛИК** – конституциявий талаб сифатида **О.** конституциявий-ҳуқуқий тартиб-таомилларнинг энг кўп даражада очиқлигини ва улар ҳақида аҳолининг кенг хабардор қилинишини англатади. Бунда конституциявий-ҳуқуқий тартиб-таомиллар деганда парламентлар ва президентлар, ҳукуматлар, конституциявий судлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти, тегишли органларни сайлаш ёки шакллантириш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби ва бошқа шу сингарилар тушунилади.

**ПАЛАУ (Палау республикаси)** – Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги Каролина ороллари гуруҳида жойлашган давлат. Илгари БМТ васийлигида АҚШ бошқарувида бўлган. АҚШ билан «эркин уюшган давлат» ташкил этиш тўғрисида етти марта ўтказилган плебисцит муваффақиятсиз тугагач, 1993 йил 9 ноябрдаги 8 – плебисцитда (ижобий жавоблар чегараси 75 фоиздан 51 фоизга тушурилганидан сўнг) 50 йил муддатга АҚШга ихтиёрий қўшилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. 1994 йил 1 октябрдан Палау республикаси АҚШ билан «эркин уюшма» доирасида, аммо васийликсиз мустақиллик олди. 1994 йил 15 декабрдан бошлаб БМТ аъзоси. Пойтахти – Қарор шаҳри. Маълумий жихатидан 16 штатга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1981 йил 1 январда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – Президент. У умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент амалга оширади, у Сенат (14 сенатор) ва Делегатлар палатаси (16 делегат)дан иборат. Сенаторлар 8 йил муддатга сайланади ва ороллар аҳолиси сонига мутаносиб вакиллик қилади. Делегатлар тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ҳар бир штатдан биттадан сайланади.

Хукуматга президент ва вице-президент бошчилик қилади, у атига уч вазир ва бир давлат вазиридан иборат бўлади.

**ПАНАМА** – (Панама республикаси) – Марказий Америкадаги давлат. Мустақиллиги 1903 йил 3 ноябрь куни эълон қилинган (1821 йилдан 1903 йилгача Колумбия таркибида бўлган). 1903 йилда АҚШ билан тузилган шартномага биноан Панама худудининг бир қисми – Панама канали зонаси АҚШга муддатсиз фойдаланиш учун топширилган. Панама канали тўғрисида 1979 йил 1 октябрда тузилган янги шартномалар канал зонаси устидан Панаманинг суверенитетини тан олади ва канални босқичма босқич унинг ихтиёрига топширишни кўзда тутади. Пойтахти – Панама шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 9 та вилоят ва уч мухтор хинду резервациясига бўлинади.

Бошқарув шакли республика. Узок вақт мобайнида мамлакатни диктатор О.Торрихос (1977–1981 йиллар) ва генерал Норъегани идора қилиб келди. АҚШ маъмурлари Норъегани наркобизнес билан шуғулланишида айблаб, 1989 йилда ўвирлаб олиб кетди. Ҳозир амалда бўлган Конституция 1972 йил октябрда қабул қилинган (унга 1978 ва 1983 йилларда тузатишлар киритилган). Давлат бошлиғи – Президент, у умумий тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Айни вақтда, худди шу муддатга икки вице-президент ҳам сайланади.

Конун чиқарувчи Ассамблея 72 депутатдан иборат бўлиб, улар мутаносиб тизим бўйича умумий тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Мамлакат Президенти ҳукуматни тузади ва унга бошчилик қилади.

**ПАПУА** – Янги Гвинея – Австралиянинг шимолидаги давлат. Германия ва Буюк Британиянинг собиқ мулки, сўнг Миллатлар иттифоқи ва БМТ мандати остидаги Австралия бошқарувидаги худуд. 1975 йил 16 сентябрдан мустақил давлат. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. Пойтахти – Порт-Морсби шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 19 вилоятга бўлинади. Пойтахт округи алоҳида маъмурий-худудий бирлик қилиб ажратилган.

Амалдаги Конституцияси 1975 йилда қабул қилинган.

Бошқарув шакли парламентар монархия. Мамлакат ҳукуматининг розилиги билан тайинланадиган Генерал-губернатор Буюк Британия Қироличаси номидан иш юритади. Амалда Генерал-губернаторни парламент яширин овоз бериш йули билан сайлайди, сўнг унинг номзодини Қиролича тасдиқлайди. Ваколат муддати 6 йил.

Конун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали Миллий парламент амалга оширади, 5 йил муддатга сайланадиган 109 депутатдан иборат. Ҳукумат миллий ижроия кенгашидир. Парламент сайлайдиган Бош вазир ҳукуматни тузади.

**ПАРАГВАЙ** – (Парагвай республикаси) – Жанубий Америка-

нинг марказий қисмида жойлашган давлат. Мустақиллиги 1814 йил майда эълон қилинган. Пойтахти – Асунсьон.

Мамурий жиҳатдан 19 департамент ва пойтахт округига бўлинди. Амалдаги Конституция Миллий конституциявий Ассамблея томонидан қабул қилиниб, 1992 йил 21 июнда кучга кирган. Конституцияга биноан Парагвай – республика.

1954 йилдан 1984 йилгача мамлакатни диктатор Стресснер идора қилди. Барча диктаторлар орасида энг кўп ҳукмронлик қилган бу шахсни 1989 йилда генерал А. Родригес ағдариб ташлади, ўша йили у президент этиб сайланди.

Давлат бошлиғи – Президент, у тўғридан-тўғри умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва иккинчи муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. У билан бир вақтда вице-президент ҳам сайланади. Парламент (конгресс) икки палатадан иборат. Сенат (45 сенатор) ва Депутатлар палатаси (80 депутат) умумий тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади.

Ижрочи ҳокимиятни Вазирлар кенгаши амалга оширади. Мамлакат Президенти ҳукуматни тузади ва унга бошчилик қилади.

**ПАРЛАМЕНТ ГУРУҲИ** – парламент депутатлари тузадиган бирлашмаларнинг умумлашма номи (яна қаранг – депутатлик гуруҳи).

**ПАРЛАМЕНТ КОАЛИЦИЯСИ** – одатда, парламентда бошқа партия, ҳаракатларга қараганда кўпроқ депутатлик ўрнини олган, (аммо барча депутатлар сонини ярмидан кўпи бўлмаган қисмини олган, шу сабабли бир партияси ҳукумат туза олмайдиган) партиянинг коалицион ҳукумат тузиш ва парламентнинг қўллаб-қуватлашни таъминлаш мақсадида бошқа бирон-бир партия, ҳаракат билан бирлашуви.

**ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ** – парламентнинг (парламент палатасининг) ўз депутатлари орасидан тузадиган доимий, ёки муваққат органи (яна қаранг: ЎзР Олий Мажлисининг Сенати ва қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссиялари).

**ПАРЛАМЕНТ ҚЎМИТАСИ** – парламент (палата) ўз депутатлари орасидан тузадиган, одатда, доимий, баъзан муваққат орган. У қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва уларни парламент (палата)даги муҳокамага тайёрлаш, парламент назорати вазифаси бажарилишига қўмаклашиш, парламент тингловлари ва шу кабиларни ўтказиш учун тузилади (яна қаранг: ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари ҳамда комиссиялари).

**ПАРЛАМЕНТ КЎПЧИЛИГИ** – сиёсий партия ёки бошқа парламент депутатларига номзодлар кўтариш ҳуқуқи бор ташкилотларнинг парламентда кўпчилик ўрнини олиш. Парламент кўпчилиги агар партия ва бошқа депутатнинг номзод кўрсатган ташкилотлар депутатлик мандатларининг 50 % дан ортиғига эга бўлса, мутлак, агар партия ёки бошқа ташкилотлар гарчи мандатларнинг ярмидан камроғи бўлса-



да, ўзга партия ва бошқа ташкилотларга қараганда, алоҳида олганда, кўпроқ мандатга эга бўлса, нисбий бўлиши мумкин.

**ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИ** – 1) Парламентар республикада депутатлар ёки депутатлик бирлашмаларининг йиғиндиси бўлиб, у парламентда (парламент палатасида) кўпчиликни ташкил этмайдиган ва шу сабабли ҳукуматни тузишга бевосита таъсир қила оладиган, парламент аъзоларини ўз ичига олади, ҳукумат таркибини кўпчиликка эга бўлган партия (партиялар), ҳаракат (ҳаракатлар) белгилайди.

**П.м.** аслида озчилик тарзида фаолият юритади ёки бунга қўшимча равишда ўзини «Парламент мухолифати» деб эълон қилади.

2) Президентлик республикасида **П.м.** – парламент (парламент палатаси) депутатларининг йиғиндиси бўлиб, улар ўз фаолияти туфайли ёки бунга қўшимча равишда расмий тарзда ўзини «Президентлик давлати сиёсатининг мухолифи» деб эълон қилади.

**ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАСИ** – парламентнинг таркибий бўлинмаси.

Палаталар (одатда улар иккита бўлади) ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ ва депутатлар (аъзолар) сонининг тенглиги принциплари асосида ёки юқори ва қуйи палаталар принциплари асосида қурилади. Юқори ва қуйи палаталар принциплари қабул этилганида, қонун лойиҳасини биринчи бўлиб кўриб чиқадиган палата қуйи палата деб, иккинчи бўлиб кўриб чиқадиган палата юқори палата деб аталади. Палаталар бир-бирига бўйсунмайди. Юқори палата қонун лойиҳасини рад қилиши мумкин, аммо қуйи палата ўз аъзолари овозларининг мажбуриятли кўпчилиги 2/3 қисми билан уни узул-кесил қабул қилишга ҳақли.

Палаталар тенг бўлган тақдирда улар парламент ваколатини биргаликда амалга оширади. Юқори ва қуйи палаталар принциплари шароитида уларнинг ҳар бири қонунчилик жараёнида ўз ўрнини олишдан ташқари давлат ҳаётининг у ёки бу масалаларини ҳал этишда бошқа мустақил ҳуқуқларга ҳам эга бўлади. Одатда, юқори ва қуйи палаталар аъзоларининг сони ҳам турлича бўлади. Бирмунча кенг халқ вакилчилиги асосида шаклландиган қуйи палата аъзоларининг сони кўпроқ бўлади. Одатда, сон жиҳатдан камроқ бўлган юқори палата кўпинча давлатнинг қисмлари, бўлақлари (федерация субъектлари) вакилларидан ташкил топади, бу вакиллар ё аҳоли томонидан сайланади ёки минтақаларнинг ваколатли ёхуд ижрочи органлари томонидан таъминланади, ё бўлмаса минтақадаги ваколатли ва ижрочи органларининг раҳбарлари лавозимини эгаллаб турганлиги туфайли юқори палата аъзоси бўлади.

ЎзР парламенти – Олий Мажлиси Сенат ва Қонунчилик иккита палатадан иборат бўлиши ЎзР нинг 1992 Конституциясига 2003 йилдаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ва ЎзРнинг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги» ва

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги» конституциявий қонунларга асосан мустақкамланган. ЎЗРнинг бу Олий Мажлисининг янги таркибига сайловлар 2004 йил декабрда ва 2005 йил январда бўлиб ўтган.

**ПАРЛАМЕНТ ТЕРГОВИ** – парламентнинг назорат фаолияти-ни амалга оширишнинг бир кўриниши. **П.т.** давлат ижроия ва бошқарув органларининг сиёсий хатолигига баҳо бериш мақсадида фаолият кўрсатади. **П.т.ни** парламент комиссиялари олиб борадилар ва улар белгиланган муҳлатларда фаолият кўрсатадилар (қаранг: депутатлик тергов).

**ПАРЛАМЕНТ ФРАКЦИЯСИ** – парламентдаги депутатлар бирлашмаларининг турларидан бири (бошқа бир тури – *депутатлар гуруҳи*). **П.ф.** – бир партия, ҳаракатга мансуб депутатлар бирлашмаси. Улар пропорционал сайлов тизимига асосан партия (ҳаракат) рўйхатига кўра сайланган ёки ҳудудий сайлов округлари бўйича партия (ҳаракат) томонидан киритилган ва мажоритар сайлов тизимига асосан сайланган бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 2002 й. 12 декабрь Қонунига мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак.

Фракция ва депутатлар гуруҳи қуйидаги ваколатларга эга бўлади: Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритиш; Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиш; келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўйиш; Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиш; Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қили-

наётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатиш; палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этиш; Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритиш; ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўйиш; фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олиш.

**ПАРЛАМЕНТ ЭШИТИШЛАРИ** – Парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, экспертларни маълум бир қонун лойиҳалари бўйича эшитиш фаолиятидир. Парламент ёки парламент палаталари (кўпинча алоҳида-алоҳида) ўтказадиган бирон-бир давлатнинг жамоат муаммосини ошқора муҳокамаси, парламент, палатага тегишли қонун лойиҳаси тақдим этилганида ёки у қўриб чиқиш жараёни шу шаклга киради.

Кўпинча парламент (палата) қўмиталари, комиссиялари баъзан қонун лойиҳасини ёки масалани тайёрловчи, парламент (палата) қонун тартибига киритувчи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар парламент эшитишлари ташаббусқори бўлади. **П.э.ни** ўтказиш тўғрисидаги қарорни парламент (палата) раҳбарияти қабул қилади. **П.э.га** парламент (палата)нинг тегишли қўмиталари, комиссияларининг аппарати тайёргарлик кўради. **П.э** соҳа қўмиталарига, комиссияларга кирувчи депутатлар, бошқа депутатлар, шунингдек, манфаатдор ташкилот, жамоатчилик вакиллари, олимлар, экспертлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилади.

**П.э.** соҳа қўмитаси, комиссияси вакилининг кириш ахбороти билан бошланади. Сўнг депутатлар, парламент эшитишининг бошқа қатнашчилари гапирадилар. Одатда, муҳокама охирида парламент эшитишининг тавсиялари қабул қилинади, масалани парламент (палата) муҳокамасига тайёрлашда, қонун лойиҳаси устида ишлашда шу тавсиялар эътиборга олинади.

**ПАРЛАМЕНТ** – давлатнинг давлат ҳокимияти органларидан биридир. Парламент – вакиллик муассасаси бўлиб, унинг депутатлари халқ томонидан сайланади ва Парламентда унинг манфаатлари ҳимоя қилинади. Парламент қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, яъни давлатнинг қонунларини қабул қилишда мутлоқ ҳуқуққа эга бўлади. Парламент давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда қатнашади, давлат бюджетини тасдиқлайди, давлатнинг солиқ асосларини ва умум давлат солиқлари ҳамда йиғимлари турлари белгилаб беради. Парламент бошқа давлат органларини шакллантиришда давлатнинг олий мансабдор шахсларини тайинлашда қатнашади – бу ишларни ё ўзи бажаради, ёки тегишли номзодлар у

билан келишиб олинади. Парламент давлат қонунлари ижроси устидан ва ижроия ҳокимияти органларининг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширади.

Парламент аҳоли турли катламлари ва гуруҳларини, давлат минтақаларини жиғслаштирувчи орган бўлиб хизмат қилади.

Парламент бир палатали ёки икки палатали бўлади (камдан кам ҳолларда палаталар кўпроқ бўлиши мумкин). Икки палатали парламентда палаталарни бири умумхалқ вакиллиги принципида бўлади. Унинг депутатлари ҳудудий сайлов округлари бўйича сайланади. Давлатнинг ҳудуди шундай округларга тақсимланади (мажоритар сайлов тизими) ёки пропорционал (мутаносиб) сайлов тизими бўйича, яъни сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таклиф этган рўйхатлар бўйича ёхуд аралаш тизим бўйича сайлаш ўтказилади.

Палаталарнинг иккинчиси давлатнинг қисмларидан вакиллик принципида бўлади. Мазкур палата аъзолари тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан, минтақаларнинг қонун чиқарувчи мажлислар томонидан сайланади ёхуд минтақалардаги қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимиятнинг бошлиқлари лавозимларини эгаллаб турганлари туфайли палата аъзоси бўладилар, ё бўлмаса, минтақалар ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадилар.

Икки палатали парламентда палатанинг тенглиги ва айни бир вақтда ишлаши принциpidан камдан кам фойдаланилади, кўпинча мустақил ишлайдиган юқори ва қуйи палаталар деб аталган принцип амал қилади, қонунчилик жараёни қуйи палатада бошланади ва у қабул қилган қонун кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун юқори палатага узатилади.

Парламентлар сессия тарзида ишлайди. Сессиялар парламентнинг ялпи мажлисларидан ёки касаба мажлисларидан, депутатлик қўмиталари, комиссиялари, фракциялари ва гуруҳларнинг ишидан, парламентдаги тингловларидан ва бошқа тадбирларидан иборат бўлади. Айрим парламентларнинг депутатлари фақат сессияларда ишлайдилар, бошқалари депутатлик мандати тан олингач, аввалги лавозимидан бўшаб доимий ишлаш учун парламентга ўтадилар. Парламент давлатнинг қонунларини қабул қилишдан ташқари қарорлар, баёнотлар, декларациялар, мурожаатномалар, резолюциялар ва бошқа ҳужжатларни ҳам қабул қиладилар.

Парламентнинг регламенти (парламентларнинг регламентлари) парламентни ташкил этишни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Бундан ташқари парламент тўғрисидаги, парламент депутатлари (аъзолари)нинг мақоми ҳақидаги, унинг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин.

**ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКА** – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган давлат тури (президент республикасига ҳам қаранг).

Кўпинча парламент ва президент республикалари хусусиятлари бирга қўшган аралаш шакллар мавжуд бўлади.

Парламентар республиканинг ўзига хос хусусияти шуки, парламент давлатда етакчи рўлни ўйнайди, у қонунларни қабул қилишдан ташқари ҳукуматга ва давлат бошқарувининг бошқа органларига кучли таъсир ўтказиши мумкин. Ҳукуматнинг таркибини ё депутатлик ўринларининг ярмидан кўпига эга бўлган бир партиядан иборат парламент кўпчилиги ёки партиясиз коалицияси белгилайди. Агар давлатда монарх (президент) бўлмаса, парламент ё ҳукумат раисини ва унинг тақдимига биноан бутун ҳукумат таркибини ёки фақат ҳукумат раисини тасдиқлайди, сўнгра раис ҳукуматни ўзи тузади. Агар давлатда монарх (президент) бўлса, у ҳукумат раисини фақат расман тасдиқлайди, чунки ҳукумат раиси номзодини парламент кўпчилиги кўрсатади.

Парламент ўз ҳужжатлари ва ҳаракатлари билан давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосларини белгилайди.

Парламентар республикада ҳукумат парламент олдида масъул бўлади, парламент ҳукуматнинг фаолиятини муҳокама қилади ва иш дастурини маъқуллайди. Кўпинча Парламентар республикада парламент ҳукуматининг йиллик ҳисоботини тинглаш ёки ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳукуматнинг навбатдан ташқари ҳисоботи ёки маърузасини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Парламент ҳукуматга ишончсизлик билдиришга ҳақлидир, бу ҳолда ҳукумат кўпинча истеъфога чиқади. Парламент ҳукумат раисига ёки унинг аъзосига ишончсизлик билдирганда ҳам улар истеъфога чиқади (одатда ҳукумат раиси билан бирга унинг таркиби истеъфога чиқади).

Парламентар республикада парламентнинг мутлоқ ҳокимияти йўқ, албатта. Қонуний тарзда тузилган ҳукумат давлат Конституцияси ва қонунларида кўзда тутилган ўз вазифаларини бажаришда мустақил бўлади. Аммо муайян вазиятларда парламент тарқатиб юборилиши мумкин. Масалан, агар парламент кўпчилиги ҳукуматни тузиш имконияти берадиган коалиция вужудга келмаса, ёки ҳукуматга ёхуд унинг раисига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги таклиф учун зарур миқдордаги овоз берилмаса, шунингдек парламент депутатлари ва фракциялар ўртасида ички низолар оқибатида ўз сессиясига тўплана олмай, унинг фаолиятини тўхтатиб қолса, парламент тарқатиб юборилади.

Адабиётда «парламентар республика» ибораси билан бир қаторда «парламент республикаси» ишлатилади, принцип жиҳатидан ҳар иккала ибора бир маънони билдиради.

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** – давлат фаолиятини ташкил этиш хусусиятларидан бири бўлиб, аҳоли томонидан сайланадиган ва доимий ишлайдиган парламентнинг мавжудлигини, унинг обрў эътибори ва давлат ишларига, жамиятнинг сиёсий турмушига таъсирини, шунинг-

дек ўзига хос иш шакллари ҳамда парламент аъзолари билан сайловчиларнинг муносабатларини характерлайди.

Парламентаризмнинг биринчи белгиси – ваколатли муассасанинг мавжудлигидан иборат, бу муассаса доимий равишда ишлайди, яъни вақтнинг кўп қисмини ялпи мажлислар, кўмита ва комиссияларнинг мажлисларида ўтказади. Парламентаризмнинг навбатдаги белгиси парламентга хос ваколатларнинг мавжудлиги: қонунлар қабул қилиш; давлат бюджетларини, солиқларини ҳар томонлама муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда, давлатнинг бир қатор органларини тузишда ва олий мансабдор шахсларни тайинлашда қатнашиш; парламент назорати вазифасини бажаришдир.

Парламентаризм парламент ишининг ўзига хос шакллари ва усуллари: ялпи мажлислари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан кенг мунозаралар ўтказиш, парламент эшитишлари, депутатларининг сўровлари, ҳукумат вакилларининг парламентдаги саволларига жавоб бериш соати, парламент кўмита ва комиссиялари, фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг иши каби усуллардан фойдаланади. Бундан ташқари парламентаризм депутатлар ва сайловчиларнинг алоҳида муносабатларини йўлга қўяди. Одатда депутатлар эркин мандатга эга бўлади, яъни сайловчиларнинг нақзларига боғлиқ бўлмайди, сайловчилар олдида ҳисоб бермайди ва муддатдан аввал чақириб олиниши мумкин эмас (сайловчиларнинг ишончини оқламаган ёки ноқўя иш қилган депутатлар сайловчилар томонидан чақириб олиниши мумкин). Шу билан бирга депутатлар сайловчилар билан доимий алоқада бўладилар, ўз ишлари ҳақида уларга ахборот берадилар, уларнинг шахсий муаммоларини ҳал этишда кўмаклашадилар.

**ПАРЛАМЕНТДА ОВОЗ БЕРИШ** – давлатнинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органида муҳокама қилинадиган ва ҳал қилинадиган масалалар юзасидан депутатлар хоҳиш-иродасини аниқлаш усули.

Очик овоз беришда (кўл кўтарганда, ўрнидан турганда, номном овозга беришда ва х.к.) ҳар бир депутатнинг қандай тўхтама келганини атрафдагилар кўриб-билиб туради. Замонавий парламентлар очик овоз беришда ҳар бир депутат қандай овоз бераётганини – «ёқлаши», «қаршилиги» ёки «бетарафлиги»ни таблода кўрсатадиган электрон овоз ҳисоблаш тизимидан фойдаланмоқда. Агар парламентнинг Регламентида назарда тутилган бўлса, сўраган депутатга тегишли маълумотлар берилиши мумкин.

Яширин овоз бериш кўпинча махсус бюллетенлар воситасида амалга оширилади. Уларни депутат шахсан (қоида тариқасида, махсус хона ёки бўлмада) тўлдирди ва овоз бериш қутисига ташлайди. Шу туфайли депутат қандай тўхтама келгани атрафдагиларга номаълум бўлиб қолади.

Электрон тизимдан фойдаланган ҳолда яширин овоз беришни ўтказиш мумкин, лекин бунда депутатларнинг номма-ном овоз бериши тўғрисидаги маълумотлар электрон тизимнинг хотирасига киритилмайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга (2003 йил 29 август) мувофиқ, Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очик ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очик овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимдан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимдан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули ЎзРнинг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

ЎзР Конституциясининг 82-моддасига биноан, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чунончи, конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт (ЎзР Конституциясининг 81-моддаси).

Шунингдек, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул илинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

**ПАРЛАМЕНТДАГИ КўПЧИЛИК** – Мамлакат парламентида сайловлар натижасида сиёсий партия ёки сиёсий партиялар келишув натижасида шакллантирилган гуруҳ бўлиб, у микдор жиҳатдан нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Айрим давлатларда парламент сайловлари натижасида кўпчилик жойни (мандатни) эгаллаган партия ёки бирлашма парламентдаги

кўпчиликка таяниб ҳукуматни тузиши ёки Президентни сайлаши мумкин.

Ҳукумат ёки Президент парламентдаги кўпчиликка таяниб, ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларини амалга оширадилар. Ўзбекистон қонунчилигида парламентдаги кўпчилик масаласи ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларига номзодларни кўрсатиш, Қонунчилик палатаси кўмиталарини тузишда парламентдаги кўпчиликнинг фикри инobatга олинади. Унга кўра, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун тузилган Оксоқоллар кенгаши, Спикер ва унинг ўринбосарларига номзодларни, қоида тариқасида, энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси кўмита ранси, унинг ўринбосари ва кўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инobatга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 3 ва 7-моддалари).

**ПАСПОРТ** – шахснинг қайси давлат фуқароси эканини билдирувчи асосий ҳужжат. ЎЗРда паспорт шахснинг ЎЗР ҳудудида ва чет элларда Ўзбекистон фуқароси эканлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат. Паспорт олгунга қадар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ҳужжат унинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. ЎЗРнинг фуқароси паспортини бериш тартиби ЎЗР Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган ЎЗРда паспорт тизими тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ушбу Низомга асосан, ЎЗРда 16 ёшга тўлган барча фуқароларга ЎЗРнинг фуқароси паспорти берилиши шарт.

ЎЗРнинг паспорти хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилад. Паспортни республика ички ишлар органлари беради.

ЎЗР фуқароси паспортига юқорида кўрсатилган паспорт тўғрисидаги Низомга асосан шахснинг куйидаги асосий маълумотлари кўрсатилиши шарт: исми, отасининг исми, фамилияси, жинси, туғилган йили ва туғилган жойи. Паспортда фуқаронинг қаерда туриши тўғрисида маълумот бўлиши керак, харбий ҳисобдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот, никоҳдан ўтганлиги, 14 ёшга тўлмаган болалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Хар бир шахс ўзининг фуқаролигини тасдиқловчи паспортини яхши асраши, паспорт тизими қоидаларига



риоя қилиши шарт. Фуқаролар паспорт тизими қондаларини бузганлик учун ЎзР қонунларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** – фуқароларнинг ваколатли орган депутатлигига ёки сайлаб қўйиладиган давлат лавозимига, ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимидаги лавозимга сайланиш ҳуқуқи. **П.с.х.** конституциявий ҳуқуқ фанининггина тушунчаси бўлиб қолмай, балки қонунчилик тушунчаси ҳамдир.

Сайланишни хоҳловчи фуқаро, ЎзР қонунчилигига биноан, шахсан фаоллик кўрсатиш – ўзи учун ташвиқот қилиши, бошқача айтганда, асло сайлов компаниясининг пассив қатнашчиси бўлмаслиги керак. Шу сабабли «Пассив сайлов ҳуқуқи» тушунчаси номзоднинг шахсий феъл-атвори билан эмас, балки пировард натижа билан – бошқа шахсларнинг, яъни сайловчиларнинг овози орқали сайланиш билан боғлиқдир. Сайлов куни эса, номзод бу натижани «пассив» тарзда кутиб туради, шу куни у бунинг устига ўзининг сайланиши учун ташвиқот қилиши ҳақли эмас (қонунчиликда овоз бериш куни ҳар қандай ташвиқот таъқиқланади).

ЎзР сайлов қонунчилигига асосан депутатлар номзодлари ва мансабдор шахсга маълум талаблар қўйилган. Олий Мажлис депутатлигига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари, республика Президентлигига 35 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси, маҳаллий кенгаш депутатлигига 21 ёшга тўлган ЎзР фуқаролари сайланиши мумкин. ЎзР Конституциясининг 90-моддаси Республика Президентлиги номзодига қўйидаги талабларни қўяди: Президентликка номзод ЎзР ҳудудида камида 10 йил муқим яшаган бўлиши керак, ЎзР давлат тилини яхши биладиган бўлиши керак, Ўзбекистонда бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент бўлиб сайланиши мумкин эмаслиги.

**ПЕРУ – (Перу республикаси)** – Жанубий Американинг ғарбий қисмида жойлашган давлат. 1821 йил 28 июлдан мустақил. Маъмурий жиҳатдан 12 минтақа ва 1 вилоятга бўлинади. Хозир амалда бўлган конституция 1993 йил 31 октябрдаги референдумда маъқулланган, 1993 йил 29 декабрда кучга кирган. Конституцияга кўра Перу – республика.

XX аср давомида мамлакатда диктатуралар либерал режимлар билан алмашилиб туради. 1990 йил сайланган президент А. Фухимори (1995 йил қайта сайланди) 1992 йил «Демократияни мустаҳкамлаш» мақсадида парламентни тарқатиб юборди ва конституциявий кафолатларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйди. 1993 йил янги конституция қабул қилинди. 2001 йил 3 июнда бўлиб ўтган овоз беришнинг иккинчи давраси якунида «Перунинг келажаги учун» партиясининг раҳбари Алехандро Толедо президент этиб сайланди. Давлат бошлиғи – президент. У умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, иккинчи муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Бир палатали парламент – миллий конгресс 120 депутатдан ибо-

рат. Депутатлар пропорционал тизим бўйича умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади.

Ижроия ҳокимият президент ва Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади. Президент ҳукумат раисини ва унинг тавсиясига биноан вазирларни тайинлайди.

**ПЕТИЦИЯ** – фукароларнинг давлат ваколатли органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига жамоа бўлиб мурожаат қилиш шакли бўлиб, унда муайян норматив ҳужжатни ёки қарорни қабул қилиш (одатда, ҳужжат лойиҳаси илова қилинади) ёхуд орган мажлисида тегишли масалани кўриб чиқиш таклиф қилинади. Петицияга фукароларнинг турар жойи (бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиб) уларнинг муайян миқдордаги имзолари қўйилади. Кўпроқ миқдордаги имзоларнинг мавжудлиги ваколатли органини қўйилган масалани кўриб чиқишга мажбур қилади. Аммо у **П.да** баён этилган таклифларга ва қарор лойиҳаларига қўшилмаслиги ҳам мумкин.

**ПИКЕТЛАШ** – конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ЎЗР Конституциясининг 33-моддасида мустаҳкамланган митинг, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқини амалга ошириш усулларидан бири. ЎЗР Конституциясининг 33-моддасида ҳокимият органлари фақат халқни хавфсизлиги нуқтаи назаридангина бундай тадбирларни ўтказишни тўхтатиши ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилган. **П.** тушунчасида ҳозирча тўла аниқлик йўқ. Мас., агар гуруҳ эмас, балки бир киши плакат кўтариб бино ёнида турса; агар одамлар бино эшиги ёнида ёки бирон бир ҳудудга кириверишда эмас, балки, айниқса бу ерга яқинлашишнинг имкони бўлмаган тақдирда, унга яқин бўлган жойда турса, буни **п.** деб ҳисобланамиз, агар очлик эълон қилинган кишилар бино эшигига яқин жойда жойлашиб олса, буни очлик эълон қилиш деб ҳисоблаш мумкинми ва ҳоказо. Булар йиғилиш ва намойишлар ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қонунда батафсил баён этилиши керак.

**ПЛЕБИСЦИТ ДЕМОКРАТИЯСИ** – сиёсатшунослар, социологлар, конституциявий ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар фойдаланиладиган тушунча бўлиб, жамият ва давлатда, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари аввал муҳокамадан ўтказилиб, сўнгра халқ овозига қўйилиб хал этиладиган тарздаги демократияни билдиради.

**ПЛЕБИСЦИТ** – муҳим масала юзасидан халқнинг овоз бериши йўли билан давлат қарорини қабул қилиш. Кўпинча бу тушунчанинг ўрнига референдум ибораси ишлатилади, чунки улар ўтказилиш тартиби қоидаси, қарорлар қабул қилиш шакли ва уларнинг юридик мажбуриликка кўра бир биридан фарқ қилмайди.

Қандай масалалар кўриш доирасига келганда, конституциявий ва халқаро ҳуқуқ фанидаги баъзи муаллифлар ички сиёсий масалалар юзасидан ўтказиладиган овоз беришни референдум деб, ташқи сиёсий характердаги масалалар юзасидан овоз беришни (масалан: бирон бир

худуднинг давлатдан чиқиши мустақил давлат сифатида яшаш ёки бошқа давлат тартибига кириш тўғрисида овоз беришни; худуд ёки мустақил давлатнинг бирон бир давлат таркибига унинг таркибий қисми сифатида кириши тўғрисида овоз беришни; давлатнинг бирон бир халқаро ташкилотга кириши тўғрисида, давлатлар конфедерацияси, иттифоқи ёки бошқа уюшмасини тузиш тўғрисида, халқаро ташкилотлардан, давлатларнинг конфедерацияси, иттифоқи, бошқа бирлашмасидан чиқиш тўғрисида овоз беришни) плебисцит деб ҳисоблашни таклиф қиладилар. Ўзбекистонда референдум иборасини ишлатиш одат бўлиб қолган.

**ПЛЮРАЛИЗМ** — фикрлар хилма-хиллиги. МДХга аъзо бўлган баъзи мамлакатларнинг конституцияларида яқин пайтдан бери ишлатила бошлаган тушунча бўлиб, бирон-бир ижтимоий муҳим масала юзасидан фикрлар хилма-хиллиги ва фуқароларнинг турли ижтимоий бирлашмалари тузилиши имкониятини билдиради (яна қаранг: Сиёсий плюрализм).

**ПОЙТАХТ** — давлатнинг расмий маъмурий маркази. Давлатнинг Конституциясида назарда тутилади, аммо шу билан бирга баъзан пойтахт тўғрисида махсус қонун қабул қилинади. Жумладан, ЎзР Конституциясининг 6-моддасига мувофиқ, ЎзРнинг пойтахти — Тошкент шаҳри.

**ПОКИСТОН — (Покистон Ислом республикаси)** — Осиёнинг жанубидаги давлат. 1947 йил 14 августда мустақил деб эълон қилинган, аммо давлат тўла мустақилликка 1956 йил 23 мартда эришган ва Покистон Ислом республикаси деб эълон қилинган. Собиқ Шарқий Покистон ҳудуди 1971 йил декабр ойида ажралиб чиқиб Бангладеш Халқ республикаси деган мустақил давлатга айланган. Пойтахти — Исломобод шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 4 вилоят (Болужистон, Панжоб, Сину, Шимоли-ғарбий чегара вилояти), федерал пойтахт Исломобод ҳудуди ва марказий ҳукумат бошқарувидаги қабилалар худудларига бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1973 йил 14 августда қабул қилинган (1977—1985 йилларда бекор қилиниб, яна татбиқ қилина бошлаган, унга бир неча ўзгариш ва қўшимчалар киритилган).

Давлат бошлиғи — Президент, у парламентнинг иккала палатаси томонидан 5 йил муддатга сайланади.

Парламент икки палата: Сенат ва Миллий мажлисдан иборат. Сенат 87 сенатордан иборат, улар вилоятларнинг қонун чиқарувчи мажлислари томонидан 6 йил муддатга сайланади. Сенатнинг 1/3 қисми ҳар икки йилда янгиланади. Миллий мажлис 237 депутатдан иборат бўлиб, 5 йил муддатга сайланади. Шундан 217 депутат диний эътиқоди бўйича тўғри овоз бериш йўли билан сайланади. 207 та ўрин мусулмонларга 10 ўрин «диний озчиликка» (4 таси насронийларга,

4 таси хиндуларга, 1 таси сикхлар, буддавийлар ва бошқа номусулмонларга, 1 таси кадиан-аҳмадийлар тариқатига) ажратилган. Қолган 20 ўрин хотин-қизларга тегишлидир.

Ижроия ҳокимиятини Президент билан ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни Президент тайинлайди.

**ПОЛИЦИЯ** – жамоат тартибини, фуқаролар ва жамият ҳафсизлигини сақлашга, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш ва фош этишга, шунингдек бошқа баъзи вазифаларни: қуролни рўйхатдан ўтказиш ва бериш, ҳаёти ва соғлиғи ёки мол-мулки хавф остида қолган кишиларга ёрдам бериш, транспорт воситаларидан ҳаф ҳатарсиз фойдаланишни таъминлаш ва шу каби бошқа вазифаларни бажаришга даъват этилган давлат органлари тизими. Хорижий мамлакатларда полиция кўп жихатдан МДХ давлатларидаги милиция вазифаларига ўхшаш вазифаларни бажаради.

1993 йилдан бошлаб Россия амалиётида «полиция» сўзи ишлатиладиган бўлди, масалан, солиқ полицияси. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ тартиботини сақлаш соҳасида ва бошқа шунга ўхшаш масаларни ҳал қиладиган ишларда «милиция» термини ишлатилади.

**ПОЛЬША** – (Польша республикаси, 1952–1989 йилларда Польша Халқ Республикаси) – Марказий Европада жойлашган. Қайта тикланган поляк давлатининг мустақиллиги 1918 йил 11 ноябрда эълон қилинган. Пойтахти – Варшава шаҳри.

Маъмурий жихатдан 49 воеводага, воеводалар гминларга бўлинади.

Польшанинг биринчи Конституцияси 1791 йил 3 майда қабул қилинган (бу сана 1990 йилдан бери миллий байрам сифатида нишонланади). 1952 йил 22 июнда қабул қилинган ва 1989 йил 29 декабрда тузатишлар киритилган Конституция, шунингдек 1992 йил 8 декабрда кучга кирган ва қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижрочи ҳокимият ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солган «Кичик конституция» 1997 йилгача амал қилди. 1997 йил 2 апрелда янги Конституция қабул қилинди.

Давлат бошлиғи – Президент, умумий сайлов йули билан 5 йил муддатга сайланади, яъна бир муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Президентнинг нақолатлари кўп: парламентнинг иккала палатаси сайловини тайинлайди, бош вазирни тайинлайди, фавқулотда ҳолат эълон қилади, Сеймни тарқатиб юборишга ҳақли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент ( Сенат ва Сейм) амалга оширади, унинг аъзолари умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади, Сенат 100 сенатордан ва Сейм 460 депутатдан иборат. Сенат билан Сеймнинг қўшма мажлислари Миллий Мажлис ҳисобланади (Конституциянинг 114-моддаси).

Ижрочи ҳокимиятни Президент ва Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Вазирлар Кенгаши раисининг номзодини Президент кўрса-

тади, ҳукумат таркибини Вазирлар Кенгашининг раиси таклиф қилади. Ҳукуматни тузишда унга Сейм депутатларининг мутлоқ кўпчилиги ишонч билдириши керак. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилган тақдирда Сейм 14 кун мабойнида овозларнинг мутлоқ кўпчилиги билан янги ҳукуматни сайлашга ҳақлидир. Бундай қилишнинг иложи бўлмаган тақдирда Президент ё ярим йил муддатга муваққат ҳукуматни тайинлайди ёки ўзининг Конституциясида белгилаб қўйилган Сеймни таркатиб юбориш ҳуқуқини амалга оширади.

**ПОРТУГАЛИЯ – (Португалия республикаси)** – Европанинг жануби-ғарбида жойлашган давлат, Атлантика океанидаги Азор ороллари ва Мадейра архипелагини ҳам ўз ичига олади. Европа иттифокининг аъзоси. Пойтахти – Лиссабон шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 22 округ ва 2 мухтор вилоят (Азор ороллари ва Мадейра архипелаги) га бўлинади. Тарихан мамлакатнинг китъадаги қисми 11 вилоятга бўлинади.

Амалдаги Конституция 1976 йил 22 апрелда қабул қилинган (1982, 1988, 1989, 1992 йилларда ўзгариш ва қўшимчалар киритилган). Конституцияга кўра бошқарув шакли-республика. 1910 йилга қадар Португалия монархия бўлган, ўша йилги инқилоб натижасида монархия ағдарилган. 1926 йилги ҳарбий тўнтариш ҳарбий диктатура режими-ни ўрнатиш учун замин тайёрлади. 1932 йилдан 1968 йилгача мамлакатни диктатор Салазар, сўнгра, 1974 йилга қадар унинг гумаштаси Каэтану идора қилди. 1974 йил 24 апрелда инқилобий кайфиятдаги офицерлар (зобитлар) давлат тўнтарилиши ўтказиб, демократик ислохотлар йўлини эълон қилдилар ва фашистлар режимининг қолдиқларини тугатишга киришдилар. Бу ҳарбий тўнтариш «чинни гуллар инқилоби» деб аталди. 1978 йилда фашист ташкилотларини тақиқловчи қонун қабул қилинди.

Давлат бошлиғи – Президент, у умумий тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан икки даврада 5 йил муддатга сайланади, яна бир марта қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Президент етарлича кенг ваколатларга эга. Президент ҳузурида доимий ишловчи олий маслаҳат органи – Давлат кенгаши тузилган, унинг таркибига Бош вазир, Республика мажлисининг раиси, Конституциявий трибунал раиси, минтақалардаги бошқарув органларининг бошлиқларидан ташқари Президент ва Республика мажлиси томонидан тайинланадиган яна 5 тадан жамоат арбоби киради.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент Республика мажлиси амалга оширади, у 200 депутатдан иборат (1991 йилдан бошлаб), депутатлар мутаносиб вакиллик тизими бўйича умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Жорий қонунчилик фаолиятидан ташқари Конституцияга тузатишлар киритиш, мухтор вилоятларнинг мақомларини белгилаш, миллий режа ва бюджетни тасдиқлаш ҳам парламентнинг ваколатлари қаторига киради. Маж-

лис сессиялари оралиғида ишлайдиган Доимий комиссия ҳукуматнинг фаолиятини кузатиб туради ва бошқа назорат вазифаларини амалга оширади.

Ижрочи ҳокимиятни ҳукумат – Вазирлар кенгаши амалга оширади, у парламент кўпчилиги партияларининг вакилларидан тузилади. Президент Бош вазирни ва унинг таклифига биноан вазирларни тайинлайди. Ҳукумат одатдаги бошқарув ваколатларидан ташқари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга, декрет-қонунлар чиқаришга ҳақли. Бу ҳужжатлар кейинчалик Республика мажлиси томонидан унинг Доимий комиссияси тавсиясига мувофиқ тасдиқланади. Ҳукумат Президент ва Парламент олдида ҳисоб беради. Ҳукуматнинг дастурини Республика мажлиси рад қилса, ишончсизлик ҳақида қарор қабул қилса ёки 30 кун оралиғида икки марта тамбех бериш резолюцияси учун кўпчилик овоз билан қабул қилса, ҳукумат истеъфога чиқади.

Конституциявий назорат вазифаларини Конституциявий трибунал бажаради. У 13 аъзодан иборат (ўн аъзосини Республика мажлиси сайлайди, уч аъзо Бош вазирнинг таклифи билан киритилади), уларнинг ваколат муддати 6 йил. 1982 йилда Конституцияга киритилган тузатишларга биноан Конституциявий трибунал собиқ Инқилобий кенгашнинг бир қанча вазифаларини ўз зиммасига олди, яъни 1976 йилги Конституция иборасига кўра, «1974 йил 25 апрел инкилоби руҳига содиқликни таъминлаш» кафили бўлиб қолди.

Одил судлов Олий трибунал судлов ҳокимиятининг олий органидир. У фуқоралик ишлари бўйича икки палата: жиной ишлар палатаси ва ижтимоий ишлар палатасидан иборат. Шикоят аризаларини кўриб чиқувчи судлар уч палатадан – фуқоралик ишлари палатаси, жиной ишлар палатаси ва ижтимоий масалалар палатасидан иборат. Мамлакатда шикоят аризаларини кўриб чиқувчи 4 та суд бор. Судлов ишларининг аксарияти қомарқа судлари деб аталган округ судларида кўрилади (Португалияда судлов округини шундай ном билан аташ анъана бўлиб қолган). Жиноят трибуналлари, тергов трибуналлари ва жазоларни ижро этувчи трибуналлар биринчи инстанцияга ихтисослашган судлари ҳисобланади. Умумий судлар тизимига кирувчи оилавий судлар ҳам мавжуд. Умумий судлардан ташқари маъмурий, молиявий трбуналлар, денгиз ишлари бўйича трибуналлар ва арбитраж судлари ҳам бор.

Республика мажлиси томонидан тайинланадиган адлия проведори омуздасмен вазифаларини амалга оширади.

**ПОРТФЕЛЬСИЗ ВАЗИР (МИНИСТРЛАР)** – Ҳукумат таркибига кирувчи ва муайян масалалар юзасидан масъул бўлган министрнинг расмий (рамзий) номи. Портфельсиз министрлар алоҳида тармоқ (вазирлик)ка раҳбарлик қилмай, Ҳукумат томонидан кўриладиган айрим масалаларни ҳал қилишда ёки уни ижро этилишида масъул бўладилар.

**ПРАЙМЕРИЗ** — АҚШда дастлабки сайловларни ўтказиш оркали депутатликка номзодни кўрсатиш. Тегишли партияди қўллаб-қувватловчи сайловчилар сайлов ўтказиш йўли билан ўзлари қўллаб-қувватлаган номзодни депутатликка номзод сифатида тавсия этишни хал этадилар.

Очиқ праймеризда сайловчи ўзининг бирор-бир партияди мансублигини исботлаши шарт эмас. Сайловчи қайси партиядинг номзодига овоз бермоқчи бўлса, сайлов бўйича масъул бўлган шахсдан ўша партиядинг сайлов бюллетенини олади.

Яширин праймеризда эса сайловчи ўзининг муайян партияди мансублигини исботлаши керак: қасамёд келтириш ёки келажакдаги сайловларда айнан шу партияди овоз бериш учун баёнот бериш зарурдир.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ** — қаранг: Тўғрилигича Президентлик бошқаруви.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ** — республика бошқарув шаклидаги давлат кўриниши. Бошқарувнинг республика шаклининг иккинчиси парламент республикаси ҳисобланади. Парламентар ва президентлик республикалари элементларини ўз ичига олган аралашган кўринишлар нисбатан кўпроқ учраб туради. Президентлик республикасида давлат бошқарувида парламентга қараганда халқ томонидан сайланадиган Президентнинг ўрни кучлироқдир. Биринчидан, ҳокимиятнинг бўлиниши принциpigа кўра президентга давлат бошқарувида кўплаб муҳим функция ва ваколатлар тегишли бўлади. Республика Конституцияси ва қонунлари асосида у давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини, амалда баъзан олдиндан белгилайди. Иккинчидан, одатда ҳукумат таркибини ўзи тузади. Учинчидан, ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлиб, унга ҳисобот бериб туради. Президент ҳукумат фаолиятининг дастурини олдиндан белгилайди, амалда расман унинг фаолиятини бошқаради, амалий тadbирларни белгилайди, ҳукумат йўналишларида раглик қилади ёки раислик қилиши мумкин, бутун ҳукумат ёки унинг алоҳида аъзосини унинг хошидан қатъи назар истеъфода чиқаради ва х.к.

**П.Р.** Президент, қоидаги кўра, давлат ижрония ҳокимиятнинг барча тизимида унинг марказий бўғинида бўлгани сингари худудий бўғинларида ҳам асосий шахсдир.

Бундан ташқари расман, баъзида амалда Президент давлатнинг мудофаа, мамлакат хавфсизлиги сохаларида Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони, Хавфсизлик Кенгаши, Мудофаа Кенгаши ва бошқа ташкилий тузилмалар Раиси сифатида барча масалаларни олдиндан белгилайди.

Парламент билан муносабатда Президент қонун лойиҳаларини тайёрлашда қонун ижодкорлиги, унинг муҳокамасида қатнашиш, имзолаш, халқ муҳокамасидан ўтказишда иштирок этиш, Парламент

томонидан қабул қилинадиган қонунларга нисбатан вето ҳуқуқларига эга. **П.Р.да** Президентни лавозимидан озод қилиш агар у мумкин бўлганда ҳам, қийин масала. Бунинг учун Президент томонидан давлатга қарши ёки бошқа турдаги оғир жиноятнинг содир этилиши асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Баъзида Президентнинг лавозимидан озод этилиши учун Конституция, қонунлар ёки қасамёднинг касддан ва қўпол бузилиши асосий сабаб бўлиши мумкин. Президентнинг лавозимидан озод этилиши Парламент томонидан кўпчиликнинг овози билан амалга оширилади.

**ПРЕЦЕДЕНТ** – (precedents - бўлиб ўтган) муайян ишни суд органлари томонидан кўриб чиқишда бошқа судлар томонидан айнан шунга ўхшаш иш бўйича илгари чиқарилган қарорнинг қўлланилиши. **П.нинг** икки тури фарқланади: суд **П.** (жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича) ва маъмурий **П.** (маъмурий ишлар бўйича маъмурий судьялар томонидан қўлланилади). Буларнинг ичида нисбатан кўпроқ тарқалган тури суд **П.** ҳисобланади. **П.** ҳуқуқ манбаи сифатида қадимдан маълум бўлиб, Қадимги Римда қўлланилган. **П.** сифатида оғзаки аризалар (эдиктлар) ва алоҳида масалалар бўйича преторлар ва магистрлар томонидан қарорлар чиқарилган. Шунингдек, ҳуқуқ манбаи сифатида ўрта асрларда ҳам **П.дан** кенг фойдаланилган. Бугунги кунда эса асосий ҳуқуқ манбаларидан бири сифатида Австралия, Буюк Британия, Канада ва АҚШда кенг қўлланилмоқда.

**ПРОКУРАТУРА КОЛЛЕГИЯСИ** – ЎзР Бош прокурори ҳузурида тузиладиган маслаҳат органи. Унинг таркибига Бош прокурор ва ўринбосарлари ҳамда прокуратуранинг бошқа раҳбар ходимлари киради. Унинг мажлиси заруратга қараб чақирилиб, прокуратура вазифасига кирувчи муҳим масалалар муҳокама қилинади. Коллегия қарори ҳаётга Бош прокурорнинг буйруғи билан тадбиқ қилинади.

**ПРОКУРАТУРА ХОДИМИНИНГ ҚАСАМЁДИ** – Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи мартаба тайинланаётган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Ўз хизмат вазифамни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши муросасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан».

Қасамёд қабул қилиш тартиби ЎзР Бош Прокурори томонидан белгиланади.

**ПРОКУРАТУРА** – ЎзР Конституциясида назарда тутилган давлат органларининг тизими. «Прокуратура тўғрисидаги» ЎзР Қонунига биноан (2001 йил 29 августдаги қонун янги таҳрирда қабул қилинган) прокуратурага прокурорлик назорати (қаранг: прокурор назорати) ҳамда бошқа функциялар (фаолиятнинг йўналишлари) юклатилган; улар қуйидагилар:

– вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар,



муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

– фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

– ЎзР Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилишининг устидан назорат қилиш;

– тезкор-қидирув фаолияти, суриштирувчи, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

– жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш;

– судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

– солиқ интизомини мустақамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

– ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ва жиний-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

– қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*Ягоналик* – прокуратура органлари ЎзР Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва ЎзР Бош прокурорига бўйсунди, шунингдек уларга ҳисобот беради.

*Марказлашганлик* – юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

*Қонунийлик* – прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида ЎзР Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекинш, қандай асосларда бўлишидан қатъий назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

*Мустақиллик* – прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар

қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат конунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг ишларига аралашуш таъқиқланади.

*Ошкоралик* — вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари егишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

ЎзР Бош прокуратураси; Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси; вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари; туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари; вилоят прокуратураларига тенглаштирилган ЎзР ҳарбий прокуратураси, ЎзР Транспорт прокуратураси; туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

ЎзР прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

**ПРОКУРОР ҚАРОРИ** — давлатдаги мавжуд прокуратура тизмида прокурор назоратини жорий қилишнинг бир шакли ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги 2001 й. 29 август қонунининг 26-моддасига асосан — прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиши мазмунидан келиб чиққан ҳолда жинойий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида асосли қарор чиқаради. Шу билан бирга, интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ишни қўзғатиш тўғрисидаги прокурор қарори идора ёки маълум бир мансабдор шахс томонидан қарор тушган кундан бошлаб кечи билан 15 кун муддат ичида кўриб чиқилиши шарт ва унинг натижалари бўйича ёзма равишда ҳабар берилади (яна қаранг: Прокурор назорати. Прокуратура. Прокурор).

**ПРОКУРОР НАЗОРАТИ** — прокуратура фаолиятининг бош йўналиши. Унинг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва республика ҳудудида амалда бўлган қонунларнинг қоидаларига зид ҳолатларни аниқлаш ва мазкур қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан қонунда назарда тутилган чораларни кўришдан иборат.

«Прокуратура тўғрисида»ги ЎзРнинг 1992 йил 9 декабрь Қонуни (янги таҳрири)да фаолияти ва норматив ҳужжатлари **П.н.** предметини ташкил этувчи давлат органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг доираси аниқ белгилаб қўйилган.

**П.н.нинг** қуйидаги соҳаларини фарқлаш қабул қилинган:

— умумий назорат (ЎзРнинг Конституциясига риоя этилиши ҳамда

юкорида зикр этилган Қонунда санаб ўтилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат);

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат;

– тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;

– суд приставлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;

– жазони ижро этувчи ва суд томонидан белгиланган мажбуриятлар чораларини қўлловчи органлар ва муассасаларнинг маъмуриятлари, ушлаб турилганларни ва қамокқа олинганларни сақлаш жойлари маъмуриятлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат.

Юкорида зикр этилган қонунда аниқланган қонунбузарликлар ёки қонунга зид норматив ҳужжатларга қарши чора кўришда прокурор фойдаланувчи воситалар муайян тарзда тартибга солинган. Мазкур воситаларга қуйидагилар киради: протест (к: *Прокурор протести*), тақдимнома (к.: *Прокурор тақдимномаси*), қарор (к: *Прокурор қарори*), огоҳнома, амрнома ёки кўрсатма.

**ПРОКУРОР ОГОҲЛАНТИРИШНОМАСИ** — қонуннинг бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда пуруқорнинг таъсир этиш ҳужжати. Ҳуқуққа хилоф қилмишларга тайёргарлик кўриш тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса ёки ҳуқуқбузарликни олдини олиш мақсадида прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан махсус ҳужжат билан расмийлаштирилади. Мансабдор шахс прокурор огоҳлантиришномасида баён этилган талабларни бажармаса қонунда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

**ПРОКУРОР ПРОТЕСТИ** — қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурор томонидан таъсир этувчи актдир.

Прокурор протести қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтирилади. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кичиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

**ПРОКУРОР** — прокуратура органларининг мансабдор шахси.

«Прокуратура тўғрисида»ги ЎзР Қонунига биноан (2001 йил 29 августдаги таҳрири) прокурорларга қуйидагилар киради: ЎзР Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта

ёрдамчилар ва ёрдамчилар. ЎзР ҳарбий прокурорлар ўринбосарлари, катта ёрдамчилари ва ёрдамчилар, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича прокурор ёрдамчилари, прокурор катта ёрдамчиси ва ёрдамчилари, ўзининг ваколат доирасида иш олиб бораётган бошқарма ва бўлимлар катта прокурор ва прокурорлар, катта прокурор-криминалист ва прокурор криминалистлар.

ЎзР Бош прокурори ва унинг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ЎзР Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори ЎзР нинг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар (шу жумладан Тошкент ш.) прокурорлари ЎзРнинг Бош прокурори томонидан тайинлади.

ЎзР Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати беш йил.

*Прокурор назорати* – тўрт йўналиш бўйича олиб борилади, булар:

- қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш;
- жинойтчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат олиб бориш;
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинсий жазоларни ва жинойи-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш.

**ПРОКУРОРНИНГ ТАҚДИМНОМАСИ** – прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади. Тақдимнома дарҳол кўриб чиқирилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

**ПРОМУЛЬГАЦИЯ** (лот. «promulgatio» – эълон қилиш) – бир қатор хорижий давлатларнинг конституциявий ҳуқуқига кўра, ваколатли орган томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган қонуннинг давлат бошлиғи томонидан конституцияда ёки қонунда белгиланган

муддатда расмий босма нашр орқали эълон қилиниши. **П.** деганда қонунни расмий эълон қилиш ҳақидаги фармойишни ўзида ақст эттирган махсус актнинг эълон қилинишини тушуниш мумкин. Одатда, **П.** давлат бошлиғининг фармони, фармойиши, буйруғи ёки шунга ўхшаш ҳуқуқий акти билан амалга оширилади, бунда давлат бошлиғининг бундай ҳуқуқий акти оммавий нашрларда **П.** қилинаётган қонун акти билан бирга эълон қилинади. Қонун **П.дан** кейингина мажбурий кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат маъқулловидан ўтганидан кейин Президент томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг юридик кучга эга бўлади (84-м.).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади. Сенат маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади. Президент томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Президент қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни тақроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, у Президент томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

**ПРОПОРЦИОНАЛ САЙЛОВ ТИЗИМИ** – кўп мамлакатларда қўлланиладиган сайлов тизимининг бир туридир. Бошқа тури бўлиб мажоритар сайлов тизими ҳисобланади. Пропорционал сайлов тизими ҳар хил турга эга. Умумий тарзда унинг мазмуни куйидагилардан иборат:

Давлат ёки вакиллик органлари худди ягона сайлов округлари деб эълон қилинади. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, уларнинг иттифоқлари (сайлов уюшмалари, блоклари) ўз номзодлари рўйхатини илгари суришади. Сайловчи сиёсий партия, ҳаракатлар уларнинг раҳбар ва аъзоларига бўлинган муносабатидан келиб чиққан ҳолда, шундай рўйхатлардан бирига овоз беради. Бундай ҳолатда ғалаба қозониш сайлов уюшмаларининг тақдим этган рўйхати учун берилган овоз сонига қараб пропорционал бўлади, аммо овозларни ҳисоблаш 5 % кўп овоз йиққан рўйхат бўйича олиб борилади. (Масалан Россия 5 %, Швецияда 4 %, Аргентинада 3 %, Данияда 2 %, Исроилда 1 %ни

ташқил қилади). Сайловларда иштирок этган сайловчилар овозининг умумий сони пропорционал сайлов тизими бўйича депутатлар мандатининг умумий сонига бўлинади ва бунинг натижасида *хусусий сайлов* деган маъно ҳосил бўлади. Сўнг ҳар бир номзод учун берилган овозлар сони хусусий сайловга бўлинади. Шундай қилиб, партиялар, ҳаракатлар вакиллик органида қанча ўрин олганликларини билиб оладилар. Рўйхат ичидаги ўринларни (мандатни) номзодлар биринчисидан бошлаб навбатга кўра оладилар. Агарда рўйхат марказий қисм ва минтақавий гуруҳларга тақсимланган бўлса, унда биринчи бўлиб парламентга марказий қисм номзодлари ўтишади.

Минтақавий гуруҳлардан номзодлар тегишли минтақада мазкур рўйхат учун сайловчилар берган овозларга пропорционал бўлган ҳолатда ўринларни (мандатни) олишади.

Пропорционал сайлов тизимининг ижобий томони шундаки, биринчидан, сайловчиларнинг овозлари йўқолмайди, пропорционал ҳолатда партия ва ҳаракатлар (фақат 5 % ли ёки бошқа ўрнатилган чегарадан ўта олмаганлардан ташқари) вакиллик органида мандатга эга бўладилар. Пропорционал сайлов тизимининг салбий томони шундаки, сайловчи абстракт шахсларни сайлайди, яъни у фақат партия, ҳаракатларнинг лидерлари ва бир неча фаолларини билиши мумкин, қолганлари эса унга ноаниқ, шу сабабли ҳам сайловчи қимга овоз бераётганлигини конкрет билмайди. Бундан ташқари, сайланган депутатларнинг уларни сайлаган конкрет округнинг сайловчилари билан тўғридан-тўғри алоқаси йўқ, бу ҳолатнинг аксини мажоритар сайлов тизимида кўришимиз мумкин.

Бир қатор мамлакатлар умумий номзодлар рўйхатига овоз бериш тизимидан воз кечиб, эркин номзодлар рўйхатини сайлашга ўтганлар. Ушбу тизимда сайловчилар партиялар, ҳаракатлар рўйхатидан ўзлари хоҳлаган номзодни сайлаш ҳуқуқига ва хаттоки рўйхатни тўлдириш ҳуқуқига эга бўладилар.

**ПРОТЕСТ БЕРИШ** – суд ҳамда бошқа давлат органлари қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш усулларидан бири. У ваколатли мансабдор шахслар томонидан чиқарилган расмий ҳужжатлар (протестлар) ёрдамида амалга оширилади (қ.: *Кассация. Назорат иш юритуви. Прокурор протести*).

**ПУЛ БИРЛИГИ** – конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган маълум бир давлатнинг давлат пул белгиси. Ўзбекистонда 1994 йилнинг биринчи июлидан давлат пул бирлиги – «сўм» муомалага киритилган.

**ПУЛ МУОМАЛАСИ** – муайян давлат ҳудудида мазкур давлат пул бирлигининг, шунингдек чет давлатлар валюталарининг муомалада бўлиши.

**ПУЛ ЭМИССИЯСИ** – маълум бир давлатнинг ўз пул бирлигини ишлаб чиқиш ва муомалага киритиши. ЎЗР пул бирлиги – сўми

ишлаб чиқиш ва муомалага киритиш Марказий Банк томонидан амалга оширилади. П.э. шунингдек эскирган қоғоз пуллар ўрнига янгиларини чиқаришдир.

**ПУЭРТО-РИКО (эркин бирлашган Пуэрто Рико давлати)** – Марказий Америка, Кариб денгизидаги катта антил ороллариининг шарқий қисмидаги давлат тузилмаси. Маъмурий маркази – Сан-Хуан шаҳри. Маъмурий-худудий бўлиниши: 8 округ ва 77 муниципал birlikлардан иборат.

1917 йилда орол сиёсий жиҳатдан АҚШ томонидан бирлаштирилган, 1952 йилда «эркин бирлаштирилган давлат» мақомини олган. 1952 йил 3 июлда қабул қилинган Конституция ҳалигача амал қиладди.

Орол губернатори умумий, тўғридан-тўғри сайлов ўтказиш йўли билан 4 йиллик муддатга сайланади.

АҚШ Конгресси ташки сиёсат, муҳофаа, Пуэрто-Рико худудига тегишли қонунларни тасдиқлаш масалалари юзасидан иш олиб боради.

Автономия ҳуқуқига эга бўлган Пуэрто-Рикода икки палатали Қонунчилик йиғилиши қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. У 4 йиллик муддатга умумий тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланадиган Сенат (27 сенатор) ва Вакиллик палатасидан (53 депутат) иборат.

Маслаҳат кенгашига (ҳукумат) кирадиган министрлар томонидан тайинланадиган губернатор Пуэрто-Риконинг ижро этувчи ҳокимиятини амалга оширади.

**РАСМИЙ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ** – қаранг: Давлат рамзлари

**РАСМИЙ ТИЛ** – 1) давлат органлари ишлайдиган, судда иш юритиш амалга ошириладиган тилнинг айрим ҳолларда қўлланиладиган номи. Бошқача қилиб айтганда, **Р.т. давлат тили** атамаси билан бир хил маънони англатади, аммо сўнгги атамани қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди;

2) муайян давлат худудида давлат тили билан бир қаторда расман қўлланилувчи тил. Масалан, 1995 й.да қабул қилинган Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ, республикада қозоқ тили давлат тили ҳисобланади. Давлат ташкилотларида ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида қозоқ тили билан бир қаторда расман рус тили ҳам қўлланилади.

**РАТИФИКАЦИЯ** – давлатнинг олий ҳокимият органи томонидан ваколатли давлат органлари томонидан тузилган халқаро шартномаларни тасдиқлаш шакли, яъни давлат номидан иш олиб борувчи президент ёки ҳукуматнинг тузган шартномасини парламент томонидан тасдиқланиши, шартнома ратификация қилинганлигини билдиради.

ЎзР Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ЎзР Олий Мажлиси Қо-

нунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига кирди.

1995 йилнинг 22 декабрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга асосан ЎзРнинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; ЎзРнинг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан тақдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; ЎзРнинг бошқа давлатлар билан худудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; ЎзРнинг давлатлараро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; ижрочи амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишининг тақозо этадиган, шунингдек ЎзР нинг қонунларда назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилинади.

Тузиш вақтида томонлар келгусида уни ратификация қилиш тўғрисида келишиб олинган ЎзРнинг халқаро шартномалари ҳам худди шундай ратификация қилинади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати ЎзРнинг бошқа халқаро шартномаларини ҳам ратификация қилиш мумкин.

Қонунни 14-моддасининг 5-бандига мувофиқ, ЎзР Ҳукумати томонидан ёки у ваколат берган органлар томонидан халқаро молия институтлари билан тузилган ЎзРнинг халқаро заём ва кафолатли шартномалари ратификация қилинмайди ва ЎзР учун имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради.

ЎзР Президентининг қарорига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар парламентга ЎзР Президенти томонидан киритилади. ЎзР нинг халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлиснинг тўхтами – қарор шаклида қабул қилинади.

Халқаро шартномалар ратификация қилингандан сўнг томонлар ратификация ёрлиғини чиқарадилар.

ЎзРнинг халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунни 17-моддасига кўра ратификация ёрлиғи – Олий Мажлис халқаро шартномани кўриб чиққанлигидан гувоҳлик берувчи ва халқаро шартнома ЎзР учун мажбурийлигига рози эканлигини ифодаловчи махсус ҳужжатдир. Ратификация ёрлиғининг шакли Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан ЎзР Президенти томонидан белгиланади. Ратификация ёрлиғи Олий Мажлиснинг халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қарорига асосан ЎзР Президенти томонидан имзоланади, унинг муҳри ва Ташқи ишлар вазирининг имзоси билан тасдиқланади. Ратификация ёрлиқларини алмашиш, ЎзР халқаро шартномалар-



ни ратификация қилганлиги тўғрисидаги ёрлиқларни сақлаш учун депозитарийларга топшириш Ташки ишлар вазирлиги томонидан ёхуд унинг топшириғига биноан ЎзР дипломатик ваколатхонаси ёки ЎзР нинг халқаро ташкилот ҳузуридаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилади.

**РАТИФИКАЦИЯ** – давлатнинг ўзи учун халқаро шартноманинг мажбуриятига нисбатан розилигини билдиришнинг шаклларида бири. **Р.** давлат номидан унинг президенти ёки ҳукумати томонидан тузилган шартномани парламент томонидан маъқулланишини англатади.

ЎзР Конституциясига мувофиқ, (78-модда, 20-банд) ЎзР халқаро шартномаларини ратификация ва денонсациялаш Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан қонун қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги 1995 йил 22 декабрдаги Қонуни халқаро шартноманинг ўзи учун мажбуриятга нисбатан ЎзР розилигининг қуйидаги шакллари назарда тутади:

**Р.**, тасдиқлаш, халқаро шартномани қабул қилиш ва қўшилиш.

Юқорида қайд этилган қонунга мувофиқ қуйидаги халқаро шартномалар **Р.** қилиниши лозим: ижро этилиши амалда бўлганларининг ўзгартирилишини ёки янги қонунларнинг қабул қилинишини талаб этувчи, шунингдек, қонунда назарда тутилганидан кўра бошқа тартиб-қоидалар белгилашни талаб этувчи; инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркиндиклари предмет бўлиб ҳисобланган шартномалар;

ЎзРнинг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги; ЎзРнинг муҳофаза қудратига тегишли масалалар бўйича давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги; қуролсизланиш ёки қуролланиш устидан халқаро назорат масалалари бўйича, халқаро тинчлик, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги масалалар бўйича, ЎзРнинг давлатлараро иттифоқлар, халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро уюшмалардаги иштироки тўғрисидаги; (агарда бундай шартномалар ЎзР ваколатларининг бир қисмини амалга ошириш учун топширилишини ёки ЎзР учун унинг органлари қарорларининг юридик мажбуриятини белгилаб берса).

Бундан ташқари, мазкур қонунга мувофиқ тузилиши пайтида тарафлар келгуси **Р.** тўғрисида шартлашиб олишган ЎзРнинг халқаро шартномалари **Р.** қилиниши лозим.

ЎзР Президенти томонидан имзолаш тўғрисида қарор қабул қилинган халқаро шартномалар Сенат томонидан тақдим этилади. Агарда имзолаш тўғрисидаги қарор ЎзР ҳукумати томонидан қабул қилинган бўлса, тегишли тартибда у томонидан Сенатга **Р.** қилиш учун олиб чиқилади. Аммо зарурат бўлганида ҳукумат қарори билан имзоланган

халқаро шартномани **Р.** қилиш учун киритиш тўғрисидаги таклифни ҳукумат Президентга такдим этиши мумкин.

Шартномани **Р.** қилиш тўғрисидаги таклиф уни **Р.** қилинишининг мақсадга мувофиқлигини шунингдек, **Р.** қилишнинг эҳтимолли молиявий-иқтисодий ва бошқа оқибатларини баҳолашдан иборат бўлмоғи лозим. Агарда **Р.** қилиш тўғрисидаги таклиф ҳуқуқнинг бошқа субъекти томонидан киритилган бўлса, у ЎзР Президентига мазкур қонун лойиҳаси бўйича таклиф бериш учун юборилади.

Шарномани **Р.** қилиш тўғрисидаги масала қонунчилик жараёни қоидалари бўйича аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилади. Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган халқаро шартномани **Р.** қилиш тўғрисидаги қонун ЎзР Президентига имзолаш ва кенг жамоатчиликка ҳавола этиш учун юборилади. ЎзР халқаро шарномасини **Р.** қилиш тўғрисидаги қонун асосида ЎзР Президенти томонидан, унинг муҳри ва ЎзР ташки ишлар вазирининг имзоси билан мустаҳкамландиган, ратификацион ёрлик имзоланади.

**РАҲБАР ҲУЗУРИДАГИ АППАРАТ (девоп)** – бирон-бир органга бошчилик қилаётган мансабдор шахс вазифаларининг бажарилишини таъминлайдиган масъул шахслар ва бўлинмалар мажмуи. **Р.х.а. га** қотибият, ёрдамчилар, ишлар бошқармаси, ташкилий бўлим, девонхона (канцелярия), қабулхона ва бошқа бўлинмалар кириши мумкин.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** – юридик тушунча бўлиб, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилган, ёки мулккий ҳамда бошқа қонуний манфаатлари чекланган шахснинг оқланиши ва унга келтирилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини кўзда тутати.

**Р.** – реабилитация асосларига кўра жиноий ишни тўхтатиш ёки суднинг айбланувчини оқлаш тўғрисидаги қарорни чиқариши натижасидир. **Р.** асосларига қуйидагилар қиради: жиноят содир этилмаганлиги, жиноят таркибида жиноий ҳаракатларни йўқлиги ва айбланувчи (судланувчи)нинг жиноят содир этганда иштирок этганлиги исботланмаганлиги. Жиноят ишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор (ажрим) терговни олиб бораётган терговчи томонидан, суд мажлиси жараёнида судья томонидан, ҳукмнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириляётганда юқори турувчи суд инстанцияси томонидан, оқлаш ҳукми эълон қилинганда биринчи инстанция суди томонидан чиқарилади.

**Р.** асосларига кўра чиқарилган оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда (қарорда) суд, ишни тугатиш тўғрисидаги қарорда эса терговчи, прокурор **Р.** этилган шахснинг ўзига етказилган мулккий зиённи ундириб олиш ҳуқуқини эътироф этишлари лозим. ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 38-боби **Р.** этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби баён қилиб берилган. Унга кўра шахсга қонунга хилоф ҳаракатлар билан

етказилган мулкый зиён тўла ҳажмда қопланади. Шахсга етказилган қўйидаги мулкый зиёнлар қопланиши лозим бўлади: **Р.** этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар; пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса; пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати; суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати; суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари; юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан адвокатлар бюросига, хайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаражатлар.

Ундан ташқари **Р.** этилган шахсга етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш мақсадида, шахс ушлаб турилганлиги, қамалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, **Р.** этилган шахснинг, у нафот этган бўлса, қариндошларининг, суд, прокурор, терговчининг талабига кўра тегишли оммавий ахборот воситалари унинг **Р.** этилганлиги тўғрисида бир ой ичида хабар бериши шарт.

**Р.** этилган шахснинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш учун қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганлиги, қонунга хилоф равишда тиббий муассасага жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қонунга хилоф равишда қамоққа олингани, қонунга хилоф равишда ушлаб турилганлиги туфайли ишдан (лавозимидан) озод қилинган ёки ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга хилоф равишда четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига (лавозимига) тикланиши лозим, корхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар уни олдинги ишлаб турган ишига (лавозимига) тиклаш имкониятини бермаган тақдирда унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши лозим.

**Р.** этилган шахснинг қонунга хилоф равишда эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган вақти, жазо ўтаган вақти, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли ишламай юрган вақти, тиббий муассасада сақланган вақти умумий меҳнат стажига ва ихтисослик бўйича иш стажига қўшилади.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилган, эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган, ушлаб турилган ёки тиббий муассасага жойлаш-

тирилгани туфайли ўқув юртидан хайдалган шахс илтимосига кўра ўқишга тикланиши шарт.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилган ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилгани туфайли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахсга илгари у эгаллаб турган уй-жой қайтарилади, башарти уни қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, ўша аҳоли пунктнинг ўзида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй-жой берилади.

**Р.** қилинган шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд шахс қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Кейинги йилларда, сиёсий сабабларга кўра репрессияга учраган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш тартиби шаклланди. Мазкур шахсларни бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун асос бўлиб, уларни миллий, диний, сиёсий нуктаи назарни кўзда тутиб озодликдан маҳрум қилинганлиги, мамлакатдан ташқарига чиқариб юборилганлиги ва фуқароликдан маҳрум қилинганлиги, сургун ва бадарға қилинганлиги ҳисобланади.

Сиёсий репрессия қурбонлари бўлиб, кейинчалик **Р.** қилинган шахслар доирасига уларнинг оиласи, қариндош уруғлари ҳам киради.

**Р.** қилинган шахсларга моддий ва маънавий зарарни қоплаш билан бирга бир қатор имтиёзлар ҳам берилади. Улар қуйидагилардир: санатория ва курортларда дам олиш ва даволаниши учун навбатдан ташқари йўлланмалар бериш, навбатдан ташқари тиббий ёрдам кўрсатиш, шаҳар пассажир транспортларида (таксидан ташқари) бепул юриш ва ҳақозо.

**РЕГИСТРАЦИЯ (қайд қилиш, рўйхатга олиш)** — шахснинг ёки ҳужжатини ва бошқа шу қабиларни расмий ҳолатини белгилаб бериш учун расмийлаштириладиган мансабдор шахснинг ёки ваколатли органнинг ҳаракати (акти)дир. «Регистрация» тушунчаси семантик аҳамиятга кўра кенг қўлланилади.

1) **Р.** қилиш орқали ЎзРнинг фуқаролиги қайд қилинади. Фуқаролик олиши учун асоси бўлган шахс Ўзбекистон ҳудудида ички ишлар идораларига, чет элда эса ЎзРнинг дипломатик ёки консулхона ташкилотига учраб, ўзини ЎзР фуқаролигига ўтказишини сўраб мурожаат қиладилар. **Р.** акти шахснинг Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилганини билдиради. ЎзР Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом» тасдиқланиб, унда Ўзбекистон фуқароларига паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, қайд қилиш,

рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш, шунингдек паспорт тизимини қондаларини бузганлик учун жавобгарлик тартиби белгиланган;

2) **Р.дан** сайлов ҳуқуқида ҳам фойдаланилади. Сайлов бирлашмалари томонидан депутатликка номзодлари қўйилган ва депутатликка номзодлар рўйхати ёки мансабга сўраланиши учун кўрсатилган мансабдор шахс сайлов комиссиялари томонидан регистрация (рўйхатга) қилинадилар. Улар регистрация қилингандан сўнг сайловолди тарғибот ишларини олиб бориши, сайлов компаниясини молиялаштириши мумкин бўлади. Депутатлар **Р.** қилингандан сўнг депутатликка номзодлик мақоми қафолатларига эга бўладилар;

3) Жамоат бирлашмалари тузилгандан сўнг улар ЎзР Адлия вазирлиги ёки вилоятлар адлия бошқармаларидан **Р.дан** (рўйхатдан) ўтадилар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 2300 ортиқ жамоат бирлашмалари расмий равишда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда.

**Р.дан** ҳозирда фуқароларни яшаш жойидан бошқа бир жойга келишида кўпроқ фойдаланилмоқда. Маълум бир муддатга янги жойга келган ҳар бир киши ўрнатилган тартибда ички ишлар идораларида қонун билан белгилаб қўйилган муддатга **Р.дан** ўтишлари лозимдир. Мазкур ҳолатларда **Р.** шахснинг мазкур ҳудудда бўлишини қонунийлигини таъминлайди, уни ўша жойда меҳнат қилиши, нафақасини олиши, ижтимоий ҳимоя қилиниши ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини беради.

**Р.дан** давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини коллегиял фаолиятида ҳам фойдаланилади. Жумладан, ҳар қандай вакиллик органини мажлисига келган депутат **Р.дан** ўтиши лозим бўлади. Депутатлар тўлик бўлмаса (кворум) мажлиси ўтказувчи орган ўз мажлисини ўтказиши ёки қарор қабул қилиш мумкин бўлмайди.

**Р.** фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларда, яъни уларнинг шикоятлари, аризалари, таклифлари ва тавсияномаларини кўриб чиқишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, фуқароларнинг шикоятларини **Р.** қилиниши уларнинг мурожаатларини расмий ҳужжатлаштирилганлигини билдиради. Фуқароларнинг мурожаатларини **Р.дан** ўтказилган қундан бошлаб, мазкур мурожаатнинг кўриб чиқиш муддати ҳисобга олинади. Бир қатор ҳолатларда, масалан, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибда қайта кўриб чиқишига улар қонуний кучга киргандан сўнг бир йил мобайнидагина йўл қўйилади. Аммо шахснинг мурожаати қабул қилиниши ва **Р.дан** ўтиб кўриб чиқиши керак.

**РЕГЛАМЕНТ** – конституциявий ҳуқуқда давлат ҳокимияти органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиниши ва ваколатларини амалга ошириш тартибини белгиловчи норматив актдир. Ҳозирги пайтда ҳар бир давлат ҳокимияти органи

ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини амалга оширишга киришар экан, биринчи навбатда ўз фаолиятини тартибга солувчи регламентни қабул қилади. Масалан, ЎзРда икки палатали парламентни шаклланиши муносабати билан 2003 йили августда Олий Мажлис томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларини қабул қилди.

**Р.** — одатда, комплекс норматив акт бўлиб ҳисобланади. Масалан, ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олган:

Умумий қоидалар (ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари, ташкилий шакли, палата Спикерини ва унинг ўринбосарини сайлаш, уларни муддатидан илгари лавозимидан озод этиш, палата Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларини тузиш, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари хусусидаги қоидалар);

Қонунчилик палатаси мажлисида масалаларни кўриб чиқиш тартиби (мажлиснинг кун тартиби, мажлисларда овоз бериш шакллари ва усуллари);

Қонунларни ҳамда, Қонунчилик палатаси қарорларини кўриб чиқиш тартиби (қонун лойиҳасини палата томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиш, қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш, қонун лойиҳасини кўриб чиқиш, келишув комиссияси, қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби, ЎзР Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, палата қарорларини қабул қилиш тартиби);

давлат бюджетини қабул қилиш (Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш, Давлат бюджетига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш);

Қонунчилик палатаси томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш), (ЎзР Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, ЎзР Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш, ЎзР Марказий сайлов комиссиясини тузиш);

ЎзР Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларини кўриб чиқиш (ЎзР Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини, уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилинишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш);

ташки сиёсат масалалари (ҳалқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш);

яқунловчи қоидалар.

ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

умумий қоидалар;

Сенатнинг органлари ва умумий иш юритиш тартиби (Сенат раиси, Сенат раисининг ўринбосарлари, Сенатнинг қўмита ва комиссиялари, Сенат мажлисларини ўтказиш тартиби, Сенат мажлиси кун тартибини шакллантириш тартиби);

қонунларни ва Сенат қарорларини кўриб чиқиш тартиби (Сенат томонидан қонунларни кўриб чиқилиши, келишув комиссиялари, қонунларни қайтадан кўриб чиқиш, ЎзР Конституциясига, конституциявий қонунларга, қонунларга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш тартиби);

ЎзР Давлат бюджетини қабул қилиш (ЎзР Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш, Давлат бюджетига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш);

Сенат томонидан мансабдор шахсларни тайинланиши (сайланиши);

Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш;

Сенат томонидан назорат ваколатларини амалга ошириш ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш (Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва унинг ўтказиш санасини тайинлаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ва уларнинг амал қилишнинг тўхтатиб туриш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш, афв этиш тўғрисидаги актни қабул қилиш, сенаторларни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ва Сенат томонидан парламент сўрови ҳамда бошқа назорат ваколатларини амалга ошириш);

Яқунловчи қоидалар.

«Регламент» ибораси кундалик турмушда мажлис ёки йиғинлар ўтказишда, мажлисда маъруза қилувчиларга, қўшимча маъруза қилувчиларга, сўзга чиқувчиларга берилган вақтни ва танаффус учун ажратилган вақтга ва шу қабилар тушунилади. Вакиллик органларининг ўз мажлисларини ўтказиш учун белгиланган тартиб қоидалари, уларнинг Регламентида албатта кўрсатилади. Аммо юқоридаги матндан кўриниб турибдики, улар Регламент мазмунининг бир қисмини ташкил этади.

**РЕЖИМ** — ҳуқуқ фанида турли хил мазмунда фойдаланадиган атамидир. Масалан, «ҳуқуқий режим» тушунчаси мавжуд бўлиб, иж-

тимой муносабатларни ҳуқуқ нормаси билан тартибга солишни, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мақомини характерлаб беради.

«Сиёсий режим» тушунчасидан ижтимоий муносабатлар ва уларнинг фактик ҳолатини конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг нисбатини белгилашда фойдаланилади.

Конституциявий ва халқаро ҳуқуқда масъул давлат ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (шунингдек, чет эл юридик шахсларининг) режими ҳақида ҳам сўз боради. Шу муносабат билан қуйидаги режимлар мавжуд: миллий режим – бунда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар халқаро шартномаларда кўрсатилган ёки мазкур давлатда ўрнатилган қоидаларга кўра давлат фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ёки маълум бир ҳуқуқлардан маҳрум этилган бўлади; кўпроқ қулайликларга эга режим – бунда икки давлат ўзаро келишиб, уларнинг фуқаролари, учинчи бир давлатнинг фуқароларига нисбатан кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлиши кўзда тутилади; дипломатик режим – шахснинг дипломатик иммунитетга эга эканлигини, жумладан давлат ҳудудида амалда бўлган қонунларга кўра жавобгарликдан озод бўлиши белгилаб қўйилган бўлади.

**РЕПАТРИАЦИЯ** – турли хил ҳолатларга кўра ўзининг (тарихий) ватанини ташлаб чиқиб кетганларни ўз ватанига қайтиб келиши. Репатриацияга типик мисоллар сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

1) асирга тушган шахсларни давлат ҳокимиятининг қарорига мувофиқ ва уларни қабул қилувчи томоннинг ҳарбий асирларни қабул қилиш босқичлари ва муддатини кўрсатган ҳолда уруш тамом бўлгандан сўнг ҳарбий асирларни ўз ватанига қайтиб келиши. Ҳарбий асирларга эга давлатлар уруш қурбонларини химоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенциясига мувофиқ асирларни ўз ватанларига қайтишига тўсқинлик қилмасликлари керак;

2) қочоқларнинг ўз ватанига қайтиши. Қочоқлар мавжуд бўлган давлат уларнинг ўз ватанларига қайтишига тўсқинлик қилмасликлари керак, аммо қочоқ мақомига эга шахсларни, агар улар ўзлари турган давлатнинг қонунларига зид ҳаракатларни амалга оширган бўлсалар ўз ватанига зўравонлик билан қайтариб юборишлари ҳам мумкин эмас;

3) аждодлари, қариндошлари, ота-онаси ёки ўзлари яшаб ўтган шахсларнинг ўзларининг тарихий ватанига қайтиб келиши. Масалан, 1944 йил ўз ватанларидан зўравонлик билан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган меҳсети турклари, крим татарларини ўз ватанларига қайтиб кетиши. Шахсларнинг яқка тартибда ўз ватанларига қайтишдан фарқли равишда, **Р.** шахсларни оммавий равишда ўз ватанларига қайтишини билдиради.

**РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВ ШАКЛИ** – давлат ва ҳуқуқ на-



зарияси, конституциявий ҳуқуқ фанида фойдаланиладиган тушунча. Республика бошқарув шакли мамлакатдаги бутун ҳокимият халққа тегишли эканлигини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидагина амалга оширилади», – деб ёзиб қўйилган.

**РЕСПУБЛИКА** – қаранг: Давлат шакли, давлат тузилиши шакли, бошқарув шакли. Парламентар республика, Президентлик республикаси.

**РЕФЕРАТ** – бир қатор чет мамлакатлардаги (масалан ГФРда) бошқарув органлари бўлинмаларининг тузилмалари.

**РЕФЕРЕНДУМ** – давлатнинг бутун ҳудудидаги аҳолисининг муҳим масалалар бўйича овоз бериши. Референдум (лотинча referendum – хабар (маълум) этилиши керак бўлган нарса) – алоҳида жамият ва давлат аҳамиятига молик масалани ҳал қилиш учун умумхалқ овозига, сўровига қўйишдир.

Референдум – бевосита демократиянинг энг муҳим институтларидан биридир. Референдумга иктисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий соҳаларга тааллуқли муҳим масалалар қўйилади.

Юридик кучи ва оқибатига кўра **Р.** императив ва консултатив турларига бўлинади.

Референдум натижалари мажбурий кучга эга бўлганда императив референдум бўлади. Императив референдумлар натижаси овоз бериб бўлингандан сўнг қонуний кучга қиради ва у фақат бошқа референдум ўтказилиб бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Консултатив референдум натижалари давлатнинг ваколатли органлари томонидан расмийлаштирилади ва референдумга киритилган масалалар бўйича норматив актни қабул қилишда инobatга олинади. Консултатив референдум халқнинг, аҳолининг сўрови деб ҳам юритилади.

**РОЗИЛИК БИЛДИРИШ** – конституциявий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган, қонун лойиҳасини қабул қилиш учун ёки лавозимга номзодни тасдиқлаш учун давлат органи ёки мансабдор шахснинг розилиги. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ЎЗРнинг 2002 йил 12 декабрда қабул қилган Конституциявий қонуни 31-моддасига мувофиқ, «Агар Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси уни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилмаса ва Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қароридан рози эмаслигини билдирса, қонун аввалги қабул қилинган таҳририда овозга қўйилади».

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ (РОССИЯ)** – 1993 йилнинг 12 де-

кабрида умумхалк овоз бериши йўли билан қабул қилинган Россия Федерацияси Конституциясига мувофиқ Россия республика бошқарув шаклига эга демократик федератив ҳукукий давлатдир. Россия давлатининг Россия Федерацияси ва Россия деб номланиши бир хил маънони англатади (Конституциянинг 1-моддаси).

Россия давлатининг илгари номи – РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси). 1991 йилнинг 25 декабридаги РСФСР қонунига кўра **Р.Ф.** (Россия) номи берилган. 1992 йилнинг 21 апрелида бу ном Конституцияга киритилган.

Россия Федерация сифатида Россия Федерациясининг тенг ҳукукли субъектларидан ташкил топади. (Конституциянинг 5-моддаси). **Р.Ф.** субъектлари 21 та республикадан, 6 та ўлкадан, 49 та вилоятдан, иккита федерал аҳамиятга эга шаҳардан, битта автоном вилоятдан, 10 та автоном округдан иборат. **Р.Ф.** субъектларининг мақоми **Р.Ф.нинг** Конституцияси, шунга мос равишда **Р.Ф.** субъектларининг Конституция ва низомлари билан белгиланади. Субъектларнинг мақоми **Р.Ф.** ва субъектларнинг ўзаро келишуви орқали федерал конституциявий қонунлар асосида ўзгариши мумкин (Конституциянинг 65-моддаси).

**Р.Ф.** давлат сифатида қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга. **Р.Ф.нинг** давлат тили рус тилидир. Пойтахти – Москва шаҳри.

**Р.Ф.** ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган. **Р.Ф.** қонунчилигида давлат фуқаролигини олиш ва уни тўхтатиш қоидалари белгилаб қўйилган (Россия Федерацияси фуқаролиги тўғрисидаги қонуни 1991 йилда қабул қилиниб, 1993 ва 1995 йилда унга тузатиш ва ўзгартиришлар киритилган). **Р.Ф.нинг** ҳудуди ўз ичига федерация субъектларининг ҳудудларини, сув ва денгиз ҳамда ҳаво ҳудудларини камраб олади. **Р.Ф.нинг** суверенитети унинг бутун ҳудудида амал қилади.

**Р.Ф.** шунингдек қуйидаги белгиларга эга:

– **Р.Ф.нинг** Конституция ва қонунчилигининг мавжудлиги, федерация актларининг устуворлик принципининг амал қилиши, яъни, қоидага кўра федерал актлар, Россия субъектларининг актларига кўра олий юридик кучга эга эканлиги;

– давлат органларининг федерал тизими – **Р.Ф.** Президенти, **Р.Ф.** Федерал мажлиси (парламент), **Р.Ф.** Ҳукумати, вазирликлар, **Р.Ф.нинг** давлат қўмиталари ва идоралари, Конституциявий Суд, Олий Суд, Олий Ҳакам суди – яъни, **Р.Ф.** суд тизими ягоналиги, **Р.Ф.** Бош прокурори;

– **Р.Ф.нинг** ягона ички ва ташқи сиёсат юритиши, мазкур ички ва ташқи сиёсат **Р.Ф.** субъектларининг иштирокида шаклланиб **Р.Ф.** органлари томонидан амалга оширилади; **Р.Ф.нинг** халқаро миқёсда тан олинishi, яъни унинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқда иштирок этиши;

– **Р.Ф.** Қуроли кучларининг Олий Бош Қўмондони раҳбарлик

қиладиган ягона федерал Куролли кучларининг мавжудлиги (**Р.Ф.** Президенти Олий Бош Кўмондони бўлиб ҳисобланади).

– ички ишлар, хавфсизлик хизматининг ягона тизими мавжудлиги;

– давлатнинг ягона пул-молия тизимининг мавжудлиги (ягона пул бирлиги – рублнинг, солиқ тизими пул-кредит муомалалари РФ Марказий банки томонидан амалга оширилиши ва ҳақозо);

– мулкнинг турли хил кўринишлари, иктисодий фаолият ва рақобатнинг эркинлиги асосида ташкил топган ягона иктисодий тизимнинг мавжудлиги.

**Р.Ф.нинг** бутун ҳудудида давлатнинг иктисодий ва ижтимоий - маданий ҳаётига раҳбарлик қилишнинг ваколатлари ҳам кўп қирралидир. **Р.Ф.** Конституциясига мувофиқ **Р.Ф.** давлати органларининг ваколатини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга **Р.Ф.** давлати органларининг ваколатлари киради. Иккинчи гуруҳни **Р.Ф.** давлати органлари билан унинг субъектларини биргаликдаги ваколатлари ташкил қилади.

**Р.Ф.** давлати органларининг ваколатлари ўзи ҳам қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) давлат қурилиши соҳасидаги ваколатлар – **Р.Ф.** Конституцияси ва федерал қонунларни қабул қилиш ва ўзгартириш, уларга риоя этилишини назорат қилиш, **Р.Ф.** нинг ҳудудий ва федератив тузилиши; фуқаро ва инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалаш ва тартибга солиниши; **Р.Ф.** фуқаролигини ўрнатиш; миллий озчиликни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши ва тартибга солиниши; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерал органлари тизимини ўрнатиш, уларни ташкил этиш ва фаолият юритиш тартибини белгилаш; мазкур органларни шакллантириш; **Р.Ф.** фахрий унвонлари ва давлат орденларини таъсис этиш; федерал давлат хизмати; **Р.Ф.** миллий ривожлантириш ва давлат қурилиш соҳасидаги федерал дастурларни ишлаб чиқиш.

2) Иктисодий, ижтимоий ва маданият соҳасидаги ваколатлар: федерал давлат мулки ва уни бошқариш; **Р.Ф.ни** иктисодий, ижтимоий, экологик ва маданий ривожлантириш соҳасидаги федерал дастурлар ва федерал сиёсат асосларини ўрнатиш, ягона бозор сиёсатини ҳуқуқий асосларини ўрнатиш; давлат божларини, пул миссиясини, қиймат сиёсати асосларини тартибга солиш; федерал иктисодий қиймат, федерал банклар; федерал энергетика тизими, ядро энергетикаси; федерал транспорт, темир йўллар, ахборот ва алоқа; коинотдаги фаолият; минерологик хизмат, стандартлар, эталонлар, метрик тизим ва вақт ўлчови; геодезия ва картография; жўғрофий объектларнинг номланиши; расмий статистика ва бухгалтерия ҳисоби.

3) ташқи сиёсат, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ваколатлар: **Р.Ф.** ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар, **Р.Ф.** халқаро шартно-

малари; уруш ва тинчлик масалалари; **Р.Ф.** ташқи иқтисодий муносабатлари; мудофаа ва хавфсизлик; мудофаага доир ишлаб чиқариш; курол, ўқ-дори; ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулкларни сотиш ва сотиб олиш тартиби; заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш; наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш тартиби; **Р.Ф.** давлат ҳудудини, денгиз, ҳаво ҳудудларини, алоҳида иқтисодий зона ва континентал шельфни ҳимояси ва мақомини белгилаш.

4) одил судлов, инсон ҳуқуқлари ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлар: суд ишларини юритиш; прокуратура; жиноят, жиноят-процессуал ва жиноий жазони ижро этиш қонунчилиги; амнистия ва авф этиш; фуқаролик, фуқаролик процессуал, арбитраж процессуал қонунчилиги; интеллектуал мулкни ҳуқуқий тартибга солиш.

**Р.Ф.** ва федерация субъектларининг биргаликдаги ваколатларини ҳам шартли равишда бир неча кичик гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) давлат қурилиши соҳасида: **Р.Ф.** субъектларининг конституцияларини, қонуларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларини **Р.Ф.** Конституцияси ва федерал қонунларга мос келишини таъминлаш; фуқаро ва инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; миллий озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; кам сонли этник жамоаларни ҳаёт тарзини ва уларнинг турар жойларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини ташкил қилишнинг умумий принципларини ўрнатиш.

2) иқтисодий, ижтимоий ва маданий сиёсат соҳасидаги ваколатлар: ер, сув ва бошқа табиат бойликларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тақсимлаш масалалари; давлат мулкни чеклаш, табиий ресурслардан фойдаланиш; атроф муҳитни ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари; қўриқланадиган табиат ҳудудлари; тарих ва маданият ёдгорликларини ҳимоя қилиш; тарбия, таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спортнинг умумий масалалари; соғлиқни сақлаш масалаларини мувофиқлаштириш; оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш; ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот; табиий офат, эпидемияга қарши курашни амалга ошириш ва уларнинг оқибатларини тугатиш; Рфнинг солиқ ва йиғимларини умумий принципларини ўрнатиш.

3) ташқи муносабатлар соҳасида: **Р.Ф.** субъектларининг ташқи иқтисодий алоқаларини ва халқаро алоқаларини мувофиқлаштириш, **Р.Ф.**нинг халқаро шартномаларини бажариш.

4) қонунчилик, инсон ҳуқуқларини, жамоат тартиботи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти соҳасида: қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат тартиботини таъминлаш; чегара зоналари режимини таъминлаш; маъмурий, маъмурий процессуал, меҳнат, оила, турар-жой, ер, сув, ўрмон қонунчилик, табиатни муҳофаза қилиш бўйи-

ча конунчилик, суд ва ҳукукий муҳофаза қилиш органларидаги кадрлар масалалари; адвокатура ва нотариат.

### **РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФЕДЕРАЛ ЙИГИЛИШИ**

– **Р.Ф.** Конституциясининг 94-моддасига биноан, «Федерал Йиғилиш – Россия Федерацияси парламенти – **Р.Ф.**нинг вакиллик ва конунчилик органи». **Ф.Й** – Россия Федерациясида давлат ҳокимиятини амалга оширувчи федерал органлардан бири, қонун чиқарувчи ҳокимият органи (РФ. Конституциясининг 10-11-моддалари).

**Р.Ф.Ф.Й.** икки палатадан – Федерация Кенгаши (ФК) ва Давлат Думаси (ДД) дан иборат. ФКга **Р.Ф** таркибидаги 89 субъектнинг ҳар биридан иккитадан вакил - қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи ҳокимият органларининг бошлиқлари (жами 178 киши) киради. РФ Конституциясига биноан, улар «Федерация Кенгаши аъзоси» деб аталади. ФК. аъзолари палатада профессионал асосда ишламайди, улар вақти-вақти билан мажлисларга йиғилади ва Москвада бошқа вазифаларни бажаради. Қолган вақтда улар ўз субъектларида лавозим мажбуриятларини бажарадилар.

ДД. халқ томонидан сайланадиган 450 депутатдан иборат. Шулардан 225 депутат ҳудудий сайлов округларида *нисбий кўпчиликнинг мажоритар сайлов тизими*га асосан ва 225 депутат – партиялар ва ҳаракатларнинг федерал рўйхатлари бўйича *пропорционал сайлов тизими*га асосан сайланади. ДД нинг барча депутатлари унда профессионал асосда ишлаши шарт. Улар депутат ваколатларини амалга оширганлиги учун ҳақ оладилар, ўз ваколатлари даврида улар давлат хизматида бўлишлари, илмий, педагогик ва бошқа ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган ўзга турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

**РОТАЦИЯ** – парламент ёки парламент палаталари таркибини уларнинг фаолият муддати тамом бўлиши муносабати билан қисман янгилаш (қайта сайлаш). Масалан, Франция парламентининг юқори палатаси Сенат 9 йил муддатга сайланиб, ҳар уч йилда уларнинг 1/3 қисми янгиланиб туради. АҚШда сенаторлар 6 йил муддатга сайланади, аммо ҳар икки йилда палата таркибининг 1/3 қисми янгиланади. Худди шундай Ҳиндистон парламентининг Штатлар кенгаши 6 йил муддатга сайланиб, ҳар икки йилда уларнинг 1/3 қисми ўзгартирилиб турилади. Бразилия парламенти Миллий конгрессининг юқори палатаси – федерал сенат аъзолари 8 йил муддатга сайланадилар, аммо ҳар тўрт йилда аввал 1/3 сўнгра 2/3 қисми янгиланиб туради. Япония парламентининг юқори палатаси – маслаҳатчилар палатаси 6 йил муддатга сайланиб, ҳар уч йилда палата таркибининг ярми қайта сайланадилар. Бунда табиий равишда ваколат муддати тамом бўлган парламент аъзоларигина ротация қилинади.

**РУАНДА (РУАНДА РЕСПУБЛИКАСИ)** – Марказий Африкадаги давлат, 1962 йилнинг 1 июнида мустақиллиги эълон қилинган.

Пойтахти – Кигали шахри. Маъмурий жихатдан 10 та префектурадан иборат. Префектуралар ўз навбатида коммуналардан ташкил топган.

**Р.** давлатининг ҳозирги Конституцияси 1995 йилнинг 5 майида ўтиш даври парламенти томонидан қабул қилинган.

1990 йилнинг октябрида икки этник гуруҳ – хуту ва тутсилар ўртасидаги зиддиятлар қуролли можарони келтириб чиқарди ва иккала томондан ҳам тинч аҳолининг оммавий равишда қирғинга учрашига сабаб бўлди. 1993 йилнинг августида Танзаниянинг Аруша шаҳрида имзоланган тинчлик сулҳига кўра муваққат ҳукуматга можарони тинч йўл билан ҳал этиш ва демократик режим ўрнатиш учун икки йил муҳлат берилди. Аммо тинч йўл билан можарони ҳал этиш жараёни бузилиб, 1994 йилнинг апрелида мамлакат Президенти Ж. Хабиариман ўтирган самолёт кўзғолончилар томонидан уриб туширилди. 1994 йил 9 апрелида **Р.** армияси томонидан тузилган таназзул комитети мамлакат парламентининг раиси Т. Синдикубвабони вақтинчалик Президент этиб тайинладилар. Аммо 1994 йилнинг 17 июлида **Р.** ватанпарварлар fronti мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этадиган хуту этник гуруҳининг вакили Пастер Бизимунгуни беш йил муддатга Президент этиб тайинлади. Шунингдек миллий бирлик ўтиш ҳукумати ҳам шакллантирилди.

1994 йилнинг ноябрида 70 депутатдан иборат муваққат парламент – Ўтиш даври миллий мажлиси ташкил этилди.

**РУМИНИЯ** (1989 йилгача Руминия Социалистик Республикаси) – Европанинг жануби-шарқида жойлашган давлат. 1877 йилнинг 9 (21) майида болқон ярим ороли халқларининг Усмонлилар салтанати ҳукмронлигидан озод этилиши муносабати билан **Р.** парламенти **Р.нинг** суверенитети ва мустақиллигини эълон қилди. 1918 йилнинг 1 декабрида **Р. га** Трансильванияни қўшилиши муносабати билан ягона миллий **Р.** давлати ташкил этилади (1 декабрь **Р.да** Миллий кун сифатида байрам қилинади).

**Р.нинг** пойтахти – Бухарест шаҳридир.

Маъмурий ҳудудий бирлик – 40 уезд (жудет) ва уезд мақомига тенглаштирилган Бухарест муниципиясидан иборат.

**Р.да** 1991 йилнинг 8 декабрида умумхалқ референдуми томонидан маъқулланган 1991 йилнинг 22 ноябридаги Конституцияси амал қилади. (ушбу Конституцияни қабул қилиниши **Р.нинг** 1965 йилда қабул қилинган Конституциясини бекор қилди). **Р.нинг** давлат бошқарув шакли республикадир.

**Р.да** давлат бошлиғи – президент. У умумий овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Президент иккинчи муддатга қайта сайланиши мумкин. Президент томонидан Конституция нормалари бузилган тақдирда парламентининг иккала палатаси аъзолари овоз бериш йўли билан вақтинчалик лавозимидан озод этилиши ёки референдум ўтказиш йўли билан лавозимидан бўшатилиши мумкин.

**Р.нинг** икки палатали парламенти умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Юқори палата – Сенат 143 сенатордан, қуйи палата – депутатлар палатаси 340 депутатдан иборат.

Ижро ҳокимияти ҳукумат томонидан амалга оширилиб, ҳукумат бошлиғи – бош вазирни лавозимига Президент тайинлайди. Ҳукумат парламент томонидан шакллантирилиб, парламентга ҳисоб беради.

**РҲҲАТГА ОЛИШ (ПРОПИСКА)** – фуқароларнинг яшаш жойини ҳисобга олиш тизими, Ўзбекистонда ички ишлар идоралари томонидан расман қўлланилади. Рўйхатга олишда паспорт ёки уни ўрнини босувчи бошқа ҳужжатга фуқаронинг доимий ёки вақтинча яшаш жойи белгиланган (кўрсатилган) штамп қўйилади.

**РФ АРБИТРАЖ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ** – арбитраж судларига тегишли ишларни юритиш тартибини белгиловчи қонун. Ҳозирги вақтда 1995 йил 5 майда қабул қилинган РФ АПК амал қилмоқда.

**РФ АПК** асосий бўлимлари: умумий қоидалар; биринчи инстанция арбитраж судида иш юритиш; қарорларни қайта кўриш бўйича иш юритиш; суд ҳужжатларини ижро этиш; чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритиш.

**РФ СОЛИҚ КОДЕКСИ** – федерал бюджетга унидириладиган солиқлар тизими, шунингдек солиққа тортишнинг умумий қоидалари белгиланган мажмуавий қонун.

1998 йил 31 июлда **С.К.нинг** биринчи қисми қабул қилинган бўлиб, у етти бўлимдан иборат:

– Умумий қоидалар; Солиқ тўловчилар ва йиғимларни тўловчилар. Солиқ агентлари. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда вакилик; Солиқ органлари. Солиқ органлари, божхона органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги; Солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятларини бажаришнинг умумий қоидалари; Солиқ ҳисоботи ва солиқ назорати; Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик; Солиқ органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш.

**САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ЛАВОЗИМ** – давлат аппарати ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида ё аҳоли томонидан ёхуд давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органи томонидан сайланиш натижасида эгалланадиган лавозим. Мас., бу халқ томонидан сайланадиган ЎзР Президенти лавозимидир.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимини ҳам сайлаб қўйиладиган лавозимлар жумласига киритиш мумкин.

ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туманларо, туман, шаҳар, харбий ва хўжалик судларининг судьялари, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимлари сайлаб қўйиладиган лавозимлар жумласига кирмайди. Уларни ЎзР Президенти тайинлайди.

**САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАН** – аҳоли ёки бошқа орган томонидан сайлов йўли билан ташкил этиладиган давлат органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи, жамоатчилик органи.

**САЙЛАБ ҚЎЙИШ** – давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш ҳамда таркибини белгилашнинг (ички ўзини ўзи ташкил этишнинг) аҳоли томонидан депутатларни ва аҳоли ёки вакиллик органлари томонидан тегишли мансабдор шахсларни сайлашдан иборат усулларидан бири. Мас., Қонунчилик палатасининг депутатлари аҳоли томонидан, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари шу палата депутатлари томонидан сайланади.

Бошқа усулларга шакллантириш ва тайинлашни мисол қилиб келтириш мумкин. Мас., ЎзР Олий Малисининг Сенатини шакллантириш тартиби қуйидагича: Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси эса фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

**С.қ.** кўпинча давлат муассасаларининг раҳбарларига нисбатан қўлланилади.

**С.қ.** – шунингдек жамоат бирлашмалари ички ўзини ўзи ташкил этишининг ўзига хос усули: уларнинг раҳбарлик қилувчи органлари ва шахслари қурултойлар, конференциялар, пленумлар ва бошқа жамоавий тадбирларда сайланадилар.

Акциядорлик жамиятларида унинг раҳбар органларини сайлаб қўйиш ҳам, бошқарувчиларини ва бошқа раҳбарларини тайинлаш ҳам қўлланилади.

**С.қ.** шунингдек, меҳнат жамоалари кенгашларини, маҳалла оксколларини сайлашда қўлланилади.

Маълумки, илгарилари туман ва шаҳар судларининг судьялари аҳоли томонидан, сўнгра тегишли ёки юқори халқ депутатлари Кенгашлари, яъни ўша даврдаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан сайлаб қўйилар эди. Бирок кейин судьялар тайинланган бўлди.

**САЙЛАНИШ УЧУН ЎЗ НОМЗОДИНИ ҚЎЙИШ (баллотировка)** – сайловларда депутатликка ёки сайлаб қўйиладиган лавозимга номзод сифатида иштирок этиш.

**САЙЛАШГА ВАКИЛ ҚИЛИНГАН КИШИ** – давлатнинг ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахсларини



сайлаш учун аҳоли томонидан сайланадиган фуқаро. Хусусан, АҚШда сайловчилар сайлашга вакил қилинганларни, улар эса – АҚШ Президентини сайлайдилар.

**САЙЛОВ** – давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқаларни ташкил этишнинг уларни аҳоли ёки бошқа орган томонидан сайлашдан иборат усули. Кўпроқ **С.** тушунчаси давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг депутатлари ва мансабдор шахсларини сайлашга нисбатан қўлланилади.

Куйидаги турдаги сайловлар бўлиши мумкин:

*тўғридан-тўғри сайлов* – бунда депутатлар ёки сайланадиган мансабдор шахслар бевосита аҳоли томонидан сайланади. Мас., ЎзР Президенти сайлови, Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри сайлов ҳисобланади;

*билвосита сайлов* – бунда аҳоли сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, улар эса тегишли шахсларни сайлайди. Масалан, АҚШда сайловчилар сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, булар эса АҚШ Президентини сайлайди. Ҳиндистон парламенти Штатлар Кенгаши – юқори палатаси аъзоларининг аксарияти штатлар ва иттифоқдош ҳудудлар қонунчилик мажлисларининг аъзолари томонидан сайланади;

*кўп поғонали сайлов* – бунда аҳоли фақат қуйи вакиллик органларининг депутатларини сайлайди, булар эса кейинги даражадаги вакиллик органларининг депутатларини (делегатларни) сайлайди. Кўп поғонали сайлов баъзи чет мамлакатларда қўлланилади. Масалан, Хитойда юқори халқ вакиллари мажлислари, шу жумладан Бутунхитой Халқ вакиллари мажлиси қуйи халқ вакиллари мажлислари томонидан сайланади.

**САЙЛОВ БЛОКИ** – айрим мамлакатларда депутатликка номзодлар ёки сайлаб қўйиладиган давлат ёхуд муниципал лавозимларига номзодлар кўрсатиш орқали сайловларда иштирок этиш ҳамда уларнинг сайланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар билан курашиш мақсадида икки ва ундан ортиқ сайлов бирлашмасининг бирлашуви.

**САЙЛОВ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ** – алоҳида мамлакатларда қонунчилик билан белгиланган конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чорасининг тури. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш – ҳам сайлаш, ҳам сайланиш ҳуқуқига татбиқ қилиниши мумкин. **С.х.м.қ.** – бу Конституция ёки сайлов қонунчилиги билан назарда тутилган махсус таъсир чорасидир. Мазкур чора сайловда катнашиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгиловчи сайлов комиссияси ёки қўшимча жиной жавобгарлик тарикасида суд томонидан қўлланилиши мумкин.

**С.х.м.қ.** икки хил асосда амалга оширилиши мумкин: ҳуқуқий ва ноҳуқуқий.

Ҳуқуқий асосларда **с.х.м.қ.** сайлов цензлари асосида – ёш, жинс, муомала лаёқати, фуқаролик ва бошқа мезонлар асосида амалга оширилади.

Ноҳуқуқий **С.х.м.қ.ни** «адолатсиз» деб ҳам аташ мумкин. Тарихдан маълумки, 30- йилларда бир қанча фуқаролар (қулоқлар, руҳонийлар, ёлланма ишчилар, ўз меҳнати билан пул топмайдиган шахслар – судхўрлар, корхона эгалари, колхозчилар ва бошқалар) синфий-сиёсий мотивлар асосида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар.

**САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРИШ** – сайловчининг бирин-кетинг амалга оширадиган ҳаракатлари мажмуи: овоз бериш биносида участка сайлов комиссияси аъзосидан сайлов бюллетенини олиш; сайлов бюллетенини тўлдириш; сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлаш.

Расмий жиҳатдан олганда, овоз бериш ҳодисаси сайлов бюллетени сайлов қутисига ташланганидагина содир бўлади. Бирок, конун ҳужжатлари, баъзан, овоз бериш ҳодисасини участка сайлов комиссиясида сайлов бюллетени олиниши билан ҳам бонлайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Қонуннинг янги таҳрири (2003 йил) парламент сайловида овоз беришнинг қуйидагича тартибини белгилайди.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига руҳсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади. ЎЗРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, харбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сай-

лов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага тақлиф қилишга ҳақли.

Сайловда сайловчи ўзи карши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов varaқасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов varaқасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов varaқасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов varaқасининг шакли, сайлов varaқаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

**САЙЛОВНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ** — тегишли сайлов комиссияси томонидан сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган кўп сонли қондабузарликлар туфайли **с.х.э.д.т.** тўғрисида қарор қабул қилиш. Сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда қонунда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин такрорий сайлов ўтказилиши, депутатликка ёки сайлаб

қўйиладиган лавозимга номзодлар янгидан қўйилиши лозим. Сайлов комиссиялари таркиби тўла ёки қисман қайта тузилиши мумкин.

Масалан, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. **С.х.э.д.т.га** доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларисиз ҳам умуман сайлов ҳақиқий эмас деб топилши мумкин эканлиги инobatга олинган ҳолда бу натижалар Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Сенат аъзолари сайловида эса, агар сайлов лавомида, овозларни санаб чиқишда, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда қонун талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Ҳар бир ҳолатда такрорий сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сенат аъзоларининг такрорий сайлови эса Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси юқорида зикр этилган асосларга қўра ЎзР Президенти сайловини ҳам ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли. Бу ҳолда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кўпи билан қирк кунлик муддат ичида ўтказилади.

**САЙЛОВЧИ ОВОЗИ** – сайловчининг сайловда овоз бериш йўли билан у ёки бу депутатликка ёки сайлаб қўйиладиган лавозимга номзодга ёхуд сайлов рўйхатига афзаллик бериш ҳуқуқини англатувчи тушунча. Ўз овозини бериш – сайлов участкасига келиш, сайлов бюллетенини тўлдириш, яъни сайловчи ўзи бошқалардан афзал деб ҳисоблаган номзоднинг фамилияси ёки сайлов рўйхати рўпарасига бирон-бир белги қўйиш ва бюллетенни сайлов қутисига ташлаш демакдир.

**САЙЛОВЧИЛАР КЛУБИ** – айрим мамлакатлар тажрибасида учрайдиган нормасмий ёки рўйхатга олинадиган сайловчилар бирлашмаси (уюшмаси). Унинг мақсади сайловларни демократик ўтишини таъминлаш, сайлов тadbирлари ҳақида кенг оммани хабардор қилиб бориши ёки алоҳида номзодларни, сиёсий партия ва ҳаракатларни қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

**САЙЛОВЧИЛАР КОЛЛЕГИЯСИ** – сайловчиларга қаранг.

**САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ** – сайлов иштирокчилари – сайлов ҳуқуқига эга вояга етган фуқаролар рўйхати. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истикомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари **С.р.га** киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта **С.р.га** киритилиши мумкин.

**С.р.** ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси **С.р.ни** тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истикомат қилувчи сайловчилар тўғрисида **С.р.ни** тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Сайловчиларнинг фамилиялари **С.р.да** овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида **С.р.** билан танишиш имконияти таъминланади.

Ҳар бир фуқаро **С.р.даги** хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арыз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт. Участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Улар шикоятни 3 кун муддат ичида, овоз беришдан 4 кун олдин ҳамда сайлов кунини – зудлик билан кўриб чиқишлари шарт.

Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаш бошланганидан кейин сайловчилар рўйхатларига ўзгартишлар киритиш тақиқланади.

Сайлов участкаси ҳудудига **С.р.** ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинганидан кейин кўчиб келган сайловчилар, шунингдек муайян сабабга кўра рўйхатга кирмай қолган сайловчилар шахсини ва мазкур сайлов участкаси ҳудудида яшашини тасдиқлайдиган ҳужжатларга асосан участка сайлов комиссиясининг **С.р.га** қўшимча равишда киритилади.

**САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИ** – депутат императив мандатининг жиҳатларидан бири (қ.: *Депутат*). Унинг моҳияти шундаки, депутат ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродаси ва топшириқлари билан боғлиқ бўлади, мазкур топшириқларнинг бажарилиши

учун улар олдида жавоб беради. Депутат ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисобот беришга мажбур. Агар сайловчилар депутат уларнинг ишончини оқламапти деб топсалар, уни чақириб олишлари мумкин.

**С.т.** сайловчиларнинг хошиш-иродасини ифода этади. Бу сайловчиларнинг ижтимоий муҳим хусусиятга эга топшириқлари бўлиб, тегишли вакиллик органи (Кенгаш) уларни ўз фаолиятига асос қилиб олиши лозим. 1977 йилги собиқ СССР Конституцияси, иттифокдош ва автоном республикаларнинг конституциялари, сайловчиларнинг топшириқлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги фармонлар ва нозомлар, депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонунларнинг қондалари **С.т.** учун ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилган.

**С.т.**, қонда тарикасида, сайлов кампанияси даврида, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида берилар эди. Депутатлар сайловчилар олдида ҳисобот бераётганида ҳам **С.т.** бериш тартибини жорий этишга ҳаракатлар бўлган, аммо мазкур вариант тарқалмаган.

**С.т.** депутатликка номзодлар билан учрашув-йиғилишларда сайловчилар ўртасида очик овозга қўйиш орқали қабул қилинар эди. Номзодлар узок йиллар мобайнида топшириқларни рад этиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Аммо **С.т.** амал қилган даврнинг сўнгги босқичи (90-йилларнинг охири)да депутатликка номзодларга ўзига маъқул келмаган **С.т.ни** қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқи берилди.

Қабул қилинган **С.т.** номзод томонидан маҳаллий Кенгашнинг ижроия қўмитасига ёки Олий Кенгаш Президиумига топширилар эди. Мазкур органлар **С.т.ни** умумлаштириб, такрорланувчи топшириқларни бирлаштирар ва **С.т.ни** амалга ошириш тadbирлари режасини тайёрларди. **С.т.ни** узил-кесил қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқига тегишли халқ депутатлари Кенгаши эга эди. Юқорида зикр этилган тadbирлар режасини ҳам шу орган тасдиқларди. Хуллас, **С.т.нинг** императивлиги нисбий эди: номақбул **С.т.ни** Кенгаш рад этиши мумкин эди.

Жамоат ташкилотларидан халқ депутатларини сайлаш жорий этилганида (1988 й.) ҳам депутатларга уларнинг топшириқларини бериш назарда тутилди.

**С.т.**, айниқса, маҳаллий миқёсда маълум ижобий роль ўйнаб келди, депутатларга сайлов округи, бутун Кенгаш ҳудудидаги муаммоларни ўз фаолияти билан тўлароқ камраб олишга кўмаклашди. Бундан ташқари, депутатлар сайловчилар олдида ўз масъулиятини янада кучлироқ хис қилар эдилар.

**САЛЬВАДОР** (Эль-Сальвадор Республикаси) – Марказий Америкада жойлашган давлат, 1821 йилнинг 15 сентябрида мустакилликка эришган. Пойтахти – Сан-Сальвадор шаҳри.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши 14 та департаментдан иборат.

1983 йилнинг декабрида Конституция қабул қилиниб, 1991 йили

унга ўзгартиришлар киритилган. Конституцияга мувофиқ, республика давлат бошқаруви шакли жорий этилган.

Сальвадорда давлат бошлиғи президент ҳисобланиб, умумий овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. У қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Президент билан бирга вице-президент ҳам сайланади.

Сальвадор парламенти – қонунчилик мажлиси 84 депутатдан иборат бўлиб, пропорционал сайлов тизими асосида умумий овоз бериш йўли билан уч йил муддатга сайланади.

Ижро ҳокимияти президент томонидан амалга оширилади. Президент вазир ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди.

**САНКЦИЯ** – юридик норманинг мантиқий яқунловчи таркибий қисмидир. Унда жамият, давлат, шахснинг ҳуқуқий нормани бузувчиларга нисбатан салбий муносабати ифодаланади. Демак, санкция – ҳуқуқ нормасини бажармаганлик учун давлат органлари қўллайдиган мажбурлов чораси. Ҳуқуқ нормаларига онгли равишда, ихтиёрий роя қилинмас экан, ҳуқуқбузарлик мавжуд экан – с. юридик нормаларга амал қилиш ва уни ижро этишни таъминловчи қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашнинг муҳим ва зарур воситаси бўлиб қолади.

**С.** ҳуқуқбузар учун бўладиган ноҳўя оқибатларнинг характерига боғлиқ равишда қуйидагиларни қўзда тутиши мумкин:

а) жавобгарлик чоралари (озодликдан маҳрум қилиш, жарима, моддий зарарни ундириш). Бу турдаги санкциялар жавобгарликка тортувчи ёхуд жазоловчи санкциялар деб аталади;

б) огоҳлантириш таъсир чоралари (ушлаб келтириш, мулкнинг ҳисобга олиш, жиноятни содир қилишда гумон қилиб ушлаш, давлат ҳокимиятининг акти ёхуд маъмурий актларни бекор қилиш, мажбурий даволаш, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиб ташлаш ва ҳақозо);

в) муҳофаза чоралари (ишчи ва хизматчиларни, агар улар илгари ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш билан бўлсалар аввалги иш жойига қайта тиклаш, алимент ундириш ва ҳақозо);

г) субъектнинг ўзининг ҳулқ-атвори оқибатида келиб чиқадиган ноҳуш оқибатлар (касалхона режимини бузиш оқибатида беморнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини йўқотиш ва ҳақозо).

**С.ларни** ҳуқуқбузар учун ноҳуш бўлган оқибатларнинг ҳажми ва миқдоридан келиб чиқиб, мутлақ муайян **С.ларга** (ҳодимни хизмат бурчини бажаришдан озод этиш, ишдан бўшатиш, жариманинг аниқ миқдори ва ҳақозо); ноҳуш оқибатлар чегарасининг энг озидан энг кўпигача ёхуд фақат энг кўпигача кўрсатиладиган нисбий-муайян **С.лар** (жариманинг оз миқдори ёки энг кўп миқдори ва ҳақозо); ноҳуш оқибатларнинг ҳолатидан келиб чиқиб бир неча санкциялардан бирини танловчи муқобил **С.лар** (эллик бараваргача ойлик иш ҳақи

микдорида ёки икки йилгача меҳнат тузатиш ишларига жалб қилиш)га бўлинади.

Шунингдек, мураккаб (кумулятив) С. тури ҳам мавжуд бўлиб, бундай С. асосий жазодан ташқари қўшимча жазо берилишини ҳам назарда тутати, масалан, муайян жиноятни содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш каби асосий жазодан ташқари қўшимча жазони, маълум ҳуқуқдан маҳрум қилишни ҳам кўзда тутати.

**САН-МАРИНО (САН-МАРИНО РЕСПУБЛИКАСИ)** – Италия ҳудуди ичида, Апенини ярим оролида жойлашган Европадаги давлат. Европа ва жаҳондаги республика бошқарув шаклидаги эга қадимий давлат. Ривоятларга кўра эрамининг 301 йили Далмациялик насроний мукаддас Марино томонидан асос солинган. Биринчи марта «Сан-Марино Республикаси» атамаси X асрдаги ҳужжатларда қайд қилинган. Мазкур кичик давлатнинг ҳудудий бирлиги ва хавфсизлиги 1862 йилда Италия ва Сан-Марино ўртасида тузилган дўстлик тўғрисидаги шартнома билан кафолатланади.

Пойтахти – Сан-Марино шаҳри.

Маъмурий ҳудудий бирлиги – тўққизта округдан (қўрғондан) иборат.

1600 йилнинг 8 октябрида давлатнинг тузилиш тизими тўғрисидаги қонунлар мажмуи – «Статут», яъни Конституция қабул қилиниб, Катта Бош Кенгаш томонидан маъқулланган. 1906 йилнинг 26 мартдаги оила бошликларининг умумий йўғини қарори ва Катта Бош Кенгашнинг бир қатор фармонлари билан Конституцияга ўзгартиришлар киритилган.

Давлат бошқарув шакли республикадир. Олий ҳокимият бир палатали парламент – Катта Бош Кенгашга тегишли бўлиб, у пропорционал тизим бўйича умумий овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадиган 60 депутатдан иборат.

Давлат бошлиғи функциясини Катта Бош Кенгаш аъзолари ичидан олти ой муддатга сайланадиган иккита капитан – регент бажаради. Улар ўз лавозимларига мандатлари муддати тамом бўлгандан сўнг, орадан уч йил ўтиб қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Капитан – регентлар ўз қарорларини биргаликда қабул қиладилар. Улар бир-бирларини чиқарган қарорларига вето қўйиш ҳуқуқига эга. Яъни, уларнинг ҳаракатлари ўзаро келишилган бўлиши лозим.

Ижроия ҳокимияти ҳукумат, яъни Катта Бош Кенгаш аъзолари ичидан коалицион асосда сайланган Давлат конгресси ҳамда капитан-регентларга тегишли бўлиб, улар парламент ваколат муддати тугагунча ижроия ҳокимиятини амалга оширадилар. Давлат конгресси уч давлат котиби ва етти вазирдан иборат.

**САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ (САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ)** – Марказий Африканинг ғарбий қирғоғи, Гвинея қўлтиғида жойлашган орол давлат. 1975 йилнинг



12 июлида мустакиллигини эълон қилган. Пойтахти – Сан-Томе шаҳри.

Маъмурий-худудий тузилиши – еттита округдан иборат.

1990 йилда қабул қилган Конституцияга мувофиқ давлат бошқарув шакли республикадир.

Мамлакат Президенти бевосита умумий сайловлар орқали беш йил муддатга сайланади. Бир палатали парламент – Миллий Мажлис – беш йил муддатга сайланадиган 55 депутатдан иборат.

Ижроия ҳокимияти ҳукуматга тегишли бўлиб, Бош вазир президент томонидан тайинланади. Бош вазир вазирларни лавозимига тайинлайди ва истеъфога чиқаради.

**САУДИЯ АРАБИСТОНИ (САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚИРОЛЛИГИ)** – Осиёдаги, яъни Арабистон ярим оролида жойлашган давлат. Ягона Саудия Арабистони давлати 1902–1925 йилларда араб амирларининг бирлашуви натижасида ташкил топган. Қирол Ибн Довуд мазкур давлатнинг асосчиси бўлиб ҳисобланади. 1932 йилнинг сентябридан давлат ҳозирги номига эга бўлди.

Пойтахти – Эр-риёд шаҳри.

Маъмурий-худудий тузилиши 13 маъмурий округдан иборат.

Давлат бошқарув шакли – мутлақ теократик монархия. Давлат бошлиғи қирол ҳисобланиб, унга диний, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тегишли.

Мазкур давлат ёзма Конституцияга эга эмас. Мамлакат бошқаруви ва худудий тузилиши қирол томонидан чиқарилган фармонлар асосида тартибга солинади. 1992 йилнинг 29 февралда учта Фармон – «Ҳокимият тизими асослари», «Консултив кенгаш тўғрисидаги қоидалар», «Худудий тузилиш тизими», тўғрисидаги фармонлар мавжуд.

1992 йилнинг 1 мартада қирол Фахд томонидан Фармон чиқарилиб, эксперт органи функциясини бажарувчи, 61 аъзоси бўлган Консултив кенгаш – Мажлис-аш-Шура тузилган. Ушбу кенгашнинг ваколат муддати тўрт йилдир.

Қирол ҳукуматни шакллантириш ва айрим вазирларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Ҳукумат асосан қирол оиласининг аъзоларидан шакллантирилади. Қирол бош вазир лавозимига эга, унинг биринчи ўринбосари мерос ҳуқуқига эга шахзода бўлиб ҳисобланади. 1993 йилнинг августда қирол томонидан декрет чиқарилиб ҳукумат фаолиятини тартибга солувчи кодекс тасдиқланган. Унга кўра ҳукуматнинг ваколат муддати тўрт йилдир.

Олий судлов органи Олий суд бўлиб ҳисобланади. Олий суд қирол тасарруфига тегишлидир.

Сиёсий партия ва қасаба уюшмаларининг фаолияти таъқиқланган.

**СВАЗИЛЕНД (СВАЗИЛЕНД ҚИРОЛЛИГИ)** – Жанубий

Африкадаги давлат. 1978 йилнинг 13 октябрида мустақиллигини эълон қилган. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Мбабане шаҳри.

Маъмурий-ҳудудий бирлик тўртта округдан иборат.

1978 йили қабул қилинган Конституцияга мувофиқ Свазиленд давлати бошқарув шакли конституциявий монархиядир. Давлат бошлиғи қирол бўлиб, 1986 йилнинг 26 апрелидан мамлакатни қирол Мовати III бошқаради. Қирол қисман парламентни шакллантиради ва унинг қарорларига вето қўйиш ҳуқуқига эга.

Свазиленд парламенти – Либандла – икки палата: Сенат (30 сенатор) ва Мажлислар палатаси (65 депутат)дан иборат. Парламентга сайловлар икки босқичда олиб борилади. Биринчи турда сайловчилар сайлов округларидаги энг обрўли номзодларни аниқлаб оладилар ва иккинчи турда, уларнинг ичидан 65 номзод депутат этиб сайланадилар. Қўйи палатага сайланган депутатлар ўзларини ичидан 10 та сенаторни сайлайдилар, ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига қиролнинг ўзи ўнта депутатни тайинлайди. Шунингдек қирол қолган сенаторларни ҳам тайинлайди.

Ижроия ҳокимияти ҳукумат томонидан амалга оширилади. Барча ҳукумат аъзолари парламент депутати бўлиши лозим. Бош вазир қирол томонидан лавозимига тайинланади. Ҳукумат таркибининг асосий лавозимлари, шунингдек Бош вазир шахзодалардан иборат бўлади:

**СЕЙШЕЛЬ ОРОЛЛАРИ (Сейшель Ороллари Республикаси)** – Африканинг шарқий қирғоғи, Ҳинд океанида жойлашган орол давлат (ҳаммаси бўлиб 92 оролдан иборат). 1976 йилнинг 28 июнида мустақилликка эришган. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Виктория шаҳри.

Маъмурий-ҳудудий бирлик беш округдан иборат.

1993 йилнинг 18 июлида референдум ўтказилиб, мамлакат Конституцияси маъқулланган. Конституцияга асосан давлатнинг бошқарув шакли республикадир.

Давлат бошлиғи – Президент умумий овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президент уч муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Сейшель ороллари Республикаси парламенти – Миллий мажлис 33 депутатдан иборат бўлиб, уларнинг 22 таси умумий сайловлар асосида, 11 таси президент томонидан тайинланади.

Ижро этувчи ҳокимият Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилиб, унга президент бошчилик қилади.

**СЕНАТ КЕНГАШИ** – Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида тузилади. Сенат Кенгаши, палата мажлислари оралиғида, заруратга қараб тўпланади. Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмиталарнинг

раислари киради. Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

**СЕНАТ** – ҳозирги пайтдаги кўплаб хориж мамлакатлари парламентларининг палаталаридан (юқори палата) бирининг номланиши (масалан, АҚШ Конгресси сенати, Бразилия Конгресси сенати ва ҳоказо).

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни қабул қилиниб, унда ЎзР Сенатининг мақоми, сенат фаолиятини ташкил этиш, Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликка доир муносабатларни тартибга солиш белгилаб қўйилди.

ЎзР Конституциясининг 77-моддасига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзолари (сенаторлардан)дан иборат.

ЎзР Олий Мажлисининг **С.** аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар органидан яширин овоз бериш йўли билан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. ЎзР Олий Мажлиси **С.нинг** ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан танлаб олиниб, ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

ЎзР Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисининг **С.** мутлақ ваколатларига:

1) ЎзР Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарининг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Конституциявий судини сайлаш;

3) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Олий судини сайлаш;

4) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Олий ҳўжалик судини сайлаш;

5) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) ЎзР Президентининг ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) ЎзР Президентининг ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) ЎзР Президентининг такдимига биноан ЎзР нинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) ЎзР Президентининг такдимига баноан ЎзР Марказий банки Бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) ЎзР Президентининг такдимига биноан амнистия тўғрисидаги хужжатларини қабул қилиш;

11) ЎзР Бош прокурорининг такдимига биноан ЎзР Олий Мажлисининг С. аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) ЎзР Бош прокурорининг, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, ЎзР Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги ЎзРнинг 2003 йил 29 август Конунига биноан, С. фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари, С. фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади. С. иши вақти-вақти билан ялпи мажлисларга ва С. қўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларига чақириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

С. фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратига қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

**СЕНЕГАЛ (Сенегал Республикаси)** – Ғарбий Африкада жойлашган давлат. 1960 йилнинг 20 августида мустақилликка эришган. Пойтахти – Даккар шаҳри.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши 10 та вилоятлардан иборат бўлиб, улар ўз навбатида департаментлардан ташкил топган.

1963 йилнинг 7 мартда Сенегал ўз Конституциясини қабул қилиб, кейинчалик унга бир мунча тузатиш ва ўзгартиришлар киритилган. Унга кўра С. давлат бошқарув шакли республикадир.

Давлат бошлиғи президентдир. Президент 7 йил муддатга сайланади ва яна бир бор қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

С. парламенти бир палатали бўлиб, миллий мажлис деб номланади ва 120 депутатдан иборат. Депутатлар аралаш сайлов тизимига кўра беш йил муддатга сайланадилар. 60 депутат пропорционал сай-

лов тизими асосида умумий овоз бериш йўли билан, қолган 60 депутат мажоритар сайлов тизими асосида сайланадилар.

Ижро этувчи ҳокимиятга президент раҳбарлик қилади ва у ҳукуматни шакллантиради.

**СЕНТ – ВИНСЕНТ ВА ГРЕНАДИНА** – Кичик Антил ороллари архипелагидаги давлат. Марказий Америкада жойлашган. 1979 йил 27 октябрда мустақилликка эришган. Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Кингстаун шаҳри.

Сент – Винсент ва Гренадина Конституцияси 1978 йилнинг сентябрида Лондонда бўлиб ўтган анжуманда ишлаб чиқилган. Конституцияга кўра давлат бошқарув шакли-конституциявий монархия (расман давлат бошлиғи Буюк Британия Қироличаси бўлиб, у Сент – Винсент ва Гренадина Генерал-губернаторини тайинлайди).

Қонун чиқарувчи ҳокимият органи – бир палатали парламент – Мажлислар Палатаси бўлиб, у умумий сайловлар асосида сайланадиган 12 депутат ва 6 сенаторлардан иборат. Тўрт сенаторни Бош вазир тавсиясига кўра Генерал-губернатор тайинлайди, икки сенатор муҳолифот тавсиясига кўра Генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Бош вазир Генерал-губернатор томонидан тайинланади. Бош вазир лавозимини асосан парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партия раҳбари эгаллайди.

**СЕНТ – КИТС ВА НЕВИС (СЕНТ-КИТС ВА НЕВИС ФЕДЕРАЦИЯСИ)** – Марказий Американинг Қариб денгизини шарқий қисмида жойлашган орол давлат. 1983 йил 19 сентябрда мустақилликка эришган. Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Бастер шаҳри.

1982 йилнинг 16 мартда тасдиқланган Конституцияга кўра давлат бошқарув шакли конституциявий монархия бўлиб, давлат бошлиғи Буюк Британия Қироличаси ҳисобланади ва у мамлакатнинг Генерал губернаторини тайинлайди.

Миллий мажлис – мамлакат парламенти бир палатадан иборат бўлиб, умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган 11 депутатдан ва уч сенатордан иборат. Сенаторларнинг икkitаси Бош вазир тавсиясига кўра, яна бири муҳолифат раҳбарининг тавсиясига кўра, мерос-губернатор томонидан тайинланади. Парламентнинг ваколат муддати – беш йил.

Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Парламент аъзоларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланган депутат Бош вазир лавозимини эгаллайди. Ҳукумат парламентга ҳисоб беради.

**СЕНТ – ЛЮСИЯ** – Марказий Америкадаги кичик Антил ороллари архипелагида жойлашган давлат. 1979 йилнинг 22 февралда

муस्ताкиликка эришган. Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти — Кастри шаҳри.

Мамлакатнинг Конституцияси 1978 йилда Лондонда бўлиб ўтган анжуманда ишлаб чиқилган.

Конституцияга кўра давлат бошқарув шакли — конституциявий монархия. Давлат бошлиғи Буюк Британия Қироличаси ҳисобланиб, у мамлакат Генерал-губернаторини тайинлайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламентдан иборат. Юқори палата — Сенат 11 сенатордан иборат бўлиб, улар Бош вазир ва мухолифат раҳбарининг тавсияларига кўра Генерал-губернатор томонидан тайинланадилар. Қуйи палата — Мажлислар Палатаси 17 депутатдан иборат бўлиб, умумий овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадилар.

Ижро этувчи ҳокимият ҳукуматга тегишли бўлиб, Бош вазир лавозимига парламентда кўпчилик овозга эга бўлган партия раҳбари генерал-губернатор томонидан тайинланади.

**СЕССИЯ** — вакиллик органи ишини ташкил этиш шакли. ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ишининг муҳим ташкилий шакли сессиядир. ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари, сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қонда тарикасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

ЎзР Олий Мажлиси Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Демак, Олий Мажлис сессияси унинг йиғилишларидан, шунингдек, бу йиғилишлар орасида ўтказиладиган кенгаш, қўмиталар ва комиссияларининг, Олий Мажлис бошқа органларининг йиғилишларидан иборат.

ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

**СЕССИЯГА ЧАҚИРИҚ** — вакиллик органининг раиси, кенгаши ёки президиум томонидан навбатдаги ёхуд навбатдан ташқари сессиясини ўтказиш ва депутатларга хабар бериш учун қабул қиладиган қарори.

**СЕЦЕССИЯ** — бирор-бир давлатнинг маълум бир ҳудудда яшовчи аҳолини ёки давлат ҳокимияти органи чиқарган қарорига кўра ўша аҳоли яшовчи ҳудудни давлатдан ажралиб чиқиши; давлатнинг бирор-бир маъмурий-ҳудудий бирлигини алоҳида ажралиб чиқиши, федератив давлатларда унинг субъектини ўша субъектда яшовчи аҳолининг референдум орқали ёки мазкур субъектнинг ҳокимият органининг қарори билан давлат таркибидан чиқиши.

**СИЁСИЙ БОШПАНА** — тегишли шахсга давлат ҳудудда чекланмаган вақт мобайнида бўлиш (яшаш), мазкур шахснинг ҳам, оила

аззоларининг ҳам шу давлат химоясидан фойдаланиш имкониятини бериш. Бундай имкониятнинг берилиши умум эътибор халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Сиёсий бошпана сўралиши ва берилиши учун шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва эътиқоди асос бўлади.

ЎзР Президенти томонидан хорижий шахсга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга сиёсий бошпана бериши шуни англатадики, бу одам Ўзбекистонга келиши мумкин ва жиноятчи сифатида бошқа давлатга берилмайди. Одатда, сиёсий бошпана, сиёсий фаолияти, илмий ва маданий важлар учун, миллий ва диний важлар туфайли таъқиб қилинаётган шахсларга берилади. Сиёсий бошпана олиш учун зарур бўлган шартларни белгилаш – бошпана бераётган давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Бошпана узоқ муддатга ва белгиланмаган вақтга берилади. ЎзР сиёсий бошпана бериш масаласини ЎзР Конституцияси 93-моддасининг 22-бандига асосан ЎзР Президенти ҳал этади.

**СИЁСИЙ ЖАРАЁН** – кейинги йилларда фанда ишлатила бошлаган тушунча бўлиб, у халқ ҳокимиятини амалга ошириш, жамият ва давлат ишларини бошқариш соҳасидаги барча ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу ҳаракатлар ҳам ҳуқуқ, аввало конституциявий ҳуқуқ билан (шунинг учун ҳам «конституциявий жараён» тушунчаси келиб чиқади) расмийлаштирилади. Шунингдек, бошқа ижтимоий нормалар – сиёсий анъаналар, одатлар, сиёсий партияларнинг уставлари ва шу қабилар негизда содир бўлади.

**СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР** – жамият ва давлатни бошқариш, халқ ҳокимиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар йиғиндиси.

**С.м.** қисман давлат ҳуқуқий (конституциявий ҳуқуқий) муносабатлардан, қисман ноҳуқуқий ижтимоий муносабатлардан иборат бўлади. Муносабатларнинг иккала гуруҳи кўпинча бир-бири билан қўшилиб кетади. Мас., парламентга сайлов тайинланиши, унда сиёсий партия ва ҳаракатларнинг иштироки, уларнинг ўз номзодлари рўйхатларини тақдим этиши, сайлов олди ташвиқот ўтказишнинг асосий қоидалари – ана шуларнинг ҳаммаси қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган сиёсий муносабатлардир. Партиялар, ҳаракатлар кураш олиб бориши учун бир-бирлари билан блок тузушлари, қайси номзодларни кўрсатишни афзал кўришлари, ташвиқот ўтказишнинг қандай аниқ усулларини танлаб олишлари – булар ҳам сиёсий муносабатлар бўлсада, аммо ноҳуқуқий, яъни ҳуқуқ орқали тартибга солинмайдиган муносабатлардир.

**СИЁСИЙ ОДАТ** – сиёсий муносабатларнинг у ёки бу қатнашчилари фойдаланадиган сиёсий ҳаёт қоидаси. Айрим сиёсий одатлар номатив ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилмагунча шу тарзда қўлланилаверади. Улар норматив ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилган вақтдан бошлаб ҳуқуқий нормаларга айланади. Бошқа сиёсий одатлар уларни

хукукий жихатдан расмийлаштиришнинг иложи йўқлиги, баъзан мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки бунга зарурат йўқлиги сабабли шундай тарзда қолавереди. Мас., бир қанча мамлакатларда президентлар сиёсий партияларга кирмайди, сайланганидан кейин партия аъзолигини тўхтатади шу тарика улар ўз фаолиятини аниқ сиёсий кучларнинг манфиатлари йўлида эмас, балки бутун халқ манфиати йўлида амалга оширишларини намоён этишга эришади.

**СИЁСИЙ ОҲАНГДОРЛИК (ангажирланганлик)** – кимнингдир нуқтаи назари ёки мойиллигининг қандай сиёсий тусига эга эканлигини бўрттириб кўрсатиш учун ишлатиладиган ибора. Масалан, маърузани сиёсий оҳангдорликка эга деб баҳолаш нотик бирон-бир муайян сиёсий қарашга эътиборни қаратганлигини ёхуд у ёки бу ғояга ўзининг мойил эканлигини ифодалаганлигини ё умуман кимнингдир ижтимоий буюртмасини бажарганлигини ва бошқа шу сингариларни англатади.

**СИЁСИЙ ПЛЮРАЛИЗМ** – муайян давлатда турли мафкуравий оқимларнинг ва уларнинг фикрини ифодаловчи жамоат бирлашмалари, шу жумладан сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг мавжуд бўлиш имконияти.

ЎзР Конституциясининг 12-моддаси сиёсий плюрализм асосини ташкил этади. Мазкур моддада ЎзРда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас дейилган. Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдир. Конституциявий тузум асосларини зўравонлик билан ўзгартириш мақсадини кўзлайдиган ва шу йўлда ҳаракат қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

**СИЁСИЙ РЕЖИМ** – мамлакатдаги сиёсий ва аввало давлат ҳокимиятининг ҳақиқий характери ва ташкил этилиши, у ёки бу давлат институтлари (президент, парламент, парламент муҳолифати, судлар, конституциявий суд, идоравий аппарат, армия ва шу қабилар) нинг роли; фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллигининг ҳақиқий ҳолати, ижтимоий онг, миллий, диний ва бошқа гуруҳларнинг роли, уларнинг давлат ҳокимиятига, жамоат ишларига таъсири, манавийлик, одатлар; қонунийликнинг ҳолати, жинойатчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш усуллари тушинилади.

**СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ** – жамоат бирлашмаси бўлиб, ўз олдига жамоат ва давлат жараёнларига таъсир ўтказиш, ваколатли органлар депутатлари ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларни сайлашда қатнашиш, улар орқали эса давлат ҳокимиятини ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишга таъсир ўтказиш мақсадини қўяди. Давлатнинг ўзини ҳам умуман жамиятни бошқарувчи ташкилот сифатида сиёсий ташкилот деб аташ мумкин.



**СИЁСИЙ ТУЗУМ** – тегишли жамият ва давлатдаги ҳокимиятнинг ташкил этилиш характери, унинг тартибот тизими, оммавий ишларни бошқаришда давлат ва жамоат негизларининг нисбати, шахснинг ҳолати, реал амалдаги сиёсий режим.

**СИЁСИЙ ҲАЁТ** – жамият ва давлатни бошқариш, шу муносабат билан вужудга келадиган ишлар ва муаммоларни ҳал этиш сиёсий ҳаёт қатнашчиларининг бир-бирига таъсири сабабли юзага келадиган муносабатлар йиғиндиси. Давлат, маъмурий ҳудуд, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, фуқоролар ва уларнинг гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари – сиёсий ҳаётнинг доимий қатнашчиларидир. Муайян ҳолатларда қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, тадбирқолик тузулмалари ҳам сиёсий ҳаёт қатнашчилари бўлиши мумкин (яна қаранг: Давлат ҳаёти).

**СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ** – жамият ва давлат идора қилиш соҳасидаги ваколат ҳамда фаолият. Сиёсий ҳокимиятнинг белгилари бўлиб, мамлакат ҳудудида мажбурлов органлари (полиция, армия, махсус хизмат) кучларидан ошқора фойдаланиш, сиёсий ҳокимиятнинг қарорлари фуқаролар, ташкилотлар ва ҳокимиятнинг бошқа турлари учун мажбурийлиги ва олий кучга эгаллиги, оммавийлиги, яъни қонунлар ва фармойишлар орқали барча фуқароларга мурожаат этиши, қарорлар қабул қилиш учун ягона марказий мавжудлиги ва шу қабилар ҳисобланади.

Сиёсий соҳада амалга ошириладиган ҳокимият (жамият, мамлакатни бошқариш) сиёсий ҳокимиятдир. Аммо сиёсий ҳокимият асосан давлат органлари томонидан амалга оширилишини назарда тутилса, уни давлат ҳокимияти дейиш мумкин. Сиёсатшунослик нуқтаи-назардан (илмий асосда) давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ҳақида сўз юритиш мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият қонунларни қабул қилиш орқали амалга оширилади. Ижро этувчи ҳокимият қабул қилинган қонунларни ижросини таъминлаш орқали амалга ошади. Суд ҳокимияти расмий идоралар, ташкилотлар, қорхоналар ва хусусий шахсларни қонунларга риоя этилишини таъминлайди.

Сиёсий ҳокимият – кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти, яъни давлат органлари тизими орқали давлат ва жамият ишларини бошқариш; бу жараёнда давлат органлари ҳам қатнашиб, давлат органларига, улар орқали эса давлат ва жамиятни бошқаришга таъсир ўтказишнинг у ёки бу воситаларидан фойдаланади.

Бироқ «сиёсий ҳокимият» – кенгрок тушунча бўлиб жамиятга ва фуқороларга таъсир ўтказишнинг нодавлат усулларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари, кўпинча, мамлакатдаги сиёсий режимни ҳисобга олганда, бу усуллар давлат ҳокимиятидан кўра кам-

роқ бўлмаган аҳамитга эга бўлиши, ҳатто унинг ҳаракатларини белгилаб бериши мумкин.

Сиёсий ҳокимият – сиёсий партия, ҳаракатнинг партия аъзоларига, ҳаракат қатнашчиларига таъсир ўтказиш воситаси ҳамдир: оммавий намойишлар, митинглар, юришлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш ҳам шулар жумласига киради, уларнинг яхши уюштирилган қатнашчилари бир кўрсатмага ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаётига ва ҳукмрон тузулмаларнинг ҳаракатига таъсир ўтказиш мақсадига бўйсинади.

Ҳокимиятнинг яна бир тури «жамоатчилик ҳокимият» деб аталади.

Маҳаллий даражада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятини ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳокимият, ЎзР конституциясига биноан, давлат ҳокимиятдан ажратилган бўлса ҳам у билан баҳамжихат ҳаракат қилади, аҳолини тегишли ҳудудлар ҳаётини идора қилишга доир қарорлар ишлаб чиқиш, қабул этиш ва амалга оширишга жалб қилишнинг турли воситаларидан фойдаланади.

Сиёсий ҳокимият жамиятда амалга оширилиши ва кенг оммага хизмат қилиши туфайли уни оммавий ҳокимияти ҳам деб атайдилар. Кейинги пайтларда тўртинчи ҳокимият – оммавий ахборот воситалари (ОАВ)ни ҳокимияти ҳақида журналистлар кўпроқ фикр билдирмоқдалар. Шу нуқтаи-назардан ЎзР Президентининг оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун мустақил ижтимоий Фондни тузиш ҳақидаги фикри диққатга сазовордир. ОАВ у ёки бу сиёсий кучларнинг фойдасига ижтимоий фикрни шакллантиришга хизмат қилади. Оммавий ахборотлар воситасида инсонлар ўзларини фикр ва ғояларини эркин равишда ифодалайдилар. Бунинг натижасида мамлакатдаги демократлаштириш жараёнлари чуқурлашиб боради, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошади, уларнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ҳақиқий иштироки таъминланади.

**СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ВА ЭРКИНЛИКЛАР** – фуқароларнинг сиёсий ҳаёт, давлат ишларини бошқариш соҳасида амалга ошириладиган асосий ҳуқуқ – ЎзР Конституциясининг 8-бобида мустаҳкамланган. Бу гуруҳ фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига қуйидаги ҳуқуқлар киради: жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш (32-модда), ўз ижтимоий фаолликларини ЎзР қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш (33-модда), қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш (34-модда).

**СИНГАПУР (СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ)** – Жануби-шарқий Осиёда жойлашган давлат. 1965 йилнинг 9 августида Сингапур Малайзия Федерацияси таркибидан ажралиб чиқиб, мустақил давлатчиликка асос солди. Давлат бошқарув шакли 1965 йилда қабул қилин-

ган ва кейинчалик ўзгартиришлар киритилган Конституцияга мувофиқ республикадир. Буюк Британия Хамдўстлиги таркибига киради. Пойтахти – Сингапур шаҳри.

Давлат бошлиғи – Президент 6 йил муддатга умумий овоз бериш йўли билан сайланади. Парламент 83 депутатдан иборат бўлиб, улар беш йил муддатга мажоритар сайлов тизими асосида умумий овоз бериш йўли билан сайланадилар. Парламентда кўпчилик ўрнига эга партия раҳбари Бош вазир лавозимига эга бўлиб, ҳукуматни шакллантиради. Ҳукумат парламентга ҳисоб беради.

**СИРИЯ (СИРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Осиёнинг Жануби-ғарбида жойлашган давлат. 1943 йили мустақилликка эришган. 1946 йилнинг 17 апрелида чет давлатларнинг (Франция) қўшинлари олиб чиқиб кетилиши муносабати билан, бу кун миллий байрам, Эвакуация куни нишонланади. Пойтахти – Дамашк шаҳри.

Маъмурий ҳудудий тузилиши 14 губернаторликдан (музофотдан) иборат.

1973 йилнинг 12 мартада мамлакат Конституцияси кучга киритилган.

Давлат бошлиғи – Президент. Унинг номзоди парламент томонидан илгари сурилиб, сайланади (яъни ҳукмрон партия, Араб социалистик тикланиш партияси – БААС) таклиф қилади, сўнгра умумхалқ референдумида тасдиқланиш учун тақдим этилади. Президентнинг ваколат муддати 7 йил бўлиб, қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек яна уч вице-президент ҳам сайланади.

Парламент – Халқ кенгаши, 250 депутатдан иборат бўлиб, умумхалқ овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланадилар.

Ижро этувчи ҳокимият Президент ва Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади. Ҳукумат Президент олдида ҳисоб беради.

**СЛОВАКИЯ (Словакия Республикаси)** – Марказий Европада жойлашган давлат. 1992 йилнинг 17 июлида Словакия Республикасининг суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилиниб, унга кўра Чехословакия Федератив Республикасининг барҳам топиши ва 1992 йилнинг 31 декабригача Федерация ўрнида икки мустақил давлатни ташкил топиши, 1992 йилнинг 25 ноябридаги ЧСФРнинг Федерал қонунида ўз аксини топди. 1993 йилнинг 1 январидан мустақил Словакия Республикаси ташкил бўлиб, ўз пойтахтини Братислава шаҳри деб эълон қилди.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши 8 ўлкадан иборат.

1992 йилнинг 1 сентябрида қабул қилинган Конституцияга кўра, давлат бошқарув шакли республикадир.

Давлат бошлиғи – Президент парламент томонидан, депутатларнинг 5 дан 3 қисмидан кўпроқ овозга эга бўлса, беш йил муддатга сайланади ва яна бир марта қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Словакия Республикасининг парламенти – Миллий Кенгаш

150 депутатдан иборат бўлиб, улар умумий овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадилар.

Хукумат коалицион тарзда, Президент томонидан шакллантирилади. Хукуматнинг дастурий баёноти парламент томонидан маъқулланиши лозим.

**СЛОВЕНИЯ (СЛОВЕНИЯ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Болқон ярим оролининг шимолий-ғарбидаги давлат. 1991 йилгача Словения иттифокдаги республика ҳукукига эга бўлган ҳолда, Югославия Социалистик Федератив Республикаси таркибида эди. Словениянинг суверенитети тўғрисидаги Декларация, парламент (Скупщина) томонидан 1990 йилнинг 2 июнида қабул қилинган. 1990 йилнинг 23 декабрида, Словенияни мустақил давлат деб эълон қилиш тўғрисидаги масала, референдумда кўриб чиқилди. 1991 йилнинг 25 июнида Скупщина (парламент) Словениянинг мустақиллиги ва суверенитетини эълон қилди. 25 июнь Словениянинг миллий байрами бўлиб ҳисобланади (Словения давлатчилиги ташкил топган кун). 1992 йилнинг 25 майида Словения БМТга қабул қилинди. Пойтахти – Любляна шаҳри.

Маъмурий-худудий тузилиши 62 райондан иборат.

1991 йилнинг 23 декабрида қабул қилинган Конституцияга кўра, Словения давлатининг бошқарув шакли республикадир.

Давлат бошлиғи Президент ҳисобланиб, умумий овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. У яна бир муддатга қайта сайланиш ҳукукига эга.

Словения парламенти – Скупщина-икки палатадан иборат. Юқори палата-Давлат Мажлиси 90 депутатдан иборат бўлиб, тўрт йил муддатга сайланади, унда италян ва венгер жамоалари биттадан вакилга эга. Қуйи палата – Давлат Кенгаши 40 аъзодан иборат бўлиб, улар беш йил муддатга сайланадилар. Давлат Кенгашининг 40 аъзосидан, 22 таси партиялар вакилларидан, 4 таси меҳнатқашларнинг вакиллари, 4 таси иш берувчининг вакиллари, 4 таси дехконлар, хунармандлар ва эркин касб эгалари вакиллари, қолган 6 таси бошқа соҳа вакилларидан иборат.

Ижро этувчи ҳокимият коалицион асосда шакллантирилиб, ҳукумат томонидан амалга оширилади ва парламентга ҳисоб беради. Хукумат Раиси Президент таклифига кўра, Давлат Мажлиси тасдиғидан ўтади. 10 та депутатдан кам бўлмаган парламент гуруҳи, Хукумат раиси лавозимига ўз номзодларини тавсия этиши мумкин. Бундай ҳолда, ҳар бир номзод овозга қўйилади. Кўпчилик овоз олган депутат Хукумат Раиси лавозимини эгаллайди.

**СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ** – ЎзР давлат солиқ органларининг қуйи тизимидаги (туман, шаҳар, шаҳардаги туман) тузилма. ўз фаолиятининг Ўз.Рнинг «Давлат солиқ хизмат тўғрисида»ги Қонуни (29.08.1997 й.), ЎзРнинг Солиқ кодекси (24.04.1997 й), шунингдек давлат солиқ инспекциялари тўғрисидаги низом ва бошқа норматив-

хукукий ҳужжатлар асосида олиб боради. **С.и.** махсус назорат-тафтиш бўлими, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бўлими, юридик шахсларга солиқ солиш бўлими, тушумларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларни қабул қилиш каби бўлимларидан ташкил топган. **С.и.** бошлиқлари Ўз.Р. Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бугунги кунда Давлат солиқ инспекцияларига Ўз.Р. Солиқ кодексига ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар (солиқлар) ундириш йўли билан давлат бюджетига, шунингдек, Ўз.Р.нинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига даромадлар тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш; солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш; солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш; солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш йўли билан солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш; солиқ ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш; солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларнинг ҳисобини юритиш, ҳужжатлар асосида текшириш давомида ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини аниқлаш, солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи қўшиб ёзишлар ва ҳар хил хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини счётлар бўйича текшириш; солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши ҳолларини таҳлил қилиш ва тегишли органларга солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритиш; маъмурий ҳуқуқ бузилишлар бўйича ишларни юритиш каби вазифалар юклатилган.

**СОЛОМОНОВА ОРОЛИ** — Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмидаги шу номдаги архипелаг давлат. Буюк Британиянинг собиқ протекторати. Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. 1978 йилнинг 7 июлида мустақиллигини эълон қилган. Пойтахти — Хониара шаҳри.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши 7 провинция ва битта пойтахт ҳудудидан иборат.

1978 йилда Конституцияси қабул қилинган.

Давлат бошқарув шакли — парламентли монархия. Давлат бошлиғи Британия Қироличаси бўлиб, у Миллий парламентнинг розили-

гига асосан беш йил муддатга мамлакат Генерал-губернаторини тайинлайди.

Миллий парламент (эски номи — Қонун чиқарувчи ассамблеяси) 4 йил муддатга сайланадиган 48 депутатдан иборат.

Бош вазирни парламент сайлайди. Бош вазир ҳукуматни — Миллий кабинетни шакллантиради. Ҳукумат парламентга ҳисоб беради.

**СОМАЛИ (СОМАЛИ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ)** — Африканинг Шимолий-Шарқидаги давлат. 1960 йилнинг 1 июлида мустақиллигини эълон қилган. Мазкур давлат Италия бошқаруви остида ва БМТнинг оталигида бўлган ҳудуд Сомали ва Буюк Британиянинг собиқ протекторати Сомалиленданинг бирлашуви натижасида тузилган. Пойтахти-Могадишо шаҳри.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши 18 та вилоятдан иборат.

Мамлакатда 1982 йилдан буён турли гуруҳлар ўртасида қаттиқ курашлар кетмоқда. БМТ ва Араб Давлатлари Лигаси томонидан Сомали можаросини тартибга солиш учун бўлган уринишлари зое кетди. Ҳозирда қочоқлар сони 1 миллиондан ошиб кетди.

1994 йилнинг 24 мартда Найроби шаҳрида (Кения мамлакатида). Сомалининг сиёсий келажаги тўғрисидаги Декларация имзоланиб, икки урушаётган томон ўртасида миллий ярашишга келишиб олинди. Декларацияга мувофиқ ўтиш даври, Миллий кенгаши (муваққат ҳукумат) тузилди.

Умумий референдум ўтказилгунга қадар, ҳозирда 1990 йилда қабул қилинган Конституция амал қилиб турибди. Давлат бошқарув шакли республикадир.

Давлат бошлиғи Президент ҳисобланиб, у тўғридан-тўғри умумий овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади. Парламент бир палатали бўлиб Халқ мажлиси деб номланади. Парламент 177 депутатдан иборат бўлиб, уларнинг 171 таси умумий овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. 6 депутат Президент томонидан тайинланади. Ижро этувчи ҳокимият Президент томонидан амалга оширилади. Президент ҳукуматга бошчилик қилади ва вазирларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ҳозирда ҳеч бир конституциявий давлат тузилмалари ўз функциясини бажараётгани йўқ.

**СОЦИАЛ ДАВЛАТ** — инсоннинг эркин ривожланиши ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берадиган давлат.

**СПИКЕР** — парламент ёки унинг палатаси раисининг номи. ЎзР да Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасини Спикер бошқаради.

С. асосан англо-саксон ҳуқуқий тизимига мансуб бўлган давлатларда шаклланган бўлиб, у парламент қўйи палатасининг раиси ҳисобланади, аксарият ҳолларда англо-саксон ҳуқуқ тизимини у ёки бу даражада қабул қилган мамлакатларда ҳам учратиш мумкин, масалан,

Ҳиндистон, Нигерия, Вануату ва бошқа давлатларда ҳам куйи палата раиси Спикердир. Спикер расман палата томонидан (амалда кўпчилик партиялар томонидан) сайланади. Спикер палата мажлисларига раҳбарлик қилади, палата ўзини палата қўмитаси қилиб ташкил этадиган ҳоллар бундан мустасно. Парламент куйи палатанинг Спикери орқали давлат раҳбари билан алоқани амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси парламентининг куйи – Қонунчилик палатасига ҳам раисликни Спикер амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 85-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий Қонуннинг 13-14-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 3–5-моддалари Қонунчилик палатаси Спикерининг сайланиши тартибини, унинг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Спикер Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Спикерни сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан ўн беш кишидан иборат Оксооллар кенгаши тузилади. Оксооллар Кенгаши Спикер лавозимига номзодларни, қоида тариқасида, энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Спикернинг ваколатлари қуйидагилардан иборат: Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чакиради, уларда раислик қилади; Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади; Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади; ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди; Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади; Қонунчилик палатаси матбуот органларининг

фаолиятига раҳбарликни амалга оширади; Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради; Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди; Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Спикер ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

**СТАТУТ ҲУҚУҚИ** – давлат органларининг ҳуқуқий *мақомини* мустаҳкамлашга бағишланган норматив ҳужжатлар гуруҳларининг ҳуқуқ фанида қўлланиладиган шартли номи.

**СТАТУТ** – ижтимоий гуруҳларни ёхуд давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини комплекс тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг умумлаштирилган номи. Бугунги кунда мазкур тушунча нисбатан кам ва фақат илмий нуқтаи-назардан қўлланилади.

**СТЕНОГРАФИК ҲИСОБОТ** – қонунчилик (вакиллик) органи ёки бошқа коллегиял орган мажлисининг махсус хизматчилар томонидан амалга ошириладиган сўзма-сўз баёни. Бундан ташқари, **С.ҳ.га** сўз берилмаган мажлис иштирокчилари маърузаларининг, бошқа материаллар (масалан, киритилган қарор лойиҳалари)нинг, шунингдек тегишли орган томонидан қабул қилинган қарорлар (ҳужжатлар)нинг ёзма матнлари илова қилиниши мумкин.

**С.ҳ.нинг** ҳаққонийлиги мажлисда раислик қилувчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади. **С.ҳ.** расмий ҳужжат аҳамиятига эга ва доимий сақланиши лозим.

**Субъектив ҳуқуқ** – бу шахснинг ўз қонуний манфаатларини қондириш йўлида қонунда кўрсатилган ва давлат томонидан таъминланадиган, рухсат этилган хатти-ҳаракатлари чорасидир. Объектив ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, субъектив ҳуқуқ фақатгина айрим субъектга тегишли ва фақатгина бу шахснинг истаги бўйича амалга ошириладган ҳуқуқ сифатида намоён бўлади.

**С.ҳ.** мумкин бўлган ёки рухсат этилган ҳаракат чораси сифатида унинг эгаси томонидан бошқа юридик нормаларни инobatга олмай ва ўзбошимчалик билан амалга оширилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ўзининг **С.ҳ.ини** амалга оширишда амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида ва доирасида ҳаракат қилади. Мас., мулкка, қурилишга, ер участкасига ўзининг мулкдорлик ҳуқуқини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. Ҳар қандай мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи фуқароларга ва уларнинг бирлашмаларига айрим ҳуқуқ ва эркинликларни бериш билан бир қаторда



бундай ҳуқуқларни амалга оширишнинг конституциявий доираларини ҳам ўрнатади.

«Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деб Конституциянинг 19-моддасида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ЎзР Конституциясида субъектив ҳуқуқни мумкин бўлган чегаралашлари ҳам мавжуд, яъни «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари, ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт» (20-модда). Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ЎзР Конституциясида белгилаб қўйилган (10-боб).

**СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** – сувни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи. Бу борада 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎзР Қонуни асосий ҳужжат ҳисобланади.

**СУВЕРЕН ҲУҚУҚЛАР** – конституциявий ҳуқуқда асосан давлат, федератив тузилиши соҳаларига нисбатан давлат, федерация субъектининг ўзи, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек мамлакатдаги ташкилотлардан мустақил амалга оширувчи ваколатларини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча.

**СУВЕРЕНИТЕТ** – ҳокимиятнинг устунлиги, бирлиги ва мустақиллиги. Конституциявий ҳуқуқда **С.нинг** қуйидаги уч жиҳати (тури)ни фарқлаш қабул қилинган.

1) *Халқ С.* Халқ С. концепциясининг моҳияти шундан иборатки, халқ жамият ва давлатда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади, бутун ҳокимият унга тегишли бўлади.

Халқ ҳокимиятчилиги уч шаклда – давлат ҳокимияти, ижтимоий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти шаклларида амалга оширилади. Давлат ҳокимиятини халқ бевосита (мас., референдум ёки давлат органларини сайлаш орқали) ёхуд давлат органлари амалга оширади. Давлат ҳокимиятининг қарорлари ва ҳаракатлари барча учун мажбурий ҳисобланади, улар ихтиёрий тарзда ижро этилади, аммо зарур ҳолда давлатнинг ташкилий таъсири ва мажбурловчи кучи билан таъминланади. Ижтимоий ҳокимиятни фуқароларнинг бирлашмалари ва гуруҳлари амалга оширади, у фақат мазкур бирлашмалар ва гуруҳларнинг аъзолари учун мажбурий бўлади ҳамда ижтимоий таъсир кўрсатиш чоралари билан таъминланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти маҳаллий тузилмалар ҳудудида фуқаролар томонидан ёки фуқаролар тузган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти ижтимоий ҳокимиятга яқин туради, давлат органларининг берилган

ваколатларини амалга оширишда у давлат номидан иш кўради. Шундай қилиб, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятида ижтимоий ва давлат асослари ўзаро бирикиб, уйғунлашиб кетади.

ЎЗРда халқ С. асослари ЎЗР Конституциясида мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Республикада давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва ЎЗР Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-модда);

2) *Давлат С. У* давлат ҳокимиятининг устунлигида, унинг бирлигида ва мустақиллигида намоён бўлади.

Давлат ҳокимиятининг устунлиги шундан иборатки, ижтимоий муносабатлар тизимини конституцияда ва бошқа норматив ҳужжатларда акс эттириш (мустаҳкамлаш), ҳуқуқий тартиботни, жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатларини, уларни амалга ошириш тартиби (тартиб-таомиллари)ни, юридик жавобгарлик чораларини белгилаш ҳуқуқига фақат давлат ҳокимиятигина эга бўлади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги шундан иборатки, мазкур ҳокимиятни амалга оширишнинг барча даражаларида у бир хил мазмунга, фаолият шакллари ва усулларига эга бўлади. Бунда давлат ҳокимиятининг барча органлари ўртасида алоқа ўрнатилган, уларнинг ваколатлари тақсимланган (ҳокимиятни тақсимлаш), давлат органларининг бир-бирига қарама-қарши қўйилишини истисно этувчи интизом, субординация ва ўзаро алоқадорлик ўрнатилган бўлиши лозим.

Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги шунда намоён бўладики, жамият ва давлат ишларини бошқариш вазифаларининг тақсимланишига қараб, давлат ҳокимияти органлари мазкур мамлакатдаги бошқа ҳокимият шаклларида (мас., сиёсий партиялар, ҳаракатлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва б.дан) ҳамда чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан мустақил фаолият кўрсатадилар.

Шундай қилиб, давлат С. унинг барча ички ва ташқи ишларига нисбатан, макон нуқтаи-назаридан эса – унинг бутун ҳудудида амал қилади. ЎЗР Конституциясининг I боби «Давлат суверенитети» деб номланади. Унга мувофиқ, Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. ЎЗР ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга ошира-

ди. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

3) *Миллий С.* У миллатнинг ўз турмуш тарзини ўзи белгилаш, ички масалалари (тили, ёзуви, урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва ҳ.к.)ни ҳамда бошқа миллатлар, халқлар билан муносабатлари (янги давлат тузилмаси ёки миллий-давлат бирлиги (мухторияти)ни ташкил этиш, муайян давлат таркибига кириш ва ҳ.к.)ни ҳал қилиш ҳукукида намоян бўлади.

**С.нинг** уччала шакли ҳам ўзаро алоқадор ва шу билан бир вақтда мустақилдир. Умуман олганда, халқ **С.ни**, бутун ҳокимиятни халқ томонидан амалга ошириш шакли сифатида, давлат **С.нинг** ҳам, миллий **С.нинг** ҳам шартини деб ҳисоблаш мумкин. Аммо халқ **С.ни** давлат ҳокимияти шаклида давлатни ёки давлат тузилмасини тузиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Зотан, фақат шу ҳолда халқнинг хоҳиш-иродаси давлат мажбурлов кучига эга бўлади.

Шундай қилиб, давлат **С.**, бир томондан, халқ **С.** билан ўзаро таъсирга киришса (бунда давлат ҳудудида яшайдиган барча фуқаролар, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, халқ ҳисобланади), иккинчи томондан – миллий **С.** билан боғланади.

**СУВЕРЕНЛИК** – конституциявий ҳуқуқ фанида, баъзан – конун ҳужжатларида ҳам қўлланиладиган тушунча. **С.ни** тушунишда олимлар орасида яқдиллик йўқ. Айрим олимлар уни *суверенитет* тушунчасининг синоними деб ҳисоблайдилар, бошқа олимларнинг фикрига кўра, суверенитет – тўла шаклланган ҳодиса, **С. эса** – суверенитетнинг куртаги, унинг айрим нишонаси. **С. суверен ҳуқуқларга** эга бўлишни назарда тутди (аммо барча суверен ҳуқуқларга ва суверенитетдаги сингари тўла ҳажмда эмас).

Моҳият-эътибори билан, конституциявий ҳуқуқ фанининг мутахассиси бўлмаган одамлар учун юқорида зикр этилган баҳс аҳамиятсиз ва унга **С.** ва суверенитетни умуман олганда маънодош тушунчалар деб ҳисоблашни тавсия этиш мумкин.

**СУД (тушунчаси, турлари)** – зиммасига давлат ҳокимиятининг бўғинларидан бири – *суд ҳокимияти*ни амалга ошириш юклатилган орган. Конун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи органлардан **С.** уни шакллантириш, судьяларга ваколатлар бериш тартиби, тегишли ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларининг хусусиятлари, шунингдек қабул қилинувчи қарорларнинг мажбурийлиги ва масъулияти, уларнинг юридик аҳамияти билан фарқ қилади.

«Суд» атамаси суд ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган нодавлат тузилмаларини номлаш учун ҳам жуда кўп қўлланилади (*ҳакамлар суди, Халқаро тижорат арбитраж суди* ва ҳ.к.).

Судларнинг турлари: *Ўзбекистон Республикасининг Конститу-*

циявий суди, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари, ҳарбий суд.

**СУД АЖРИМИ** – судлар, коида тарзида, коллегиял тарзда қабул қилувчи қарор турларидан бири. **С.а.** одатда иш юритуви муносабати билан юзага келувчи, унинг моҳиятини ташкил этмайдиган масалалар юзасидан қабул қилинади. Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан қал илмайдиган асорлари ажрим шаклида чиарилади.

Жиноят ишлари бўйича суд иш юритувида: биринчи инстанция суди томонидан коллегиял тарзда чиқарилган ҳар бир қарор (ҳукмдан ташқари); иккинчи инстанция судининг ҳар бир қарори; қонуний қучга қирган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўришда, судларнинг президиумларидан ташқари, юқори суд томонидан қабул қилинган қарор **С.а.** ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича суд иш юритувида **С.а.нинг** ўзига ҳос хусусияти шундан иборатки, у қонунда белгиланган ҳолатларда биринчи инстанция судида ишни кўришда судья томонидан яққа тартибда чиқарилиши мумкин.

Ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қонунда белгиланган тартибда чиқарилади ва ишга қўшиб қўйилади. **С.а.** чиқарилиши билан дарҳол эълон қилинади (Ўз.Р ФПК 18, 19, 237-моддалари). Хўжалик судларида ҳам **С.а.** чиқарилади. Бунда **С.а.** суд иш кўришни кейинга қолдирганда, иш юритишни тўхтатиб турганда, тугатганда, даъвони кўрмасдан қолдирганда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда алоҳида ҳужжат тарикасида чиқарилади. Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органлар, мансабдор шахс ёки фуқаролар фаолиятида қонун бузилгани аниқланган тақдирда суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир (Ўз.Р ХПК 151, 152-моддалари).

### **СУД АМАЛИЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШЛАР**

ЎзР Конституцияси билан ЎзР Олий суди ва ЎзР Олий Хўжалик Судига юклатилган функция. У бевосита ушбу судларнинг пленумлари орқали суд амалиёти ва статистик маълумотларни умумлаштириш натижалари асосида бажарилади. Бундай тушунтиришлар «Пленумларнинг қарорлари», деб номланган ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

ЎзР Олий суди Пленумининг тушунтиришлари тушунтиришлар берилган қонунни тадбиқ қилаётган умумий юрисдикция судлари, бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир, ЎзР Олий Хўжалик Судининг тушунтиришлари эса – хўжалик судлари учун мажбурий ҳисобланади.

**СУД ИЖРОЧИСИ** – ЎзР нинг Адлия вазирлиги органлари тизимига қирувчи суд ижрочилари хизматининг мансабдор шахси.

**С.и.нинг** асосий вазифаси – «Ижро этиш иш юритуви тўғриси-

даги Қонунда назарда тутилган суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг (мас., ҳакамлар судларининг) ҳужжатларини ижро этиш.

**С.и.** фуқаролик ишлари бўйича судларнинг қарорлари, ҳал қилув қарорлари ва ажримларини, жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкни ундиришга оид қисмларини бевосита ижро этади.

Хизмат вазифасини ижро этиш чоғида **С.и.** махсус кийимда бўладилар. Уларга адлия органлари ходимлари учун белгиланган *даражали унвонлар* берилади.

Судда икки ва ундан кўпроқ суд ижрочиси бўлганда улардан бири катта ижрочи ҳисобланади.

**С.и.нинг** шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд қарори бўйича ижро ҳаракатлари ўтказиш вақтида, зарур ҳолларда, унга белгиланган тартибда қурол ёки тегишли суд раисининг қарорига биноан, ички ишлар идоралари томонидан соқчилар ажратилади.

**С.и.** суд ва бошқа ҳужжатларнинг мажбурий ижроси бўйича ҳокимият ваколатларига эга. Унинг талаблари Ўзбекистон ҳудудидаги барча ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**С.и.лари** ҳаракатининг қонунийлигини судьялар, барча суд ижрочилари умумий фаолиятининг қонунийлигини эса, туман (шаҳар) суди раиси назорат қилади. **С.и.нинг** ҳаракатларидан норози шахслар бу ижрочилар ишлайдиган судга шикоят қилишлари мумкин. **С.и.** устидан қилинган шикоят, албатта суд раиси томонидан кўриб чиқиши керак. Манфаатдор шахс ўз шикоятига жавоб олади.

**СУД ИНСТАНЦИЯСИ (ПОГОНАСИ)** — белгиланган ваколатга эга суд ёки унинг таркибий қисми. ЎзР жиноят-процессуал кодекси биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларини мавжудлигини кўрсатган (жиноят ишлари бўйича). Худди шунингдек фуқаролик ва хўжалик ишлари ҳам бир неча инстанцияда кўрилади. ЖПКнинг 389-моддасида туман (шаҳар) судлари, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Олий суди биринчи инстанцияда қандай ишларни кўришлиги белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, ўрта ва юқори бўғиндаги судлар ҳам кассация, апелляция ва назорат инстанциясидан ташқари биринчи инстанцияда иш кўришлари мумкин.

Кўйи судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари юқори турувчи суд томонидан апелляция тартибида кўрилади.

Судларнинг кучга кирган ҳукми у апелляция тартибида кўрилмаган бўлса кассация тартибида кўрилади. Кассация ва апелляция тартибида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим қонунда (498-модда)да кўрсатилган шахсларнинг шикояти асосида кўрилади.

Ҳукм ва ажрим назорат тартибида кўрилиши учун шикоят асосида қонунда белгиланган шахслар протест киритиши шарт. Протест киритиш ҳуқуқига ЎзР ЖПК 511-моддасида белгиланган шахслар эга.

**СУД ИШ ЮРИТУВИ** – конституциявий, фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича иш юритувининг қонунда белгиланган тартиби. **С.и.ю.** асосан «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун, ЎзРнинг Фуқаролик процессуал кодекси, ЎзРнинг Хўжалик процессуал кодекси, ЎзРнинг Жиноят-процессуал кодекси, ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, шунингдек бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Одатда, мазкур тушунча судда (ЎзР Конституциявий судида, ЎзР Олий судида, умумий юрисдикция бошқа судларида, ЎзР Олий хўжалик судида ва қуйи хўжалик судларида) амалга ошириладиган ҳаракатлар тартибини қамраб олади. Аммо жиноят ишлари билан боғлиқ ҳолатда у иш судга оширилгунга қадар, яъни, қоида тариқасида, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва прокурорлар фаолият кўрсатадиган ишни қўзғатиш ёки тергов қилиш босқичларида амалга ошириладиган ҳаракатларни ҳам назарда тутади.

«Суд иш юритуви» атамаси баъзан «суд процесси» атамасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади.

**СУД КОЛЛЕГИЯСИ** – умумий юрисдикция фуқаролик судларида, ЎзР Олий судида, шунингдек ЎзР Олий хўжалик судида тузиладиган асосий бўлимлардан бири.

**С.к.** муайян тоифага мансуб ишларни кўриб чиқишда судьяларнинг ихтисослашишини таъминлаш мақсадида тузилади. ЎзР Олий судида фуқаролик ишлари бўйича **С.к.** ва жиноят ишлари бўйича **С.к.** билан бир қаторда Ҳарбий коллегия ҳам фаолият кўрсатади.

**СУД МАСЛАҲАТЧИСИ** – Ўз.Р қонунчилигига мувофиқ, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўз.Р фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов қунида ўн саккиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланган Ўз.Р фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони Ўз.Р Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади (Судлар тўғрисидаги Қонуннинг 62-моддаси).

**СУД МАЪМУРИ (Маъмурият бошлиғи)** – суд департаменти ёки унинг органлари томонидан тегишли суднинг раиси тақдимномасига биноан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ҳамда бевосита унга бўйсунадиган мансабдор шахс. **С.м.** суднинг раиси раҳ-

барлиги остида суд мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш, суд фаолиятини таъминлаш масалалари юзасидан адвокатура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан ўзаро алоқада ишлаш, судьялар ва суд девони ходимлари учун лозим бўлган моддий ва маиший шарт-шароит яратиш, суд фаолиятини ахборот-ҳуқуқий материаллар билан таъминлаш, бинолар қуриш ва уларни таъминлаш чораларини кўради.

**СУД НАЗОРАТИ** – ЎзР Конституциясидан (106 ва 107-моддалар) келиб чиқадиغان ва процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган шаклларда амалга ошириладиган юқори судларнинг қуйи судлар томонидан ўз ваколатларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш соҳасидаги фаолияти.

*Умумий юрисдикция судларида С.н.*, қоида тариқасида, ЎзР нинг Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли қоидалари билан белгиланган доирага солинган. Мазкур кодекслар (маълум тоифа ишлар бўйича иш юритуви жараёнида юзага келадиган бошқа масалалар билан бир қаторда) қуйи судларнинг ҳукмлари ва бошқа қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш қоидаларини тартибга солади. Фуқаролик ва жиноят ишларига нисбатан мазкур текширувни амалга ошириш учун номлари зикр этилган қонунларда махсус тартиб-қоидалар белгиланган (қ.: *Кассация. Назорат иш юритуви. Аниқланган янги ҳолатлар юзасидан иш юритуви*). Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш якуналари бўйича чиқарилган суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текширишнинг ўз тартиби мавжуд бўлиб, у ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган.

*Хўжалик судларида С.н.* ЎзРнинг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Ўз номига кўра мазкур тартиб-қоидалар умумий юрисдикция судларида қўлланиладиган тартиб-қоидалар билан бир хил, лекин мазмунан улар жиддий фарқ қилади (қ.: *Кассация. Назорат иш юритуви. Аниқланган янги ҳолатлар юзасидан иш юритуви*).

**СУД ПЛЕНУМИ** – Олий суд инстанцияси (ЎзР Олий Суди ва ЎзР Олий Хўжалик суди)нинг ялпи мажлиси, унда мазкур судларнинг барча судьялари, шу жумладан раислари ва уларнинг ўринбосарлари қатнашиши керак.

Суд пленуми аниқ судлов ишини кўриб чиқмайди. Унинг асосий вазифаси қуйи судлар фаолиятининг тегишли савиясини таъминлаш учун аҳамиятли бўлган муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишдан иборат: бу қарорлар орасида судлов амалиёти масалаларига оид тушунтиришлар, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарорлар марказий ўрин олади. Суд пленуми баъзи бир ташкилий масалаларни ҳам: янги тайинланган судья-

ларни коллегиялар бўйича тақсимлаш, илмий маслаҳат кенгашлари таркибларини тасдиқлаш, каби масалаларни ҳам ҳал қилади.

Суд пленуми мажлисларни тайёрлашга тегишли судларнинг раислари раҳбарлик қилади ва унинг мажлисларида раислик ҳам қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми камида тўрт ойда бир марта, Ўзбекистон Республикаси Олий Арбитраж Судининг Пленуми эса заруратга қараб, аммо йилига камида бир марта чақирилади.

**СУД ПРЕЦЕДЕНТИ** – муайян иш бўйича чиқарилган, келажакда шунга ўхшаш ҳолатлар муносабати билан юзага келган бошқа ишлар бўйича қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган суд қарори. Бизнинг ҳуқуқ тизимимизда **С.п.дан** ҳатто унинг «муаллифи» юқори суд бўлган ҳолларда ҳам қарорлар қабул қилиш учун юридик асос сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Муайян ҳуқуқ нормаларини талқин қилишда одатда **С.п.га** ҳавола қилинади.

Англосаксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатлар (Англия, АҚШ, Канада, Австралия ва б.)да **С.п.** анча катта нуфузга эга. Бу ерда у юқорида зикр этилган тизимнинг асосий қисмини ташкил этувчи ёзилмаган ҳуқуқнинг бош манбаларидан бири ҳисобланади. Айрим мамлакатларда маълум ҳолатларда **С.п.** қонунга қараганда устунроқ юридик кучга эга бўлиши мумкин.

**СУД ТАРКИБИ** – судда маълум бир ишни кўриб чиқиш жараёнида йиғиладиган судья ва уларнинг маслаҳатчилари сони. Суд таркиби кўриладиган ишлар бўйича ўзгариб туради. ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасига мувофиқ, иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси қиради. ЎзР Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади. ЎзР Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан яқка тартибда кўрилади.

Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибда ишларни кўриш, уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. ЎзР Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) ЎзР Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади.

ЎзР Олий суди Пленуми ўз таркибидаги аъзоларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишларни кўриб чиқади.

**СУД ТЕРГОВИ** – жиноят ишини судда кўриб чиқиш босқичининг қисмларидан бири. Асосий вазифаси – қўйилган айбни ёки фуқаролик даъвосини тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларни исбот қилиш. **С.т.** жараёнида жазо чорасини белгилашда талаб этилиши



мумкин бўлган судланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўрганиб чиқилади.

**С.т.** айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан ва қўйилган айбга судланувчининг муносабатини аниқлашдан, шунингдек суд-тергов ҳаракатлари (судланувчи, жабрлануви ва гувоҳларни сўроқ қилиш, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечириш ва ҳ.к.) ни амалга ошириш тартиби тўғрисида қарор қабул қилишдан бошланади. Суд **С.т.** жараёнида барча далиллар ўрганиб чиқилди, деган тўхтамга келиши билан **С.т.** якунланади; томонларга **С.т.ни** қонуний, асосли ва одил ҳукм чиқариш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган маълумотлар билан (агар улар бўлса) тўлдириш таклиф қилинади.

**СУД ТИЗИМИ** – судларнинг ваколатларига ҳамда улар олдида қўйилган вазифалар ва мақсадларга қараб тузилган судлар мажмуи.

Ўзбекистон суд тизимига қуйидагилар киради:

– ЎЗР Конституциявий суди;

– ЎЗР Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий судлар;

– ЎЗР Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

**СУД ТУЗИЛИШИ** – қ.: *Суд тизими.*

**СУД ҲОКИМИЯТИ** – давлат ҳокимияти бўғини. Суд ҳокимиятининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у фақат ЎЗР Конституциясида ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда мустақкамланган суд тизими таркибига кирувчи давлат судлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги кунда ЎЗРнинг Конституциясида ва бошқа қонунларда **С.х.нинг** мазмунини ташкил этувчи ваколатларга қуйидагилар киритилган: *конституциявий назорат; одил судлов;* давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан назорат; ҳукмлар ва бошқа суд қарорларининг лозим даражада ижро этилишини таъминлашда иштирок этиш; *маъмурий ҳуқуқбузарликлар* тўғрисидаги материаллар (ишлар)ни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш; амалдаги қонунларни суд амалиёти масалалари юзасидан тушунтириш; *судьялар корпусини* тузишда иштирок этиш ва *судьялар ҳамжамияти* органларига қўмаклашиш.

**СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНИ** – қ.: *Суд.*

**СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ** – жиний, фуқаролик ёки хўжалик ишларининг материаллари бўйича фактик маълумотлар ва ҳолатларни белгилаш учун эксперт томонидан процессуал қонунда кўзда тутилган тартибда ўтказиладиган тадқиқот. Суд экспертизаси ўтказиш учун терговчи, прокурор ва суднинг суд экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарори асос бўлади. Суд экспертизаси предмети терговчи ёки суд томони-

дан қўйилган саволлар билан аниқланади. Суд экспертизаси объекти ашёвий далиллар, мурданинг қисмлари, жиноят содир бўлган жойдаги шароит, қиёсий намуналар ва бўлимлар бўлиши мумкин. Ҳар турдаги суд ҳолатлари учун махсус методика ишлаб чиқилган. Суд тергови амалиётида ўтказиладиган экспертизалар унинг предмети, объекти, тадқиқот методикаси бўйича тасниф қилинади. Криминалистик, тиббий, рухий, биологик, молиявий-иқтисодий, транспорт-инженерлик, инженер-техник экспертизалар бир-биридан фарк қилади.

**СУД ЮРИТИШНИНГ КОЛЛЕГИАЛЛИГИ (СУД ИШЛАРИ ҲАЙЪАТИ)** – судлов ишларини юритишда қўлланиладиган муҳим принцип. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида «коллегиаллик» асосий принцип деб кўрсатилган. Коллегиаллик бошқа судларда ҳам ишларни бир неча судья (халқ маслаҳатчиси) таркибда кўришда акс этади.

ЎзР ФПК 13-моддасига асосан фуқаролик ишлари биринчи инстанцияда судьяни яққа ўзи томонидан кўрилса, апелляция, кассация ва назорат тартибдаги ишлар уч нафар судья иштирокида, раёсатда аъзоларнинг кўпчилиги ҳозир бўлганда, Пленумда учдан икки қисм аъзолар иштирокида кўрилади.

Жиноят ишлари судда коллегиал (хайъатда) кўрилади. Фақат ЖК 15-м., иккинчи ва учинчи қисмида кўрсатилган жиноятлар яққа тартибда кўрилади. Қолган ишлар биринчи инстанцияда бир судья ва икки маслаҳатчи иштирокида кўрилади. ЎзР Олий суди ишларни уч нафар судья иштирокида кўради.

Жиноят ишлари апелляция, кассация ва назорат тартибда фақат коллегиал тартибда (уч судьядан иборат таркибда) кўрилади.

Олий суднинг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) ЎзР Олий судининг тегишли судлов хайъатларида 5 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлганда, Олий суд пленуми таркибини учдан икки қисми ҳозир бўлганда ишларни кўриб чиқади.

Коллегиаллик ҳўжалик судлари фаолиятида ҳам мавжуд.

**СУДАН (Судан Республикаси, 1969–1985 й.ларда – Судан Демократик Республикаси)** – Шимоли-шарқий Африкада жойлашган давлат. 1958 й. 1 январда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Хартум шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 26 штатга бўлинади.

Мустақиллик эълон қилинган пайтдан бошлаб мамлакат жанубида **С.дан** ажралиб чиқиш учун уруш авж олди. Мусулмонлар ва насронийлар ўртасида карама-қаршилиқнинг кучайиши кейинчалик бориб жанубда насронийларнинг қирғин қилинишига олиб келди ва мамлакатдаги вазиятни жиддий беқарорлаштирди.

1985 й. муваққат Конституция қабул қилинди. 1986 й. 6 майда

Ўтиш даври Ҳарбий кенгаши бутун ҳокимиятни 1986 й. 12 апрелда ўтказилган умумий сайловда 4 йил муддатга сайланган Таъсис мажлисига топширди. Таъсис мажлиси С. Олий кенгашига давлатнинг жамоавий бошлиғи ваколатини берди. Аммо 1989 й. 30 июнда амалга оширилган навбатдаги ҳарбий тўнтариш натижасида муваққат Конституциянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилди; Олий кенгаш, Таъсис мажлиси ва ҳукумат таркатиб юборилди; партиялар ва қасаба уюшмаларининг фаолияти тақиқланди. Миллий қутқариш инқилоби қўмондонлиғи Кенгаши бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди.

1992 й. 24 февралда муваққат парламент – Ўтиш даври Миллий кенгаши тузилди. Маҳаллий халқ конгресслари вакиллик тизимининг негизини ташкил этиши эълон қилинди.

1996 й. мартда президент сайлови ҳамда Миллий ассамблеяга сайлов ўтказилди. Миллий ассамблеяга 400 депутат сайланди.

Ҳукумат – Вазирлар Кенгашини президент бошқаради. У Бош вазир вазифасини ҳам бажаради.

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ** – суд фаолияти, уни кадрлар, ресурслар билан ҳамда ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш чоратадбирлари. Уларга, жумладан, қуйидагилар киради: заруриятга қараб янги судлар тузиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; судья лавозимига биринчи марта тайинланаётган (сайланаётган) шахслардан имтихонлар олишни ташкил этиш; судларнинг моддий-техника таъминоти, шу жумладан суд ходимларига меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш, бинолар қуриш ёки уларни таъмирлаш, асбоб-ускуналар харид қилиш учун зарур маблағлар ажратиш тўғрисидаги масалани ўз вақтида қўйиш; суд статистикасини ташкил этиш; судларни қонунлар ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш; судьяларнинг малакасини ошириш.

Олий судларда (ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Олий суди ва ЎзР Олий хўжалик судида) юқорида зикр этилган фаолият уларнинг ўзлари – раҳбарлар ёки ёрдамчи девонлар, шунингдек тегишли даража ижро этувчи органлари томонидан амалга оширилади.

Умумий юрисдикция судлари, ўрта ва асосий бўғин хўжалик судлари ишлаши учун нормал шарт-шароит яратиш билан боғлиқ фаолият бир қадар бошқача қурилади. Умумий юрисдикция судларида мазкур вазифа барча даража судларнинг раҳбарлари, Адлия вазирлиғи қошидаги Суд департаменти ҳамда унинг органлари зиммасига юкланади. Хўжалик судларида юқорида зикр этилган ишларни қонунга мувофиқ энг аввало Олий хўжалик суди, Хўжалик судлари раислари маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда, шунингдек қуйи хўжалик судлари – уларнинг раҳбарлари ва ёрдамчи девони амалга ошириши лозим.

**СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ОШКОРАЛИГИ –**

ЎзР Конституцияси ва бир қатор бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган судлов ишларини юритиш принципларидан бири.

«Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади, — дейилади ЎзР Конституцияси 113-моддасининг биринчи қисмида. — Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади».

Ушбу принципнинг моҳияти у ёки бу суд иши бўйича процесс иштирокчиси бўлмаган барча фуқароларга унинг муҳокамасида ҳозир бўлиш имконияти таъминланишидан иборат. Бу одил судловнинг демократизмини таъминлашга кўмаклашади. Фуқароларга фуқаролик ёки жиноят иши муҳокамаси ўтказилаётган жойда ҳозир бўлиш имкониятининг берилиши одил судлов устидан жамоатчилик назоратининг бир шакли ҳисобланади, судни интизомга солади, юзага келадиган масалаларни ҳам шаклан, ҳам моҳиятан ҳал қилишга масъулиятлироқ муносабатда бўлишга ундайди.

Шу билан бирга, бу умумий қоидадан истисноларга йўл қўйилади. Мас., жиноят иши бўйича очик суд мажлиси бўлиб ўтаётган залга педагогик мулоҳазалардан келиб чиқиб, 16 ёшга тўлмаган шахслар киритилмайди. Шунингдек суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда раислик қилувчи айрим шахсларнинг суднинг очик мажлисида қатнашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Қонунлар суднинг ёпиқ мажлисларини ўтказиш қоидаларини ҳам белгилаб қўяди. Бундай мажлислар давлат сирларини қўриқлаш манфаатларини кўзлаб ҳамда жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларда ўтказилади.

Бундан ташқари, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошқор қилмаслик мақсадида ишда иштирок этувчи шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошқор қилиниши мумкин. Акс ҳолда, улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Қабул қилинган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошқора эълон қилинади.

**СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ РАИСЛАРИ** — умумий юрисдикция фуқаролик судларида (ЎзР Олий Суди, ўрта бўғиндаги судлар) ташкил этиладиган судлов ҳайъатига, барча тоифадаги (хўжалик) судларида ташкил этилиши мумкин бўлган судлов ҳайъатига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахслар (к.: суд ҳайъати). Лавозимга тайинланиш тегишли судларнинг судьялари каби тайинланиш тартибида

амалга оширилади. Кўпинча уларнинг функциялари суд раисининг ўринбосарларига, баъзи ҳолларда (судьялар оз бўлган судларда) – суд раисларига юкланади.

**Асосий ваколатлари:** суд хайъати мажлисларида раислик қиладилар ёки бунинг учун суд аъзоларини тайинлайдилар; тегишли хайъатлар ишига раҳбарлик қиладилар; суд хайъати мажлисларида ишларни кўриб чиқиш учун суд таркибини тузадилар; суд *президиум*ига хайъат фаолияти тўғрисида ҳисобот берадилар; судлов амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида туман судларидан судлов ишларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎЗР Олий Суди Ҳарбий хайъати раисининг ваколатлари кенгрокдир: у шу суд раисининг ўринбосарлари каби назорат тартибида протест келтириш (қ.: Назорат тартибида иш юритиш) ва қонунда белгиланган ҳолларда ҳарбий судлар томонидан қабул қилинган ҳукм ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ** – 1) суд (судья)нинг муайян ишни ёки унинг муносабати билан юзага келган масалани кўриб чиқиш натижалари келтирилган, юридик аҳамиятга эга ҳолатлар мавжудлиги тасдиқланган ёки тасдиқланмаган, қонун кўрсатмаларига мувофиқ келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар белгиланган ҳар қандай ҳужжати. Бу маънода **С.х.к.қ.** – жинойят иши бўйича суд ҳукми, фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори, шунингдек ажрим ва қарор. (Яна қ.: *Ҳукм. Суд ажрими. Суд қарори*); 2) суд (судья) томонидан фуқаролик ишини биринчи инстанцияда (моҳиятига кўра) кўриб чиқиш натижасида қабул қилинадиган одил судлов ҳужжати.

Бундай **С.х.к.қ.**, жинойят ишлари бўйича ҳукмлар сингари, ЎЗР номидан чиқарилади ва унинг бутун ҳудудида мажбурий ҳисобланади.

**СУДЬЯ** – суд ҳокимиятини амалга оширувчи мансабдор шахс. **С.га** қонун билан одил судловни амалга ошириш ваколатлари берилган бўлиб, у ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширади.

Қонунда белгиланган судьялик ваколатларини бериш тартиби **С.** лавозими зарур профессионал тайёргарлик, тажриба ва маънавий фазилатларга эга бўлмаган шахс томонидан эгалланишини мумкин қадар чеклайди. Чунончи, олий юридик маълумотга эга бўлган ЎЗР фуқаросигина судьяликка номзод бўлиши мумкин (ЎЗР Конституциявий судининг судьялигига номзод эса, бунга қўшимча равишда, «ҳуқуқ соҳасида юксак малакага эга деб эътироф этилган» бўлиши лозим).

Номзодларнинг ёши ва юридик касб бўйича иш тажрибасига қўйиладиган талабларга келсак, улар турли даража ва бўғинлар (кичик тизимлар) судлари учун ҳар хил белгиланган. Асосий бўғин (шу жумладан ҳарбий ва хўжалик) судларига тайинлаш учун номзод 25 ёшга, ўрта бўғин судларига (шу жумладан ҳарбий судларга) тайинлаш учун – 30 ёшга, ЎЗР Олий суди ва Олий хўжалик судига тайинлаш учун – 35 ёшга, ЎЗР Конституциявий судига тайинлаш учун эса – 40 ёшга

тўлган бўлиши лозим. Номзодлар ёшининг юқори чегараси расман чекланмаган.

ЎзР Конституцияси (112-моддаси)га мувофиқ, судьялар мустақил-дирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

**СУДЬЯЛАР КОРПУСИ** — Судья лавозимини эгаллаб турган давлат хизматчиларининг жамулжами. Бундай лавозимлар штати катта ҳажмда бўлиб, мамлакат ҳудудида фаолият юргизаётган барча вилоятларнинг ва Қорақалпоғистон ҳудудини қамраб олади. Судьялар корпусига Конституциявий Суд раиси ва аъзолари, Олий ва Олий ҳўжалик судларининг раислари ва аъзолари, Қорақалпоғистон, вилоят, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туман судларининг судьялари қиради.

**СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ (УЮШМАСИ) ОРГАНЛАРИ** — ўз вазифаларини бажараётган судьялар ва истеъфодаги судьялар (фахрий судьялар) томонидан тузиладиган органлар бўлиб, улар судьялар корпуси (қаранг: Судьялар корпуси) ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади (ёки шунга қўмақлашадилар).

Мазкур органларнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Суд амалиёти, қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш; судлар фаолиятига ва судьялар мақомига тааллуқли қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоат экспертизасидан ўтказиш; судлар ишининг долзарб муаммоларини, уларни кадрлар ва ресурслар билан таъминлаш, ташкилий жиҳатдан уларга ёрдам бериш, шунингдек судьяларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳволи муаммоларини кўриб чиқиш; давлат органларида ва жамоат бирлашмаларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

**С.ҳ.о.лари** Ўзбекистонда фаолият кўрсатади.

ЎзРда ҳамжамият сифатида 1997 йил сентябр ойида Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси ташкил топди. Бу Ассоциациянинг тасис мажлисида унинг устави қабул қилинди. Уюшма устави 1997 йил 4 декабрда ЎзР Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Бу Ўзбекистон судьяларининг ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Уставда кўрсатилишича уларнинг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- суд ҳуқук ислохотини ўтказишда фаол иштирок этиш
- одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида судьяларни қўллаб – қувватлаш;
- судьялар мустақиллигини кучайтириш ва суд ҳокимиятини мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш;
- судьяларни тайинлаш ва қайта тайинлаш масаласи юзасидан таклиф киритиш;
- судьяларни ижтимоий ҳимоялаш; моддий таъминотни тайинлаш ва рағбатлантириш юзасидан ваколатли органларга таклиф киритиш;
- Ассоциация ишларига тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни ЎзРнинг ваколатли органларига тақдим этиш;
- суд фаолиятида фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий этишга ёрдамлашиш;
- аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб этиш ишларида иштирок этиш ва бошқалар.

Судьялар Ассоциациясининг олий органи – ҳар икки йилда 1 март чақириладиган Съездлар.

Съездлар орасида 4 йил муддатга сайландиган Ассоциациянинг Марказий Кенгаши унинг ижрочи органи ҳисобланади. Марказий Кенгаш 25 кишидан иборат таркибдан ташкил этилади, шунингдек 6 нафар аъзодан иборат тафтиш қўмитаси фаолият кўрсатади.

**СУДЬЯЛАРНИ МАЛАКАВИЙ АТТЕСТАЦИЯСИ** – Судьяларни навбатдаги муддатга тайинлаш, юқори суд инстанциялари судьялигига тайинлаш (сайлаш) суд органлари раҳбарлигига тайинлаш, малака даражаларини бериш вақтида судьяларни малака даражаси, умумий билими ва бошқа ҳислатларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синов (имтиҳон).

Малакавий аттестация ўтказиш тартиби, тегишли тартибда тасдиқланган Низом асосида ўтказилади.

**СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ДАРАЖАСИ** – Тегишли тартибда берилади. Судьяларнинг: олий, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи малака даражалари белгиланган. Малака даражалари суд инстанцияларига боғлиқ.

Олий малака даражаси ЎзР Президент томонидан берилади.

Бундан ташқари суд ходимларининг махсус унвонлари жорий қилинган. Булар 1,2,3, даражали адлия маслахатчиси, 1,2,3, даражали юрист.

**СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ** – ЎзР Конституцияси (112-модда) ва бошқа қонунлар билан кафолатланган одил судловни амалга оширишда қонун кўрсатмаларига биноан ўз ички эътиқодига кўра, ҳеч қандай тазйиқ, аралашуш ёки сиртдан ўзга тарздаги таъсирсиз масъул қарорлар қабул қилиш имконияти.

**С.м.** – суд ҳокимиятининг туб асосларидан бири. У жуда кўп

воситалар ёрдамида таъминланади. Қонунда назарда тутилган суд ишларини кўриб чиқиш тартиб-қоидалари, одил судловни амалга оширишга ҳар қандай аралашуш жиноий жавобгарликка қадар бўлган жавобгарлик таҳдиди остида тақиқланиши, судья ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби, судьянинг истеъфо бериш ҳуқуқи, судьянинг дахлсизлик ҳуқуқи, судьялар ҳамжамоаси органлари тизими, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминлаш чора-тадбирлари шулар жумласидан.

**С.м.** кафолатлари суд маслаҳатчиларига нисбатан ҳам, уларнинг фуқаролик ва жиноят ишлари муҳокамасида иштирок этиши бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари чоғида амал қилади.

**СУДЬЯНИНГ АЛМАШТИРИЛМАСЛИГИ** – судья ўз розилигисиз бошқа лавозимга ёки бошқа судга ўтказилиши мумкин эмаслигини, унга берилган ваколатлар эса қонунда белгиланган асосларга кўра ва тартибда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкинлиги назарда тутувчи қоида.

**СУДЬЯНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ** – Ўз.Р Конституциясига биноан, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишинча Ўз.Р Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўз.Р Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўз.Р Олий суди Пленумининг ёки Ўз.Р Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Рес-



публикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўз.Р Ҳарбий прокурорининг ружсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўз.Р Олий суди судловига тегишлидир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади (Судлар тўғрисидаги Қонуннинг 70-моддаси).

**СУДЬЯНИНГ ҚАСАМЁДИ** — Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс куйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Судьялар ЎзР Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида тантанали вазиётда қасамёд қиладилар.

Судьялар куйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

ЎзР Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари — ЎзР Олий Суди Пленуми мажлисида;

хўжалик судлари судьялари — ЎзР Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли олий судлари раёсати мажлисида.

**СУД-ЭКСПЕРТИЗА МУАССАСАСИ** — жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш ёки судда кўриш ёхуд фуқаролик ишларини судда кўриб чиқиш муносабати билан суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар ва судларнинг топшириқларига биноан экспертизалар ўтказиш учун тузиладиган муассаса.

Улар адлия вазирлиги ва соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимларида мавжуд бўлиб, одатда институтлар, марказлар, бюролар, лабораториялар деб аталади ва муайян экспертиза турлари — суд-тиббиёт, суд-психиатрия, криминалистик (дастхатшунослик, трасологик, баллистик, дактилоскопик ва ҳ.к.) экспертизаларини ўтказишга ихтисослашади.

ЎзР Адлия вазирлиги тизимида криминалистик, бухгалтерия, автотехник ва бошқа кўпгина экспертиза турларини ўтказувчи муассасалар фаолият кўрсатади. Мазкур тизимга кирувчи лабораториялар ва бюроларга илмий ва услубий раҳбарликни Суд экспертизалари республика маркази амалга оширади. Суд-тиббиёт экспертизаларининг

катта қисми соғлиқни сақлаш органлари томонидан ўтказилади. Экспертиза муассасаларида меҳнат қиладиган муайян билим соҳаларининг мутахассислари давлат хизматчилари ҳисобланадилар ва ўзлари берадиган хулосалар учун шахсан жавобгар бўладилар.

**СУРИНАМ (Суринам Республикаси)** – Жанубий Американинг шимолий – шарқий қисмида жойлашган давлат. Нидерландиянинг собиқ мулки. 1975 й. 25 ноябрда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Парамарибо шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 9 округга бўлинади.

1987 й. 30 сентябрда ўтказилган референдумда қабул қилинган Конституция амал қилади. Бошқарув шакли – республика.

Давлат бошлиғи – Президент, вице-президент сингари, парламент депутатларининг малакали кўпчилиги томонидан (жами овозлар сонининг камида учдан икки қисми билан) 5 йил муддатга сайланади. Бир палатали парламенти – Миллий ассамблея – умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш орқали 5 йил муддатга сайланадиган 51 депутатдан таркиб топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни вице-президент амалга оширади. У Бош вазир вазифасини бажаради ва ҳукуматни шакллантиради.

**СУРИШТИРУВ ОРГАНИ** – қонунга мувофиқ суриштирув шаклида тергов ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган орган (қ. *Суриштирув*). Мазкур органларга қуйидагилар киритилган:

– милиция;

– ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг қўмондонлари ҳамда ҳарбий муассасаларнинг бошлиқлари қўл остидаги ҳарбий хизматчилар томонидан, шунингдек ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан йиғинлар даврида содир этилган барча жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича; Куролли Кучларнинг ишчи ва хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ёки қўшин, қўшилма, муассаса ҳудудида содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича;

– миллий хавфсизлик хизмати органлари – қонунга мувофиқ ўз ваколатига кирувчи ишлар бўйича;

– ахлоқ тузатиш муассасалари ва тергов хибсхоналарининг бошлиқлари – мазкур муассасаларнинг ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажаришлари чоғида содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича;

– Ички ишлар вазирлиги Давлат ўт ўчириш хизмати органлари – ёнғинлар ҳамда ёнғинга қарши қондаларни бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича;

– чегара хизмати тизимидаги тезкор органлар – Давлат чегарасини, Давлат чегарасидан ўтказиш тартибини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича;

– божхона органлари – контрабанда тўғрисидаги, божхона қонун-

лари тўғрисидаги, бож тўловларини тўлашдан бўйин товлаш тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек божхона ишига тааллуқли бошқа жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича.

**СУРИШТИРУВ** – бу жиноятни ва уни содир этган айбдор шахсни фош қилувчи, жиноятларни тергов қилиш, аниқлаш ва жиноятнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган, жиноят-процессуал қонуночилик билан тартибга солиб туриладиган фаолият шаклидир. Бундай фаолиятни амалга ошириш билан махсус органлар – суриштирув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари (суриштирувчилар) шуғулланадилар.

Кунун суриштирувнинг икки турини кўзда тутаяди. Улардан бири – жиний ишлар бўйича жиноятлар дастлабки тергови ўтказишни талаб этадиган, тез бажарилиши шарт бўлган тергов ҳаракатлари. Бундай ҳаракатларга қуйидагилар қиради: далил бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳужжатларни, предметларни, воқеа содир бўлган жойни ва бошқа объектларни кўздан кечириш; жиноят ишини кўзгатиш; тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш, гумон қилинувчини сўроқ қилиш. Уларни бажаргандан сўнг, аммо жиноят иши кўзғатилгандан сўнг ўн кундан кечиктирилмай барча тўпланган материаллар терговчига берилиши лозим. Суриштирувнинг иккинчи тури – бу дастлабки тергов ўрнига ўтказиладиган суриштирувдир. Суриштирувнинг бу тури дастлабки тергов ўтказишни талаб этмайдиган жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган (қоидага кўра, бундай жиноят ишларига ижтимоий ҳафвлилик даражаси унча катта бўлмаган ва тергов қилиш нуқтаи-назаридан унча мураккаб бўлмаган жиноятлар қиради) ўтказилади. Суриштирувнинг бундай турини амалга оширишда, барча тергов ҳаракатлари (бир нечтаси истисно) ўтказилиб, айблов ҳулосаси ҳам тузилади ва бу айблов ҳулосаси прокурор томонидан тасдиқлангандан сўнг, иш барча йиғилган материаллар билан кўриб чиқиши учун судга жўнатилади.

**СУРИШТИРУВЧИ** – суриштирув органининг мансабдор шахси бўлиб, жиноят-процессуал қонуночилигида кўзда тутилган тартиб асосида жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишни амалга оширади.

**СЎЗ ЭРКИНЛИГИ** – қаранг: Фикрлаш ва сўз эркинлиги.

**СЎРОВ** – 1) фуқаролар томонидан тўлдириладиган сўровномалар (қ.: *Сўровнома. Сўровномали аниқлаш*), тегишли шахслар кўчаларда, иш жойида, телефон орқали берган саволларга фуқароларнинг жавоблари ёрдамида ижтимоий аҳамиятга молик муайян масала юзасидан аҳолининг фикрини (жамоатчилик фикрини) аниқлаш;

2) ижтимоий аҳамиятга молик масалани овозга қўйиш орқали мамлакат халқи, ҳудуд аҳолисининг фикрини аниқлаш (бундай овозга қўйиш референдум деб ҳам аталади). **С.** иштирокчиларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланган позиция давлат ваколатли органи

ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатини қабул қилиш орқали расмийлаштирилади.

**СЬЕРРА-ЛЕОНЕ (Сьерра-Леоне Республикаси)** – Ғарбий Африкада жойлашган давлат. 1961 й. 27 апрелда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Фритаун шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 3 провинцияга ва пойтахт округига бўлинади.

1971 й. 19 апрелда республика деб эълон қилинган, шу кунги Конституцияси ҳам қабул қилинган (у кейинчалик киритилган тузатишлар билан 1991 й.гача амал қилган). 1991 й. янги Конституция қабул қилинган. Мазкур Конституцияга мувофиқ, давлат бошлиғи – Президент. У умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Президент яна бир муддатга сайланиш ҳуқуқига эга. Парламент – Вакиллар палатаси – 1991 й. Конституциясига биноан умумий сайловда 5 йил муддатга сайланганидан 127 депутатдан таркиб топади. Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ва ҳукумат амалга оширади.

1992 й. 30 апрелда амалга оширилган ҳарбий тўнтариш натижасида 1991 й. Конституциясининг амал қилиши тўхтатиб қўйилди, президент ҳокимияти ағдарилди, парламент тарқатиб юборилди, партиялар фаолияти тақиқлаб қўйилди.

1992 й. июлда Олий давлат кенгаши тузилди. У ўз раиси – капитан В. Страссерни давлат бошлиғи этиб тайинлади. Худди шу даврда ҳукумат – В. Страссер бошчилигидаги Давлат котиблари кенгаши тузилди.

1996 й. 16 январдаги ҳарбий тўнтариш натижасида В. Страссер ҳокимияти ағдарилди, янги раҳбарият фуқаролик бошқарувига ўтиш йўлини танлади. 1996 й. 26-27 февралда Миллий йиғилишга сайлов ўтказилиб, унга 68 депутат сайланди.

Аммо 1997 й. 25 майда навбатдаги ҳарбий тўнтариш натижасида сайланган президент ҳокимияти ағдарилди, парламент тарқатиб юборилди, конституциявий ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатилди. Куролли кучлар инқилобий кенгаши давлат ҳокимияти олий органи деб эълон қилинди. 1997 й. 23 октябрда Конакри (Гвинея)да Ғарбий Африка Иқтисодий ҳамжамияти ва С.-Л.даги тузум вакиллари ўртасида имзоланган тинч йўл билан тартибга солиш режасига кўра 1997 й. 25 майда ағдарилган Президент А. Каббе ҳокимиятини қайтариш ва «Бирдамлик ҳукумати»ни тузиш назарда тутилди. Аммо кейинчалик қарама-қарши гуруҳлар ўртасида авж олган ҳарбий тўқнашувлар ҳокимият органлари фаолиятини чеклаб қўйди.

**СЯНГАН (Гонконг)** – 1997 й. 1 июлдан Сянган махсус маъмурий ҳудуди.

1997 й. 1 июлгача – Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси.

Мазкур ҳудуд 1842 й. инглизлар томонидан истило қилинган Сянган оролидан, 1860 й. Хитойдан ажратиб олинган Цзюлун ярим оролининг бир қисмидан, шунингдек 1898 й. Хитойдан 99 йилга ижарага олинган Цзюлун ярим оролининг қолган қисмидан ва унинг атрофидаги 235 оролдан таркиб топган.

Маъмурий ҳудуди – Сянган (Гонконг).

Ижроия кенгашига раҳбарлик қилган инглиз губернатори томонидан бошқарилган.

60 аъзодан иборат Конунчилик кенгаши губернатор ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланган.

1984 й. 19 декабрда Буюк Британия ва Хитой ўртасида имзоланган декларацияга биноан, 1997 й. 1 июлдан Сянган Хитой Халқ Республикаси ихтиёрига ўтди ва Сянган махсус маъмурий ҳудуди деб номлана бошланди. 1990 й. апрелда Хитой халқ вакиллари йиғилиши бўлажак Сянган махсус маъмурий ҳудудининг Асосий қонунини қабул қилди. 1995 й. декабрда Гонконг бўйича Тайёрлов қўмитаси тузилди. У мустамлакани ХХР юрисдикцияси остига ўтказишни тайёрлади.

«Бир давлат – икки тизим» концепциясига мувофиқ, С. ХХР марказий ҳукумати фақат ташқи сиёсат ва муҳофаа соҳаларида бўйсунади. Маъмурий, қонунчилик ва суд ҳокимияти соҳасида у кенг мухториятдан фойдаланади. С. ўз божхона ҳудудига эга, халқаро ташкилотларга аъзоликни сақлаб қолган, иқтисодий ва савдо битимлари субъекти ҳисобланади.

С. маъмуриятини Сянган махсус маъмурий ҳудудининг Бошлиғи бошқаради. Ҳукумат – Ижроия кенгаш ҳисобланади.

**ТАБИЙ ҲУҚУҚ** – XVIII асрда француз гуманистларининг талимотидан конституциявий лексиконга кириб келган категория бўлиб, унга кўра ҳар бир инсон туғилгандан бошлаб (бошқача айтганда, табиат қонунига кўра, табиий тирик организм) маълум бир ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, улар ажралмасдир ва уларга бутун ҳаёти давомида эга бўладилар (эга бўлишлари лозим). Табиий ҳуқуқ ғояларини ўзида акс эттирган биринчи конституциявий ҳужжат бўлиб, 1789 йилги фуқаро ва инсонлар ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги француз Декларацияси бўлиб ҳисобланади. Декларациянинг 2-моддасида ҳар қандай сиёсий иттифок тузишдан мақсад инсонларнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир, – деб ёзиб қўйилган. Бундай ҳуқуқлар сирасига эркинлик, хусусий мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатиш қиради.

Ўша даврдан бошлаб инсонлар ва фуқароларнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси цивилизация қадриятлари сирасига қиради. Инсонларнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси янги даврдаги барча халқаро ҳужжатларда ва алоҳида давлатларнинг актларида ўз аксини топди. Ҳақиқатда «табиий» сўзини инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ишлатишда

хамма жойда топиш қийин. Бу шу билан боғлиқки, биринчи навбатда инсонга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликлардан қайси бири «табиий» деган ёндошувда турли хил фқрлар мавжудлигидир. Ҳуқуқ ва эркинликлар каталоги доимо кенгайб бормокда, шунинг учун энг муҳим бўлиб ҳисобланади, бу ҳақида бирон бир нарса дейиш қийин, чунки улардан биронтасини тушириб қолдириб бўлмайди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам табиий (ва ажралмас) ҳуқуқ ғояси тан олинади ва конституциявий ҳуқуқ актларида ўз ғоясини топган. Масалан, 1991 йилнинг 5 сентябрида СССР халқ депутатларининг Съездида қабул қилинган «Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Декларацияси»да «ҳар бир инсон табиий, ажралмас, бузилмас ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Улар ушбу декларация ва бошқа халқаро нормаларга, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро тактика, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини умумжаҳон декларациясига мос равишда мавжуд қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади» дейилган.

1991 йилнинг 22 ноябрида Россияда Олий кенгаш томонидан «фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Декларацияси» қабул қилиниб, унинг қоидалари 1992 йилнинг 21 апрелида қабул қилинган Конституциясида ўз аксини топган.

Конституцияда фавқулодда ҳолатларда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга йўл қўйилади, аммо бу чеклашлар фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва Конституциявий тузумни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади ва улар федерал қонунларда ўз аксини топиш ва чеклаш муддатларини кўрсатиш лозим бўлади. Бунда Конституция инсонларнинг маълум бир ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашни тақиқлаб қўяди, бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, бу ҳуқуқ ва эркинликлар инсонларнинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари бўлиб, ҳеч қачон чекланмаслиги керак.

Улар – яшаш ҳуқуқи, шаън-қадр-қиммати поймол қилинмаслик ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ва оилавий сирларнинг сир сақланиш ҳуқуқи, ўз обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи. Ўзига тегишли маълумотларни ноқонуний равишда йиғишдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги, тadbиркорлик ва бошқа қонун билан чекланмаган иқтисодий фаолият учун ўз қобилият ва мулкидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқ, ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи, адолатли одил судлов ҳуқуқи, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи. Айбсизлик презумпцияси, ўзига қарши ўзи гувоҳлик қилмаслик ҳуқуқи, рафиқаси ва яқин қариндошларига гувоҳ сифатида ўтмаслик ҳуқуқи, жиноятдан зарар кўрган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ва ноқонуний йўл билан келтирилган зарарни ундириш ҳуқуқи. Қонуннинг орқага қайтиш кучини тақиқлаш ҳуқуқи, яъни оғирлаштирилган ҳолатларда.

Табиий ҳуқуқ ва эркинликлар объектив равишда мавжуд бўлса-

да ва улар қонунларда ўз аксини топганми ёки йўқми, улар давлат конституцияларида мутахкамлаб қўйилган бўлса, албатта уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тўлиқ равишда амалга ошади.

**ТАЙВАНЬ (Хитой Республикаси)** – XIII асрдан Хитой провинцияси. 1949 й.да «мустақил давлат» бўлиб ажралиб чиққан. ХХР мазкур давлат тузилмасини ханузгача ўз провинцияси деб ҳисоблайди ва «бир давлат – икки тузум» принципига кўра тинч бирлашиш курсини эълон қилган. Маъмурий маркази – Тайбей шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан марказга бўйсунадиган 2 шаҳар, провинцияларга бўйсунадиган 5 шаҳар ва 16 уездга бўлинади.

Гоминьдан тузуми даврида – 1946 й. 25 декабрда қабул қилинган Конституция амал қилади. Т. бошлиғи – Хитой Республикаси Раиси – 1996 й.дан умумий сайловда 6 йил муддатга сайланади. Парламенти – Миллий йиғилиш. 1991 й. ўтказилган сайлов натижасида Миллий йиғилишдаги 326 ўриндан 254 тасини Гоминьдан номзодлари эгаллади. Миллий йиғилиш ваколатига президентни сайлаш ва чақириб олиш (1994 й.гача), Конституцияга тузатишлар киритиш, мазкур масала юзасидан референдумлар ўтказиш қиради.

Қонунчилик юани қонун чиқарувчи орган вазифаларини бажаради. У 164 депутатдан иборат бўлиб, шуларнинг 128 таси тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади, 36 таси эса сайловда 5% дан кўп овоз олган партияларнинг номзодлари орасидан тенг асосда тайинланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Ижроия юани амалга оширади. Унинг аъзоларини президент Назорат юани билан баҳамжиҳат тайинлайди.

**ТАЙЛАНД (Тайланд Қироллиги)** – Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган давлат. XIII асрдан мавжуд. Пойтахти – Бангкок шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 73 провинцияга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1991 й. 9 декабрда қабул қилинган. Унга кейинчалик тузатишлар киритилган.

Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи – қирол. Қирол ҳузурида маслаҳат органи – Яширин кенгаш (14 аъздан иборат) фаолият кўрсатади.

Икки палатали парламент – Миллий ассамблея – Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат. 270 нафар сенаторларнинг ҳаммаси қирол томонидан 6 йил муддатга тайинланади. Вакиллар палатасининг 393 депутати умумий сайловда 4 йил муддатга сайланади.

Ҳукумат партиялар иттифоқи негизда Бош вазир томонидан тузилади. Бош вазирни Вакиллар палатаси сайлайди.

**ТАКЛИФ БЕРИШ** – фуқароларнинг давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жамоат ташкилотларининг маъмурияти ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишининг бир тури.

Фуқаро томонидан таклиф бериш агарда давлатда ёки унинг му-

айян худудида иш тартибини яхшиласа ёхуд корхона, муассаса, ташкилот, жамоат уюшмаси, давлат органи фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлса, тўғри деб ҳисобланади.

ЎзР Конституциясининг 35-моддасига биноан фуқаролар мурожат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Таклиф бериш фуқароларнинг мурожат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади.

**ТАНЗАНИЯ (Танзания Бирлашган Республикаси)** – Шарқий Африкада жойлашган давлат. 1964 й. 26 апрелда Танганьика Республикаси билан Занзибар ва Пемба Халқ Республикасининг қўшилиши натижасида ташкил топган. Пойтахти – Дар-ус-Салом (бўлажак пойтахти – Додома ш.) шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан қитъа қисмидаги 20, Занзибар оролидаги 3 ва Пемба оролидаги 2 вилоятга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1977 й. қабул қилинган. Унга 1984 й. ўзгартишлар киритилган. 1979 й. октябрда Т. орол қисмининг Конституцияси тасдиқланган. Унга мувофиқ, Занзибар ва Пемба ягона давлат таркибида мухторият ҳуқуқидан фойдаланади, масалан, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан орол қисмининг президентини сайлайди. У лавозимига кўра Занзибар Инқилобий кенгашининг раиси ҳисобланади ва ижро этувчи ҳокимият вазифаларини амалга оширади. Мамлакатнинг орол қисмида Занзибар Вакиллар палатаси (75 депутатдан иборат) фаолият кўрсатади.

Т. давлат бошлиғи – Президент, умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. У яна бир муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Президент лавозимига номзодни ҳукмрон Инқилобий партия киритади. Президент икки вице-президентни тайинлайди (мазкур лавозимларни мамлакат бош вазири ва Занзибар президенти эгаллайди). Бунда Т. президенти мамлакатнинг қитъа қисмида туғилган фуқаро бўлса, вице-президент лавозимига Занзибар оролидан чиққан фуқарони тайинлаш талаб этилади.

Бир палатали парламент – Миллий йиғилиш – 232 депутатдан иборат. Парламентни таркиб топтириш қондаси анча мураккаб ва ўзига хос: депутатларнинг кўпчилиги умумий сайловда сайланади, 15 депутатни давлат бошлиғи тайинлайди, 15 депутатлик ўрни хотин-қизларга, 15 таси – оммавий ижтимоий ҳаракатларнинг вакилларига, 5 таси – Занзибар парламентининг вакилларига, 25 таси – вилоятларнинг комиссарларига ажратилади. Депутатларнинг ваколат муддати – 5 йил.

Парламент ва давлат бошлиғи бир вақтда сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Президент бош вазирни тайинлайди. Бош вазир ҳукуматни шакллантиради. Вазирларнинг номзодлари президент томонидан тасдиқланади.

Бир партия – Инқилобий партиянинг раҳбарлик роли Т. Консти-



туциясида мустаҳкамланган. 1992 й. майдан бошқа сиёсий партиялар фаолиятига руҳсат этилган.

**ТАРБИЯ КОЛОНИЯЛАРИ** – вояга етмаганлар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтовчи жой:

**Т.к.** ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар, одатда каттарок ёшдаги маҳкумлардан алоҳида сақланади (ЎЗР ЖИК, 124-модда).

**Т.к.** умумий тарбия колонияларига ва кучайтирилган тартибли колонияларга бўлинади (125-м.). Улар бир-биридан белгиланган режим, маҳкумларни ҳуқуқлардан фойдаланишига қараб фарқ қилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма беш ёшга тўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади (128-м.). Кодекснинг 129-моддаси қандай ҳолларда маҳкум 18 ёшга тўлгач жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш белгиланган.

**ТАРИХИЙ ВАТАН** – инсонни туғилган, яшайдиган, яшаган, инсонни шахс бўлиб шаклланишига, онги, дунёкарашини қай даражада бўлишига таъсир қилган макон.

Ватан, мамлакат синоними сифатида ҳам ишлатилади. Бизнинг халқимизда ватан киндик қони тўкилган жой деб, унинг туғилиши билан боғланади. Миллат билан мамлакатни боғлиқ томонлари мавжуд, масалан ҳозирги кунда хорижда туғилиб, хорижда яшаётган кўпгина ўзбеклар Ўзбекистонни ўзларининг тарихий ватани деб ҳисоблайдилар. Чунки, уларнинг авлодини келиб чиқиши Ўзбекистондир.

Ватан атамаси бизда тор маънода ҳам ишлатилади, масалан: ҳар бир кишининг ўз уйи–ватани, маҳалла–ватан, вилоят–ватан ва ҳақо-зо.

Ватанга содиқлик – юсак хислат, ватанга хиёнат энг оғир жиноятдир. Ватансизлик шахснинг дунёдаги энг даҳшатли фожиаси.

**ТАСАРРУФ** – конституциявий ҳуқуқда кенг қўлланиладиган, бирор давлат, орган, мансабдор шахс шуғулланадиган масалаларни, соҳаларни, жабҳаларни англатадиган атама.

Масалан, ЎЗР Конституциясида «тасарруф» атамаси бевосита қўлланилмаган бўлса ҳам, лекин унинг 78-моддасида ЎЗР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги тасарруфига кирадиган ваколатлар санаб ўтилади.

Шунингдек **Т.** атамаси, айниқса, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тартибга солидиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, конституциявий-ҳуқуқий илмий ва ўқув адабиётларида «тасарруфига киритилган», «тасарруфи донрасида», «тасарруфи соҳаси» тарзида қўлланилади.

**ТАСАРРУФДАГИ МАСАЛАЛАР** – тегишлича давлатнинг, маъмурий-худудий бирликнинг, давлат ҳокимияти органлари ёки маҳал-

лий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига, яъни ихтиёрига киритилган масалалар.

ЎзР Конституциясининг 100-моддасига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

конунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ЎзР Конституциясига ва ЎзР қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ** – 1991 йил 14 июнда қабул қилинган, 2000 йил 26 майда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳририда тасдиқланган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолият деганда, ЎзР юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

ЎзРда рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек ЎзР нинг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яққа тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

ЎзРнинг давлат органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, **т.и.ф.ни** амалга оширишлари мумкин.

**Т.и.ф.ни** амалга ошираётган ЎзР нинг юридик ва жисмоний шахслари **т.и.ф.** субъектлари ҳисобланадилар.

Олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматбаҳо қоғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектларига нисбатан **т.и.ф.** амалга оширилиши мумкин, ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

**Т.и.ф.нинг** асосий йўналишлари қуйидагилардир: халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик; ташқи савдо фаолияти; чет эл инвестицияларини жалб қилиш; ЎзР дан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

**Т.и.ф.ни** давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллار

билан амалга оширилади: **Т.и.ф.нинг** қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш; валюта билан тартибга солиш; солиқ билан тартибга солиш; тариф ва нотаиф тартибга солиш; ЎзРнинг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун химоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш; ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан назорат монополиясини ўрнатиш; қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш; олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш; техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш; **т.и.ф.** субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

**Т.и.ф.ни** давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси: **т.и.ф.ни** ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади; ЎзРнинг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатлари химоя қилинишини таъминлайди; **т.и.ф.** соҳасида ЎзРнинг халқаро шартномаларини тузади; ЎзРнинг тўлов балансини ишлаб чиқади; чет элдан олинадиган кредитлар учун ЎзР Ҳукуматининг кафолатларини беради; ЎзРнинг чет эллардаги мулкига эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ТАШҚИ ИШЛАР** — давлат томонидан халқаро майдонда ҳал қилинадиган ташқи сиёсий (яъни бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан сиёсий муносабатлар), ташқи иқтисодий (қаранг. *Ташқи иқтисодий фаолият*), шунингдек қисман ҳарбий тусдаги масалаларнинг умумлашган номи.

**ТАШҚИ РАЗВЕДКА ХИЗМАТИ** — мавжуд, ўрнатилган қонунлардан фойдаланган ҳолда, жамият, давлат ва шахснинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус тузилган давлат органларининг йиғиндиси.

**ТАШҚИ РАЗВЕДКА** — хавфсизликни таъминлаш кучларининг таркибий қисми сифатида давлат томонидан махсус тузиладиган, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ташқи таҳдидлардан химоя қилиш-ни таъминлаши лозим бўлган органлар мажмуи.

**ТАШҚИ САВДО** — тегишли давлатда ишлаб чиқарилган товарларни олди-сотди қондалари бўйича бошқа мамлакатларга экспорт қилиш (олиб чиқиш) ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларни тегишли давлатга импорт қилиш (олиб кириш).

«Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ЎзР Қонуни (янги таҳрири)да ташқи савдо билан боғлиқ масалалар ҳам назарда тутилган.

Чунончи, конунга кўра: халқаро товарлар айирбошлаш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти т.с. фаолияти ҳисобланади.

**Т.с.** фаолияти товарларни экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларнинг ЎзР божхона ҳудудидан ташқарига, уларни қайта олиб кириш мажбуриятини олмасдан, олиб чиқиб кетилиши, агар конунларда бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, экспорт деб эътироф этилади.

Товарлар ЎзРнинг божхона ҳудудига, уларни қайта олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олмасдан, олиб кириш импорт деб эътироф этилади.

Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарлар айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади.

Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгилаши мумкин.

Квоталарни тақсимлаш, қоида тарикасида, танлов ёки ким ошди савдоси асосида амалга оширилади.

Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хорижий давлат томонидан ЎзР нинг ва ташқи иктисодий фаолият субъектларининг иктисодий манфаатларини бузувчи чоралар қабул қилинган тақдирда, шунингдек ушбу давлат халқаро шартномаларга кўра ЎзР олдида қабул қилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ЎзР халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқ ташқи иктисодий фаолият соҳасида жавоб чораларини киритишга ҳақлидир.

**ТАШҚИ СИЁСАТ** – давлатнинг бошқа давлатлар, халқаро ташқилотлар билан муносабатларининг бутун мажмуи, шунингдек давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий тутган йўли. «Ташқи сиёсат» атамаси давлатларнинг конституцияларида ҳам, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қўлланилади. Баъзан конституцияга **Т.с.** тўғрисида махсус боб киритилади. Чунончи ЎзР Конституциясининг IV боби **Т.с.га** бағишланган бўлиб, унда шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички

ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Конституциянинг 78-моддасига биноан, ЎзР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация илиш ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жумласига киради.

**ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАР** – давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда конституциявий ҳуқуқ фанларида баъзан давлат органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини конституцияга мувофиқ ҳолатга келтириш (шакллантириш на ичдан ташкил этиш) ҳамда мазкур фаолият тартиби (жараёни, тартиб-қоидалари) билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тавсифлаш учун қўлланадиган тушунча.

**ТАЪСИС ЭТИШ** – янги органни тузиш, ҳуқуқ институтини шакллантириш.

**ТЕГИШЛИЛИК** – масаласини у ёки бу давлат органи, ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига тегишлилиги.

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ** – ваколатли давлат органларининг тезкор бўлимлари фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мол-мулкни ҳимоя қилиш, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали ошқора ва махфий тарзда амалга оширувчи фаолият тури.

**Т.-к.ф.** жараёнида қуйидаги тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши мумкин: фуқароларни сўроқлаш; маълумотлар олиш; солиштириш тадқиқотлари ўтказиш учун намуналар йиғиш; текширув тарзида харидлар қилиш; ашёлар ва ҳужжатларни тадқиқ қилиш; кузатиш; шахсни аниқлаш; хоналар, бинолар, қурилмалар, жой участкалари ва транспорт воситаларини кўздан кечириш; почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефон сўзлашувларини эшитиш; техник алоқа каналларидан ахборот олиш; тезкор киритиш; етказиб беришни назорат қилиш; тезкор тажриба ўтказиш. Тезкор-қидирув тадбирларининг мазкур рўйхатига ўзгартишлар ёки қўшимчалар фақат қонун билан киритилиши мумкин.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган **Т.-к.ф.** қўшимча қарорларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мас., телефон сўзлашувларини эшитишга, қоида тариқасида, мазкур ҳаракатни амалга оширишга зарурат сезган орган раҳбариятининг илтимосномасига кўра олинган тегишли суд қарори бўлган тақдирда йўл қўйилади. **Т.-к.ф.** жараёнида олинган маълумотлардан,

агар улар қонуний йўл билан олингани жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширилган бўлса, жиноят иши бўйича далил тариқасида фойдаланиш мумкин.

**Т.-қ.ф.ни** амалга ошириш ҳуқуқи: ички ишлар органлари; миллий хавфсизлик хизмати органлари; чегара хизмати органлари; божхона хизмати органларининг тезкор бўлимларига берилади.

**ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** — тенг сайлов ҳуқуқининг маъноси шундан иборатки, ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга; сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади; аёллар ва эркеклар **т.с.ҳ. ларига** эга; ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар; ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон бир афзалликка эга эмас. Буларнинг ҳаммаси **т.с.ҳ. нинг** амалга оширилишини таъминлайди.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчининг овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши ҳамда шахсан овоз бериши билан таъминланади. Сайлов бюллетенлари шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандан кейингина берилади.

Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашувлари сайлов округларининг уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади. Чунки, ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Бу билан амалда бир округдаги сайловчи овози бошқа округдаги сайловчи овозига амалда тенг бўлишига эришилади. Бундан ташқари, тенг сайлов принципи бутун Ўзбекистон фуқаролари сайлов ҳуқуқининг қонун томонидан тенг муҳофаза этилишини ҳам ифодалайди.

**ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК** — Ўзбекистонда инсон ва фуқаролик мақомининг конституциявий принципларидан биридир.

ЎЗР Конституциясининг 18-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этниқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар».

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Фуқаролар ҳуқуқларини ижтимоий, ирқий, миллий, тил ва диний мансублик бўйича чеклашнинг ҳар қандай шакллари таъқиқланади. Бундан ташқари Конституция эркек ва аёл тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллигини ҳамда уларни амалга оширишда тенг имкониятларга эга эканлигини белгилайди.

Конституциядан келиб чиқиб, тенг ҳуқуқлилиқнинг бир нечта жиҳатларини фарқлаш мумкин: инсоннинг инсон билан; аёлнинг ва эркекнинг (жинслар тенг ҳуқуқлили); миллий тенг ҳуқуқлилиқ. Шунингдек, бу тамойил давлатга мансублигидан қатъи назар (Ўзбекистонлик фуқаролар, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар)

кўпгина ҳуқук ва эркинликларни ҳар қандай шахс учун кафолатлайди (бу «барча қонун ва суд олдида тенгдир» қонунларида, шунингдек, «ҳар ким ҳуқуққа эга», «ҳар кимга кафолатланади» деб номланган айрим конституциявий нормаларда акс эттирилади).

Тенг ҳуқуқлилиқ ва фактик тенгликни чалкаштириш тўғри бўлмайди. Инсонларнинг ижтимоий ҳаётдаги фактик тенглиги ва тенгсизлиги уларнинг моддий ахволи, машғулот тури, онги, психологияси ва ҳ.к. ларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, кўплаб конституциявий нормалар инсонларнинг эҳтимолли фактик тенгсизлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки унинг вужудга келишини инкор этмайди. Мас., барча учун хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқининг, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг мустаҳкамланиши инсонларнинг шахсий бойлигининг ҳар хил миқдори, жамиятнинг ижтимоий табақаланишига тўла йўл қўйиши мумкин. Лекин гап айнан шундан иборатки, Конституция ҳар бир инсонга айтиб ўтилган ҳуқук ва эркинликларни амалга оширишнинг тенг имкониятларини беради, улардан ким қандай қилиб фойдаланади — бу муайян индивиднинг ўзига боғлиқдир. Лекин муайян моддий фаронвонликка эришиб, инсон ундан бошқаларнинг зарарига фойдалана олмайди. Мана шунинг учун ҳам Конституция фуқаролар ҳуқуқларини чеклашнинг ҳар қандай шакллари (хусусан, ижтимоий мансублик бўйича) таъқиқлайди.

Тенг ҳуқуқлилиқ фуқароларнинг ҳуқук, эркинлик ва мажбуриятларга бир хил ҳажмда эга бўлишида намоён бўлади; агарда чеклашлар жорий қилинса, улар барчага баробардир: ҳуқук, эркинлик ва мажбуриятларни бажариш кафолатлари — ҳам бир хил. Қонунчилиқнинг алоҳида тоифадаги шахсларга: болалар, ногиронлар, фажрийларга нисбатан юқори даражадаги эътибори тенг ҳуқуқлилиқ тамойилининг бузилиши бўлмай, балки Ўзбекистон давлати ижтимоий табиатининг намоён бўлиши ҳисобланади.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши — қуйидаги икки жиҳатда ифодаланувчи, давлат ҳаётини бошқаришни ташкил этишнинг конституциявий тамойили:

а) манбаи халқ бўлиб ҳисобланган давлат ҳокимиятининг қонунчилиқ, ижроия ва суд турлари билан ифодаланувчи учта бўғинга бўлиниши, улар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;

б) давлат органлари тизимининг даражалари бўйича функцияларининг бўлиниши: мас., Ўзбекистон шароитида — марказий даражада ва маҳаллий даражаси.

ЎЗРнинг Конституцияси фақат биринчи жиҳатни акс эттиради. 11-модда ЎЗРда давлат ҳокимияти қонунчилиқ, ижроия ва суд бўғинларига бўлиниш асосида амалга оширилишини таъкидлайди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг органлари мустақилдирлар.

Тарихда давлат ҳокимиятини ташкил этиш икки турли хилдаги тамойилга асосланилди. Унинг моҳияти шундан иборатки, барча даражаларда, умумдавлат миқёсида вакиллик органлари етакчи мавкени эгаллайдилар. Биринчидан, тегишли ҳудуддаги давлат ҳар қандай масалани кимнинг ваколатига киришидан қатъи назар, ўз ихтиёрига олиш ҳуқуқига эга. Иккинчидан, бошқа барча давлат органлари вакиллик органлари томонидан шакллантирилади ва уларга ҳисобот беради. Демак, олий вакиллик органи мамлакатнинг ҳукуматини тузади. У ҳукуматнинг таркибини ўзгартириши ёки тўлалигича қайта ташкил этиши мумкин, ҳисоботни эшитишга, қарорининг бекор қилинишини таклиф этишга ҳақли. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушлари эълон қилингани билан тегишли вакиллик органи одил судловнинг функциясига расман аралашмаган ҳолда, суднинг қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатини қандай амалга ошираётганлиги ҳақидаги ҳисоботини тинглаши, унинг таркибини қайта ташкил этиши мумкин.

1917 йилдаги октябрь тўнтаришидан кейин 90 йилларга қадар айнан вакиллик органларининг – советларнинг устунлиги концепцияси – давлат тизимининг конституциявий асоси бўлган эди.

Ўша даврдаги амалда бўлган Конституциялар (СССР ва РСФСР) бўйича айнан советлар давлатда устунликка эга бўлганлар. Аслида эса вакиллик органларининг, шу жумладан олий органларнинг ҳам (ССР Иттифоқи, республикалар) фаолияти коммунистик партия томонидан белгиланар эди. Шу билан бирга советлар томонидан формал ташкил этиладиган ижроия органлари ҳам бошқарилар эди.

Иккинчи шакл ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилига асосланган. Унга кўра вакиллик органлари устунликка эга бўлмайдилар. Улар давлат ҳамда бошқа органлар ихтиёридаги ишларни кўриб чиқиш учун қарор қабул қилишга ҳақли эмаслар. Ўз навбатида, вакиллик органлари давлат органлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши асосида уларнинг ваколатига берилган масалаларнигина кўриб чиқадиладар ва ҳал қиладилар.

Кўриниб турибдики, ушбу шакл бўйича ҳам вакиллик органларида бошқа органларга ҳам, энг аввало-ижроия органларига таъсир ўтказиш воситалари мавжуд. Улар ижроия органлари қонунларни қандай рўёбга чиқараётганликларини назорат қилишга ҳақли. Бунинг учун вакиллик органларида ҳисоботлар ва маълумотларни тинглаш, ишонч ва ишончсизликни билдириш каби муайян таъсир этиш воситалари мавжуд. Лекин, ўз навбатида, ижроия ва суд органлари вакиллик органлари томонидан асоссиз равишда қабул қилинган қарорларнинг олдини олувчи ёки уларнинг келгусида бекор қилинишига олиб келувчи таъсир кўрсатиш воситаларига эгадирлар. Шундай қилиб, бундай органлар ўртасида бир-бирини тизгинловчи ва мувозанатни сақлаб турувчи ўзаро таъсир кўрсатиш механизми мавжуд.



Албатта, ҳар бир мамлакатда мазкур модел ўзига хос тарзда амал қилади. Шу боис, вакиллик, ижроия ва суд органларининг тенглиги ёки бирининг бошқаси устидан устунлиги тўғрисидаги саволга бир хил жавоб бериш мушкулдир. Лекин умуман олганда, мазкур моделда вакиллик, ижроия ва суд органлари бир-бирларига таъсир кўрсатиш имкониятларидан ўзини бошқалардан юқори қўйиш учун асло фойдалана олмайдилар.

Суд ҳокимияти ҳокимият тизимида нафақат жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича тўғридан-тўғри одил судлов функциясини бажаради. Айрим ҳолатларда суд ҳокимияти органлари қонунчилик ва ижроия ҳокимиятларининг актларини баҳолайди, улар ўртасидаги низоларини ҳал этади. Ўзининг қарорлари билан суд ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари фаолиятида қонунийликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади, уларнинг ноқонуний (конституциявий бўлмаган) актларини бекор қилади.

**ТЕНГЛИК** – бир неча юз йиллар давомида аниқ бир тўхтамга келинмаган, музокаралар ва курашлар олиб борилаётган, кенг тарқалган ижтимоий-сиёсий категориядир.

Тенгликнинг предмети бўлиб инсоннинг инсон билан тенглиги ҳисобланади.

Тенглик икки асосий хусусиятга эга: расмий тенглик ва юридик тенглик.

Кўпчилик ижтимоий-сиёсий таълимотларнинг асосида одамларнинг расмий тенглигига эришиш гоёси ётади, яъни улар бойлик, ақл, маълумот, табиий ҳолатлари ва неъматларга эга бўлишларидан қатъи назар тенгдирлар. Тарих шу билан биргаликда одамларнинг расмий тенглигига эришишнинг утопистик ҳаракатлари тўғрисида ҳам хабар беради.

Қонунчиликда барча кишиларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Ушбу маънодаги тенглик ҳар кимга тенг ҳажмдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан уларга бир хил ҳажмдаги юридик мажбуриятларнинг юклатилишини ҳам англатади. Шахс Конституция ва қонунлар билан берилган имкониятлардан фойдаланиб жамият ва давлатда ўзининг ҳаётини ташкил этиб, у ёки бу мавқега эга бўлишга ҳаракат қилади.

**ТЕРГОВ ИЗОЛЯТОРИ (СИЗО)** – жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган, суриштирув ва тергов органлари томонидан жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётган шахсларни сақлаш учун махсус жиҳозланган қамқоқхонага ўхшаш алоҳида жой.

**ТЕРГОВ ҚИЛИШ** – жиноят процессуал қонунчилиги томонидан жиноятларни аниқлаш ва очиш, уларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахсларни фош этиш бўйича фаолиятнинг турларини белгилаш учун фойдаланиладиган атама (қаранг: Суриштирув. Дастлабки тергов).

**ТЕРГОВ ҚИЛИШ** – жиноятни содир этишда айбланаётган шахсларни қилмишларини очиб ташлаб, жиноятни ўз вақтида очилишига қўмаклашувчи, жиноят-процессуал қонунчилиги билан тартибга солинадиган фаолият юритишни бир турини англатиш учун фойдаланадиган ибора (қаранг: Суриштирув, дастлабки тергов).

**ТЕРГОВ** – қаранг: дастлабки тергов.

**ТЕРГОВЧИ** – дастлабки терговни олиб боришга ваколатли бўлган прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг мансабдор шахси.

ЎзР нинг Жиноят – процессуал кодексининг 36-моддасига кўра, терговчи: жиноят ишини кўзгатишга ва тугатишга, ишни кўзгатишни рад этишга; жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқаришга; ўзи юритишга қабул қилган иш бўйича суриштирув органларига кидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда қўмаклашишни талаб қилишга ҳақлидир.

Терговчи, терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Терговчи прокурорнинг, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда, ишни юқори турувчи прокурорга тақдим қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда, қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади.

Терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Терговчи лавозимининг қуйидаги турлари мавжуд: терговчи, катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи ва ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи; терговчиларга эгаллаган лавозимига қараб ҳарбий (ҳарбий прокуратура ва миллий хавфсизлик хизмати терговчиларига) ва махсус унвонлар (ички ишлар идоралари терговчиларига) берилади.

Терговчи эгаллаб турган лавозимидан, мансабидан, ҳарбий ёки

махсус унвонларидан қатъи назар, дастлабки терговни олиб боришда ЎзРнинг Конституциясига, қонунларига ва жиноят-процессуал кодексининг нормаларига қатъий амал қилмоғи лозим.

**ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ФЙДАЛАНИШ ХУҚУҚИ** – ЎзР Конституциясининг 40-моддасида мустақкамлаб қўйилган фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларидан бири.

ЎзР фуқароларининг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши учун маълум шароитлар яратилган. Етарли малакали тиббий мутахассислар, замонавий тиббий ускуналари, самарали дори-дармонлар, касалликларга қарши кураш ва касалликларни олдини олиш миллий дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда бу дастур давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Касалликларга қарши кураш ва уларни олдини олиш миллий дастури поликлиникаларда ва кундузги стационарларда беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутади.

Республикада соғлом авлодни туғилиши ва тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди, шу номда халқаро жамғарма ташкил этилди.

Тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистонда тобора такомиллашиб бормоқда, сифати яхшиланмоқда, фуқароларни тиббиёт ҳуқуқидан ўтказиш тизими ривож топиб бормоқда.

ЎзР «Меҳнатни муҳофазалаш тўғрисида»ги Қонуни фуқароларни соғлиғига тўғри келмайдиган ишга қабул қилишни тақиқлашни кўзда тутади.

Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури сугуртали тиббий хизматга ўтиш, рақобатлашишга қодир бўлган хусусий клиникалар ва дорихоналар ташкил этиш орқали тиббиёт хизматини янада такомиллаштириш мақсадини кўзлайди.

**ТИТУЛ МИЛЛАТ** – ижтимоий фанларда, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда қўлланиладиган, номи тегишли давлат ёки миллий-давлат тузилмасини номлаш учун асос бўлган миллатнинг тавсифи.

**ТОГО (Тоголез Республикаси)** – Ғарбий Африкадаги давлат. 1960 й. 27 апрелда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Ломе шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 5 вилоятга, вилоятлар эса 21 префектурага бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1992 й. 27 апрель референдумида маъқулланган. Давлат бошлиғи – республика президенти – умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади. У яна бир муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Парламент – Миллий йиғилиш – умумий сайловда сайландиган 81 депутатдан иборат. Президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Ижро этувчи ҳокимиятни Миллий йиғилишга ҳисобдор ҳуқуқат

амалга оширади. Бош вазир президент томонидан парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партиядан тайинланади.

**ТОЖИКИСТОН (Тожикистон Республикаси)** – 1994 й. 7 ноябрь референдумида қабул қилинган Конституциясига мувофиқ, суверен демократик, ҳуқуқий, дунёвий ва унитар давлат. **Т.** – ижтимоий давлат: унинг сиёсати инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. **Т.нинг** давлат тили тожик тилидир. Рус тили миллатлараро муомала тили ҳисобланади. **Т.** ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва халқлар ўз она тилида сўзлашиш ҳуқуқига эга. Пойтахти – Душанбе шаҳри.

Конституцияга биноан, **Т.да** ижтимоий ҳаёт сиёсий ва мафқуравий плюрализм асосида ривожланади. Конституцияда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий мажбуриятларининг кенг доираси мустаҳкамланган.

**Т.** иқтисодиётининг негизини ҳар хил мулкчилик шакллари ташкил этади (Конституциянинг 12-моддаси). Давлат иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳамда барча мулкчилик шакллари, шу жумладан – хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кафолатлайди. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво ҳудуди, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар фақат давлат мулки ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти уни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимлаш принципига асосланади (Конституциянинг 9-моддаси). Мажлиси Оли (МО) **Т.нинг** олий вакиллик ва қонунчилик органи ҳисобланади. МО 5 йил муддатга сайланади. Сайлов қуни 25 ёшга тўлган фуқаролар МО депутати бўлиши мумкин.

МОНинг ваколатлари қуйидагилардан иборат: қонунлар ва қарорлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш; давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш; референдумлар тайинлаш; қонунларнинг лойиҳаларини ҳамда муҳим давлат ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни умумхалқ муҳокама-сига кўйиш; республика президенти сайловини, олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловни тайинлаш; вазирликлар ва давлат кўмиталарини тузиш ва уларни бекор қилишга розилик бериш; президентнинг бош вазирни ҳамда ҳукумат бошқа аъзоларини, Миллий банк раисини ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; республика президентининг тақдимига биноан Конституциявий суд, Олий суд, Олий иқтисодий суд раислари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда судьяларини сайлаш ва қақриб олиш; Бош прокурорни ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этишга розилик бериш; ижтимоий-иқтисодий дастурларни тасдиқлаш, бошқа давлатларга икти-

содий ёрдам кўрсатишга розилик бериш; давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқ сиёсатини, пул тизимини белгилаш; маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; судларни тузиш; президентнинг ҳарбий ва фавқулодда ҳолатлар эълон қилиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ва б.

**М**Они ташкил этиш ва унинг фаолияти конституциявий қонун билан белгиланади. Депутатлар **МО**да доимий асосда ишлашлари мумкин. Депутатнинг ҳуқуқий мақоми конституциявий қонун билан белгиланади.

**Т.** Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият (ҳукумат) бошлиғи ҳисобланади. Президент Конституция ва қонунларнинг, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг, миллий мустақилликнинг, ягоналик ва худудий яхлитликнинг, давлат ворисийлиги ва умрбоқийлигининг, давлат органлари баҳамжиҳат фаолият кўрсатишининг, **Т.** халқаро шартномаларига риоя этилишининг қафилidir.

Президент лавозимига 35 ёшдан кичик ва 65 ёшдан катта бўлмаган, давлат тилини биладиган, сайловгача камида 10 йил **Т.** худудида яшаётган **Т.** фуқароси умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент этиб сайланиши мумкин эмас.

Президент: мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда **Т.** номидан иш кўради; **МО** розилиги билан вазирликлар ва давлат қўмиталарини тузади ҳамда уларни бекор қилади; бош вазирни, ҳукуматнинг бошқа аъзоларини, Миллий банк раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади, шу масалаларга доир фармонларни **МО** тасдиғига киритади; президент ижро этувчи девонини тузади; Тоғли Бадахшон автоном вилояти, вилоятлар, Душанбе шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг раисларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади, уларни тегишли халқ депутатлари Мажлисларининг тасдиғига киритади; Конституциявий суд, Олий суд, Олий иқтисодий суд раислари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда судьяларининг номзодларини сайлаш ва қақриб олиш учун **МО**га тақдим этади; **МО** розилиги билан Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади; адлия вазирининг тақдимида биноан қолган судларнинг судьяларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади; захира фондни тасарруф этади ва унинг сарфланиши ҳақида **МО**га ахборот беради; пул тизимини белгилаш юзасидан **МО**га тақлифлар киритади; қонунларни имзолайди, нисбий вето ҳуқуқига эга бўлади; давлат бошқаруви органларининг ҳужжатлари Конституция ва қонунларга зид бўлган тақдирда, уларни бекор қилади ёки уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди; ташқи сиёсатни амалга оширишга раҳбарлик қилади, халқаро шартномаларни имзолайди ва уларни **МО** тасдиғига киритади; **Т.** Куролли Кучла-

рининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади; давлат хавфсизлигига реал хавф туғилган ҳолларда ҳарбий ҳолат эълон қилади ва бу масалага доир фармонни МО тасдиғига киритади; республиканинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат эълон қилади, бу масалага доир фармонни зудлик билан МО тасдиғига киритади ва бу ҳақда БМТга хабар беради; Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади ва ҳ.к.

Президент ўз қасамёдини бузган ёки жиноят содир этган тақдирда, МО, Конституциявий суд ва махсус комиссиянинг халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳулосасига қўра, уни лавозимидан озод этади. МО нинг мазкур сессиясида Олий суд раиси раислик қилади, депутатлар эса мазкур масалани қонунга мувофиқ, виждонан ва адолат билан кўриб чиқиб, ҳал қилишга қасамёд қилдилар.

**Т.** ҳукумати Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларидан, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Ҳукумат иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларга самарали раҳбарликни, қонунлар, МО қарорлари, президент фармонлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди (Конституциянинг 73-моддаси).

**Т.** Тоғли Бадахшон автоном вилояти, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, шаҳарчалар ва қишлоқлардан иборат. **Т.** Конституциясига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ижроия органлардан ташкил топади. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда Раис бошчилик қиладиган халқ депутатлари Мажлиси маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органи ҳисобланади. Депутатлар 5 йил муддатга сайланади. Маҳаллий ижроия ҳокимиятини президент вакили – вилоят, туман, шаҳар раиси амалга оширади. У президент томонидан тайинланади. Президент унинг номзодини тегишли халқ депутатлари Мажлисининг тасдиғига киритади. Шаҳарча ва қишлоқларда жамоат ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади.

Тоғли Бадахшон автоном вилояти, **Т.** Конституциясига мувофиқ, **Т.**нинг ягона ва ажралмас қисми ҳисобланади. Тоғли Бадахшон автоном вилоятининг ваколатлари конституциявий қонун билан белгиланади.

**Т.да** суд ҳокимиятини Конституциявий суд, Олий суд, Олий иқтисодий суд, Ҳарбий суд, Тоғли Бадахшон автоном вилояти Суди, вилоят ва Душанбе шаҳар судлари, шаҳар ва туман судлари амалга оширади. Судьяларнинг ваколат муддати – 5 йил. Шаҳар ва туман судлари судьяси лавозимига 25 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлмаган, камида уч йил профессионал иш стажига эга бўлган шахслар тайинланади. Бошқа судларнинг судьялари лавозимига 30 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлмаган, камида беш йил (Конституциявий судда – камида ўн йил) судья бўлиб ишлаган юристлар сайланади ва тайинланади.

Конституциявий суднинг ваколатлари куйидагилардан иборат: қонунларнинг, МО, президент, ҳукумат, Олий суд, Олий иқтисодий суд ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқий ҳужжатларининг, шунингдек **Т.нинг** қонуний кучга кирмаган шартномаларининг **Т.** Конституциясига мослигини аниқлаш; давлат органлари ўртасида уларнинг ваколатлари юзасидан чиққан низоларни ҳал қилиш; **Т.** Конституцияси ва қонунларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш. Конституциявий суд 7 судьядан, шу жумладан Тоғли Бадахшон автоном вилоятининг бир нафар вакилидан иборат таркибда сайланади.

Қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назоратни **Т.** Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

**Т.** Конституциясига ўзгартишлар МО депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилган референдум билан киритилади. Республика бошқарув шакли, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, демократик, ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий мазмуни ўзгармасдир.

**ТОНГА (Тонга Қироллиги)** – Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган орол давлат. Буюк Британиянинг собиқ мустамлақаси. Марказлаштирилган давлат 1845 й.дан мавжуд бўлган. 1970 й. 4 июнда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Нукуалофа шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 5 округга бўлинади.

1875 й. қабул қилинган, айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган Конституцияси амал қилишда давом этмоқда. Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Давлат бошлиғи – Қирол (1965 й.дан – Тауфааху Тупоу IV).

Қонун чиқарувчи органи – бир палатали Қонунчилик йиғилиши. У Қирол, Вазирлар маҳкамасининг 12 аъзоси, келиб чиқиши зодагонлардан бўлган 9 шахс, аҳоли томонидан сайланадиган 9 депутат – жами 30 аъзодан иборат. Ваколатлари муддати – 3 йил.

Парламент сессиялари оралиғидаги даврда Қирол қошида Шахсий кенгаш фаолият кўрсатади. У фармонлар чиқариш ва уларни қонун лойиҳалари тариқасида парламент муҳокамасига киритиш ҳуқуқига эга. Шахсий кенгаш таркибига парламент спикери, бош вазир, вазирлар, округларнинг губернаторлари қиради.

Ҳукумат – Вазирлар Маҳкамаси Қирол томонидан тузилади.

**ТОПШИРИЛАДИГАН ОВОЗ** – овоз бериш ваколатини бошқа шахсга топшириш сайлов тизими билан боғлиқ бўлган тушунча. **Т.о.** – пропорционал (мутаносиб) сайлов тизимининг бир тури бўлиб, унда сайловчи сайлов рўйхатида, биринчидан, ўзи афзал кўрган номзодни белгилайди, иккинчидан, биринчи номзод сайланмай қолган тақдирда, ўз овозини бермоқчи бўлган номзод (номзодлар)ни белгилайди (масалан, Ирландия, Австралия).

**ТРИБУНАЛ** – француз тилидан ўзлаштирилган, «суд» сўзининг ўрнига кенг қўлланиладиган атама. 1992 й.гача ҳарбий судлар ҳам трибунал деб аталар эди. Ҳозирги вақтда судлар мазкур ном билан аталмайди.

**ТРИНИДАД ВА ТОБАГО (Тринидад ва Тобаго Республикаси)** – Жанубий Америкада, Кариб денгизининг шимоли-шарқий соҳилида жойлашган орол давлат. 1962 й. 31 августда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Порт-оф-Спейн шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 9 графликка бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1962 й. 31 августда қабул қилинган. Унга 1976 й. тузатишлар киритилган. Бошқарув шакли – республика, 1976 й. 1 августда эълон қилинган.

Конституцияга 1976 й. киритилган тузатишларга мувофиқ, давлат бошлиғи – Президент, парламентнинг иккала палатаси аъзоларидан тузилган сайловчилар коллегияси томонидан 5 йил муддатга сайланади.

Парламенти – икки палатали. Сенат (31 сенатордан иборат) қуйидагича таркиб топади: 16 сенатор Бош вазирнинг тавсиясига кўра, 6 сенатор – муҳолифат раҳбарининг тавсиясига кўра Президент томонидан тайинланади, 9 сенаторни эса – Президентнинг ўзи таниқли давлат ва жамоат арбоблари орасидан тайинлайди. Вакиллар палатаси умумий сайловда 5 йил муддатга сайланадиган 36 депутатдан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни парламент сайловида энг кўп овоз олган партия раҳбари томонидан тузиладиган ҳукумат амалга оширади.

**ТУБ (асосий) МИЛЛАТ** – гуманитар фанларда қўлланиладиган тушунча бўлиб, конституциявий ҳуқуққа асосан ҳудудда тарихан биринчи бўлиб жойлашган, шунинг учун ҳам мазкур ҳудудга нисбатан ҳуқуқларга эга миллат тушунилади. Туб (асосий) миллат атамаси (тушунчаси) кўпгина ҳолатларда давлат ёки миллий – давлат бирлашмаси номида ўз аксини топиши мумкин. Туб (асосий) миллат тушунчаси бахсли бўлиб, кўп танқидларга учрайди. Айрим ҳолларда бундай бахс-низолар бир қанча миллат ва элатлар ўртасида қуролли тўқнашувларга олиб келиши мумкин.

**ТУБЛАШИШ** – чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан давлат бошлиғи номига илтимоснома (ариза) тақдим этиш орқали давлат фуқаролигини олиш тартибининг номи (яна к.: *Фуқаролик. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги. Фуқароликни олиш. Натурализация*).

**ТУВАЛУ** – Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида, Тувалу архипелагида жойлашган орол давлат. Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси. 1978 й. 1 октябрда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Фунафути шаҳри.



Маъмурий жиҳатдан 8 орол ҳудудий бирлиги – кенгашларга бўли-  
нади.

Амалдаги Конституцияси 1978 й. 1 октябрда қабул қилинган.

Бошқарув шакли – парламент монархияси. Давлат бошлиғи –  
Буюк Британия қироличаси – генерал-губернаторни тайинлайди. Ге-  
нерал-губернатор номзодини Тувалу парламенти Бош вазир билан  
бамаслаҳат таклиф қилади.

Қонунчилик органи – Тувалу парламенти халқ томонидан 4 йил  
муддатга сайланадиган 12 депутатдан иборат.

Бош вазирни парламент сайлайди. Вазирлар маҳкамасини Бош  
вазир парламент депутатларидан тузади. Унинг таркиби генерал-гу-  
бернатор томонидан тасдиқланади. Ҳукумат парламент олдида жавоб-  
гар бўлади.

**ТУЗАТИШ КОЛОНИЯЛАРИ** – озодликдан маҳрум қилиш жа-  
зоси ўталадиган жой. ЎЗР ЖИКга биноан колонияларнинг бир неча  
тури мавжуд бўлиб, булар: Манзил колониялари, умумий тартиб ко-  
лониялар, қаттиқ тартибли колониялар, махсус тартибли колониялар  
ва тарбия колониялари.

Манзил колонияларида суднинг ҳукмига биноан келган, қаттиқ  
тартибли ва тарбия колонияларидан судни ажрими билан ўтказилган  
вояга етмаган шахслар жазо ўтайди. Бошқа колониялардан манзил  
колонияларига кимлар ўтказилиши ва кимлар умуман манзил колони-  
ясига ўтказилмаслиги ЖИКнинг 113-моддасида белгиланган. Бу колони-  
ялардаги юмшоқ режим ўрнатилган, улар: соқчилар назоратсиз  
юради, фуқаролар кийимида юради, маъмурият руҳсати билан ташқа-  
рига назоратсиз чиқиши мумкин, пул сақлашлари ундан чекланмаган  
миқдорда фойдаланиши мумкин, ёзишма, сўзлашувлар ҳам чекланма-  
ган ва ҳ.к.

Умумий тартибли колонияларда жазони мазкур муассасага суд  
ҳукми билан келган маҳкумлар, ЖИКнинг 129-моддасида назарда ту-  
тилган ҳолларда тарбия колониялардан ўтказилган маҳкумлар (25 ёшга  
тўлганлар); суд томонидан интизомий жазо тарзида манзил колони-  
дан ўтказилганлар; озодликдан маҳрум қилиши билан боғлиқ бўлма-  
ган жазолар суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ал-  
маштирилган маҳкумлар (ЖИК 114-м.) жазо ўтайди.

Қаттиқ тартибли колонияларда: мазкур муассасага суд ҳукми  
билан келган маҳкумлар; турмалар ва махсус колониялардан рағбат-  
лантириш асосида ўтказилган маҳкумлар; суд тайинлаган турма камо-  
ғини муддатини ўтагандан сўнг, турмадан ўтказилган маҳбуслар; суд  
томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарил-  
ган маҳкумлар ўтайдилар (ЖИК 118-м.).

Махсус тартибли колонияларда жазони: мазкур муассасага суд  
ҳукми билан келганлар; ўлим жазосига ҳукм қилиниб, у озодликдан  
маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар; суд томони-

дан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайди. (ЖИК 120-м.).

Колониялар турлари ўрнатилган режимни юмшоқ, қаттиклиги, маҳкумларга берилган ҳуқуқ ва чеклашларни доираси билан фарк қилади. Умумий колониялардан алоҳида махсус колонияларга режим қаттиқлашиб боради. (Тарбия колониялари ҳақида, тарбия колонияларига қаранг).

**ТУЗАТИШ МУАССАСАЛАРИ** – тузатиш колонияларига қаранг.

**ТУЗИЛМА** – конституциявий ҳуқуқда:

1) давлат, муассаса, орган, бирлашма ва ш.к.ни ифодалаш;

2) давлат (давлат тузилмаси) ёки ҳудудий (ҳудудий тузилма) белгиларига эга муайян бирликни тавсифлаш учун қўлланади.

**ТУМАН** – ўзининг тегишли семантик аҳамияти билан ҳуқуқда, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда турли жиҳатлар бўйича фойдаланиладиган тушунча.

Хусусан, **Т.** – маъмурий ҳудудий бирликлар ҳисобланади. ЎзР ҳудуди ўзининг таркибида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларга эга. Мана шу хусусда **Т.** – қишлоқ жойлардаги маъмурий-ҳудудий бирликдир. (қишлоқ **Т.**). Қишлоқ жойларда **Т.** етарлича ривожланган ижтимоий-иқтисодий инфраструктурага эгадир. Қишлоқ жойларида **Т.** қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳуқуқларини камраб оладиган қишлоқ кенгашлари, посёлкаларга бўлинади.

Йирик шаҳарлар, қоида сифатида **Т.га** (шаҳар **Т.**) шунингдек, маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳисобланувчиларга бўлиниб кетади.

Табиийки, «туман» атамаси қўлланилганда номаъмурий-ҳудудий бирликлар эмас, балки ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳудудлар назарда тутилмоқда. Норматив ҳуқуқий актларда қандай муайян маъмурий-ҳудудий бирликлар айтиб ўтилган характеристикаларга мос тушиши белгилаб қўйилади, яъни бу аҳолини таъминлашда ҳаёт фаолиятининг шароитларини яратиш, ижтимоий имтиёзлар ва шу кабилар учун жуда ҳам зарурдир.

Нихоят, «иқтисодий район» тушунчаси умумий табиий-иқлим ва демографик характеристикага, олдинги хўжалик алоқаларига эга бўлган муайян минтақаларни акс эттириш учун қўлланилади.

**ТУМАН СУДИ** – умумий юрисдикция судларининг тизими остида асосий бўғини.

Унинг асосий ваколатлари-умумий юрисдикция судловчига тааллуқли бўлган кўплаб фуқаролик ва жиноий ишларни биринчи инстанцияларда (қаранг: Суд инстанцияси) кўриб чиқиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, судлар томонидан жарима ундириладиган, барча ишларни (материалларни), фуқаронинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларининг кўплаб турларини, шунингдек, жиноят ишлари бўйича тергов ёки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари-

ни чеклаш билан боғлиқ бўлган тезкор-кидирув ҳаракатларни (телефон сўзлашувларини эшитиб туриш, почта-телеграф корреспонденцияларни тинтув ўтказиш, олиш ва кўздан кечириш, истикомат қилувчиларнинг эркига қарши бинога кириш, хибсга олиш, ушлаб туриш ва х.к.) юритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, ҳукмларнинг ижро этилиши ва бошқа ҳолларда вужудга келадиган масалаларни ҳал қилиш.

**ТУНИС (Тунис Республикаси)** – Шимолий Африкадаги давлат. 1956 й. 20 мартда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Тунис шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 23 вилоятга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1959 й. 1 июнда қабул қилинган. Унга кейин ўзгартишлар киритилган.

Давлат бошлиғи – Президент, умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. 1956 й. давлат бошлиғи лавозимини Янги Дустур партиясининг раҳбари Ҳабиб Бургиба эгаллади (у 1970 й. умрбод президент деб эълон қилинди, 1987 й. лавозимдан олинди). 1987 й.дан президент сайлови вақти-вақти билан ўтказиб келинади.

Парламент – Депутатлар палатаси – умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган 163 депутатдан иборат. Парламент ҳукумат фаолиятини назорат қилиш ва унга ишонсизлик билдириш ҳуқуқига эга.

Ижро этувчи ҳокимиятни республика Президенти амалга оширади. У ҳукуматни шакллантиради.

**ТУРАР-ЖОЙ ДАҲЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИ** – ЎЗРнинг Конституциясида (27-модда) ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган, бировнинг турар жойига унинг руҳсатисиз киришни чекловчи тақик. Фақат қонунда белгиланган ҳолларда ёки суд қарорига биноан мазкур тақикдан чекиниш мумкин.

**ТУРКИЯ (Туркия Республикаси)** – Кичик Осиё ярим оролида ва Европада жойлашган давлат. Осиё қисми Анатолия деб, Европа қисми эса – Шарқий Фракия деб аталади. Пойтахти – Анкара шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 8 туман (бельге)га, туманлар эса 76 вилоятга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1982 й. 7 ноябрда қабул қилинган. Конституцияга кейин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Бошқарув шакли – республика (1923 й. 29 октябрдан).

Давлат бошлиғи – Президент. 1982 й. Конституциясига мувофиқ, у парламент томонидан унинг депутатлари орасидан 7 йил муддатга сайланади. Келажакда, Конституцияга киритилган ўзгартишларга биноан, Президент икки турдан иборат умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади.

Парламент – Туркия Буюк миллий мажлиси 550 депутатдан иборат. Депутатлар умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ва Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Бош вазирни Президент, вазирларни – Бош вазир тайинлайди ва Президент тасдиғига киритади.

**Т.да** Конституциявий суд фаолият кўрсатади.

**ТУРКМАНИСТОН – Т.** Олий Кенгаши (Мажлис) томонидан 1992 й. 18 майда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, давлат бошқаруви президент республикаси шаклида амалга оширилувчи демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат (1-модда). **Т.нинг** давлат тили туркман тилидир. Пойтахти – Ашгабат шаҳри.

Конституцияга биноан, **Т.да** мулк дахлсиздир. **Т.** ишлаб чиқариш воситаларига, ерга, бошқа моддий ва интеллектуал бойликларга хусусий мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқлайди. Уларга фуқаролар, фуқароларнинг бирлашмалари ва давлат эғалик қилиши мумкин. Аммо конунда фақат давлат мулки ҳисобланган объектлар белгилаб қўйилади.

Конституцияда инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг кенг доираси мустаҳкамланган. Фуқаролар Конституция ва конунларга мувофиқ фаолият кўрсатувчи сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эга.

Давлат ҳокимиятни тақсимлаш принципига асосланади – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тийиш ва қарама-қарши туриш принципига биноан мустақил фаолият кўрсатади (Конституциянинг 4-моддаси). **Т.** халқ ҳокимиятининг олий вакиллик органи – Халқ маслаҳати. **Т.да** олий давлат ҳокимияти ва бошқарувини **Т.** президенти, Мажлиси, Олий суди, Олий ҳўжалик суди ва Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Халқ маслаҳати (ХМ) таркибига қуйидагилар қиради: президент; Мажлис депутатлари; халқ томонидан ҳар этрап (туман)дан биттадан сайланадиган халқ вакиллари (уларнинг ваколат муддати – беш йил, улар ўз вазифаларини бепул амалга оширадилар); Олий суд Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Бош прокурор, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вилоятлар маъмуриятларининг бошлиқлари, шаҳарлар ва шаҳарчалар (туман марказлари)нинг арчинлари (мэрлари).

ХМ қуйидаги масалаларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади: Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги Конституция қабул қилиш; умумхалқ референдумлари ўтказиш; мамлакатни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; давлат чегарасини ва маъмурий-ҳудудий бўлинишни ўзгартириш; давлатлараро иттифоклар ва бошқа тузилмалар тўғрисидаги шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; уруш ва тинчлик ҳолатини эълон қилиш; Конституция ва конунлар билан ўз ваколатига киритилган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

ХМ қарорлари президент, Мажлис ва бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ амалга оширилади. ХМ

заруриятга қараб, лекин йилда камида бир марта президент, Мажлис ёки ХМ аъзолари учдан бир қисмининг ташаббусига биноан чақирилади. ХМ ишини президент ёки ХМ томонидан сайланган унинг исталган аъзоси бошқаради. ХМ ни чақириш ва унинг фаолияти тартиби ХМ тасдиқлаган регламент билан белгиланади.

**Т.** президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, **Т.нинг** олий мансабдор шахси, миллий мустақиллик, ҳудудий яхлитлик, Конституцияга ва халқаро битимларга риоя этилишининг қафили ҳисобланади.

Президент лавозимига 40 ёшдан кичик бўлмаган, **Т.да** яшовчи, туркман миллатига мансуб **Т.** фуқароси сайланиши мумкин. Айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент этиб сайланиши мумкин эмас. Президент умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади. **Т.** президенти: **Т.** Конституцияси ва қонунларини амалга жорий этади, уларнинг аниқ бажарилишини таъминлайди; ташқи сиёсатни амалга оширишга раҳбарлик қилади, бошқа давлатлар билан муносабатларда **Т.** номидан иш кўради; Қуролли Кучларнинг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, Қуролли Кучлардан фойдаланиш тўғрисида фармойишлар беради, сўнг мазкур ҳаракатларни ХМ тасдиғига киритади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонлигини тайинлайди; ХМ га мамлакатдаги ҳолат тўғрисида йиллик билдиришлар тақдим этади, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари ҳақида ахборот беради; давлат бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Мажлис муҳокамаси ва тасдиғига киритади; қонунларни имзолайди, нисбий вето ҳуқуқига эга бўлади (Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлардан ташқари); ХМ қарорига биноан референдумларни тайинлайди, Мажлис сессиясини муддатидан илгари чақириш ҳуқуқига эга; Мажлис билан олдиндан келишган ҳолда Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Бош прокурорни тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади ва б.

**Т.** Президенти **Т.** ҳудудида ижро этиш мажбурий бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Президент Конституция ва қонунларга зид иш тутган тақдирда ХМ президентга ишончсизлик билдириши ва уни лавозимдан озод этиш тўғрисидаги масалани халқ муҳокамасига қўйиши мумкин.

Мажлис (парламент) **Т.нинг** қонунчилик органи ҳисобланади. Мажлис (М) ҳудудий округлар бўйича 5 йил муддатга сайланадиган 50 депутатдан иборат. Сайлов куни 25 ёшга тўлган **Т.** фуқаролари М. депутати (шунингдек халқ вакили) бўлиши мумкин. М. қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин: референдум қарорига биноан; ўзини ўзи тарқатиш тўғрисидаги қарорга биноан; М. раҳбар органлари 6 ой мобайнида шакллантирилмаган ёки 18

ой ичида икки марта Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдирилган тақдирда президент томонидан.

**М.** ваколатлари қуйидагилардан иборат: Конституция ва қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, уларни талқин қилиш; президент, М., халқ вакиллари сайловини тайинлаш; Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини маъқуллаш, унга ишончсизлик билдириш; Олий суд Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Бош прокурор лавозимларига номзодларни, шунингдек уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги тақдимномаларни маъқуллаш ёки рад этиш; **Т.** бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг норматив ҳужжатлари Конституция ва қонунларга мувофиқлигини аниқлаш ва б.

Вазирлар Маҳкамаси **Т.** Конституциясининг 75-моддасига мувофиқ, ижро этувчи ва фармойиш берувчи орган ҳисобланади. ВМни **Т.** президенти бошқаради. ВМ ни президент лавозимга кирганидан кейин бир ой ичида шакллантиради. ВМ, ўз ваколатларига кўра, иқтисодий сиёсат, ижтимоий соҳага ҳамда давлат бошқарувининг бошқа ишларига раҳбарлик қилувчи етакчи органдир.

**Т.** маъмурий-ҳудудий тузилмалар: давлат бошқаруви органлари тузиладиган вилоятлар, этраплар (туманлар), этрапларга тенглаштирилган шаҳарлардан, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бошқариладиган шаҳарлар, шаҳарчалар ва обалар (қишлоқлар)дан иборат.

Ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар: вилоятларда – вилоят ҳокимлари, шаҳарларда – шаҳар ҳокимлари, этрапларда – ҳокимлар ва арчинлар амалга оширади. Улар давлат бошлиғининг жойлардаги вакиллари ҳисобланади, президент томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади ва унга ҳисобдор бўлади.

Генгешлар ва ҳудудий жамоатчилик ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади. Генгешлар шаҳарлар, шаҳарчалар ва обалар ҳудудидаги халқ ҳокимияти органлари ҳисобланади. Улар бевосита фуқаролар томонидан 5 йил муддатга сайланади ва маъмурий тобелик муносабатлари билан боғлиқ эмас. Генгешлар ўз таркибидан арчинни сайлайди. Арчин генгеш ишига раҳбарлик қилади ва унга ҳисобдор бўлади.

**Т.да** суд ҳокимиятини фақат судлар – Олий суд, Олий ҳўжалик суди, ҳарбий судлар ва қонунда назарда тутилган бошқа судлар амалга оширади. Барча судларнинг судьялари президент томонидан 5 йил муддатга тайинланади. Қонунлар, президент ҳужжатларига аниқ ва бир хилда риоя этилиши устидан назоратни **Т.** Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

**ТУРМА** – ахлоқ тузатиш муассасасининг тури. Унда ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек ўта хавfli жиноятчи деб топилган

шахслар тайинланган жазонинг суд томонидан белгиланган қисмини ўтайдилар. **Т.да** умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахслар, шунингдек ўз розилиги билан турма бошлиғининг қарорига биноаъ хўжалик хизматлари кўрсатиш ишларини бажариш учун турмада қолдирилган шахслар ҳам сақланиши мумкин.

**Т.** учун икки хил тартиб – умумий ва қаттиқ тартиблар белгиланган. Мазкур муассасага олиб келинган ва унга умумий тартибдан жазони ўташ тартибини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахслар сақланиши лозим. Умумий тартибга ўтказиш қаттиқ режимда жазони ўташ муддатининг камида бир йили ўталганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

**Т.да** жазони ўташ шартлари ЎЗР Жиноят-ижроия кодекси ва Жазони ижро этиш муассасаларидаги ички тартиб қоидалари билан тартибга солинади.

Тарбия колонияларида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган ва **Т.да** хўжалик хизматлари кўрсатиш ишларини бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан турмада сақлаш тартиблари амал қилмайди. Мазкур шахсларни сақлаш шартлари умумий тартибли тарбия колониялари учун белгиланган шартларга ўхшаш бўлиши лозим.

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ** – давлат ҳудудининг у ёки бу қисмини президентнинг бевосита бошқарувига ўтказиш. Тўғридан-тўғри президентлик бошқаруви киритилишининг асоси бўлиб, давлатнинг маълум ҳудудида нотинчлик ҳолати ва мазкур ҳудуднинг маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг ҳаёти ва тартибни таъминлашга ноқобиллиги ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри президентлик бошқарувининг киритилиши маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини чегаралашни, ҳаттоки ушбу органларнинг фаолиятини вақтинча умулман тўхтатишни, тинчлик ҳолати ўрнатилгандан сўнг эса янги органларни шакллантиришни аналатади.

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛАШ ҲУҚУҚИ** – фуқароларнинг турли вакиллик органларига депутатларни ва сайланадиган мансабдор шахсларни бевосита сайлаш ҳуқуқидир.

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛОВЛАР** – қаранг: сайловлар.

**ТЎҒРИНЧИ ҲОКИМИЯТ** – оммавий ахборот воситаларига нисбатан қўлланиладиган шартли ва образли атама. Оммавий ахборот воситалари жамият ва давлатда ишларнинг боришига жиддий таъсир кўрсатишига урғу беради. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд бўғинлари тегишинча биринчи, иккинчи ва учинчи ҳокимиятлар ҳисобланади.

**УГАНДА (Уганда Республикаси)** – Шарқий Африкадаги дав-

лат, 1962 й. 9 октябрда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти — Кампала шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 4 вилоятга бўлинади.

1967 й. 8 сентябрда **У.** республика деб эълон қилинди. 1971 й.ги давлат тўнтариши натижасида қонуний президент Милтон Оботени ағдарган Амин Дад ҳокимиятни эгаллади. 1967 й. Конституциясининг амал қилиши тўхтатиб қўйилди, сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. 1979 й. Амин Даднинг мустабид тузуми ағдарилди. 1980 й. М. Оботе яна давлат бошлиғи лавозимини эгаллади. Аммо 1985 й.ги ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятга Т. Окелло келди. Унинг ҳокимияти 1986 й. январда Миллий қаршилик армиясининг қучлари билан ағдарилди.

1986 й. 26 январда Миллий қаршилик армияси раҳбарлари ва ҳукумат аъзоларидан тузилган Миллий қаршилик кенгаши олий қонунчилик органи деб эълон қилинди. Нохарбий бошқарув шаклига босқичма-босқич қайтиш йўли танланди, **У.** президенти лавозими таъсис этилди, Вазирлар Маҳкамаси тузилди.

1994 й. 28 мартда бўлиб ўтган сайловда янги парламент — 288 депутатдан иборат Конституциявий ассамблея тузилди. 214 депутат умумий сайловда сайланди, қолган депутатларни эса президент, жамоат ташкилотлари ва армия тайинлади. Конституциявий ассамблеяга янги Конституцияни тайёрлаш, президент ва парламент сайловини тайинлаш вазифаси юкланди. 1995 й. 22 сентябрда Конституциявий ассамблея томонидан маъқулланган Конституция 1995 й. 8 октябрда амалга киритилди.

Янги Конституцияга биноан **У.** президенти умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади.

1996 й. 27 июнда парламент — Миллий йиғилишга сайлов ўтказилди. Унда 214 депутат тўғридан-тўғри овоз бериш орқали, 62 депутат — сайловчилар коллегияси томонидан сайланди.

Ҳукумат — Вазирлар Маҳкамасини президент ва Бош вазир бошқаради.

Мамлакатдаги сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари фаолияти тикланди.

### **УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚИ.**

Қатор давлатларнинг конституцияларида 1960 йиллардан бошлаб белгиланган ҳуқуқ. Шунга кўра уй-жойга эгалик ҳуқуқи деганда давлат томонидан фуқароларни уй-жой билан таъминлаш тушунилган. Ҳозирда бу каби ҳуқуқлар конституциявий тарзда фақат Қирғизистон ва Россия Федерациясида сақлаб қолинган.

**УКРАИНА — У.** Олий Радаси томонидан 1996 й. 28 июлда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, **У.** — суверен, мустақил, демократик, ижтимоий ва ҳуқуқий давлат. Конституцияга биноан, **У.** — уни-



тар давлат, республика. **У.нинг** давлат тили украин тилидир. Пойтахти – Киев шаҳри.

Давлат украин миллати, унинг тарихий онги, анъаналари ва маданиятининг бирлашиши ва ривожланишига, шунингдек **У.да** яшайдиган барча туб халқлар ва кам сонли миллатларнинг тили, этник, маданий ва диний ўзига хосликлари ривожланишига имконият яратади.

**У.** худуди доирасида жойлашган ер, ер ости бойликлари, ҳаво, сув ва бошқа табиий ресурслар, унинг қитъа қисмидаги ва алоҳида иқтисодий (денгиз) худудидаги табиий ресурслар украин халқининг мулкдорлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади. **У.** Конституциясида белгиланган доирада, украин халқи номидан мулкдорлик ҳуқуқини давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари амалга оширади. **У.нинг** ҳар бир фуқароси қонунга биноан халқ мулкдорлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишга ҳақли. Ерга бўлган мулкдорлик ҳуқуқи фуқаролар, юридик шахслар ва давлат томонидан қонунга биноан қафолатланади, эгалланади ва рўёбга чиқарилади.

**У.да** ижтимоий ҳаёт сиёсий, иқтисодий ва мафқуравий хилма-хиллик принципларига асосланади. Ҳеч қайси мафқура давлат томонидан мажбурий деб эътироф этилиши мумкин эмас. Давлат **У.** Конституцияси ва қонуни билан тақиқланмаган сиёсий фаолият эркинлигини қафолатлайди.

**У.** Конституциясида ҳозирги давр учун анъанавий бўлган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари мустаҳкамланган. **У.** Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими таъсис этилган.

**У.да** давлат ҳокимияти унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига кўра амалга оширилади. **У.да** халқ суверенитетнинг соҳиби ва ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Халқ ўз хоҳиш-иродасини сайлов, референдум ҳамда бевосита демократиянинг бошқа шакллари орқали ифода этади. **У.да** умумхалқ референдуми халқ ташаббусига биноан – **У.нинг** камида 3 млн. фуқаросининг талабига кўра Олий Рада ёки **У.** Президенти томонидан тайинланади.

Парламент – **У.** Олий Радаси (ОР) **У.да** қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ягона орган ҳисобланади. ОР умумхалқ сайловида 4 йил муддатга сайланадиган 450 депутатдан иборат. Сайлов куни 21 ёшга тўлган, сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳамда камида 5 йил **У.** худудида муқим яшаётган **У.** фуқароси халқ депутати бўлиши мумкин. **У.** халқ депутатлари ўз ваколатларини доимий асосда амалга оширадилар.

**У.** ОРнинг ваколатларига қуйидагилар киради: **У.** Конституциясига ўзгартишлар киритиш; умумхалқ референдумларини тайинлаш; қонунлар қабул қилиш (**У.** Конституциясида қарорлар фақат **У.** қонунлари билангина қабул қилинадиган 30 дан ортиқ масала санаб ўтил-

ган); давлат бюджетини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар киритиш, унинг ижроси устидан назорат, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан қарор қабул қилиш; ички ва ташқи сийёсат асосларини белгилаш; иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, миллий-маданий ривожланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш умумдавлат дастурларини тасдиқлаш; **У.** Президенти сайловини тайинлаш; **У.** Президентининг ички ва ташқи ҳолат тўғрисидаги йиллик ва навбатдан ташқари мактубларини эшитиш; **У.** Президентининг тақдимига биноан уруш ҳолатини эълон қилиш ва сулҳ тузиш, **У.га** қарши қуролли таъвоуз қилинган ҳолларда **У.** Президентининг **У.** Куролли Кучларидан ва бошқа ҳарбий тузилмалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорларини маъқуллаш; алоҳида тартиб-таомил (импичмент)га кўра **У.** Президентини лавозимидан озод этиш; **У.** Вазирлар Маҳкамасининг иш дастурини кўриб чиқиш ва уни маъқуллаш юзасидан қарор қабул қилиш; **У.** Президенти томонидан бош вазирни тайинлашга розилик бериш; **У.** Конституциясига мувофиқ, **У.** Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; чет давлатларга ва халқаро ташкилотларга **У.** томонидан қарз бериш ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш, шунингдек чет давлатлар, банклар ва халқаро ташкилотлардан **У.** бюджетига назарда тутилмаган қарз олиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш, улардан фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш; **У.** Конституциясида назарда тутилган ҳолларда шахсларни лавозимга сайлаш, тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш, шунингдек лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этишга розилик бериш; **ОР** Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг йиллик ҳисоботини эшитиш; **У.** Куролли Кучлари, Хавфсизлик хизмати ва ИИВнинг, шунингдек **У.** қонунларига мувофиқ тузилган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг умумий тузилиши, сон таркиби ва вазифаларини белгилаш; бошқа давлатларга ҳарбий ёрдам бериш, **У.** Куролли Кучлари бўлинмаларини бошқа давлатга юбориш ёки бошқа давлатлар қуролли кучларининг бўлинмаларини **У.** ҳудудига киритиш тўғрисидаги қарорларни маъқуллаш; **У.** Президенти Монополияга қарши қўмита Раисини, Давлат мулки жағғармасининг Раисини, Давлат телевидение ва радиотрансмиттириш қўмитасининг Раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимдан озод этишга розилик бериш; **У.** Президенти **У.** Бош прокурорини тайинлашга розилик бериш, **У.** Бош прокурорига ишончсизлик билдириш – бу унинг истеъфо беришига сабаб бўлади; **У.** Конституциявий суди таркибининг учдан бир қисмини тайинлаш; судьяларни номуайян муддатга сайлаш; Қрим Автоном Республикаси **ОР**га навбатдан ташқари сайлов тайинлаш; **У.** Конституциявий суди Қрим Автоном Республикаси **ОР** **У.** Конституцияси ва қонунларини бузганлиги тўғрисида хулоса тақдим этган тақдирда Қрим Автоном Республикаси **ОР** ваколатини муддатидан илгари тугатиш; туманларни тузиш ва тугатиш, туманлар ва шахарларнинг чегараларини белгилаш ва

ўзгартириш, аҳоли яшайдиган пунктларни шаҳарлар тоифасига кири-тиш, аҳоли яшайдиган пунктлар ва туманларни номлаш ва номини ўзгартириш; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги ва навбатдан ташқари сайлов тайинлаш; хусусийлаштириш мумкин бўлмаган давлат мулки объектларининг рўйхатини тасдиқлаш ва б.

**У.** Президенти давлат бошлиғи ҳисобланади ва давлат номидан иш кўради. **У** давлат суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг, **У.** Конституциясига, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг кафилидир. Президент умумхалқ сайловида 5 йил муддатга сайланади. Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортик президент бўлиши мумкин эмас. **У.** Президенти лавозими-га 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, сайлов ҳуқуқига эга бўлган, сайлов кунигача камида 10 йил **У.** ҳудудда муқим яшаётган **У.** фуқароси сайланиши мумкин.

**У.** Президенти: давлат мустақиллигини, миллий хавфсизликни ва давлатнинг ҳуқуқий ворислигини таъминлайди; мактублар билан халққа ҳамда **У.** нинг ички ва ташқи ҳолати тўғрисидаги йиллик ва навбатдан ташқари мактублар билан ОРга мурожаат этади; халқаро муносабатларда давлат номидан иш кўради, давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятига раҳбарлик қилади, музокаралар олиб боради ва **У.нинг** халқаро шартномаларини имзолайди; чет давлатларни тан олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, Конституцияга ўзгартиш киритиш бўйича умумхалқ референдумларини тайинлайди, халқ ташаббусига биноан умумхалқ референдумининг натижаларини эълон қилади; **У.** ОРга навбатдан ташқари сайлов тайинлайди; ОР навбатдаги сессияси очилганидан сўнг 30 кун ичида пленар мажлисини бошлай олмаётган бўлса, унинг ваоклатларини тугатади; ОР розилиги билан бош вазирни тайинлайди, унинг ваколатларини тугатади ва уни истеъфога чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади; Бош вазирнинг тақдими-га биноан Вазирлар Маҳкамаси (ВМ) аъзоларини, ижро этувчи ҳокимият бошқа марказий органларининг раҳбарларини, шунингдек маҳаллий давлат маъмуриятларининг раисларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади; ОР розилиги билан **У.** Бош прокурорини тайинлайди ҳамда уни лавозимидан озод этади; **У.** Миллий банки таркибининг ярмини ҳамда Телевидение ва радиоэшиштириш масалалари бўйича Миллий кенгаш таркибининг ярмини тайинлайди; Бош вазирнинг тақдими-га биноан вазирликларни ҳамда ижро этувчи ҳокимият бошқа марказий органларини тузади, қайта ташкил этади ва тугатади; ВМ ҳужжатларини ҳамда Қрим Автоном Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳужжатларини бекор қилади; **У.** Куролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади; миллий хавфсизлик ва давлат мудофааси соҳаларида раҳбарликни амалга оширади, **У.** Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгашини бошқаради, **У.** ОРга уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисида тақдимнома киритади ҳамда **У.** га қарши куролли

тажовуз килинган тақдирда **У.** Куролли Кучларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади; **У.нинг** давлат мустақиллигига хавф турилган тақдирда **У.нинг** бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида ҳарбий ҳолат жорий этиш ҳамда умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади; зарур ҳолда **У.нинг** бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида ҳарбий ҳолат жорий этиш **У.нинг** бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек зарур ҳолда **У.нинг** алоҳида жойларини фавқулодда табиий офат ҳудуди деб эълон қилади, шу масалаларга доир қарорларни кейинчалик **У.** ОР тасдиғига киритади; **У.** Конституциявий суди таркибининг учдан бир қисмини тайинлайди; қонунда белгиланган тартибда судлар тузади; қонунларни имзолайди, нисбий вето ҳуқуқига эга бўлади; афв этиш, мукофотлашни амалга оширади, олий унвонлар ва даражалар беради, фуқаролик масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади ва ҳ.к.

**У.** Президентининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади: у истеъфо берганида, бетоблиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаганида, импичмент тартибида лавозимдан четлатилганида, вафот этганида.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидаги олий органдир (**У.** Конституциясининг 113-моддаси). **У** Президент олдида жавобгар, **У.** ОРга ҳисобдордир. Конституцияга биноан, **ВМ** энг аввало мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга раҳбарлик қилади.

Вилоятлар, туманлар, Киев ва Севастополь шаҳарларида (**У**да Севастополь республикага бўйсунадиган шаҳар ҳисобланади) ижро этувчи ҳокимиятни маҳаллий давлат маъмуриятлари амалга оширади. Уларнинг раислари **ВМ** тақдимига биноан **У.** Президенти томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Вилоятларда, туманларда, юқорида зикр этилган шаҳарларда вакиллик органлари – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи мақомига эга бўлган Кенгашлар ҳам мавжуд. Улар муайян масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқини маҳаллий давлат маъмуриятларига беришлари ва уларнинг амалга оширишлари устидан назорат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, Кенгашлар тегишли маҳаллий маъмуриятнинг раисига ишончсизлик билдириши ҳам мумкин бўлиб, бунга асосан **У.** Президенти қарор қабул қилади ва асослантирилган жавоб беради. Бирок, ишончсизлик депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан билдирилган бўлса, Президент маъмурият раисини истеъфого чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Маҳаллий давлат маъмуриятлари устидан назорат ижро этувчи ҳокимият юқори органлари томонидан амалга оширилади. Мазкур маъмуриятлар раисларининг **У.** Конституциясига, бошқа қонун ҳужжатларига зид қарорлари **У.** Президенти ёки юқори даражадаги ма-

ҳаллий давлат маъмуриятининг раиси томонидан бекор қилиниши мумкин.

**У.** Конституциясига биноан, Қрим Автоном Республикаси **У.** таркибига унинг ажралмас қисми сифатида қиради. У Қрим Автоном Республикасининг ОР томонидан қабул қилинадиган ва **У.** ОР томонидан тасдиқланадиган ўз Конституциясига эгадир. Қрим Автоном Республикасининг ОР унинг вакиллик органи, Қрим Автоном Республикаси Вазирлар кенгаши – унинг ҳукумати ҳисобланади. Вазирлар кенгашининг раиси Қрим Автоном Республикаси ОР томонидан **У.** Президентининг розилигига кўра тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

**У.да** маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тан олинади ва қафолатланади. У маҳаллий громада (жамоа) – қишлоқ аҳолиси бирлашмаси ёки бир нечта қишлоқ, шаҳарча, шаҳарлар аҳолиси ихтиёрий бирлашмасининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни **У.** Конституцияси ва қонунлари доирасида мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни фуқаролар бевосита ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – қишлоқ, шаҳарча, шаҳар Кенгашлари ҳамда уларнинг ижроия органлари орқали амалга оширадилар (**У.** Конституциясининг 140-моддаси). Туман ва вилоят Кенгашлари қишлоқ, шаҳарча ва шаҳарлар маҳаллий громадаларининг умумий манфаатларини ифода этувчи маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидир.

**У.** прокуратура органларининг ягона тизимига эга. Одил судлов судлар томонидан амалга оширилади. Бу умумий юрисдикция судларидир. **У.** Олий суди ва Конституциявий суди мазкур тизимнинг олий органлари ҳисобланади. Кадрлар масалаларини ҳамда судьялар ва прокурорларга нисбатан интизомий иш юритуви масалаларини ҳал қилувчи Олий адлия кенгаши фаолият кўрсатади.

**У.** КС конституциявий юрисдикцияга эга ягона органдир (**У.** Конституциясининг 147-моддаси). У қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг **У.** Конституциясига мувофиқлиги масалаларини ҳал қилади ҳамда **У.** Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳ беради. **У.** КС 18 судьядан таркиб топади: Президент, ОР ҳамда **У.** судьялари съезди 6 тадан судьяни тайинлайди. 40 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, олий юридик маълумотга ва ихтисослиги бўйича камида 10 йиллик иш стажига эга бўлган, камида 20 йил **У.** да муқим яшаётган **У.** фуқароси КС аъзоси бўлиши мумкин.

**УММОН (Уммон султонлиги)** – Осиёда, Арабистон ярим оролининг жануби-шарқида жойлашган давлат. Пойтахти – Масқат шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 59 вилоятга бўлинади. Улар 8 туманга бирлаштирилган.

Бошқарув шакли – Султон томонидан бошқариладиган мутлак монархия. Султонликнинг конституцияси йўқ.

Давлат бошлиғи – Султон (1970 й. 20 июлда тахтга Султон Қобус ибн Саид Асид ўтирган). Султон ҳузурда маслаҳат ва қонунчилик органи – Шўро кенгаши фаолият кўрсатади. Унга ҳар бир вилоятдан биттадан вакил киради. Уларни султон ҳар бир вилоятдан сайланадиган уч номзод орасидан тайинлайди. Шўро кенгаши аъзоларининг ваколат муддати – уч йил. Улар кейинги муддатларга ҳам сайланиши мумкин. Бундан ташқари, 1994 й.да султон Шўро таркибига бир қанча ҳокимлар, вазирларни тайинлаб, унинг аъзолари сонини 80 тага етказди.

Ҳукуматни султоннинг ўзи тузади ва бошқаради. У Бош вазир, ташқи ишлар вазири, муҳофаза ва молия вазири вазифаларини бажаради.

Султонликда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолияти тақиқланган.

**УМУМИЙ САЙЛОВ ҲУҚУКИ** – сайлов ҳуқуқининг – сайловда иштирок этиш ҳуқуқининг асосий принципларидан бири. У сайлаш ва сайланишдан иборат икки имкониятга бўлинади. Сайлаш ҳуқуқи *актив сайлаш ҳуқуқи* деб аталади. ЎзРнинг фуқаролари 18 ёшга тўлганда, сайлов туридан қатъи назар, шундай ҳуқуққа эга бўладилар. Сайланиш ҳуқуқи эса *пассив сайлов ҳуқуқи* деб аталади. Чунончи ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ЎзР фуқаролари жинси, irqий ва миллий мансублиғи, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотивнинг тури ва ҳусусиятидан қатъи назар сайлаши ҳамда сайланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиғи бўлмаган шахслар депутатлар сайловида ва референдумларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Тегишли сайлов участкасининг ҳудудида истиқомат қилиш сайловчилар рўйхатиغا киритилиш ва овоз бериш имкониятини олиш учун асос ҳисобланади. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиғи тўғрисида»ги Қонунга кўра, ЎзР фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролиғига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат – ЎзР нинг фуқаролиғини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади (5-модда). Паспортга қайд этиш штампни қўйилгани муайян жойда яшаб турганлик фактини энг ишончли тарзда тасдиқлайди.

Паспортида қайд этиш ёки рўйхатга олиш штампни қўйилмаган, лекин тегишли сайлов участкаси ҳудудида истиқомат қилиш жойига эга бўлган фуқаро яшаб турганлик фактини ҳужжатлар (масалан,

квартира ордери, уй-жой майдонининг олди-сотди шартномаси ва х.к.) билан тасдиқлаши керак.

ЎзРнинг қонун ҳужжатлари умумий сайлов ҳуқуқини кафолатлар экан, ЎзР нинг мамлакатдан ташқарида яшаб турган ёки чет элда узок муддатли хизмат сафарида бўлган фуқароларига сайловда, референдумларда бевосита қатнашиш имкониятини беради.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқаролар деганда жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаётганлар тушунилади. Мазкур ҳолда фуқаролар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилгани эмас, балки бу ҳуқуқ тўхтатиб турилгани ҳақида сўз юритилиши мумкинлигини назарда тутиш керак. Зеро, бу вақтинчалик чорадир. Озодликдан маҳрум этиш жойидан озод қилингандан кейин фуқаро сайлаши ҳам, сайланиши ҳам мумкин.

**УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ** – фуқаронинг ҳарбий хизматни адо этиш ва Ватанни ҳимоя қилиш мажбурияти. Амалдаги ЎзР Конституциясида «умумий ҳарбий мажбурият» тушунчаси йўқ. Лекин унда белгилаб қўйилганки, ЎзРни ҳимоя қилиш – ЎзР ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (52-модда).

Фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатлар 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда тартибга солинган. Қонунга кўра, умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг ЎзРни ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда ЎзР Қуролли Кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки ЎзРга қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини камраб олади.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақирuvi резервдаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда

турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эгадирлар.

**УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ ЎРТА БЎҒИНИ** – ЎзР Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари.

Асосий ваколатлари: фуқаролик ва жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқиш; қуйи судларнинг (қ.: *Туман суди*) ҳукмлари ва бошқа қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини апелляция, кассация ва назорат тартибида, шунингдек янги очилган ҳолатларга кўра кўриб чиқиш.

**УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ ЎРТА БЎҒИН СУДЛАРИНИНГ РАИСИ** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва ҳарбий округлардаги судларни бошқарадиган мансабдор шахс.

ЎзР Олий суди Раисининг тақдимига биноан ЎзР Президенти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва ҳарбий округлар судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

**УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ** – қаранг. *Муҳокама*.

**УМУМХАЛҚ ОВОЗ БЕРИШИ** – *референдумнинг* айни ўзи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (9-модда), жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган, ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, 2001 йил 30 августда янги таҳрири тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилган. Қонунда айтиладики, референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ўтказилади (яна қаранг. *Ўзбекистон Республикасининг референдуми*).

**УНИНОМИНАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ** - қ.: *Сайлов округи*.

**УНИТАР ДАВЛАТ** - қ.: *Унитаризм*.

**УНИТАРИЗМ** – давлат тузилиши шаклларида бири (бошқа бир шакли – *федерализм*, ёки *федерал давлат*). Унитар давлат одатда оддий давлат деб аталади, у *маъмурий-ҳудудий бирликларга* бўлинади. Унитар давлатда бутун давлат ҳаётига, шу жумладан кўпгина хўжалик, ижтимоий ва бошқа жараёнларга марказлашган тартибда раҳбарлик қилиш ҳамда уларни тартибга солиш даражаси анча юқори бўлади. Аммо, давлат маъмурий-ҳудудий бирликларининг органлари маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда етарли даражада му-



стақил бўлиши ҳам мумкин. Марказ маҳаллий органларнинг вазифаларини уларнинг ўрнига бажармасликка ва уларнинг қонунга асосланган фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади. Шунга қарамай, унитар давлатда марказ айрим ҳудудларнинг ҳаётига аралашishi, шу жумладан маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ҳужжатларини бекор қилиши мумкин. Бунинг устига, маъмурий-худудий бирикларнинг органлари марказий давлат органларига мурожаат этиш имкониятига эга эканлигига қарамай, масалаларни марказда ҳал қилишга уларнинг таъсири федератив давлатдагига қараганда анча кам бўлади ва, қоида тариқасида, марказий органлар учун доим ҳам юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланмаган илтимослар ва илтимосномаларда ифодаланади.

**УРУГВАЙ (Уругвай Шарқий Республикаси)** – Жанубий Американинг шарқий қисмида жойлашган давлат. 1825 й. 25 августда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Монтевидео шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 19 департаментга бўлинади.

Конституцияси 1966 й. 27 ноябрда плебисцит билан тасдиқланган. Бошқарув шакли – республика.

Давлат бошлиғи – Президент, умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Президент билан бир вақтда вице-президент ҳам сайланади. Икки палатали парламент – Бош ассамблея – Сенат (31 сенатор) ва Вакиллар палатаси (99 депутат)дан иборат. Улар бир вақтда 5 йил муддатга сайланади. Мамлакат вице-президенти лавозимига кўра Бош ассамблея ва Сенат раиси ҳисобланади. Президент, вице-президент ва иккала палата сайлови одатда бир вақтда ўтказилади.

Ижро этувчи ҳокимиятни республика президенти амалга оширади. У Вазирлар Кенгашини шакллантиради.

**УРУШ** – каранг. *Уруш ҳолати.*

**УРУШ ҲОЛАТИ (ҳарбий ҳолат)** – ЎзРнинг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган, ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири 2001 йил 11 майда тасдиқланган «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, уруш ҳолати ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда қонунда белгиланган тартибда эълон қилинади.

ЎзР худудига қўшинлар тўсатдан ҳужум қилган ёки бостириб қирган тақдирда ҳарбий округлар қўшинларининг қўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уруш ҳолати эълон қилинишини кутмай ҳужумни ёки босқинни даф этишнинг барча чора-тадбирларини кўришлари шарт (18-модда).

ЎзРда **У.ҳ.** жорий этиш ҳуқуқи ЎзР Президентига берилган. ЎзР Конституциясига мувофиқ, Президент ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома

мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади (93-модданинг 18-банди).

**У.х.** — ўз ҳудуди ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, шунингдек халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун мамлакатдаги ҳокимиятни уруш ҳолатини эълон қилиши.

**УСТАВ** — ҳуқуқда кенг қўлланиладиган норматив ҳужжатлар тури. Жамоат бирлашмаларининг, давлат фаолияти алоҳида турларининг, ҳарбий хизматнинг ва б.нинг мақомини мустаҳкамлаш (тартибга солиш) учун мўлжалланган комплекс (кодификацияланган) ҳужжат.

Ҳар бир маҳаллий тузилма ўз **У.га** эга бўлиши шарт. У маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органи ёки бевосита фуқаролар томонидан қабул қилинади. Уставларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

ЎзРнинг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 й. 15 февраль Қонунида жамоат бирлашмаси ўз **У.ни** тасдиқлаши зарурлиги назарда тутилган, унинг мазмунига қўйиладиган талаблар белгиланган ҳамда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишни истаган жамоат бирлашмаси ўз **У.ни** давлат рўйхатидан ўтказиши лозимлиги кўрсатилган.

ЎзР нинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1998 й. 1 май Қонуни (янги таҳрири)да диний ташкилотни давлат рўйхатига олиш учун унинг **У.ни** тақдим этиш зарурлиги назарда тутилган ҳамда мазкур ҳужжатнинг мазмунига қўйиладиган талаблар кўрсатилган.

**УСТУНЛИК** — конституциявий ҳуқуқда бир неча маънода қўлланиладиган атама:

1) қонуннинг устунлиги, яъни қонун шаклидаги ҳужжатнинг бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан анча юқори юридик кучга эгаллиги, федератив давлатда эса — федерация қонунининг федерация субъекти қонунига қараганда анча юқори кучга эгаллиги;

2) ҳудудий устунлик — давлатнинг ҳудудини ёки федерация субъектининг ҳудудини унинг розилигисиз ўзгартириш мумкин эмаслиги.

ЎзРнинг Конституцияда **У.нинг** ҳар икки жиҳати акс эттирилган. Чунончи, «Ўзбекистон Республикасида ЎзР нинг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» (15-модда). «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир» (3-модданинг иккинчи қисми).

**УШЛАБ ТУРИШ** — жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган, шунингдек суд томонидан белгиланган жазо чорасини ўташдан бош тортувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораси. Қоидага кўра ушлаб туриш бу — ички ишлар идоралари, хавфсизлик хизмати, чегара хизмати идораларида-

ги мавжуд вақтинчалик ушлаб туриш муассасаларидаги (ВУМ) киска муддат эркинликни чеклаб туришдир. Ушланганлар гауптвахта, денгизда сузишда бўлган ҳолларда денгиз кемаларининг капитанлари ёки зимовка бошлиқлари – махсус хоналарда сақлаб турадилар.

Жиноят содир этишда гумон қилинганлар, қуйидаги асос бўлган ҳолларда ушлаб туриладилар:

жиноят содир этилган пайтда ёки жиноят этиб бўлгандан сўнг;

жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларнинг кийимида ёки турар жойларида жиноятнинг излари топилса;

жиноят содир этганларни кўрган шахс ёки жабрланувчи жиноят содир этган шахсни танисалар.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаб туриш учун бошқа асослар бўлган ҳолларда, агар жиноятчи қочиб кетишни кўзласа, унинг доимий турар жойи бўлмаса ёки унинг шахси аниқланмаган бўлса ушлаб туриш амалга оширилади.

Ҳар қандай ушлаб туриш ҳолатларида ушлаб туришнинг асосий мотиви, ушлаб турилган жой, вақти, куни, соати, ойи ва йили кўрсатилган баённома тузилади. Унда баённома тузилган вақт ва ушлаб турилувчининг тушунтириш хати бўлади. Баённома уни тузган шахс ва ушлаб турувчи томонидан имзоланади. Йигирма тўрт соат ичида ушлаб турилган шахс тўғрисида прокурорга ёзма хат жўнатилади. Ёзма маълумот олгандан сўнг прокурор 48 соат ичида ушлаб турилган шахсни қамоққа олиш тўғрисида санкция бериши ёки уни озод қилиш тўғрисида кўрсатма беришга мажбур.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган барча шахслар РСФСР ЖПКда кўзда тутилган ўз манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга, жумладан ҳимоячи ёллаш, у билан яқка тартибда учрашиш ва учрашувда чеклашлар бўлмаслиги, унинг ёрдамидан бемалол фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Маъмурий ушлаб туришга маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида йўл қўйилади. Маъмурий ушлаб туриш бошқа таъсир чоралари иш бермагандан сўнг, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш мақсадида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомани ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузиш иложи бўлмаса, баённома тузиш зарур бўлган ҳолатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва уни бажариш учун амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ушлаб турилганда тузиладиган баённома ўз мазмунига кўра жиноят содир этишда ушлаб турилганга ўхшаш бўлади. Баённома уни тузган мансабдор шахс томонида ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортса бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этгани учун ушлаб турилган

шахсни илтимосига кўра, уни каердалиги тўғрисида қариндошларига, ўқиш ёки иш жойидаги маъмуриятига хабар берилади. Вояга етмаганларнинг ушлаб турилганлиги тўғрисида ота-онасига ёки қариндош-уруғларига хабар бериш мажбурийдир.

Маъмурий ушлаб туриш фақат ана шундай ваколатга эга органлар (мансабдор шахслар), масалан, ички ишлар идоралари, чегара, божхона хизмати, ҳарбий автомобиль нозири, давлат тоғ нозорати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ушлаб туриш уч соатдан ошмаслик керак. Алоҳида ҳолатларда маъмурий ушлаб туриш бир қанча муддатга чўзилиши мумкин. Чегара ва божхона хизмати идоралари ҳуқуқбузарлик ҳолати ва маъмурий ушлаб турган шахснинг шахсиятини аниқлаш учун уни уч суткача ушлаб туришлари мумкин, бу ҳолат бўйича улар 24 соат ичида прокурорга хабарни ёзма равишда беришлари керак. Агар ҳуқуқбузарнинг шахсини белгилаб берувчи ҳужжат бўлмаса у прокурор санкциясига кўра 10 суткача ушлаб турилиши мумкин.

Майда безорилик содир этган, йиғинлар митинг, кўча намойишлари ўтказиш ва ташкил этиш тартибини бузганлар, милиция ходими-га, бошқа мансабдор шахсларга ёки жамоатчилик вакилига қаршилиқ кўрсатган шахслар, ўрнатилган тартибда савдо-сотиқ қилиш қоидаларни бузган шахслар туман судлари орқали ёки ички ишлар идоралари бошлиқлари ишни кўриб чиққунга қадар ушлаб турилишлари мумкин.

Маъмурий ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарлик бўйича баённома тузилган пайтдан бошлаб, маст ҳолатидаги шахслар учун – у хушёрхонага келган пайтидан бошлаб ҳисобланади.

Суд ҳукми бўйича эркинлигини чеклаш жазо чорасини ўташдан бош товлаётган шахсларга ҳам ушлаб туриш чораси қўланилиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилинган шахс жазони ўташ жойига боришдан бош тортса ёки у ерга ўз вақтида етиб келмаса ички ишлар идоралари прокурор санкциясига кўра бундай шахсларни 15 сутка муддатгача ушлаб туриш чорасини қўллаши мумкин. Бундай турдаги ушлаб туриш озодликдан маҳрум этилганлар узок вақт узрли сабабсиз ўзини жазо ўтаётган ҳудудни ташлаб кетган шахсларга ҳам қўлланилади. Бундай ҳолларда ушлаб туриш прокурор санкциясига кўра 30 суткача узайтирилиши мумкин.

Ушлаб туриш бўйича шикоят нафақат ушлаб туришни амалга оширган орган раҳбарларига, балки юқори турувчи орган раҳбарларига, прокурор ҳамда судга ҳам бериши мумкин. Суд ушлаб туриш бўйича берилган шикоятни РФ Конституциясининг 46- моддасига асосан қабул қилиш ва ўз вақтида кўриб чиқишга мажбур.

**ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ** – давлат органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг алоҳида ҳуқуқий режими. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларига қонунда

белгиланган тартибда чеклашлар жорий этишга, шунингдек уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклашга йўл қўяди. **Ф.х.** вақтинчалик чора бўлиб, фақат фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва давлатнинг конституциявий тузумини қўриқлаш манфаатларида жорий этилиши мумкин. **Ф.х.ни** жорий этишдан вазиятни нормаллаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни тиклаш, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш вауларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадлари кўзланади.

ЎзРда, Конституциянинг 93-моддасига мувофиқ, ЎзР Президенти фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, ЎзРнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ЎзР Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

**Ф.х.** тўғрисида қонун ҳали қабул қилинган йўқ. **Ф.х.** уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатлар фуқароларнинг хавфсизлигига ёки конституциявий тузумга реал, фавқулодда ва муқаррар таҳдид солган, уларни фавқулодда чоралар кўрмасдан бартараф этиш мумкин бўлмаган шароитлардагина жорий этилади.

Мазкур Қонунга мувофиқ, қуйидагилар **Ф.х.** жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади: а) конституциявий тузумни куч ишлатиб ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, миллатлараро можаролар, фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига ёки давлат институтларининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи алоҳида ҳудудларнинг камал қилиниши; б) аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, авария-қутқариш ва тиклаш ишларини амалга оширишни талаб этувчи табиий офатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва йирик ҳалокатлар.

Қонунга мувофиқ, **Ф.х.нинг** амал қилиш муддати бутун мамлакат ҳудудида 30 кундан, унинг айрим жойларида эса – 60 кундан ошиши мумкин эмас. **Ф.х.нинг** амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин. Бу уни жорий этиш билан бир хил тартибда амалга оширилади.

**Ф.х.** жорий этилган ҳудудда Президентнинг **Ф.х.** жорий этиш тўғрисидаги ёки бошқа фармони билан алоҳида бошқарув шакллари жорий этилиши мумкин. Уларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бевосита ЎзР Президентига бўйсунадиган тартиб жорий этилиши мумкин;

Президент **Ф.х.** шароитларида бошқариш учун махсус орган (мавжуд органлар орасидан) тайинлаши мумкин;

**Ф.х.** жорий этишга асос бўлган ҳолатларни тугатиш ишларини мувофиқлаштириш учун, шунингдек **Ф.х.** жорий этилган жойдаги ҳокимият органлари ўз вазифаларини мувофиқ тарзда амалга оширмаган тақдирда махсус муваққат органлар тузилиши мумкин. Мазкур

органларга **Ф.х.** жорий этилган жойдаги ҳокимият ва бошқарув органларининг фармойиш бериш ва ижро этиш ваколатлари тўла ёки қисман берилиши мумкин;

**Ф.х.** жорий этилганида истисноли ҳолларда ички ишлар вазирига ва миллий хавфсизлик хизматига қўшма тезкор штаб тузиш ҳамда **Ф.х.** жорий этилган жой комендантини тайинлаш вазифаси топширилиши мумкин.

Махсус муваққат органлар, терзкор штаб тузилган ҳамда **Ф.х.** жорий этилган жой коменданти тайинланган ҳолда маҳаллий вакиллик органлари ва ижро этувчи органларнинг ваколатлари **Ф.х.** жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан вақтинча чеклаб қўйилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин.

**Ф.х.** шароитларида бошқарувни амалга оширувчи давлат органларига нормал ҳолатни тиклаш учун фавқулодда ваколатлар берилиши мумкин. **Ф.х.** жорий этилган жойни бевосита бошқариш учун тузилган органлар **Ф.х.** режимини таъминлаш масалалари юзасидан мазкур ҳудудда ижро этиш мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради.

**Ф.х.** даврида амалга оширилиши мумкин бўлган умумий чоратадбирлар: кириш ва чиқиш алоҳида режимини ўрнатиш, шунингдек **Ф.х.** ҳудудида эркин ҳаракат қилиш имкониятини чеклаш; жамоат тартибини ҳамда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини таъминловчи объектларни кўриқлашни кучайтириш; йиғилишлар, митинглар ва намойишлар, шунингдек бошқа оммавий тадбирлар ўтказишни тақиқлаш; транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш ва уларни кўриқдан ўтказиш.

**Ф.х.** конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, оммавий тартибсизликларга барҳам бериш мақсадларини кўзлаб жорий этилган бўлса, куйидаги қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши мумкин: комендантлик соати, яъни махсус рухсатнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз куннинг белгиланган вақтида кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида бўлишни тақиқлаш; цензура жорий этиш йўли билан матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини чеклаш; босма махсулотларга, шунингдек овозни кучайтирувчи техника воситалари ва нусха кўпайтириш ускуналарига **Ф.х.** бекор қилингунга қадар вақтинча ҳибс солиш; тегишли огоҳлантиришдан сўнг вазиятни нормаллаштиришга монелик қилаётган ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш; фуқаролар гавжум жойларда ҳужжатларни текшириш, зарурият тақозо этган ҳолларда эса — фуқароларни, уларнинг буюмларини, уй-жойини ва транспорт воситаларини текшириш; спиртли ичимликлар, заҳарли моддалар, қурол-яроғ сотишни чеклаш; мазкур ҳудудда яшамайдиган жамоат тартибини бузувчи шахсларни бу ердан чиқариб юбориш.

Агар **Ф.х.** табий офатлар, эпидемиялар пайтида одамларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш мақсадларини кўзлаб жорий этилган бўлса,

қуйидаги қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкин: фукарларга стационар ёки муваққат турар жой тақдим этиш шarti билан уларни вақтинча қўчириш (эвакуация қилиш); озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмларни тақсимлашнинг алохида тартибини жорий этиш; карантин ўрнатиш; давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ресурсларини сафарбар этиш, уларнинг иш режими ўзгартириш, уларни **Ф.х.** шароитларида зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириш, авария-қутқариш ва тиклаш ишларига жалб қилиш; ўз вазифаларини мувофик тарзда бажармаган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарларини лавозимидан четлатиш ва уларнинг вазифасини вақтинча бажарувчи мансабдор шахсларни тайинлаш; истисноли ҳолларда – меҳнатга лаёқатли аҳолини ва фукарларнинг транспорт воситаларини авария-қутқариш ишларини амалга оширишга сафарбар қилиш.

**Ф.х.** шароитларида қонунда белгиланган маъмурий жавобгарликнинг алохида чоралари қўрилиши – қоида тариқасида, нисбатан катта миқдордаги жарималар солиниши жазоси белгиланиши мумкин. Аммо суд ва прокурор назорати органларининг фаолияти тўхтатиб қўйилмайди.

**ФАЛАСТИН – (Фаластин давлати)** – Осиёда Яқин Шарқдаги давлат тузилмаси. У 1988 йил 15 ноябрда Фаластин Миллий Кенгашининг Жазойир шаҳридаги сессиясида эълон қилинган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 181-сон қарорига биноан 1947 йил 29 ноябрда Буюк Британиянинг Фаластинга олган мандати тугаб яҳудийлар ва араблар давлати ташкил этилди. Бирок бир томонлама тарзда Исроил давлати тузилгандан кейин Араб – Исроил уруши бошланди, натижада араб давлати худудининг асосий қисми Исроил томонидан босиб олинди ҳамда Ғазо сектори Миср назоратига ва Йордан дарёсининг Ғарбий соҳили Йордания назорати остига ўтди. Кейинчалик буларни ҳам Исроил оккупация қилиб олди.

1993 йил 13 сентябрда Вашингтонда Исроил билан Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) ўртасидаги можорони «Оралик тарзда бартараф этиш принциплари тўғрисида декларация» имзоланиши натижасида унда кўзда тутилган Ғазо секторида ва Иерихон шаҳри (Йордан дарёсининг ғарбий соҳили) атрофида фаластинликларнинг ўзини ўзи чекланган бошқарувини вужудга келтириши бошланди. Фаластин муаммоси узул-кесил бартараф этилгунга қадар бўлган ўтиш даври учун Фаластин ўзини ўзи бошқариш оралик маъмурияти ташкил этилди. Фаластин миллий кенгаши (400 га яқин аъзоси бор) ФОТнинг олий органи бўлиб, унда барча етакчи сиёсий ва диний ташкилотларнинг вакиллари, таникли жамоат арбоблари бор. Марказий кенгаш (сал кам 100 аъзо) ФОТнинг маслаҳат органидир. Раис бошчилигидаги ижроқўм (18 аъзо) ФОТнинг фаолиятига амалий раҳбарлик қилади. ФОТнинг

ижроқўми 1989 йил 29 мартда Ёсир Арофат, 2005 йилдан бошлаб Махмуд Аббос ФОТ раиси, Фаластин президенти этиб тайинланган.

1994 йил майда тузилган Фаластин миллий маъмурияти Фаластин ўзини ўзи бошқарувининг олий қонун чиқарувчи ва ижрочи органи ҳисобланади. Маъмурият (ҳукумат) бошлиғи, ФОТ ижроқўмининг раиси ички ишлар ва ҳавфсизлик вазирлигига ҳам раҳбарлик қилади.

2005 йил августида Ариэль Шарон Ҳукумати Исроил қўшинлари ва аҳолиси вакилларини Ғазо секторидан олиб чиқиб кетди. Ғазо худуди ФОТ тасарруфига ўтди.

**ФАРМОЙИШ** — конституциявий ва маъмурий ҳуқуқда давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг органи ёки мансабдор шахснинг ўз ваколати доирасида чиқарган ва барчага мажбурий бўлган акти ҳисобланади. **Ф.**, одатда, муайян хусусий ҳолларга оид бўлиб, ижро этилиш билан унинг ҳаракати тугалланади. Лекин фармойиш узок муддат амалда бўлиши ҳам мумкин (мас., мансабдор шахснинг тайинланиши, комиссия тузилиши, бирор бир тадбирни молиялаштириш тўғрисида ва х.к.). **Ф.** қонуности акти бўлиб, у конституцияга ва қонунларга мувофиқ бўлмоғи лозим. Қоидаги кўра, **Ф.** норматив характерга эга эмас, яъни у билан янги қоидалар белгиланмайди. Бошқача айтганда, **Ф.** ҳуқуқни қўллаш акти ҳисобланади. Лекин амалиётда алоҳида органлар томонидан чиқариладиган, мас., ЎзР Президентининг фармойиши норматив акт ҳисобланади (қаранг: Президент фармойиши).

1) Президент Фармойиши — ЎзР Президентининг ҳуқуқий акти. ЎзР Конституциясининг 94-моддасига мувофиқ, ЎзР Президенти фармон, қарор ва фармойишлар чиқаради. Бундай актлар ЎзРнинг бутун худудида ижро этиш учун мажбурийдир. ЎзР **П.Ф.** ЎзР Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

Фармон ва ЎзР **П.Ф.** чиқарилишигача бўлган умумий ёндашув куйидагича: ЎзР фуқароларига нисбатан ЎзР Президентининг энг муҳим ваколатларини амалга ошириш учун фармонлардан фойдаланилади, мас., ЎзР орден ва медаллар билан тақдирлаш тўғрисида, фахрий унвонлар бериш, Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш ва бошқалар. Фармойиш — муайян характердаги, мас., мансабдор шахсларни тайинлаш, бирон-бир тадбирни ўтказиш ва уларни молиялаштириш ва бошқаларга алоқадор бўлган актлардир. Лекин бу — айнан умумий ёндашув, негаки охириги пайтларга қадар фармойишларга нисбатан, ЎзР Президенти уларни норматив акт сифатида айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти маъмурияти турли бўлимлари ва бошқа органларнинг мақоми доирасида чиқариши ҳам мумкинлигидан иборат истиснолар бўлган эди. Сўнги вақтларда ушбу мақсадларда тез-тез фармонлар ва қарорлардан фойдаланиб келинмоқда.

2) Ҳукумат Фармойиши — ЎзР Ҳукуматининг ҳуқуқий акти.

ЎзР Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳка-



маси қарорлар ҳамда фармойишлар чиқаради, уларнинг ижросини таъминлайди. ЎзР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари ЎзР мамлакат ҳудудида ижро қилиш учун мажбурийдир. ЎзР ҳукумати фармойишлари ва қарорлари ЎзР Конституцияси, қонунлари ва ЎзР Президенти фармонларига зид бўлган ҳолларда ЎзР Президенти томонидан бекор қилиниши мумкин.

**ФАРМОН** – ЎзР Президентининг ҳуқуқий ҳужжати.

ЎзР Конституциясининг 94-моддасига мувофиқ, ЎзРнинг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

ЎзР Президентининг **Ф.** норматив ҳужжатлар ёки нонорматив ҳужжатлар, яъни ҳуқуқни қўллашга доир ҳужжатлар бўлиши мумкин. Барча учун мажбурий кучга эга янги ҳулқ-атвор қондаларини белгилайдиган **Ф.** норматив ҳужжат ҳисобланади. ЎзР Президенти ўзининг қонунда белгиланган ваколатларни амалга ошириш жараёнида чиқарадиган фармонлар, мас., ЎзРнинг ордени ва медаллари билан мукофотлаш, фахрий унвонлар бериш, ЎзР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги фармонлар нонорматив ҳужжатлар ҳисобланади.

**ФЕДЕРАЛ ХУДУД** – федерал давлатда федерация субъекти таркибига кирмайдиган, федерал органларнинг ёки улар томонидан тайинланган шахсларнинг бевосита бошқарувида бўлган ҳудуд. **Ф.х.** Австралия, Бразилия, Венесуэла, Мексика, АҚШ ва бошқа давлатларда мавжуд. Федерал ҳудудларнинг бир нечта турлари фарқланади:

давлат пойтахти жойлашган, махсус мақомга эга бўлган федерал округ (масалан, АҚШ пойтахти Вашингтон ш. жойлашган Колумбия федерал округи АҚШ Конгресси палаталарида ўз вакилларига эга эмас; АҚШ Президенти сайловида иштирок этиш ҳуқуқи округ аҳолисига 1961 й. берилган);

ўз мақомига кўра (айниқса, бошқарувни ва ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш жиҳатидан) федерация субъектларига яқин турадиган **Ф.х.** (масалан, Бразилияда);

ҳудуднинг федерация субъекти ҳамда бошқа бирликнинг юрисдикцияси остида бўлмаган алоҳида қисми (масалан, Мексикада – ороллар, оролчалар; Венесуэлада – федерал марказга тобе ҳудудлар).

**ФЕДЕРАЛИЗМ** – конституциявий ҳуқуқда давлат тузилиши шаклларида бири (бошқа бир шакли – *унитаризм*, ёки *унитар давлат*). **Ф.нинг** моҳияти: а) давлат ички тузилмасининг хусусиятида; б) марказ билан федератив давлат қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг хусусиятида; в) марказ ҳамда федератив давлат субъектлари ҳуқуқларининг хусусиятларида намоён бўлади. Мазкур хусусиятларни батафсил кўриб чиқамиз.

1) Унитар давлат *маъмурий-ҳудудий бирликларга* бўлинса, федератив давлат субъектлардан ташкил топади. Субъектлар давлат (бу

энг аввало республикаларга тааллукли), миллий-худудий (автоном) тузилмалар ёки уларни худудий-давлат (давлат-худудий) бирликларига айлантирадиган махсус макомга эга худудий бирликлар бўлиши мумкин.

2) Федератив давлатда марказ билан субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг хусусияти, коида тариқасида, шунда намоён бўладики, субъектлар федератив давлат ҳамда бир-бири билан муносабатларда тенг ҳуқуқли бўлади. Улар федерал миқёсда вакилликка эга, федерал органларга мурожаат этишга ҳақли, яъни ўзларини кизиқтирган масалаларни федерал миқёсда ҳал қилишда у ёки бу махсус ташкилий шаклларда иштирок этиши мумкин. Маъмурий-худудий бирликларнинг органлари марказий давлат органларига мурожаат этиш имкониятига унитар давлатда ҳам эга, аммо масалаларни марказда ҳал қилишга уларнинг таъсири федератив давлатдагига қараганда анча кам бўлади ва, коида тариқасида, марказий органлар учун доим ҳам юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланмаган илтимослар ва илтимосномаларда ифодаланади.

3) Бу билан яна бир омил боғлиқ: унитар давлатда бутун давлат ҳаётига марказлашган тартибда раҳбарлик қилиш ҳамда уларни тартибга солиш даражаси анча юқори бўлади, федератив давлатда эса, мамлакат ҳаётининг энг муҳим масалалари федерация миқёсида ҳал қилинади.

Унитар давлат кўпинча маъмурий-худудий бирликлар макомининг ягона ҳуқуқий асосига эга бўлади. Федератив давлатда, федерал ҳуқуқий асос билан бир қаторда, федерация субъектларида ҳам ҳуқуқий асос мавжуд бўлади (масалан, Россия Федерациясида – республикаларнинг конституциялари ва қолган субъектларнинг уставлари; субъектларнинг конун чиқариш ҳуқуқи).

**ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКА** – федератив давлат тузилишига эга республика (к.: *Федерализм. Давлат тузилиши. Россия Федерацияси – Россия*).

**ФЕДЕРАЦИЯ ШАРТНОМАСИ** – федератив шартнома тузиш орқали вужудга келган федератив давлатни расмийлаштирувчи келишув, ҳужжат. Бошқа бир варианты унитар давлатнинг федератив шартнома тузиш орқали федератив давлатга айланиши.

Баъзан федерация шартномаси конституциявий федерацияга қарама-қарши қўйилади. Конституциявий федерация шартнома асосида эмас, балки Конституция қабул қилиш билан тузилади. Яъни, қабул қилинган Конституцияда федерация тузилганлиги эълон қилинади. Шунингдек, конституцион-шартномавий федерация ҳам мавжуд. Бунда аввал шартнома тузилади, сўнг Конституция қабул қилинади. Бундай ҳолларда иккала ҳужжат ҳам тенг кучга эга бўлади.

Шартнома асосида, шунингдек иккита тенг кучга эга ҳужжат – шартнома ва Конституция асосида федерациянинг мавжуд бўлиш гоёси

хақиқатга тўғри келмайди. Чунки федерация – бу давлат ва унинг Асосий қонуни бўлмоғи лозим, бу Асосий қонунда федератив давлатнинг тузилишига, федерациянинг мақомига, федерациянинг субъектларига бағишланган нормалар мавжуд бўлади.

**ФЕДЕРАЦИЯ** – конституциявий ҳуқуқда *давлат тузилиши* шаклларида бири. Бунда давлат **Ф.** субъектларидан – давлатлар, автоном миллий-давлат (миллий-худудий) бирликлардан ва худудий (худудий-давлат) тузилмаларидан таркиб топади.

Ташкил топиш усулига кўра **Ф.** ўз таркибидаги субъектлар (давлатлар) ўртасида шартнома билан расмийлаштирилган иттифоқ тузиш орқали (мас., 1922 й. ССР Иттифоқи шу тарзда тузилган; бунда СССРни ташкил этиш тўрисида Шартнома имзоланган) ёки унитар давлатни **Ф.га** айлантириш орқали (масалан, 1918 й. Россия совет республикаси **Ф.** деб эълон қилинган) вужудга келиши мумкин. Давлатлар *конфедерация* тузишлари, кейинчалик у федератив давлатга айланиши ҳам мумкин. Аммо бу шартнома ёки янги давлатнинг конституцияси билан расмийлаштирилиши лозим.

Тегишинча, конституциявий ҳуқуқ фанида ташкил топиш усулига қараб шартномавий ва конституциявий **Ф.ни** фарқлаш қабул қилинган. Шартномавий **Ф.** шартнома тузиш орқали, конституциявий **Ф.** эса – янги давлатнинг конституциясини қабул қилиш орқали ташкил топади. Аммо мазкур фарқлаш шартлидир. Зотан, **Ф.да** юқорида зикр этилган иккала асос ҳам кўпинча ўзаро чатишади, яъни аввал шартнома тузилади ёки **Ф.** тузилганлиги бошқача тарзда эълон қилинади, шундан сўнг бу конституция билан расмийлаштирилади. Бунда шартнома конституциянинг таркибий қисмига айланиши (ўзгарисиз ёки қайта ишланган кўринишда) ёхуд унда шунчаки кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Субъектларининг таркибига кўра **Ф.нинг** куйидаги турлари фарқланади:

давлатлардан иборат **Ф.** Мас.: иттифоқдош республикалар – давлатлар собиқ СССР субъектлари бўлган; штатлар (сўзма-сўз таржимада – давлатлар) АКШ субъектлари ҳисобланади; ерлар (ландлар – яъни мамлакатлар, ўлкалар) ГФР субъектларидир;

автоном бирликлардан иборат **Ф.** Мас.: 1918 й. РСФСРни ташкил этиш чоғида у автоном вилоятлар иттифоқидан иборат деб эълон қилинган, кейинчалик улар автоном республикалар, автоном вилоятлар ва автоном округларга айланган);

худудий бирликлардан иборат **Ф.** Федерациянинг мазкур тури унинг юқорида зикр этилган биринчи тури билан муштаракдир. Зотан, бу ерда худудий бирликлар **Ф.га** бирлашгунга қадар мустақил худудлар (давлатлар) ҳисобланган бир миллатли давлатлар ҳақида сўз юритилади. Кейинчалик **Ф.га** бошқа бирликлар ҳам миллий белгисига

кўра эмас, балки худудий тузилмалар сифатида қўшилади (масалан, АҚШ);

хар хил субъектлардан иборат **Ф.** Бунга Россия Федерацияси мисол бўлади.

**Ф.** давлатга хос барча белгиларга – конституцияга, федерал конун ҳужжатларига, давлат ҳокимияти федерал органларига, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ягона асосларига, иқтисодий муносабатлар тизимига, бюджет, молия ва пул тизимига, ягона солиқ тизимига, умумий қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, инсон ва фуқароларнинг умумий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига, давлат рамзлари ва пойтахтига эга бўлади.

**ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР** тарихан қулдорлик давлатларининг ўрнига келди (жумладан феодал ҳуқуқ ҳам). **Ф.д.** икки йўл билан таркиб топган. Биринчи йўл – аста-секинлик билан қулдорлик тузумининг емирилиши ва унинг негизида феодал тузум асосларининг пайдо бўлиши. Бундай жараёни барча қулдорлик давлатлари ўз бошидан кечирган. Иккинчи йўл – ибтидоий жамият ривожланиб ўз тараққиётининг чўққисига чиққандан сўнг аста-секинлик билан емирилиб, унинг асосида феодал тузумининг вужудга келиши. Худди шу йўсинда феодал давлатлар Франция, Англия, Германияда вужудга келган. Шунингдек славян давлатлари ҳам феодал тузум остида вужудга келган. Бу ерда уруғ оқсоқоллари, ҳарбий бошлиқлар, уруғнинг зодагонлари йирик ер эгаларига айланганлар. Жамоа ерлари ва мол-мулкларининг уруғ зодагонлари томонидан ўзлаштириб олинishi натижасида улар аристократларга, уларнинг қабиладошлари эса қарам деҳқонларга айланганлар. Россияда феодал давлат IX асрдан XIX асргача мавжуд бўлган. 1861 йили ислохот натижасида крепостной ҳуқуқи бекор қилинган.

**Ф.д.нинг** иқтисодий асосини ерга бўлган хусусий мулк ташкил этади. Ерга бўлган хусусий мулк ер эгалари билан қарам деҳқонлар ўртасидаги муносабатни белгилаб беради. Ерга бўлган хусусий мулкчилик билан бирга деҳқонларнинг ва хунармандларнинг меҳнат қуроллари ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам сақланиб қолган эди.

**Ф.д.нинг** ижтимоий моҳияти феодалларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларни амалда чекланмасдан ҳокимиятини ўрнатиш ва сақлаб қолишда ўз ифодасини топади. Феодалларни хоҳиш-иродасини ифода этиб, **ф.д.** ўзининг ички ва ташқи функциясини бажаради. **Ф.д.нинг** ички функциясига қарам деҳқонларни феодаллар синфига бўйсундирган ҳолда ушлаб туриш; ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкни қўриқлаш; меҳнатқашлар оmmasига руҳан ва мафкуравий жиҳатдан тазйиқ ўтказиш; ҳукмрон синфларни бир-бири билан бўлган муносабатларини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш; қарам

деҳқонларни, хунармандларни ва аҳолининг бошқа қатламларини эксплуатация қилиш ва улар устидан ҳукмронликни таъминлашнинг энг мақбул шарт-шароитларни яратиш.

Ерга бўлган мулкчиликни қатъий равишда поғонама-поғона тузилганлиги ва шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-сиёсий усқуртмани иерархияга асосланганлиги, кучсиз феодалларнинг кучли феодалларга қарамлиги **Ф.д.га** ҳатто қатъий марказлашмаган тарзда ҳам мавжуд иктисодий, ижтимоий-иктисодий тузумни қўриқлашни таъминлаб феодалларнинг ижтимоий-синфий бирдамлигини сақлашга, қарам деҳқонларнинг кенг оммасини қаршилигини бостириб, қарам ҳолатда ушлаб туриш имконини берди. Бунга феодал жамиятнинг маънавий ҳаётида тўлиқ ҳукмрон бўлган дин ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Чунки феодал жамиятда маданият ва таълим руҳонийлар ихтиёрида эди.

**Ф.д.нинг** ташқи функцияси ҳукмрон синфнинг ташқи сиёсат йўлига мос бўлиб, уни халқаро майдондаги фаоллигини кўрсатиб берган ҳамда **Ф.д.нинг** ташқи сиёсатдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берган. **Ф.д.нинг** ташқи сиёсатдаги функцияси бегона ҳудудларни босиб олиш ва талаш, бошқа давлатлар билан савдо-иктисодий алоқаларни ўрнатиши, шунингдек ўз ҳудудини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш эди.

**Ф.д.да** амалда бўлган ҳуқуқ феодалларни босқинчилик урушларини олиб бориш ва бегона ҳудудларни ўз ҳудудларига қўшиб олишни рағбатлантирар эди. Урушга тайёргарлик кўриш ва уни олиб боришда ҳар бир феодал ўз вассалидан оладиган ёрдамига таянган. Бу ёрдам ҳарбий куч, қурол ёки пул тариқасида берилган.

**Ф.д.нинг** ички ва ташқи функциялари давлат механизмини ташкил қилган органлар ёрдамида амалга оширилган. Уларга армия, полиция, жандармерия, ҳарбий-маъмурий ва суд органларини киритишимиз мумкин. **Ф.д.га** хос бўлган хусусиятлардан бири ерга бўлган мулкнинг, сиёсий ҳокимиятнинг, хўжалик бошқарув аппаратининг ва маъмурий бошқарув аппаратининг бир киши қўлида, яъни феодалнинг қўлида тўпланганлигидир.

**Ф.д.нинг** давлат механизми солиқлар, турли жарималар, хунармандлар ва шаҳар аҳолисидан олинадиган турли хил тўловлар ҳамда қарам деҳқонларни аёвсиз эксплуатация қилиш орқали тушадиган бойлик ҳисобига ўз фаолиятини олиб борар эди.

**Ф.д.нинг** бошқарув шакли асосан монархиянинг чекланган ва чекланмаган шакли эди. **Ф.д.нинг** яна ўзига хос бошқарув шакли аристократик республика бошқарув шакли эди. Аристократик республика бошқарув шаклидаги **ф.д.** озчиликни ташкил этиб, улар ҳам маълум бир кичик ҳудудга эга эдилар. Уларга мисол қилиб Германия, Нидерландия, Италия давлатларида мавжуд бўлган савдо-саноат республикалари (Венеция, Флоренция)ни кўрсатишимиз мумкин. Росси-

яда мавжуд бўлган Буюк Новгород ва Псков шаҳар республикаларини кўрсатиш мумкин.

Феодал республикаларда бошқарувнинг олий органи шаҳар кенгашлари бўлиб, уларни таркибини шаҳар аслзодалари ташкил этган. Республика бошқарув шаклдаги феодал давлатларда ҳокимият шаҳар аҳолисининг бой қатлами – рухонийлар, савдогарлар, бой хунармандлар ва катта ер эгалари қўлида эди.

Ҳар бир шаҳар республика ўз кўшинига эга бўлиб, унга князь бошчилик қилар эди. Ундан ташқари суд ишларини олиб боровчи шаҳар трибунали, ўз бошқарув аппарати, одат ва қонунлари, ҳудуди, суверен ҳокимият ва пул бирлигига эга эди. Бир қатор шаҳар республикаларда, жумладан Новгородда вече – барча эркин шаҳарларнинг йиғини мавжуд бўлиб, шаҳар-республикаларга тегишли муҳим масалалар ана шу йиғилишда кўриб чиқилар эди. Аммо давлат ишларини бошқаришда ҳал қилувчи овозга аристократлар кенгаши аъзолари – рухонийлар, савдогарлар, ўзига тўқ хунарманд ва боярлар эга эди.

**ФИЖИ (Фижи Суверен Демократик Республикаси)** – Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган орол давлат. Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси. 1970 й. 10 октябрда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси (1987 й. 15 октябргача). Пойтахти – Сува шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1990 й. 25 июнда қабул қилинган. Бошқарув шакли – республика. 1970 й.дан (1970 й. Конституциясига мувофиқ) Буюк Британия Қироличаси давлатнинг номинал бошлиғи бўлиб, у генерал-губернаторни тайинлар эди. 1987 й. амалга оширилган икки ҳарбий тўнтариш натижасида 1970 й. Конституцияси бекор қилинди, генерал-губернатор ҳокимияти ағдарилди, 1987 й. 6 октябрда **Ф.** республика деб эълон қилинди.

Давлат бошлиғи – президент, қабила оксоқоллари Катта кенгаши томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент амалга оширади. **У** Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат. Вакиллар палатаси 70 депутатининг 37 нафари туб аҳолининг, 27 нафари – ҳинд миллатига мансуб фуқароларнинг, 5 нафари – бошқа миллатларнинг вакиллари; бир ўрин Полинезиядаги Ротум оролининг вакилига ажратилади. Сенат 34 аъзодан иборат. Парламент 5 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир томонидан тузиладиган ва бошқариладиган ҳукумат амалга оширади.

**ФИКРЛАШ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ** – Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир инсоннинг асосий эркинлигидан бири бўлиб, у ЎЗР Конституциясининг 29-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Фикрлаш эркинлиги инсоннинг жамият, давлат ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий муаммоларига доир фикр ва мулоҳазаларини эркин баён

қилиш ҳуқуқидир. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактнинг (1966 й) 18-моддасида, ҳар ким ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга эканлиги, 19-моддасида эса ўз фикрига ҳеч қандай тўсиксиз риоя қилиш белгиланган. Фикрлаш эркинлиги фуқаро томонидан шахсан ва жамоа тарзида сўз эркинлиги орқали, яъни уларни очик тарзда изҳор қилиш ва бошқа шахсларга етказиш орқали амалга оширилади. Бунинг учун ЎзРда зарур ҳуқуқий асос яратилган.

Сўз эркинлиги қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумлар ўтказишда, ЎзР Президентини сайлашда Олий Мажлис ва маҳаллий идораларни сайлашда ўзининг мулоҳазаларини баён қилиш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғинларида ва кундалик ҳаёт фаолиятида иштирок этиш имконини беради. Сўз эркинлиги кўпроқ оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигига, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ҳеч қандай цензурасиз ошқора баён этиш ҳуқуқига кафолат берилади дейилган.

**ФИЛИППИН (Филиппин Республикаси)** – Жануби-Шарқий Осиёда, Филиппин архипелагида жойлашган давлат. XVI асрдан – Испания мустақиллиги. 1898 й. 12 июндан – мустақил давлат, лекин 1904 й.дан 1946 й.гача АҚШ томонидан оккупация қилинган. 1946 й. 4 июлда яна мустақил республика деб эълон қилинган. Пойтахти – Манила шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 74 провинцияга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1987 й. 2 февралда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент, умумий сайловда 6 йил муддатга сайланади. Президент билан бир вақтда вице-президент ҳам сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент – Конгресс амалга оширади. Сенат умумий сайловда 6 йил муддатга сайланадиган 24 аъзодан иборат (Сенат таркибининг ярми ҳар уч йилда янгиланади). Вакиллар палатаси 200 депутатдан иборат таркибда 3 йил муддатга сайланади. Бундан ташқари, 50 депутатни партиялар ва жамоат ташкилотлари тақдим этган рўйхатлар бўйича президент тайинлайди.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент ва у тузадиган ҳукумат амалга оширади.

**ФИНЛЯНДИЯ (Финляндия Республикаси; Суоми)** – Шимолий Европада жойлашган давлат. 1809 й.дан 1917 й.гача – маълум ички муҳторият ҳуқуқи билан Россия империяси таркибида. 1917 й. 6 декабрда парламент Финляндияни мустақил давлат деб эълон қилди. 1918-1919 й.ларда – Германия протекторати остида. 1919 й. 17 июлда **Ф.** мустақил деб эълон қилинди. Европа Иттифоқининг аъзоси (1995 й.дан). Пойтахти – Хельсинки шаҳри.

Маъмурий жихатдан 12 губерния (ляни), шу жумладан Аланд ороллари автоном маъмурий бирлигига бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 5 конституциявий қонун: Финляндиянинг бошқарув шакли тўғрисидаги Хужжат (1919 й.), Финляндиянинг бошқарув шакли (1919 й.), Эдускунт тўғрисидаги Хужжат (1926 й. – парламент Устави), Парламентнинг Давлат кенгаши ва адлия канцлери фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги Хужжат (1922 й.), Давлат суди тўғрисидаги Хужжат (1922 й.) дан иборат. 1974 й. Конституцияга ҳокимиятни тақсимлаш, шахс ҳуқуқлари ва х.к.га тааллуқли тузатишлар киритилган.

Давлат бошлиғи – Президент. 1991 й. қонунига биноан, у мажоритар сайлов тизимига асосланган 2 турдан иборат умумхалқ сайловида тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайланади. Президент яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонунчилик соҳасида кенг рақобатларга эга, ҳукумат билан бирга ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Парламент – Эдускунт – 200 депутатдан иборат. Улар тенг вакиллик асосида 4 йил муддатга сайланади. Парламент раиси 1 йил муддатга сайланади; у муҳокамада иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳукумат – Давлат кенгаши президент томонидан тузилади ва парламент олдида жавобгар бўлади. Ҳукумат аъзоларининг умумий сони 17 кишидан ошмаслиги керак. Ҳукумат фаолиятининг қонунчилиги устидан президент томонидан тайинланадиган адлия канцлери кузатиб боради. У президентга ёки парламентга аниқланган қонунбузарликлар ҳақида ахборот беради.

Умумий судлар тизимига Олий суд (раис ва 22 судьядан иборат) раҳбарлик қилади. Унинг таркибида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича коллегиялар фаолият кўрсатади. У шунингдек қонун лойиҳалари бўйича ҳулосалар беради.

Олти шаҳарда апелляция судлари фаолият кўрсатади. Ишлар 150 округ ва 10 шаҳар судларида кўриб чиқилади. Меҳнат ва ерга доир низолар бўйича судлар, сув ишлари бўйича судлар, маркетинг бўйича суд, суғурта бўйича суд ҳам мавжуд.

Маъмурий адлия тизимини Олий маъмурий суд (раис ва 21 судьядан иборат) бошқаради. У 12 губерния маъмурий судларининг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Парламент ўз инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – омбудсманни 4 йил муддатга сайлайди. У мансабдор шахсларнинг қонунларга риоя этишини кузатиб боради.

**ФОЛКЛЕНД (Мальвин) ОРОЛЛАРИ** – Атлантика океанининг жануби-ғарбий қисмида, Жанубий Америка соҳиллари яқинида жойлашган Буюк Британия мустамлақаси (1833 й.дан).

Маъмурий маркази – Порт-Стэнли шаҳри.



Бахсли худуд ҳисобланади. Оролларнинг макоми тўғрисидаги масала ханузгача хал қилингани йўқ. Буюк Британия, БМТ қарорларига зид равишда, оролларга мустақиллик бериш сиёсатини амалга оширмади. 1833 й. Буюк Британия томонидан босиб олинган оролларни 1982 й. 2 апрелда Аргентина қуроли кучлари ишғол қилди. Аргентина ороллар устидан ўз суверенитетини тиклашини эълон қилди. Курбонлар берилишига сабаб бўлган қуроли мижаро жараёнида Буюк Британия ороллардаги ўз ҳарбий кучларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. 1982 й. 15 июнда тузилган ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги муваққат битим оролларнинг макоми тўғрисидаги масалани четга суриб қўйди.

Британия губернатори қошида 5 аъзодан иборат Ижроия кенгаши (2 аъзо – лавозимига кўра, 3 аъзо – Қонунчилик кенгаши томонидан сайланади) ва 10 аъзодан иборат Қонунчилик кенгаши (2 аъзо – лавозимига кўра, 8 аъзо – халқ томонидан сайланади) фаолият кўрсатади.

**ФРАНЦИЯ (Франция Республикаси)** – Ғарбий Европада жойлашган давлат. Умумий бозор, Европа Ҳамжамияти (ҳозирда – Европа Иттифоқи)нинг таъсисчиси ва аъзоси, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси. Пойтахти – Париж шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 96 департаментга, шу жумладан денгиз ортидаги департаментлар (Гваделупа, Мартиника, Гвиана, Реюньон)га ва денгиз ортидаги худудлар (Уоллис ва Футуна ороллари, Янги Каледония, Франция Полинезияси, Сен-Пьер ва Микелон)га ҳамда Корсика махсус худудий-маъмурий бирлигига бўлинади. Департаментлар қонуналарга бўлинади.

Худудларни янада оқилона бошқариш мақсадида Номарказлаштириш тўғрисидаги қонун (1982 й.)га мувофиқ 22 вилоят (минтақа) тузилган. Минтақавий кенгашлар минтақаларнинг, бош кенгашлар – департаментларнинг ижро этувчи органларидир. Бундан ташқари, мамлакат тарихий вилоятларга ҳам бўлинади (Ангумуа, Анжу, Артуа, Беарн, Берри, Бретань, Бурбонне, Бургундия, Венэссен, Гюйенн ва Гасконь, Дофине, Иль-де-Франс, Корсика, Лангедок, Лимузен, Лионне, Лотарингия, Марш, Ниверне, Нормандия, Овернь, Они, Орлеане, Пикардия, Денгизбўйи Альпи (1860 й.дан), Прованс, Пуату, Руссильон, Савойя (1860 й.дан), Сентонж, Турень, Фландрия, Франш-Конте, Фуа, Шампань, Эльзас).

Бошқарув шакли – республика (ҳозирда Бешинчи Республика деб аталади). Амалдаги Конституцияси 1958 й. 28 сентябрда референдумда қабул қилинган. Кейинчалик унга бир нечта тузатишлар киритилган. Уларнинг энг муҳими – президентни умумхалқ сайловида сайлаш тўғрисидаги тузатиш 1962 й.да қабул қилинган.

Давлат бошлиғи – Президент, икки турда ўтказиладиган умум-

халқ сайловида тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайланади. Ваколатлари муддати – 7 йил.

Президент Бош вазирни тайинлайди ҳамда уни лавозимидан озод этади, Бош вазирнинг тикдимига биноан ҳукуматнинг бошқа аъзоларини тайинлайди ҳамда уларнинг ваколатларини тугатади. Президент Вазирлар Кенгашида раислик қилади.

Франция Республикасининг парламенти Сенат ва Миллий мажлисдан иборат. Сенат (321 сенатордан иборат) билвосита сайловда 9 йил муддатга сайланади; бунда унинг таркиби ҳар уч йилда учдан бирга янгиланади. Миллий мажлис (577 депутатдан иборат: 555 депутат метрополиядаги сайлов округларидан, 22 депутат – денгиз ортидаги департаментлар ва ҳудудлардан сайланади) икки турда ўтказиладиган умумхалқ сайловида мажоритар сайлов тизимига асосан 5 йил муддатга сайланади.

Конунчилик ташаббуси ҳуқуқига парламент аъзоларигина эмас, Бош вазир ҳам эга.

Ижро этувчи ҳокимиятни Президент ҳамда Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Президент Бош вазирни ҳамда унинг тақдимига биноан вазирларни тайинлайди. Вазирлар одатда парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партияларнинг вакиллари орасидан тайинланади. Аммо Президент исталган профессионални вазир этиб тайинлаш ҳуқуқига эга.

Конституциявий кенгаш – конституцияга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи олий орган. У тўққиз аъзодан иборат (учтаси президент томонидан, учтаси – Сенат раиси томонидан, учтаси – Миллий мажлис раиси томонидан тайинланади). Конституциявий кенгаш аъзоларининг ваколатлари муддати – 9 йил. Конституциявий кенгаш таркиби ҳар уч йилда учдан бирига янгиланади. Конституциявий кенгаш раисини **Ф.** Президенти тайинлайди. Мамлакатнинг барча собиқ президентлари умрбод Конституциявий кенгаш аъзоси бўлиши мумкин.

Умумий судлар тизимини аънага кўра Кассация суди бошқаради. У фуқаролик ишлари бўйича 5 палатадан ва жиноят ишлари бўйича бир палатадан иборат. Мамлакат ҳудудида 35 та апелляция суди (30 таси – метрополияда ва 5 таси – денгиз ортидаги департаментларда) ва бир неча юз ихтисослашган трибуналлар фаолият кўрсатади.

Умумий судлар тизими билан бир қаторда, савдо трибуналлари ва прюдомлар кенгашлари – яқка тартибдаги меҳнат низоларини хал қилувчи органлар ҳам мавжуд.

Маъмурий адлия органлари тизимига Давлат кенгаши раҳбарлик қилади. У президент ва ҳукумат декретлари ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳужжатлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Мамлакатда 25 маъмурий трибунал фаолият кўрсатади.

Барча судларнинг судьяларини тайинлаш, шунингдек уларга интизомий жазолар бериш республика президенти ва адлия вазири томонидан бошқариладиган Магистратура олий кенгаши ваколатига киради.

**ФРОНТ** – фуқаролар жамоат бирлашмаларининг шаклларида бири – ҳаракат (оммавий ҳаракат)нинг кенг тарқалган номи.

**ФУҚАРО МУРОЖААТИ** – давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар номига фуқаролар томонидан йўлланган яқка тартибдаги ёки жамоавий мурожаатларнинг ҳар хил турлари – *аризалар, шикоятлар, таклифлар, илтимосномаларнинг* умумлаштирилган номи.

Фуқароларнинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ЎзР Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамланган.

**ФУҚАРО** – конституциявий ва фуқаролик ҳуқуқида жисмоний шахс саналиб, расмий жиҳатдан (яъни ҳужжатга эга бўлиб) бирон-бир давлатга тегишли ҳисобланади. Фуқаро ўзи яшаб турган давлат билан доимо муносабатда бўлади. Шунга кўра фуқаронинг давлатнинг конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятлари яъни, ҳуқуқий мақоми мавжуд бўлади.

«Фуқаро» термини шахснинг ўзи яшаб турган давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида давлатнинг ва жамиятнинг бошқарув ишларида иштирок этишини кўзда тутаяди ва шу орқали мазкур давлатдаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслардан фарқ қилади.

Дунёда «фуқаро» терминидан ташқари яна «инсон» термини ҳам мавжуд бўлиб, ҳар қандай индивиднинг ҳаётий фаолият юритиши учун зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар (яъни нафақат фуқаро, чет эл фуқароси ва фуқаролиги йўқ шахс) масалан, шахс эркинлиги, яшаш ҳуқуқи каби ҳуқуқлар, эркинликлар инсонга ҳам тегишлидир, дейилади. Шунинг учун ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар ҳақида сўз юритганда улар фуқаро ва инсонларга тегишли деб айтилади.

«Фуқаро» термини «халқ» термини билан узвий боғлиқдир. ЎзР Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», – деб ёзиб қўйилган. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминидан истиқомат ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансублигидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиб ҳисобланади.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСИ** – фуқароларнинг ўз хоҳиш-истакларини жамоа тарзда билдириш шакли бўлиб, унга кўра маълум бир гуруҳ ёки фуқаро ўз фикрларини ваколатли давлат органларига билдиради.

Фуқаролар ўз ташаббусини имзо тўплаш ёки турар жойларида йиғинлар ўтказиш орқали амалга оширишлари мумкин.

ЎзР Конституциясининг 9-моддасида фуқаролар ўз ташаббускорлигини рўёбга чиқариш учун «жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади», – деб таъкидлаб кўйилган. Шундай қилиб, фуқаролар ўз ташаббусларини референдум ўтказиш билан амалга ошириш мумкин. Референдум ўтказиш тартиби ЎзРнинг «Референдум тўғрисида»ги қонуни билан батафсил тартибга солинади. Референдумга иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларга тааллуқли муҳим масалалар кўйилади.

ЎзРнинг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида»ги Қонунига кўра ҳам фуқаролар маҳаллий аҳамиятга молик масалаларда ўз ташаббусига эга бўладилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларга жамоат ва давлат бошқарув ишларида қатнашиш ҳуқуқини йўлга қўйишда ёрдам беради, ўз ҳудудида ижтимоий ва хўжалик масалаларини ечишда, оммавий ва маданий тadbирлар уюштиришда, давлат ҳокимият органлари ишида ва қарорлар қабул қилишда ташаббус билан чиқишлари мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига фуқаролар ташаббуси билан таклиф ва мулоҳазалар киритилганда улар йиғишларда кўриб чиқилиши ва натижалари матбуотда эълон қилиниши керак.

Фуқароларнинг ташаббус орқали билдирилган фикр-мулоҳазаларидан давлат органлари тегишли қарорлар қабул қилишда фойдаландилар.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ** – фуқароларнинг конституция ва қонунлар билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ЎзРнинг 1999 йил 14 апрель Қонуни (янги таҳрири)га биноан, фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ** – фуқаролик ва конституциявий ҳуқуқда фойдаланиладиган тушунча бўлиб, улар бир-бирига айнан мос келмайди.

Конституциявий ҳуқуқда «фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, яъни 1948 йилда қабул қилинган

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт», «Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт» (1966 йил) каби ҳужжатларда белгилаб қўйилган қондаларга таянади. Мазкур ҳужжатларга кўра, фуқаролик ҳуқуқларига яшаш ҳуқуқи, кийноққа солишнинг тақиқланиши, адолатли судлов ҳуқуқи, хусусий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи, ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи, жамият ва давлат томонидан оилани ҳимоя қилиниш ҳуқуқи, эркак ва аёлнинг маълум бир ёшга етганда никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи, боланинг оила томонидан, давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқи. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида индивидларни мулкга эгаллик қилиш ҳуқуқи ҳам ифодаланган.

ЎзРнинг фуқаролик ҳуқуқига асосан «фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектларининг мулкӣ, шунингдек номулкӣ шахсий ҳуқуқлари киритилади. «Фуқаровий ҳуқуқ» термини шахсий характерга эга бўлиб, ҳар бир фуқарога тегишли бўлади. ЎзР Фуқаролик кодексининг 100-моддасига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаш ҳуқуқининг эътироф этилиши Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимояси дунё стандартларига мос келишини билдиради. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ва 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактнинг 17-моддага 1-қисмида «Ҳеч кимнинг шаъни ва обрўсига қонунга «хилоф» равишда таъжовуз қилишини мумкин эмас», – деб ёзиб қўйилган.

Шундай қилиб, халқаро ҳужжатлар «фуқаролик» ҳуқуқ ва эркинликларни инсонларнинг шахсий ҳаёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб таърифлайди, инсоннинг эркинлиги ва дахлсизлигини энг олий қадрият деб ҳисоблайди.

**ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР** – муайян давлат ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган, бирон-бир давлат фуқаролигига тегишлилиги ҳақида муайян ҳужжатга эга бўлмаган шахслар. Халқаро ҳуқуқ фанида уларни апатрид деб аташ қабул қилинган.

Қоида тариқасида фуқароликни йўқотиш қуйидаги ҳолатларда юз беради: фуқаро ўз давлати фуқаролигидан чиққанда ва бошқа давлат фуқаролигини олиши учун ариза билан мурожаат қилиб, ҳали фуқароликка эга бўлмаган ҳолатда; ўз давлати фуқаролигидан маҳрум қилинган ва ҳали бошқа давлат фуқаролигига эга бўлмаган ҳолатларда; шахс

фуқароси бўлган давлатнинг мавжудлиги барҳам топганда ва мазкур давлатнинг ҳуқуқий вориси билан шахс ўртасида фуқаролик юзасидан ҳуқуқий муносабат шаклланмаган бўлса; шахс муайян давлат фуқаролигига тегишлилиги ҳақидаги ҳужжатларни йўқотган бўлса ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхасини ололмаётган ёки бундай ҳужжатларни мавжудлигини исботлай олмаётган даврда шахс «фуқаролиги бўлмаган шахс» деб топиледи.

Жаҳондаги деярли барча инсонлар бирон-бир давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликнинг бўлмаслиги амалиётда қондан ис- тисно ҳисобланади. Одатда, барча мамлакатлар фуқароликни бўлмас- лиги ҳолатини қискартиришдан манфаатдордирлар. Фуқароликни бўлмаслиги ҳолатини қискартириш ҳақидаги 1961 йилда қабул қилин- ган Конвенция давлатлар фуқароликни бериш тўғрисидаги масалалар- ни ҳал қилишда индивиднинг манфаати нуктаи-назаридан келиб чи- қилини назарда тутди: давлатлар ўз ҳудудда туғилган барча инсон- ларга ўз фуқаролигини беради. Фуқароликни бериш қонун билан ёки манфаатдор шахснинг тегишли давлат органларига аризаси билан амалга оширилади. Айтиш жоизки, шу ўринда давлатнинг ҳам манфа- атлари ҳисобга олинади.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** – ҳуқуқий давлатнинг асосий иж- тимой-иқтисодий пойдевори ҳисобланади.

ЎзР Президентининг бирон-бир асари йўқки, унда «фуқаролик жамияти» атамаси тилга олинмаган бўлсин. «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига очик ташки сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаро- лик жамиятини барпо этишдан иборатдир<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди Ўзбе- кистон давлат раҳбари.

«Фуқаролик жамияти» атамасининг ўзи кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода фуқаролик жамиятига жамиятнинг давлат ва унинг тузилмалари томонидан бевосита қамраб олинмаган қисмла- ри, яъни давлатнинг «қўли етмайдиган» барча соҳалар киритилади. Фуқаролик жамияти кенг маънода демократия билан мос келади.

Фуқаролик жамияти тор маъносида ҳуқуқий давлат билан узвий боғлангандир, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Фуқаролик жамияти давлат томонидан таъқиб этилмайдиган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг бозор ва демократик ҳуқуқий давлатчилик шароити- даги ўзаро муносабатлари турли-туманлигини ифодалайди. Фуқаролик жамияти буржуа даврининг зулматидан индивидларнинг озодликка чиқиши натижаси, уларнинг давлат фуқароларидан шахсий кадр-қим- мат туйғусига эга бўлган ва ўзига ҳўжалик ҳамда сиёсий масъулиятни олишга тайёр бўлган эркин мулкдор-фуқароларга айланишидир.

Иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларга аралашмайдиган илк

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том., Т., «Ўзбекистон», 1996. 177-бет.

либерал давлат ва эркин ракобат замонларидан тубдан фарқ қилувчи ҳозирги шароитларда фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида аниқ чегара ўтказиш анча мураккаб.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти – бу оддий халёлпарастлик эмас, балки реал воқелиқдир. Бу ерда сўз конун ва адолат ҳукмронлик қиладиган, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари энг буюқ кадрият бўлган жамиятни ташкил этиш ҳақида боради.

Гегель фикрича, фуқаролик жамияти – бу, энг аввало, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, оила, табақа, давлат тузуми, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, таълим-тарбия, конунлар ва улардан келиб чиқадиган субъектларнинг ўзаро юридик алоқаларидан иборат. Ана шу элементларнинг йиғиндиси фуқаролик жамияти мавжудлигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши мулкни оқилона ва изчил равишда давлат тасарруфидан чиқариш, бюрократия апаратини қисқартириш ва мўътадиллаштириш, кўп партияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш сингари омилларга боғлиқ. Бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий муносабатларни қарор топтириш ва тартибга солиш ўта муҳимдир.

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ** – ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича вужудга келадиган низоларни қараб чиқиш юзасидан судда даъво тартибиде ишларни кўриб чиқиб, суд фаолиятини тартибга солади. Умумий қондага кўра, фуқаролик процессуал ҳуқуқи оила, меҳнат, ер ва молиявий соҳаларда суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам белгилаб беради. 1998 йил 1 январдан қучга киритилган ЎзР Фуқаролик процессуал кодекси фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ** – ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, унда мулкий муносабатларни, шунингдек шахсий номулкий муносабатларни, мажбуриятларнинг алоҳида турлари, шу жумладан, бозор муносабатлари тизимида воят муҳим аҳамиятга эга бўлган турли шартномалар мазмуни, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган шахсий ва мулкий ҳуқуқлар, ворислик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига нисбатан татбиқ қилишни тартибга солиш батафсил ёритилади. Бу ҳуқуқ нормалари ўз таъсири билан корхона, муассаса, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг барча фуқаролик муомаласи, хўжалиқ фаолиятини, жумладан мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш, мулкни сотиб олиш ва сотиш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш, мулкни ижарага сақлаб туришга, гаровга бериш, маҳсулот етказиб бериш каби муносабатларни қамраб олади. Фуқаролик ҳуқуқининг бош, асосий манбаи 1997 йил 1 мартдан қучга киритилган ЎзРнинг Фуқаролик кодексидир.

Фукаролик ҳуқуқи нормалари ҳар қандай мулкӣ муносабатларни ҳам тартибга солавермайди. Мазкур ҳуқуқ соҳаси тартибга солади-ган муносабатлар мазмуни учун тарафларнинг тенглиги ҳосдир. Фукаролик ҳуқуқи фақат тарафлар ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган мулкӣ муносабатларни тартибга солади. Мас., даъвогар ва жавобгар, қарз берувчи (кредитор) ва қарздор, буюртмачи ва пудратчи қабилар.

Фукаролик ҳуқуқ соҳаси ҳуқуқ соҳалари тизимида энг йириги бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ соҳаси қуйидаги ҳуқуқ тармоқлари (блоки)ни ўз ичига олади: мерос ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва бошқа шу қабилар.

**ФУКАРОЛИК** – бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бундай алоқалар инсон ва фукароларнинг қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳурматлашга асосланади, шунингдек уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларида ўз ифодасини топади. ЎзРнинг бутун ҳудудида ягона фукаролик ўрнатилади (ЎзРнинг Конституцияси, 21-модда).

Фукаролик тушунчаси республика бошқарув шакли мавжуд бўлган давлатларга ҳосдир. Монархия бошқарув шакли мавжуд бўлган давлатлар учун тобъе тушунчаси мавжуд. «Фукаро» ва «тобъелик» тушунчаси назарий жиҳатдан инсоннинг икки ҳолатини белгилаб беради. Фукаролар – озод мамлакат – республика бошқарув шаклидаги давлатлардаги эркин шахслар бўлиб, ўзларини ҳар томонлама озод кишилар деб ҳисоблайдилар. Тобъе шахс – бошқа бир шахсга, монархга тобъе бўлиб, унинг хоҳиш-иродасига қарши чиқа олмайди. Тарихда озодлик учун курашлар, бир шахс хоҳиш-иродасига қарши шохлар, қироллар, императорларга қарши кураш билан боғлиқ бўлган ва улар ҳақиқий демократик бошқарув деб, республика бошқарув тузумини яратиш учун кураш олиб борганлар. Шу тариқа улар фукаролик олиш учун тобъеликдан воз кечганлар. Шундай қилиб, республика бошқарув шаклидаги давлатларда «фукаролик» тушунчаси монархия бошқарув шаклидаги давлатларда «тобъелик» тушунчаси мавжуд.

ЎзРнинг «Фукаролиги тўғрисида»ги Қонуни 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган. Ушбу Қонун фукароликка қабул қилиш асослари, унга эга бўлиш ва фукароликни йўқотиш тартибини белгилайди. Қонунга мувофиқ қуйидагилар ЎзРнинг фукаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотларнинг турлари ва савиясидан катъий назар, ЎзРда доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фукаролари бўлмаган ҳамда ЎзРнинг фукароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан ЎзРдан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар;

3) ушбу Қонунга мувофиқ ЎзРнинг фукаролигини олган шахслар.



ЎзР фуқаролиги тўғрисидаги қонунга асосан (13-модда) ЎзР фуқароларидан туғилган болалар, ЎзР ҳудудида ёки унинг ташқарисида туғилган бўлишидан қатъи назар, ЎзР фуқароси ҳисобланади.

Фуқаролик тўғрисидаги қонунда ЎзР фуқаролигини йўқотиш асослари ҳам белгилаб қўйилган. ЎзР фуқаролигини йўқотишга қуйидагилар сабаб бўлади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати ва бошқарувнинг бошқа идораларига ишга кирганлиги аниқланса;

2) агар чет элда доимий равишда яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

3) агар ЎзР фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Шу сабабларга биноан, ЎзР Президенти Фармонига асосан ЎзР фуқаролиги йўқотилади.

ЎзР фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат ЎзР фуқаросининг паспорти ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадир.

ЎзР Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра «Фуқаролик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган уни амалга ошириш механизми мамлакат Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500 сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ЎзР фуқаролигининг тугатилиши Қорақалпоғистон фуқаролигининг тугатилишига олиб келади.

ЎзР фуқаролигига қабул қилиш, фуқароликни қайта тиклаш, фуқароликдан чиқиш ва уни йўқотиш масалалари ЎзР Президенти фармони билан расмийлаштирилади.

**ФУҚАРОЛИКДАН ЧИҚИШ** – давлатнинг фуқаролигини тугатиш усулларидан бири. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра ЎзР фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар ЎзР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбуриятларини бажармаган бўлса, унинг ЎзР фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар ЎзР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг ЎзР фуқаролигидан чиқиши ЎзР давлат хавфсизлиги

манфаатларига зид бўлса, унинг ЎзР фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги ҳолларда ЎзР фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар ЎзР фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

**ФУҚАРОЛИККА ЭГА ЭМАСЛИК** – бирон-бир давлат фуқароси (табааси) ҳисобланмайдиган шахснинг ҳуқуқий ҳолати (*қаранг: Фуқаролиги бўлмаган шахс*).

**ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ** – давлат органи тизими бўлиб (расмий номи-миллий хавфсизлик хизмати), уларнинг фаолияти хорижий, махсус хизматлар, разведка, қўпоровчилик фаолиятининг олдини олишга, шунингдек, мавжуд ҳуқуқ-тартиботни бузиш мақсадида, душманлик кайфиятида бўлган кучларнинг ҳаракатларига чек қўйишга қаратилган.

ЎзРдаги мавжуд қонунлар ва Жиноят-процессуал кодексига кўра, хавфсизлик хизматига тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши ишлар бўйича жиноятлар (урушни тарғиб қилиш, агрессия, давлатга хиёнат, жосуслик, террорчилик, қўпоровчилик, контрабанда) ни очиш ва тергов қилиш вазифаси юклатилган хавфсизлик хизмати, шунингдек, махсус алоқа воситаларини хорижий махсус хизматлардан, радиоэлектрон ва бошқа разведкалардан ҳимоя қилишни, уларнинг хавфсизлиги ва назорати бўйича ташкилий-ҳуқуқий принципларни ишлаб чиқишни таъминлайди.

Хавфсизлик хизматининг фаолияти турли ҳокимият ва бошқарув органларининг, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлигида амалга оширилади.

ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати, ЎзР Президентининг 1991 йил 25 августдаги ва 26 сентябрдаги фармонлари асосида ташкил этилган.

**ХАЛҚ ВАКИЛИ** - қ.: *Депутат*.

**ХАЛҚ ВАКИЛЛИГИ** – давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик (яъни халқ томонидан сайланадиган) органлари тизими.

«Халқ вакиллиги» тушунчаси билан **Х.в.** муносабатлари тизими, яъни вакиллик органларини таркиб топтириш муносабатлари, депутатларнинг мақоми, уларнинг сайловчилар, аҳоли, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатлари, вакиллик органларининг ишини ташкил этиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, қонун чиқариш жараёни, вакиллик органининг фаолиятига аҳолининг таъ-

сири, вакиллик органларининг бошқа органлар билан муносабатлари ҳам боғлиқ.

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ПОСЁЛКА КЕНГАШИ** – 1978 йилги Ўзбекистон Конституциясига кўра давлат ҳокимиятининг маҳаллий органининг энг қуйи тизими – қишлоқ, овул ва поселка кенгашлари 1992 йилдан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига айланди, ва 1993 йилдан бошлаб Халқ депутатлари посёлка Кенгаши тугатилган.

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИ** – вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимиятнинг вакиллик органи. Унга ҳоким бошчилик қилади.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар қиради: қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ЎзР Конституциясига ва ЎзР қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари ЎзРнинг қонунларини, ЎзР Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати – 5 йил.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими ЎзР Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегиши халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими то-

монидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

**ХАЛҚ МУҲОКАМАСИ** - қ.: *Муҳокама.*

**ХАЛҚ НАЗОРАТИ** - қ.: *Назорат. Давлат назорати.*

**ХАЛҚ СУВЕРЕНИТЕТИ** - қ.: *Суверенитет.*

**ХАЛҚ ТАШАББУСИ** – баловат ёшидан ўтган фуқаролар (маълум сони)нинг ҳокимият вакиллик органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи муҳокамасига ёхуд тегишли мансабдор шахсга уларнинг қарори лойиҳасини ёки уларнинг ваколатларига кирувчи бирон-бир муҳим масалани кўриб чиқиш тўғрисидаги, мазкур масаланинг халқ муҳокамасини ташкил этиш ёки унинг юзасидан халқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги таклифни киритиш ҳуқуқи. **Х.т.** фуқароларнинг имзоларини йиғиш, баъзан – фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишда **Х.т.** тўғрисида қарор қабул қилиш йўли билан рўёбга чиқарилади.

**Х.т.** бир қатор конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Масалан, РФ референдуми тўғрисидаги 1995 йил Қонунига мувофиқ, мазкур референдумни ўтказиш тўғрисидаги қарор камида икки миллион нафар фуқаронинг ташаббусига кўра қабул қилинади ва уларнинг имзоларини йиғиш орқали амалга оширилади. Бунда референдум масалаларининг муайян таърифи таклиф қилинади. Президент **Х.т.** тартибда киритилган таклифни кўриб чиқади ва Конституциявий судининг таклиф Конституция талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосасини олгач, референдумни тайинлайди.

«Россия Федерациясида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг умумий принциплари тўғрисида»ги 1995 йил 12 август Қонунининг 25-моддасида аҳоли муниципал тузилма уставига мувофиқ маҳаллий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига аҳоли томонидан киритилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари аҳолининг вакиллари иштироки-

даги очик мажлисда мажбурий тартибда кўриб чиқилиши, унинг натижалари эса — расман эълон қилиниши лозим.

**ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ** — каранг. *Халқ ҳокимиятчилиги.*

**ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ** — халқ чекланмаган ҳокимиятга эгаллиги. ЎзР Конституциясининг аксарият моддаларида, энг аввало — 7-моддасида акс эттирилган. Унга мувофиқ, ЎзР да халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқ суверенитети, биринчидан, айни мамлакатда халқ чекланмаган ҳокимиятга эгаллигини, иккинчидан, халқ ўз ҳокимиятини бевосита ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга ошириши мумкинлигини билдиради (яна к.: *Суверенитет*).

ЎзРда халқ ҳокимияти — оммавий ҳокимият: у омма манфаатларини кўзлаб амалга оширилади; у бутун жамият ва унинг ҳар бир аъзоси манфаатларини кўзлайди; унинг муайян функциялари ва шаклларини амалга оширишда ҳар ким иштирок этишга ҳақли. Ҳокимият: бутун халқ, унинг маълум ҳудудда яшайдиган қисми, халқ томонидан сайланган вакиллар, халқ томонидан таркиб топтирилган ва халқ вакилларини ўз ичига олган органлар томонидан амалга оширилади. Ҳокимият: аҳолини ишонтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш, уюштириш, зарур ҳолда эса — мажбурлаш усулларини қўллайди; у ошқора (очик) амалга оширилади, унинг барча тадбирлари жамоатчилик муҳокамасидан ўтади (ўтиши лозим).

Ҳокимиятни амалга ошириш — жамият, давлат, алоҳида ҳудудлар, фуқароларнинг бирлашмалари ишларини бошқариш, маълум мақсадларни кўзлаб фаолият кўрсатиш ва кўзланган мақсадга (натижага) эришиш демак.

Халқ ҳокимияти ЎзРда уч асосий шаклда амалга оширилади:

1) **Д а в л а т - ҳ о к и м и я т и** — унинг мазмуни давлат томонидан мажбурий кучга эга ҳужжатларни қабул қилиш (фаолият кўрсатиш), уларнинг ижро этилишини ўз нуфузи, ташкилий тадбирлар, зарур ҳолда эса — мажбурлов йўли билан таъминлашдан иборат. Ижтимоий ҳокимиятдан фаркли ўларок, у барча фуқароларга нисбатан амал қилади. Давлат ҳокимияти бевосита халқ ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

*Референдум* ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимият органлари (ЎзР парламенти), сайлаб қўйиладиган давлат мансабдор шахслари (ЎзР Президенти) сайлови давлат ҳокимиятини халқ томонидан бевосита (тўғридан-тўғри) амалга оширишнинг олий ифодасидир.

Халқ ҳокимиятини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органларининг уч тури — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, даражасига кўра эса — республика органлари ва маҳаллий органлар фаркланади.

ЎзРда давлат ҳокимиятини ЎзР Президенти, Олий Мажлис — парламент (икки палата: Қонунчилик палатаси ва Сенатдан ташкил

топган), ЎзР Ҳукумати, ЎзР судлари (ЎзРнинг ягона суд тизими мавжуд бўлиб, унинг олий бўғинларини ЎзР Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди ташкил этади) амалга оширади. ЎзРнинг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида конун чиқарувчи ҳокимият органлари (халқ депутатлари Кенгашлари), ижро этувчи ҳокимият органлари (хокимлар), судлар фаолият кўрсатади.

2) **И ж т и м о и й ҳ о к и м и я т** – сиёсий партиялар, бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, диний ташкилотлар, оила, меҳнат жамоалари ичида, оммавий тадбирлар (митинг, йиғилиш, намойиш ва б.) ўтказиш вақтида фуқаролар алоҳида гуруҳларининг (баъзан оммавий) бирлашмаси. Жамоат бирлашмаларининг аъзолари ва оммавий тадбирларнинг иштирокчилари жамоавий тартибда белгиланган қоидаларга ихтиёрий тарзда бўйсундилар, ижтимоий таъсир кўрсатиш усулларига таянадилар. Айти ҳолда мажбурлаш усуллари ҳам қўлланиши мумкин. Аммо мазкур усуллар давлат ва унинг органлари томонидан қўлланмайди. Мажбурлаш ташкилий чоралар кўриш (бирлашма таркибидан чиқариш, жамоатчилик танбеҳи ва ш.к.)ни назарда тутди.

3) **Х а л қ ҳ о к и м и я т и н и н г а р а л а ш ш а к л и** – ижтимоий-давлат ҳокимияти. У шаҳарлар, туманлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти шаклида амалга оширилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш – халқ ҳокимиятчилигининг аҳолига маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилиш, яъни тегишли ҳудудда ўз ҳаёти ва ишларини бошқариш имкониятини берувчи шакли. У фуқароларнинг яшаш жойларидаги йиғинларда ёки маҳаллий референдумларда амалга оширилади. Маҳаллий аҳамиятга молик масалалар сайлаб қўйиладиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари (халқ депутатлари Кенгашлари) ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш мансабдор шахслари (маҳаллий тузилмаларнинг бошлиқлари ва б.) томонидан ҳал қилиниши мумкин.

Соф маҳаллий хусусиятга эга масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ижтимоий (нодавлат) табиати намоён бўлади. Шунга қарамай, унинг қарорлари айти ҳудуд аҳолиси учун мажбурийдир. ЎзР Конституциясининг 101-моддасига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари ЎзРнинг қонунларини, ЎзР Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Бунда юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир. Икки хил вазифани қўшиб амалга оширганлиги туфайли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти ЎзР даги халқ ҳокимиятининг аралаш шакли – ижтимоий-давлат ҳокимиятини ташкил этади.

**ХАЛҚ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ** – 1) халқ томонидан референдумда овоз бериш орқали давлат қонунлари ва маҳаллий аҳамиятга молик ҳужжатларни қабул қилиш; 2) қонун ёки бошқа норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва уни *халқ ташаббуси* орқали ваколатли давлат органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг муҳокамасига киритиш (яна қ.: *Ҳуқуқ ижодкорлиги*).

**ХАЛҚАРО ШАРТНОМА** – бу давлатларнинг икки ёки кўп томонлама тузилган келишувларидир. **Х.ш.ларда** давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. **Х.ш.** (давлатлар) хорижий давлатлар ёки халқаро бирлашмаларнинг ўзаро келишуви натижасида ёзма равишда тузилади. **Х.ш.нинг** асосий манбаи халқаро ҳуқуқ ҳисобланади. **Х.ш.**да ўзаро келишув асосида шартнома тузаётган давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади.

Ўз.Р тенг, мустақил мамлакат сифатида барча **Х.ш.ларда** қатнаша олиши ва ҳар қандай давлат билан **Х.ш.** тузиши мумкин. Ўз.Рда мустақилликдан кейин бир неча минг **Х.ш.** тузилди. Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги барча халқаро ҳуқуқий муносабатлари 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Ўз.Рнинг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Қонунида батафсил кўрсатилган.

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ** – Марказий ва Шарқий Осиёдаги давлат. Пойтахти – Пекин шаҳри. 1 октябр 1949 йилда Республика деб эълон қилинган.

Давлат тузилиш шакли унитар.

Маъмурий бўлиниши: 23 та вилоят (Тайвань билан биргаликда), 5 та автоном район ва 3 марказга бўйсинувчи шаҳардан иборат. **Х.Х.Р.** унитар давлат тузилиши тизимига 30 та автоном округ ва камчиликни ташкил этадиган миллатлар бирлашиб яшайдиган жойларда тузилади-ган 124 та автоном уезд ҳам қиради.

1949 йилда ағдарилган Гоминданд давлатининг аъзолари жойлашиб, Хитойни ягона қонуний вакиллари деб эълон қилинган Тайван оролидаги Хитой Республикасининг суверенитетини **Х.Х.Р.** тан олмаган. Лекин у 1945-1971 йилларда БМТда Хитой номидан иш олиб борган. Ҳозирги пайтда **Х.Х.Р.** Тайван билан тинчлик асосида қўшилиш йўлини олиб бормоқда.

1898 йилда Буюк Британияга 99 йил муддатга аренда (ижара)га берилган СЯНГАН (Гонконг), 1 июл 1997 йилда Хитой суверенитетига ўтказилиб, махсус Сянган маъмурий райони ташкил топган. **Х.Х.Р.** ва Португалия келишувига асосан 1555 йилдан Португалия ихтиёрида бўлган Аоминь (Макао) декабр 1999 йилда Хитойга ўтказилиши ва район мақомини олиши белгаланган.

Амалдаги Конституция 4 декабр 1982 йилда қабул қилинган бўлиб, у 1966-1976 йилларда амалга оширилган «маданий революция» натижасида бузилган «халқ ҳокимияти» асосларини тиклашни назарда

тутади ва ўзида социалистик конституционализмнинг изларини аниқ акс эттириб туради. Яъни: жамиятни бошқаришда партия ва давлатни бирлиги, бошқарув коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилиши, марксизм ва ленинизм, Мао Цзэдун — ғояларини ҳукмронлиги, давлат органларини ташкил этиш ва фаолиятида демократик централизм конституцияда мустаҳкамланган.

**Х.Х.Р.** Конституциясига асосан давлат ҳокимиятининг олий органи — Халқ вакилларининг Бутунхитой мажлиси ҳисобланиб, у уч мингдан ортиқ бўлмаган депутатлардан иборат бўлади ва беш йилга сайланади. Камчиликни ташкил этувчи миллатлар учун алоҳида сайлов нормаси (квота) ўрнатилади, хорижий хитойлар ва ҳарбий хизматчилар учун ҳам алоҳида нормалар ўрнатилади. Сайлов округлари кўп мандатли бўлиб, турар жойларда корхона, муассаса ва ҳарбий қисмларда ташкил қилинади.

БХВМ бир йилда бир марта сессияга тўпланади. Ўз таркибидан 134 аъзодан иборат Доимий комитет тузади, шунингдек махсус комиссиялар ҳам тузилади. Сессия ишларига сессия Президиуми раҳбарлик қилади. БХВМ йиғилишларида давлатнинг олий мансабдор шахслари, Марказий ҳарбий кенгаш аъзолари, Олий халқ суди раиси ва Бош Халқ прокурори иштирок этади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига: 30 кишидан кам бўлмаган депутатлар гуруҳи, БХВМ Президиуми, БХВМ доимий комитети, БХВМ доимий комиссиялари, ҳукумат (давлат Кенгаши), Марказий ҳарбий кенгаш, Олий халқ суди, Олий халқ прокуратураси эга. БХВМ сессиялари ўртасида, доимий ишловчи орган Доимий комитет бўлиб, ваколат муддати 5 йил. У қонун қабул қилиш, унга ўзгартириш киритиш, қонунларни шарҳлаш ҳуқуқига эга. Демак, **Х.Х.Р.** олий вакиллик органи бир нечта. (собик СССРда ҳам шундай эди).

Давлат бошлиғи **Х.Х.Р.** Раисидир. У БХВМда ўринбосарлари билан бирга 5 йилга сайланади. Кейинги муддатга ҳам сайланишлари мумкин. Раис ХХР Марказий ҳарбий Кенгашининг раиси ҳамдир.

Ижроия ҳокимиятни БХВМ томонидан 5 йилга сайланадиган Давлат Кенгаши амалга оширади. Конституцияга асосан ДК «Марказий халқ ҳукумати, давлат ҳокимиятининг ижроия органи, олий давлат маъмурият органи» ҳисобланади. ДКни премьер бошқаради. Ҳукумат таркибига: премьер ўринбосарлари, ДК аъзолари даражасидаги вазирлар, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, тафтиш бошқармаси бошлиғи, котибият бошлиғи қиради. Премьер, унинг ўринбосарлари, ДК аъзоси даражасидаги вазирлар ва котибият бошлиғидан иборат тартибда ДКнинг доимий комитети тузилади.

Суд органлари тизимига: Олий халқ суди, ҳудудий бўлиниш даражасига қараб юқори босқичдаги халқ судлари, ўрта бўғин халқ судлари ва қуйи халқ судлари қиради. Шунингдек ҳарбий ва махсус халқ судлари мавжуд.



Конунийлик устидан назоратни олий халқ прокуратураси ҳамда харбий ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар олиб боради.

**ХОРВАТИЯ (Хорватия Республикаси)** – Болкон ярим оролидаги давлат. 1991 й.гача Югославия Федератив Республикасининг таркибига кирган. 1991 й. 25 июнда **Х.** парламенти (Сабор) республика мустақиллиги ва суверенитети тўғрисидаги Декларацияни қабул қилди. Бунга жавобан Югославия **Х.га** қуролли ҳаракат бошлади (1991 й. 27 октябрда Югославия кўшинлари **Х.дан** тўла олиб чиқиб кетилди). 1992 й. 22 майда **Х.** БМТ аъзоси бўлди.

Пойтахти – Загреб шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан жамоалар (жупаниялар)га бўлинади. **Х.** таркибига серблар яшайдиган Краина автоном вилояти киради. У 1991 й. 19 декабрда ўзини Краина Серб Республикаси деб эълон қилди. Бу **Х.да** қуролли тўқнашувга сабаб бўлди.

Амалдаги Конституциясига кўра (у 1990 й. декабрда қабул қилинган) **Х.** – республика.

Давлат бошлиғи – Президент. У умумхалқ сайловида 5 йил муддатга сайланади. Президент яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин.

Икки палатали парламент – Сабор – Жамоалар палатаси (68 аъзо) ва Вакиллар палатаси (138 депутат)дан иборат. Улар (юқори палатанинг президент тайинлайдиган беш аъзосидан ташқари) 4 йил муддатга сайланади.

Ҳукуматни президент парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партияларнинг вакиллари орасидан тузади. Ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлади.

**ХУСУСИЙ МУЛК** – к.: *Хусусий мулкдорлик ҳуқуқи.*

**ЦЕНЗ** – к.: *Сайлов цензи.*

**ЦЕНЗУРА** – нашрлар, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларнинг мазмуни устидан назорат. Мансабдор шахслар, давлат органлари, ташкилотлари, муассасалари, жамоат бирлашмаларининг оммавий ахборот воситалари томонидан тайёрланган хабарлар ва маълумотларни ўзи билан олдиндан келишиш ҳақидаги талабида (мансабдор шахс муаллиф бўлган ёки интервью берган холлар бундан мустасно), шунингдек хабарлар ва материалларни, уларнинг алоҳида қисмларини тарқатишни тақиқлашида намоён бўлади. ЎЗРнинг Конституциясига биноан, Ўзбекистонда цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

**ЦЕНТРАЛИЗМ** – давлат ишларига раҳбарлик масалалари давлатнинг марказий органлари қўлида жамланиши. **Ц.га** қарама-қарши ўларок, децентрализация – турли масалаларни хал қилиш ҳуқуқини марказий давлат органларидан маҳаллий ҳокимият органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бериш.

**ЧАД (Чад Республикаси)** – Марказий Африкада жойлашган давлат. 1960 й. 11 августда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Нжамен шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 14 та префектурага бўлинади.

1975 йилги давлат тўнтаришидан бошлаб, ҳокимият икки муҳолиф гуруҳ – Гукуни Уэддей бошчилигидаги Чад Миллий озодлик fronti (ФРОЛИНА) ёки Хиссен Хабре бошчилигидаги Шимол қуроли кучлари қўлига навбатма-навбат ўтиб келди. Можаро аста-секин халқаро тус олди: унга қўшни мамлакатлар, шунингдек Франция ва АКШ ҳам қўшилди. 1986 й. 17 ноябрда Котону шаҳрида (Бенин) Ўтиш даври миллий бирдамлик ҳукуматини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди. У мамлакатга вазиятни барқарорлаштириш имкониятини берди. Миллий йиғилиш тузилди. 1989 й.да Конституция қабул қилинди.

1990 й. 1 декабрда ҳокимиятга келган Ватанпарварлар ҳалоскорлик ҳаракати 1989 й. Конституциясининг амал қилишини тўхтатиб қўйди. Миллий йиғилишни тарқатиб юборди ва Идрисс Дебини мамлакат Президенти этиб тайинлади. 1993 й. Нжамена шаҳрида бўлиб ўтган миллий конференцияда мамлакатнинг бўлғуси конституциявий тузилишига доир дастурий ҳужжат – Хартия қабул қилинди. Муваққат парламент вазифаси ўтиш даври Олий кенгаши (57 аъздан иборат) зиммасига юкланди. У янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиши, президент ва парламент сайловларини ташкил этиши лозим эди.

1996 й. январда ҳокимият ва муҳолифат вакиллари Ички тартибга солиш принциплари тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар.

1996 й. 31 мартда референдумда янги Конституция маъқулланди.

1996 й. Конституциясига кўра давлат бошлиғи – умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган президент.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий йиғилиш (125 депутатдан иборат) амалга оширади.

Ижро этувчи ҳокимиятни парламент олдида жавобгар бўлган президент ва ҳукумат амалга оширади.

**ЧАҚИРИҚ** – конституция ёки бошқа ҳуқуқий актларда кўзда тутилган парламент ёки бошқа вакиллик органининг ваколат муддатидир. Депутатларга сайловлар ўтказиш – бу парламентини ёки бошқа вакиллик органининг кейинги чақириқгача бўлган сайловидир. Мас., янги чақириқ Олий Мажлис биринчи йиғилишининг биринчи сессияси Марказий сайлов комиссиясининг раиси томонидан очилади ва олиб борилади.

**ЧЕГАРА ПУНКТИ** – Давлат чегарасини кесиб ўтиш, яъни унга кириш ёки ундан чиқиш жойи. Чегара пунктида чегара хизмати, божхона, миграция хизмати, санитария-эпидемиология назорати бўлинмалари бўлади.

**ЧЕГАРАЛАР ДЕЛИМИТАЦИЯСИ** – музокаралар жараёнида давлатлар ўртасида уларнинг вакиллари томонидан чегара чизиқларини умумий йўналишларини белгилаб олиш. Бунда кўриб чиқилаётган чегара чизиқлари харитада белгилаб олинади. Чегараларни делимитацияси тўғрисидаги қарор давлатларнинг чегара масалалари бўйича тузилган шартнома ва келишувда берилган бўлади. Чегара чизиги

хужжатнинг алоҳида моддасида кўрсатилади. Унга харита илова қилинади. Кейин ўша жойда чегаралар ўтказилади (қаранг: чегаралар демаркацияси).

**ЧЕГАРАЛАР ДЕМАРКАЦИЯСИ** – чегаралар делимитацияси ўтказилгандан кейинги босқич: жойнинг ўзида давлатлар ўртасида чегара белгиларини ўрнатиш орқали чегараларни ўтказиш. Чегаралар демаркацияси икки давлат вакиллари иштирокида жойни суратга олиш ва чегара ўрнини топографик картасини тузиш билан амалга оширилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида чегара белгилари ўрнатилади ва унинг координатлари белгиланади. Чегараларни демаркацияси тўғрисида баённома тузилади ва унинг харита ва чизмаси тақдим этилади. Хужжатлар давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланади.

**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ** – муомалада бўлиб турган ҳамда хорижий давлат қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатларнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар.

**ЧЕТ ЭЛЛИК** – бир давлат ҳудудида бўлиб туриб, бошқа давлатга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган шахслар. Чет элликларга агар улар монархия давлатига тегишли бўлса, хорижий мансуб (подданный), республика шаклидаги давлатга мансуб бўлса хорижий фуқаро деган атамалар ишлатилади.

**ЧЕХИЯ (Чехия Республикаси)** – Марказий Европада жойлашган давлат. Чехия ва Словакия Федератив Республикаси таркибидан Чехия ва Словакия республикаларининг ажралиши натижасида ташкил топган (1992 й. 31 декабрь). Пойтахти – Прага шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 75 туман (шу жумладан Прага ш.)га бўлинади.

Амалдаги Конституция 1992 й. 16 декабрда қабул қилинган, 1993 й. 1 январдан кучга кирган. Бошқарув шакли – республика.

Давлат бошлиғи – президент, парламент иккала палатаси аъзолари (депутатлари) умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан 5 йил муддатга сайланади. У қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Икки палатали парламент тегишинча 6 йил ва 4 йил муддатга сайланадиган Сенат (81 сенатор; учдан бир қисми ҳар икки йилда янгилаб турилади) ва Депутатлар палатасидан таркиб топади.

Ҳукумат президент томонидан партиялар иттифоқи негизида тузилади. Президент ҳукуматнинг исталган аъзосини, шу жумладан бош вазира ни қақриб олишга ҳақли.

**ЧИЛИ (Чили Республикаси)** – Жанубий Американинг жану-

би-ғарбий қисмида жойлашган давлат. 1810 й. 18 сентябрда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Сантьяго шаҳри.

Маъмурий жихатдан 13 вилоят (шу жумладан пойтахт)га, вилоятлар эса – 50 провинцияга бўлинади.

1973 й. генерал А. Пиночет раҳбарлигида амалга оширилган ҳарбий исён натижасида Президент С. Альенде ҳокимияти ағдарилди, унинг ўзи эса ўлдирилди. 1988 й. Пиночет ўз тузумининг келажаги тўғрисидаги масала юзасидан референдум ташкил этди. Халқ унинг тузумини рад этгач, Пиночет ўз ваколати муддати тугаганидан кейин, 1990 й. президент лавозимини топширди ва кейинги 8 йил мобайнида Ч. Куролли Кучлари Бош кўмондони бўлиб қолди.

Амалдаги Конституция (1989 ва 1994 й.ларда қўшимчалар киритилган) 1980 й. сентябрда қабул қилинган. Бошқарув шакли – республика. Давлат бошлиғи – президент, умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади. Қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас.

Парламент – Миллий Конгресс – икки палатадан ташкил топган. Сенат (47 сенатордан иборат) аъзоларининг ярми ҳар тўрт йилда янгилаб турилади (38 сенатор умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади, 9 сенатор Миллий хавфсизлик кенгаши томонидан тайинланади; бундан ташқари, мамлакатнинг барча собиқ президентлари умрбод сенатор лавозимини эгаллайдилар). Депутатлар палатаси (120 депутатдан иборат) умумий сайловда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи – президент – ҳукуматни тайинлайди ва унга раҳбарлик қилади.

**ШАҲАР** – асосан саноат (ишлаб чиқариш), тижорат, маданий-маърифий ва бошқа ноқишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган муайян миқдордаги аҳоли сонига эга бўлган аҳоли пункти.

ЎзРнинг Шаҳарсозлик кодекси (2002 йил 4 апрелда қабул қилинган) 9-моддасига кўра, аҳоли сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

энг йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони бир миллиондан ортиқ кишидан иборат;

йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача кишидан иборат;

катта аҳоли пункти – аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;

ўртгача аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Давлат-ҳуқуқ нуктаи-назаридан республика, вилоят, туман бўйсунувидаги шаҳарлар фарқланади.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳуқуқий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини хал этиш тартиби тўғрисида»ги ЎЗРнинг Қонуни (1996 йил 30 августда қабул қилинган) аҳоли пунктларини шаҳар туркумига ўтказиш қоидаларини белгилайди.

Шунга кўра, Республика (Қорақалпоғистон Республикасида), вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, қамида ўттиз минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин.

**Ш.ларни** вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

**Ш.ларни** республика (Қорақалпоғистон Республикасида) бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Туман бўйсунувидаги **ш.лар** туркумига, қоида тариқасида, қамида етти минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**ШАҲАР МАЖЛИСИ** – а) баъзи мамлакатларнинг, масалан, РФнинг кўпгина шаҳарларида аҳоли томонидан сайланадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органининг бир тури (ўхшаш номлари – вакиллар мажлиси, депутатлар мажлиси); б) жамоат бирлашмалари, муниципал муассасалар, тадбиркорлик тузилмалари, йирик корхоналар ва ҳ.к. вакилларининг уларни жипслаштириш ҳамда шаҳардаги аҳволни сиёсий жиҳатдан барқарорлаштиришга, шаҳарни кенг кўламда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга кўмаклашиш учун ташкил этиладиган мажлиси (ўхшаш номлари – шаҳар анжумани, шаҳар йиғини).

**ШАҲАР МАНЗИЛҒОҲИ** – баъзан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий тизимини тартибга солишда қўлланиладиган, аҳоли истикомат қиладиган шаҳар типдаги ҳудудни англатадиган тушунча.

Қонун ҳужжатларида қандай ҳудудлар шаҳар, қандайлари қишлоқ манзилғоҳлари жумласига мансублиги ҳақида аниқ маълумотлар

учрамайди. Шубҳасиз, шаҳарлар шаҳар манзилгоҳлари ҳисобланади ва улар республика, вилоят, туман аҳамиятига молик бўлиши мумкин. Улар расман шаҳар мақомига эга бўлишидан ташқари, аҳолининг мутлак кўпчилиги қишлоқ хўжалиги меҳнатига алоқадор эмаслиги ҳам муҳим жиҳатдир.

Ана шу ҳолатни ҳисобга олганда, ҳатто қишлоқ туманлари таркибига қирадиган кўпгина шаҳарчаларни (посёлкаларни), агар аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигига оид касб-кор билан шуғулланмаса, шаҳар манзилгоҳлари деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, шаҳарча тушунчаси бежиз пайдо бўлмаган. Шаҳарчалар жумласига, одатда, саноат корхоналари, қурилишлар, станциялар, гидротехника иншоотлари ёнида қад ростлаган аҳоли пунктларини, шунингдек ҳудудда олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, илмий-тадқиқот муассасалари, стационар соғломлаштириш ва даволаш муассасалари жойлашган, аҳолиси, қоида тариқасида, 2000 кишидан ошадиган, бундан камида учдан икки қисмини ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил этадиган аҳоли пунктларини киритадилар. Яна шунинг назарда тутиш керакки, шаҳарлар таркибига қирадиган ҳамда алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликдан иборат бўлган шаҳарчалар ва муниципал тузилмалар ҳам мавжудлигини назарда тутмоқ лозим.

**ШАҲАР ТУМАНИ** – маъмурий-ҳудудий тузилма бирлиги. Кўпгина йирик шаҳарлар туманларга бўлинади. **Ш.т.** баъзи шаҳарларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бирлиги, муниципал бирлик деб эътироф этилади, яъни бу ерда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вакиллик органлари ва мансабдор шахслари сайланади. Бошқаларида **Ш.т.** шаҳарни бошқаришни ташкил этиш учун негиз бўлади ҳолос ва бу ерда фақат шаҳар бошқарув органларининг бўлинмалари тузилади. У ёки бу моделнинг афзалликлари тўғрисидаги масала баҳсли ҳисобланади.

**ШАҲАР, ТУМАН МАЪМУРИЯТИ** – қаранг. *Маҳаллий маъмурият.*

**ШАҲС ЭРКИНЛИГИ** – фалсафий ва конституциявий ҳуқуқий категория бўлиб, унга инсон туғилганидан эътиборан эга бўлади. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра, ўзининг хатти-ҳаракатларини танлаш ва содир этиш имконияти берилган. Бироқ, шунинг назарда тутиш лозимки, шахс эркинлиги жамиятда умум эътироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун асосида амалга оширилиши керак, яъни шахс қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатмаларига мос хатти-ҳаракатни амалга оширишлари керак.

Шахс эркинлиги, ЎзР Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ва фуқароларнинг кўпгина асосий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошишига шарт-шароит яратиб беради.

**ШАҲС** – 1) Жисмоний шахс – барча инсонлар; 2) юридик шахс; 3) мансабдор шахс; 4) фуқаролиги бўлмаган шахс. Бундан ташқари

мазкур тушунча «инсон» ва «фуқаро» тушунчалари билан ҳам ҳамонхандир.

**ШАХСИЙ ҲАЁТ** — ЎзР Конституциясида қўлланилган тушунча. Конституциянинг 27-моддасига мувофиқ, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашайдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. **Ш.ҳ.** деганда инсоннинг шахсий манфаатлари ва фаолияти билан боғлиқ барча нарсалар ва ҳодисаларни тушуниш мумкин.

**ШАХСНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ** — кенг маънода шахс ва фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шахсий ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига дахл этувчи бирон-бир ҳаракатни ўзбошимчалик билан содир этиш мумкин эмаслигини англатади.

Қонун ҳужжатларида мазкур тушунча кўпроқ тор маънода қўлланади. ЎзРнинг Конституциясига мувофиқ (25-модда), ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (қ.: *Озодликдан маҳрум қилиш*). Мазкур ҳаракатлар фақат қонунда белгиланган тартибга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Конституция қоидалари шунга йўналтирилганки, вақт ўтиши билан, зарур шарт-шароит яратилганидан кейин, шахс эркинлигини фақат суд қарорига биноан чеклаш мумкин бўлади.

**ШАХСНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ** — РФ Конституциясининг 21-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган категория бўлиб, инсоннинг умум томонидан қабул қилинган ахлоқий қадриятларга мос тушувчи маълум бир ахлоқий ва интеллектуал сифатларга эга бўлиши тушунилади. Инсон мавжуд бўлгандан буён ана шундай сифатларга эга бўлади. Инсонни атрофдагилар уни ана шундай ҳолатда қабул қилади. Шахснинг қадр-қиммати категорияси кўп томонлама талқин қилиниб, инсоннинг маълум бир хусусиятини ўзига қамраб олади: ижтимоий ахлоқ бўйича қораланадиган қилиқларни содир этиш мумкин бўлмаслиги; инсоннинг интеллектуал ва билим даражаси; атрофдагиларга муносабати; жамиятда намунавий деб тан олинган ҳаёт тарзи.

Шунга мос равишда шахснинг қадр-қиммати ерга уриш — бу инсонга нисбатан ноҳўя қилиқлар қилиш; инсоннинг шахсий ва ақлий сифатларини камситиш; шахсни масҳара қиладиган ҳаракатларни амалга ошириш; шахсни одамлар орасида ноқулай аҳволга солиб қўйиш;

«Шахснинг қадр-қиммати» категориясини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини турли ҳилда эканлигини белгилаб беради. Шахснинг қадр-қимматини ҳимоя қилишда инсоннинг ўзи бир қанча имкониятларга эга бўлиб, уларга жисмоний ҳимоя қилишдан (ҳаёти, соғлиғи, ахлоқий ҳолати, эркинлигини ноқонуний чеклаш) тортиб, фуқаровий-ҳуқуқий ва жинсий-ҳуқуқий воситалар билан келтирилган маънавий зарар, ҳақоратлардан ҳимояланиши мумкин. Шу йўл билан шахс қадр — қимматини ҳимоя қилишда давлат ҳам маълум

бир масъулиятни ўз зиммасига олади. РФ Конституциясида (21 модда) куйидагилар ёзиб қўйилган: «Шахс кадр-қиммати давлат томонидан мухофаза қилинади. Уни пастга уришга ҳеч нима асос бўла олмайди». Худду шу модда бўйича ҳеч ким инсон кадр-қийматини камситувчи зўровонликларга таъйикқа, қийноқларга ва бошқа шу каби азобларга дучор қилинмаслиги керак. Ҳеч ким ўзининг розилигисиз тиббий, илмий ва бошқа шу каби тажрибаларга дучор қилинишга йўл қўйилмайди.

**ШВЕЙЦАРИЯ (Швейцария Конфедерацияси)** – Марказий Европада жойлашган давлат. Пойтахти – Берн шаҳри.

Давлат тузилиши шакли – федератив давлат. «Конфедерация» номи – 1848 й. Конституциясини маъқуллаш чоғида эришилган, Франция инқилоби таъсирида 1798 й. эълон қилинган унитар Гельветия Республикаси (1803 йилда бекор қилинган) тарафдорлари ва 1815 йилги Иттифок тўғрисидаги Шартномага биноан тузилган мустақил кантонлар иттифоқи тарафдорлари ўртасида муроасага келиш натижаси. Ҳозирда амалда бўлган 1874 й. Конституцияси (3-моддаси)га мувофиқ: «Кантонлар федерал конституцияда белгиланган даражада мустақилдир. Улар федерал ҳокимиятга берилмаган барча ваколатларни амалга оширади». Бу **Ш.ни** айнан федератив давлат, шартномавий эмас, балки конституциявий федерация деб тавсифлаш имконини беради.

Худудий жиҳатдан **Ш.** 23 кантонга бўлинади (номлар айни кантон аҳолисининг аксарияти сўзлашадиган тилга мувофиқ берилган): Ааргау, Аппенцелль, Базель, Берн, Вале, Во, Гларус, Граубюнден, Женева, Золотурн, Люцерн, Невшатель, Санкт-Галлен, Тичино, Тургау, Унтервальден, Ури, Фрибург, Цуг, Цюрих, Шафхаузен, Швиц, Юра. Ҳар бир кантон ўз Конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга. Кантонлар ўз ваколоти доирасида қонун ҳужжатлари чиқаради.

Давлат бошлиғи – президент. У Федерал йиғилиш (парламент) томонидан Федерал кенгаш (ҳукумат) аъзолари орасидан 1 йил муддатга сайланади. Президент навбатдаги муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Одатда мазкур лавозимга турли кантонларнинг вакиллари навбатма-навбат сайланади. Президент билан бир вақтда, қонда тарикасида, бошқа лисоний ва диний бирлик вакили бўлган вице-президент ҳам сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни федерал миқёсда Федерал йиғилиш амалга оширади. У икки палата: Кантонлар кенгаши (юқори палата) ва Миллий кенгаш (қуйи палата)дан ташкил топади. Кантонлар кенгаши 49 депутатдан таркиб топади (ҳар бир кантон иккитадан депутат сайлайди). Миллий кенгаш умумий сайловда тенг вакиллик асосида тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайландиган 200 депутатдан таркиб топади. Парламент ваколатига, қонун ижодкорлиги фаолиятдан ташқари, ҳукумат, Федерал суд, канцлер, кўшин бош қўмондонини сайлаш, шунингдек кантонларнинг консти-



туцияларини маъқуллаш, кантонлар ўзларининг федерация аъзоси сифатидаги мажбуриятларини бажаришлари устидан назорат қилиш киради.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент бошчилигидаги Федерал кенгаш – ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат таркибига иттифок асосида 7 федерал маслаҳатчи (вазирлар) киради. Улар департаментларнинг бошлиқлари ҳисобланади. Ҳукумат таркибига вице-президент ҳам киради. У департаментлардан бирига раҳбарлик қилади. Ҳукумат парламент томонидан 4 йил муддатга сайланади. Одатдаги ҳукумат ваколатларидан ташқари, Федерал кенгаш кантонлар ўртасида шу жумладан федерал қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан чиққан баҳсларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга. У шунингдек Федерал йиғилиш палаталари ёки кантонларнинг қонунчилик органлари томонидан киритилган қонун лойиҳалари бўйича хулосалар ҳам беради.

Суд тизими федерал судни ва кантонларнинг судларини ўз ичига олади. Барча аъзолари Федерал йиғилиш томонидан сайланадиган Федерал суд ҳуқуқ соҳалари бўйича бир нечта палатадан ташкил топади. Унга конституциявий юрисдикция вазифалари ҳам юкланган. Ижтимоий суғурта бўйича Федерал суд алоҳида палата тарикасида фаолият кўрсатади.

Кантонларнинг суд органлари ташкилий жиҳатдан ҳар хил бўлиб, маҳаллий анъаналардан келиб чиқиб тузилади. Уларнинг таркибидан келиштирувчи судьялар, полиция судлари, ахлоқ тузатиш трибуналлари ва б. фаолият кўрсатади. Бир қанча кантонларда судларни халқ сайлайди. Келиштирувчи судья лавозимига юридик маълумотга эга бўлмаган шахс сайланиши ҳам мумкин. Аммо тергов ва химоя профессионал асосда амалга оширилади.

**ШВЕЦИЯ (Швеция Қиролиги)** – Шимолий Европада жойлашган давлат. Европа Иттифоқи аъзоси (1995 й.дан). Пойтахти – Стокгольм шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 25 губерния (лен)га бўлинади. Пойтахт шаҳарга ҳам лен мақоми берилган.

Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Конституция (1975 й. 1 январда қучга кирган) уч қонун: Давлат бошқаруви шакли тўғрисидаги Қонун, Тахт ворислиги тўғрисидаги Қонун ҳамда Матбуот эркинлиги тўғрисидаги Қонундан ташкил топади (1979 й. Тахт ворислиги тўғрисидаги Қонунга, 1994 й. эса – Давлат бошқаруви шакли тўғрисидаги Қонунга тузатиш киритилган).

Лютеранлар черкови давлатдан ажратилмаган.

Давлат бошлиги – қирол. Тахт, Қонунга 1994 й. киритилган тузатишга мувофиқ, эркак ёки аёл шажарасидаги 18 ёшга тўлган ворисга мерос қолдирилади. 1973 йил 15 сентябрда тахтга Бернадоттлар сулоласидан бўлган Қирол Карл XVI Густав ўтирган. Қирол парламент сессияларини очади ва протоколда белгиланган бошқа мажбуриятлар-

ни бажаради. У ҳукумат аъзоларини тайинламайди, парламентни тарқатиб юбориш ёки қонун лойиҳасини қайтариш ҳуқуқига эга эмас.

Бир палатали парламент — Рикстаг қонун чиқарувчи ҳокимият олий органи, ўз ваколатлари ҳажмига кўра эса — давлат ҳокимияти олий органи ҳисобланади. Рикстаг умумий сайловда тенг вакиллик асосида тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланадиган 349 депутатдан таркиб топади (партия рўйхати парламентга ўтиши учун мамлакатдаги сайловчилар умумий сонининг камида 4% овозини ёки исталган сайлов округидаги сайловчиларнинг 12% овозини тўплаши лозим). Рикстаг, қонун ижодкорлиги ваколатларидан ташқари, иктисодий сиёсат, солиққа тортиш, ҳукумат, маъмурий органлар ва судлар фаолияти устидан назорат қилиш соҳаларида ҳам катта ҳуқуқларга эга. Парламент ўз депутатлари орасидан ҳукумат фаолиятини назорат қилувчи Конституциявий комиссияни тузади.

Ҳукумат ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. У, Давлат бошқаруви шакли тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, ички ва ташқи сиёсатни белгилайди, қуроли кучларга раҳбарликни амалга оширади, олий мансабдор шахслар ва судьяларни тайинлайди. Бош вазир парламент томонидан унинг спикери таклифига биноан сайланади. Спикер Бош вазир номзодини фракциялар билан бамаъназ киритади. Ҳукумат аъзоларининг номзодларини сайланган бош вазир таклиф қилади, аммо номзодларни парламент тасдиқлайди.

Мамлакатда амалда бўлган ҳокимиятни тақсимлаш тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳукуматга Рикстагни тарқатиб юбориш ҳуқуқи берилган. Аммо Рикстаг ҳам Конституциявий комиссиянинг ташаббусига кўра ҳукуматни тарқатиб юбориш ёки ҳукуматнинг айрим аъзоларига қарши таъкиб иши кўзга ҳуқуқига эга.

Мамлакатнинг суд тизимини уч бўлимдан ташкил топган Олий суд бошқаради. Ишларнинг асосий қисми олти апелляция суди ва юзга яқин округ судларида кўрилади. Олий маъмурий суд бошчилигидаги ривожланган маъмурий судлар тизими, шунингдек (меҳнат муносабатлари, уй-жой масалалари, ижтимоий суғурта ва ҳ.к. билан шуғулланувчи) махсус судлар ҳам фаолият кўрсатади.

1809 й.дан адлия омбудсмани — Рикстаг вакиллари (улар ҳозир тўртта) лавозими жорий этилган бўлиб, улар 4 йил муддатга сайланади. Адлия омбудсмани мансабдор шахслар ва давлат идоралари томонидан қонунга риоя этилишини, шунингдек одил судловнинг амалга оширилишини кузатиб борадилар.

**ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ** — ЎзР фуқаросига берилган мурожаат қилиш ҳуқуқининг бир қисми. (қarang: ЎзР фуқароларининг мурожаат қилиш ҳуқуқи).

Яшаш ҳуқуқи — инсоннинг энг асосий, ҳам табиий, ҳам ижтимоий ҳуқуқи. Халқаро ҳуқуқ ҳамда демократик давлатлар конституцияларида химояга олинади. Ҳар бир давлатда яшаш ҳуқуқига ўзига хос

ёндашилади. Жумладан, Австрия, Австралия, Германия, Франция ва шу каби 40 дан зиёд давлатларда инсоннинг яшаш ҳуқуқи давлат томонидан ўлим жазосини олиб ташлаш билан таъминланган бўлса, айрим давлатларда ўлим жазоси сақланган ҳолда уни зарур ҳолларда айрим оғир жиноятлар учун қўллаш ва энг асосийси, ғайриқонунийликка йўл қўймаган ҳолда жорий этиш орқали кафолатланади. ЎзР Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», – деб қайд этилган. Шу билан бирга, ЎзР нинг Жиноят Кодекси бўйича (51-модда) ўлим жазоси айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш каби оғир жиноятларга нисбатан қўлланиши белгилаб қўйилган.

**ШИКОЯТ** – фуқароларнинг давлат органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш турларидан биридир (мурожаатнинг бошқа турларига таклифлар, аризалар тавсияномалар кириши мумкин).

Шикоят муаллиф томонидан унинг ҳуқуқ ва манфаатлари мансабдор шахс ва бошқа органлар томонидан бузилган тақдирдагина берилади.

Шикоятдан мақсад фуқароларнинг қонуний манфаатларини қайта тиклашдан иборат бўлади. Шикоятни бериш орқали РФ Конституциясининг 33-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги ҳуқуқи амалга оширилади.

Жиноят ва фуқаролик процессул ҳуқуқида судлар томонидан қабул қилинган қарорларга нисбатан шикоят беришнинг махсус тартиби мавжуд (қаранг: Кассацион шикоят, кассация).

**ШИМОЛИЙ ОСЕТИЯ – АЛАНИЯ** – Россия Федерацияси таркибидаги давлат. 1994 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган Конституцияга мувофиқ **Ш.О. – А.** – кўп миллатли халқнинг хоҳиш-истаклари ва манфаатларини ифодаловчи ҳуқуқий демократик давлатдир. Конституцияни 61-моддасига мувофиқ **Ш.О. – А.** РФ таркибидаги суверен давлатдир. Давлат тили осетин ва рус тилидир. Пойтахти – Владикавказ (Дзауджикау) шаҳридир.

Шимолий Осетиядан ташқари Грузия давлати таркибига кирувчи Жанубий Осетия ҳам мавжуд. **Ш.О. – А.** давлатининг Конституциясига мувофиқ (16-модда), унинг Жанубий Осетия Республикаси билан муносабати этник, миллий, тарихий-худудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий интеграция асосида ташкил этилади.

**Ш.О. – А.** парламенти – Олий Кенгаш – вакиллик ва қонун чиқарувчи орган бўлиб ҳисобланади. Парламент тўрт йил муддатга сайланадиган 75 депутатдан иборат. Парламент доимий равишда фаолият юритадиган профессионал депутатлардан иборат.

Парламент **Ш.О. – А.** Конституциясини қабул қилади ва унга

тузатиш ва ўзгартиришлар киритади, **Ш.О.** — **А.** қонунларини қабул қилади ва унинг бажарилишини устидан назоратни олиб боради; Конституция ва қонунларга шарҳ беради; республика бюджетини тасдиқлайди ва уни бажарилишини назорат қилади; республиканинг солиқлари ва бошқа мажбурий тўлов ҳамда йиғимларини ўрнатади; республиканинг маъмурий-худудий тузилишини белгилаб беради; маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайловларни, референдумларни тайинлайди; **Ш.О.** — **А.** Президенти сайловини тайинлайди ва уни лавозимидан кетиш масаласини кўриб чиқади; Президентни **Ш.О.** — **А.** Ҳукумати Раисини тайинлашига розилик беради; Ҳукумат фаолият дастурини тасдиқлайди, Ҳукуматга ишонч билдирилиши масаласини ҳал этади; **Ш.О.** — **А.** Конституциявий назорат Кўмитаси (КНҚ) Раисини, Раис ўринбосарини лавозимига тайинлайди ва унинг аъзоларини белгилаб беради; **Ш.О.** — **А.** Президентининг фавқулодда ҳолатларни жорий қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлайди; Конституциявий назорат кўмитасининг ҳулосасига кўра Президентини **Ш.О.** — **А.** Конституцияси ва қонунларига зид келувчи фармон ва қарорларини тўхтатиб қўяди ёки бекор қилади; Россия федерацияси ва унинг субъектлари билан чет давлатлар билан ва халқаро ташкилотлар билан тузилган шартномаларни ратификация ва денонсация қилади; **Ш.О.** — **А.** ҳудудда ҳарбий тузилмаларни дислокация қилинишига розилик беради ва ҳоказо.

**Ш.О.** — **А.** Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи бўлиб ҳисобланади. **Ш.О.** — **А.** Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, осетии ва рус тилини яхши биладиган, сайлов ҳуқуқига эга **Ш.О.** — **А.** фуқароси сайланиши мумкин. Президентлик муддати тўрт йил бўлиб, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, **Ш.О.** — **А.** Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. У Конституцияда ўрнатилган тартибда **Ш.О.** — **А.** Республикасининг суверенитети, хавфсизлик ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради; мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда **Ш.О.** — **А.** номидан иш кўради.

**Ш.О.** — **А.** Президенти ижроия ҳокимияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади ва ҳукумат мажлисларида раислик қилади; Парламентни розилиги асосида **Ш.О.** — **А.** Ҳукумати Раисини тайинлайди; Ҳукумат Раиси ўринбосарларини, вазирларини, давлат комитети раисларини ва бошқа мансабдор шахсларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; **Ш.О.** — **А.** Ҳукуматини истеъфоси тўғрисидаги қарорни қабул қилади; **Ш.О.** — **А.** конституциявий назорат кўмитасини (к.н.к) таркибига номзодларни Парламентга тақдим қилади; Парламентга сайловларни тайинлайди; Конституцияда

кўрсатилган ҳолатларда парламентни тарқатиб юборади; **Ш.О. — А.** референдумини тайинлайди; Президент қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, **Ш.О. — А.** қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлади; бир йилда бир марта республикадаги аҳвол тўғрисида **Ш.О. — А.** Парламентига ўз докладини тақдим қилади; халққа ва **Ш.О. — А.** Парламентига мурожаат билан чиқади; чет давлатлар билан музокаралар олиб боради ва давлатларaro шартнома ва келишувларни имзолайди; **Ш.О. — А.** Конституциясига зид бўлган ижро этувчи ҳокимият органларининг актларни тўхта-тиб қўяди ёки бекор қилади; **Ш.О. — А.** республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат режим жорий этади ва бекор қилади.

**Ш.О. — А.** Президенти Конституцияга мувофиқ **Ш.О. — А.** Парламенти конституциявий тузумни кўриб чиқиш масаласини кўтариб чиқмоқчи бўлса, уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга ва Президент Конституцияни биринчи бўлимига тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонунни янги сайланган Парламентга тақдим этади. Агар Парламент Конституция қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш лозим деб топса, Президент Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлмайди ва қонун ўз кучида қолади.

**Ш.О. — А.** Ҳукумати Конституцияга кўра республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши учун масъулдир, шунингдек Парламент республика мулкани бошқаради ва қўйи турувчи ижро этувчи ҳокимият органларига раҳбарликни амалга оширади.

**Ш.О. — А.** республикасининг конституциявий назорат органи бўлиб конституциявий назорат қўмитаси (КНҚ) ҳисобланади. Конституциявий назорат қўмитаси **Ш.О. — А.** Парламенти чиқарган қонунларни ва бошқа норматив актларни, Президентнинг фармонлари ва фармойишларини, ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишларини, вазирларнинг чиқарган ҳужжатларини, давлат қўмиталарини, давлат ҳокимиятининг бошқа органларини ва жамоат бирлашмаларининг, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг ҳужжатларини Конституцияга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги ўз хулосаларини ва қарорларини чиқаради **Ш.О. — А.** Президенти ёки Парламенти томонидан чиқарилган ҳужжатларини Конституцияга мувофиқ эмаслиги тўғрисида конституциявий назорат қўмитасининг хулосалари уларнинг эгаларига йўл қўйилган ҳатоларни тузатиш учун қайтариб юборилади. Бошқа ҳужжатлар бўйича чиқарилган Конституциявий назорат қўмитасининг хулосалари эълон қилингандан сўнг мазкур актлар ўз кучини йўқотади.

**Ш.О. — А.** да одил судлов Олий суд, Ҳакам суди, район (шаҳар) ва бошқа судлар томонидан амалга оширилади. Қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура томонидан амалга оширилади.

**Ш.О. — А.** Конституциясида маҳаллий ҳокимият органларига ҳам

алоҳида боб ажратган. Маҳаллий ҳокимият органлари **Ш.О. — А.** республикаси қонунларини, Президентини фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

**ШРИ-ЛАНКА (Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси, собиқ Цейлон)** — Жанубий Осиёда, Ҳинд океанидаги Цейлон оролида жойлашган давлат. 1948 й. 4 февралда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти — Коломбо шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 8 провинцияга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1978 й. 7 сентябрда қабул қилинган. Конституцияга кейинчалик ўзгартишлар киритилган.

Бошқарув шакли — республика (1972 й. 22 майдан; 1978 й. 7 сентябрда ҳозирги номи қабул қилган).

Давлат бошлиғи — президент. У умумий сайловда 6 йил муддатга сайланади. Парламент тенг вакиллик асосида 5 йил муддатга сайланган 225 депутатдан таркиб топади. Ҳукумат президент томонидан партиялар иттифоқи негизида тузилади ҳамда бош вазир томонидан бошқарилади.

1994 й. ноябрда президентликка Чандрике Кумаратунге сайланган, унинг онаси — Сиримаво Бандаранайке Бош вазир этиб тайинланган. Мудофаа, молия, режани бажариш, миллатлар ишлари бўйича вазир лавозимларини президент эгаллаган.

Конституциявий ислохотларни амалга ошириш: президент институтини тугатиш, бош вазир парламент олдида жавобгар бўладиган парламент бошқаруви шаклини жорий этиш мўлжалланмоқда.

Сингаллар ва тамиллар ўртасидаги миллий можаро негизида 70-йиллар бошидан эътиборан вақти-вақти билан қуролли тўқнашувлар ва террорчилик акллари содир бўлиб туради. Миллий тамил давлатини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Тамил Илама» сепаратистик ҳаракати юзага келди.

**ШТАТ** — айрим давлатлар (АҚШ, Ҳиндистон, Бразилия, Мексика ва б.)да федерация субъектининг номи.

**ЭГРИ САЙЛОВЛАР** — одатда кўп босқичли бўлиб, бунда сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг хоҳиш иродаси махсус шахслар — «Сайловчилар» ёки махсус органлар воситасида ифодаланади. Эгри сайловларда фуқаролар номзодга эмас, балки махсус шахслар ёки органларга овоз берадилар улар эса ўз навбатида муайян лавозимга қўйилган номзодни сайлайдилар. Бу сайлов усули қатор мамлакатлар парламентининг юқори палатаси (одатда, сенат)га бўлган сайловларда қўлланилади (Франция, Ҳиндистон, Малайзия ва бошқалар). Эгри сайловлар АҚШ ва Аргентина президентлигига бўладиган сайловларда ҳам қўлланилиб, президентлик сайловида бу усулни қўлланилиши-

нинг характерли жиҳати шундаки, сайловчи ва номзод ўртасидаги оралик инстанция – махсус шахсларнинг шахсий сифатлари эмас, балки партиявий мансублиги жуда катта аҳамиятга эга.

ЎзРда Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат аъзолигига номзодлар ўз лавозимларига эгри сайловлар орқали эришадилар, яъни Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

**ЭКВАДОР (Эквадор Республикаси)** – Жанубий Американинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. 1809 й. 10 августда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Кито шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 21 провинцияга бўлинади. Тинч океанидаги Колон архипелаги (Галапагос ороллари) ҳам унинг провинцияларидан бири ҳисобланади.

Амалдаги Конституцияси 1979 й. 10 августда қабул қилинган. Конституцияга кейинчалик ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент 4 йил муддатга сайланади. У навбатдаги муддатга сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Президент билан бир вақтда вице-президент ҳам сайланади.

Бир палатали парламент – Миллий конгресс 82 депутатдан таркиб топади. Депутатлардан 70 нафари провинцияларнинг вакиллари бўлиб, улар 2 йил муддатга, бутун миллат вакиллари мақомига эга бўлган 12 депутат эса – 4 йил муддатга сайланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни президент амалга оширади. Президент ҳуқуқатни тузади ва унга раҳбарлик қилади.

**ЭКВАТОРИАЛ ГВИНЕЯ (Экваториал Гвинея Республикаси)** – Экваториал Африкада жойлашган давлат. 1968 й.гача – Испания мулки (Рио-Мунининг китъадаги қисми, ороллар, уларнинг энг йириги – Фернандо-По ороли). 1968 й. 12 октябрда мустақил деб эълон қилинган. Пойтахти – Малабо шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 7 провинцияга бўлинади.

Мамлакатда бир неча ўн йилликлар мобайнида ҳарбий диктатуралар ва бир партияли тузум ҳукм сурди. Эндиликда мамлакат демократлаштириш йўлидан бораётир. Амалдаги Конституция 1991 й. 17 ноябрь референдумида маъқулланган. У президент ҳокимияти ва ижро этувчи ҳокимиятни тақсимлашни назарда тутди. Мамлакат президенти

умумий сайловда 7 йил муддатга сайланади. Парламент – Халқ вакиллари палатаси 5 йил муддатга сайланадиган 80 депутатдан таркиб топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**ЭЛЕКТОРАТ** – давлат, маъмурий-худудий бирлик, сайлов округи барча сайловчиларининг умумлаштирилган номи. Бундан ташқари, мазкур тушунча муайян депутатни, сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсни қўллаб-қувватловчи сайловчиларни англатиши ҳам мумкин (инглизчадан таржимада «electorate» сайловчилар контингенти, сайлов корпуси деган маънони билдиради).

**ЭЛЧИ** – давлатнинг бошқа давлатдаги ёки халқаро ташкилотдаги дипломатик вакили, Элчихонага – бошқа давлатдаги тегишли дипломатия муассасига, ёки халқаро ташкилотдаги ваколатхонага бошчилик қилади. Э. дипломатик ваколатхоналари бошлиқларининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Фавқулотда ва мухтор элчи унвони ЎзР Президентининг фармони асосида берилади. ЎзР Президенти республика Конституциясига 2003 йил 24 апрелда киритилган ўзгартиришларга биноан (93-модда, 6 банд) ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларини ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади. Сенат розилик бергандан сўн, Э.ни республика Президенти тайинлайди. Э. тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунга қадар борадиган давлат раҳбарига топшириш учун Президент томонидан имзоланган ишонч ёрлиғи тайёрланади.

**ЭРИТРЕЯ (Эритрея Давлати)** – Шимоли-шарқий Африкада жойлашган давлат. 1993 й. 24 майда мустақил деб эълон қилинган.

1993 й.гача Э. Эфиопия таркибида бўлган. У мазкур давлатга БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига биноан 1952 й.да автоном вилоят ҳукукида қўшиб олинган эди. Федерал мақоми тугатилганидан кейин Э.да 1962 й. ноябрда Эритреяни озод қилиш fronti раҳбарлигида озодлик ҳаракати авж олди. Мазкур Фронт 1991 й.гача мамлакатнинг асосий қисмини озод қилди. Пойтахти – Асмара шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 6 вилоятга бўлинади.

1993 й. 23–25 апрель кунлари халқаро кузатув остида бўлиб ўтган референдумда иштирокчиларнинг 98,5% Э.нинг озодлиги учун овоз бердилар.

Конституциявий ассамблея Э. Конституциясини ишлаб чиқди. Конституция 1997 й. 24 майда Таъсис мажлиси томонидан тасдиқланди. Конституцияда Э. президенти ва парламенти умумий сайловини ўтказиш назарда тутилган.

Мамлакатда ижро этувчи ҳокимиятни президент бошчилигидаги Давлат кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА** – қаранг: муҳим иқтисодий зона.

**Эркин мандат** – қаранг: депутат.



**ЭРКИНЛИК** – 1) фалсафий ва ҳуқуқий категория бўлиб, индивид ёки ташкилот томонидан ўз ҳаёт тарзи ёки фаолият юритиш тартибини ҳеч бир қоида ёки нормага боғламасдан ўзлари белгилайдилар;

2) конституция ёки бошқа бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилган нормага мувофиқ инсонларнинг ёки ташкилотларнинг хатти-ҳаракати имкониятидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», – деб номланади.

Асосий конституциявий «ҳуқуқ» ва асосий конституциявий «эркинлик» тушунчаларини ўзаро нисбати ҳақида сўз юритилганда, ҳуқуқ ва эркинлик шахснинг маълум ҳулқ атворидир дейиш мақсадга мувофиқдир. Яъни «ҳуқуқ» ва «эркинлик» ўртасидаги чегара шартли равишда қўлланилади. «Ҳуқуқ» юридик жихатдан аниқ ифодаланган категориядир. «Эркинлик» тушунчаси кенг маънога эга тушунча бўлиб, уни ифода этиш вариантлари турличадир. Масалан, эркинликни юридик жихатдан мустаҳкамлаб қўйиш (ҳар кимнинг фикрлаш, суд ва эътиқод эркинлиги), ёки мустаҳкамлашнинг иложи бўлмаслиги (дўстона учрашувларда, оилада) мумкин.

Баъзи бир ҳолатларда «ҳуқуқ» ва «эркинлик» тушунчалари биргаликда ишлатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига қўра «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Конституциянинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга»лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

**ЭРОН (ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ)** – Осиёнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Пойтахти – Техрон шаҳри.

Маъмурий бўлиниши кўп поғонали. Мамлакат ҳудуди: 25 та вилоят (остан)га, улар Шахристонларга (губерния), бахшиларга (уезд), дихестонларга (волост) бўлинади.

1979 йил декабрдаги референдумда тасдиқланган Конституция амал қилади. Унга 1989 йилда ўзгартиришлар киритилган. Конституцияга асосан Эрон – Ислом Республикаси. 1979 йилгача Конституцион монархия бўлган. 1979 йил февралда 37 йил бошқарувдан сўнг шох Ризо Пахлавий афдариб ташланган ва 1906 йилги Конституция бекор қилинган.

Конституцияга биноан мамлакатда олий шахс – мамлакат мусулмон жамоалари ғоявий бошлиғи ҳисобланувчи шахс Эрон Ислом Республикаси раҳбаридир. Олий мансабдор шахс Президент ҳисобланиб, у умумий, тўғри сайлов асосида 4 йилга сайланади. Бир шахс фақат яна бир марта янги муддатга сайланиши мумкин. Мамлакатда биринчи вице-президент ва бир неча вице-президент лавозимлари мавжуд.

Конунчилик органи – Ислом Кенгаши Мажлиси, у 279 та аъзодан иборат 4 йил муддатга умумий сайлов асосида сайланади.

Ижроия ҳокимият президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат Эрон Ислом Республикаси раҳбари олдида жавобгар. Ҳукуматни Президент шакллантиради ва бошқаради.

Суд органлари ва адлия органлари диний арбоблар томонидан бошқарилади. Суд ҳокимияти раиси, Олий Суд Раиси ва Бош Прокурор лавозимлари жорий қилинган.

**ЭСТОНИЯ (Эстония Республикаси)** – Европанинг шимоли-ғарбий қисмида, Болтиқ денгизи бўйида жойлашган давлат. XIII–XVI асрларда – Германия, сўнгра – Швеция мулки. 1712 й.дан – Россия империяси таркибида. 1918 й. 24 февралда мамлакат мустақил деб эълон қилинган (**Э. ни** оккупация қилган Германия таслим бўлганидан кейин 1918 й. 11 ноябрда тасдиқланган). 1940 й. 17 июнда мамлакатга совет қўшинлари киритилди (расман – 1939 й. 28 сентябрда тузилган ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномага кўра). 1940 йил 21 июль куни (1940 й. 14-15 июлда сайланган) Эстония Давлат Думаси Эстония Совет Социалистик Республикаси ташкил топганини эълон қилди. 1940 й. 6 августда **Э. СССР** таркибига қабул қилинди.

1990 й. 8 майда Олий Кенгаш Эстония Республикасини эълон қилди, 1990 й. 7 августда эса 1940 й.да Эстониянинг СССРга қўшиб олинишини ҳақиқий эмас деб топди. 1991 й. 3 мартда бўлиб ўтган референдумда иштирокчиларнинг 77% СССР таркибидан чиқишни ёқлаб овоз берди. 1991 й. 6 сентябрда СССР Давлат Кенгаши Эстония Республикасининг мустақиллигини тан олди.

Пойтахти – Таллин шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 15 уездга, уездлар – волостларга ҳамда марказга бўйсунадиган 6 шаҳарга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1992 й. 28 июнда бўлиб ўтган референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи – президент парламент ёки сайловчилар коллегияси томонидан 5 йил муддатга сайланади. У яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин.

Бир палатали парламент – Рийгикогу (Давлат йиғилиши) умумий сайловда 4 йил муддатга сайланадиган 101 депутатдан таркиб топади (биринчи қақриқ истисно тариқасида 3 йил муддатга сайланади).

Ижро этувчи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Бош вазир парламентнинг розилиги билан президент томонидан тайинланади. Ҳукумат партиялар иттифоқи негизида тузилади.

**ЭТНИК БИРЛИК** – айрим ижтимоий фанларда қўлланиладиган тушунча. Аста-секин конституциявий атамалар орасига кириб келмоқда.

Миллат, халқ, қабилани – умумий тил, маънавият, маданият, ижтимоий-психологик хусусиятлар (менталитет)га, аксарият холлар-

да турмуш тарзи ва ҳудудий бирликка асосланган кишилар бирлашмасини **Э.б.** деб аташ мумкин.

**ЭФИОПИЯ (1995 й.дан — Эфиопия Демократик Республикаси; аввалги номлари: Абиссиния, Эфиопия, Социалистик Эфиопия, Эфиопия Халқ Демократик Республикаси)** — Шимол-шарқий Африкада жойлашган, XIII асрда ташкил топган давлат. 1974 й.гача — жаҳоннинг энг қадимги монархияларидан бири. Пойтахти — Аддис-Абеба шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 9 штатга бўлинади.

1930 й. тахтга ўтирган Император Хайле Селасие I ҳокимияти 1974 й. 12 сентябрда ағдарилганидан кейин 1955 й. Конституциясининг амал қилиши тўхтатиб қўйилди. Бутун ҳокимият Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш қўлига ўтди. 1977 й. 12 февралда подполковник Менгисту Хайле Мариам мазкур кенгашнинг Раиси этиб тайинланди (кейинчалик у президент деб эълон қилинди). 1991 й. 21 майда М.Х. Мариам истеъфо бериш ва мамлакатни тарқатишга мажбур бўлди. Ҳокимият Эфиопия халқлари Инқилобий-демократик фронтининг қўлига ўтди. Мазкур фронт мамлакат ички ҳаётини барқарорлаштириш ва ўтиш даврини таъминлаш йўлини танлади.

1995 й. кўп партияли асосда парламент сайлови ўтказилди, янги Конституция маъқулланди.

Конституцияга кўра **Э.** — республика бошқарув шаклига эга федератив давлат. Давлат бошлиғи — президент — парламент палаталарининг кўшма мажлисида 5 йил муддатга сайланади.

Парламент — Федерал йиғилиш — икки палатадан ташкил топади. Юқори палата — Федерация кенгаши — конунчилик ваколатларига эга бўлмаган 155 аъзодан иборат. Қуйи палата — Халқ вакиллари кенгаши — умумий сайловда 5 йил муддатга сайланадиган 548 депутатдан таркиб топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Федерал йиғилиш олдида жавобгар бўлган ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат бошлиғи — Бош вазир парламент палаталарининг кўшма мажлисида сайланади.

**ЭЪТИҚОД** — конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларда бошқа сўзлар билан бирикмада, хусусан диндорларнинг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаб қўйишда қўлланиладиган сўз.

**ЮГОСЛАВИЯ (Югославия Иттифок Республикаси)** — Марказий Европада жойлашган давлат. 1991-1992 й.ларда Югославия Социалистик Федератив Республикаси амалда парчаланиб кетганидан сўнг, Сербия ва Черногория раҳбарларининг 1992 й. 12 февралда бўлиб ўтган учрашувида Югославиянинг ягона давлатга бирлашган икки республика иттифоқи шаклидаги халқаро ҳуқуқ субъекти мақомини сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пойтахти — Белград шаҳри.

Давлат тузилиши шакли – тенг ҳуқуқли икки республика иттифок давлати.

Маъмурий жиҳатдан 2 республикага ҳамда Сербия Республикаси таркибидаги 2 автоном ўлка: Воеводина Автоном ўлкаси ҳамда Косово ва Метохия Автоном ўлкасига бўлинади (Косово ва Метохия ўз конун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига эга эмас). Сербия Республикаси туманлар (срезлар) ва жамоаларга, Черногория Республикаси эса – фақат жамоаларга бўлинади. Ҳар бир иттифокдош республикани президент ҳамда конун чиқарувчи орган – Скупшина бошқаради.

Янги давлатнинг Конституцияси 1992 й. 27 апрелда қабул қилинган. Иттифок давлати бошлиғи – президент – иттифок парламенти-нинг йиғилишида 4 йил муддатга сайланади. Парламенти – скупшина – икки палатали. Юқори палата – Республика вечи республикалар парламентлари депутатларининг 40 нафар вакилидан (ҳар бир республикадан 20 тадан) таркиб топади. Қуйи палата – Фуқаролар вечиси ҳар 65 мингта сайловчидан 1 нафар депутат вакиллик нормасига кўра сайланадиган 138 депутатдан таркиб топади.

Бош вазир президент томонидан сайланади ва парламент тасдиғидан ўтади. Ҳуқуматни Бош вазир партиялар иттифоқи негизда тузади.

**ЮРИДИК ЁРДАМ** – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериш. ЎзР Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши лозим. Мазкур конституциявий қоида замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини таъминлашга улар омилкорлик билан, малакали амалга оширилган тақдирдагина эришиш мумкин, деган принцип ётади.

**Ю.ё.** кенг фаолият доирасини қамраб олганлиги туфайли (қ.: *Адвокат*), уни яхши тайёргарликдан ўтган, малакали юристлар кўрсатиши мумкин. Яқин вақтгача **Ю.ё.**, қоида тариқасида, турли даражадаги давлат муассасаларида, корхоналарда ва жамоат бирлашмаларида тузилган ҳуқуқ хизматлари (юридик маслаҳатлар)нинг адвокатлари ва юристлари томонидан мувофиқ даражада кўрсатилар эди. Аммо бозор муносабатлари ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, бунинг оқибати ўлароқ, юридик хизматларга бўлган талабнинг ортиши натижасида мазкур соҳага турли тижорат ташкилотлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, айрим ҳолларда эса – хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган алоҳида шахслар кириб кела бошладилар.

**ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК** – умумижтимоий жавобгарликнинг шаклларида (ёки турларидан) бири (жавобгарликнинг сиёсий, миллий, тарихий, партиявий ва бошқа кўплаб турларини ҳам ўз ичига олади).

Ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларнинг ишларида ва чет эл юридик адабиётларида **Ю.ж.** тушунчасининг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Баъзан у «ҳуқуқбузарнинг хулқ-атворини юридик нуқтаи-назардан ва жамоатчилик томонидан қоралашга асосланган, маъмур шахсга нисбатан шахсий ва мулкӣ йўсиндаги чеклашлар шаклида маълум оқибатларнинг белгиланишида ифодаланадиган давлат мажбурлов чораси», деб таърифланади. Бошқаларнинг фикрига кўра, **Ю.ж.** — «давлатнинг махсус органлари ва содир этган ҳуқуқбузарлиги учун тегишли ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш мажбурияти юкланган ҳуқуқбузар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабат». **Ю.ж.га** шунингдек «ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонунда назарда тутилган мажбурлов чораларини бунинг учун белгиланган процессуал тартибда қўллаш» деб ҳам қаралади.

Шу билан бирга, **Ю.ж.**, жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ҳар доим давлат томонидан мажбурлаш, ҳуқуқбузарга нисбатан қонунда белгиланган жазоларни амалда қўллаш билан боғлиқлиги умумий эътироф этилган. **Ю.ж.** қонунни бузган шахснинг хулқ-атвори нафақат жамоатчилик, балки давлат ҳуқуқи томонидан ҳам қораланишига, ҳуқуқбузар учун шахсий ёки мулкӣ йўсиндаги чеклашлар шаклида салбий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. **Ю.ж.** ҳар доим давлат (ваколатли органлар: суд, прокуратура, милиция ва б. шахсида) ва ҳуқуқбузар ўртасида ўрнатилувчи ижтимоий муносабат шаклида келиб чиқади. Бунда давлат ваколатли томон, ҳуқуқбузар эса — бурчли томон ҳисобланади.

**Ю.ж.нинг** юзага келиши ва уни амалда рўёбга чиқариш учун қонунда назарда тутилган маълум асослар ва шартлар тақозо этилади. ЎЗРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқбузарлик содир этиш **Ю.ж.** учун асос бўлади. Шахснинг хулқ-атворида ҳуқуқбузарликнинг битта белгиси бўлмаса ҳам **Ю.ж.** келиб чиқмайди.

Алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳаракатларида ҳуқуқбузарликнинг барча аломатлари — унинг объекти, субъекти, объектив ва субъектив томонлари мавжудлиги **Ю.ж.нинг** хусусияти ва даражаси тўғрисидаги масалани ҳал қилишда анча муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бирини инobatга олиш ҳуқуқбузарликни аниқлашда, шунингдек уни содир этганлик учун жазо чорасини белгилашда хатоларга йўл қўймаслик имконини беради.

Ўз мазмунига кўра **Ю.ж.** содир этилган ҳуқуқбузарлик учун айбдор шахсга жарима солиш, унга жазо бериш шаклида ёки унга, бу мумкин бўлган ҳолларда, қонунга ҳилоф равишда бузилган ҳуқуқларни ва илгари мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни тиклаш мажбурияти юкланади. Ҳуқуқнинг айрим соҳаларида (масалан, жиноят ҳуқуқи ёки маъмурий ҳуқуқда) асосий урғу жарима солиш, жазо тайинлашга берилса, бошқа соҳаларда (масалан, фуқаролик ёки тижорат ҳуқуқида) — ҳуқуқни тиклаш санкцияларига берилади.

**Ю.ж.** муайян ҳуқуқ тизими доирасида белгиланган принципларга катъий мувофиқ равишда рўёбга чиқарилади. Улар орасида қонунийлик, асосланганлик, адолат, жазонинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқлик, айни бир жиноятни содир этганлик учун такроран ёки қўш (масалан, бир вақтнинг ўзида ҳам жиноий, ҳам маъмурий) жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги умум эътироф этилган принциплар ҳисобланади.

**ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК** – умумий ижтимоий жавобгарлик шакллари ёки турларидан бири (сиёсий, миллий, тарихий, партиявий жавобгарлик ва шу кабилар).

Ўзбекистон ва чет эл юридик адабиётида юридик жавобгарликнинг умумий тушунчаси, хусусан ягона таърифи йўқ. Баъзилар уни «ҳуқуқбузарнинг ҳулқ-атворини ҳуқуқий ва ижтимоий қоралашга асосланган ҳамда унинг учун шахсий ва мулкый таркибидаги чеклашлар шаклида муайян салбий оқибатларини белгилаш билан ифодаланган давлат мажбурлаш чораси» деб таърифлайди. Бошқалар эса давлат (унинг махсус органлари) билан ҳуқуқбузар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабат бўлиб, ҳуқуқбузар зиммасига ўз қилмиши учун тегишли маҳрумликлар ва ноҳуш оқибатлар жазоси юкланади, деган фикрни айтадилар. **Ю.ж.** – «ҳуқуқбузарлик қилган шахсга нисбатан қонунда кўзда тутилган ва процессуал тартибда белгилаб қўйилган мажбурлаш чораларини қўллаш» деб ҳам таърифланади. **Ю.ж.нинг** бошқа турдаги жавобгарликлардан фарқи шуки, у ҳамisha давлатнинг ваколатли органлари (суд, прокуратура, милиция ва шу кабилар) билан ҳуқуқбузар ўртасидаги ижтимоий муносабатнинг бир шаклидир. Бунда давлат амр берувчи, ҳуқуқбузар эса итоат этишга мажбур бўлган томон ҳисобланади.

Амалиётда **Ю.ж.нинг** вужудга келиши ва амалга оширилиши учун қонунда кўзда тутилган муайян асослар ва шарт-шароитлар бўлиши талаб қилинади. Ўзбекистон қонунчилигига биноан, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши юридик жавобгарлик учун асос бўлади. Шахснинг ҳулқ-атворида ҳуқуқбузарлик белгиларидан биронтаси бўлмаса, умуман юридик жавобгарлик тўғрисидаги масала соқит қилинади. **Ю.ж.нинг** характери ва даражаси тўғрисидаги масалани ҳал этишда алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳи хатти-ҳаракатида ҳуқуқбузарликнинг бутун таркиби мавжудлиги ҳам жуда муҳимдир, чунончи ҳуқуқбузарлик таркиби ҳуқуқбузарлик объекти, субъекти, унинг объектив ва субъектив томонлари бирлигини билдиради. Ҳуқуқбузарлик фактини ўзини аниқлашда, шунингдек, уни содир этганлик учун жавобгарлик чорасини белгилашда хатога йўл қўймаслик учун шу жиҳатларнинг ҳар бирини ҳисобга олиш керак бўлади.

Ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг барча ҳаракатлари қонун билан катъий тартибга солинади ва фақат қонун доирасида амалга

оширилиши керак. Бу коида у ёки бу шахснинг гайри қонуний ҳаракат содир этилишидаги айбдорлигини аниқлашга, шунингдек, унинг характерини ва содир этилганлик учун **ю.ж.** чораларини белгилашга айниқса тааллуқлидир.

Ўз мазмунига кўра **ю.ж.** содир этилган ҳуқуқбузарлик учун айбдор шахс зиммасига жарима ва бошқа жазо чоралари юклаш тарзида ёки унинг зиммасига қонунга хилоф равишда бузилган ҳуқуқларни ва илгари мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни (имкони бўлган жойларда) қайта тиклаш мажбуриятини юклашдан иборат бўлади. Қайси турда бўлишидан қатъи назар **ю.ж.** ёки бу ҳуқуқий тизим доирасида белгиланган қоидаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим. Улар орасида қонунийлик, асослилик, адолат, жазонинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқлиги принциплари ҳамда битта жиноят содир этилганлиги учун такрор ёки иккита жавобгарлик (мас., айти вақтда жиноий ва маъмурий жавобгарлик)ка тортилишига йўл қўймаслиги принципи умумэътироф этилган принциплардир.

**ЮРИДИК КУЧ** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур ҳужжатлар иерархиясида тутган ўрни, шунингдек уларнинг амал қилиши ҳамда муайян жамоат бирлашмалари учун аҳамияти билан боғлиқ тушунча. Қонун ёки бошқа ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ю.к. муайян ҳужжатни чиқарган органнинг ҳуқуқ ижодкорлиги органлари умумий тизимида эгаллаган ўрнига, унинг ваколатига ҳамда, тегишинча, мазкур ҳужжатларнинг хусусиятига қараб белгиланади.

**ЮРИДИК МАЖБУРИЯТ** – ҳуқуқ нормаси билан мустақкамланган маълум хулқ-атвор зарурияти.

**ЮРИДИК МАСЛАҲАТ** – адвокатлар коллегиясида (қ.: *Адвокат. Адвокатура*) адвокатларга ўз кундалик вазифаларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ўзини ўзи бошқарувчи орган. У адвокатларни юридик ёрдам кўрсатиладиган шахслар билан ишга доир учрашувлар ўтказиш учун зарур бино, қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий материаллар, ёрдамчи хизматлар ва ҳ.к. билан таъминлайди.

**Ю.м.ни** мудир бошқаради. Унинг зиммасига жуда кўп мажбуриятлар: юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахслар билан битимлар тузиш; адвокатлар ўртасида ишни тақсимлаш; кўрсатиладиган юридик ёрдам мувофиқ даражада бўлишини таъминлаш; хизмат биносини ижарага олиш ҳамда зарур ашёлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа юридик адабиётлар харид қилиш ва ҳ.к. юкланади.

**ЮРИДИК ФАКТ** – қонунда назарда тutilган, ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ёки тугатилиши замирида ётувчи ҳаётий ҳолат. **Ю.ф.** ҳуқуқ нормаларида, аниқроғи – унинг гипотезаларида белгиланувчи, ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, уларни ўзгартириш ёки тугатишнинг зарур шарт бўлиб хизмат қилувчи, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг субъектив

хуқуқлари ва юридик жавобгарликлари келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳамда давлат мажбурлов чоралари билан таъминланувчи ҳаётдаги турли ҳолатлар, шароитлар ва омилларни ифода этади.

Табиатда ва жамиятда **Ю.ф.** деб эътироф этилувчи кўплаб турли-туман ҳолатлар, ҳаётини омиллар юзага келади. Уларни ўрганиш ва амалда қўллашда қулайлик яратиш учун **Ю.ф.** ҳар хил асосларга кўра таснифланади.

Хоҳиш-ирода аломати **Ю.ф.ни** таснифлашнинг энг кенг тарқалган мезонидир. Унга мувофик **Ю.ф.** ҳаракатлар ва ходисаларга ажратилади.

Ҳаракат ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахснинг хоҳиш-иродасига тўла боғлиқ бўлган **Ю.ф.дир.** Ҳуқуқ нормалари билан ўзаро муносабатларнинг хусусиятига қараб, ҳаракатлар қонуний ва ғайриқонуний бўлади.

**Қ о н у н и й х а р а к а т** кишиларнинг ҳуқуқ талабларига мувофик ҳулк-атворида намоён бўлади. Мазкур ҳаракатни содир этган шахснинг хоҳиш-иродаси қайси мақсадга йўналтирилганлигига қараб, ўз ҳаракати билан юридик оқибатларнинг келиб чиқишига (ёки келиб чиқмаслигига) сабаб бўлиш ниятига қараб, қонуний ҳаракатлар юридик ҳужжатлар ва юридик қилмишларга ажратилади. **Ю р и д и к х у ж ж а т л а р н и н г қ о н у н и й х а р а к а т л а р** сифатидаги асосий хусусияти шундан иборатки, улар маълум юридик оқибатларни келтириб чиқариш мақсадида содир этилади. Уларнинг айримлари – давлат бошқаруви органлари, корхоналар ва муассасалар маъмуриятларининг ҳужжатлари, суд қарорлари ва ажримлари ҳукм хусусиятига эга бўлади. Ҳукм хусусиятига эга бўлмаган ҳужжатлар битимлар (олди-сотди, ёллаш, ҳадя қилиш битимлари ва б.) деб аталади. **Ю р и д и к қ и л м и ш л а р** деганда шахсларнинг шундай ҳаракатлари тушуниладики, уларнинг содир этилиши натижасида мазкур шахсларнинг хоҳиш-иродаси, истаги ва ниятидан қатъи назар, қонунда белгиланган юридик оқибатлар келиб чиқади. Бадиий асар яратиш, ҳазина ёки биронинг буюмини топиб олиш шулар жумласидан.

**Ғ а й р и қ о н у н и й х а р а к а т** деганда ҳуқуқ нормаларининг талабларига зид бўлган ҳаракат тушунилади. Мазкур ҳаракатлар билан етказилган зарарнинг, шунингдек зарар етказган шахс айбининг ижтимоий хавфлилики даражасига қараб, ғайриқонуний ҳаракатлар **Ю.ф.** сифатида жиноятлар (жиноий ҳуқуқбузарликлар)га, маъмурий ва интизомий қилмишларга, шунингдек фуқаролик ҳуқуқбузарликлари (деликтлар)га ажратилади.

**Ю.ф.** маъносида келувчи **в о к е а** деганда инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, аммо ҳуқуқий муносабатларнинг – тегишинча, субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишига сабаб бўладиган ходиса тушунилади. Фақат шундай ходисаларга ижтимоий муносабатларга таъ-



сир кўрсатувчи **Ю.ф.** деб қараш мумкин. Мас., табиий офатлар (сув тошиши, зилзилалар) ўз ҳолича эмас, балки одамларнинг жароҳатланиши ёки ҳалок бўлиши, суғурта қилинган мол-мулк, биноларнинг вайрон бўлиши ёки уларга шикаст етказилишига олиб келганлиги учун кўп сонли ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Инсоннинг туғилиши, касаллиги ёки ўлими, ёнғинлар, эпидемиялар ёки инсоннинг хоҳиш-иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган, конун чиқарувчи ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ёки тугатилиши учун асос деб қарайдиган бошқа ходисалар **Ю.ф.** – воқеа бўлади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, уларни ўзгартириш ёки тугатиш учун асос тариқасида баъзан алоҳида **Ю.ф.** эмас, балки уларнинг мажмуи, тизими талаб этилади. Бу жамиятда мавжуд муносабатларнинг мураккаблиги ва ранг-баранглигини акс эттиради. Бундай ҳолларда муайян **Ю.ф.** тўғрисида эмас, балки ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган мураккаб фактлар таркиби тўғрисида сўз юритилади. Алоҳида **Ю.ф.** сингари, мураккаб юридик фактлар таркиби ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишига сабаб бўлади ва шу тариқа юридик оқибатларнинг келиб чиқишига асос бўлиб хизмат қилади. Фактлар таркиби муайян ҳуқуқий ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилиши ёки умумий аломатлар билангина тавсифланиши мумкин. Юридик таркиб – қариллик пенсияси олиш учун асос муайян тавсифга мисол бўлиши мумкин. Бу ерда бир нечта муайян **Ю.ф.** (конунда белгиланган ёшга тўлганлик, меҳнат стажининг мавжудлиги, шахснинг пенсияга чиқиш тўғрисидаги ёзма аризаси, муайян органнинг пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори) бўлиши зарур.

**ЮРИДИК ҲУҚУҚ** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланган маълум ҳулк-атвор, ҳаракатни содир этиш имконияти.

**ЮРИДИК ШАХС** – фуқаролик ҳуқуқи субъекти, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиси. Ўз мулкда, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган давлат ва жамоат ташкилотлари юридик шахс ҳисобланади.

ЎзР нинг фуқаролик конун ҳужжатларига мувофиқ, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) **Ю.ш.** бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган **Ю.ш.** хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва конунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган **Ю.ш.** жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

**Ю.ш.ларнинг** ҳуқуқ лаёқати ва муомалага лаёқатлилиги махсус хусусиятга эга. **Ю.ш.** фақат ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. **Ю.ш.нинг** махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. **Ю.ш.** қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

**Ю.ш.нинг** ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. **Ю.ш.нинг** ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**Ю.ш.ни** рўйхатга олиш талаб этилмайдиган бир қанча давлатлардан фарқли ўлароқ, **Ю.ш.нинг** ҳуқуқ лаёқати Ўзбекистонда улар таъсис этилган пайтдан эмас, балки адлия органларида давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб вужудга келади. **Ю.ш.нинг** ҳуқуқ лаёқати уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Қонунга мувофиқ, «давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қўйган пайтдан эътиборан» **Ю.ш.ни** тугатиш яқунланган, **Ю.ш.** эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

**Ю.ш.** фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш талаб этилган ҳолларда ҳуқуқ лаёқати бундай лицензия олинган пайтдан ёки унда кўрсатилган санадан бошлаб вужудга келади ва, агар қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгача қоида белгиланган бўлмаса, лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлганидан кейин тугатилади.

Ҳар бир мамлакатда **Ю.ш.ни** ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга оширишнинг ўз тартиби ҳамда ҳуқуқ субъектлари – **Ю.ш.нинг** ўз турлари мавжуд. Улар жамият ҳаётининг муайян шароитлари, иқтисодий ва бошқа алоқаларнинг хусусияти ва ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

**ЯККА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** – 1978 йилги ЎзССР Конституцияларида биринчи марта ўз ифодасини топган тушунча. Якка меҳнат фаолияти асосида фуқароларга ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида баъзи ишларни амалга ошириш имконияти туғилди. Бу хусусий секторни вужудга келишига асос бўлди.

Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясида «якка меҳнат фаолияти» деган тушунча ишлатилмаган. Лекин, Конституциянинг 37-моддаси ҳар бир шахсга эркин касб танлаш ҳуқуқини беради, 53-моддада эса тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши кафолатланиши, хусусий мулк давлат ҳимоясидалиги мустахкамланган.

Демак, булар якка меҳнат фаолияти мавжудлигини кўрсатади, якка меҳнат фаолияти асосан тадбиркорликка қаратилгандир.

ЎзРнинг ФК 24, 96-моддаларида якка тадбиркорлик билан шуғулланиш, унинг оқибатлари мустахкамлаб қўйилган.

**ЯМАЙКА** – Кариб денгизда жойлашган орол давлат. 1962 й. 6 августда мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлигининг аъзоси. Пойтахти – Кингстон шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 3 графликка, графликлар эса – 14 туманга бўлинади.

Амалдаги Конституцияси 1962 й. қабул қилинган. Бошқарув шакли – конституциявий монархия. Генерал-губернатор томонидан тақдим этилган Буюк Британия Қироличаси давлат бошлиғи деб эътироф этилади. Генерал-губернатор ҳузурида маслаҳат органи – 6 маслаҳатчидан таркиб топган Яширин кенгаш фаолият кўрсатади.

Қонун чиқарувчи органи – икки палатали парламент. Сенат 21 сенатордан таркиб топади. Сенаторларнинг 13 таси Бош вазир тавсиясига биноан, 8 таси эса – мухолифат раҳбарининг тавсиясига биноан Генерал-губернатор томонидан тайинланади. Вакиллар палатаси (60 депутатдан иборат) умумий сайловда 5 йил муддатга сайланади. Генерал-губернатор парламентда кўпчилик ўринларни эгаллаган партия раҳбарини бош вазир этиб тайинлайди. Шунингдек мухолифат раҳбари ҳам тайинланади.

Ҳукумат ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Унинг таркибига Бош вазирнинг тақдимига биноан генерал-губернатор томонидан тайинланадиган камида 11 вазир кириши лозим.

**ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ** – Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Буюк Британиянинг собиқ «оқ мустамлакаси». 1907 йили унга доминион мақоми берилган. 1947 йилда эса у мустақил деб эълон қилинган. Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Пойтахти – Веллингтон шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 10 провинцияга бўлинади.

Конституция Британия парламенти томонидан 1852 йилда қабул қилинган Конституциявий ҳужжатни, шунингдек жуда кўп Буюк Британия ва Янги Зеландия ҳужжатларини ўз ичига олади.

Давлат бошлиғи – Буюк Британия қироличаси. У генерал-губернаторни 5 йил муддатга тайинлайди. Генерал-губернатор ҳузурида ҳукумат вазирларини ўз ичига олган Ижроия Кенгаши фаолият кўрсатади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент – Вакиллар палатаси амалга оширади. У 120 депутатдан таркиб топади: 99 депутат нисбий кўпчиликнинг уноминал мажоритар сайлов тизимига асосан 3 йил муддатга сайланади, қолган депутатлар эса мамлакат туб аҳолиси – маорига берилган квота бўйича сайланади.

Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат бир партияли асосда тузила-

ди. Бунда Янги Зеландия Миллий партияси ва Лейбористлар партияси ҳукуматни навбатма-навбат бошқаради.

**ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЮРИТИШ** — умумий юрисдикция судларига ва хўжалик судларига тегишли бўлган, фукаровий ишлар бўйича қарорлар ёки жиноий ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳукмларнинг ҳаққонийлиги ва қонунийлигини текширишнинг процессуал қонунчилик билан назарда тутилган усулларида биридир.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 522-527 моддаларида назарда тутилган.

**ЯПОНИЯ** — Осиёда, Тинч океанининг ғарбий қисмидаги ороллар силсиласида (энг йириклари — Хонсю, Хоккайдо, Кюсю, Сикоку) жойлашган давлат. Пойтахти — Токио шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 47 префектурага, шу жумладан Токио, Осака ва Киото шаҳарлари префектураларига, шунингдек Окинава ороли префектурасига бўлинади. Хоккайдо ороли алоҳида маъмурий вилоят ҳисобланади.

Амалдаги Конституцияси япон экспертлари ва чет эллик (асосан — америкалик) экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган ва **Я.** парламенти томонидан 1946 й. 24 августда қабул қилинган. 1947 й. 3 майда кучга кирган Конституцияга мувофиқ конституциявий монархия сақлаб қолинган. Аммо, аввалги — 1889 й. Конституциясидан фарқли ўларок, янги Конституциянинг муқаддасида халқ суверенитети принципи мустаҳкамланган. Конституцияда парламентга давлат ҳокимиятининг олий органи мақоми берилган, императорнинг ваколати чекланган, ҳокимиятни тақсимлаш принципи эълон қилинган. Конституциянинг 9-моддасига мувофиқ, «япон халқи миллатнинг суверен ҳуқуқи сифатида урушдан, шунингдек халқаро можароларни хал қилиш воситаси сифатида қуролли куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки уни қўллашдан абадул-абад воз кечади». Шу туфайли **Я.** ўзининг алоқида қуролли кучларига эга бўлиши мумкин эмас. Мамлакатда ўзини ўзи мудофаа қилиш кучлари мавжуд.

Давлат бошлиғи — император. Император тахти фақат эркакларга мерос бўлиб ўтади; бунда тўнғич ўғил маъқул кўрилади. 1947 й. қабул қилинган Император уйи тўғрисидаги қонунга мувофиқ, тахтни мерос қолдириш тартибини Император саройи Кенгаши (императорнинг оила аъзолари, Бош вазир, парламент палаталарининг вакиллари, Олий суд раиси ва унинг бир аъзосидан таркиб топади) кўриқлайди. 1989 й. 7 январда тахтга вафот этган отаси Хирохито ўрнига Император Акихито ўтирган.

Конституциянинг 1-моддасига мувофиқ, император давлат ҳамда миллатнинг бирдамлиги рамзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у, анъанага кўра, миллий кадрият сифатида ардоқланади. Императорнинг

макоми ва ҳуқуқлари халқ ва унинг қонуний вакиллари – парламент ва Вазирлар Маҳкамасининг хоҳиш-иродаси билан белгиланади. Конституцияга мувофиқ, император Конституцияга киритилган тузатишларни, қонунларни, ҳукумат ҳужжатларини промульгация қилиш, парламентни чақириш ва унинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш, умумий сайлов эълон қилиш, олий мансабдор шахсларни тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этишни тасдиқлаш ҳуқуқига эга. У шунингдек протоколда белгиланган ва таомиллар билан боғлиқ бўлган қўплаб мажбуриятларни ҳам адо этади.

Давлат ҳокимияти институтлари орасида **Я.** парламенти марказий ўринни эгаллайди, **Я.** Конституциясининг 41-моддасида парламентга «давлат ҳокимияти олий органи ва давлатнинг бирдан-бир органи» деб таъриф берилган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент амалга оширади. 511 депутатдан иборат Вакиллар палатаси (Сюгийн) умумий сайловда 4 йил муддатга сайланади. Маслаҳатчилар палатаси (Сангийн) 6 йил муддатга сайланадиган 252 аъзодан таркиб топади; бунда палата аъзоларининг 152 нафари 47 префектурадан, 100 нафари эса – бутун мамлакатдан тенг вакиллик асосида сайланади. Маслаҳатчилар палатаси ҳар уч йилда тенг ярмига янгиланади. Вакиллар палатаси бош вазирнинг таклифига биноан император томонидан муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин. Юқори палата тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Қонун лойиҳалари иккала палата томонидан оддий қўпчилик овоз билан қабул қилинади. Палаталар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда хал қилувчи сўзни айтиш ҳуқуқига Вакиллар палатаси эга. У қонунни такроран овозга қўйиши, мажлисда ҳозир бўлган вакилларнинг камида учдан икки қисмидан иборат қўпчилик овози билан қонунни қабул қилиши мумкин. Вакиллар палатаси шунингдек бюджет ва молия соҳасидаги қонун ҳужжатларига нисбатан қонунчилик ташаббуси билан чиқиш мутлақ ҳуқуқига ҳам эга. Қабул қилинган барча қонунлар ваколатига қараб тегишли вазир томонидан имзоланади. Шундан сўнг уларни бош вазир контрассигнация қилади. Шундан кейингина қонунлар императорга юборилади. Император уларни халқ номидан промульгация қилади.

Парламент ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга оширишда энг аввало ўз интерpellация ҳуқуқидан, шунингдек парламент тафтиши ўтказиш ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳар бир сессиянинг бошида бош вазир, ташқи ишлар вазири ва молия вазири маъруза қилиб, унда ўз фаолиятининг асосий йўналишларини баён этади.

Ҳукумат – Вазирлар Маҳкамаси – парламент томонидан тузилади. Конституцияга мувофиқ, ҳукумат аъзоларининг камида ярми (амалда қўпчилиги) парламент аъзоси бўлиши керак. Дастлаб иккала палата бош вазир лавозимига номзодни сайлайди. Бош вазир император томонидан тайинланганидан кейин у парламентдаги партиялар гуруҳла-

рининг розилиги билан вазирларнинг номзодларини императорга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Хукумат парламент олдида жамоавий тарзда жавобгар бўлади. Бош вазир истеъфо берган тақдирда хукумат тўла таркибда истеъфого чиқади. Хукуматга ишончсизлик билдирилган ёки унга танбех бериш тўғрисида резолюция қабул қилинган тақдирда, хукумат бошлиғи хукуматнинг истеъфого чиқиши тўғрисида қарор қабул қилади ёки императорга 10 кун муддат ичида Вакиллар палатасини тарқатиб юборишни таклиф қилади.

**Я.** хукумат тузилмасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳар бир вазир иккита ўринбосарга эга: парламентдаги ўринбосар (қоида тарикасида – парламент депутати) вазир билан бирга истеъфого чиқади, мансабдор шахслар вакили бўлган мамъурий ўринбосар эса, вазир истеъфо берган тақдирда, сиёсий кураш зиддиятларидан қатъи назар, вазирликда қолади ва бошқарувнинг ворисийлиги ва барқарорлигини таъминлайди.

Хукумат таркиби унча катта эмас: у тегишли вазирликларни бошқарувчи 12 вазирни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Бошқармасини бошқарувчи 8 давлат вазирини ўз ичига олади.

**Я.нинг** ҳозирги суд тизими 1947-1948 йларда амалга оширилган ислохотлар жараёнида шаклланган бўлиб, мамлакатнинг олий суд идораси вазифаларини, шунингдек конституциявий назорат вазифаларини бажарувчи Олий судни, асосан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича апелляция идораси вазифаларини бажарувчи Олий судларни (улар саккизта), аксарият ишлар кўриб чиқиладиган Округ судларини (50 суд ва уларнинг 242 бўлимини) ўз ичига олади. Оилавий ишлар бўйича судлар, шунингдек жуда кўп Интизомий судлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда судья ахамиятсиз фуқаролик даъволари ва майда жиноят ишларини яқка тартибда кўриб чиқади.

**ЯХУДИЙ МУХТОР ВИЛОЯТИ** – РФ субъекти, тўғридан-тўғри РФ таркибига киради, мухториятга эга. Бу миллий давлат (ёки миллий худудий) тузилиш.

ЯМВ СССР МИК нинг 1934 йил 7 майдаги қарори билан ташкил топган. СССР ва РСФСР Конституциясига асосан мухтор вилоятлар РСФСР ва бир вақтнинг ўзида ўлкалар таркибига кирган. (ЯМВ Хабаров ўлкаси таркибда бўлган). Фақат 1990 йилнинг 15 декабридаги конституциявий ислохотга кўра РСФСР Конституциясида белгилаб қўйилган қоида, яъни мухтор вилоятлар РСФСР таркибига киради, деган қоида сақланиб қолди ва «ўлка таркибига киради деган сўзлар олиб ташланди. Шундай қилиб, шу кундан эътиборан ЯМВ бевосита РФ таркибига киради. РСФСР таркибдаги қоган тўртта вилоятлар 1991 йили мухтор республикаларга айлантирилди. (кейинчалик РФ таркибига республика сифатида киритилди).

РФ Конституциясига асосан ЯМВнинг давлати тили рус тили ҳисобланади. ЯМВнинг маъмурий маркази – Биробиджон шаҳридир.

Вилоят давлат ҳокимиятининг амалдаги доимий қоида чиқарувчи органи қонун чиқарувчи Мажлис (ҚМ) ҳисобланади. ҚМ тўрт йил муддатга сайланади ва 15 депутатдан иборат. Улар доимий асосда (бундай депутатлар сонини ҚМ белгилаб беради) ёхуд депутатлик фаолиятини меҳнат ёки хизмат мажбурияти билан бирга олиб боради.

ҚМ вилоят уставини қабул қилади, вилоятнинг устав вақ онунларини шарҳлайди, бюджет ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тасдиқлайди, вилоятдаги солиқларни ўрнатади, вилоят ҳудудидаги ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш тартибини белгилаб беради, вилоятни бошқарув схемаси ва шу кабиларни тасдиқлайди.

ЯМВ ижроия ҳокимият бошлиғи ва вилоятдаги олий мансабдор шахс бўлиб губернатор ҳисобланади. Губернатор: РФ ва унинг субъектлари билан муносабатда вилоят вакили бўлиб ҳисобланади, шунингдек халқаро муносабатларда ҳам; ҚМ йиғинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга, ҚМ кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаларини тақдим этади, вилоят қонунларини имзолайди ва эълон қилади, вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлади, ижро орган – вилоят маъмуриятини тузади, вилоят ижроия ҳокимият органининг штат ва тузилмаларини тасдиқлайди, вилоят бошқарув орган раҳбарларини тайинлайди; вилоят ҳудудидаги маҳаллий ижроия давлат ҳокимият органларининг қонунчиликка зид бўлган актларини ва бошқа шу кабиларни бекор қилади.

**ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИ** – ички ишлар органлари томонидан ЎзР ҳудудида доимий яшаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этган чет элликларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга бериладиган ҳужжат. ЎзРда яшаш гувоҳномаси қуйидагиларга берилади: ЎзР ҳудудида доимий яшовчи хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга – улар ўн олти ёшга тўлганларида;

– тегишли Низомда белгиланган тартибда ЎзР ҳудудида доимий яшаш учун руҳсатнома олган шахсларга, шу жумладан ЎзРга қайтиб келган ва қонунга мувофиқ ЎзР фуқаролиги тугатилган шахсларга;

– ЎзР ҳудудида доимий яшайдиган, аммо ЎзР фуқаролигини қабул қилмаган ёки қонунга мувофиқ ЎзР фуқаролиги тугатилган шахсларга.

Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномалари ЎзР ички ишлар органлари томонидан хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг истиқомат жойида берилади. Хорижий шахслар учун яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга берилади, аммо хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги ке-

рак. 60 ёшга тўлганда эса — хорижий давлат паспорти амал қиладиган бутун муддатга берилади.

Фукаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, 60 ёшга тўлганда эса муддатсиз берилади.

**ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ** — депутатларни ва сайлаб қўйилган мансабдор шахсларни фукаролар томонидан сайлашда ҳамда коллегиял органлар томонидан, шу жумладан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органлари томонидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш усули. *Очиқ овоз беришдан фарқли ўларок, Я.о.б.да* овоз берувчининг хоҳиш-иродаси бошқа шахсларга номаълум бўлиб қолади. Бунга **Я.о.б.нинг** қуйидаги тартиб-таомили ёрдамида эришилади: қарор лойиҳаси ёки номзодлар сайлов бюллетенига киритилади (барча сайлов бюллетенлари бир хил ўлчамда ва рангда бўлади); сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли; кабина ёки хонадан чиққач, овоз берувчи, сайлов бюллетенини ҳеч кимга кўрсатмасдан, уни сайлов қутисига ташлайди.

**Я.о.б.** овоз беришнинг электрон тизими билан таъминланмайди, чунки бунда ҳар бир овоз берувчининг хоҳиш-иродасини яширин сақлаш ва эълон қилмаслик имконияти мавжудлигига карамай, биринчидан, қўшнилари у қайси тугмани босаётганини кўриб туради, иккинчидан, машина ҳар бир сайловчининг овоз бериш натижасини қайд этади. Овоз бериш кабинаси ёки хонаси бўлмаган, бюллетенларнинг барчанинг кўз ўнгига тўлдирилган ҳолларда ҳам овоз беришнинг яширинлиги таъминланмайди.

Мансабдор шахслар, депутатлар, президентлар сайловида **Я.о.б.** — объективлик ва демократизмнинг кафолатларидан бири.

**ЎЗБЕКИСТОН (Ўзбекистон Республикаси)** — ЎзР Олий Кенгаши томонидан 1992 й. 8 декабрда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади. ЎзР нинг давлат тили ўзбек тилидир. Конституцияга биноан, ЎзР ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Пойтахти — Тошкент шаҳри.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. ЎзР давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Конституцияга биноан, ЎзР да ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва



фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

ЎзР Конституциясида илғор давлатларга хос бўлган демократик ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуи белгиланган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ЎзР Конституциясининг алоҳида бобларида мустаҳкамланган. ЎзР Конституциясининг «Жамият ва шахс» деб номланган учинчи бўлими жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги боблардан ташкил топган.

ЎзР Конституциясига биноан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ЎзР иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

ЎзР Олий Мажлиси (ОМ) олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. ОМ икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. ОМ Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил. Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат. ОМ Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органилари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзР фуқароси Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

ЎзР Конституциясида Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ҳамда мутлақ ваколатлари белгиланган. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат: ЎзР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар кири-

тиш; ЎзРнинг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; ЎзР референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш; ЎзР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; ЎзР қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; ЎзР таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг ЎзР таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан ЎзРнинг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; ЎзРнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш; ЎзР Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; ЎзР Марказий сайлов комиссиясини тузиш; ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; ЎзР ОМ нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; ЎзР Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш; ЎзР Президентининг ЎзР га ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш; ЎзР Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ва б.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига: Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; ЎзР Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш кирази.

Сенатнинг мутлақ ваколатларига: Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судини сайлаш; ЎзР Президентининг

тақдимига биноан ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш; ЎзР Президентининг ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; ЎзР Президентининг ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР нинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш; ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш; ЎзР Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; ЎзР Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ЎзР Бош прокурори, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

ЎзР Президенти ЎзРда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. ЎзР Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Аynи бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ЎзР Президенти бўлиши мумкин эмас. ЎзР Президенти ЎзР фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

ЎзР Президенти: фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, ЎзР Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир; ЎзР суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради; мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда ЎзР номидан иш кўради; музокаралар олиб боради ҳамда ЎзРнинг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди; ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади; ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни ОМ Сенатига тақдим этади; ЎзР ОМга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади; ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бош-

қарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик ОМ палаталари тасдиғига киритади; Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни ОМ Сенатига тақдим этади; ОМ палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун ЎзР Бош вазири номзодини тақдим этади ва уни лавозимидан озод қилади; ЎзР Бош вазирининг тақдимига биноан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади; ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни ОМ Сенати тасдиғига киритади; ОМ Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий ҳўжалик суди раиси ва судьялари, ЎзР Марказий банки бошқарувининг раиси, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, харбий ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадрқимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли; республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади; ЎзР қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ОМга қайтаришга ҳақли; ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ОМ палаталарининг тасдиғига киритади; фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, ЎзРнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ОМ палаталари тасдиғига киритади; ЎзР Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий харбий унвонлар беради; ЎзРнинг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, ЎзРнинг малакавий ва фахрий унвонларини беради; ЎзРнинг фуқаролиғига ва снёсий бошпана беришга онд масалаларни ҳал этади; амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида ОМ Сенатига тақдимнома киритади ва ЎзР судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади; ЎзР Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати

раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни ОМ Сенати тасдиғига киритади ва б.

ЎзР Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта ЎзР Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида ОМ нинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ЎзР Президентининг ЎзР Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида ОМнинг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

ЎзР Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги ОМ палаталарининг қўшма қарорига қўра тузилган давлат тиббий комиссияси ҳулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга ЎзР Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида ЎзР Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт. Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси (ВМ)нинг таркиби ЎзР Президенти томонидан шакллантирилади. ЎзР Бош вазири номзоди ЎзР Президентининг тақдимига биноан ОМ палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. ВМ аъзолари ЎзР Бош вазири тақдимига биноан ЎзР Президенти томонидан тасдиқланади.

ВМ иктисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, ЎзР қонунлари, ОМ қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

ЎзР ички тузилишининг хусусиятлари Конституциянинг «Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши» деб номланган тўртинчи бўлимида акс эттирилган. ЎзР вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Конституциянинг XVII боби Қорақалпоғистон Республикасига бағишланади. Унга мувофиқ, «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси ЎзР таркибига киради» (70-модда). Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети ЎзР томонидан муҳофаза этилади. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади. Қорақалпоғистон Республикаси ЎзР таркибидан Қорақалпоғистон халқининг умумий рефе-

рендуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга. Қорақалпоғистон Республикаси ўз олий вакиллик органи, ҳукумати, Олий суди, Хўжалик судига эга. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ВМ таркибига киради.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органи бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати – 5 йил. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент ш. ҳокими ЎзР Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

ЎзРда суд тизими 5 йил муддатга сайланадиган ЎзР Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент ш. судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат. ЎзР Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. ЎзР Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради. ҚС сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан раис, унинг ўринбосари ва судьялардан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

ЎзР ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши усидан назоратни ЎзР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД** – ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган ва қонунда белгиланган тартибда кўрсатилиб, рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқароси. ЎзР П. Номзод кўрсатиш ҳуқуқи сайловгача олти ой олдин Адлия

вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партияларга, шунингдек Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимият вакиллик органларига берилган. Номзод Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинади.

**П.н.** ҳуқуқлари кафолатланади. Булар:

- сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш;
- сайловолди йиғилишларда сўзга чиқиш;
- телевидения, радио кўрсатувларида катнашиш;
- сайлов компаниясида катнашиш вақтида ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишидан озод бўлиши;
- номзод рўйхатга олинган республика ҳудудида транспорт хизматидан бепул фойдаланиши мумкин. Номзод ЎзР Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан тайинланадиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Номзодни мажбурий келтириш, шахсий буюмларини, юқини, транспортини, турар жойи ва хизмат биноларини кўриқдан ўтказиш мумкин эмас.

Қуйидагилар ЎзР **П.н.** этиб рўйхатга олинмайди:

- қасддан содир этилган жиноятлари учун илгари судланган фуқаролар;
- ўзларига нисбатан жиноят қўзғатилганлиги учун қонун томонидан тақиб этилаётган фуқаролар;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари;
- **П.н.лар** ўн беш нафарга қадар ишончли вакилларига ҳам эга бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ СЕНАТИ СПИКЕРИ (Раиси)** – ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати ишини бошқарадиган мансабдор шахс.

ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати ўз таркибидан Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси ЎзР Президентининг тақдимномасига биноан сайланади.

ЎзР Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати Раиси яширин овоз бериш йўли билан сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатдан илгари чақириб олиниши мумкин.

ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати Раисининг ваколатлари:

Сенат мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади; Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; ЎзР қонунлари ва Сенат қарорлари ижроси устидан назоратни ташкил қилади; парламентлараро алоқаларни амалга

ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради; Сенат қарорларини имзолайди; конституциявий ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**

– ЎзР прокуратура тизимининг марказий девони. Унинг асосий вазифаси барча прокуратура органлари ва муассасалари тизимига раҳбарлик қилишда ЎзР Бош прокурорига кўмаклашишдан иборат. Шунингдек энг мураккаб ва умумдавлат манфаатларига дахлдор муаммолар бўйича прокуратура вазифасини бажариш ҳам бу девоннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

ЎзР **Б.П.га** ЎзР Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган ЎзР Бош прокурори раҳбарлик қилади. У ЎзР Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади. ЎзР Президентининг мазкур масалалар юзасидан чиқарган фармонлари ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади.

ЎзР **Б.П.да** бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. ЎзР **Б.П.нинг** катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва терговчилар ЎзР Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

ЎзР **Б.П.** ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган.

ЎзР **Б.П.да** ЎзР Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда хайъат тузилади. Унинг таркиби ЎзР Президенти томонидан тасдиқланади. Хайъат маслаҳат органидир.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ** – ЎзР прокуратура тизимига раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи олий мансабдор шахс.

Прокуратура тизимига раҳбарлик қилиш бўйича унинг вазифалари ва ваколатлари «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда (янги таҳрири) белгилаб қўйилган. Жумладан, ЎзР **Б.П.** жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-кидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.



Шунингдек, ЎзР Б.П.:

ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин;

ЎзР Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

ЎзР Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

ЎзР Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

ЎзР Бош прокуратураси ҳайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни ЎзР Президентига киритади;

прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражали унвонлар бериш тўғрисидаги такдимнома билан ЎзР Президентига мурожаат этади;

прокуратура органлари ходимларини ЎзР давлат мукофотларига тақдим этади;

прокуратура органлари ходимларини «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлайди;

буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

чет давлатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР Б.П. ЎзР Президенти ва ЎзР Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

ЎзР Бош прокурорининг ваколат муддати – беш йил.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ**

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясининг 98-моддасига ва 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонунга асосан ЎзР да иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ЎзР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

**В.М.** ўз фаолиятида ЎзР Президенти ва ЎзР Олий Мажлиси олдида жавобгардир. **В.М.нинг** таркиби ЎзР Президенти томонидан шакллантирилади. ЎзР Бош вазирининг номзоди ЎзР Президенти тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. **В.М.нинг** аъзолари ЎзР Бош вазири тақдимиغا биноан ЎзР Президенти томонидан тасдиқланади. ЎзР Бош вазири **В.М.** фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарадорлик билан ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, **В.М.нинг** мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, ЎзР Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда ЎзР **В.М.** номидан иш кўради, ЎзР қонунларида, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради. ЎзР Президенти Конституциянинг 88-модаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда **В.М.** мажлисларида раислик қилишга, **В.М.** ваколатига кирувчи вазифалар юзасидан қарор қабул қилишга, шунингдек, **В.М.** қарорлари ва фармонларини, ЎзР Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли. **В.М.** янги сайланган ЎзР Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. 2003 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси **В.М.** тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида **В.М.нинг** иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасидаги асосий ваколатлари кўрсатилган. **В.М.** бу соҳалар бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларини бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштиради, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизминини ишга солади, эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шакллари – концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

ЎзРда пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади. ЎзРда Давлат бюджетини, шунингдек, ЎзРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболлари кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади;

Бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирлик-

лар, давлат қўмиталари, нодавлат ҳамда ЎзР давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини ташкиллаштиради;

соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш, ташкиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

ЎзРнинг давлат хавсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат chegarалари кўрикланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

Давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

ЎзРнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

Ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Янги шакллантирилган **В.М.** Республика Президенти билан келишилган ҳолда ЎзР Олий Мажлисига кўриб чиқишлари учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади.

**В.М.** ЎзРнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, ЎзР Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари ва унга киритиладиган ўзгартиришларни ишлаб чиқади ҳамда уларни ЎзР да Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этади. **В.М.** ЎзР Олий Мажлиси палаталари кўмиталарининг ҳуқуқий фаолияти масаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари хақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида **В.М.** ЎзР Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталарига келишилган муддатда маълум қилади.

**В.М.** ўз ваколатлари доирасида: ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантирилишини таъминлаш билан боғлиқ ма-

салаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг **В.М.** томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларни кўриб чиқади, **В.М.** қарорлари ва фармойишларининг бажарилиш жараёнини назорат қилади.

**В.М.** ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур кўмак кўрсатади.

**В.М.** ўзини ваколатларига қирадиган масалаларини ўз мажлисларида ҳал қилади. **В.М.нинг** мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Бу мажлисларни Бош Вазир ўтказаяди. Республика Президенти **В.М.нинг** мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Бош Вазир **В.М.** фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради. Бош Вазир: Республика Президенти билан келишилган ҳолда Бош Вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; **В.М.нинг** мажлисларида раислик қилади; **В.М.нинг** қарорларини имзолайди; Республика Президентининг ташрифига биноан халқаро муносабатларда **В.М.** номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларини имзолайди;

Бош Вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради. У **В.М.нинг** иши тўғрисида Ўзбекистон Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради. Бош Вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош Вазир ўринбосарларидан бири бажаради.

Бош Вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотида мувофиқ ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар. **В.М.нинг** аъзолари эса ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар.

**В.М.нинг** аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Бош Вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги **В.М.нинг** Раёсати **В.М.нинг** доимий органи сифатида фаолият кўрсатади. Бош Вазирнинг қарорига биноан **В.М.** Раёсатининг таркибига ЎзР Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

**В.М.** доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди. Давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлайди. **В.М.нинг** айрим топшириқларини бажариш учун **В.М.нинг** муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

**В.М.** қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎзР нинг бошқа ҳудудда барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор

шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбур бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қилади.

**В.М.нинг** норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари **В.М.нинг** қарорлари шаклида қабул қилинади.

**В.М.нинг** тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари **В.М.нинг** фармойишлари шаклида қабул қилинади. **В.М.нинг** қарорлари ва фармойишлари Бош Вазир томонидан имзоланади.

ЎзРнинг Президенти ЎзР Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда **В.М.** ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, **В.М.** қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош Вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

**В.М.** қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга кирди.

**В.М.** ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади. **В.М.нинг** норматив тусдаги қарорлари ЎзР ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилади кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

**В.М.** ва унинг Раёсати мажлисларга тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, **В.М.** қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун **В.М.нинг** девони фаолият кўрсатади.

**В.М.нинг** девони, асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари ЎзР Президенти билан келишилган ҳолда Бош Вазир томонидан лавозимга тайинланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ СУДЬЯСИНИНГ ҚАСАМЁДИ** – Конституциявий суд судьяси этиб сайланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Конституциявий суд судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, Конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат ЎзР Конституциясига бўйсунушга тантанали қасамёд қиламан».

Конституциявий суднинг судьяларини ЎзР Президенти қасамёд қилдиради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ҚАРОРИ** – Конституциявий суднинг ваколатига кирадиган масалаларни кўриши, уни муҳокамаси юзасидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда (1995 йил 30 август) ва Конституциявий суд томонидан қабул қилинган «Иш тартиби»да Конституциявий судни мажлис ўтказиш тартиби, иш юртишини ўзига хос хусусиятлари, кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинадиган юридик ҳужжатлар кўрсатилган.

Конституциявий суд кўраётган норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб маълум тўхтамга келади. Бу тўхтам очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан, ЎзР номидан чиқарилади. Баъзи бир масалалар юзасидан қабул қилинган конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин. ЎзР Конституциявий судининг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва улар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Конституциявий суднинг хулосаси қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин йўқ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИ** – ЎзР Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлиснинг Сенати томонидан сайланадиган ва Конституциявий суд ишини бошқарадиган мансабдор шахс.

ЎзР Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлиснинг Сенати Конституциявий суд раиси ва судьяларини беш йиллик муддатга сайлайди.

Конституциявий суднинг таркибини Конституциявий суд Раиси, Раис ўринбосари ва судьялардан иборат беш аъзо ташкил этади. Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси яқка тартибда сайланади. Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

ЎзР Конституциявий суди раиси ваколатлари:

1) Конституциявий суд муҳокамасига киритилган масалаларни тайёрлашга раҳбарлик қилади, унинг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

2) Конституциявий суд томонидан мурожаатнома чиқаради;

3) ЎзР Олий Мажлиси давлатнинг бошқа органлари билан ўзаро муносабатларда Конституциявий суд номидан иш кўради;

4) Конституциявий суд штат жадвалини тасдиқлайди;

5) Конституциявий суд тасдиғига Конституциявий суд котибият бошлиғи номзодини киритади;

6) Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ МАЖМУИ** – қонунлар ва бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий актларни тўплаб, қатъий тартиб асосида тизимлашиши.

Конституция асосида мамлакат қонунлари мажмуини тайёрлаш ва чоп этиш қонунлар мазмунини аҳолига етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлашни кучайтириш, давлат ва жамият ҳаёти ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

ЎзРнинг Адлия вазирлиги Мустақилликнинг дастлабки кунлари-

дан бошлаб чиқарилган қонунларни «Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари» деган кўп жилдли хронологик тўплам сифатида нашр этиб келмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ** — конституциявий ҳуқуқда қўлланиладиган тушунча. ЎзРнинг Конституциясида қайд этилганки, ЎзРнинг Президенти ЎзР Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондонини ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.

1992 йил 3 июлда қабул қилинган, 2001 йил 11 майда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, янги тахрирда тасдиқланган «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунда Президентнинг мудофаа соҳасидаги ваколатлари баён қилинган. Чунончи, ЎзР Президенти — Қуролли Кучлар Олий бош қўмондонини: ЎзР мудофаа сиёсати ва ҳарбий қурилишининг асосий йўналишларини белгилайди; ЎзРнинг мудофаа қобиляти таъминлаши, унинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги муҳофаза этилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар қўради; Қуролли Кучларни қуриш, қўллаш ва ривожлантириш режаларини, шунингдек мудофаани ташкил этиш юзасидан давлатнинг бошқа режа ва дастурларини тасдиқлайди; ЎзР Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларининг тинчлик ва уруш даврига мўлжалланган тузилиши, таркиби ва жойлашувини тасдиқлайди; ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида, шу жумладан халқаро тинчликпарварлик тадбирларида қатнашиш тўғрисида, шунингдек Қуролли Кучларни ўзларига бевосита тааллуқли бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Қуролли Кучларга буйруқ беради; ЎзРнинг Конституциясида белгиланган тартибда: ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ҳамда ЎзРнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади; Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ** —  
Ўзбекистон банки.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ ҚАРОРИ** — Олий Мажлиснинг Сенат палатаси томонидан ўз ваколати бўйича қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжат. Сенат қонунлар қабул қилиниши талаб қилинмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Қарор лойиҳаси Сенатга киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Сенат раиси Сенат қарорини лойиҳасини масъул Сенат қўмитасида кўриб чиқиб хулоса қабул қилиш учун юборади. Сенат мажли-

сида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Сенат қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш яқунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади. Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан 5 кун ичида, агар Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатасига юборилади (Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тўғрисидаги қонун 2003 йил 29 август, 15-модда). Сенат палатасининг қарори Сенат раиси томонидан имзоланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ** – умумий юрисдикция судларининг олий инстанциясини бошқарадиган мансабдор шахс.

ЎЗР Олий суди раиси ЎЗР Президенти тақдимномасига биноан ЎЗР Олий Мажлиси Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Унинг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

Олий суд фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади; судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади; суд ишларини назорат тартибда текшириш учун талаб қилиб олади; судлар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлар, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради; ЎЗР Олий суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади, уларнинг умумий масалалар бўйича қабул қилган қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади; ишни бир суддан бошқа судга олиб бериш масаласини ҳал қилади; Пленум ва Раёсат муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

ЎЗР Олий суди Пленуми тушунтиришларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида ЎЗР Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади; қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ЎЗР Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида ЎЗР Конституциявий судига тақдимномалар киритади; ЎЗР Олий суди Раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг ҳамда умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати таркиби ва раислари тўғрисида ЎЗР Олий Суди Пленумига тақдимномалар киритади; ЎЗР судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш қўзғатади; Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; ЎЗР Олий суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади; ЎЗР Олий судининг штат жадвалини тақсимлайди; буйруқлар ва фармойишлар чиқаради; фуқароларни шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб



чиқиш ишларини ташкил этади: қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ** – фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи.

Қонунга мувофиқ, ЎзР Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

ЎзР Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

ЎзР Олий суди ЎзР Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилишини назорат қилади.

ЎзР Олий суди раис, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов хайъатлари раислари, ЎзР Олий суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради: ЎзР Олий суди Пленуми; Ўзбекистон Олий суд Раёсати; Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати; Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати; Ҳарбий хайъат.

ЎзР Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, ЎзР Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

ЎзР Олий суди Пленумининг мажлисларида ЎзР Бош прокурори қатнашади. ЎзР Олий суди Пленумининг мажлисларида ЎзР Конституциявий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, адлия вазири, судьялар, ЎзР Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

ЎзР Олий суди Пленуми тўрт ойда камида бир марта чакирилади. Мухоқама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари ЎзР Олий суди Пленумининг аъзоларига, ЎзР Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

ЎзР Олий суди Пленуми Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. ЎзР Олий суди Пленуми: суд амалиётини умумлаштириш масалаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради; ЎзР Олий суди раисининг тақдимномасига биноан ЎзР Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди; ЎзР Олий суди раисининг тақдимномаларига биноан ЎзР Олий суди Раёсатининг таркибини, судлов хайъатларининг таркиби ва раисларини, шунингдек ЎзР Олий суди Пленумининг қотибини тасдиқлай-

ди; ЎзР Олий суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек судлов хайъатларининг фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди; Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ЎзР Ҳарбий суди раисларининг конун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек ЎзР Олий суди Пленумининг конун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди; ЎзР Олий суди матбуот органининг таҳрир хайъати таркибини тасдиқлайди; ЎзР Олий суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди; конунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР Олий суди Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний қучга киради ва қонунда назарда тутилган тартибда ижро этилади.

ЎзР Олий суди Пленумининг қарори ЎзР Олий суди раиси ва ЎзР Олий суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, ЎзР Олий суди раиси ёки ЎзР Бош прокурори томонидан ЎзР Олий суди Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишинча уларнинг маърузалари ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Ушбу масалаларнинг муҳокамасида ЎзР Олий суди Пленумининг мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

ЎзР Олий суди Пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган ЎзР Олий суди Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб қучга киради.

Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича ЎзР Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

ЎзР Олий суди Раёсати ЎзР Олий суди судьяларидан ЎзР Олий суди Пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади.

ЎзР Олий суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ЎзР Олий суди Раёсати таркибига лавозим бўйича кирадилар.

ЎзР Олий суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва ЎзР Олий суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

ЎзР Олий суди Раёсати: ишларни назорат тартибда кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ЎзР Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди; ЎзР Олий суди судлов хайъатлари ва аппаратининг

ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади; конунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ РАИСИ** – хўжалик судлари тизимининг олий суд инстанциясини бошқарадиган мансабдор шахс. ЎзР Олий хўжалик суди раиси ЎзР Президенти тақдимномасига биноан ЎзР Олий Мажлиси Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

ЎзР Олий хўжалик суди раиси «Судлар тўғрисида»ги Конунга биноан судья ва процессуал ваколатларни амалга оширади:

ЎзР Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади; хўжалик судларининг ҳал қилувчи қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади; суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади; хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини конунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради; ЎзР Олий хўжалик Пленумининг тушунтиришлари бажарилиши устидан назоратни амалга оширишни ташкил этади; ишни бир хўжалик судидан бошқа хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади; ЎзР хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади; ЎзР Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати муҳокамасига конунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади; зарур ҳолларда бир хайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа хайъат таркибида иш кўришга жалб этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАСАМЁДИ** – қасамёд ЎзР Конституциясининг 92-моддасига биноан Президент лавозимига киришганда қабул қилади. Қасамёд қуйидаги матнда намоён бўлади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва конунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қаноқат беришга, ЎзР Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

ЎзР Президенти қасамёдни Олий Мажлиснинг Сенат ва Конунчилик палаталарининг қўшма йиғилишида келтиради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИ** – Давлат мукофотларининг бир туридир. «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги Конунга мувофиқ ЎзРда қуйидаги фахрий унвонлар таъсис этилган:

ЎзР санъат арбоби; фан арбоби; халқ артисти; халқ ёзувчиси; халқ рассоми; халқ шоири; халқ ўқитувчиси; халқ ҳофизси.

ЎзРда хизмат кўрсатган: комунал, маиший ва савдо соҳасидаги ходим; алоқа ходими; артист; ёшлар мураббийси; журналист; ирригатор; ихтирочи; маданият ходими; меъмор; пахтакор; пиллачи, санъат

ходими; соғликни саклаш ходими; спорт устаси; спортчи; транспорт ходими; халк таълим ходими; чорвадор; юрист; кишлок хўжалиги ходими; курувчи. Ушбу Фахрий унвонлар ЎзР Президентининг фармони билан фуқароларнинг меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ мукофотланадилар. Фахрий унвонлар билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИДАН МАҲ-  
РУМ БЎЛИШ** – ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳулосалари ва ҳаракатлари асосида шахс билан Ўзбекистон давлати ўртасида ҳуқуқий алоқаларнинг тугатилиши.

1992 йил 2 июлдаги «Фуқаролик тўғрисида»ги ЎзР қонунининг 21-моддасида ЎзР фуқаролиги тугатилишининг қуйидаги асослари кўрсатилган: а) шахнинг чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги сабабли; б) чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса; в) ЎзР фуқаролиги ёлгонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса; г) ушбу Қонунда кўрсатилган бошқа асосларга кўра.

ЎзР Президентининг фармони чиққан кундан бошлаб ЎзРнинг фуқаролиги йўқотилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИЛИГИГА ЭГА  
БЎЛИШ** – ЎзР қонунчилигига мувофиқ, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорига кўра Ўзбекистон фуқаролигини олиш.

ЎзРнинг 1992 йил 2 июлдаги «Фуқаролик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ЎзР фуқаролигини олишнинг қуйидаги асослари мавжуд:

- 1) туғилиши билан;
- 2) ЎзР фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- 3) ЎзРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
- 4) қонунда назарда тутилган бошқа асосларда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ** – ЎзР Конституциясида (78-модда) назарда тутилган орган. ЎзР **Ҳ.п.** доимий ишлайдиган давлат молия назорати органи ҳисобланади. **Ҳ.п.** Олий Мажлис томонидан тузилади ва унга ҳисобдор бўлади.

ЎзР **Ҳ.п.нинг** вазибалари: давлат бюджетининг даромад ва харajat моддалари ҳажми, тузилиши ва мақсадли йўналишига кўра ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш; давлат маблағларининг сарфланиши ва давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондлари бюджетлари лойиҳалари даромад ва харажат моддаларининг асосланганлигига баҳо бериш; давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондларининг маблағлари ҳисобидан қопланувчи харажатлар назарда тутилган қонунлар, шунингдек давлат ҳокимияти органлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг молиявий экспертизаси; давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондларининг белгиланган кўрсаткичлардан четга чиқиш билан боғлиқ ҳолатларни таҳлилдан ўтказиш ва уларни барта- раф этишга йўналтирилган таклиф-мулоҳазаларни тайёрлаш, шунинг- дек бюджет жараёнини такомиллаштириш; давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондлар маблағларининг ЎЗР Марказий банкида, ваколатли банкларда ва бошқа молия-кредит муассасаларида ўз вақ- тида ва қонуний ҳаракат қилиши устидан назорат; давлат бюджетининг ижроси ҳамда амалда оширилаётган назорат тадбирларининг натижалари тўғрисида Олий Мажлисга мунтазам ахборот бериб бориш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕФЕРЕНДУМ** – дав- латнинг демократик белгиларидан бири сифатида Конституцияда ва 1991 йил 18 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топган. Мазкур қонун 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди. Референдум – жамият ва давлат ишларини бошқаришда халқ иштирокининг олий шакли. ЎЗР Конституциясининг 9-моддасида «жамият ва давлат ҳаёти- нинг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» – деб ёзиб қўйилган. **Р.да** иштирок этаёт- ган фуқаро ижтимоий ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан овоз бериш йўли билан ўз эркини ифодалайди.

Демак, жамият ва давлат ривожининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш фуқаролар ихтиёрига хавола этилади.

ЎЗРнинг Референдум тўғрисидаги қонунига кўра, ЎЗР фуқарола- ри референдумда ихтиёрий тарзда ва бевосита иштирок этадилар. (5- модда)

**Р.да** 18 ёшга етган Ўзбекистон фуқароси тенг ҳуқуқда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга бўла- ди.

**Р.да** овоз бериш яширин ўтказилади, фуқароларнинг ўз хоҳиш - иродаларини иқдор этишларини назорат қилишига йўл қўйилмайди. ЎЗР **Р.да** суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро- лар шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар.

ЎЗР **Р.га** ЎЗР Конституциясини қабул қилиш масаласи қўйили- ши мумкин.

**Р.ни** тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида кенг ошкоралик, жамо- атчиликни кенг иштироки таъминланади.

**Р.** тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасида **Р.** предметига кирмайдиган масалалар ҳам кўрсатилган. Жумладан, республиканинг ҳудудий бутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, ЎзРнинг Давлат бюджети ва солиқлар тўғрисидаги, амнистия ва авф этиш тўғрисидаги, жамоат тартибини, аҳолини хавфсизлиги ва сихат-саломатлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилиш чора-тадбирлар тўғрисидаги, ЎзР тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилиши тўғрисидаги масалалар, шунингдек мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар ЎзР **Р.га** қўйилиши мумкин эмас.

**Р.ни** тайёрлаш ва уни ўтказиш чоғида ошкоралик ва очиклик алоҳида аҳамият касб этади. Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, **Р.ни** ташкил қилишда ва уни ўтказишда қатнашаётган давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очик ва ошкора амалга оширадilar.

**Р.ни** ўтказиш бўйича комиссия ўзларининг таркиби, манзилгоҳи ва иш вақтидан, овоз бериш участкаларининг ташкил этилганлигидан ва референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатидан аҳолини ўз вақтида воқиф этади.

**Р.** комиссияларининг мажлисларида, шунингдек овоз бериш вақтида ва овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида, **Р.нинг** натижаларини аниқлаш пайтида сиёсий ва ўзга жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг, меҳнат жамоаларининг, фуқаролар йиғилишларининг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Комиссияларнинг мажлисларида ёки овоз бериш участкаларида ҳозир бўлган шахслар ўзларини ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатига эга бўлишлари керак. Манфаатдор ташкилотлар ўз вакилларини юбориш ҳақида хабарни **Р.ни** ўтказувчи округ комиссияларига референдум ўтказилишига ўн беш кун қолгунга қадар юборишлари керак.

**Р.ни** ўтказиш бўйича тузилган комиссия манфаатдор ташкилотлардан **Р.да** референдумни ўтишини кузатиш учун ўз вакилларини юбориш тўғрисидаги таклифларини олгандан сўнг беш кун ичида ЎзР Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган намуна бўйича уларга мандат топширадilar.

Бошқа давлатлардан ва халқаро ташкилотлардан келган кузатувчиларга мандат ЎзР Марказий сайлов комиссияси томонидан берилди.

ЎзРнинг референдум тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқга эгадирлар: 1) **Р.** ўтказиш бўйича округ ва участка комиссияларининг мажлисларида қатнашиши, 2) **Р.** участкасига келиб тайёргарлик ишларини, овоз бериш учун қўйилган яшчикларни жойлашувини, унга қўйилган муҳрни кўздан кечириши,

фуқароларга тарқатилаётган бюллетенларни текшириш; 3) **Р.** ўтказиш бўйича участка комиссияларини овозларини ҳисоблашида ва баённома тузишида иштирок этиши, 4) **Р.** ўтказиш бўйича комиссия томонидан тасдиқланган овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани сўраши ва олиши ва ҳақозо.

Кузатувчиларга куйидагилар тақиқланади. 1) овоз берувчи овоз бериш хонасида бюллетенга ўз қайдини қилаётганда овоз бериш хонасига ёки кабинетига кириши; 2) овоз берувчига ўз таъсирини ўтказиш, тарғибот материаллари ва адабиётларни тарқатиш, 3) овоз берувчилардан қандай овоз берганлиги ёки уларга овоз беришда бюллетенга қайд қилишда ёрдам бериш; 4) **Р.** ўтказиш бўйича участка комиссияси фаолиятига аралаштириш, жумладан, овоз бериш учун қўйилган яшчикларни муҳрлашда, уни муҳрини очишда ва овозларни санаш ва ҳақозо.

ЎзР **Р.ни** ўтказиш ташаббуси билан ЎзР фуқаролари, ЎзР Олий Мажлиси, ЎзР Президенти чиқиши мумкин. Улар **Р.** ўтказиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқишида тенг ҳуқуққа эгадирлар.

**Р.** да иштирок этиш ҳуқуқига эга ЎзР нинг ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи **Р.** ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун юз кишидан кам бўлмаган кишилар иштирокида ташаббускор гуруҳни тузишлари мумкин.

Фуқароларнинг ташаббускор гуруҳининг вакили ЎзРнинг Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилиб, гуруҳни рўйхатдан ўтказишни илтимос қилади. Аризага қуйидагилар қўшимча қилинади:

– паспортининг номери ва серияси, турар жойи, туғилган санаси, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати;

– конунда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган фуқароларнинг ташаббускор гуруҳини вакилини тайинлаш тўғрисидаги мажлис қарори ва вакилга берилган ишонч қоғози;

– **р.** ўтказиш ташаббуси илгари сурилганлиги тўғрисида қабул қилинган қарор кўрсатилган фуқаролар ташаббускор гуруҳи мажлисининг баённомаси;

– фуқаролар ташаббускор гуруҳининг **р. га** киритилган таклифи бўйича масалани кўрсатиш.

Фуқароларнинг ташаббускорлар гуруҳини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг унинг вакилига Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

ЎзР Марказий сайлов комиссияси томонидан фуқароларнинг ташаббускорлар гуруҳини рўйхатдан ўтказиш, рад қилишга, унинг сабабларини уларга ёзма равишда кўрсатиб берадилар.

Фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи **р.ни** ўтказиш учун ташаб-

бусни кўллаб-қувватлаши учун аъзоларни тўплаш фақат унинг вакили томонидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олгандан сўнг бошланади. Бунда фуқароларнинг илгари тўпланган имзолари ҳисобга олинмайди. Фуқароларнинг ташаббускор гуруҳини рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома уч ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Имзоларни тўплаш бўйича харажат учун фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи маъсулдирлар.

Имзо варақаларининг шакли ЎзР Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилади. Имзо варақасида **р.га** киритиладиган масала ўз аксини топган бўлиши керак.

Фуқароларнинг имзосини тўплаш уларнинг иш, хизмат ва турар жойларида, шунингдек имзоларни тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда ҳам амалга оширилади. Бунда имзо тўловчи шахс томонидан фуқароларни имзо қўйишга мажбурлаш ва имзоларни сотиб олиш тақиқланади.

Имзолар тўплаб бўлингандан сўнг имзо варақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида тикилиб, ҳамда фуқаролар ташаббускор гуруҳининг вакили томонидан ЎзР Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Хужжатларни топширган шахсга Марказий сайлов комиссияси хужжатларни қабул қилиб олганлиги ҳақидаги маълумотномани беради. Маълумотномада хужжатни қабул қилинган вақти ва санаси кўрсатилади.

ЎзР Марказий сайлов комиссияси хужжатларни ўрнатилган тартибга мос келишини текшириб, хужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида ўз хулосасини ЎзР Олий Мажлисига юборади ва бу ҳақда ЎзР Президентига ахборот беради.

**Р.** ЎзР Олий Мажлиси томонидан тайинланади.

Агар **Р.ни** ўтказиш бўйича Президент ташаббус билан чикса, у ЎзР Олий Мажлисига мурожаат қилади ёки **р.** ўтказиш тўғрисидаги ўз қарорини қабул қилади.

Олий Мажлиснинг **р.** ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида хабар берилади. Ундан сўнг ўн кун ичида **р.га** киритилган қонун ёки қарор лойиҳаси матбуотда эълон қилинади.

**Р.ни** тайёрлаш ва уни ўтказиш харажатлари ЎзР нинг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ЎзР фуқаролари **р.** ўтказиш учун ўз маблағларини қўнгилли равишда беришлари мумкин. Бу маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиниб, **р.ни** тайёрлаш ва уни ўтказиш учун сарф қилинади.

ЎзРнинг **р.** тўғрисидаги қонунини бузган шахслар ўрнатилган тартибда жавобгар бўладилар.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

– республика давлат суверенитетининг рамзидир. Ўн иккинчи чақирик ЎзР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қабул қилинган ЎзРнинг Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисидаги ЎзР Олий Кенгашининг қарорига кўра, ЎзР нинг Давлат байроғи байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан ташкил топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энлар кенглиги бир хил. Ҳар бир эннинг кенглиги 40 сантиметр. Байроқнинг ўртасига жойлаштирилган оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрли тенг қизил хошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг олди ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли ярим ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Ярим ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70X30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Ярим ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 см. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар ярим ойнинг пастки учидан 3,5 см масофада жойлашади.

Қарорда белгиланишича, ЎзР **Д.б.** ва унинг тасвири, катта-кичиклигидан қатъи назар, схематик тасвирга мутаносиб бўлиб, унинг ранглар гаммасини аниқ такрорлаши керак.

ЎзРнинг **Д.б.** тўғрисидаги ЎзР Қонуни (1991 йил 18 ноябрь)нинг 3-моддасига мувофиқ ЎзР нинг **Д.б.** халқаро майдонда: ЎзР расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида ЎзРнинг тимсоли бўлади.

ЎзРнинг **Д.б.**:

1) доимий суратда:

ЎзР Президентининг аппарати биносиди;

ЎзР Олий Мажлиси биносиди;

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси биносиди;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва ҳукумати биносиди;

ЎзР халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари биносиди;

ЎзР доимий ваколатхоналари биносиди;

2) халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда – бутун сессия давомида;

3) ЎзР қонунлари билан белгиланган байрам кунларида ЎзР ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек турар жой биноларида соат 06<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача;

4) ЎзР халқ депутатлари, республика халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайлови кунларида ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган биноларда ва уйларда овоз бериш ёки референдум ўтказиш давомида;

5) ЎзР нинг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида – дипломатия протоколининг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида ЎзР нинг Президенти, ЎзР Олий Мажлисининг Раиси, ЎзР нинг Ташқи ишлар вазири, ЎзР нинг мудофаа ишлари вазири – Миллий гвардия қўмондони, ЎзР дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

9) спорт майдонларида – ЎзР чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда ЎзР нинг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

ЎзРнинг **Д.б.** билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, ЎзРнинг **Д.б.** (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи, чап томондан кўтарилмоғи керак.

ЎзРнинг **Д.б.** билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганида ЎзР нинг **Д.б.** алоҳида, қолганлари эса ўзбек алфавити бўйича кўтарилади.

ЎзРнинг **Д.б.** бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши керак.

ЎзРнинг **Д.б.** биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флаштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган Давлат байроғининг матоси ердан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

Мотам муносабати билан ЎзР Олий Мажлиси қарорига мувофиқ, ЎзРнинг **Д.б.** мотамга мослаб кўтарилди. Бундай ҳолларда ЎзР нинг **Д.б.** дастаси ёки флагштоқнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Байроқ мотам муносабати билан флагштоқда кўтарилган тақдирда у флагштоқ узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб қўйилади.

ЎзРнинг **Д.б.** ва унинг тасвири катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ўзининг рангли ва схематик тасвирига аниқ мос келиши керак.

ЎзР **Д.б.ни** давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида юқорида баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ турар жой биноларида кўтарилган вақтда эса – уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

ЎзРнинг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар ЎзРнинг **Д.б.ни** ҳурмат қилишлари шарт.

ЎзРнинг **Д.б.ни** ҳурматсизлик қилганлик учун ЎзР қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ –**

Ўзбекистон Республикасининг давлат сифатидаги рамзларидан бири. ЎзР қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, ЎзРнинг **Д.г.** қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

ЎзР **Д.г.нинг** рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар – қуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви – олтин рангида, гўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангида; чаноқлардаги пахта – оқ рангида, лента – ЎзР Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида: саккизбурчак олтин зарҳал билан хошияланган холда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангида тасвирланган.

ЎзР **Д.г.нинг** тасвири:

1) қуйидаги биноларда:

а) ЎзР Президенти девонининг биносиди;  
б) ЎзР Олий Мажлисининг биносиди;  
в) ЎзР Ҳукуматининг биносиди;  
г) ЎзР давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биноларида;

д) ЎзР вазирликлари, давлат қўмиталари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларнинг биноларида;

е) судларнинг биноларида;

ж) ЎзР Прокуратура идораларининг биноларида;

з) ЎзР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида;

и) ЎзР почта алоқаси корхоналарининг биноларида;

1) ЎзР Олий Мажлисининг сессиялари, ЎзР Олий Мажлиси Раёсати, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган биноларда, судлар ва ҳакамлик судлари суд мажлислари ўтказаетган хоналарда, унингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинмаган хоналарда;

2) ЎзР Президенти ва унинг девони, ЎзР Олий Мажлиси, унинг Кенгаши қўмиталари, комиссиялари ва Котибияти, ЎзР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларнинг, ЎзР судлари ва ҳўжалик судларининг, ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Марказий сайлов комиссияси, ЎзР прокуратура идоралари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг, давлат нотариал идораларининг, ЎзР банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек ЎзР конунлари билан муҳрлар ва бланкаларда гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва бланкаларида;

3) ЎзР Президентининг, ЎзР Олий Мажлисининг, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида;

4) ЎзРнинг пул бирликларида, қимматли қоғозларида, облигацияларида, почта маркаларида, пул-буюм лотереяси билетларида;

ЎзР фуқаросининг паспортида, шунингдек ЎзР фуқароларига берилмаган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида;

5) ЎзРнинг давлат чегараларида ўрнатилмаган сарҳад столбларида ўрнатиб қўйилади.

ЎзР **Д.г.нинг** бўртма тасвиридан ЎзР давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мажлис залларида, судларнинг – суд ўтказиламаган мажлис залларида, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари – туғилиш ва никоҳ тантанали суръатда рўйхатга олинмаган хоналарда фойдаланишлари мумкин.

ЎзРнинг **Д.г.** тўғрисидаги Конунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият ЎзРнинг **Д.г.** тасвиридан фойдаланиш

хукуки берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ** – Ўзбекистон Республикасининг давлат сифатидаги рамзларидан бири. ЎзР қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

ЎзР **Д.м.** 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган бўлиб, муаллифлари шоир Абдулла Орипов ва композитор Мутал Бурхоновдир.

ЎзРнинг **Д.м.:**

1) ЎзРда нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24<sup>00</sup> да республика телевидениеси ва республикаси радиоси орқали; ЎзРда нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали – дастурларнинг бошланишида; ҳар кунчи Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлари орқали дастурларнинг бошланиши ва тугатилиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли, сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган хайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда ЎзРнинг **Д.б.ни** кўтариш чоғида;

5) расмий сафар билан ЎзРга ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошликлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида – тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

ЎзРнинг **Д.м.** давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

ЎзРнинг **Д.м.** оркестр, хор, ҳам оркестр-хам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

ЎзРнинг **Д.м.** вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

ЎзРнинг **Д.м.** мадҳиянинг тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим.

ЎзРнинг **Д.м.** кўпчилиги хузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

ЎзРнинг **Д.м.ни:**

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемадарда ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши – ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошликлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши – ЎзР Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан;

ўқув юртларида ижро этиш – ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ЎзР Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

ЎзР ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ЎзРнинг **Д.м.** ЎзР Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ЎзРнинг **Д.м.ни** ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Хорижий давлатлар ҳудудида ЎзРнинг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида ЎзРнинг **Д.м.** ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

ЎзР **Д.м.** ЎзР Давлат байроғини кўтариш вақтида ижро этиладиган ҳолларда эса ЎзР Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориши шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам юкланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ** – 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзР **Д.ч.** ЎзР ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат.

Давлат чегараси қуйидагича белгиланади:

қуруқликда – ўзига хос нукталар, рельефнинг чизиклари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар бўйича;

кема катнайдиган дарёларда – дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема катнамайдиган дарёларда, жилғаларда – уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб;

кўллар ёки бошқа сув хавзаларида – **Д.ч.** кўл ёки бошқа сув хавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича. Дарё, жилга кўл ёки бошқа сув хавзаси орқали ўтадиган **Д.ч.** улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилга оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

сув омборларида ва бошқа сунъий сув хавзаларида – улар сув билан тўлдирилгунга қадар **Д.ч.нинг** мазкур жойдан ўтган чизигига мувофиқ равишда;

дарёлар, жилгалар, кўллар ва бошқа сув хавзалари орқали ўтувчи кўприкларда тўғонлар, ва бошқа иншоотларда – **Д.ч.** сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технология ўқи бўйлаб.

**Д.ч.** жойларда аниқ кўришиб турадиган чегара белгилари билан кўрсатиб қўйилади.

Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари ва уларни ўрнатиш тартиби қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзРнинг халқаро шартномалари билан белгиланади.

Қўшни давлатлар ўртасида **Д.ч.** чизигини кўрсатиб қўйиш учун жойларда чегаранинг бутун узунлиги бўйлаб, шунингдек чегара бўйи дарёлари ва сув хавзалари бўйлаб чегаранинг тозалаш минтақалари белгиланади.

**Д.ч.** орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

**Д.ч.ни** химоя қилиш ва қўриқлаш бўйича махсус ваколатли орган ЎзР **Д.ч.ларини** химоя қилувчи кўмитадир.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИДОРАЛАРИ (муассасалари)** – раҳбарлари ЎзР Ҳукумати таркибига қирмайдиган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг конституциявий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий адабиётларда, кўпинча норматив ҳужжатларда ҳам қўлланиладиган умумлаштирилган номи. Шу жиҳатдан олганда, «вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар» деган ибора анча кенг тарқалган. Бу ҳолда республиканинг марказий муассасалари, агентликлар, хизматлар, комиссияларни шундай идоралар жумласига киритиш керак бўлади. (қarang. *Республика ижро этувчи ҳокимият органлари*).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ** – конституциявий ҳуқуқда қўлланиладиган тушунча. Хусусан, ЎзРнинг Конституциясида айтиладиги, ЎзРнинг Президенти ЎзР Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қиладди, олий ҳарбий унвонлар беради.

ЎзР Қ.К. ЎзРнинг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

**Қ.К.нинг** тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади. Чунончи, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган, янги таҳрири 2001 йил 11 майда тасдиқланган «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун мудофаани ташкил этишнинг ҳамда ЎзР **Қ.К.ни** бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди, мамлакат мудофаасини таъминлашда давлат органларининг ваколатларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини аниқлаб беради.

Қонунда мустаҳкамлаб қўйилганидек, **Қ.К.** урушлар ва қуроли мижроларни даф қилиш ҳамда олдини олиш, ЎзР нинг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, кўшилмалар ва қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

**Қ.К.** ўз фаолиятини қонун устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик, жанговар ва сафарбарлик борасида доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида қуради ва амалга оширади.

Ҳарбий объектлар, бинолар ва иншоотлар, қурол-яроғ, ҳарбий техниканинг барча турлари, бошқа ҳарбий мол-мулклар давлат мулки ҳисобланади ва **Қ.К.** тасарруфида бўлади. **Қ.К.нинг** комплектланиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мудофаага ва **Қ.К.га** раҳбарликни ЎзР Президенти – **Қ.К.** Олий бош қўмондони амалга оширади.

Уруш даврида ЎзР мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида **Қ.К.** Олий бош қўмондони ўринбосари ҳисобланади.

**Қ.К. нинг** кундалик фаолиятига раҳбарликни ўз бўйсунувида **Қ.К. нинг** таркибига кирадиган ҳарбий тузилмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари амалга оширадilar.

**Қ.К.** олдига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан уларга тезкор раҳбарликни **Қ.К.** Бирлашган штабининг бошлиғи амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚАРОРИ** – Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан ўз ваколати бўйича қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат. Қонунчилик палатаси асосан қонун, қарор, мурожаатномалар қабул қилади. Шулар ичида Қонунчилик палатасининг қабул қилган қарори ўз юридик кучи бўйича иккинчи ўринда туради. Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилиши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Қарорлар лойиҳаси палатага киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади. Бу ҳужжат қонунларни кучга



киритиш, қўмиталар фаолиятини ташкил қилиш, ички тартиб масалалари юзасидан бўлиб, палата Спикери томонидан имзоланади (82, 85-моддалар). Қонунчилик палатаси қарори палата депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ** – ЎзРнинг қонуни бўлиб, унга кўра фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрқларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларини зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар.

**Ф.К.** фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулк ҳуқуқи ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролар қонун ҳужжатлари нормалари **Ф.К.га** мос бўлиши шарт. ЎзР **Ф.К.нинг** биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми 1996 йил 29 августда ЎзРнинг Президенти томонидан имзоланган. ЎзР Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги қарорига кўра ЎзР **Ф.К.нинг** биринчи ва иккинчи қисми 1997 йилнинг 1 мартидан кучга киритилган.

ЎзР **Ф.К.нинг** биринчи қисми уч бўлим («Умумий қоидалар», «Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар», «мажбурият ҳуқуқи»)дан иборат бўлиб, ўз ичига 28 боб ва 385 моддани қамраб олади. Иккинчи қисм ҳам уч бўлим («интеллектуал мулк», «ворислик ҳуқуқи», «халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш»)дан иборат бўлиб, 29–71-бобларни қамраб олади. ЎзР **Ф.К.нинг** иккала қисми 1199 моддадан иборат.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ** – Ўзбекистонда фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатиدير. Ушбу кодекс даъво тартибидаги ишларни органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди (ФПКнинг 2-моддаси).

ЎзР Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги қарорига мувофиқ ЎзРнинг **Ф.К.** 1998 йил 1 январдан кучга киритилган. У беш бўлим («Умумий қоидалар», «Биринчи инстанция судида иш юритиш», «Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш», «Суд қарорларининг ижроси», «Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки»), 40 боб, 391 моддадан иборатдир.

**ЎЗБОШИМЧАЛИК** – ўрнатилган қонун ва бошқа норматив-хуқуқий акт қоидаларига зид равишда маълум бир ҳаракатни содир этиб, ташкилот ёки фуқаронинг хуқуқларига зарар етказиш.

ЎзР ЖКнинг 229-моддасига мувофиқ, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган хуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг хуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

**Ў.да** айбдор шахс ўз хоҳиши билан, яъни қонуний ваколатсиз ҳаракат қилади. **Ў.** ҳамиша фаол ҳаракатларда ифодаланади. Фаол ҳаракат қилмасдан **Ў.** қилиб бўлмайди.

Кўп миқдордаги зарар ёки жиддий зиён келтирилган **Ў.** маъмурий хуқуқбузарлик бўлиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасига кўра жазоланади.

**Ў.** объектив томонининг жуда муҳим белгиси, субъектнинг ўз ҳақиқий ёки эҳтимолий хуқуқларини амалга оширишидир.

Ҳақиқий хуқуқ шахснинг қонуний хуқуқидир, аммо шахс мазкур хуқуқни амалга ошира бориб, бунинг учун белгиланган қоидаларга амал қилмайди. Мас., шахсга берилган қарзни ундириш учун, **Ў.** билан унинг мулкни олиб қўйиш қабилар бунинг мисолидир.

Жабрланувчининг ноқонуний равишда сақлаб турган мулкнинг айбдорга тааллуқли бўлганлиги ҳолатларда, у мазкур мулкни зўрлаб тортиб олса, унинг ҳаракатларини баъзан судлар талончилик ёки босқинчилик сифатида баҳолайдилар. Бундай ҳаракатлар **Ў.** деб баҳо-ланиши лозим.

**Ў.** энг аввало, бошқа манфаатдор фуқаролар, давлат манфаатла-рининг хуқуқ ва қонуний эҳтиёжларини бузилишга хавф туғдириши билан ҳатарлидир.

**ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ** – бир қатор ижтимоий фанлар, сиёсатшунослик, фалсафа ва конституциявий хуқуқда фойдаланиладиган термин (категория). Конституциявий хуқуқий тартибга солишда «халқнинг ўзини-ўзи бошқариш», «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш», «худудий ўзини ўзи бошқариш» ва бошқа шу каби тушунчалардан фойдала-нилади.

Ўзини ўзи бошқариш – аҳолини худудий бирлик бўйича, маълум турар жойи бўйича бирлашиши, жамоат бирлашмалари, меҳнат кол-лективлари ва шу қабилардир.

ЎзР Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ қишлоқ, овул ва шаҳар таркибидаги маҳаллаларда, яъни муайян белгиланган худудда яшовчи вояга етган барча фуқароларнинг йиғини (мажлиси) **Ў.-ў.** бошқарув органи ҳисобланади. Ушбу ҳолатга кўра, посёлка, қишлоқ,

овул, маҳаллалардаги давлат вакиллик органлари давлат органлари тизимидан чиқарилган ва **Ў.-Ў.б.** органлари тизимига ўтказилган.

Ўзбекистонда ислох қилинаётган сиёсий тизимда пайдо бўлаётган янгиликлар билан бир қаторда, эски ижтимоий тузилмалар, **Ў.-Ў.б.** ҳам амал қилмоқда. Бу кўп авлодли (катта оила), тенгдошлар ва ҳамюртларнинг уюшмаси (гап, жўра), кўшниларининг ҳудудий жамоаси маҳалладир.

**Ў-Ў.б.нинг** моҳияти шундаки, бунда фуқаролар ҳаётий муҳим масалаларни биргаликда ҳал этиб, умумий бошқарувда иштирок этадилар.

**Ў-Ў.б.нинг** асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга бўлган масалаларни ҳал қилишда мустақил равишда фаолият қилишни таъминлашдир.

ЎзР Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унинг 7-моддасида **Ў.-Ў.б.** органларига фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғинининг кенгаши, фуқаролар йиғинини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси ҳамда маъмурий комиссиялар қиради, – деб белгилаб қўйилган.

**Ў-Ў.б.нинг** олий органи фуқаролар йиғини бўлиб ҳисобланади ва аҳоли манфаатларини ифодалаш, унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар йиғинида маҳаллий ҳудудда яшовчи ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар қатнашиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг учдан икки қисми мавжуд бўлганда йиғин ваколатли ҳисобланади.

**Ў-Ў.б.** қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирлик, маҳалла қўшилганда, бўлинганида, тугатилганида фуқаролар йиғинининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2005 йилнинг маълумотларига кўра, ҳозирда Ўзбекистонда 10000 дан ортиқ **Ў.-Ў.б.** органи мавжуд.

**ЎЗР ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ** – солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан ягона назорат тизими.

**Д.с.х.** органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунда (1997 йил 29 августда қабул қилинган) белгилаб берилган. Чунончи, солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортилиши лозим бўлган субъектлар ва объектларни ҳисобга олиш, солиқларга доир текширувлар ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўраб-суриштириш воситасида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларида амалга оширилади.

**Д.с.х.** органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий тузилмаларга эга бўлган махсус назорат-тафтиш бўлинмаси тузилиб, у **д.с.х.** органларида солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш соҳасида фаолият олиб боради.

**Д.с.х.** органлари ўз фаолиятларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

**Д.с.х.** органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

ЎзР Солиқ кодексида (масалан, Кодексининг 87-моддасида) назарда тутилган ҳолларда божхона органлари солиқ органларининг ваколатларига эга бўлиши мумкин.

**ЎҚИШ** – парламент ёки унинг палатасида қонун чиқариш жараёни бошқичининг номи. Мас., ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қонда тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурияти, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг ЎзРнинг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонун лойиҳасини рўёбга чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини такомилга етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган ҳисобланади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. Масъул қўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонилан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул кўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича уни тақоми-лига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага кири-тиш муддатини белгиланган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан тўлалигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул кўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқишда тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**ЎЛКА, ВИЛОЯТ, АВТОНОМ ВИЛОЯТ, АВТОНОМ ОКРУГ МАЪМУРИЯТИ** – турли мамлакатларда, мас., РФда Федерация тегишли субъектининг давлат ижро этувчи ҳокимият органи. Маъмурият таркибига маъмурият бошлиғи (кўпинча губернатор деб аталади) ва унинг ҳузурдаги девон, бошқармалар, бўлимлар, департаментлар ва бошқа таркибий бўлинмалар киради. РФ бир қатор субъектларида маъмурият бошлиғи ва маъмурият бошқармалари, бўлимлари, департаментлари ҳамда бошқа бўлинмаларининг раҳбарлари ҳукумат тузатдилар.

Маъмуриятнинг мақоми субъектнинг устави, шунингдек маъмурият тўғрисидаги, маъмурият бошлиғи тўғрисидаги, ҳукумат ва маъмуриятнинг алоҳида бўлинмалари тўғрисидаги қонунлар (низоомлар) билан белгиланади.

Маъмурият бошлиғи аҳоли томонидан сайланади. Лавозимига кўра, у РФ Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг аъзоси ҳисобланади. Маъмурият бошлиғининг ўринбосарлари, бўлинмалар раҳбарларини маъмурият бошлиғи лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

**ЎРТОҚЛИК СУДИ** – фуқароларнинг иш жойи ёки яшаш жойида ғайриижтимоий хулқ-атвор ҳолатларини ёки жамоаларда юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун фойдаланиладиган жамоатчилик ташаббускорлигининг турларидан бири.

XX асрнинг 20–30, кейинроқ 60–80 й.ларида **Ў.с.** кенг тарқалган эди. Улар деярли барча қорхоналар ва ташкилотларда, шу жумладан ҳарбий ташкилотларда сайлаб қўйиларди. Уларга ҳатто айрим давлат функцияларини амалга ошириш (масалан, кам аҳамиятли қилмишлар учун жарима солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг

топшириғига биноан жиноят ишларини кўриб чиқиш ва х.к.) ҳукуқи ҳам берилган эди.

**ҚАМОҚ (ҳибсга олиш)** – қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан қўлланиладиган, жамиятдан ажратиб сақлаш. **Қ.** давлат мажбурловининг энг қаттиқ чораларидан бири ҳисобланади.

**Қ.** – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади (ЎЗР ЖК 48-моддаси).

Амалдаги қонун ҳужжатлари **Қ.нинг** бир қанча турларини назарда тутлади: эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш; **Қ.** жиний жазонинг турларидан бири сифатида; **Қ.** маъмурий жазо чораси сифатида; **Қ.** интизомий таъсир (жазо) чораси сифатида.

**Қ.нинг** кенг тарқалган турларидан бири – бу жиноят содир этишда айбланаётган (алоҳида ҳолларда – гумон қилинаётган) шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш. Бу турдаги қамокқа олиш учун асослар қонунда аниқ қайд этилган (ЎЗР ЖПК 236–243-моддалари). Айбланувчи суриштирувчидан, дастлабки терговдан ёки суддан яшириниши, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, жиний фаолият билан шуғулланиши ёки суд ҳукми билан ўзига тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаши мумкин, деган ўринли тахмин мавжуд бўлган тақдирда **Қ.** қўлланилиши мумкин. Содир этилган жиноятнинг оғирлиги ўз-ўзидан **Қ.** учун асос бўлавермайди. Ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб турадиган жиноятлар ҳақида сўз юритганда у шундай асосга айланади. **Қ.** ҳақида қарор қиладиган шахслар бошқа ҳолатларни – масалан, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиги ва оилавий аҳволини ҳам ҳисобга олишлари шарт.

Эҳтиёт чораси сифатида **Қ.ка** олиш Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

**Қ.ка** олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақатгина ушлаб турилган гумон қилинаётган шахсга ёки айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Фуқароларни камокка олиш учун ЎзР Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек туманларнинг (шаҳарларнинг) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган бошқа прокурорлар рухсат бериш ҳуқуқига эга.

**Қ.қа** олишга рухсат бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда прокурор жиноят ишига доир барча материаллар билан пухта танишиши ва зарурат бўлганда гумон қилинувчи ёки айбланувчини шахсан сўроқ қилиши, сўнг қуйидаги ҳаракатлардан бирини бажариши шарт:

1) терговчининг эҳтиёт чораси тариқасида **Қ.қа** олиш тўғрисидаги қарорига рухсат бериш;

2) бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки эҳтиёт чораси қўллашни рад этиш ва ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилиш (ЖПК 242-243-моддалари).

Маъмурий **Қ.қа** олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилинганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий камокка олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий **Қ.қа** олиш чораси хомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Жиноят иши бўйича **Қ.ни** эҳтиёт чораси сифатида танлаш тўғрисидаги қарор дастлабки терговни олиб бораётган шахс ёки муайян иш ўз иш юритишида турган суд томонидан қабул қилиниши керак. Агар бундай қарор терговни ўтказаетган шахс томонидан қабул қилинадиган бўлса, бунинг учун прокурорнинг розилиги бўлиши шарт.

**ҚАМОҚ УЙИ** – жиноят содир этганлиги муносабати билан камокка ҳукм қилинган шахслар учун мўлжалланган ахлоқ тузатиш муассасаси. Бундай муассасаларнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу маҳбусларнинг каттик яққалаб қўйилишидир. Уларга нисбатан умумий тартибдаги турма қамоғига ҳукм қилинганлар учун белгиланадиган тартиб татбиқ этилади. Яъни фақат адвокатлар ва бошқа юридик ёрдам кўрсатадиган шахслар билан учрашувга йўл қўйилади, пул жўнатмалари, посилкалар, йўқловлар олиш, тақиқланади, умумий таълим, касбий таълим ва касбий тайёргарлик амалга оширилмайди, соқчисиз юришга рухсат этилмайди ва х.к. Маҳбусларга нисбатан асосан турма қамоғига ҳукм қилинган шахслар учун назарда тутилган сингари рағбатлантириш ва жазо чоралари қўлланилади. Қамок

жазосига ҳукм қилинганлар маъмурият томонидан ҳафтасига кўпи билан тўрт соат қамоқ уйининг хўжалик хизматига ҳақ тўланмайдиган ишларга жалб этилиши мумкин.

**ҚАМОҚҚА ОЛИШ** — қаранг: **Қамоқ**.

**ҚАРОР** — 1) турли хил давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий актларнинг умумлаштирилган номи; 2) ҳозирги пайда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш вакиллик органлари томонидан қабул қиладиган ҳуқуқий акт тури.

**ҚАРОР** — Бир қатор органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ҳужжати. ЎзР Олий Мажлисининг палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалаларга оид ҳужжатларни қарорлар шаклида қабул қиладилар. Конституциявий суднинг тегишли ҳужжатлар ва шартномаларнинг Конституцияга мувофиқлигини баҳолаш, ҳуқуқий ваколат тўғрисидаги низолар, фуқароларнинг шикоятлари, судларнинг сўровлари ва конституцияни шарҳлаш тўғрисидаги, сўровлар тўғрисидаги якуний тўхтамлари қарорлар сифатида қабул қилинади. Дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказувчи шахсларнинг, прокурорлар, судларнинг тўхтамлари ҳам қарор деб аталади.

**ҚИДИРУВ** — дастлабки тергов, суриштирув ва оператив қидирув фаолиятини олиб боровчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан суд ёки терговдан яшириниб юрган айбланувчи (судланувчини)ни ва жазони ўташдан ёки озодликдан маҳрум этилиш жойидан қочиб кетган, шунингдек бедарак йўқолганларни топиш учун амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи. ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 365-моддасига мувофиқ, айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда, терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт. Терговчи фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақли. **Қ.** дастлабки тергов тўхталгандан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин.

**Қ.** маҳаллий (айбланувчи турар жойида яширилган бўлса), минтақавий (қидирилаётган шахс яшаш жойиданташқари ҳудудда яширилган бўлса ва умумдавлат миқёсида ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади.

**ҚИРГИЗИСТОН (Қирғиз Республикаси)** — суверен, унитар, демократик республикаси бўлиб, ҳуқуқий ва дунёвий асосларга суянган ҳолда вужудга келган. Мазкур ҳолат 1993 йилнинг 5 майида қабул қилинган Конституцияда ўз аксини топган. Унга асосан давлат тили қирғиз тили ҳисобланади. Асосий қонун рус ва бошқа тилларнинг муҳофазаси ҳамда тенг ривожланишига кафолат беради. Пойтахти — Бишкек шаҳри.

**Қ.да** мулкчилик давлат мулки ва хусусий мулкдан иборатдир.



Конституция инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини ўзида мужассамлаштириб, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг фаолиятига кенг йўл очиб беради.

Давлат ҳокимияти ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосан ташкил этилган.

Давлат бошлиғи – Президент бўлиб, мамлакат ичида ва халқаро майдонда халқ номидан иш кўради. У умумий сайловлар асосида 5 йил муддатга сайланиб, сурункасига 2 та муддатдан кўпга сайланиши мумкин эмас.

Президент ҳукумат таркибини белгилаб уни олий вакиллик органи бўлмиш Жокорку Кенеш муҳокамасига киритади. Бундан ташқари Президент Жокорку Кенешнинг розилиғи билан бош вазирни тайинлайди.

Жокорку Кенеш – доимий ишлашдан олий вакиллик органи ҳисобланади. У қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади ҳамда 105 та депутатдан иборат. Улар 5 йил муддатга сайланади ва асосий функциялардан ташқари назорат функцияларини ҳам бажаради.

Ижро этувчи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Унинг ваколатлари сирасига давлат бошқарув функциялари кирилади. Жойларда ижро этувчи ҳокимият маҳаллий маъмуриятга тегишли.

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва маҳаллий судларга тегишли.

**КИШЛОҚ ЙИҒИНИ (фуқаролар йиғини)** – бевосита демократия институти бўлиб, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимида мавжуд бўлади.

ЎзР парламенти – Олий Мажлис томонидан 1999 йил 14 апрелида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ «фуқаролар йиғини – фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган кишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

Фуқаролар йиғини кишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органиларининг ваколатларига қонун билан берилган, исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаро йиғини фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди; раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг масъул қотибни тайинлайди;

Қонунларга риоя этилиши ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини сайлайди, комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, йилнинг ҳар чорагида унинг ҳисоботларини эшитади; ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайди; кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади ва ҳоказо.

**ҚИШЛОҚ КЕНГАШИ** – совет давридаги давлат ҳокимиятининг қуйи вакиллик органи.

**ҚИШЛОҚ ОҚСОҚОЛИ** – ЎзР Конституциясига мувофиқ қишлоқ ва овулларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги жамоа томонидан икки ярим йил муддатга сайланадиган мансабдор шахс. У фуқаролар йиғинини чақиради, раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади; қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди; фуқаролар йиғини маблағларини қонунларга мувофиқ тасарруф этади; эгасиз мол-мулкни, шунингдек мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради; фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади; кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан зарар кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади ва ҳоказо.

Оқсоқол белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади.

**ҚИШЛОҚ ҚЎМИТАСИ** – қишлоқ аҳолиси томонидан сайланадиган ҳудудий ўзини ўзи бошқариш жамоа органи. **Қ.қ.** маҳаллий аҳолини ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, ўша жой аҳолисини муҳим ҳаётий масалаларини муҳокама қилади ва қарорлар қабул қилади.

**ҚОЗОҒИСТОН (Қозоғистон Республикаси)** – Мустақиликка қача собиқ совет иттифоқи тартибидаги республика. 1991 йилдан мустақил давлат. Пойтахти – Остона шаҳри.

Конституцияси 30 август 1995 йилги республика референдумида қабул қилинган. Унга асосан **Қ.** демократик, дунёвий, ҳуқуқий, иж-

тимой давлат бўлиб, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги олий кадрият ҳисобланади. Республика фаолиятининг асосий принциплари: ижтимоий тотувлик, сиёсий барқарорлик, барча халқлар равнақи йўлида иктисодни ривожлантириш, қозоқ ватанпарварлиги, давлат ҳаётига тааллуқли энг муҳим масалаларни демократик услубда референдум ва парламентда овозга қўйиш асосида ҳал қилиш ҳисобланади.

**К.да** давлат тили қозоқ тили бўлсада, давлат ташкилотларида ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув ташкилотларида қозоқ тили билан бирга рус тилидан расмий фойдаланилади.

**К.** унитар ва Президент бошқарув шаклидаги давлат. Давлат ҳокимияти ягона бўлиб, у Конституция ва қонунга асосан, уни қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши асосида амалга оширилади.

**К.да** ғоявий ва сиёсий қарашларда турли фикрлилик тан олинган. Ижтимоий ва давлат институтларини бирлаштириш, давлат органларида сиёсий партиялар тузиш мумкин эмас. Давлатнинг жамоат ташкилотлари ишига аралашуви, жамоат бирлашмаларига давлат функцияларини юклаш, жамоат бирлашмаларини давлат томонидан молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

**К.да** мулкчиликнинг турли шакллари эътироф этилади. Давлат мулки ва хусусий мулк бир хилда ҳимояланади. Ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойлиқлар давлат мулки ҳисобланади. Ер қонунда белгиланган шартларда ва миқдорда хусусий мулк бўлиши мумкин.

**К.** фуқаролари Конституция бўйича халқаро стандартлар ва демократик давлатларда эътироф этилган ва ўрнатилган талабларга жавоб берувчи ҳуқуқ ва эркинликларга эга. **К.** фуқаролари миллатини ўзи аниқлаш ва кўрсатиш ёки кўрсатмаслик ҳуқуқига эга, худди шунингдек диний, партиявий мансублигини ҳам хоҳлаганча аниқлайди ва хоҳласа кўрсатади, хоҳламаса кўрсатмайди. Ҳарбий хизматчилар, ҳавфсизлик хизмати органлари ходимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, судьялар сиёсий партиялар, қасаба уюшмаларига аъзо бўлиши, бирор-бир сиёсий партияни қўллаши мумкин эмас. Фуқароларга давлат хизматида бўлиши учун бир хил имконият бериши билан бирга, давлат хизматчисининг ёши 60 ёшдан, алоҳида истисно ҳолларда 65 ёшдан ошмаслиги белгиланган.

Давлат бошлиғи – Президент. У олий мансабдор шахс ҳисобланади. Жуда кенг ваколатларга эга. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини асосий йўналишларини белгилайди, мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда **К.** номидан иш қўради, Президент халқ ва давлат ҳокимияти бирлиги рамзи ва фуқаролар ҳуқуқ, эркинликларини таъминлаш кафили ҳисобланади. Президент барча ҳокимият тармоқларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Президент умумий ва тўғри сайлов орқали 5 йилга сайланади. Президент бўлиб, **К.** фуқароси

бўлган, 35 ёшдан кичик бўлмаган ва 65 ёшдан ўтмаган, давлат тилида эркин сўзлайдиган, **К.**да камида 15 йил яшаётган шахс сайланиши мумкин. Бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Президент бўлиб сайланиши мумкин эмас.

Конституцияда Президент ваколатлари батафсил белгиланган. Булардан ташқари яна парламент ҳар икки палата депутатларининг учдан икки қисми овози билан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга Президентга қонунчилик ваколатини ўтказиши мумкин. Бу ваколатни амалга ошириб Президент қонун чиқариши мумкин. Бундан ташқари Президент тезликда қабул қилиш зарур деб ҳисоблаб парламентга қонун лойиҳасини киритса, парламент бир ой ичида шу лойиҳани кўриб чиқмаса, Президент қонун кучига эга фармон чиқаради ва у парламент қонун қабул қилгунча кучда бўлади. Президент Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳисобланади.

Конституцияга биноан, Президентнинг шаъни, кадр-қиммати ва шахси дахлсиздир. Президент касаллиги туфайли ўз вазифасини бажариш қобилиятига эга бўлмаса, ваколат муддати тугамасдан вазифасидан озод қилиниши мумкин. Бундай ҳолда парламент палаталарнинг тенг миқдордаги депутатлари ва тиббиёт ходимларидан иборат комиссия тузади. Комиссия ва Конституциявий Кенгаш ҳулосасига асосан, парламент қўшма мажлисида ҳар бир палатанинг умумий депутатларининг тўртдан уч қисми овози билан Президентни лавозимдан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилади. Президент давлатга хиёнат қилган тақдирда ҳам парламент томонидан мансабдан маҳрум қилиниши мумкин.

Қонунчилик функцияси парламент томонидан амалга оширилади. Парламентнинг ваколат муддати 4 йил, у икки – Сенат ва Мажлис Палаталаридан иборат. Ҳар икки палата доимий ишлайди. Бир шахс бир вақтнинг ўзида икки палата аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Сенат депутатлари ҳар бир область, республика миқёсидаги шаҳарлардан, пойтахтдан икки кишидан, маҳаллий вакиллик органларининг қўшма мажлисларида сайланади. Сенатнинг 7 депутати Президент томонидан, президентнинг ваколат муддатига тайинланади. Сенат депутатларига қуйидаги талаблар қўйилади: 30 ёшга тўлган бўлиши; камида 5 йил **К.** фуқаролигида бўлиши; вилоят, шаҳар, пойтахтда камида 7 йил яшаган бўлиши; олий маълумотга, камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлиши.

Мажлис 67 депутатдан иборат, улар бир мандатли округлар бўйича (мамлакат ҳудуди тенг округларга бўлинади) умумий ва тўғри сайлов асосида сайланади. Мажлис депутатлари камида 25 ёшга етган бўлиши керак.

Парламент депутатлари **К.** халқига қасамёд қилади.

Парламент алоҳида-алоҳида, шунингдек қўшма мажлисларда ўзининг ваколатларини амалга оширади. Парламент Ҳукуматга ишончсиз-

лик билдириши мумкин. Конституция палаталарнинг биргаликдаги ва алоҳида, яъни муток ваколатларини белгилаб қўйган. Қуйи палата Президентга нисбатан айблов билан чиқиши мумкин.

Ҳар бир палата депутатлари учдан бир қисмининг ташаббуси билан, ҳукумат аъзоларининг ҳисоботини эшитиш, депутатларнинг учдан икки қисми овози билан қонунларни бажармаган ҳукумат аъзосини лавозимдан озод қилиш ҳақида Президентга мурожаат қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бу қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин: парламент ҳукуматга ишончсизлик билдирса; иккинчи марта Бош вазирни тайинлашга розилик бермаса; палаталар ўртасида, парламент билан давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар сиёсий инкирозга сабаб бўлса.

Ижро ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат **К.нинг** ижро органлари тизимини бошқаради ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Бош вазир парламентнинг розилиги билан Президент томонидан тайинланади. Ҳукумат аъзолари Бош вазир тақдимида кўра Президент томонидан тайинланади.

Суд тизими. **К.да** аввал суд тизимида конституциявий суд мавжуд эди, ҳозирги амалдаги Конституцияга асосан унинг ўрнига Конституциявий Кенгаш (**КК**) ташкил қилинган. У етти кишидан иборат ва ваколати олти йилгача. **К.** собиқ Президенти умрбод **КК** аъзоси бўлиб қолади. **КК.нинг** раиси ва икки аъзоси Президент томонидан, 2 аъзоси Сенат, 2 аъзоси Мажлис раислари томонидан тайинланади. **КК** аъзоларининг ярми ҳар уч йилда янгиланади. **КК** қуйидаги масалаларни кўриб чиқади: Президент сайлови, парламент депутатлари сайловлари, референдум тўғри ўтказилганлиги ҳақидаги масалани; парламент томонидан қабул қилинган қонунларни конституциявийлигини президент имзолагунча кўриб чиқади; ратификация қилинадиган халқаро ҳужжатларни кўриб чиқади; Президентни касаллиги туфайли лавозимидан озод қилиш ёки лавозимидан четлатиш жараёни қонунийлиги ҳақида ҳулоса беради.

Одил судлов Олий Суд томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини юргизиш асосида олиб борилади. Олий суд судьяларни Президент тақдимида кўра Сенат сайлайди. Президент номзод тавсия қилишда республика Олий Суд Кенгаши тавсиясига асосланади.

Олий Суд Кенгаши Президент томонидан бошқарилиб, унинг таркибига: Конституциявий Кенгаш раиси, Олий Суд раиси, Бош прокурор, Адлия вазири, Сенат депутатлари ва Президент тайинлаган бошқа шахслар киради. Бундан ташқари муастак муассаса сифатида адлия малака коллегияси мавжуд. У Мажлис депутатлари томонидан судьялар, прокурорлар, ҳуқуқ ўқитувчилари, юрист-олимлар ва адлия органлари ходимларидан сайланади.

Вилоят ва унга тенглаштирилган жойларнинг судьяларини Олий Суд Кенгаши таклифига асосан Президент тайинлайди. Қолган судларнинг судьялари адлия малака коллегияси тавсиясига асосланиб, адлия вазири киритган тақдим асосида Президент томонидан тайинланади.

**К.** прокуратура қонунларини ижросини назорат қилиш функциясини бажаради. Прокуратура тизимини Бош прокурор бошқаради. Бош прокурор Сенат розилиги билан Президент томонидан тайинланади.

**К.да** маҳаллий давлат ҳокимияти, вакиллик ва ижро органлари томонидан амалга оширилади. Маҳаллий вакиллик органлари – Маслаҳат, аҳоли томонидан 4 йилга сайланган депутатлардан иборат. 20 ёшга тўлган **К.** фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга. Ижро ҳокимияти яқка бошчилик асосида иш олиб боровчи акимлар (ҳоким) томонидан амалга оширилади. Улар жойларда Президент ва ҳукумат вакили ҳисобланади. Вилоят, республика миқёсидаги шаҳар, пойтахт ҳокимлари, Бош вазир тақдимида кўра Президент томонидан тайинланади. Қуйи турувчи акимлар, юқори аким томонидан тайинланади.

**К.да** маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув мавжуд. Ўзини-ўзи бошқарув органлари маҳаллий аҳоли томонидан сайлаб қўйилади. Улар аҳоли манфаатларини ҳимоя қилади, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилади.

**ҚОИДАЛАР** – 1) У ёки бу ижтимоий муносабат қатнашчиларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ёки бошқа ижтимоий нормалар (урф-одатлар, анъаналар ва шу қабилар)да ифодаланган феъл-атвори меъёри, доиралари, шарт-шароитлари. Баъзан «қоидалар» категорияси мамлакатда норматив-ҳуқуқий категория сифатида жорий этилади-ю, аммо унинг мазмуни юридик жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилмайди. Бундай қилиниши мақбул эмас, чунки қоидани талқин қилиш вақолатли органлар ёки мансабдор шахслар ихтиёрида қолади, бу эса ҳуқуқбузарликни ноаниқ таркиби учун жавобгарлик чораси қўллашда фойдаланишга йўл очиб бериши мумкин. 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг эҳтимол тугилган номи (шакли), масалан, транспортнинг айрим турларидан фойдаланиш қоидалари ёки транспортда юриш қоидалари, жамоат жойларидаги ҳулқ-атвор қоидалари, ҳудудларни озода сақлаш қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва бошқалар. Корхона ва ташкилот маъмурияти кўпинча қасаба уюшмаси билан келишиб ички-меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ** – қонун чиқарувчи органга қабул қилиш учун таклиф қилинаётган ёки референдумда кўришга киритиш учун тайёрланган қонуннинг матни. Қонунни тайёрлаш жараёни лойиҳани тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, унинг матнини ишлаш, дастлабки лойиҳани муҳокама қилиш ва қайта ишлаш, унинг барча манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан келишилишини қамраб олади. **Қ.л.ни** тайёрлаш яқунлангандан кейин, у қонунчилик ташаббуси

сифатида қонунчилик органига кўриб чиқиш учун киритилади. **Қ.л.** мазмуни бўйича куйидаги турларга бўлинади: *омлавий*, у юриш-туришнинг умумий нормаларини ўрнатади; *молиявий*, у молиявий масалаларга тегишли (ажратмалар, солиқлар, қарзлар ва бошқа); *хусусий*, у юридик ва жисмоний шахсларга тааллуқли ва *маъмурий* характерга эга (ҳукуматга мулкый талабнома, корпорациянинг ҳуқуқий мақоми ва бошқалар).

**Қ.л.**ни тузишда ҳукумат, депутатлар ва бошқа субъектлар қонунчилик ташаббусқори бўлиши мумкин. Францияда қонунчилик ташаббусқори ва французча конституциявий-ҳуқуқий тизимни қабул қилган мамлакатларда **Қ.л.** (парламентга асосан ҳукумат томонидан киритилади) ва қонунчилик таклифлари (депутатлар томонидан киритилади) фарқланади.

**ҚОНУН ЧИҚАРИШ ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ** — давлат парламентида *қонун лойиҳалари* тақдим этиш ҳуқуқи. ЎзР да қонунни яратиш жараёни, Ўзбекистон Олий Мажлиси қонун чиқарувчи орган доирасида бевосита қонунчилик ташаббуси намоён бўлишидан бошланади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи деганда конституцияда белгиланган давлат органлари, ташкилотлар ва шахсларнинг қонун чиқарувчи органга қонунчиликка оид таклифни ёки қонун лойиҳасини тақдим этишдек субъектив ҳуқуқи тушунилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини киритиш тартиби ЎзР Конституциясининг 83-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 27-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 2003 йил 29 августдаги қонуннинг 12-моддасида мустаҳкамланган. Бу қонунларга асосан қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда куйидагилар тақдим этилиши керак:

- қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати;
- ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек, қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;
- моддий ҳаражатларни талаб қилинадиган қонун лойиҳалар учун молиявий-иқтисодий асослар.

Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ЎзР Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, ЎзР Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, ЎзРнинг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик

ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек, бюджет модалари бўйича ўзгартишларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин. Олий Мажлисга қонунчилик таклифи билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳеч ким учун чекланмаган. Шундай таклиф киритилган тақдирда, қонун лойиҳалари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган юқорида кўрсатилган идоралар ва шахслар орқали ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилиши мумкин.

**ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ** – ҳокимиятлар бўлиниши назариясига мувофиқ, давлатнинг ўзаро мувозанатлаштирилган ҳокимият шахобчаларидан бири бўлиб, давлат олий вакиллик органи томонидан қонунлар қабул қилиш ваколатининг рўёбга чиқарилишидир. У олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий актлар – қонунлар чиқариш бўйича ваколатлар йиғиндисини мужассамлаштиради ҳамда ушбу ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизими сифатида намоён бўлади. Қонун чиқариш – давлатнинг ўта муҳим функцияларидан бири бўлиб, у сайлаб қўйиладиган олий вакиллик муассасаси томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг асосий вазифаси халқнинг (жамиyatнинг) иродасини қонун шаклида ифода этишдир. **Қ.ч.х.** – бу Конституцияда мустаҳкамланган олий давлат вакиллик идорасининг қонунлар қабул қилиш, уларни ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича алоҳида ваколатлари ҳисобланади. Демократик давлатларда қонун чиқарувчи ҳокимият нафақат махсус қонунчилик органлари (парламент, миллий қонунчилик ассамблеяси) томонидан, балки бевосита сайланадиган корпус (сиёсий муомалага лаёқатли фуқаролар) томонидан референдум йўли билан, айрим ҳолларда эса ижроия ҳокимияти органлари томонидан – вакил юбориш тартибида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги даврда айрим давлатларнинг конституцияси қонун чиқариш ваколати монархга ва парламентга (ёки парламентнинг палатасига) тааллуқлилиги тўғрисидаги қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Мутлақ монархия давлатларида (мас., Бруней, Саудия Арабистони) қонун чиқарувчи ҳокимият мутлақ монархга тегишлидир. Баъзан айрим масалалар бўйича қонун чиқариш ваколатини Президент ёки Ҳукуматга бериш (делегирование) назарда тутилади.

Халқаро миқёсда қонун чиқарувчи орган парламент деб юритилади. «Парламент» ибораси французча «parler» - «гапирмоқ» сўзидан олинган бўлиб, фикр билдириш, муҳокама юритиш деган маънони англатади. Инглиз тилида «Парламент» ва «Қонун чиқарувчи мажлис» иборалари айнан бир маънода ишлатилади. Парламент кенгашиладиган, маслаҳатлашиладиган, масалалар баҳс-мунозара ҳамда музокара



йўли билан муҳокама этиладиган муассасадир. Парламент, одатда, сайлаб қўйиладиган халқ (турли сиёсий партиялар, ижтимоий кучлар) вакилларида иборат тарзда таркиб топади. Бу ерда турли ижтимоий манфаатлар тўқнашади. Шу боис парламентда мунозара ва тортишув йўли билан фикрлар чархланади ҳамда умумий келишув (консенсус) асосида қарор қабул қилинади. Парламент давлатнинг умуммиллий вакиллик муассасаси бўлиб, аввало қонун чиқариш функциясини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида Парламент ваколат муддати беш йил бўлган икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат (76-м.).

**ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ИДОРА** – адабиётларда кенг тарқалган (жумладан, юридик адабиётларда) давлат парламентининг номи, яъни фақат давлатнинг қонунларини қабул қилиш ҳуқуқига эга қонун чиқарувчи ҳокимият органидир. Шунга мос равишда журналистлар парламент депутатларини қонун чиқарувчилар деб аташадилар, яъни бундай номни шартли равишда қабул қилмоқ керак.

Қонун чиқарувчи ҳокимият – давлат ҳокимиятининг турларидан бири. Давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти парламент томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг энг асосий вазифаси – давлатнинг қонунларини қабул қилишдир, бу – унинг асосий функциясидир. Бундан ташқари, парламент бошқа функцияларни ҳам амалга оширади: халқ вакиллиги, давлат ишларига раҳбарлик қилади (бошқаради), давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантиришда, уни амалга оширишда, бюджетни тасдиқлашда иштирок этади; давлатнинг бошқа органларини шакллантиришда иштирок этади ва олий давлат мансабдор шахсларни мансабига тайинлайди; парламент назоратини амалга оширади; барча давлат вакиллик органлари фаолиятини бирлаштиради ва маълум йўналишда ушлаб туради.

Агар давлат ҳокимиятларининг тақсимланиши тамойили мавжуд бўлса, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳокимиятларнинг энг биринчиси бўлиб ҳисобланади (яъни аввало қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти, бошқача тартибда ёзилмайди). Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича ҳокимиятларнинг тақсимланиши тизимида бу учала ҳокимият тенгдир дейилса, бошқа бир тадқиқотчилар маълум бир муносабатларда қонун чиқарувчи ҳокимият бош (асосий) ўринни эгаллайди, чунки фақат қонун чиқарувчи ҳокимият давлатнинг бош акти-қонунларни қабул қилади ҳамда бу қонунлар асосида қолган иккита ҳокимият тармоғи амал қилади, бошқа ҳокимият тармоғига бўйсунадиган давлат органларини шакллантириш ҳуқуқига эга, ижро ҳокимияти органларини назорат қилиш ҳуқуқига эга, деган хулосага келадилар.

Агар давлатда ҳокимиятларнинг тақсимланиш назарияси амал қилмаган тақдирда ҳам, амалда парламент доимо қонун чиқарувчи ҳокимият деб номланиб келинган.

РФда ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамойили Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган (10-модда). РФда қонун чиқарувчи ҳокимиятни РФнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи — Федерал мажлис амалга оширади (РФ Конституцияси 11 ва 94-моддалар).

**ҚОНУН** — ЎзР Конституциясида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. **Қ.** лойиҳаси ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатаси **Қ.** лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади. **Қ.** Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган **Қ.** қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади. Сенат **Қ.ни** маъқуллаш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат томонидан рад этилган **Қ.** Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Сенат томонидан рад этилган **Қ.** юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан **Қ.ни** яна маъқулласа, **Қ.** ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Қабул қилинган **Қ.** ўн кун ичида ЎзР Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади. ЎзР Президенти томонидан **Қ.** ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. Президент **Қ. ни** ўз эътирозлари билан ЎзР Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Бу ҳолда Қонунчилик палатаси ва Сенат **Қ.ни** қайта кўриб чиқади. Агар **Қ.** аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, **Қ.** ЎзР Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

**Қ.** ЎзРнинг Конституциясига ва бошқа қонунларига зид бўлиши мумкин эмас.

**ҚОНУНИЙ ФЕЪЛ-АТВОР** — одамлар ижтимоий феъл-атворининг бир тури. **Қ.ф.-а.нинг** энг муҳим хусусияти ҳуқуқ нормаларида баён этилган талаб ва буйруқларга катъий оғишмай амал қилишдан иборат. Одамларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ишлари ҳуқуқий кўрсатмаларга мос келиши ёки келмаслигига қараб феъл-атворнинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Турли давлат ва нодавлат органлари ҳамда ташкилотларининг фаолиятига ҳам,

шунингдек улар чиқарадиган турли юридик ҳужжатларга ҳам шу гап тааллуқлидир.

**Қ.ф.-а.нинг** турли даражаси ҳақида гапириш мумкин. Одамлар ҳақиқий хатти-ҳаракатлари ва ишларнинг ҳуқуқ нормаларига асос қилиб олинган феъл-атвори моделларига мувофиқлик даражаси қонунийлик даражасини белгилаш учун мезон бўлади.

Шундай қилиб, **Қ.ф.-а.ни** одамларнинг ҳуқуқ нормалари барча талабларига тўла-тўқис мос келадиган феъл-атвори деб таърифлаш мумкин.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқий мақоми, қарорлар қабул қилиш тартиби, шунингдек, шакли ва характерига мос келмайдиган хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий бўлмаган феъл-атворлар тоифасига қўшмоқ керак.

**Қ.ф.-а.нинг** ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ижтимоий зарур ва ижтимоий фойдали аҳамиятга эгадир. У жамият барқарорлиги ва уюшқоклиги негизини яратади, уни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиради. **Қ.ф.-а.** қонунийлик ва конституцивийликни мустаҳкамлашга қўмаклашади.

**Қ.ф.-а.нинг** ҳар хил турлари мавжуд. У ташқи кўриниши, характерига қараб фаол ҳаракатлар тарзида ёки аксинча қонунда кўзда тутилган лоқайд феъл-атвор, ҳаракатсизлик тарзида намоён бўлиши мумкин. Нормаларнинг турли ҳуқуқ тармоқларига қарашли бўлишига қараб бу нормалар фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи ва шу қабиларга бўлинади. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар мазкур нормалар асосида содир этилади.

Ҳуқуқ нормаларида баён этилган ҳуқуқий қоидаларни амалга ошириш шакллари нуқтаи назаридан **қ.ф.-а.** уларга риоя этиш, уларни ижро қилиш, қўллаш ёки улардан фойдаланиш тарзида амалга оширилади. Амалга оширилиш соҳасига қараб, ҳуқуқий фаолият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва шу каби фаолият бўлади. Бошқача тақлифлар ҳам бор. **Қ.ф.-а. нинг** ҳар хил турларини аниқлаш, уларнинг табиати, сабаблари, музунини, ижтимоий ва давлат-ҳуқуқий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини чуқурроқ тушуниб олиш имконини беради.

**ҚОНУНЛАР КОЛЛИЗИЯСИ** (лот. *collisio* – тўқнашув) – бир турдаги масалаларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган икки ёки ундан кўп амалдаги норматив ҳужжатларнинг тўқнашуви (бир-бирига мос келмай қолиши). **Қ.к.** мазкур ҳолат учун қўлланилиши лозим бўлган норматив ҳужжатни танлаш орқали ҳал этилади. Айнан қонун ижодкорлиги органи томонидан чиқарилган актлар ўртасида номуносивблик вужудга келган тақдирда, муддати бўйича кейинроқ қабул қилинган акт қўлланилади. Бундай тафовут худди шу каби муносабатни тартибга солувчи янги қонун қабул қилинганидан сўнг эскиси бекор қилинмаган ҳолатларда кам вужудга келиши мумкин.

Умумий ва махсус ҳужжат ўртасида тафовут юзага келганида, агар кейинроқ қабул қилинган умумий ҳужжат билан бекор қилинмаган бўлса, махсус ҳужжатга устунлик берилади. Агар турли органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бир-биридан ўз мазмуни бўйича фарқ қилса, у ҳолда юқори орган томонидан қабул қилинган норма қабул қилинади. Федерация ва унинг субъектлари қонунчилиги ўртасида тафовут вужудга келганда федерал қонунларнинг федерация субъектлари қонунларидан юқори юридик кучга эга эканлиги (устунлиги) тамойили қўлланилади.

**ҚОНУНИ НАШР ЭТИШ** — ваколатли органлар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан қонун матнини давлатнинг, ҳудудий birlikнинг ёки тегишли органнинг расмий нашрида эълон қилиш. **Қ.н.э.** — қонунни эълон қилишнинг асосий тури.

ЎзР қонунларини эълон қилиш ваколати ЎзР Президентига берилган. ЎзР Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига ўн кун ичида юборилади. ЎзР Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. ЎзР Президенти қонунни ўз эътирозлари билан ЎзР Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Олий Мажлис палаталари депутатлари (аъзолари)нинг кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун ЎзР Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланишининг мажбурий шартидир (ЎзР Конституциясининг 84-моддаси).

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎзРнинг 2004 й. 23 декабрь Қонунига мувофиқ, «ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ЎзРнинг қонунлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Қонунларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизиитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шarti билан рuxсат этилади.

ЎзРнинг қонунлари, агар уларда бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга қиради.

Юқорида зикр этилган Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, ҳамманиннг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Бинобарин, телевидение, радио орқали берилувчи, ижрочиларга топширилувчи ахборот ёки матн шаклида қонунни эълон қилиш эълон қилишнинг асосий шакли — қонунни нашр этишнинг ўрнини боса олмайди. Зотан, қонунни нашр этиш барча ҳолатларда мажбурийдир.

**ҚОНУННИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ** – ваколатли органлар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан қонунни ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилиш.

ЎзР қонунларини эълон қилиш ваколати ЎзР Президентига берилган. ЎзР Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига ўн кун ичида юборилади. ЎзР Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. ЎзР Президенти қонунни ўз эътирозлари билан ЎзР Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Олий Мажлис палаталари депутатлари (аъзолари)нинг кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун ЎзР Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланишининг мажбурий шартидир (ЎзР Конституциясининг 84-моддаси).

Қонунни расмий нашрларда эълон қилиш – **Қ.э.қ. нинг** асосий усули. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎзР нинг 2004 й. 23 декабрь Қонунига мувофиқ, «ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ЎзР нинг қонунлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Қонунларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан руҳсат этилади.

ЎзР нинг қонунлари, агар уларда бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга қиради.

Юқорида зикр этилган Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Биобарин, телевидение, радио орқали берилувчи, ижрочиларга етказилувчи ахборот ёки матн шаклида **Қ.э.қ.** уни эълон қилишнинг асосий шакли - қонунни расман нашр этишнинг ўрнини боса олмайди. Зотан, қонунни расман нашр этиш барча ҳолатларда мажбурийдир.

**ҚОНУННИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ** – умумҳуқуқий тамойиллардан бири бўлиб, унга кўра давлат томонидан кучга киритилган норматив-ҳуқуқий акт, у расмий доираларда бекор қилинмагунга қадар, расман амалда бўлади.

**Қ.а.қ.** тамойили, маълум бир ҳуқуқий режимни, ижтимоий ҳолатни ўрнатилганлигидан далолат беради. **Қ.а.қ.** ижтимоий муносабатлар вужудга келганлигини ва уни тартибга солиш учун ҳуқуқий акт қабул қилинганлигини билдиради. Баъзи ҳолатларда **Қ.а.қ.** томонларни хоҳиш-истакларига боғлиқ бўлиб, уларда қонунни қўлланиши учун

амалий эҳтиёж мавжуд бўлади. Масалан, фуқаролар ўз мулкларига эга бўлиши, уларни тақсимлаш пайтида вужудга келган низоларни ўзлари ҳал этишлари мумкин. Агар улар буни ўзлари ҳал этолмасалар, улар судга муурожаат этадилар, ана шунда норматив-ҳуқуқий актларнинг амал қилиши бошланади. Бошқа бир ҳолатларда **Қ.а.қ.** томонларнинг хошиш-истакларига боғлиқ бўлмайди, улар маълум бир ҳолатларга, муддатларга боғлиқ бўлади. Масалан, депутатларнинг ёки президентнинг ваколат муддатлари тамом бўлгандан сўнг, янги сайловлар ўтказиш зарурати туғилади.

Шундай қилиб, **к.а.қ.** ижтимоий муносабатлар доирасига, субъектларга, маконга, вақтга ва бошқа шу каби ҳуқуқда ўз аксини топган омилларга боғлиқ бўлади.

**ҚОНУННИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ КУЧИ** – қонун таъсирининг қонун кучга киришидан аввалги ҳолатларга татбиқ этилиши. **Қ.о.қ.к.** умумий тартибдан алоҳида ҳолат бўлиб, у қонуннинг ўзида ёки амалга киритилиши ҳақидаги ҳужжатда махсус кўрсатилиши керак. Чунончи, ЎзР ЖК 13-моддасининг 2-бандида кўрсатилишича, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳолини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

**ҚОНУННИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ КУЧИ** – қонунда белгиланган фуқаролар учун қафолат ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятининг принципи. 2004 йил 23 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 27-моддасига мувофиқ, қонун орқага қайтиш кучига эга эмас ва у амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар бевосита қонунда назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

**ҚОНУННИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ** – амалдаги юридик қондаларга биноан, қонунчилик муассасаси номидан қонуннинг тўлиқ ва аниқ матнининг расмий белгиланган босма нашр ёки оммавий қўлланиладиган нашрда чоп қилиниши. **Қ.э.қ.** қонунчилик жараёнининг якуний босқичи бўлиб, қонунлар мазмунини кенг оммалаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат идоралари ўзларининг қарорларида фақат расмий нашр

этилган қонуннинг матнидан фойдаланишлари лозим, чунки шу билан қонуннинг бир хил қўлланилиши таъминланади.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир (ЎзР Конституцияси 84-м.).

Қонуннинг давлат номидан расман эълон қилиниши – ваколатли идоралар томонидан махсус амалга ошириладиган ҳуқуқий функциядир. Қонунни матбуотда эълон қилиш ва юридик кучга киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа актларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби тўғрисидаги Қонун билан белгилаб берилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти олий органларининг ҳуқуқий актлари қабул қилинганидан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида нашр этилади. Қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолагандан сўнг эълон қилинади. Қонунлар, қарорлар ва бошқа актлар расмий матбуот нашрларида – «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси»да, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида, «Правда Востока», «Еркин Қорақалпоғистон», «Вести Карақалпақстана» газеталарида босиб чиқарилади.

**ҚОНУНОСТИ АКТИ** – давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий акти. **Қ.а.** қонунга асосан ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чиқарилади. **Қ.а.лари** умуммажбурий тусдаги (норматив) ва умуммажбурий тусга эга бўлмаган (норматив бўлмаган) ҳуқуқий ҳужжатларга бўлинади. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга кўра, Ўз.Рда норматив тусдаги қонуности актларига Ўз.Р Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг умуммажбурий тусдаги ҳуқуқий актлари киради, норматив бўлмаган қонуности актларига эса умумюрисдикция ва ҳўжалик судлари қарорларини мисол келтириш мумкин.

**ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТИ** – ҳуқуқий ҳужжатлар тартиб боскичида қонунлардан қуйи турувчи барча ҳуқуқий ҳужжатларнинг номи (республика даражасида ЎзР Президентининг фармон ва фармойишлари, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ҳамда идораларнинг буйруқлари, йўриқномалари ва шу қабилар; маҳаллий даражада – тегишли маҳаллий ҳокимият органларининг ҳужжатлари). Қонуности ҳужжат қонунлар асосида қабул қилиниши лозим ва уларга зид бўлмаслиги керак.

**ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ** – норматив ҳужжат (юридик кучига кўра қонун)нинг бир тури. У федератив давлатга хос ва феде-

ратив давлат томонидан чиқариладиган ҳуқуқий норматив ҳужжатдир. Қонунчилик асосларининг вазифаси ижтимоий муносабатларни дастлабки тартибга солиш, уларни ривожлантириш учун асос бўлган нормаларни белгилашдан иборат. Федератив қонун асосларидан сўнг федератив давлат таркибидаги субъектлар ўзларининг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш учун шу қонунчилик асосларига таянган кодексларини қабул қиладилар. ЎзР мустақилликка эришгунга қадар ўз кодексларини собиқ Совет Иттифоқи қонунчилик асосларига таяниб қабул қилар эди.

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ** – Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда қўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида тузилади. **Қ.п.к.** таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари қиради.

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РАИСИ** – Қонунчилик палатасининг иши устидан раҳбарликни амалга оширадиган мансабдор шахс.

ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига тенг муддатга сайлайди.

ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери қуйидаги ваколатларга эга: Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади, унинг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади; Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; ЎзР қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади; парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; ЎзР Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради; Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди; конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери фармойишлар чиқаради.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ** – давлат парламентининг қўйи палатасига қонун лойиҳаларини киритиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки шахс. Жумладан, ЎзР Конституцияси-



нинг 83-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ЎзР Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, ЎзР нинг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ** – конституция томонидан белгиланган субъектларнинг қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳалари ва қонунчиликка оид таклифларни тақдим этиш ҳуқуқи. **Қ.т.х.** – субъектив ҳуқуқ бўлиб, белгиланган расмий тартиблар асосида ва шаклда амалга оширилиши мумкин. Ўз.Рда **қ.т.х.** – бу конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан муайян қонун лойиҳасини ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисидаги, шунингдек амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси эътиборига тақдим этилиши ва парламент томонидан бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишидир. **Қ.т.х.**ни таҳлил этиш асосида тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. 1) биринчи гуруҳ **қ.т.х.** – бу қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини тақдим этиш ҳуқуқидир; 2) иккинчи гуруҳ **қ.т.х.** – бир тарафдан, парламентга қонун лойиҳасини киритиш бўлса, иккинчи тарафдан, қонун лойиҳасининг олий вакиллик органи мажлиси қун тартибига киритилиш шартидир; 3) учинчи гуруҳ **қ.т.х.** – бу тегишли органлар ва шахсларнинг парламентга қонунчиликка оид таклифни киритиш ҳуқуқидир; 4) тўртинчи гуруҳ **қ.т.х.** – бу ваколатли субъектлар томонидан қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини киритиш ҳуқуқи бўлиб, парламент Конституцияда белгиланган тартибда лойиҳани кўриб чиқиши ва уни қабул қилиш масаласини ҳал этиши шарт. Ўз.Рда **қ.т.х.** соҳиблари томонидан қонун лойиҳаларини киритиш тартиби Ўз.Р Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентиде белгиланган. Унга кўра, «**Қ.т.х.** субъектлари Ўзбекистоннинг янги қонунлари лойиҳаларини, амалдаги қонунларини ўзгартириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёр ҳолда тегишли асослантурувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қонунчилик палатасига тақдим этадилар» (12-м.).

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ** – белгиланган тартибга мувофиқ, (ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан) қонунчилик муассасасига қонун лойиҳасини расмий киритиш. Қонунчилик ташаббуси – қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи ҳисобланади. У тегишли қонунчилик органига қонун лойиҳасини ўзининг йиғилишида кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш мажбуриятини юклайди. Қонунчилик ташаббуси шундай бир ҳаракатлар йиғиндисидирки, бу-

нинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун қабул қилади. Бошқача айтганда, қонунчилик ташаббуси қонун лойиҳаси ёки қонунчилик характеридаги таклифни киритиш билан боғлиқ фаолиятдир. ЎЗР да – Конституцияга мувофиқ қонунчилик ташаббусининг субъектлари – ЎЗР Президенти, ЎЗР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси, ЎЗР Конституциявий суди, ЎЗР Олий суди, ЎЗР Олий ҳўжалик суди, ЎЗР Бош прокурори бўлиб, улар бу ҳуқуқни қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширадилар (ЎЗР Конституцияси 83-м.).

**ҚОНУНЧИЛИК** – 1) давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) ижтимоий муносабатларни тўла тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир соҳаси (фуқаролик **Қ.**, жиноят **Қ.**, маъмурий **Қ.** ва б.) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга кўра, қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонунчилик ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат дейилади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади. Кенг маънода ЎЗРнинг қонунчилик ҳужжатлари мажмуига ЎЗР Конституцияси, конституциявий қонунлар, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, ЎЗР Президентининг фармонлари, ЎЗР ҳукуматининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қиради.

**ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ** – давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг ёки фуқароларнинг амалдаги норматив ҳуқуқий актларнинг ва ҳуқуқий нормаларнинг янада такомиллаштириш ва тартибга солишга йўналтирилган фаолиятдир. **Қ.т.** жараёнида улар ўртасидаги мавжуд зиддиятлар бартараф этилади, эскириб қолган актлар ва нормалар ўзгартирилади ёки бекор қилинади, кодекс, устав, низом ва бошқа тизимлаштириш актлари каби янги, янада такомиллашган актлар яратилади. Ўзимизнинг ва хорижий юридик адабиётларда **қ.т.нинг** қуйидаги икки асосий шакли – кодекслаштириш ва инкорпорация ҳақида сўз юритилади.

Кодекслаштириш – **қ.т.нинг** энг юқори шаклидир. Кодекслаштириш – амалдаги қонунчилик нормаларини чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш ҳамда лозим бўлса, унга жиддий ўзгартиришлар киритиш орқали, янги, мажмуий, тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий акт яратишдир. Кодекслаштириш орқали қонунчилик тармоғидан муҳим

хуқуқий нормаларни мантикий бирлаштирувчи мажмуий ҳужжат (кодекс) вужудга келтирилади. Кодекслаштиришда норматив-хуқуқий актлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди, балки хуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, соҳадаги барча норматив материал ички мутаносиб, бир бутун ва илмий тизимлаштирилган ягона акт кўринишида баён этилади. Кодекслаштиришнинг муҳим хусусияти ва инкорпорациядан фарқи шундаки, у фақат қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи орган томонидан амалга оширилади.

Инкорпорация – **қ.т.нинг** бир тури бўлиб, бунда қонунлар, фармонлар, ҳуқумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-хуқуқий актларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан, алфавит, хронологик, мавзу бўйича ва бошқа тарзда тизимга солинади.

Қонунларни инкорпорация қилиш орқали тизимлаштириш, деярли барча давлатларда амалга оширилади. Улар кўп жилдли қилиб нашр этилиб, қонунларни чиқарилган вақтига қараб хронологик, алфавит тартибда ва бошқа жиҳат ҳамда белгиларга қараб жойлаштирилади. ЎЗРнинг Адлия вазирлиги, мустақилликнинг дастлабки қонунларидан бошлаб чиқарилган қонунларни «ЎЗР янги қонунлари», деган кўп жилдли хронологик тўплам сифатида нашр этиб келмоқда.

Инкорпорациянинг икки тури мавжуд:

а) расмий инкорпорация – қонунчилик актларини, уларни чиқарган органлар томонидан тўплам ва мажмуа шаклида тизимлаштириш;

б) норасмий инкорпорация – бунда тизимлаштирилган тўпламлар тузиш, унга махсус ваколати бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади (масалан, юридик нашриётлар томонидан ёки илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тизимлаштириш);

**ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ** – норматив-хуқуқий актларни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган фаолият бўлиб, уларни белгиланган ва ўзаро ички боғланган тизим холига келтиришни аниқлатади. **Қ.т.** қонуний тартибга солишни такомиллаштириш, қонунчиликни эскирган актлар ва ўзаро қарама-қарши нормалардан халос қилиш, норматив ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштириш ва соддалаштириш, жамиятнинг хуқуқий маданияти ва хуқуқий тарбияси даражасини оширишда катта аҳамиятга эга. **Қ.т.нинг** мақсади хуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, бир тизимга келтириш, уларни фойдаланиш учун қулай қилиб (муайян бўлим, рукнлар асосида таснифлаб) жойлаштиришдан иборат.

**Қ.т.** анъанавий икки шаклда амалга оширилади – қонунчиликни кодификация қилиш (кодекслаштириш) ва инкорпорация қилиш (қаранг: кодификация ва инкорпорация).

**ҚОЧОҚ** – халқаро ҳуқуқдаги, муайян вақтдан буён турли мамлакатлар ички давлат ҳуқуқидаги тушунча. **Қ.** мақоми тўғрисидаги 1951 йилги халқаро Конвенция, шунингдек **Қ.** мақомига тааллуқли ва Конвен-

циянинг амал қилишини 1951 йилдан кейин рўй берган воқеалар натижасида қочоққа айланган шахсларга нисбатан татбиқ этган 1967 йилги Баённома мавжуд. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси тузилган бўлиб, у БМТ Бош Ассамблеясининг 1950 йил 14 декабрдаги резолюциясига биноан қабул қилинган Устав асосида ишлайди.

**КУВАЙТ (Қувайт Амирлиги)** Осиёда жойлашган бўлиб, Форс кўрфазидаги энг катта давлатлардандир. 1961 йилгача Буюк Британия протекторати бўлиб, 1961 йилнинг 2 августида мустақилликка эришди. Мамлакат пойтахти Ал-Қувайт шаҳридир. 3 та губернаторликка ажратилган маъмурий бўлинишга эга.

1962 йилнинг 11 ноябрида Конституция қабул қилинган. Унга асосан Қувайт Конституциявий монархия бўлиб, мамлакатда амир раҳбарлик қилади.

Парламент – Миллий йиғин 75 та депутатдан иборат бўлиб, уларнинг 50 таси 4 йил муддатга умумий сайлов асосида сайланади, 25 та депутат эса амир томонидан тайинланади. Сайлов ҳуқуқига фақат мамлакатда туғилган асл қувайтлик эркаклар эгадир.

Ҳукумат бошлиғи этиб тахт вориси бўлган шахзода тайинланади.

Мамлакатда сиёсий партиялар фаолият юргизмайди.

**ҚУЛДОРЛИК ДАВЛАТЛАРИ** – давлат ташкилотининг тарихий биринчи ташкил топган типи бўлиб ҳисобланади. Қулдорлик давлатлари ибтидоий жамият тузумининг емирилиши ва бунинг натижасида жамиятнинг икки қарама-қарши синфи қулдорлар ва қуллар синфини вужудга келиши билан боғлиқ. Энг қадимги қулдорлик давлатларига эрамыздан аввалги IV асрнинг охири III асрнинг бошларида вужудга келган Қадимги Миср (Миср подшолиги), Дажла ва Фрот дарёлари воҳасида (Шумер, Оссурия подшолиги), қадимги Хитой ва Хиндистон (эрамыздан аввалги II минг йиллик) ва Хетт давлатини (эрамыздан аввалги II минг йилликнинг охири) мисол қилиб келтириш мумкин. Ундан кейин пайдо бўлган қулдорлик давлатларига Қадимги Юнон ва Қадимги Рим давлатларни мисол бўлади.

Қулдорлик тузуми ва **қ.д.лари** ўз ривожланиш тараққиётида икки асосий босқични босиб ўтдилар. Биринчи босқич қадимги шарқ **қ.д.лари** билан боғлиқдир. Бу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларига олимлар қуйидагиларни киритади: ибтидоий жамият тузуми қолдиқларининг мавжудлиги; хўжалик юретишнинг ва патриархал қулчиликнинг примитив шакллари сакланиб қолинганлиги, яъни қуларга ўз мулки бўлиши ва ҳатто оила қуришга рухсат берилади; қуларнинг хусусий қулар, эҳром қуллари ва давлат қуллари каби турларининг узок вақт мавжуд бўлиши; жуда оғир об-ҳаво шароитлари билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик жамоаларининг мавжудлиги ва бунинг оқибатида ирригация иншоотларини қуриш, суғориш тизимини ишга тушириш,

хайвонларни кўпайтириш, қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириш ва ерни ҳайдашда жамоа меҳнатидан фойдаланиш. Ерга эгаллик коллектив асосда бўлгани учун қишлоқ жамоаси уни сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга эди. Қишлоқ жамоаси ўрнатилган тартибга кўра ерни ўз аъзолари ўртасида тақсимлаш ва ердан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиққан.

Кулдорлик тузуми ривожланишнинг иккинчи босқичи юнон ва рим кулдорлиги деб аталиб, бу давлатлар шарқ **к.д.ларидан** фаркли равишда кулдорлик ишлаб чиқаришининг юқори даражадалиги, ибтидоий жамият қолдиқларидан ҳоли эканлиги, **к.д.** ва ҳуқуқини ривожланганлиги, кулларни ва камбағал фуқароларни эксплуатация қилиш шакллари ривожланганлиги билан ажралиб туради.

**К.д.ларини** иқтисодий асосини кулдорларнинг кулларга ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик муносабатлари ташкил этади.

Кулдорлик тузуми шароитида инсоният тарихида биринчи мартаба жамиятдаги турли қатлам ва синфларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тенгсизлик шакллари рўёбга чиқди, бир синфнинг, яъни кулдорларнинг иккинчи синф, яъни, куллар устидан мулк ҳукмронлиги ўрнатилди. **К.д.** ўзининг ижтимоий-синфий моҳиятига кўра, кулдорлар синфининг ташкилоти сифатида майдонга чиққан. Кулдорлик жамиятининг иқтисодий асосини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, кулдорлик ижтимоий-сиёсий тузуми ҳимоясини таъминлаш, кулдорларни куллар устидан ҳукмронлигини ушлаб туриш ҳамда эркин фуқаро ва куллар исёнини бостириш учун барча воситалардан фойдаланди.

**К.д.** амалда бўлиши жараёнида ўзига хос бир қатор ички ва ташқи функцияларни бажаради. Ҳар бир функция ушбу давлат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Давлатнинг функциялари давлат моҳияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий мақсадини белгилаб беради, яъни давлатнинг олдида турган ва келажакда ҳал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифалар билан ҳамбарчас боғлиқдир.

**К.д.ларининг** ички функцияси биринчи галда куллар ва эркин аҳолини эксплуатация қилиш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратади, бу ўз навбатида кулдорлик давлатларини эксплуататорлик характерини очиб беради ва ҳукмрон синфнинг иқтисодий манфаатларига муносабатини белгилаб беради. Давлат катта ер ва бехисоб куллар эгаси сифатида ҳукмрон синф томонидан кенг оммани эксплуатация қилиш учун шароит яратибгина қолмай, ўзи ҳам эксплуататор сифатида майдонга чиқди. Қадимги Мисрда бундай ҳолатни ёркин ифодасини кўришимиз мумкин.

**К.д.ларининг** муҳим функцияларидан яна бири кулдорларнинг хусусий мулкни кўриқлаш, кулларнинг ва бошқа эзилган омманинг

қаршилигини бостириш бўлиб ҳисобланган. Чунки кулдорлик тузуми ўз тараққиёти мобайнида кулларнинг ва эзилган омманинг кўзғалонларини бошидан кечириб келди. Уларга мисол қилиб эрамиздан аввалги XVIII аср ўрталарида бўлиб ўтган Мисрдаги куллар ва қашшоқлашган кишлоқ жамоаларининг кўзғолонини, эрамиздан аввалги II асрдаги Кичик Осиёдаги кулларнинг кўзғолонини ҳамда эрамиздан аввалги 76–74 йиллардан Римда бўлиб ўтган Спартак бошчилигидаги куллар кўзғолонини келтиришимиз мумкин.

**Қ.д.ларининг** ташқи функциясига бошқа халқларни босиб олиб талончилик қилиш, ташқи душманлардан мамлакатни мудофаа қилиш; уруш натижасида босиб олинган худудларни бошқариш; бошқа давлатлар билан тинч муносабатларни ўрнатиш учун савдо, дипломатик алоқаларни амалга ошириш каби фаолиятнинг асосий йўналишлари ташкил этади. **Қ.д.ларининг** ташқи функцияси унинг ички функцияси билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўзаро бир-бирини тўлдириб ва мустаҳкамлаб борган.

Ўз моҳияти, ижтимоий мазмуни ва мақсадлари бир бўлган кулдорлик давлатлари бир-биридан давлат бошқарув усулларининг (сиёсий режимларнинг) хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Бундай хилма-хилликнинг илдизи, улар вужудга келган муайян тарихий шароитларнинг, сиёсий кучлар муносабатларидаги ижтимоий зиддиятлар даражасининг, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасининг, давлатларнинг жўғрофий, иклимий жойлашувининг турли хиллигида ўз ифодасини топади.

**Қ.д.ларининг** қуйидаги асосий шакллари мавжуд бўлган: монархия, аристократик республика ва демократик республика шакллари.

**Қ.д.ларининг** пайдо бўлиши ва ривожланиши билан бир қаторда ҳукмрон синфнинг манфаатларини ифода этган ҳолда ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солишга қаратилган умуммажбурий нормалар йиғиндиси сифатида ҳуқуқ ҳам вужудга келган. **Қ.д.лари** ҳуқуқининг асосий вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланган: кулдорларнинг кулларга ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкни мустаҳкамлаш, кулдорлик жамияти ва тузуми асосларини кулдорлар синфини ҳукмрон мавқеини мустаҳкамлаш ва турли гуруҳ ва ижтимоий қатламлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизликни қонуний асосларини яратиш.

**ҲАҚАМЛАР СУДИ** – баҳслашаётган томонларнинг келишувига кўра (қонда тариқасида, ишончга сазовор мутахассислардан) тузиладиган судлов таркибидир. Унга мазкур томонлар ўз ўрталарида чиққан низони моҳиятига кўра ҳал қилишни топширадилар. Умумий юрисдикция судларининг ваколатларига кирувчи меҳнат муносабатлари ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича **Ҳ.с.** ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Одатда **Ҳ.с.** таркибига уч ҳакам (воситачи) киритилади: ҳар бир

томон биттадан ҳакам тайинлайди, улар эса учинчи ҳакамни белгилайдилар. Низони **Х.с.га** кўриб чиқиш учун бериш тўғрисидаги битимнинг мавжудлиги ва унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгач, улар низони моҳиятига кўра кўриб чиқишга киришадилар. Бундай кўриб чиқишнинг тартиб-таомиллари баҳслашаётган томонлар ва ҳакамлар томонидан белгиланади. Қарор ҳакамларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади. Қарор билан келишмаган ҳакам алоҳида фикрни баён этади ва у қарорга илова қилинади.

**Х.с.нинг** қарори у белгилаган тартибда ва муддатда ихтиёрий равишда ижро этилади. Агар қарорда ижро этиш муддати белгиланган бўлмаса, у зудлик билан ижро этилиши шарт. Ютқизган томон қарорни белгиланган муддатда ижро этмаган тақдирда, у мажбурий тартибда ижро этилади: ижро хати ёки мажбуран ижро этиш тўғрисидаги буйруқ ютган томоннинг аризасига биноан ҳудудда **Х.с.** жойлашган тегишли туман, фуқаролик ёки хўжалик судларига берилади.

Низоларни ҳакамлар томонидан кўриб чиқиш хизматлари доимий асосда ишлайдиган ташкилотлар томонидан кўрсатилиши ҳам мумкин. *Халқаро тижорат арбитраж суди* ва *Денгиз арбитраж комиссияси* бундай ташкилотларнинг энг машҳурлари ҳисобланади. Давлатларaro иқтисодий битимлар негизида юзага келувчи низолар кўпинча **Х.с.га** берилади. Низоларни ҳакамлар томонидан кўриб чиқиш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган чет эл ёки халқаро ташкилотларга мурожаат этиш ҳам мумкин.

**ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА** – ЎзР прокуратура органлари тизимига кирувчи ихтисослаштирилган прокуратура. Бу прокуратура тизими вилоят прокуратураларига тенглаштирилган ЎзР Ҳарбий прокуратураси, туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар прокуратуралари, ҳудудий ҳарбий прокуратуралардан иборат.

ЎзР Ҳарбий прокуратурасига лавозимига кўра ЎзР Бош прокурорнинг ўринбосари бўлмиш ЎзР Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади.

**ҲАРБИЙ СУД** – ЎзР *Қуролли Кучларида*, бошқа қўшинларда суд ҳокимиятини амалга оширишга ваколатли суд. Илгари ҳарбий трибунал деб аталарди.

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом ЎзР Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги қарори билан тасдиқланган. Унга кўра, Ҳарбий судлар ЎзР суд тизимига киради ҳамда ЎзР Олий суди Ҳарбий хайъати, ЎзР Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат бўлади.

Ҳарбий судлар чиқарадиган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлар ЎзР номидан эълон қилинади.

ЎзР Олий суди Ҳарбий хайъати лавозимига кўра ЎзР Олий суди

раисининг ўринбосари ҳисобланадиган Ҳарбий ҳайъат раисидан, Ҳарбий ҳайъат раис ўринбосари ва судьяларидан иборат бўлади.

ЎзР Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса суд раисининг ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.

Ҳарбий судларнинг судьялари «Судлар тўғрисида»ги ЎзР Қонунида белгиланган тартибда сайланадилар ва тайинланадилар.

ЎзР ҳарбий судлари:

а) ЎзР Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

б) ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

в) алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

г) давлат сирларига тааллуқли ишларни;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

ЎзР Олий суди Ҳарбий ҳайъати судловига:

олий офицерлар таркибидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

ЎзР ҳарбий судининг судловига:

содир этилганлиги учун ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1-даражадаги капитан унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёхуд бригада командири лавозидаги шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга тенг шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судловига:

подполковник, 2-даражадаги капитандан юқори бўлмаган унвон-



даги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Бир гуруҳ шахсларни айблагга оид иш бўйича, гарчи айбланувчилардан лоақал бири хусусидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса ва уни қонунга кўра алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, фуқаро шахсларга оид ишларнинг ҳарбий суд томонидан кўрилишига йўл қўйилади.

Якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, гарчи жиноятлардан лоақал бири тўғрисидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса, ҳамма жиноятлар тўғрисидаги ва барча шахсларга оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

Ҳарбий судлар жиноят ишлари билан бирга ҳарбий қисмлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг содир этилган жиноятлар натижасида уларга етказилган моддий зарарни ундириб бериш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқади.

Ҳарбий судлар таркиби, штатлар сони, штатдаги лавозимлар ва шу лавозимларга мос бўлган ҳарбий унвонлар рўйхати ЎзР Олий суди раисининг ЎзР мудофаа вазири билан келишилган ҳолда берган тақдимномасига биноан ЎзР Президенти томонидан тасдиқланади.

**ҲАРБИЙ ҲАЙЪАТ** — ЎзР Олий судининг асосий таркибий бўлинмаларидан бири. Бошқа судлов ҳайъатлари қатори Ҳарбий ҳайъат: ишларни биринчи инстанцияда, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради; суд амалиётини ўрғанади ва умумлаштиради; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; суд статистикасини таҳлил қилади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) 25-модда).

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТ** — ЎзР фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши борасидаги давлат хизматининг алоҳида тури. Ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар ҳарбий хизматчилар ҳисобланадилар. 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 4-моддасига кўра, ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилади: муддатли ҳарбий хизмат; сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат; контракт бўйича ҳарбий хизмат; ЎзР Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

**ҲИНДИСТОН (ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ)** — Осиёнинг жанубида, Ҳиндистон оролида жойлашган давлат. Узок йиллар

Англия колонияси бўлган ва 15 август 1947 йилда мустақиллик эълон қилинган. Пойтахти – Дехли шаҳри. **Ж.** Федератив, парламентар республика. 26-штат ҳамда 6-та Иттифок ҳудудидан ташкил топган. Штатларни Президент томонидан тайинланадиган губернатар бошқаради. Ҳар бир штат ўзининг қонунчилик органи ва ҳукуматига эга. 6-та иттифок ҳудуди Президент тайинлайдиган вакиллар томонидан бошқарилади. Мамлакатда 26 январ 1950 йилда қучга кирган Конституция амал қилади.

Давлат бошлиғи – Президент. Президент парламент палаталари аъзолари ва штат қонунчилик мажлислари аъзоларидан иборат сайловчилар коллегияси томонидан беш йил муддатга сайланади. Вице-президент парламент палаталарининг депутатлари томонидан беш йилга сайланади. Вице-президент Президент йўқ пайтда ёки вафот этганда унинг вазифасини бажаради.

Президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, штат қонунчилик мажлисларини тарқатиш ва штатларда президент бошқаруви жорий қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда штатларни президент номидан губернатор бошқаради ва унга қонунчилик ҳамда ижроия ҳокимият тўла ўтади. **Ж.** тарихида 90-мартдан ортиқ Президентлик бошқаруви жорий этилган. **Ж.** парламенти, Штат кенгашлари ва Халқ палатасидан иборат. Халқ палатаси 545 депутатдан иборат бўлиб, умумий ва тўғри сайлов асосида 5 йил муддатга сайланади. Штат кенгашлари палатаси анча мураккаб тартибда ташкил қилинади, у 250 та аъзодан иборат. Уларнинг 12 таси Президент томонидан тайинланади. Қолган аъзолар штатларининг қонунчилик мажлисларидан сайланган аъзолар томонидан пропорционал вакиллик системасида сайланади. Штат кенгашлари палатаси 6 йилга сайланиб, ҳар икки йилда учдан бир қисм аъзолари янгиланиб туради.

Ижро ҳокимияти Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат парламентдаги кўпчилик асосида тузилиб, халқ палатаси олдида жавобгар. Бошқа давлатларда ҳукумат умуман парламент олдида жавобгар бўлса, **Ж.**да фақат бир палата олдида жавобгарлик ўрнатилган.

**Ж.**да маҳаллий бошқарув, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизими орқали амалга оширилади. Конституцияга асосан маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи пангаят деб аталади. Уларнинг ваколатига қишлоқ хўжалик, соғлиқни сақлаш, санитария ҳолати, ободонлаштириш масалалари киради. Пангаятлар қишлоқ пангаятларига ва маъмурий район пангаятларига бўлинади.

Республика суд тизими ягона ва марказлашгандир. Суд ҳокимиятининг олий органи 18 та судьядан иборат Олий суддир. Судьялар Олий Суднинг бош судьяси ва Вазирлар билан келишилган ҳолда Президент томонидан тайинланади. Олий Суд жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича олий апелляция инстанцияси ҳисобланади. Марказий ҳукумат ва

штатлар ўртасидаги ҳамда штатлараро низоларни биринчи инстанция сифатида кўриши мумкин. Бу вазифа бошқа мамлакатларда конституцион суд вазифаси хисобланади. Худди шунингдек Олий судга конституциявий суд кўрадиган бошқа вазифалар ҳам яъни, конституция нормаларига шарҳ бериш, ҳар қандай қонунни конституциявийлигини аниқлаш вазифаси юклатилган.

Ҳар бир штатда Олий Суд мавжуд. У ишларнинг характерига қараб биринчи инстанция сифатида кўриши ёки апелляция тартибиде иш кўриши мумкин. Штат Олий суди ўз ҳудудида ўз ваколати доирасида Конституциявий назорат функциясини ҳам бажариши мумкин. Штатлар суд тизимига мунсиф судлари, округ судлари ҳамда пангайт судлари киради.

**ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИ** – Конституциявий ҳуқуқ, ҳамда жиноят ҳуқуқида, **Х.в.** – ҳуқуқни муҳофаза этувчи ёки назорат қилувчи органда мансабдор шахс, ҳамда белгиланган тартибда ўзига тўғридан-тўғри хизмат бўйсинувига эга бўлмаган шахсларга нисбатан фармойиш бериш ваколатига эга бўлган ўзга мансабдор шахс (к.: ЎзР ЖК 318-моддаси). **Х.в.** вакиллик органларнинг мансабдор шахслари, депутатлар ва уларнинг ёрдамчилари, ижро этувчи органларнинг, назорат қилувчи органларнинг шунингдек солиқ хизматининг, санитария-эпидемиология назоратининг ҳамда бошқа назорат органларининг мансабдор шахслари тегишлидир. Ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида **Х.в.** ваколатларига эга бўлган жамоат бирлашмаларнинг вакиллари – жамоат инспекторлари, халқ дружиначилари ва бошқалар ҳам **Х.в.** хисобланадилар.

**ҲОКИМИЯТ** – одамларни, моддий объектларни, ҳудудларни бошқариш, уларга ҳукмронлик қилиш, уларни тасарруф этиш имконияти. **Х.** обрў-эътибор, нуфуз, сўз, ҳужжат, ҳаракат, шу жумладан мажбурлаш орқали амалга оширилади (қаранг. *Давлат ҳокимияти, Қонун чиқарувчи ҳокимият. Ижро этувчи ҳокимият. Сиёсий ҳокимият. Бевосита демократия. Вакиллик демократияси. Суд ҳокимияти*).

**ҲОКИМИЯТЛАР МУВОЗАНАТИ** – давлатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг конституцияда мустақкамланган ва (ёки) амалда таркиб топган умумий ҳолати ва ваколатларининг ўзаро нисбати.

**ҲУДУДИЙ БИРЛИК** – к.: *Маъмурий-ҳудудий бирлик. Маъмурий-ҳудудий тузилиш.*

**ҲУДУДИЙ ЯХЛИТЛИК** – к.: *Давлат яхлитлиги.*

**ҲУҚМ** – суд томонидан судланувчига нисбатан айби бор ёки йўқлигини ва қандай чора кўриш бўйича жиноий ишларни кўриб чиқиб, ҳал қилишда чиқариладиган қарор. Унинг икки тури фаркланади: айблов ва оқлов ҳукмлари. Судланувчига нисбатан қандай турда ҳукм чиқариш масаласини ҳал қилиш вақтида суд ЎзР ЖПКнинг 23-

моддасида назарда тутилган айбисизлик презиумпцияси принципи талабларига амал қилиши шарт.

Қонун билан кучга кирадиган айблов ҳукми шахсни айбли деб топиш ва унга нисбатан у ёки бу турдаги жазо чорасини қўллаш имконини берувчи ягона расмий ҳужжат бўлиб, у ҳеч қачон тахминларга асосланмаган бўлиши керак ҳамда фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.

Айблов ҳукми жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгагина асос қилиб олинishi лозим.

ЎзР ЖПКнинг 464-моддасига кўра оқлов ҳукми қуйидаги ҳолатларда чиқарилади:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) маҳкумни жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб қилмиш ижтимоий хавфлигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсири чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

**ҲУКМНИ ИЖРО ЭТИШ** – суд ҳукмини ижро этиш фаолияти. Суд ҳукмини ижро этиш масалалари ЎзР ЖПКнинг 528, 529, 531-моддаларида белгиланган.

Суд ҳукми уни устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан қонуний кучга киради.

Суд ҳукмини эълон қилгач, суд мажлиси залида қуйидагиларни дарҳол қамокдан озод қилади: оқланган шахсни, жазо тайинланмаган маҳкумни; жазодан озод этилган маҳкумни; ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида қамокда бўлган вақтдан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумни; шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкумни; озодликдан маҳрум этиш жазоси билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахсни.

Ҳукмни ижро эттириш уни қабул қилган суд зиммасидадир.

Хукми ижро этиш тўғрисидаги фармойиш ёки суд раиси томонидан хукми ижро этиш мажбурияти юклатилган органга хукмининг нухаси билан бирга юборилади. Иш юкори инстанцияда кўрилиб хукм ўзгартирилган бўлса, хукмга юкори инстанция судининг ажрими ёки қарори илова қилинади.

Хукми ижро этувчи органлар уни ижро ижро этилганлиги ҳақида судга дарҳол хабар қилади. Жазони ижро этиш муассасининг маъмурияти маҳкум жазони қаерда ўтаётгани ҳақида хукм чиқарган судга хабар бериши шарт.

Суд маҳкуми ҳарбий унвонидан ёки махсус унвонидан маҳрум этган бўлса, суд хукми нухаси шу унвонни берган органга юборилади.

Хукми жарима солиш, мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқа мулкий ундиришлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг нухаси маҳкумининг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумининг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилади.

Суд хукми белгиланган жазо турларига қараб, жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар томонидан ижро этилади. Бу ЎзР ЖКнинг 14-моддасида белгиланган. Унга кўра: жарима тариқасидаги жазо – ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва ўлим жазоси ички ишлар органлари томонидан; ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги кўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилган: қамоқ жазоси – гарнизон гаупвахталари томонидан; интизомий қисмга жўнатиш жазоси – махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Шартли хукм қилинганларни ҳуққ-атвор устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларники эса ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан олиб борилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – соғлиқни сақлаш органлари томонидан; вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари: жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш – суд томонидан; махсус ўқув тарбия муассасаларига жойлаштириш халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

**ХУКМРОН ПАРТИЯ** – демократия шароитида парламентда, аниқроғи унинг қуйи палатасида кўпчилик депутатлик мандатига эга бўлган ва шунинг учун ҳукуматни шакллантиришга таъсир этадиган партия.

Ушбу ҳолатда ҳукумат мазкур партиянинг вакилларидан тузилади ва у бир партиялик ҳукумат бўлиб ҳисобланади.

«Хукмрон партия» тушунчаси шартли тушунчадир. Чунки сайловларда галаба қозонган партия амалда бўлган қонунлар билан ҳисоблашмаслик ва уларга қарши ноҳўя ҳаракатлар қилиш ҳуқуқига эга эмас. Парламент ҳам, ҳукумат ҳам жамият муайян қисмининг манфаатини эмас, балки бутун халқ манфаатини инobatга олиши шарт.

**Ҳ.п.нинг** ўзига хос кўринишига собиқ СССРдаги партиявий тизим мисол бўлади. СССР Конституциянинг 6-моддасида КПССнинг раҳбарлик роли, яъни хукмрон партия мақоми ўз конституциявий тасдиғини топган эди. Бирок, ушбу ҳолатда ҳам партия манфаати халқ манфаатларидан расман юқори қўйилмаган, аксинча партия ва халқнинг манфаатлари ягоналиги уқтириб туриларди.

Шунингдек, бир қатор чет эл мамлакатлар тарихи ва амалиётида бошқарув, хукмронлик қилувчи сифатида алоҳида партиялар мақоми белгилаб қўйилганини кузатиш мумкин.

**ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ ТАШАББУСИ** – ваколатли органга ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш таклифи билан кириш ва ҳужжат лойиҳасини тақдим этиш (яна қаранг: Ташаббус, ҳуқуқ ижодкорлиги. Қонунчилик ташаббуси).

**ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ** – давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг фаоллик шаклидир. Давлат фаолиятининг бу соҳадаги бевосита мақсади ҳуқуқ нормаларини шакллантириш, уларни ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилишдир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ўзининг ижтимоий моҳияти бўйича давлат иродасини қонун даражасига кўтариш, уни турли юридик ҳужжатларда расмийлаштириш ҳамда унинг мазмунидаги ҳулқ-атвор қоидаларига – давлат хоҳишини (истагини, амрини) – мажбурлов хусусиятини сингдириш сифатида намоён бўлади. У меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ўзгартириш ёки тўлдиришлар кириши бўйича ваколатли давлат органларининг фаолиятларини қамраб олади.

Ҳар бир давлатда ҳуқуқ ижодкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Бирок, барча жойларда у жамиятдаги турли хил муносабатларни тартибга соладиган, ягона ва бир бирига қарама-қарши келмайдиган нормалар тизимини яратиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган.

**Ҳ.и.** ҳуқуқни вужудга келтириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқни шакллантириш ўз ичига фақат бевосита ҳуқуқ ижодкорлигини эмас, балки унга тайёргарлик жараёнини ҳам қамраб олади. Ушбу жараён чиқарилаётган ҳужжатларнинг сифатини ошириш тақозоси давлат органларининг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти даражасининг шаклланиши ҳамда у ёки бу ҳуқуқий ҳужжатни яратишда тайёргарлик ишларини олиб боришни ўз ичига қамраб олади. Жамият ҳаётининг юридик талабларига мослиги (бир хил-

лиги, тенглиги) унинг самарадорлигини белгилайди. Шунинг билан бирга у ёки бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш, қабул қилишда кўмаклашаётган ёки тўсиқ бўлувчи омиллар доирасини аниқлаш муҳимдир. Чунки, турли хил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлган ҳуқуқ нормаларининг талабларини амалга оширганда ижобий ва эҳтимоли бўлган салбий оқибатларни олдиндан айтиб бериш учун зарур.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти турли шаклларда амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистонда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти давлат ҳокимият марказий органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, мансабдор шахслар ва референдум ўтказиш йўли билан бевосита халқ томонидан амалга оширилади.

ЎЗР билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари улар ўртасида ЎЗР Конституцияси доирасида ва тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади. Ушбу шартнома ва битимлар меъёрий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, ҳуқуқ ижодкорлигининг шакли ҳисобланади.

**ҲУҚУҚ МАНБАИ** – Ваколатли давлат органи ёки референдум (умумхалқ овози) орқали қабул қилинган, ҳуқуқ нормаларини ўрnatувчи ҳуқуқий акт. Ҳуқуқ манбаи норматив қоидалар ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташқи шакли. Ҳуқуқ манбаи (норматив ҳужжат) бўлиб, мамлакат Конституцияси, конституциявий қонунлар, қонунлар, парламент ва унинг палаталари қарорлари, Президент фармонлари, фармойишлари, ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, марказий давлат идоралари буйруқлари, йўриқномалари, маҳаллий ҳокимият органлари қабул қиладиган ҳужжатлар ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида ҳуқуқ манбаи сифатида норматив ҳужжатлардан ташқари ҳуқуқий одатлар, суд прецеденти (аниқ ҳолат бўйича кучга кирган суд қарори), халқаро шартномалар ҳам эътироф этилади.

**ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ** – давлат томонидан ўрnatиладиган ва маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидалари. Бу қоидаларни бузиш юридик жавобгарликка олиб келади. **Ҳ.н.** уларда мустаҳкамланган қоидаларнинг характериға қараб *ҳуқуқ ва ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва таъқиқловчи (ман қилувчи) нормаларға ажратилади.* 1) Ҳуқуқ субъектиға муайян ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи **ҳ.н.** *ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормалар* дейилади. Масалан, ЎЗР Конституциясининг 29-моддасиға биноан, «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқиға эға...» 2) Ҳуқуқ субъектиға муайян ҳаракатларни содир этиш лозимлигини (шартлигини) кўрсатувчи **ҳ.н.** *мажбурият юкловчи нормалар* дейилади. Масалан, ЎЗР Конституциясининг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳал-

лий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар» дейилган ва бу конда мажбурият юклаш характерига эга. 3) Ҳуқуқ субъектига муайян хатти-ҳаракатларни содир этишни ман қилувчи нормалар *таъқиқловчи нормалар* деб аталади. Масалан, Ўз.Р Конституциясининг 58-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган «...Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди» деган конда таъқиқловчи норма ҳисобланади.

Булардан ташқари, **ҳ.н.** бошқа бир катор мезонлар асосида ҳам таснифланади. Жумладан, **ҳ.н.** ўзида хатти-ҳаракатни шакллантиришнинг мавҳумлигига қараб *абстракт (мавҳум) ва казуистик нормаларга*, гипотезада мустаҳкамланган ҳолатнинг фактик жиҳатлари аниқ ёки нисбий эканлигига қараб *аниқ ва нисбий аниқ нормаларга*, гипотезанинг ҳажмига қараб *оддий, мураккаб ва альтернатив нормаларга*, диспозициянинг аниқлигига қараб *мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ва бланкет нормаларга*, ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра *императив ва диспозитив нормаларга*, субъектларига қараб *умумий ва махсус нормаларга*, ҳаракатланиш ҳудудига қараб *умумий ҳаракат қилувчи ва маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи нормаларга* бўлинади. Шунингдек, ҳуқуқни кўриқловчи нормалар санкцияларнинг аниқлигига қараб *мутлақ аниқ ва нисбатан аниқ нормаларга* ҳам бўлинади.

Ҳуқуқ соҳаларида эса ҳуқуқ нормаси халқаро, конституциявий, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий ва б. турларга ажратилади. Ҳуқуқ нормаларининг ички таркиби мантиқан қуйидагилардан иборат: *гипотеза* — ҳуқуқ нормаларининг қўлланиш шарти; *диспозиция* — юриш-туриш, ҳулқ-атвор қоидалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ифодаси; *санкция* — ҳаракатнинг давлат — ҳуқуқий нуктаи назардан баҳоланиши, қонун бузилиши натижасида давлат томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларига риоя қилишга мажбур этувчи чора.

**ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ** — давлат органлари, мансабдор шахслар, алоҳида фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқ нормалари маъносини очиб бериш ва уларнинг замиридаги давлат хоҳиш-иродасини аниқлашга йўналтирилган алоҳида тури. Шарҳлаш жараёнида ҳуқуқ нормасининг муайян унсурлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ҳолатлар аниқланади.

**Ҳ.н.ш.** ўзаро алоқадор бўлган икки таркибий қисмдан: қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ нормасининг маъносини аниқлаш ҳамда унинг моҳияти ва мазмунини тушунтириб беришдан иборат.

**Ҳ.н.ш.** — уларнинг ҳар бири тўғрисида тўла ва мукаммал маълумот олишни назарда тутати. **Ҳ.н.ш.нинг** бир қанча кенг маълум бўлган ва аънавий тарзда қўлланиладиган усуллари мавжуд.



Грамматик (ёки матнга қараб) шархлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормаси ёки моддасининг матнини грамматик, лексик ва синтаксик талқин қилишдан иборат. Бунда матннинг тузилишига, тиниш белгиларининг қўйилишига, умумий қўлланиладиган ҳамда турли билим соҳаларидан олинган техник атамаларнинг маъносига, шунингдек махсус атамаларга алоҳида эътибор берилади.

Тизимли шархлаш ҳуқуқнинг турли нормаларини, алоҳида моддани ва умуман қонунни таҳлилдан ўтказишда тизимли ёндашувни қўллашни назарда тутати. Бунда тадқиқотчи ҳуқуқ нормасини бошқа, илгари чиқарилган нормаларга таққослаш орқали унинг моҳияти ва мазмунини англаб етишга, унинг мазкур нормалар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини, улар билан кўп томонлама алоқаларининг хусусиятини аниқлашга алоҳида эътибор беради. Тизимли ёндашув қонун ҳужжатларида мавжуд камчиликлар ва зиддиятларни (карама-қаршиликларни) аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек ҳуқуқ тизимини расман бекор қилинмаган, аммо эски ижтимоий муносабатлар йўқолгани туфайли амал қилмай қўйган ҳуқуқ нормаларидан тозалашга кўмаклашади.

Тизимли шархлаш муҳимлиги ва нисбатан мустақиллигига қарамай, баъзан унга ҳуқуқ нормаси, модда ёки бутун ҳужжатнинг мазмунини тизимли ёки грамматик (матнга қараб) талқин қилиш орқали аниқлаш мумкин бўлмаган барча ҳолларда ҳуқуқ кўрсатмаларининг мантиқий маъносини аниқлаш учун қўлланиладиган м а н т и қ и й шархлашнинг алоҳида шакли деб қаралади.

Тарихий-сиёсий шархлаш норма қандай ижтимоий-сиёсий вазиятда қабул қилинганлигини, бунга туртки берган ижтимоий-сиёсий сабаблар ва мақсадларни аниқлашни назарда тутати. Шу билан бир вақтда чиқарилаётган норманинг ва аввалги нормаларнинг алоқаси ва вориийлиги масаласи ҳам аниқланади.

Бунда ҳуқуқ нормасини ҳажмига қараб шархлаш унинг маъноси ва мазмунини аниқлаш жараёнининг мантиқий давоми ва ниҳояси сифатида муҳим аҳамиятга эга. У ҳуқуқ нормасининг мазмуни уни матн кўринишида ифодалаш усулига қай даражада мувофиқлигини аниқлашни назарда тутати.

Ҳуқуқ нормасининг маъноси ва мазмуни уни матн кўринишида ифодалаш усулига тўла мос келган ҳолларда аксарият мамлакатларда кенг тарқалган сўзма-сўз шархлаш ҳақида сўз юритилади. Агар ҳуқуқ нормасининг матн кўринишидаги ифодаси унинг мантиқий маъноси ва мазмунидан кенг бўлса, тор шархлаш усулидан фойдаланилади (ҳуқуқ нормаси тор талқин қилиниши лозим). Қонуннинг сўзма-сўз таърифи унинг мантиқий маъносидан тор бўлган тақдирда эса кенг талқин қилиш усули қўлланилади.

Шархлаш – давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан ишлаб чиқилган, алоҳида нормалар ёки бутун қонун-

нинг асл маъноси ва мазмунини очиб беришга йўналтирилган, мажбурий хусусиятга эга бўлмаган тавсиялар ва изоҳлар мажмуидир.

Шарҳлашда тушунтириш натижасида келиб чиқадиган юридик оқибатларга қараб уларнинг икки тури: расмий талқин қилиш-тушунтириш ҳамда норасмий талқин қилиш-тушунтириш фаркланади.

Шарҳлаш субъектига қараб расмий шарҳ ҳақиқий ва расмий бўлади. Ҳақиқий шарҳлаш мазкур ҳуқуқий ҳужжатни чиқарган органлар (давлат ҳокимияти олий органлари, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ҳуқуқ ижодкорлиги органлари) томонидан амалга оширилади. Ҳақиқий талқин янги нормалар тузиш мақсадида эмас, балки мавжуд ҳуқуқ нормаларини тушунтириш мақсадида, ҳуқуқни қўллаш эмас, балки қонун чиқариш тартибида берилади. Расмий шарҳлаш мазкур ҳужжатни чиқарган орган томонидан эмас, балки бошқа давлат органлари томонидан уларга берилган доимий ёки бир марталик ваколатлар доирасида амалга оширилади. Расмий шарҳ ҳужжатлари уни амалга оширган орган (суд, молия, солиқ органлари ва б.)нинг юрисдикцияси остидаги шахслар ва бирлашмалар учунгина мажбурий кучга эга бўлади.

Норасмий шарҳлаш-тушунтириш обрўли нодавлат ташкилотлари, турли илмий ва таълим муассасалари, мутахассис-юристарнинг гуруҳлари, алоҳида фуқаролар томонидан амалга оширилади. У мажбурий хусусиятга эга бўлмаган ва юридик оқибатларга сабаб бўлмайдиган оғзаки ёки ёзма маслаҳатлар, изоҳлар, тавсиялар шаклида ифодаланади.

Шунингдек, фуқаролар ўз кундалик ҳаётида амалга оширувчи оддий талқин қилиш, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар (судьялар, адвокатлар ва б.) ўз кундалик фаолиятида амалга оширувчи профессионал талқин қилиш ҳамда китоблар, маърузалар, рисоалар, илмий мақолалар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан тайёрланган амалдаги қонун ҳужжатларига шарҳлар шаклидаги доктринал (илмий) шарҳлаш фаркланади.

Расмий ва норасмий шарҳлаш қўлланиладиган ҳодисага қараб талқин қилишда ваколатли давлат органлари (суд, ижроия органлари ва б.) ҳамда нодавлат ташкилотлари ва шахслар (илмий муассасалар, адвокатлар, экспертлар ва б.) ҳуқуқ нормаларини муайян иш (ҳодиса)ни кўриб чиқиш муносабати билангина талқин қиладилар. Ҳодисага қараб расмий шарҳлаш муайян ҳодисалар ёки ишларга нисбатангина юридик кучга эга бўлади. Ҳодисага қараб норасмий шарҳлаш бундай кучга умуман эга бўлмайди. Судда шарҳлаш ва маъмурий шарҳлаш ҳодисага қараб шарҳлашнинг энг кенг тарқалган турларидир.

**ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ** – давлат томонидан субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар эгаси бўлиш лаёқатига эга деб эътироф этилган шахс ёки ташкилот. Ҳозирги юридик адабиётларда «ҳуқуқ

субъекти» тушунчаси кўпинча «субъект» ёки «хуқуқий муносабатлар субъекти» тушунчасининг синоними сифатида қўлланилади.

Амалда ким ва қайси шартларда **Ж.с.**, бинобарин, хуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиши мумкинлиги, у қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлигини фақат давлат белгилайди. Шахсга ёки ташкилотга **Ж.с.** бўлиш имконини берадиган алоҳида юридик хусусият ёки хосса фақат қонун билан белгиланиши ва эътироф этилиши мумкин. Мазкур хусусият ёки хосса хуқуқ субъектчилиги деб аталади. Уни ўзбошимчалик билан белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин эмас, у хусусий шахслар ва ташкилотларнинг хоши-иродасига боғлиқ бўлмайди. Ўз таркибий бўғинлари – хуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати сингари, у фақат объектив хуқуқ ёрдамида юзага келади, ўзгартирилади ёки тугатилади.

Шахс ёки ташкилот ўз мол-мулкни тўла тасарруф этиш, хуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиш хуқуқини қўлга киритиши учун улар *хуқуқ лаёқати* ва *муомала лаёқатига* эга бўлишлари шарт. Ҳозирги вақтда хуқуқ лаёқатига барча мамлакатларда умумий принцип деб қаралади ва у барча фуқароларга нисбатан амал қилади. Фуқаролар ва ташкилотларнинг муомала лаёқати чекланган бўлиши мумкин.

**Ж.с.** бўлган *жисмоний шахс* деганда барча фуқаролар, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Улар хуқуқ лаёқатининг барча: умумий, тармоқ ва махсус турларига эга бўлади. Фуқаролик хуқуқи ва шахсий хуқуқ муносабатлари соҳасида улар тенг хуқуқ лаёқатига эгадирлар. Аммо жисмоний шахсларнинг хуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати юзага келган вақтига кўра, шунингдек бошқа жиҳатлардан доим ҳам мос келавермайди.

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий хуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган давлат ва жамоат ташкилотлари **Ж.с.** – *юридик шахс* ҳисобланади.

ЎзРнинг фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахслар жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда

ташқил этилиши мумкин (яна қ.: *Хуқуқ лаёқати. Муомала лаёқати*).

**ХУҚУҚ ТИЗИМИ** – ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд муносабатларга боғлиқ равишда, ҳуқуқни ташқил этиш тартибини ва таркибий қисмларини жойлашишини кўрсатиб беради. Ҳуқуқ тизими у ёки бу мамлакатдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий мавжудлигини акс эттирувчи ҳуқуқнинг ички шакли сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ тизимини ташқил қилган нормалар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Ҳуқуқнинг тизимга солиниши ҳар қандай ҳуқуқ типининг ажралмас хусусиятидир. Ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги, ҳуқуқнинг турли хил, пала-партиш юридик нормалардан иборат эмаслигини тасдиқлаб, ҳуқуқ тизими бутун бир барқарор тузилма эканлигини исботлайди. Ҳуқуқ тизими бир бутун, ягона асосга эга эканлиги қўндан-қўп объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Кундалик ҳаётда улар бир-бирини доимо тўлдириб туради.

**Ҳ.т.нинг** объектив характерга эга дейишимизнинг маъноси шуки, мавжуд ижтимоий муносабатлар ва уларнинг реал манзараси ҳуқуқ тизимини белгиловчи омил ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, янгиланиши ҳуқуқ тизимида ўзининг айнан ифодасини топади, шу жиҳатдан ҳар бир давлат ҳуқуқ тизими, шу жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг инъикоси, ифодаси ҳисобланади.

**Ҳ.т.** жамиятда мавжуд бўлган ва доимо ривожланиш жараёнини бошидан кечираётган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, у ҳуқуқнинг ички тузилишини, унда ҳуқуқ нормаларининг ҳам умумланиш, ҳам фарқланиш хусусиятларини кўрсатади.

**Ҳ.т.ни** ўрганиш учун, уни чуқурроқ англаш учун, мазкур тизим асосида ётадиган мезонларни аниқлаш аҳамиятга моликдир. Шу мақсадда илмий-ўқув адабиётида қатор ёндашувлардан фойдаланилади. Генетик ёндашув асосида бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) мезон бўлиб, турли йўллар билан шаклланган ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар, энг аввало, давлат ва жамият ҳисобланади. Тарихий ёндашувга асосан эса ҳуқуқнинг тизим сифатида шаклланишининг бутун ривожланиш йўлини кузатиб таҳлил этиш мумкин, бу жараёнда энг муҳим мезон сифатида ҳуқуқнинг шакли (манбаи) олдинги ўринга чиқади. Ҳуқуқ шаклларини таҳлил этиш орқали, биз у ёки бу ҳуқуқ тизими учун хос бўлган тизим шакллантирувчи асосларни аниқлашимиз мумкин. Тарихий ёндашув **ҳ.т.нинг** генетик алоқаларини очиб бериши билан бир қаторда, тарихий ривожланиш жараёнда ҳуқуқ тизимида бўлган динамик ўзгаришларни ҳам кузатишга имкон беради. Бу аввало инсоннинг ўзининг индивид сифатида, турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар аъзоси сифатида, ривожланиши билан боғлиқ.

Ундан ташқари, ҳуқуқ тизимига турли диний, этник, ғоявий омиллар ва уларнинг ўзаро таъсири ҳам мавжуд.

**Х.т.га** тизимли-тузилмавий ёндашув, унинг ички тузилмасида ҳуқуқ нормаларининг маълум тартибда жойлашганлигини кўрсатади. **Х.т.да** жойлашган нормаларнинг тартибга солинганлиги, ўзаро мувофиқлик ва алоқадорлиги ҳамда айни пайтда фарқланиши, ижтимоий муносабатларнинг ҳам ҳудди шундай тузилмавий характери ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг боғлиқлиги билан ҳам белгиланади.

**Х.т.** бир неча даражаларни ўз ичига олади. Улардан биринчиси, ўз ички алоқаларга эга бўлган *ҳуқуқ нормасидир*. Шу алоқадорлик сабабли, у конкрет ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқ нормаси давлат томонидан санкцияланган умуммажбурий юриш-туриш қондаларидир. Ҳуқуқ нормаси орқали жамиятдаги барча муносабатлар эмас, балки жамият ва инсоннинг фаолиятига доир энг муҳим муносабатлар тартибга солинади.

Айни бир муносабат бир неча нормалар билан тартибга солишга, улар ҳуқуқ тизимининг иккинчи даражаси бўлмиш *ҳуқуқ институтига* бирлаштиришга асос бўлади ва бу ҳуқуқ нормасининг ташқи алоқалари натижаси сифатида вужудга келади. Ҳуқуқ институти, ҳуқуқ нормаларининг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади. Демак, агар ҳуқуқий норма, ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлса, ҳуқуқ институти эса, унинг дастлабки ҳуқуқий умумлашмасидир. Ҳуқуқ институтлари алоҳида олинган *ҳуқуқ соҳалари* доирасида мавжуд бўлади ва амал қилади. Яъни ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисми, бўлаги, бўғини сифатида намоён бўлиб, айни пайтда, муайян мустақил характерга эга, чунки улар маълум даражада мустақил масалаларни тартибга солади. Масалан, Конституциявий ҳуқуқ соҳаси, фуқаролик институти, Президентлик институти ва бошқа шу каби институтлардан, фуқаролик ҳуқуқи соҳаси, фуқароларнинг мажбурият ҳуқуқи институти, олди-сотди институти, шартномалар институти ва бошқа шу каби институтлардан, меҳнат ҳуқуқи соҳаси, меҳнат шартномаларини амалга ошириш институти, нафақани расмийлаштириш институтларини ўз ичига олади.

Амалиётда алоҳида ҳуқуқ соҳалари доирасидаги ҳуқуқ институтларидан ташқари, бир неча ҳуқуқ соҳасининг нормаларини ўзида жамлаган, камдан-кам учрайдиган ҳуқуқ институтларини ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳуқуқ институтлари, илмий-юридик адабиётларда, аралаш ҳуқуқ институтлари, деб номланади. Аралаш ҳуқуқ институтларига мисол қилиб, интизомий жавобгарлик институтини келтиришимиз мумкин. Мазкур институт ўз хусусиятга кўра, меҳнат ҳуқуқи соҳасига тегишли. Корхона ёки муассаса маъмурияти айбдор шахсга

интизомий жазони қўллаш ҳуқуқига эга. Аммо интизомий жазо олган шахс судга мурожаат қилса, меҳнат низоларини судда кўриш, ҳуқуқнинг бошқа соҳаси – фуқаролик процессуал ҳуқуқ соҳасига тегишлидир.

**Х.т.нинг** анча юқори даражаси, ҳуқуқ тизимининг чўққисида *ҳуқуқ соҳалари* туради. Ҳуқуқ соҳаси – маълум бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ институтларининг мажмуидир. Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ соҳаларининг мавжуд бўлиши, унга бўлган объектив зарурат ҳисобланади, давлат эса бу заруриятни ўз вақтида англаб, уни расмийлаштиради ҳолос. Ҳуқуқ соҳаси, қонун чиқарувчи идора томонидан ўйлаб топилмай, балки ижтимоий ва амалий эҳтиёж маҳсули сифатида шаклланади. Мас., меҳнат муносабатларига тегишли ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси, меҳнат ҳуқуқи соҳасини ташкил этади; молиявий муносабатлар таъъллуқли нормалар тизими, молия ҳуқуқ соҳасини шакллантиради; ерга бўлган муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқ нормалар, ер ҳуқуқи соҳасини яратади ва х.к. Ҳуқуқ соҳалари, ҳам ўзларининг хажми, ижтимоий муносабатларга таъсири ва умуман ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрнига қараб, ҳуқуқ тизимида ўз ўрнига эга. Анъанавий тарзда, ҳуқуқ тизимида етакчи ўринни конституциявий (давлат) ҳуқуқ соҳаси эгаллайди. Шунингдек, маъмурий, молия, меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, ер, қишлоқ хўжалик, экология ва бошқа шу каби ҳуқуқ соҳалари мавжуд.

Ҳуқуқ соҳалари ва институти ичида, халқаро ҳуқуқ алоҳида ўринга эга. Халқаро ҳуқуқ – халқаро, энг аввало, давлатлараро муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли, у бирорта ҳам давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимига кирмайди.

**Х.т.** тушунчасини, мазкур тушунчага ўхшаш тушунчалар, яъни ҳуқуқий тизим ва қонунчиликни тизимлаштириш тушунчалари билан аралаштириб юбориши керак эмас. **Х.т.** деганда, тор маънода «миллий ҳуқуқий, тизим», деб аталадиган, маълум давлатнинг ҳуқуқи билан бирга, жамият ҳуқуқий ҳаётининг бошқа қатор таркибий қисмларини ҳам ўз ичига олади. Кенг маънода ишлатиладиган «ҳуқуқий тизим» тушунчаси, қиёсий ҳуқуқшунослик билан боғлиқ. «Қонунчилик тизими», у ёки бу мамлакатда мавжуд норматив-ҳуқуқий актларни (қонунлар, фармонлар, статутлар, декретлар, ҳукуматнинг қарорлари ва х.к.) йиғиндиси бўлиб, улар турли хил мезонлар асосида, сифат жиҳатидан белгилаб қўйиладиган, маълум таркибий қисмларга бўлинади. Қонунчиликни тизимлаштириш, жўшқин қонунчилик ва ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти билан шуғулланувчи органларнинг таъсири остида бўлиб, улар томонидан яратилади ва маълум бир йўналишга солинади.

**ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИ** – ҳуқуқнинг жамият ва давлат ҳаёти-

даги ўрни ва аҳамиятини кўрсатувчи функциялар. Уларнинг реал мазмуни ва ижтимоий аҳамияти кўп жиҳатдан давлатнинг хусусияти билан белгиланади.

Ҳуқуқ давлатнинг барча органлари, мансабдор шахслари ва ташкилотлари учун мажбурий бўлган ҳулқ-атвор қоидаларини белгилаш орқали давлатга фаол таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ нормалари ёрдамида уларнинг мақоми мустаҳкамланади, фаолият доираси, тузилмаси, субординацияси, фаолияти ва ўзаро муносабатлари тартиби белгиланади. Шундай қилиб, ҳуқуқ энг аввало ижтимоий муносабатларни тартибга солади, жамиятда юзага келган иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатларни тартибга келтиради. Ҳуқуқ мамлакатда мавжуд давлат тузумини ёки ижтимоий тузумни мустаҳкамлайди. Томонлар (фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат ва давлат ташкилотлари)нинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш орқали ҳуқуқ жамият ва давлат ҳаёти ва фаолиятини маълум даражада тартибга келтиради, унинг фаоллиги ва самарадорлиги учун юридик замин ҳозирлайди.

Ҳуқуқ тарбиялаш функциясини ҳам бажаради, зеро, қонун нафақат давлат мажбуриятини, балки унинг ишонтиришига ҳам таянади.

Ҳуқуқнинг тафаккур жараёнларини ўрганиш ҳамда прогноз қилиш функциялари ҳам мавжуд. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланган тизимини мустаҳкамлаш орқали ҳуқуқ уларни янада чуқур билиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароит яратяди.

**ҲУҚУҚ ШАКЛИ** – ҳуқуқий қоидаларни ифодалаш ва мустаҳкамлаш ёки «хукмрон синфнинг қонунга айлантйрилган хошиш-иродаси»ни ифода этиш усули.

Баъзан ҳуқуқ манбаи деб ҳам кўрсатилади. Илмий ва ўқув адабиётларида **Х.ш.** ҳуқуқий кўрсатмаларни мустаҳкамлаш ёки «хукмрон синфнинг қонунга айлантйрилган хошиш-иродаси»ни ифода этиш усули сифатида баъзан **о л и й** шакл деб ҳам аталади. Ҳуқуқнинг **и ч к и ш а к л и** – ҳуқуқнинг ички тизими ёки тузилиши ҳам фарқланади.

*Ҳуқуқий одатлар*, давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳуқуқий шартномалар, жамоат ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, *прецедентлар* энг муҳим ва кенг тарқалган **Х.ш. дир.**

Қуръони карим – мусулмонларнинг муқаддас китоби, сунна ёки Оллоҳ таоло пайғамбари билан боғлиқ анъаналар, ижмо ёки «мусулмон жамиятининг умумий битими», шунингдек ҳадислар ва қиёслар мусулмон ҳуқуқининг муҳим шакллари ҳисобланади.

**ҲУҚУҚ** – давлатнинг иродасини ифодалайдиган ва унинг қуч билан ҳимоя қиладиган умумий мажбурий нормалар мажмуаси (тизими). Ҳуқуқ тўғрисидаги бундай тасаввур мамлакатимиз юридик ада-

биётидагина эмас, хорижий юридик адабиётида ҳам жуда кенг тарқалган.

Ҳуқуқни ижтимоий ҳодиса ва тушунча сифатида таҳлил этишда, унинг қуйидаги белгилари ва хусусиятлари алоҳида ажратиб кўрсатилади.

**2. Ҳ.** – аввало феъл-атвор нормалари ёки қоидалари мажмуаси, аниқроқ қилиб айтганда – системасидир. Булар нормаларнинг тасодифий йиғиндиси эмас, балки муайян феъл-атвор қоидаларининг катъий синовдан ўтказилиб, тартибга солинган мажмуасидир. Ҳар қандай тизим каби у ҳам бир тартибга солинган, ўзаро боғланган ва бир-бири билан ҳамоҳанг амал қиладиган элементлар (унсурлар)дан ҳосил бўлади. Ҳ. нормалари ёки феъл-атвор қоидалари ҳам худди шундай бўлади. Тизим ички томондан яхлит ва зиддиятсиз бўлиши керак. Унинг айрим таркибий унсурлари – нормалари ўртасида вужудга келадиган алоқалар нормаларнинг ўзи каби тартибга солувчилик вазифаларни ва бошқа вазифаларни бошқаришга, ягона мақсадга эришишга қаратилиши керак.

**3. Ҳ.** – давлат белгилаб қўйган ёки ижозат берган нормалар тизими. Кўпдан-кўп турли ижтимоий нормалар мавжуд, аммо фақат ҳуқуқий нормаларни давлат белгилаб беради. Бошқа нормаларнинг ҳаммаси турли нодавлат ташкилотлар-жамоат бирлашмалари, партия ташкилотлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан белгиланади ва ривожлантирилади.

Ҳуқуқий ҳужжатлар референдум йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

**4. Ҳ.** доимо унинг асоси бўлмиш давлат иродасини ифодалайди, унинг иродаси эса ўз навбатида, мамлакатимиз ва чет эл юридик фанидаги концепцияларга биноан, ҳукмрон гуруҳ, жамият, халқ ёки миллат иродасини мужассамлаштиради.

Давлат ва ҳуқуқнинг мавжудлиги ҳамда фаолият юритишидаги жаҳон тажрибасидан маълумки, **ҳ.да** аввало ҳукмрон юқори табақанинг иродаси ифодаланади. Шу билан бир ҳукмрон юқори табақа ижтимоий портлашлардан ва ўзининг имтиёзли мавқеини йўқотиб қўйишдан хавфсираб, кўпинча қўл остидагиларнинг иродаси ва манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур бўлиши ҳам инкор этиб бўлмайдиган ҳолатдир.

**5. Ҳ.** умумий мажбурий характердаги нормалар ёки феъл-атвор қоидалари тизимидан иборат. Умумий мажбурий деган тушунча ҳуқуқ нормаларида баён этилган талабларнинг жамият барча аъзолари томонидан албатта бажарилишини билдиради. Бу тушунча ҳуқуқ нормаси билан бирга вужудга келади, у билан бирга ривожланади ва ўзгариб боради.

**Ҳ.** давлат томонидан ҳимоя қилинади ва таъминланади, ҳуқуқ нормаларида баён этилган талаблар бузилган тақдирда, давлатнинг



мажбурлаш чоралари билан кўллаб-қувватланади. Давлат ўзи чиқарадиган ёки ижозат берадиган ҳужжатларнинг тақдирига бефарқ қарай олмайди, уларни амалга оширилиши учун барча шароитни яратади, уларни бузулишдан ҳимоя қилади ва уларни кафолатлайди. Давлатнинг мажбурлаш чоралари бу борада кенг фойдаланиладиган усуллардан биридир. Бу усул фақат қонун доирасида ва асосида, шунингдек, қонунда кўзда тутилган процессуал қондаларга мувофиқ равишда ҳаракат қиладиган ва бунинг учун ваколат олган органлар томонидан қўлланилиши лозим.

**ҲУКУҚДОРЛИК** – ваколат, ваколатлик ҳуқуқи, яъни давлат органи ё мансабдор шахснинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг ижтимоий муносабат бошқа қатнашчиларининг норматив юридик ҳужжатда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ваколатга эга бўлиши.

**ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ** – давлатнинг ривожланганлик даражасини белгилаб беради ва унинг куйидаги белгилари мавжуд: а) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ва ҳар томонлама кафолатланиши; б) ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлиги; в) қонунларнинг тўғри амал қилиши; г) фуқароларнинг давлат олдидаги масъулияти ва аксинча давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулияти; ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципини амалиётга татбиқ қилиниши; д) жамият томонидан қўллаб-қувватландиган, демократия, қонунийлик ва конституциявийлик режимларининг мавжудлиги.

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва фаолият юритишнинг муҳим шарт-шароитларидан бўлиб куйидагилар ҳисобланади: мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланганлиги; жамиятнинг барча ёки кўпчилик аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгининг юқори даражада эканлиги; уларнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта олиши учун умуминсоний маданиятга эга бўлиши; мамлакатда бир-бирига зид бўлмаган ягона қонунчилик тизимининг мавжудлиги.

Ҳуқуқий давлат назарияси билан уни амалга ошириш ўртасида катта фарқ бор. Ҳозирги пайтда ҳуқуқий давлат назарияси дунёдаги кўпгина давлатларнинг конституцияларида ўз аксини топган.

Мас., 1978 йилда қабул қилинган Испания Конституциясининг 1-моддаси 1-бандида куйидагилар мустаҳкамлаб қўйилган: «Испания – бу социал, ҳуқуқий ва демократик давлат бўлиб, бу давлатда олий қадрият эркинлик, адолат, тенглик ва сиёсий ҳурфикрлик ҳисобланади». 1949 йилги ГФР асосий қонунга кўра «Германия Федератив Республикаси демократик ва социал федератив давлат бўлиб ҳисобланади» (20-модда) ҳамда уларнинг конституциявий тузилмаси Асосий Қонунга зид келмаслиги керак (28-модда). Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғоялар Австрия, Греция, Италия, Франция, Швеция, Швейцария ва бошқа бир қатор юқори даражада ривожланган давлатларнинг конституцияларида белгилаб қўйилган.

1993 йилги Россия Конституциясида ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғоя тўғридан-тўғри ўз аксини топган. Унинг биринчи моддасида «Россия Федерацияси – Россия республика бошқарув шаклидаги демократик, федератив, ҳуқуқий давлатдир», – деб ёзиб қўйилган.

1992 йилда қабул қилинган ЎзР нинг Конституциясини муқаддасида ҳам ҳуқуқий демократик давлат тўғрисидаги ғоя ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғоя ва назарияларни дунёдаги кўпчилик мамлакатлар тан олсаларда, аммо уни амалиётда ҳамма давлатлар тўлалигича қўлламайдилар. Ҳозирги пайтда ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғояни тўлиқ ҳаётга татбиқ қилган бирон-бир давлатни учратмайсиз. Худди шу маънода ҳуқуқий давлат тўғрисидаги назариялар ҳар қандай демократик давлат интилиши керак бўлган идеал, эталон вазифасини ўтайди.

**ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ** – ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабат бўлиб, унинг қатнашчилари давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ва кафолатланадиган субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларнинг сохибларидир. Уларнинг ўзига хос белгилари ва хусусиятлари:

**1) Ҳ.м.** – ижтимоий муносабатларнинг алоҳида туридир. **Ҳ.м.** – лар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа сон-саноксиз ижтимоий муносабатларни ифодалаш орқали мазкур муносабатлар қатнашчилари ўртасидаги, ўзаро алоқаларнинг юридик шакли бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинган иқтисодий, сиёсий ва бошқа ижтимоий муносабатлар мазкур типдаги муносабатларнинг илк белгилари ва хусусиятлари ўз табиати ва характерини йўқотмайди. Улар фақат ижтимоий муносабатларнинг янги тури, янги шаклига айланиб, ҳуқуқий муносабатлар бўлиб қолади.

**2) Ҳ.м.** – давлатнинг иродаси ифодаланадиган ва мустаҳкамланадиган ҳуқуқий нормалар асосида таркиб топади. Кўпгина ижтимоий муносабатлар одатларда, анъаналарда, турли жамоат ташкилотларининг ҳужжатларида акс этган нормалар ёрдамида тартибга солинади, аммо уларнинг ҳуқуқ нормалари воситасида тартибга солиниши туфайлигина ҳуқуқий муносабатлар характери ва шаклига эга бўлиши мумкин. Бу гап истисносиз барча ижтимоий муносабатларга – табиати, характери, келиб чиқиш соҳаси ва мавжудлик усулидан қатъи назар, барча оилавий, меҳнат, мулкӣ, шахсий ва бошқа муносабатларга тааллуқлидир.

**3) Ҳ.м.** – қатнашчиларининг онгли-иродали ҳаракатлари натижасидаги муносабатларнинг бир туридир. Уларнинг онгли-иродали характери бир-бири билан боғлиқ бўлган икки жиҳатида намоён бўлади: биринчидан, ҳуқуқий муносабат қонун чиқарувчининг иродаси ва хоҳиши туфали яратиладиган нормалар асосида вужудга келади; иккинчидан, уларнинг мазмунида мавжуд бўлган давлат-ҳуқуқий кўрсат-

малар, шунингдек, ҳуқуқ нормаларига асос қилиб олинган юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар шахсларнинг онгли-иродали ҳаракатлари туфайли амалга оширилади.

**4) Ҳ.м.** — ўз қатнашчиларининг кўпдан кўп хилма-хил алоқаларидан иборат бўлади, бу алоқалар уларнинг зиммасига юклатиладиган субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар воситасида амалга оширилади. Улардан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлар йиғиндиси билан бирга бу алоқалар ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини ташкил этади.

**5) Ҳ.м.** — ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг рўёбга чиқарилиши давлатнинг мажбурлаш имконияти билан кафолатланади.

Жуда кўп ҳолларда ҳуқуқ нормаларининг талаблари ва нормалар асосида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат ўз қатнашчиларининг ихтиёрий ва онгли феъл-атворига таянади. Бирок ҳуқуқий ёзма кўрсатмалар бузилган тақдирда давлатнинг мажбурлаши қўлланилиши мумкин.

**Ҳ.м.** умумий турдош белгилар ва хусусиятларга эга бўлиш билан бир вақтда турларга бўлинади. Ҳар хил асосларга кўра **ҳ.м.нинг** бир неча таснифи бор. Нормаларнинг ҳуқуқий тармоққа тегишлилигига қараб барча **ҳ.м.лар** маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, меҳнат ва бошқа **ҳ.м.ларга** бўлинади. Қатнашувчиларининг сонига ва улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиш характерига қараб, бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама **ҳ.м.лар** бир-биридан фарқ қилади. Бир томонлама **ҳ.м.нинг** ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда қатнашувчи икки томондан ҳар бири бир-бирига нисбатан фақат ҳуқуқларга ва фақат мажбуриятларга эга бўлади.

Совға қилиш шартномаси бир томонлама **ҳ.м.нинг** энг кўп учрайдиган мисолидир. Бу шартномага биноан бир томон фақат субъектив (совға топширишни талаб қилиш) ҳуқуқига, иккинчи томон эса фақат мажбурият (совғани топшириш мажбурияти)га эга бўлади. Икки томонлама **ҳ.м.нинг** ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда қатнашувчи икки томондан ҳар бирида бир-бирига нисбатан ҳуқуқлар ҳам, мажбуриятлар ҳам бўлади.

Пудрат, ёллаш, олди-сотти шартномаси бунга мисол бўла олади. Кўп томонлама **ҳ.м.да** уч ва ундан кўпроқ томон қатнашади, улардан ҳар бири бир-бирига нисбатан ҳуқуқларга ҳам, мажбуриятларга ҳам эга бўлади. Ана шундай **ҳ.м.ларда** бир томоннинг ҳар бир субъектив ҳуқуқига иккинчи томоннинг субъектив, юридик мажбурияти мувофиқ келади. Икки асосий томондан ташқари учинчи томон воситачи иштирок этадиган ҳар қандай фуқаровий ҳуқуқий битим кўп томонлама **ҳ.м.га** мисол бўлиши мумкин.

**ҲУҚУҚИЙ ОДАТ** — жамиятда кўп марта ва узок муддат қўлланилиши натижасида вужудга келган ва давлат томонидан маъқулан-

ган феъл-атвор коидаси, **х.о.нинг** ўзига хос белгилари ва хусусиятлари асосан ҳуқуқий бўлмаган одатларда кўп учрайдиган белгиларга ўхшашдир. Унинг фақат бир фарқи бор, яъни **х.о.** юридик кучга эга бўлиб, улар бузулган тақдирда давлатнинг мажбурлов чоралари билан таъминланади.

Тарихан **х.о.** жамиятнинг ибтидоий жамоа ташкилотидан давлат ташкилотига ўтиш босқичида мавжуд урф-одатларга давлатнинг ижозат бериши натижасида ҳуқуқнинг биринчи манбаи сифатида вужудга келган. Қадимий давлатларда **х.о.** етакчи мавқеини эгаллаган. Масалан, қадимий Римда **х.о.дан** ҳуқуқнинг энг муҳим тармоқлари ва институтлари ҳосил бўлган. Одатлар орасида аждодларнинг одатлари, кохинлар, магистрантлар ва бошқалар амалиётида вужудга келган одатлар бир-биридан фарқ қилган.

Жамият ва давлат ривожлана борган сайин **х.о.**, улар билан бирга оддий ҳуқуқ ҳам қонунлар, ҳуқуқнинг бошқа шакллари ва институтлари билан бирга аста-секин суриб чиқарилди, ҳуқуқнинг иккинчи даражали манбалари бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда савдо денгизчилиги одатлари, порт одатлари, халқаро одатлар ва шу қабилар энг кўп тарқалган одатлардир.

**ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ** – қонунийлик режими (қаранг: қонунийлик) мақсадларига унинг пировард натижаси сифатида мавжуд ҳуқуқий йўриқномаларга биноан ижтимоий муносабатлар (ҳуқуқ-тартибот) йўлга қўйилишига эришишга оид чоралар йиғиндиси. «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш» умумий қабул қилинган «Жамоат тартибини сақлаш» тушунчасидан кўра торроқ тушунчадир.

Ўз моҳиятига кўра, **х.т.с.** – ҳуқуқ талаблари амалга оширилишига ҳалакит берадиган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш учун қилинадиган ишлар: қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ЎзР Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш (конституциявий назорат); ғайриқонуний ҳаракатларнинг барча турларини муваффақиятли бартараф этишга, шу жумладан жиноятларга ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва уларни олдини олиш ва пайини қирқиш; ваколатли давлат органларининг юридик жавобгарликни қўллаш, инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини қайта тиклаш соҳасидаги кундалик фаолияти демакдир.

**ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ** — давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ваколатли органидан, мансабдор шахсдан чиқадиган расмий ёзма ҳужжат бўлиб, унда ижтимоий муносабат қатнашчилари феъл-атворининг муайян қоидалари белгилаб қўйилган бўлади.

**Х.х.** норматив ҳужжатлар (қаранг: норматив юридик ҳужжатлар) бўлиши мумкин, унда ҳуқуқ нормалари белгилаб қўйилган бўлади. У норматив бўлмаган ёки яқка тартибдаги ҳужжат бўлиши мумкин, унда асосий муайян ижтимоий муносабатнинг аниқ қатнашчила-

рида ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади. Кўпинча ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини ҳам норматив бўлмаган ҳуқуқий ҳужжат, — деб атайдилар. Булар ваколатли органлар ва шахсларнинг ҳужжатлари бўлиши мумкин.

**ҲУҚУҚЛАР** — норматив юридик ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган муайян феъл-атвор, у ёки бу ҳаракатларни содир этиш имконияти. Ҳуқуқлар жисмоний шахслар — мазкур давлат фуқаролигига, чет элликларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, давлатларга, маъмурий-худудий бирликларга, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, хўжалик юритувчи субъектларига тегишли бўлиши мумкин.

**ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ** — ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонун билан ўрнатилган тартибда ҳуқуқ нормасини амалга оширишининг шаклларида бири ҳисобланади. У субъектларнинг ҳуқуқни бажаришга қаратилган хатти-ҳаракатлари мажмуидан иборат бўлади.

Давлатимиз қонунчилигига мувофиқ, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, прокуратура органлари, бошқарув органлари, корхона, муассасаларнинг маъмуриятлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг мансабдор шахслари ҳуқуқни қўллаш субъектлари ҳисобланади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳокимият фаолиятининг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, ҳокимият — фармойиш бериш хусусиятига эгадир.

**ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ БОСҚИЧЛАРИ** — ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий нормалар талабини амалга оширишнинг асосий шаклларида биридир. Ҳуқуқни қўллаш ваколатли орган томонидан индивидуал — аниқ кўрсатма (қарор, буйруқ, фармойиш) чиқариш орқали ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқуқий нормани (қондани) тўла-тўқис татбиқ этиш учун ваколатли идоранинг аралашуви талаб этилган ҳолларда заруриятга айланади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти давлат ҳокимияти характерига эга. Унда қарор (яъни, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати) тегишли органнинг азм-ихтиёри, иродаси маҳсули сифатида майдонга чиқади. Зеро, бу идора ўз қарорини давлат ҳокимияти номидан чиқаради ва ҳаётга жорий этади. Ҳуқуқни қўллаш жараёни ўз ичига қуйидаги босқичларни камраб олади: 1) ҳуқуқ нормаси билан тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш; 2) кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олиш; 3) кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасининг мазмунини аниқлаш ва уни шарҳлаш; 4) кўрилаётган масалага оид танлаб олинган ҳуқуқ нормаларининг қўлланиш актини чиқариш; 5) ҳуқуқни қўллаш акти чиқарилгандан сўнг унинг бажарилишини таъминлаш

чора-тадбирларини кўриш; 6) ҳуқуқни қўллаш актининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг устидан назорат ўрнатиш.

**ҲУКУМАТ БОШЛИҒИ** – давлатнинг ҳукуматига бошчилик қилувчи шахсларнинг умумлаштирилган номи. Турли давлатларнинг конституцияларида қўлланиладиган номлар орасида ҳукумат раиси, вазирлар кенгаши раиси, вазирлар маҳкамаси раиси, канцлер, Бош вазир сингари сўз бирикмалари кўпроқ учрайди.

Мас., собик СССРда – бу Халқ Комиссарлари Советининг Раиси (1936 йилги Конституцияга биноан), 1946 йилдан эътиборан – СССР Министрлар Советининг Раиси, 1990 йил 26 декабрдаги ислохотга кўра (СССР Вазирлар Маҳкамаси жорий этилгач) – Бош вазир. ЎзССРда ҳам тегишлича Халқ Комиссарлари Советининг ва кейин Министрлар Советининг Раиси деб аталган. ЎЗРнинг амалдаги Конституциясига кўра, ЎЗР Бош вазири.

«Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради» дейилган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)нинг 15-моддасида.

**ҲУКУМАТ РАЁСАТИ** – ҳукумат қарори бўйича ёки ҳукумат тўғрисидаги қонунга асосан тузиладиган ва нисбатан тор доирадаги: Раис, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, шунингдек баъзи асосий вазирликлар вазирларидан иборат таркибда ишлайдиган ишчи орган. Ҳукумат раёсати ҳукуматга қараганда тез-тез йиғилади ва нисбатан долзарб хусусиятли масалаларни ҳал қилади. Ҳукумат ҳулосаси ёки ҳукумат тўғрисидаги қонунга мувофиқ, ҳукумат раёсатининг қарори айнан ҳукуматнинг ҳужжати сифатида ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

**ҲУКУМАТ** – давлатнинг ёки федератив давлатдаги субъектнинг марказий ижро этувчи органи. Бу ном турли давлатларда турлича аталади, масалан, Россия, Чехия ва бошқа давлатларда ҳукумат, Хиндистонда Вазирлар кенгаши, Японияда Маҳкама, ХХРда – Давлат кенгаши, КХДРда – Маъмурий кенгаш ва ҳоказо. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг ҳукумати Вазирлар Маҳкамаси деб атала бошлади.

Давлат даражасида ҳукумат бошқаруви ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи. Ички ишларга, иқтисодий, ижтимоий ва маданий сиёсатни амалга оширишга, мудофаа, хавфсизлик, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятга раҳбарлик қилади. Президентлик Республикасида ҳукумат президентга ва муайян тарзда парламентга ҳисоб беради. Парламентар республикада ҳукумат парламентга, унинг палаталарига ва муайян тарзда президентга (агар давлатда шу лавозим мавжуд бўлса) ҳисоб беради. Шу билан бирга ҳукумат давлат конституцияси ва қонунлари унга бериб қўйган ваколатларни амалга оширишда мустақилликка эга бўлади.

Ҳукумат раис (Бош вазир), унинг биринчи ва ўринбосарларидан, вазирлардан, кўпинча бошқа шахслардан ҳам иборат бўлади.

Президентлик республикасида ҳукумат президент томонидан тuzилади, бунда у раиснинг номзодинигина парламент билан ёки унинг бирор бир палатаси билан келишиб олинishi кўзда тутилиши мумкин. Парламентар республикада турли вариантлардан фойдаланилади, масалан, ҳукумат раисининг парламент томонидан тайинланиши ёки унинг номзоди президент томонидан таклиф этилиши, ҳукуматнинг бутун таркиби парламент томонидан тасдиқланиши ёхуд ҳукумат аъзоларининг бош вазир таклифига биноан президент томонидан тайинланиши ва ҳоказо.

Ҳукуматнинг иш шакли – мажлислар ўтказишдан иборат. Ҳукумат ҳужжатлари, қарорлари коллегиял тарзда қабул қилинади, унинг фармойишлари ҳукумат раиси томонидан имзоланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
ҲУҚУҚ**

**ЭНЦИКЛОПЕДИК  
ЛУФАТ**

**Нашрга тайёрлаганлар:** Аюбов У.Т.,  
Ўралов А.И.,  
Садуллаев Д.С.

**Компьютерда саҳифаловчи:** Қурбонбоев Ш.Ш.

Босишга рухсат этилди 01.12.2006 й. Нашр бичими  
60x90<sup>1/8</sup>. Офсет босма усули. Босма табори 36,5. Адади  
2500 нусха. 06-753-бўйртма. Нархи шартнома асосида.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 700047,  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент ш.,  
Навоий кўчаси, 30-уй.